

# Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

47-йил чиқиши



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САЊАТ  
НАШРИЁТИ

1979 5

# Мундарижа

У. Усмонов. Гирдоб. Роман . . . . .	3
Ҳабибий. Машина бу. Билмадим. Ғазаллар . . . . .	75
Шухрат. Ишонч. Шеърлар . . . . .	76
З. Обидов. Она юрт, армоним йўқ. Шеърлар . . . . .	82

Ўқтам

## ЯНГИ ҚИССАЛАР

С. Исҳоқов. Сиртдан тинч дарё . . . . .	86
М. Абдуллаев. Муҳаббат ва ҳақиқат . . . . .	106

## ШЕЪРЛАР

Ҳ. Каримова. Менинг оламим . . . . .	121
Ё. Обидов. Истиқболнинг қўлидан тутиб . . . . .	122
Т. Аҳмедов. Уста Ширин монологи . . . . .	123
Ҳ. Даврон. Шукур Бурҳонов, Қиз ва шамол ҳақи- да эртак . . . . .	124
Н. Куликов. Йил фасллари. Туркум шеър- лар . . . . .	126
С. Кароматов. Олтин қум. Роман. Давоми . . . . .	131
Г. Ломидзе. Ижодий изланиш ва кашфиётлар йўлидан . . . . .	180

## ҚАРДОШЛИК ДАВРАСИДА

Б. Ваҳобзода. Энг буюк мунажжим. Шеърлар . . . . .	188
Ж. Наврўз. Бир дунём бор... Шеърлар . . . . .	197

## ОЧЕРКЛАР

Б. Бобоев. Саркарда . . . . .	201
Т. Қаҳҳоров. Оддий одамнинг бахти . . . . .	207

## ПУБЛИЦИСТИКА

Н. Ҳайиткулов. Икки суҳбат . . . . .	210
--------------------------------------	-----

## ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ш. Шомухамедов. Ибн Сино шеърияти . . . . .	214
Ибн Сино. Ғазаллар. Рубойилар. Байтлар . . . . .	215

## ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Б. Қосимов. Замондошлар, маслакдошлар... . . . .	223
Н. Норқулов, М. Маҳмудов. Икки ҳаёт — икки дунё . . . . .	230

## ТАҚРИЗЛАР

С. Эркинов, У. Тўйчиев. Совет шарқшунослиги- нинг муҳим ютуғи . . . . .	234
А. Эшонқулов. Оригиналликка интилиш . . . . .	236
С. Умаров. Эзгу ният йўлида . . . . .	237

Ўктам Усмонов



# ГИРДОБ

РОМАН

Саратон.

Кун бўйи еру кўкни жизғинак қилиб куйдирган қуёшнинг ботишига сал бор... Ғарб уфқи қонталашиб, осмон заъфарон тусга кирган; олисдаги қорли тоғларнинг тепасигина нилий рангда товланади... Чилонзордаги сарғиш, қизғиш гиштин; кулранг, оқиш йирик панелли баланд уйларнинг кўланкалари тобора узайиб бораётган пайт. Айниқса, тушдан кейин билқиллаб юмшаб кетган асфальт кўчалардан ёқимсиз ҳовур кўтарилади. Қаёққа қарасанг: зув-зув, ғув-ғув машина, тумонат одам; шаҳарликлар ишдан қайтишяпти. Айрим йўловчилар бир ёнга оғиб кетаётган автобусларнинг эшигигача осилиб олишган. Бекатда турганлар ҳам терга ботиб, кеч кираётганига қарамай, соя ахтаришадди... Қани, энди қилт этган шабада юриша қолса...

Қатта йўлнинг нариги бетидаги озиқ-овқат дўконидан одамларга туртина-суртина ёшгина бир жувон чиқиб келди; бошини сочиқ билан ўраб олган, устида ғижимланган эски атлас кўйлак; қўлида бир шиша пахта ёғи. Юзи сўлғин, кўзлари киртайган, юраги торлиги шундоқ афтидан маълум; ўрта бўй, бир қараса — лўппигина, бир қараса — ушоқ болалардек нозик-ниҳол... аммо диққат билан разм солинса, истараси иссиқ аёл.

У шошилиб йўлни кесиб ўтаётган эди, сал бўлмаса машина тагида қолиб кетаёзди. Оч ҳаворанг «Волга» ғувиллаб келиб, жувон четда турса ҳам уни уриб юборгудай ёнидан тақалиб ўтди, йўл четига чиқиб чанг бурқситганча уч-тўрт қадам нарига бориб тўхтади. Машина эшиги очилиб, ундан кун димлигига қарамай жигарранг костюм кийган барваста бир йигит тушди. У тахминан ўттиз ёшларда; тўладан келган, қорамағиз; яғринли, бурнига тегиб турган қуюқ мўйлаби ҳам, жингалак сочлари ҳам тим қора, бароқ қошлари остидаги митти кўзлари кишига қаттиқ тикилади. У жувон томонга аста юриб, кўрсатгич бармоғига илиб олган кумуш занжирли калитини пирпирак қилиб ўйнаган кўйи:

— Яхшимисиз, Салтанатхон? — деди мулойим кулимсираб.

Машинадан қўрқиб кетганидан ҳали ҳам ўзига келиб улгурмаган аёл йигитга ялт этиб ўгирилди-ю бўйнигача қизариб кетди. Қўлидаги ёғни яширмоқчи бўлди чамаси, мажҳул ҳаракат билан у қўлидан бу қўлига олди, бадтар ўнғайсизланди; қоғозга ўраб бермагани учун сотувчини ичида койиди, «Вой, ўлмасам, ҳалиям ечмовдимми» дегандай бошига ўраган сочиғини ушлаб қўйди...

Салтанат деганимиз бу аёл йўлнинг пастидаги ҳу анави баланд иморатда туради; у ҳозиргина қозонга олов ёққан жойида, кўрса: бир ялам ҳам ёғи йўқ. «Магазин беркилиб қолмасин» деган ўйда шошилганча газни ўчириб, уй кийимида ҳалпиллаб чиқиб келаверган эди: эғнида боя айтганимиздай, ўнг қўлтиғи ситилган нимдошгина атлас кўйлак, бош ювишдан олдин сочига қатиқ суриб, сочиқни опала қилиб ўраб олган, оёғида эса ҳовлида илиб юриш учун боғичи қирқиб ташланган, жинжалоғи тушган жойи ёрилиб кетган эски оқ туфли... У ўзини йўқотганидан нима дейишини билмай қолди. Йигит бўлса кулимсираб келиб, унга қўл узатди:

— Ҳалиям қўрқоқ экансиз, Салтанатхон!

— Вой, Йўлдошмисиз? — деди Салтанат энтикиб, худди йигитни энди танигандай.

Йигит Салтанатнинг ўсмоқчилаганини, аслида равиш-рафтори бирдан ўзгарганини дарҳол сезд.

— Чилонзорда туришингизни эшитгандим,— деди у яна калитини ўйнаб. Салтанат ерга қаради. Йигитнинг сержун қўлларига зимдан тикиларкан, бундан анча йиллар бурун худди ҳозиргидай катта кўчада шу қўллар унинг белидан маҳкам қучиб олганини эслади-ю, этлари жимирашиб кетди.— Ишларингиз, соғлиқларингиз яхшими? Қалай, поччамиз саломат юрибдиларми?

Йўлдошнинг «поччамиз» деб бойваччалардек менсимай гапириши Салтанатга бирдан алам қилди, Йўлдошга чимирилиб қаради. Аммо шу заҳоти унинг оч нигоҳидан иймандими:

— Раҳмат,— деди яна ерга қараб. Йўлдошнинг яп-янги қора туфлиси ва дазмоли кетмаган шимига кўзи тушиб, кўнглидан «артистга ўхшайди» деган фикр лип этиб ўтди.

— Уйингиз олисми? Олиб бориб қўяй.

— Йўқ, раҳмат, шу ерда, ҳув ана... Шошилгандан уйда юрганмича чиқиб келаверган эдим...

— Ҳечқиси йўқ. Ҳаммамиз ҳам шу... Шошилганимиз-шошилган... Қаерда ишлаяпсиз?

Салтанат бошини сарак-сарак қилди, кейин:

— Кичкинам бор,— деди овози бўшашиб. Йўлдош калитининг учи билан энгагини қаншиди.

— Унда бизга рухсат! — деди такаббурона итоатгўйлик билан.— Поччамизни сўраб қўясиз. Амакимлар яхши юрибдиларми?

Йигит «амакимлар» деб Салтанатнинг дадасини назарда тутарди.

Салтанат «тезроқ қутулай бу олифтадан» деган мақсадда ёлғондака мулозамат қилди:

— Раҳмат. Меҳмон бўлиб кетмайсизми?

— Насиб этса бўлармиз...— Йигит ҳамон кулимсираб, вақтида ўзини қай кўйларга солган мактабдоши Салтанат ҳозир буткул ўзгариб, ранг-рўйи, туриш-турмуши бир ҳолатда бўлиб қолганига аввалига астойдил ачиниб, кейин ҳам ажабланиб, ҳам ичида бир оз қувонганча, унга қўл узатди, нозик бармоқларини қаттиқ қисиб хайрлашди ва виқор билан рулга бориб ўтирди; аzza-баzza бошини чиқариб, Салтанатга яна бир кулимсиради-ю, машинасини ҳайдади; анча жойгача орқани кўрадиган ойнага аланглаб, йўл четида туриб қолган Салтанатни кузатиб борди. Салтанат ҳам машинага ора-сира кўз қирини ташлаб, рулда кеккайиб кетаётган Йўлдошга қараб-қараб қўярди...

У Йўлдош тўғрисида бултурми, ундан олдинми, ҳозир аниқ эсида йўқ, беҳос ойсидан эшитиб қолганди.

— Анови нариги маҳалладаги Ашроф темирчининг ўғли бор-ку? Мактабда сизлар билан бирга ўқиган?...— деганди ўшанда ойси гапдан гап чиқариб.

Салтанат эслаёлмади.

— Вой, анави тоғаси профессор-чи? Пахта профессори. Энди эсингга тушдими? Мактабдалиқ вақтларингда туғилган кунингга ҳам келувди шекилли?

— Э, Йўлдошни айтяпсизми? — Салтанат шундай деб, бирдан шўхлиги тутиб, қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.— Ойи, янглишяпсиз, у биз билан бирга ўқимаган, икки синф юқори эди. Ҳа, нима қипти, нега уни сўраяпсиз?

— Тунов куни кўриб, бирам ҳавасим келди! Бир келишган, бир тўлишган йигит бўптики... Майда-чуйда кўтариб, Олой бозоридан — дадангнинг олдидан келаётсам, машинасида зув этиб ташлади-кетди. Акангга ўхшаб, чет элда ишлаб келганмиш. Машина ҳам опти! Мен танимабман, у танибди. Даданг ҳам оғзидан бол томиб гапирди, кўрса сира тўхтатмай ўтмас экан, барака топгур...

Онаси шундай деб туриб, қизига: «Мана шунақа йўқни йўндирадиган йигитлардан ҳам топа қолмагансан... аҳволнингни қара!» деган маънода ачингандек туюлганди ўшанда Салтанатга...

У катта кўчани кесиб ўтгач, ҳадеб ўзига-ўзи далда беришга уринди:

— Мақтанчоқ бўлмай ўл! — деди жаҳл билан Йўлдош кетган томонга қараб.— Ҳали ҳам ўша-ўша! Упка!

Шундай деди-ю, аммо кўнгли чўкиб, ўзини ғариб ҳис этди.



Салтанат тўрт қаватли ғиштин иморатдаги ўз йўлакларига кирмасиданоқ ўғилчасининг биғиллаб йиғилаётганини эшитди. Бирдан талпиниб зинадан кўтарила бошлади, лекин шу заҳоти қадамини секинлатди. Нечундир ҳаётдан, ҳозиргина бир пайтлардаги тили қисик одами олдида юзи шувит бўлганидан алами кўзиб, энсаси қотди, ўзидан-ўзи ўжарлиги тутиб кетди. Шошилмай бориб эшикни очди. Аввал қўлидаги ёғни ошхонага олиб кириб қўйди, боласи қотиб йиғласа ҳам, худди гўдакка аччиқ қилгандай бамайлихотир ивирсиб юрди, йиғи сал босилгандан кейин ёнига кирди. Бола шарпани сезиб яна йиғлай бошлади.

Салтанат хона ўртасидаги каравотчани қаттиқ бир уриб:

— Бахтимни қаро қилдиларинг! Умримга заволлар! — деди жазаваси тутиб бақариб. Гўдак гўё онасининг феълини сезгандай, жимиб қолди... Салтанат каравотчага суйанганча анча вақт хомушланиб ўтирди.

Полга тўшалган йўл-йўл шолча попугини бармоқлари билан тараб-тараб ўйнарган, атрофга разм солиб, ўзининг туриш-турмуши, ночорлигидан уялди; бахти очилмай, орзулари чил-чил синганини ўйлаб, юраги ўртанди... Узун хонада боласининг каравоти-ю, Азиз акасининг иш столи. Тўрда четларини ёғ босган сарғиш ёғочли тошойна. Қоғозлар, китоблар ҳам оддий табуреткага тахлаб қўйилган, сал тегса қулаб тушадигандай зўрға турибди. Салтанат ўртадаги очиқ эшикдан «зал»га қаради. Янги квартиралик бўлишганда дадаси мебель дўконидида ишлайдиган оғайнисидан арзонгаровга олиб берган олтита стул билан доира стол, тагида эса энсизгина дорожка. Бурчакда устига парда ёпилган қўполдан-қўпол, экрани кафтдаккина эски «Рекорд» телевизори. Дерезага тақалган нимжонгина диваннинг фақат бир учи кўриняпти. Унинг ёнида пахта гулли чойнак-пиёлалар териб қўйилган қизғиш шкаф. Балкон томондаги эшик қия очиқ шекилли, йўл-йўл гулли парда тўхтовсиз ҳилпираб турибди... Салтанат ҳамма ёқни текшириб чиқаётгандай шифтга қаради: лампочкани қалин чанг босган, шнурининг атрофини эса ис арғимчоқлари эгаллабди. Йўқ, Салтанатнинг кўнгли музлаб кетган... ҳатто уйга ҳам меҳри йўқ... У бирдан рўпарадаги қўшнисини — журналист йигитнинг уй жиҳозларини кўз олдига келтирди. Ҳамма ёғи бадастир! Тўқ қизғиш рангли немис гарнитури оловдай ёнган гиламлар шуъласида баттар жозибали кўринади... Кўчиб келишларидан бир кун олдин Салтанат Азиз акаси иккалови бўёқ ҳиди анқиб турган бўм-бўш хоналарни томоша қилавериш тўймай қаерга нимани қўйишни қайта-қайта маслаҳатлашиб, энди ташқарига чиқишганда мана шу қўшниларини ҳам учратишган, уларникига кириб, янги квартира билан чин дилдан табриклаган эди. Ушанда иккала квартиранинг зиғирча ҳам фарқи йўқ эди. Энди бўлса: осмон билан ер!..

Боласи ёнгишивергач, Салтанатнинг баттар қайсарлиги тутиб, бошини даст кўтарди-да, унинг оғзига жаҳл билан сўрғич солиб қўйди. Хўрсинганча тўрда турган тошойнага тикилди. Қиртайган кўзлари қалин киприклари остидан ҳолсиз термилар, сочиқ тагида кўришиб турган, қаттиқ томчилари оқиб тушиб қотиб қолган пешонасида ажинлар бадтар бўртиб кетган, юзларини ёғ босган, қовоқлари солқиган... Уйда ўтирадиган хотинлиги бир қарашдаёқ билинар эди. Ҳар қалай, шундай бўлмаса ҳам... Салтанатнинг хаёлидан шу фикр ўтди.

«Шуям турмушми?! Қани қизликдаги орзуларим?! — қуйиниб ўйлади у. Бирдан хўрлиги келди.— Ҳаммаси туш экан... Туш экан... Ойим бекорга айтмабди... қандай қўҳли, ёқимли йигит бўпти... Бир оғиз сўзимга томдан ташлашга тайёр турган — шу Йўлдошмиди? Тавба! Умр ҳам шунчалик тез ўтарканми-а?.. Мен аҳмоқ шундай йигитни хўрлабман! Ушанинг уволига қолган бўлмай тагин...»

У яна ойнага қаради. Ранг-рўйи ўзига бадтар сўлғин, асабий кўришиб кетди.

Эшик қўнғироғи жиринглади. Салтанат тўсатдан алами бўғзига тикилгандай, дик этиб ўрнидан турди. У, «эрим келди, бир хумордан чиқиб олай» деб ўйлаганди, эшикни очса: қайнотаси. Бутун умри меҳнат билан ўтгани қайишдек қотиб кетган қўллари, қабариб-қабариб чиққан юзи тўла йирик ажинлари, чаккаларида бўртган томирларидан билиниб турган Қўрғонбой ота бундан тўрт йил бурун кўкламда қуртга барг қирқа туриб дарахтдан йиқилиб оёғи синган, салкам ярим йилча гипсда ётса ҳам, қари суяк яхши битмай, қаттиқ оқсоқланиб, ҳассага таяниб юрадиган бўлиб қолган эди. Чол бечора оппоқ соқоллари селкиллаб, терга ботганча остонада кулимсираб турарди. «Кўзим учиб турувди» деган фикр ўтди Салтанатнинг хаёлидан; азбаройи энсаси қотганидан қайнотасига зўрға пичирлаб «келинг» деди-ю, эшикни очиқ қолдирганча изига қайтди. Қўрғонбой ота «бемаврид келдиммикин»

деган истиҳола билан йўлакда бир оз туриб қолди; кейин бир йўталиб уйга кирди. Қўлидаги қийиқчага ўралган бир кастрюль қатиқни кираверишга қўйди; гўё гуноҳкор одамдай астагина ҳол-аҳвол сўради:

— Қалай, келин, тузукмисизлар? Қудаларим тинчми? Кичкина қалай? Утирай деяптими? Бувиси қатиқ бериб юборди.

Салтанат каравотча тепасида ивирсилана туриб, қайнотасига орқа ўгирганча:

— Ҳали қатиқ ичмайди!— деди кўрслик билан.

Соддадил чол бўлса:

— Ичиб қолар,— деди тик турган жойида каравот панжараси орқали неварасига тикилиб.— Қатиқ одамни семиртиради. Азиз кўринмайди? Ҳали ишдан қайтмагандир?

Салтанат бир юлқиниб ўғлини каравотчадан олди-да, тескари ўтирганча эмиза бошлади; кейин қайнотасига зардали қараш қилди. Бу қарашда «вой, тавба-ей, ўғлингизни энди билиясизми?» деган таъна яширинган эди. Чолга қараб туриб, Салтанатнинг бадтар ғазаби ошди, «Азиз ҳам шу одамнинг боласи-да... қаёққа борарди...» деди ичида алам билан. Қайнотаси эса ҳамон ундан тайинли бир жавоб кутиб на ўтира олар ва на чиқиб кета олар; келинининг қизиққон ва тили ёмонлигини илгаритдан билса ҳам бари бир унинг ҳозирги қилиғидан қаттиқ ранжимоқда эди. У анча кутди... Салтанат без бўлиб ўтиравергач, индамай ковушини кийди. Қираверишга қўйган тугунни ечиб, қийиқчасини бўшатди, «хайр, келин, ишқилиб ўзинглардан тининглар» деб эшикни секингина ёпиб ташқарига чиқди; то ҳовлига тушиб узоқлашиб кетмагунча ҳассасининг «дўқ-дўқи» эшитилиб турди. Салтанат анча вақтгача деразага тикилиб миқ этмай ўтирди, кейин аламидан йиғлашга ўтди...

Қоронги тушгандагина ёғ қиздира бошлади...

## 2

АЗИЗ тажриба участкасидан алламаҳалда келди. Қираверишдаги йўлакнинг лампочкаси куйган экан, зинага тусмоллаб оёқ қўя-қўя иккинчи қаватга кўтарилди. Салтанатни, ўғилчасини уйғотиб юбормаслик учун юзига кўнғир коленкор қопланган эшикни ўзидаги калит билан очди. Энди чироқни ёқаман деб қўл чўзганда қоронғида кўзлари ёниб, худди ўлжа пойлаётган мушукдек йўлакда шифтдай бўлиб турган Салтанатни кўриб, кўрқиб кетди. Шоша-пиша деворни пайпаслаб, чироқни ёқди.

— Салтанат! Нима қилиб турибсан, бу ерда?!

Салтанат йиғидан кўзлари қизарган, эрининг гапига қошини бир чимирди-ю, индамай ошхонага кириб кетди. Азиз апил-тапил оёғини ечиб, Салтанатнинг орқасидан ошхонага ўтди:

— Тобинг қочдимми? Бирор еринг оғрияптими?

Салтанат эрига ўқрайиб қаради; кўзлари хунук чақнаб, лаблари титради ва:

— Мен оғримай ким оғрисин?!— деди ўпкаси тўлиб...

Азиз яна икки ўт орасида қолди. Бир томони, ўзига хотин бўлиб, бир хиллардай мундай бахти очилиб юриш ўрнига йил сайин асабийлашиб, илгариги ҳусни кўркини йўқотиб бораётган Салтанатга ачинса, иккинчи томони ўзининг аҳволидан куйинарди. «Ахир, нима қилсин у? Нияти ушалмаса нима қилсин?! Кўчага чиқиб дод десинми!?»

— Сабр қилсанг-чи, ахир!— деди Азиз ҳам аламли фикрлар таъсирида бирдан қизишиб.— Беҳзод юрадиган бўлсин... Бирга дам олармиз ҳали... Кўрмагандай бўлиб кетасан.

Агар бу гапларни Салтанат биринчи бор эшитаётган бўлса эди,

эҳтимол ишонарди. Лекин ҳозир «кенга — кенг дунё, торга — тор дунё» деганларидек, баттар тутақиб кетди. Азизга қўлларини пахса қилиб:

— Қачон?! Қачон?! — дея ўшқирди. — Гўрга кирганимдами? Жу-вонмарг қилдингиз-ку мени! Афтимга қараб бўлмайдия! Пешонам қурсин!

— Ҳали шуларга мен айбдорманми?

— Сиз бўлмай ким?! Қачон қараса, қўйнимни пуч ёнғоққа тўлғазасиз! Сиз тенгилар ҳў-ў қачон эди — егани олдида, емагани кетида... мил-мил бўлиб кетишган!

— Бас! Менга мол-дунё керакмас! Менга деса, юлдузни узиб олишсин! Мен очимдан ўлганимда ҳам!.. — Азиз бирон ёмон гап айтиб юборишдан қўрқиб, тилини тийди. Ғазабига чидолмай идиш-товоқлар турган шкафни қаттиқ муштлади. — Фан сенга бозор эмас, тушундингми?

— Сизни худо дағдағага яратган! Танглайингизни доянгиз дўқ билан кўтарган! Мақтайверинг ўзингизни, мақтайверинг! Мақтасангиз биров келиб, тап-тайёрини оғзингизга солиб қўяди... Кечагина келган анови Шорасуллар ҳам ҳа демай ишини битириб кетади! Бу авлиё «суддан тиниқман» деб ўзига маҳлиё бўлиб ўтираверади.

Азиз хотинининг бу — ҳам аччиқ, ҳам қўрс гапига нима жавоб беришини билмай довдираб қолди. Охири:

— Бас қил! — деди кўзлари олайиб. — Ёки шу уйни ташлаб кетайми?! Кетсам тинадимни жағинг?! Кетсам қутуламанми?! — Азиз эшикни қарсиллатиб ёпиб, нариги хонага чиқиб кетди. Салтанат эрининг орқасидан еб қўйгудек ўқрайиб турди ва қўлидаги алюмин товоқни шарақлатиб шкаф пештахтасига ташлади, у ҳам боласи ётган хонага кириб кетди. Бир пайт ўғилчаси йиғладими, жазаваси тутиб бақирди:

— Жим ёт, тухуминг қургу-урр! Тинка-мадорим қолмади-ку! Бошимга етиб тинчийсанлар! Сўргани-сўрган-а!..

Чорак соатлардан сўнг Салтанатнинг ҳазин алласи эшитила бошлади. Азиз бериги уйда ётса ҳам хотинининг хун бўлиб йиғлаётганини аниқ сезиб турарди. Кейин бутун уйга оғир жимлик чўкди. Азиз пружиналари ўйнаб кетган эски диванга ўзини ташлаганча изтироб билан ўйлар эди. Охири туриб чироқни ўчириб ётди. Ҳовлидаги симёғоч лампасидан тушаётган ғира-шира ёруғлик ҳам юрагини қисаётгандай, безовталаниб у ёқдан-бу ёққа ағдариларди. «Ҳар куни аҳвол шу... Азизнинг ўзи-ку, иши юришмаётганидан ичини ит тирнаб, еганиям-ичганиям татимай кун сайин эти устихонига ёпишиб боряпти... Уйда бўлса кунин жанжал! Камбағални туянинг устида ҳам ит қопаркан! Бўлмаса зўрға аспирантурага кириб... ярим йил ўқир-ўқимас... тўсатдан домласи вафот этадими? Сергей Матвеевич ҳаммага ғамхўр, илмда тенгсиз нуқтадон олим эди. Агар у тирик юрганда-ю... Азиз бу хўрликларни кўрмасди, аллақачон ёқлаб, дўпписини яримта қилиб юрган бўларди. Эҳ, бу дунёда жонкуяринг бўлмаса чатоқ экан... Афсус, афсус, Сергей Матвеевич ўлиб кетди...»

Аслида Азизнинг дилида туғилган ўша дадил фаразни бошиданоқ қизгин қўллаб-қувватлаган, унга далда ва кўмак берган ҳам Сергей Матвеевич эди. Азизнинг гаплари, вилтга чидамли янги пахта навини яратиш тўғрисидаги академик Вавилов таълимотига асосланган фавқулодда фикрлари, ғўза коллекциясидан бир қанча навни танлаб олиб, ёввойи *mexicanum*<sup>1</sup> (мексиканум) турини вилтга қарши синаб кўр-

<sup>1</sup> Шу ўринда журналхон кўз ўнгига пахтанинг «Тошкент» навини яратган олимларгина келиши мумкин. Бу табиий. Аммо асардаги воқеаларни фақат ўша олимлар ҳаёти билангина чеклаш бадий ижодиёт қонунларига у кадар мос тушмаган бўлур эди. Мен турмушда юз бериши ва учраши мумкин бўлган ҳодиса ва характерларни умумлаштириб тасвирлашга интилганман.



моқчи бўлаётганини ғоят қизиқиб тингларкан, ичида унинг ёшлик ғайрати, янглишишдан ҳам ҳайиқмайдиган ўтли даврига ҳавасланиб қарар эди. Азизнинг кўз ўнгидан ҳали ҳам кетмайди: бир марта Сергей Матвеевич елкасига қоқиб, ёқимтой кўзлари бир оз қисилганча гўё Азизнинг бўй-бастини чамалаётгандай меҳри жўшиб термилган кўйи:

— Балли, ўғлим! — деган эди.— Балли! Юрагингга балли! Фаннинг бир қаноти ҳамиша таваккалга суянади! Балли ўғлим!— Кейин у бир оз ўйланиб, хотирасида ниманидир тиклаб, яна Азизга қараб кулимсираган ва шундай деган эди: — «Хаёл кучи билан яратилган мингларча фикру мулоҳазадан кўра бир донагина тажрибани афзал кўраман». Биласанми, буни ким айтган? Ломоносов!

...Ҳозиргидаки алам ўтиб кетган пайтларда Азиз ўзини-ўзи койишга ҳам тушади. «Кўп қатори тинчгина юравермайманми? Ўзимга душман орттирмай, ўша Муҳиддин Жабборович айтган жўн мавзуга уринганимда-ю... олам гулистон эди! Мана, энди азобига қолдим! Салкам беш йил бўляпти... ҳали ҳеч нарсадан дарак йўқ! Боши қаерда, охири қаерда — ўзим ҳам яхши билмайман! Тўғри, тажриба ўтказаетган энг сўнгги навимда ёввойи ғўзанинг салбий, яъни пуштсизлик, ҳаддан ташқари говлаб кетиш хусусияти деярли йўқолган... айна пайтда маданий навга тегишли жиҳатлари кучайиб боряпти... Аммо кўсакнинг салмоғи, толанинг пишиқлиги, ранги эса ўша ёввойи ғўзаникига тортган... Қим кўринган орқамдан кулиб, мазах қилади. Толмас Азимовдай инсофли олимлар-ку, ачинишади... ўшаларнинг юзига қараш қийин!.. Салтанатнинг гаплари-чи? Уларда ҳақиқат йўқми? Куйганидан жаврайди, ахир... Ҳаммаям айна ёшлигимда кўрсам, дейди. Хўш, бу орзунинг нимаси айбли?! Эҳ, Азиз, Азиз! Ҳеч ким қилмаган ишни қилодурман, деб ўзингча бонг уриб, катта кетмай қўя қол! Фақир киши панада бўлиб, индамай билиб ишингни қилаверганимда-ю, шу пайтгача сўзсиз бир ердан тешиб чиқардинг. Бошқалардан ажраламан дебоқ, мана — оқибат... ҳамма сенга халақит беряпти энди... Эҳ, Азизбек! Бу дунё сенга довр ҳам бўлган, сендан кейин ҳам бир туки ўзгармайди... Сендақа доврлар эса... умри ўтиб, куч-қуввати сингандагина «аттанг» дейди... Фанга сендака савдойилар эмас, аниқ фикрли, эртанги кунни ойнадай равшан кўриб турадиган зеҳнли, чаққон одамлар керак... Сендакаларни бошига урадимми?!»

«Ахир, кўпчилик бировнинг устидан, бир нарсаси борки — кулади! Сўнгги йилларда қўлга киритилган қатор-қатор тажрибаларда, жилд-жилд китобларда аҳмоққа тўқмоқдай қилиб очиқ-ойдин ёзиб қўйилган: янги перспектив нав яратиш учун — сўзсиз маданий навни маданий навга чатиштириш йўлидан бориш керак, деб! Бу — илмий ҳақиқат, ахир! Уни инкор этадиган нима асосинг бор, хўш?.. Оталиқ ўрнида дабдурустдан ёввойи ғўзани ишлатишга қандай журъат этдинг, бунга қандай илмий исботинг бор, қани? Нега энди дабдурустдан бўларкан?! «Эркак ғўзада вилтга чидамлилиқ хусусияти бор» дейсан. Ие, унда унинг наслсизлиқ хусусияти-чи? Ҳосил бермайдиган ғўзани деҳқон нима қилади?..

Йўқ, Муҳиддин Жабборовичдан ўпкаламай қўя қол!.. Ҳамма айб ўзингда... У кўрган ишларнинг аввал сен урвоғини кўр-чи! Ғайирлик қилса, душманлик қилса — келиб-келиб сендай одамга қиладимми?! Тушунмаяпти, деганинг ҳам янглиш гап. Ахир, мундай бир тушунтирадиган, инонтирадиган далилинг борми ўзи?! Нуқул Мичурин, Вавиловларни рўкач қиласан. Қани, зўр бўлсанг, ҳақ бўлсанг ўшаларнинг таълимоти аналда кўрсатиб бер-чи?! Шундай экан, ўзингга бунчалик ортиқча тош қўйма! Қимсан ўзи?!.. Нима иш қипсанки, сенга одамларнинг ғайирлиги келади?.. Тўғри, марҳум Сергей Матвеевич мулоҳазаларингни тинглаб туриб, аввалига: «Бир бош қотириб кўрайчи» дегани ҳам рост. «Ишингни давом эттиравер, дастлабки нитажалари чиқсин,

кейин гаплашамиз» деб кўнглинг учун айтган далдаси, наҳотки, шунча йиллик зое кетаётган умрингга гаров бўла олади, лақма?!.

«Йўқ! Йўқ! Ҳақиқат ҳеч қачон ўз-ўзидан юзага чиқмаган! Илмий ҳақиқатлар-ку... бунинг учун расмана игна билан қудуқ қазिश керак... ҳеч ким юрмаган йўлдан юриш керак... Мана, мавжуд навлар ҳам ҳар қанча ҳосилдор, тезпишар, толаси пишиқ бўлмасин — бари бир, вилтга тоб беролмаяпти... Усимлик аслида ташқи таъсиротдан ўзи ажратган хужайра шарбати билан ҳимояланади. Маданий ғўзада шу шарбатларни вилт қуриштиб ташлаяпти. Ёввойи теҳисапш ғўзасида эса, истаганча бор-у, аммо фойдасиз... Наҳотки, шу иккала самарадор хусусиятни бир-бирига қўшиб бўлмаса? Бўлади! Қўшса бўлади!.. Бунга айни Вавилов, Мичурин тажрибалари гувоҳ!.. Фақат вақт керак! Вақт!..»

Азиз шу зайлда анчагача ўй суриб ётди-ю, охири ҳатто ўзи билмай Салтанатга ўхшаб фикр юритаётганидан, фан, кандидатликни тўғридан-тўғри пул, дунёга боғлаётганидан аввалига ҳайрон бўлди; кейин ўзидан-ўзи уялди. Илгарилари у ҳар қандай илмий мартабаларни ҳам бойлик, ҳузур-ҳаловат билан ўлчамасди, асло! Одамларнинг оғирини энгил қилиш — унинг ёшликдаги бирдан-бир орзуси эди. Бу орзу қишлоқда кўрган анави воқеасидан сўнг қатъий мақсадга айланди. Ушанда Азизларнинг курси пахта териб юрган колхознинг донгдор бригадири вилтга қарши кимёвий дори сепилган майдонга кириб кетиб... узоқ ётган, айни йиғим-терим пайтида оламдан ўтган эди... Азизни биринчи бор қаттиқ ларзага солган, селекционерлик — нақадар масъулиятли касб эканлигини миясига қўрғошиндек қўйган воқеа ҳам ўша ўлим эди. Азиз юрагининг туб-тубида «бу фожиага энг аввало селекционерлар айбдор» дея шафқатсиз ҳукм чиқарганди ўшанда. Шу-шу унинг ягона орзу-мақсади — вилтга ўзи чидайдиган янги нав яратиш бўлди... Мана, энди қараса, хотинининг ногорасига ўйнаб, фанни, ўз келажагини ҳам Салтанат, Шорасулларга ўхшаб пул билан ўлчаяпти...

Азиз яна баттар тутақиб кетди; иштаҳаси бўғилган бўлса ҳам истар-истамас ошхонага кирди, қозонда совуб қолган мошкичиридан олиб ея бошлади. Кейин юраги куйиб, бир кўтаришда ярим чойнак совуқ чойни бўшатди.

Шу пайт ичкаридан шип-шип қадам товуши эшитилди, кейин кастрюлнинг қопқоғи очилиб, қошиқ тикиллади ва сал ўтмай пиёлада қатиқ кўтариб Салтанат кириб келди.

— Намунча уйни бошингизга кўтариб чапиллатмасангиз? — деди у, «ёмон бўлсам ҳам овқатимни еяпсиз-ку» дегандай оҳанг билан.— Дадам келувдилар.— У пиёлани Азизнинг олдига қўйди.— Ётиб қолинг, десам унамадилар... Бошимнинг чап томони кўзим билан қўшилиб шунақанги лўқиллаб оғрияптики. Кеч бўлди мана шу ерим қизийди, худди бир нарса тикилгандай,— Салтанат шундай деб, қафтини чап кўкрагига босди.

— Асабингдан. Врагча бор...

Салтанат Азизга яна ўчакишиб қаради:

— Бу уйда тош-метин одам ҳам адоий-тамом бўлади.

Азиз ҳам ҳозирги хаёллари алами билан елкасини қисиб жаҳлланганча:

— Хўш, мен нима қилай?! — деди қўлидаги қошиқни хотинига нуқиб.— Нега бунча қийнайсан одамни?! Бир қараса — сендан ақллиси йўқ, бир қараса...

— Бу гапни сизга айтишим керак! — деди Салтанат Азизнинг гапини бўлиб.

— Айт, ахир, мен нима қилай?! Айтсанг-чи?

Салтанат «э, сенга ҳам гапми» дегандай қўлини силкиди-да, Беҳзод ётган хонага йўналди. Азиз ранги қув ўчиб, миясида ўткир, ўйиб

оладиган, Салтанатни тоза алам қилдирадиган сўз ахтарар, кўзлари ятлиллаб кетган эди. Охири чидолмай, лаблари гезарганча хотинининг орқасидан бостириб кириб борди:

— Мақсадингни айт! Мақсадинг нима ўзи?!

— Мақсадимми?! — Салтанат эрига дарғазаб қараганидан қошлари хунук ўйнаб кетди. — Дунёга икки марта келмайман, одамлардай яшасам дейман! Менинг нима кам улардан? Кўрманми, карманми? Қачонгача уйимдагини сотиб ейман?! Отам бечора, яхшиям, қўша-қўша гилам қилиб узатган экан! Пешонам қурсин!.. — Салтанат шу гапдан сўнг ўзидан-ўзи хўнграб йиғлай бошлади.

— Сотсанг, ўзингга сарфладинг! Бир тийининг рўзгорга киришгани йўқ! — деди Азиз овози бўшашиб.

— Бир камим сизни боқшим қолувди энди! — Салтанат юзига дувуллаб тушаётган ёшларини кафтига артди. — Бир хил эрларга ўхшаб бошдан-оёқ зарга ўраб қўйсангиз, нақ бўғизлаб ўлдираркансиз! Дадам бечоранинг шунча яхшилигини билмаяпсизми... кўр-басир бўласиз! Олиб келганингиз битта тешик кигиз эди!.. Товоқ-қошиғигача, стол-стулгача — ҳаммасини дадам бояқиш қипти-я...

Азиз миқ этмай қолди. Ҳар гал Салтанат уни мана шунақа жонини кўзига кўрсатадиган аччиқ таъналар, личинглар билан енгади! Ўзиб олади! Азизнинг бирдан хўрлиги келди; бўғзига алам ёши тиқилиб, мункайганча «зал» уйга чиқиб кетди.

Илгарилари у ажабтовур вазмин йигит эди; айрим дўстлари ҳатто «тепса-тебранмас» дейишарди. Лекин кейин у ҳам айниди... Азизнинг назарида биринчи бўлиб хотини ўзгарди. Салтанатнинг ҳар кунги нолишларини, инжиқ болалардек бетайин қилиқларини бора-бора Азиз ҳам кўтаролмайдиган, салга тутақиб кетадиган ҳолга тушди. Гоҳо у хотини билан айтиша-айтиша бирдан тинка-мадори қуриб бораётганини сезиб қоларди. Шундай пайтларда у Салтанатнинг овозини мутлақо эшитмасам деб ўйлар, унинг дилозор гаплари юрагига санчилган зирапчадек кўп вақт уни қийноққа солар, шунда ички бир изтироб билан «шўр пешона эканман» деб қўярди. Кейинроқ эса Салтанат иккови тортишиб қолса, баттар ўжарлиги қўзиб, сен шохида юрсанг — мен баргида юраман, дегандек иш тутиб, то хотини хўнг-хўнг йиғламагунча айтишадиган, охири бир-бирларини очикдан-очик ҳақорат қилишгача бориб етадиган бўлишди. Шундай пайтларда Азиз бутунлай тушкунликка берилиб кетарди...

Салтанат эса, деярли Азизнинг тескариси эди. Жаҳолати келганда бамисоли қутургандай жазаваси тутар, ҳатто кўнгли истамаса ҳам, эрига аччиқма-аччиқ тескари иш қиладиган қайсар аёллардан эди. Айниқса, ҳомиласи анча билиниб, бош боласини кўкси остида авайлаб юрган пайтлари... кўчада Азиз билан қўлтиқлашиб кетаётиб, бехосдан тойиб, музга йиқилди-ю... етти ярим ойлик гўдаги чала тушгандан сўнг... Азиз кўзига жинидан ҳам ёмон кўринадиган бўлди. «Ношуд! Қасофат!» Устига-устак бунга Азизнинг ҳаётдаги айрим «уқувсизликлари» қўшилиб, Салтанат тобора асабийлашадиган; у тез-тез касалхонага тушадиган; уйда ҳам сал нарсага жини қўзиб, эрининг юрагини сиқадиган, дилини хуфтон қиладиган одат чиқарди. Уртада бир неча йил ўтиб туғилган иккинчи ўғил эса, эр-хотиннинг орасини илитмади...

Салтанат мана ҳозир ҳам Азизнинг аҳволини тушуниш у ёқда турсин, унинг дилгир кўринишидан бадтар ғазабланиб, раҳм қилиш қаёқда, кўзига у бадтар ёмон кўриниб:

— Эркак зотига иснод келтирмай бўйинг ерда чирисин! — деди алам билан шивирлаб, юлқинганча шундоқ каравотча ёнига — полга тўшалган ўрнига кираркан. — Узоқдаги қуйруқни деб... энди кулфатини тортяпман! — Бирдан ўпкаси тўлиб, бўғзига тошдай бир нарса ти-

қилди, киприкларига жиқ-жиқ ёш қуйилди. Кейин... кўз ўнгига яна Йўлдошнинг барваста, чақмоқдай қиёфаси гавдаланди.



Азиз ечиниб, кийимларини стул суянчиғига илди, дивандаги кўрпачага ўзини муккаси билан ташлаб, усти очиқ ётаверди. Бир оз эти увишгандан кейингина ўрнидан туриб, бошига ёстиқ топди, диван четига ташлаб қўйилган қуёвлигидаги тўнни олиб оёғига ёпди ва хотини билан боласи ётган нариги хонага қулоқ солди: ўғилчаси бир-икки ғингшиб, жим бўлди; фақат кўчадан ўтаётган машиналарнинг овозигина очиқ деразадан вағиллаб кирар, онда-сонда катта йўлдан бу томонга қайрилганлари эса, ўткир чироқлари билан Азиз ётган хонани бир зумга сутдай ёритиб юборар, кейин бирдан девордан ҳар хил соялар югуриб ўтиб, яна қайтадан хонага ним қоронғи шарпа чўкарди...

Азиз ётган жойида бир неча бор у ёқдан-бу ёққа ағдарилди. Остидаги эски диван сал қимирласа гижирлаб, пружиналари бели, кураги ва оёқларига қаттиқ ботар эди. Вужудини кўнгилсиз, муҳмал, оғир ҳислар чулғаб олганди. Шу аснода у кимдан хафа бўлишини ҳам билмас, фикри айланиб-айланиб охири яна бутун айбни ўзидан кўрар, ичига чироқ ёқса ёришмасди... Кейин, «эрта барвақтроқ турай» деб, мажбуран ухламоқчи бўлди; қовоғига худди қум қадалгандай кўзи юмилмади. Бадтар асаби кўзиди. Ҳозирги дилсиёҳликни унутиш учун... эсига тушган ҳар хил воқеаларни пала-партиш ўйлай бошлади; фикр лахтаклари узилиб-узилиб, ҳиссиз бир ҳолатда ётаверди. Йўқ! Бари бир аламли ўйлардан қутулолмади. Миясига бирдан боягина хотини тилга олган Шорасул келди. Унинг қирғиз қовоқ юзю бароқ қошлари, ҳамма вақт йилтираб турадиган силлиқ қоп-қора сочларию деярли бир нуқтага тикилмайдиган югурик қийиқ кўзларини, қурт еган олди курак тишини эслади... Ҳали Шорасулнинг иши куни кеча ёқлашга тавсия этилганини Салтанат билмайди... билмай, шунча хархаша қияпти... Вой, баъзи олимларнинг кичик илмий советда шунчалик ҳам оғиз кўпиртирганлари! Илмий иш бу ёқда қолиб... Шорасулнинг шахсий хислатларини кўкка кўтаришди обдон. Яхшиямки, мажлис раиси бор, вақти-вақти билан эслатиб турди... Хуллас, ҳарна қилгандаям Шорасул омадли йигит экан... Элчилки! Бироқ олган мавзуси жуда умумий, чайналган мавзу... Азиз илмда биринчи галда амалий иш тарафдори. Аммо бу ҳадеганда кўзга кўринмайдиган, машаққатли, «қора иш». Лекин, бари бир фаннинг ўзаги, пойдевори — факт... Олимлар тили билан айтилган «фундаментал масалаларни ҳам ишлаб чиқиш, тадқиқ қилиш керак, албатта. Лекин бунинг учун олимга океандек чуқур, теран, ҳар тарафлама пухта билим, бир-бирига солиштириб кўрса бўладиган ўнлаб, юзлаб, минглаб илмий далиллар зарур. Назарий масалаларни ечишга бел боғлаган одам аввало ўзи қомусчи бўлмоғи лозим. Бироқ билими чекланган, ўз соҳасини кўламли қамраб ололмаган, бунинг устига қулай имкониятлар тақозоси билангина институт партасидан тўппатўғри илм даргоҳига сакраб ўтган олимваччалар қандай қилиб, ахир назарий, катта муаммоларни ҳал этиб беришсин?! Нарӣ борса аввалги ишлардан кўчириб олиб, мужмал, кераксиз, қуроқ бир нарса ёзгандан кўра, кичиккина фактни атрофлича ўрганган маъқул эмасми? Биз фикрларни эмас, фактларни таҳлил этишимиз зарур! Фандаги энг муҳим нарса ҳам — *фикрлар занжирида фактларнинг қонуний ўрнини топишдан иборат-ку, ахир?!*

Азизнинг назарида Шорасул мутлақо ундайлардан эмасди. Мана, танишганига икки йилдан ошяпти-ю, бирон марта аспирантлар даврасида унинг баҳслашганини кўрмаган, аксинча фан соҳасидаги гаплар

чуқурлашиб кетгундай бўлса, Шорасул бирдан мум тишлаб қолар, худди гапирса хато қилиб қўяётгандек ҳамсўхбатларига жавдираганча индамай ўтираверарди, аммо гапни ҳам бўлмасди. Ишлаётган мавзуси эса, назариянинг айни баҳсли, анча қоронғи соҳаларидан, ғўза генетикасига оид эди.

Азиз Шорасул ҳақида кейинги пайтларда кўп ўйлайдиган бўлди. Айниқса унинг яқингинада келиб, жимгина юриб-юриб, бирдан илмий ишини тайёр қилиб қўйганига аввал инонмади. Кейин ўзича бунинг сабабини қидира бошлади. «Йўқ, енгил ишнинг капалакка ўхшаб умри қисқа бари бир... Ҳеч қачон йўқдан бор бўлмаган... Ахир, чалакам-чагти ишдан қандай қилиб катта натижа чиқариш мумкин?! Бирдан юзага келган нарсаларнинг бари таги пуч... Ҳаётда нимаики мавжуд — ҳаммаси ўзига яраша изоҳга эга. Акс ҳолда у ғайритабiiй ва ноқонунiiй...»

Айни пайтда Азиз Шорасулнинг юмшоқ супурги, ўзидан катта одам уни хафа қилган тақдирда ҳам гўё ҳақоратни эшитмагандай, яна тил-ёғламалигини давом эттираверишига ажабланиб, неча марталаб ёқасини ушлаган эди. Бу эшикдан ҳайдаса, унисидан кирадиган, эгаси тош отиб қувса ҳам сал нари қочиб, яна думини қисганча эргашиб келаверадиган лайчасифат одамлар қайтага тезда ишини битириб, эшагини лойдан ўтказиб кетаверишини кўрган Азиз баъзи-баъзида ўзидан, ўзининг кўпга қовушолмаслигидан, ношудлигидан қаттиқ куйинарди.

...У ўйлаб ётиб-ётиб охири кўзи илинди. Ҳатто бугун тажриба участкасида бўлгани ва Маҳамат чатоқ: «Эрта-индин шаҳарга тушмоқчиман. Шунча йилдан бери ака-укамиз-у, лекин бир-биримизни билмаймиз. Майли, катта бўлсам ҳам мен бошлай қолай... бир кириб ўтмоқчиман» деб адресларини суриштириб олганини ҳам Салтанатга айтолмади. Бунга вақт ҳам бўлмади, мавриди ҳам келмади.



Салтанат ҳам мижжа қоқмай ётарди. У тайинсиз бир азобда тўлганарди. Дилидаги инсоф ва инсофсизлик туйғуси деярли бир мувозанатга келиб қолгани учун ҳам... ҳозир Азизни на қоралашни ва на оқлашни билар, ўз ёғига ўзи қовуриларди.

Болалигида орқа-ўнги бемалолчиликда ўтгани учун унинг ҳаёт тўғрисидаги тушунчалари чекланган, бир ёқлама эди. Ёшлик хаёллари уни олис-олисларга, номаълум кенгликларга элтиб ташлагандики, ундан сира қайтгиси келмас ва қайтолмас эди. У қўйиб берса ўзини ҳамма нарсада юлдузлардек эркин ҳис қилгиси бор эди. Аммо самоватдаги зарралар ҳам сиртдан қараганда ўз билгича ҳаракат қилиб юргандек туюлса-да, аслида умумий қонунга — қудратли тортиш кучига бўйсунинини эса, хаёлига ҳам келтирмасди. Салтанатнинг фожияси шунда эди. У инсон ҳамиша истаганини эмас, кўпинча ўзига ёқмаган ишларни қилишга ҳам мажбурлигини тушунмасди. Натижада у ўз ҳаётини аста-секин азобга айлантира борган эди... Кўпгина аёллар бахт ўрнида энтикиб қабул қилувчи йўргак ювиб, бола боқиш... овқат қилиб эрини кутишлар ҳам — Салтанатга баъзан ҳақоратдек туюларди.

Тор уй, зерикарли тушдек ўтаётган маънисиз умри ёшликдаги орзуларига шу қадар қарама-қарши эдики, гоҳо Йўлдошдакаларни учратганида ўша зиддиятлар шиддатли тус олиб, тушидан бирдан сесканиб уйғонгандек бўлар, ана шунда болалик хаёли яратган жаннатсимон макон ўрнида тўсатдан қақроқ чўлни кўргандай бадтар чорасиз аҳволга тушарди.

...Қоронғи уйда ҳамон киприк қоқмай ётаркан, у яна Йўлдошни эслади. Миясига ғайритабiiй бир тезлик билан «нега унга тегмадим-а?» деган ажабланиш келиб қўнди. «Изимдан соядай эргашиб юрарди...

Тавба!.. Пешона деганлари шу экан-да!..» Кейин Азизни, унинг ўша бир вақтлари Сергей Матвеевичникига қатнаб юрган студентлик йилларини хотирлади.

Шундоқ Салтанатларнинг уйининг нарёғида Сергей Матвеевич Иванов деган машҳур селекционер профессор яшарди. Маҳаллада уни ҳамма ҳурмат қилиб, «Сергей ота» дейишарди; «Ленин йўлланмаси билан Тошкентга келиб, университетда дарс берган», кейинчалик «уруғчилик фанида катта мактаб яратиб... Ўзбекистондаги ҳозирги мавжуд пахта навларининг барини шу чол кашф этган...» деган бир оз муболағали гаплар ҳам юрарди. Буни Салтанат кичиклигида тушунмасди, албатта. Аммо чолнинг «катта одамлиги», «ҳатто министрлардан ҳам зўрлиги» қулоғига қуйилиб қолганди... Хуллас, учи айри йўғон гулдор ҳассасини қўлидан қўймайдиган, жиккаккина, кифти бир оз букик, сочлари ўсиқ, қошлари, чўққи соқоли ҳам оппоқ бу нуроний мўйсафид кириб-чиқиб юрадиган ҳаворанг катта дарвозага Салтанат бамисоли тубсиз сирхонадек қизиқиб қарар, тирқишларидан ичкарига кўзи тушиб қолганда, нақ энтикиб кетарди.

Сергей Матвеевич сўқбабош эди. Айтишларича, кампири тириклигида улар бола боқиб олишган экан. Лекин у ҳам насиб қилмай айни паҳлавондай етилган пайтида урушга кетиб, қайтиб келмабди. Эллигинчи йилнинг кўкламида кампири вафот этгач, бир ўзи қолибди. Шушу чол бояқиш неча йиллардан бери хизматкор ёллаган; у ҳафтада бир келиб кир-чирларини ювиб, уйини саранжомлаб бериб кетаркан. Сергей Матвеевичнинг умри эса, асосан институтда ўтаркан... Шанба, якшанба кунлари бўлса, шогирдлари келиб, ҳовли гавжумлашиб кетар, институтдаги иш бу ерга кўчаркан...

Салтанат шуларнинг барини катталардан эшитган эди. Азиз билан танишишигаям асосан шу Сергей Матвеевич сабаб бўлгани учун ҳам Салтанат марҳум чолни ҳануз яхши эслайди.

Уша пайтларда у тўққизинчи синфда ўқир эди... Бир марта дугоналари билан аллақайси ҳинд фильмини кўриб қайтишаётган вақтида ҳадеб Сергей Матвеевич дарвозаси қўнғироғини босаётган нотаниш бир йигитга кўзи тушди. У қотмадан келган, қирра бурун, ёноқ суяклари бир оз бўртиб чиққан юзлари буғдойранг; оппоқ финкасини каламинка шимиға текис қистириб олган, қўлида каттакон сумка; ёши йигирма бешлар атрофида эди. Салтанат «бу ким экан?» дегандай беихтиёр тикилиб қолди. Шу пайт йигит ҳам бирдан Салтанат томонга ўтирилди ва бегона қиз ўзига босим тикилиб турганини кўриб, негадир кулимсиради: садафдай тишлари ялтиллаб кетди... Салтанатнинг юраги остинустин бўлиб, бирдан юзлари ёнди, дарров кўзини олиб қочди. Оёқлари бўшашиб, сал нари бориб, яна орқасига қараган эди, йигит ҳамон унга тикилиб турган экан. Салтанатнинг бадтар юраги дукиллаб, чап елкаси билан нозли бир юлқийди-ю, баданлари жимирлашиб, югуриб уйига кириб кетди. Узидан-ўзи энтикиб, зипиллаганча меҳмонхонага кирди, дераза ёнига бориб, узун шол парданинг бир четини хиёл кўтарди ва профессорнинг дарвозаси тарафга мўралади. Йигит ҳамон ўша жойида турар, аммо энди ҳадеб Салтанатларнинг уйи томонга аланглаб қарар, ора-сира дарвоза қўнғироғини босиб ҳам қўярди. Кейин сумкасини очди ва кичкина қоғоз чиқариб, нималарнидир тез-тез ёзди, тўрт буклаб почта қутисига ташлади ва Салтанат кириб кетган қўшни дарвозага яна бир неча бор жовдираб қаради-ю, кейин трамвай бекатига томон жўнади.

Уша кундан бошлаб Салтанатнинг тинчи йўқолди. Бўлса-бўлмаса ҳадеб кўчага чиққиси келар, Сергей Матвеевичнинг ҳаворанг дарвозаси кўзига энди бадтар оловдай кўриниб, рўпарасидан ҳар ўтганда хўрсиниб-хўрсиниб қўярди. Шу зайлда орадан бир ҳафталар ўтгач, Салта-

нат кутилмаганда ўша йигитни трамвайда кўриб қолди. Энди кўзгалай деяётган охирги вагонга югуриб чиқиб, шоша-пиша билет олмоқчи бўлаётганида, кимдир: «Салом, яхшимисиз», деди паст, майин овозда. Салтанат ўгирилиб қараса: ўша! «Раҳмат» деди-ю, юзидан бирдан ўт чатнагандай, юраги дук-дук уриб кетди; ёнида дугоналари йўқлигидан ичида қувонди. Йигит ҳам бошқа гапирмай, фақат трамвай бир силтаниб юргандагина Салтанатга беихтиёр бурилди ва атлас кўйлагини туртиб турган муштдаккина кўкраги ва оппоқ, силлиқ бўйнига кўзи тушди-ю, бошқа ёққа қараб олди, кейин трамвай деразасидан лип-лип ўтаётган баланд-паст ҳовлиларга тикилганча, индамай кетаверди. Орада ҳали бир-икки бекат бор! Салтанат орқадан туртиниб ўтаётган йўловчилардан четланиш баҳонасида кўз қири билан йигитга секин қаради: қўлида ўша сумкаси, ўша кийимда; ингичка бўйнини хиёл қийшайтирганча, ҳойнаҳой, Салтанатга қарашга ботинмай нуқул ташқарига кўз тикиб келяпти. Салтанат гўё трамвайдагиларнинг ҳаммаси уни таниб, кўнглидаги пинҳона сирини ҳам пайқаб, бутун ҳаракатини синчиклашаётгандек ҳаяжонда эди. Ўз бекатига етгач худди трамвайдан биров қуваётгандек шошилиб тушди-ю, зипиллаганча кетаверди. Газета дўкончаси олдидаги муюлишга бориб беихтиёр орқага қаради; йигит уч-тўрт қадам нарида Салтанатдан кўз узмай кулимсираганча шошилиб келарди. Салтанат бутун вужудини қандайдир ёқимли илиқлик қамраганча, йигитга ўгринча қарай-қарай бирпасда уйига етиб келди. Дарвоза олдида атайлаб тўхтаб, дераза тагида тош ўйнаётган қўшни болакайларга қаттиқ-қаттиқ гапириб дашном берди; яна профессор уйи томонга секин кўз қирини ташлади. Йигит, кўзи Салтанатда, дарвоза кўнгироғини босаётган эди. Бу гал эшик тезда очилди-ю, ичкаридан профессор чиқиб келди ва йигитни кўриб:

— Ҳа, Азиз келдингми? Марҳамат, марҳамат, мен ҳам сени кутаётган эдим,— деди ва елкасига қоқиб-қоқиб, уйига бошлаб кириб кетди...

Салтанат йигитнинг исми Азизлигини шунда биринчи марта эшитди. Кейин ўзича ҳар хил юмушлар ўйлаб топиб, бир неча бор кўчага чиқиб, ташқарига аланглаб қараса ҳам, Азиз кўринмади. Ҳозиргина ловуллаб турган жисмини аллақандай ёқимсиз кайфият эгаллади-ю, умрида сира бошидан кечирмаган кўнгли хижилликдан юраги сиқила бошлади...

Охири бу сирни ичига яширолмаб баъзи энг яқин дугоналарига кўшиб-чатиб сўйлаб берди. Улар ҳам аини шу хилдаги пинҳона туйғулар оғушида юрганлари, бировнинг севинчини худди ўзиникидек талпиниб қабул қиладиган ёшда бўлганлари учун бу «янгилик»ни жон қулоқлари билан тинглашди ва ҳатто Салтанатга ўзларича маслаҳатлар ҳам беришди. Гўё Азиз Салтанатга тегишли бир буюмдек:

— Бизга уни кўрсат,— деб хиралик ҳам қилишди...

Нимқоронғи уй. Салтанат гоҳ ғамгин кулимсираб, гоҳ хомушланиб беғубор қизлик онларини ўйлар эди. Шу пайт ўғилчасининг каравоти қимирлаб, хаёлини бўлди. Салтанат бирдан кўнгли юмшаб, хўрлиги келди; каравот панжараси орасидан қўлини ўтказиб, боласининг елкасига қоқиб ухлата бошлади. Беҳзод тамшана-тамшана тинчигач, тагин хаёлга чўмди... олис-олисларда, тўғрироғи, йўқликда қолиб кетган тотли дамларни еслаш унинг учун чиндан ҳам оғир эди...

«Сергей отадек профессорникига келиб юрадиган йигит ундай-мундайларданмасдир...— дея мулоҳаза юритганди ўшанда.— Профессорнинг ўзики уни атайлаб кутиб ўтиргандан кейин...» Бадтар Азизни ўйлайдиган бўлди. Тақдир ҳали ўша йигитга дуч қиладими-йўқми, буни билмаса-да, кўнглида нуқул хилма-хил режалар тузар, бундан ҳатто баъзан ўзи куларди. «Эҳтимол, сал ўтмай у ҳам профессор бўлар... Мен

ҳам ўқийман. Қайси институтга десаям — бари бир: киравераман!.. Ҳовли оламиз... Уқишдан қийналиб кетсам, Сергей Матвеевичга ўхшаб хизматчи ёллармиз... Машинамиз бўлади...»

Салтанат ҳали анча ёш бўлишига қарамай, ҳаёт неъматларидан тўйиб фойдаланишнинг қанчалар сурурли эканини олдидаги опалари, акалари, кеннойилари ва ўз оиласи мисолида жуда эрта билиб олган зийрак қиз эди. У ҳисоб-китобли, ўзига бадастир оилада ўсган эди. Отаси кўп вақт савдо идораларини бошқарган. Фақат кейинги йиллардагина пенсияга чиқиб, Олой бозоридаги хўжалик моллари дўконига мудирлик қила бошлаган эди. Шу боисдан Салтанатнинг Азиз сира тушуниб етолмайдиган ғалати-ғалати одатлари бор эди. Борига шукур қилиш, деган нарсани Салтанат умуман тушунмасди...

У кўкраги кўтарилиб, оғир хўрсинди, гўё ёшликдаги ўша енгил хаёлларидан энди ўзи ҳам уялиб, буни ўзгалардан яширишга уринаётгандай бошигача бурканиб олди.

Бошқа жинс дарахтни бошқасига пайванд қилганда бегонасираб, тутиб кетиши қийин бўлганидек, бу кичик оиладаги келишмовчиликларнинг сабабини ҳам анча олисдан ахтармоқ керак эди.

### 3

**САЛТАНАТ** Беходни чўмилтириб ухлатди-да, майда-чуйда кирларини чайиб, ёйди, кейин энгашганча, юзлари бўртиб ваннани тозалаётганида эшик қўнғироғи жиринглади. Қаддини тиклаб, ажабланганча бир дам ўйланиб қолди: ҳали вақт эрта эди. Азиз бу пайтда одатига кўра институтда бўлиши керак. Салтанат, қўшнилardan биронтасидир, деган хаёлда шоша-пиша пешонасидаги терини сидириб, кўкрагига ёпишган қўйлагини кўчирди, у ёқ-бу ёғини тузатиб, эшикка борди.

— Ким? — деди қулфни очишга қўл чўза туриб.

Ташқаридан нотаниш одам «Салтанат» деб шивирлагандай бўлди. Салтанатнинг юраги ўйноқлаб кетди. Жон ҳолатда иккинчи калитни ҳам бураб қулфлади. Нафасини ичига ютиб, қулоқ солиб турди.

— Салтанат, очинг. Бу мен — Йўлдошман.

Салтанатнинг бирдан тиззалари бўшашиб кетди. Нима дейишини билмай чурқ этмай турди. Охири:

— Азиз ака ҳозир йўқлар, — деди ва ўз жавобидан ўйғайсизланиб йўталиб қўйди.

— Ана холос! Тоза бопладингиз-ку! Йўлим тушиб, сизни бир кўриб ўтай дегандим... Майли унда...

Салтанат эшикни очди. Остонада бир ўрам нарса кўтариб Йўлдош турарди. У бошини силкиб имо билан саломлашди-да, туфлисини остонадаги ҳўл латтага қайта-қайта артиб, Салтанат таклиф қилмасданоқ уйга кирди.

Салтанат уни ийманибгина ўртадаги хонага бошларкан, кимдандир афв сўрагандек:

— Қўрқиб кетдим, — деди. — Уят қилмайсиз, ҳамма ёғимиз ҳалигидай... — Салтанат шоша-пиша боласининг диван суянчиғига қатор ёйиб қўйган кўйлакчаларини ва иштончаларини йиғиштириб ола бошлади.

Йўлдош қорозга ўроглик буюмни бурчакка авайлаб тираб қўйди-да, Салтанатга қараб жилмайди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... — у шундай деб, киши билмас зимдан уйни синчиклай бошлади. Салтанат хонадаги нарсаларнинг эскилигидан уялиб, бадтар ўйғайсизланди. Йўлдошни негадир тўрда турган стулга таклиф этди. Йўлдош «Раҳмат, раҳмат», деб ўтирганида, нимжон стул худди жон киргандай ғижирлаб кетди. Салтанат хижолат



чекканидан яна йўталиб қўйди ва ўзи ҳам берироқдаги курсичага авайлаб ўтирди. Йўлдош дераза ёнидаги баҳайбат, экрани эса кичкинагина «Рекорд» телевизорига кўз қирини ташлади. Салтанат буни сезиб:

— Азиз ака бултур айтгандилар, каттасига алмаштираман деб. Мен кўнмадим. Кичик бўлгани билан етти йилдан бери тик этмайди, яхши кўрсатади,— деди. Ичида эса: «Бу олифтага қаердан ҳам йўлиқдим-а, энди олдига нима қўяман, оқ қанддан бошқа ҳеч нарсам йўқ эди аксига» дея кўнглидан ўтказди. Кейин «Мен ҳозир» деб ўрнидан тураётганида жонига Йўлдошнинг ўзи оро кирди:

— Салтанатхон, чой-пойга овора бўлманг, мен атиги бир минутга кирдим, холос. Ишим зиқ. Ҳар қанча тиниб кетганингда ҳам... мактабдошингни кўрсанг, одам шошиб қоларкан. Уша кунни сизни кўрдим-у...

Салтанат шоша-пиша:

— Раҳмат,— деди гўё ортиқча, ноўрин гапнинг олдини олмоқчи бўлгандай. Аммо дилида: «Бу нима дегани, тавба» дея ўйлади ва сергакланиб, аёлларга хос сиполик билан ёқаларини беркитди. Буни Йўлдош ҳам сезиб, гапини бошқачароқ изоҳлашга тушди:

— Бувим айтардилар: «Одам ўттизга чиққунча... ундан у ёғи шунақанги чопқиллаб кетадики...» Кулардим. Мана, энди бошимизга тушяпти... Шунданми, сизни кўрдим-у, ишонасизми, худди ёш бўп кетгандай бўлдим. Бола-чақа орттиргандан кейин қизиқ экан... Қулоғи очиб қўйилган ариқдек уйдан — ишга, ишдан — уйга зувуллаб боравераркансан... Ушалса-ушалмаса орзули бўлиб яшаган тузук экан...

Йўлдошнинг бу фикрлари Салтанатга ҳам ёқиб тушгани учун хиёл кулимсиради, кафтларини ўйнаб ерга қаради.

Шу пайт бирдан нариги хонада Бехзоднинг аксиргани ва йиғиси эшитилди-ю, Йўлдош бир оз саросималаниб ўрнидан турди ва бегона уйда бировнинг хотини билан якка ўзи ўтиргани гўё энди эсига тушгандай: «Хўп, хайр бўлмасам... мана, кўрдим, вақт топсам яна кирарман» деди-да, Салтанатга қаради. Кейин «Албатта, сиз қарши бўлмасангиз» дея пайпаслаб ҳам қўйди. Салтанат, гарчи кўнглида «Тезроқ кета қолсайди» деб турган бўлса-да, бари бир мужмал бир кайфиятда ўрнидан кўзгалди:

— Утирсангиз бўларди, ҳали замон Азиз ака ҳам қайтиб қолардилар, танишиб олардингизлар,— деди бўшгина.

Йўлдош божаси Шорасулдан яқингинада эшитган янгилигини айтиб юборишига сал қолди. «Поччамиз Азиз ака тоғамизнинг аспирантлари эканлар-ку» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган жойида нимадандир истиҳоло қилиб айтмади. Фақат:

— Қачон қайтадилар?— дея ноўрин савол берди.

— Ҳар якшанбада колхозга — тажриба участкасига борадилар... ўшанда бир оз кечикадилар. Бошқа кунлари эса, вақтида қайтадилар.

Бу, бир жиҳати, Салтанатнинг: «Азиз ҳозироқ эшикдан кириб келиши мумкин, тезроқ қорангни ўчир» деб шама қилаётгани эди. Йўлдош эса унинг соддадиллик билан айтган бу гапидан ўзича хулоса чиқариб олди... Кейин бурчакка қўйган қоғоз ўрамига кўз ташлади-да, Салтанатга анави кунги кўчагадидек оч нигоҳ билан тикилди ва:

— Э, танишишга улгурамин ҳали,— деди яна кулимсираб. Буюмни олиб, Салтанатга яқин келди:

— Бу сизга! Эсингиздами, ўнинчи синфда ўқиётганингизда берган ваъдам?

Салтанат «вой, наҳотки» дея савол берган одам қиёфасида ҳайратланиб:

— Қандай ваъда экан? Йўқ, қўйинг! Эслолмаяпман,— деди бўйнигача қизариб, лабларини буриб, елкасини учираркан.

— Эсланг... Олмасангиз хафа бўламан.

— Йўқ, олмайман, Йўлдош ака. У киши кўрса нима дейдилар...

Йўлдошнинг баданлари жимирлаб кетди. У Салтанатнинг оғзидан «Йўлдош ака» деган сўзни биринчи бор эшитиши эди. Гарчи Йўлдош икки-уч ёш катта бўлса ҳам болалик эмасми, мактабда Салтанат уни «Йўлдош» дер эди. Қувонганидан у бирдан чеккиси келиб кетди. Чўнтагидан сигарета чиқариб лабига қистирди-ю, зажигалкаси машинадаги костюмида қолганини эслаб, Салтанатга «гугуртингиз борми» дегандай термилди. Салтанат яна аксира бошлаган ўғилчасининг олди-га йўналди. Йўлдош шундагина бу ерда чекиш ноқулайлигини сезиб, сигаретасини чўнтагига солди. Сал ўтмай Салтанат Беҳзодни кўтариб чиқди. Кўзлари қоп-қора, ўзи оппоқ Беҳзод майин сийрак сочлари терлаб қулоқларининг орқасига ёпишганча, жажжи муштчалари билан кўзини тўхтовсиз ишқалаб, йиғлашга тайёр турарди.

Гўдак бўлса ҳам орага учинчи одам қўшилганидан сўнг Йўлдош ўзини ноқулай ҳис этди. Бунинг устига Беҳзоднинг қўлини ушлаб эркалатмоқчи эди, у онасига қочиб, чириллаб йиғлаб юборди.

— Олмасангиз хафа бўлман, арзимаган нарса,— деди Йўлдош кетишга чоғланиб.— Масалан, бизда бунақа буюмлар жуда кўп, менинг ишим ҳам йўқ... суриштирмайман... кеннойингиз кўпини менга кўрсатиб ҳам ўтирмайди...

Салтанат ерга қаради. Индамади. Йўлдош хайрлашиб чиқиб кетди. Салтанат бир қўлида ўғли, бориб эшикни беркитди ва зинадан шипшип тушиб бораётган Йўлдошнинг қадам товушларига қулоқ солганча, остонада бир оз михланиб турди. Кейин бирдан ўзини енгил ҳис этди...

«Тавба! Хўп қизиқ гапларни айтди-ю... «Кеннойингиз кўпини менга кўрсатиб ўтирмайди». Бу — эрингга кўрсатма, деганимикин? «Берган ваъдам эсингиздами?» Тавба, нима ваъда берган экан? Нима деб валақлагани эсимда турарканми?!— Салтанат қаттиқ кулиб юборди ва қувончи ичига сирмаганидан Беҳзодни чўлпиллатиб ўпди.— Тавба! Орадан шунча йил ўтиб кетибди, лекин унутмабди...»

Мана шу «лекин унутмабди» деган фикр унга қандайдир ғалати, қандайдир жуда ҳам аҳамиятли бўлиб туолди. Кейин ўғлини диванга ўтқазиб, Йўлдош ташлаб кетган ўрамнинг ипак боғичларини бўшатиб очиб кўрди. Қараса, коса шаклидаги катта-катта иккита биллур идиш. Биттасини қўлига олиб айлантирган эди, деразадан тушаётган кечки шафақда ялт-юлт нур соча бошлади. Беихтиёр чойнак-пиёлалар турган шкафга юзланиб, сепига ойиси қўшган бир жуфт конфет соладиган биллур талинкага қаради. Ҳар ҳафтада икки мартадан чангини артиб, жойига қўядиган у идишлари Салтанатнинг кўзига ҳозир жуда ҳам жўн, оддий шишадек кўриниб кетди. Йўлдош ҳадея этган биллур косаларнинг гули майда, шакли ҳам замонавий, кўзни қамаштиради.

«Қўлда буларнинг ҳар бири юз сўмдан ортиқ турса керак...— дея фикрлади Салтанат.— Э, тавба! Нима ваъда берган экан жуда, ҳайронман? Лекин, қойилман, унутмабди... Мен бўлсам бу қулоғимдан кириб, унисидан чиқиб кетарди... Нима деган эди? Тавба! Шунча йил ўтиб унутмабди-я, бояқиш! Демак... кўнглида бор экан! Бекорга кетимдан чопиб юрмаган экан... Севаркан!.. Севаркан... Ахир, пешонамга ёзилгани шу бўлса, айб мендами? Муҳаббатнинг кўзи кўр дейдилар! Қисмат дегани шу: олдиндан оқади — қадрламайсан... Кафтингда туради — кўрмайсан, ўз қўлинг билан ташлаб юборасан... Эҳ, ҳаётда бир мен шундайманми? Юзлаб, минглаб одамлар шундай-ку... Ҳаммасининг кўзи кейин очилади... Кейин очилади!.. Кейин эса фойдаси йўқ... Қайтага зиён. Баттар азоблайди... Шунча йил ўтиб, унутмабди-я!.. Вой, тентак! Ҳалиям қолмабди тентаклиги! Шу гаплари чинмикин? Ёки мени лақиллатяптими?.. Тўхта! Тўхта! Топдим! Топдим! Эсладим! Унингчи синфда-

ги воқеани айтяпти! Имтиҳон куни бўлган воқеани! Ҳа, ўшани айтяпти? Муаллимларимизга гул олиб кетаётганимда... қитмирлик қилиб чинни гулдонни синдириб қўйганини айтяпти...

□

Ушанда Салтанат ясан-тусан билан биринчи давлат имтиҳонига бораётган эди. Кўчада кутилмаганда Йўлдошга дуч келиб қолди-ю икки йил ичида одамнинг шу қадар ўзгариб кетишига ҳайрон бўлиб, ёқасини ушлади. Хаёлида дарров уни Азизга солиштириб кўрди. Йўлдош бурқиратиб папирос чекиб келаётган экан. Салтанат унинг чека бошлаганини ҳам биринчи ўшанда кўрган эди. Йўлдош Салтанатга кўзи тушиши ҳамон бирдан лабининг таноби қочиб, шоша-пиша папиросини ерга ташлаб, оёғининг учи билан босиб, чўғини эзиб ўчирди. У семириб, катта кишилардек яғрин қўйиб етилган, қарашлари энди хотиржам, энг кулгилиси: мўйлаб ўстирибди, қундуздек жингалак сочлари ҳамон ўзига ярашган. Салтанат у билан эски қадрдонлардек сўрашди... Ҳар қалай шу йигитнинг илк балоғат талпинишлари, мусаффо туйғулари Салтанатнинг изларида қолган: бу ўз-ўзидан Салтанатга қандайдир ички бир мажбурият юклар эди. Буни Салтанат биларди. Аммо аввал бошданоқ унда Йўлдошга нисбатан жиддий бир ҳиссиёт уйғонмагани учун бечора йигитни қийнаб, зимдан мазах қилгани-қилган эди, Йўлдош эса Салтанатни кўрганда расмана ўзини йўқотиб, бир оғиз ҳам гапиролмай, фақат Салтанатга илҳақ бўлиб тураверарди. Салтанат ошиқ йигит нигоҳи ва кўксидаги ўтли жароҳатни гоҳо атайлаб алангалатар, ҳар хил қилиқлар билан унинг рашқини кўзғатар, азобидан завқланар, хуллас мактабда «донғи» чиққан шу «шўртум-шуқ болани» ипакдай эшиб қўйган эди бир вақтлари...

Ушанда Салтанат имтиҳонга шошмаётганда, эҳтимол, у билан бамайлихотир гаплашиб, ҳол-аҳволларини суриштирарди. Аммо аксига... Йўлдош ҳам энди бурунгидай тортиниб, қимтиниб ўтирмай, тўппа-тўғри Салтанатнинг қўлидаги гулдастани ҳидламоқчи бўлди:

— У-ҳў, зўр-ку. Эгаси ким экан?

У гулни ҳидлаш баҳонасида Салтанатнинг билагидан ушлади. Салтанатнинг юраги шувиллаб, атрофга олазарак аланглади; кап-катта кўча-я! Беихтиёр гулни Йўлдошга узата туриб, «эгаси — бугун имтиҳон оладиган Холдор ака» демоқчи эди, бунинг ўрнига чувалчанг босиб олгандай «вой» деб қичқирганча жон ҳолатда орқага чекинди. Йўлдош гулнинг новдасидан ушлагани учун тагидаги сув солинган ихчамгина чинни гулдонни кўрмадими, у ерга қарсиллаб тушиб чил-чил синди. Йўлдошнинг шим почалари, Салтанатнинг баланд пошна туфлиси жиққа ҳўл бўлди. Гулдаста ҳамон Йўлдошнинг қўлида; чала тозаланган тиканлари кафтига кириб, кўзлари чақчайса ҳам, сир бой бермай Салтанатга жилмайиб турарди. Кейин икковлари бирдан кулиб юборишди.

— Хафа бўлманг, Салтанат,— деди Йўлдош охири тепиниб-тепиниб почасининг сувини қоқаркан.— Мен сизга кейин тилласидан олиб бераман.

— Нима бало, тилла конида ишляяпсизми?!— Салтанат юлқинди.

— Илгари ишламасак ҳам энди ишлаймиз, сиздан қутулиш учун,— деди Йўлдош кулимсираганча гулдастани узатаркан.

Салтанат бошқа индамади. Гулдастани олиб, мактабига қараб тез-тез юриб кетди...

Йўлдош Салтанатга еттинчи синфдан бери *бошқача* қарарди; у пайтда ўзи тўққизинчида ўқирди, анча зийрак бўлгани билан аммо қунти кам, жанжалкаш, «кучлиман» деб синфдошларига кун бермас, айрим

муаллимларга ҳам тик қараб, баъзан уришиб дарсидан чиқиб кетаверадиган интизоми бўш ўқувчи эди. У Салтанатнинг изидан бир йилдан ошиқроқ эргашиб юрди. Охири Салтанатнинг кўнгли йўқлигини, ҳатто орқасидан майна қилишларини пайқадими, бирдан индамай кетди. Салтанат кейин уни Йўлдош ўрни битирганда ёз пайти мактаб кутубхонасида кўрди.

Салтанатнинг юраги илк бор ўшанда шув этиб кетган, Йўлдошнинг тўсатдан ўзгариб, бунчалик кўримли бўлиб қолганига тўғриси ажабланган эди. Ушанда Йўлдош башанг кийиниб олган, қўлида қалин дафтар билан бир-иккита китоб, қаёққадир шошиб кетаётган экан. Салтанатга остонада дуч келиб, биринчи марта унга дадил яқинлашиб:

— Салом, Салтанат! — деганди қўл узатиб. Салтанат кўришгач, ўзидан-ўзи гап бошлаб кетганди: — Политехникага кираман. Физикадан беш бўлди. Эртага иккинчи имтиҳон: математика.

— Яхши... — Салтанат унга чинакам ҳавас билан қараганди...

Шундан кейин Йўлдош анча вақт кўринмади. Институтдан қўлаганини Салтанат кейинроқ эшитди, ҳатто профессор тоғаси ҳам ёрдам беролмабди... Охири, ўзи азалдан таваккалчи, айтганини қиладиган йигит эмасмиди, бульдозерчилар тайёрлайдиган ҳунар мактабига ўқишга кириб кетибди... Азиз билан танишганига анча бўлгани учун ҳам Салтанат бу янгиликни эътиборсизгина эшитди ва тезда унутиб юборди... Орадан икки йил ўтгач, кўчалдаги анови кулгили воқеа юз берди... Кейин Салтанат турмушга чиқди... биринчи бола насиб этмади... Энди Беҳзодлари бор...



«Қизиқ бўлди-ку, — деди Салтанат ўзига-ўзи биллур идишларга кўз ташларкан. — Азиз акамга нима дейман?! Тавба, шунча йил ўтиб... арзимаган битта гулдонни унутмабди! Ҳалиям ўша-ўша: тентак! Тўппа-тўғри кириб келаверганини-я! Қўрқмабди-ям... Эркак кишига бало ҳам урмайди... Менга мақтанмоқчи бўлгани бу! Ҳе, матоҳинг қурсин!.. Бекор олдим, бекор олдим... Нега қайтариб бермадим?.. Бўлар иш бўлди энди... Буни даф қилиш керак... Айтмасам, Азиз акам қаердан билиб ўтирибди? Ғўзасидан бошқа нарсани ўйламайди-ку у...»

Салтанат қанча ўй сурди, аниқ билмайди. Қизлик дамлари, ўқувчилик йилларини эслаб, юзини ҳазин табассум эгаллади. Ҳали ҳам диванда ўтирганча олдига уйиб олган ҳар хил ўйинчоқларини бир-бирига отиб ўйнаётган Беҳзодни даст кўтариб, лўппи юзларидан яна чўлпиллатиб ўпди ва:

— Вой, йиғлоққичамдан ўргилай! Вой, қоровулчамдан ўргилай! — дея қўлида отиб-отиб эркалай бошлади... Кейин ичкари уйдаги сандиқни очиб, Йўлдош ташлаб кетган биллур идишларни келинлигида кийган оқ ҳарир кўйлагига ўради-да, бир чеккага бостириб қўйди. Сандиқ устига яна кўрпа-тўшакларни йиғиб, ошхонага кирди. Холодильникни очиб, «нима овқат қилсамикин» деб ўйланиб қолди.

## 4

**УРУҒЧИЛИК** институти шаҳар марказидан хийла четда жойлашган, бир томони колхоз далаларига туташиб кетади; анча илгари қурилган бино бўлса керак, деразалари катта-катта, тунука томли, кираверишида қабарик гербли баҳайбат кунгураси ҳам бор. Аввал герб зарҳал рангга бўялган шекилли, ҳозирги сидирга оҳаклари у ер-бу еридан кўчиб, ола-чалпоқ бўлиб, герблиги ҳам унча билинмайди. Тепароқда қизил алвонга битилган «Пахта — бойлигимиз» деган шиор. Залворли очиладиган икки табақали заранг эшикка олиб чиқадиган йирик-

йирик учта гранит зина ҳам йиллар ўтиши билан анча ейилиб кетган. Зинанинг икки четидаги пахта чаноғига ўхшаш бесўнақай бетон тувакларга ҳар хил гуллар экиб қўйилган. Эшикдан кириш билан кенг йўлак бошланади ва у уч-тўрт қадамдан сўнг чапга бурилиб, то бино охиригача икки тарафда бир хил хоналар қаторлашиб бораверади. Хона эшикларининг бари икки табақали, ярмигача ойнаванд. Деярли ҳамма хоналарда сарғиш шкафлар кўриниб туради, уларнинг тепасига ҳар хил бурама қоғозлар қалаб ташланган. Йўлак охирига етилгач, бу бир хиллик кескин ўзгаради. Журнал-газеталар учун қўйилган пастак стол ва икки-учта янги креслолар кўзга чалинади; йўлак полига бу ерга келганда гулдор линолиум ётқизилган. Деворларда турли-туман жадвал ва кўрсаткичлар; пахта навларининг намуналари; дераза пештахтасида эса, тувакчаларга экилган гуллар. Худди пуфлаб шиширилгандай силлиқ қабарик қора чарм эшикка йирик-йирик босма ҳарфларда «Директор» сўзи ёзилган. Илгари директор кабинети иккинчи қаватда бўлган, зилзиладан кейингина пастга кўчирилган. Қора чарм эшикни очиб ичкари кирилса, кичик бир ҳовлидай қабулхона. Шундай ўнг бурчакка одам бўйи келадиган қадимги соат қўйилган. Рўпарадаги баланд дераза тагида котоба қизнинг ихчамгина столи устида машинка. Қабулхонанинг бир томониغا қатор стуллар терилган. Деворларда Дарвин, Мичурин, Тимирязев ва яна аллақимларнинг портретлари. Қабулхона полида ҳам худди йўлакдагидек гулдор линолиум...

Азиз билан Шорасул ўтирадиган хона қабулхонага келаверишда бу ёқдан санаганда тўртинчи эшик. Азиз дам олиш куни бўлишига қарамай, хонасида бир ўзи ёлғиз ўтирибди. Доим одам қайнайдиган тўрт қаватли институт биносида бугун ҳеч ким йўқлигидан аллақандай ғайритабиий, ёқимсиз сукунат ҳукм сургани учун Азиз ҳар қанча уринса ҳам қўли ишга бормай, хаёл олиб қочарди. Ташлаб юборса бўладиган пастак эски столига бошини эгганча, ҳадеб пешонасини тириштириб ўз ташвишини ўйларди... Аспирантурани тугатганига ҳам... мана, уч йилдан ошяпти. Яна ўша — эски иши — лаборантлик вазифасида, оладиган маоши тўқсон саккиз сўм. Бир ёқда оила, бола-чақа... ҳарҳашаси оламни бузадиган хотин... Турмуш эса ўсиб кетяпти...

Шуларни ўйлаганда Азиз худди боши берк кўчага киргандай меровсираб қолар, турмуш муаммолари хусусида хотинига ўхшаб майда ўйлар, майда туйғуларга кўмилиб кетар, «илм—жафоли, кети—вафоли» деган осон насиҳатларга ҳам ишонмай қўярди. Ғайрати жўшиб, ишга киришиб кетган пайтларида эса, оила икир-чикирларини нутиб, тўғрироғи, улардан ўзини баланд тутиб, «Инсон боласининг катта мақсади бўлмоғи керак» деган кўтаринки фикрлар оғушида юрар... пахтакорга ҳозир сув-ҳаводек зарур бўлиб турган заволсиз нав яратиш орзуси кўнглида бадтар аланга олиб, нуқул ўз кашфиётини ўйлаб, эртанги кунига зўр умидворлик билан қарарди. Аммо, афсуски, ҳаёт бошқа-ю, хаёл бошқа экан...

Ҳозир ҳам Азизнинг дили хуфтон; кўтаринки кайфиятидан асар ҳам йўқ. Туни билан мижжа қоқмай, уҳ тортиб, охир-оқибатда яна ўзини айбдор деб топди. «Сен молпарастсан, мен фан кишисиман, олимпан» деб дабдаба қилган билан бирон нарса ўзгариб қолмайди-ку, ахир, Салтанат бечорада айб йўқ...

Четларига қачонлардир сиёҳ томган, ойнаси тагига ҳар хил жадваллар қистириб қўйилган столидан кўз узиб, негадир шифтга қаради. Тепадаги фанер шифтда қанотларини ёйиб учишга ҳозирланаётган бургутларга ўхшаш иккита баҳайбат вентилятор чанг босганча осилиб турибди. Улар ҳатто ёзда ҳам айланмайди. Бир ишлатмоқчи бўлиб уриниб кўришганда тариллаган овозидан безор бўлиб кетишди. «Наҳотки шундай... Қаёққа қарасанг — чегара, ҳошия... Анави ойнаванд

кўргазмаларга қўйилган янги пахта навлари ҳам ҳошияланган... Утирган хонаси ҳам, гарчи жуда баланд ва кенг бўлса-да, тўрт бурчак... Қаёққа қарама — тўрт бурчак... Умрининг ўзи ҳам вақт билан чегараланган-ку, ахир! Чегараланган! Азизнинг мана шу кичкина иши ҳам... Акс ҳолда, у якшанба куни келиб, бир ўзи шу хонада қоғоз титкилаб ўтирмай, хотини билан ўғилчасини оларди-ю, дадасиникигами ёки шаҳар четигаги сўлим бир жойгами зувв этиб кетарди-қоларди. Аслида Салтанат ҳам шуни истайди! Наҳотки, бу истаги ноўрин бўлса?.. Мана энди Азиз якшанба куни ҳам келиб, директорнинг шахсий топшириғини қилмоқчи: Расул Оллоёрович тузиб чиққан чала-чулпа жадвалларни бир-бирига қиёслаб, солиштириб, ҳақиқатга яқинлаштириши керак... Якшанба куни эса унинг учун *тўхтаб қолгандай*... Азиз дам ҳам олмайди, худди механизмдай, муруватини бураб қўйса — бир маромда юрaverади. Унда на юрак, на ҳис-туйғу бор... у — машина... Салтанат мана шунисига қуяди. Ахир, у ҳақ эмасми?!»

Азиз истар-истамас ўрнидан туриб, рўпарадаги — тутқичларнинг атрофини ёғ босиб кетган сарғиш шкафни ғичирлатиб очди-да, кеча ўзи қўйган семиз папкани олди.

Шу аснода худди кутиб тургандай Расул Оллоёрович қабулхонасидан данг-дунг овоз эшитилди. Азиз нафасини ютиб, беихтиёр кейинги дақиқани пойлади; кабинет ичидаги осма соатнинг ҳам тантанавор даранг-дурунги қулоғига чалинган, кимсасиз институт йўлакларини юракни аллаловчи майин оҳанглар қамраб олди... Шундоқ қабулхонага кираверишда — ўнг бурчакда турадиган одам бўйи қадимги соат Азизнинг кўз ўнгига келди. Биринчи ўша занг урди, кейин унга кабинетдагиси «жўр» бўлди. Бу товушлар институт ходимларининг барига таниш эди. Ишга келиш, овқатга чиқиш, ишдан кетишга ҳам шу овозлар белги эди.

Азиз Расул Оллоёровичнинг, гарчи ўзи элликлардан ошган бўлса-да, анча ёш кўринадиган бардам қиёфасини кўз олдига келтирди. У ўрта бўйдан сал баланд, очиқ юз, ҳамиша босиқ ва салобатли гапирадиган, доим бировларнинг ташвишида куймаланиб юргандай кўринадиган ёқимтой одам эди. Одми, сипо, тоза кийинарди-ю, кўзойнакка зеб берган эди. Чўнтагида хатга, залга, узоқ ва яқинга қарайдиган иккита, ҳатто учта нафис кўзойнак олиб юрарди.

Кеча Азиз кирганда ҳам у битта кўзойнагини авайлаб ғилофига солиб, бошқасини тақаётган экан. Азизни кўриб, оғир заранг ёғочдан қилинган, оёқлари шернинг панжаларига ўхшатиб ишланган катта столдан турди-да, унга рўпарадаги юмшоқ креслони кўрсатди. Юзларига кулимсираб тикилиб:

— Азизжон, ишлар қалай? — деди овозидан меҳр ёғилиб.

— Раҳмат, домла.

— Раҳматни қўйинг. Кўзингиз айтиб турибди: хафароқ кўринасиз. Нима гап? Айтаверинг. Менга айтмасангиз, кимга айтасиз?

— Йў-ўқ. Ҳеч гап йўқ. Сал тобим қочиброқ турибди.

— «Қочиброқ турибди»ми ёки «қочган»ми? «Қочган» бўлса, докторларга қаратайлик. Қурбимиз етади, тортинмай айтаверинг.— Расул Оллоёрович кенг қаншарини силаб, Азизга самимий тикилди.

— Раҳмат, домла, эътиборингиз учун. Сал шамоллаганга ўхшайман.

— Унда ихтиёрингиз. Мабодо ёрдамим керакми, марҳамат, сира тортинманг...

Расул Оллоёровичнинг одатини Азиз яхши биларди. Бирор жиддийроқ топшириғи бўлса, гапни мана шундай узоқдан, ҳол-аҳвол суриштиришдан бошларди. Охири илмий иши билан ҳам қизиқарди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди:

— Азизжон, анави тажриба ишларингиз қандай кетяпти? Бирон натижа чиқай дейдими?

Азиз елкасини қисди. Кейин гўё Муҳиддин Жабборовичдан ўпкалагандай:

— Домла ҳалиям ўша эски фикрларида турибдилар,— деди ҳафсаласизлик билан.— Илмий ишдан кўра кўпроқ ихтирочиликка берилиб кетганмиш. «Сиз рационализаторлик бюросида эмас, фан даргоҳида, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ йил олдинни кўзлаб ишланадиган даргоҳда хизмат қиляпсиз, тушундингизми?» деганлар хў бошидаёқ бир марта. Умуман, қилаётган ишимдан куладилар. Ўзимга индамайдилар, орқаворатдан эшитиб қоламан...

Бу гапдан Расул Оллоёрович сезилар-сезилмас ўнғайсизланди. Чунки у Азизнинг фикрига бирор муносабат билдириши, яъни Муҳиддин Жабборовични ё қоралаши ёки ёқлаши зарур эди. Шу сабабли ҳам кейинги фикрини анча мужмалроқ шаклда баён этди:

— Майли, домлангиз сизни тушунмаётган эканлар. Хўш, ўзингизчи, қўлингизда нима далилингиз бор? Шунча йиллик уринишдан бирор натижа чиқдими?

Азиз жавобга шошилмади. Чунки уни айна шу савол қийнаб юборган эди. Бундан анча йиллар олдин энди иш бошлаб, ўша дадил ғоясини ўртага ташлаб улгурмасиданоқ, унга тўс-тўс ёқдан шу саволни беришган эди. Ахир, қандай қилиб дарров натижа чиқарсин?! Авваллари-ку, яхши томони — Сергей Матвеевич тирик эди; ортиқча гап-сўзларга ўша бояқиш қалқон бўларди... Энди-чи?..

Ҳамма бало шундаки, Азиз илгари сураётган фикр ҳозирги амалдаги кўп нарсаларни барбод этиб ташлайди. У пахтадаги вилт касалига қарши янгича усул билан курашмоқчи. Очиғини айтса, бу ерда илм жиҳатидан ҳеч бир янгилик йўқ, фанга илгаритдан маълум йўл. Лекин эсдан чиқарилган, кўп йиллардан бери аҳамият берилмаган... натижада олимларнинг назари ва эътиқодидан қолиб кетган йўл... Гап мана шу унутилган усул хусусида боряпти...

Азиз деҳқончиликнинг оғир касалликларини текширган Вазилов сингари тадқиқотчиларнинг асарларини, Мичурин тажрибаларини қайта-қайта синчиқлаб ўқир экан, бу фикрида тобора қатъийлашди... Чиндан ҳам дорига, заҳарли моддага зўр бериш билан иш битмайди. Вилт ташқи муҳитга шу қадар тез мослашувчан балои-азимки, сал ўтмай ҳар қандай заҳарга ҳам ўрганиб олиши турган гап. У илдиз орқали ғўза танасига киргач, ўзини ҳимоя қиладиган қобиқ орасига яшириниб, заҳарини чиқараверади. Шу боисдан ҳам унча-мунча дорига ҳадеганда бўй бермайди. Энг ёмони шундаки, гўё у одамлар билан ўчакишгандай, уларни йил сайин ўткирроқ дориларни ишлатишга мажбур қиляпти... Демак, пахтачиликнинг келажаги — *янги чидамли навлар яратиш* билан боғлиқ! Ғўзани вилтдан сақлайдиган бошқа ҳамма кимёвий воситалар эса, бу офатга қарши курашда *қўшимча, ёрдамчи куч* бўлмоғи керак...

Азизнинг бу фикрини ҳеч ким рад этмайди. Бу фикр аслида Азизники ҳам эмас, илгаритдан маълум гап. Аммо Азизнинг кейинги иши, кейинги талқинига келганда Муҳиддин Жабборовичга ўхшаш олимлар оёқ тираб қаршилиқ кўрсатадилар. «Муштдай бола»нинг «бемаъни қилиғи» Муҳиддин Жабборовичнинг жиғига тегиб, туриб-туриб уни қумурсқадай эзиб ташлагисин ҳам келади. Азбаройи манманлигидан Азизнинг ишидан ҳеч бир натижа чиқмаслигига астойдил ишонади. Бироқ ўзи яратган самарадор, пишиқ «Ф» пахтасига ишониб, деярли чорак аср давоминда касалликка чидамли, ҳозирги навлардан кескин фарқ қилувчи янги навлар вужудга келтирилмаганини ҳам ичида баъзан тан олиб қўяди. Айниқса, сўнгги йилларда вилт, худди тошган, қутурган

дарёдай, тобора кўп майдонларни эгаллаб бораётганини кўргач, ўртада оғир католик ўтганини пайқади-ю, бунга қисман ўзини ҳам жавобгар ҳисоблаб, бадтар дами ичига тушиб кетди. Бировга айтолмаса буни!.. Чиндан ҳам пахта уруғчилигида маълум даврда кечирилмас катта бўшлиқ юзага келишига йўл қўйиб берилгани учун ҳам ҳозир ўша бўшлиқни вилт эгаллаб турибди... Бунинг устига Муҳиддин Жабборович урушдан аввалги йиллардаёқ кўпчилик хўжаликларда ўт-далали алмашлаб экишга аҳамият сусайиб борганини ҳам яхши эслайди. Бироқ ўша қалқиб турган, беҳаловат йилларда мамлакатга иложи борича кўпроқ пахта керак эди, ҳар қарич ер ҳисобда эди. Бутун диққат-эътибор кимёга ва янги, чидамли нав яратиш масалаларига қаратилгани, натижада жонли табиатнинг кўпгина азалий қонуллари ва шартлари унутилиб, унинг ўрнини ҳабўлсинчиликка асосланган қуруқ ташаббускорлик эгаллаганининг асл сабаби ҳам шунда эди. Деҳқончиликнинг ўзаги бўлмиш ўт-далали алмашлаб экишдан воз кечиш бир кун бориб оғир оқибатлар туғдиришини ўша пайтларда ҳали ёш, ғайрати жўшган, зукко олим Муҳиддин Жабборов ҳам сезмай қолмасди, албатта. Аммо умумий оқимга қарши сузиш қийин эди... Бунинг устига, айрим янги навлар бир неча ўн йиллар давомида кимёвий ўғитлар кўмагида ташқи таъсиротга сира бўй бермай, шу даражада юқори ҳосил инъом этдики... Шундан кейин ўт-далали алмашлаб экиш тарафдорлари бутунлай енгилиб, ҳатто олимликдан қувғин қилинганлари ҳам бўлди.

Муҳиддин Жабборович айни ўша йилларда ном қозонди. Ҳатто уни фронтга олиб кетамиз деб туришган пайтда, уруш қизиган 1942 йилда у яратган «Ф» нави Давлат синов комиссиясига топширилди-ю... қўлида повесткаси билан вокзалдан қайтариб келишди. Уруш тугагандан сўнг Муҳиддин Жабборович шу уруғчилик институтида анча йиллар директор бўлиб ишлади. Докторликни ҳам шу ерда ёқлади, шу ерда профессор, академик бўлди... Мана, энди ўша бир вақтлардаги ортиқча хотиржамлик, манманлик, ютуқлардан эсанкирашнинг оқибати пахта уруғчилигини мушкул аҳволга солиб ўтирибди. Буни Муҳиддин Жабборович ҳам юрагининг туб-тубида билади-ю, аммо виждони учун ҳам очиқчасига тан олгиси келмайди. «Биз қилган хизматларнинг, ваҳоланки, аввал урвоғини қилишсин-чи, ана ўшанда гаплашамиз,— деб зардага ўтади дарров.— Бор кучимизни аямадик... Энди навбат ёшларга... Қани бир кўрайлик, азаматларни» деб мажлисларда пичинг отиб гапирди... Лекин ёшларга тизгинни беришга келганда эса... худо асрасин! Бу — фақат унинг шуҳратпарастлигидан эмас. Йўқ, йўқ! У ўзини ҳали бақувват сезади, шунинг учун ёшларга ўзичалик ишонмайди...

...Азиз шу алфоз ҳар кимдан эшитган гаплари, ўзи шоҳид воқеаларни эсларкан, кўз ўнгида Сергей Матвеевичнинг жиккаккина жуссаси гавдаланиб, ўсиқ қошлари остидан доимо кулиб қарайдиган мовий кўзлари ҳамон унга термилиб тургандек туюлди ва меҳрибон чолнинг бевақт ўлиб кетганига чин юрагидан ачинди. Сергей Матвеевичнинг елиб-югуриб, колхозга чиқиб, озгина ер олиб берган пайтларини хотирлади-ю, беихтиёр кулимсиради. Ҳаммаси ўша боёқишнинг зўри билан бўлган эди... Азизнинг шу «сержанжал» мавзусини тасдиқлаб берган ҳам Сергей Матвеевич асли. Азиз ўзига расмий шогирд тушгач, биринчи кунидек у билан салкам уч соатча «бошқача эзилиб» суҳбатлашган ва охирида шундай таклиф қилган эди:

— Азиз, сени кўпдан бери биламан, сенга ишонаман. Бир ҳафта муҳлат сенга. Яхшилаб ўйлаб кўр яна. Пахта уруғчилиги соҳасида ҳозир — *шу кунда, шу дақиқада* қандай долзарб масала турибди? Обдон бош қотир. Таклифларингни айтасан, кейин мавзу белгилаймиз...

Азиз ҳафта давомида ўйлади. Адабиётларни, газета-журналларни кўриб чиқди. Домласи ҳузурига келиб:



— Сергей Матвеевич,— деди дадиллик билан.— Шу пайтгача бизда ёввойи нав иштирокида бирор-бир пахта нави яратилганми? Йўқ! Нега? Назариядан ўзингиз ҳам ўқитгансиз; ёввойи навлар касалликка чидамли. Шу хусусиятни, наҳотки, ҳосилдор навга ўтказиш мумкин эмас?!

Сергей Матвеевичнинг ўсиқ қошлари бирдан кўтарилиб, мовий кўзлари бадтар жонланиб кетди.

— Бу ниҳоятда қизиқ масала! — дея хитоб қилди у.— Бу ҳақда кўплар бош қотирган. Камина ҳам... уч йилча шу иш билан шуғулланиб, охири натижа чиқмай, ташлаб кетганман. Вақт етмаган. Бошқа навлардан ортмаганман. Аммо синаб кўриш керак. Бу қизиқ масала! Нима учун ўша ёввойи навлар вилтга бўй бермайди? Вилтга қарши қандай ҳимоя механизми бор уларнинг? Биз яхши билмаймиз. Аввало шуни аниқлаш керак. Шу аниқланса, худди ёввойи ҳайвон қўлга ўргатилгандай, эҳтимол, ёввойи ғўзани ҳам маданийлаштириш мумкин бўлар... Азиз, очигини айтсам, ярамга қайтадан туз сепдинг, ўғлим... Майли, ишга киришавер. Қўлимдан келган ҳамма ёрдамимни аямайман...

Азиз кейин яна Муҳиддин Жабборовични эслаб, қовоғи уюлди. Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, машҳур селекционер Муҳиддин Жабборович билан айри чиқиб, унга гап қайтариб юрганидан негадир ҳозир бирдан юраги увишиб кетди. Муҳиддин Жабборович, юзак қараганда, Сергей Матвеевичдан кейин Азизнинг иккинчи илмий раҳбари. Аммо одам билан одамнинг ҳам фарқи шунчалик бўларканми! Бошиданоқ у Азизни ёқтирмади. Еноқлари теп-текис, қип-қизил, қошлари энли, фақат чаккаларидагина сочига бир-никита оқ оралаган Муҳиддин Жабборович Азизнинг ахборот ўрнида ёзган ишига беписандлик билан кўз югуртириб чиқди-ю, гапларини тинглаб, ўзига ҳеч нарса демади. Бошини силкиб, чўнтагидан оппоқ дастрўмолини чиқариб, лаби, бўйни, юзи, кўзларининг четини обдон артди ва «қани ишлайверинг-чи» деб қўя қолди. Лекин илмий совет йиғилишларидан бирида Азиз ахборот бераётган пайтда унга дабдурустдан шундай луқма ташлади:

— Азизжон, сиз, биология тарихидаги айрим тажрибаларни рўқач қила туриб, маданий навни *тўсатдан* ёввойи, эркаклаган ғўзага чатиштиряпсиз. Шу пайтгача ҳали пахтачилик тарихида бундай тажриба қўлланмаган. Ваҳоланки, бундан натижа чиқишига қатъиян ишонасизми ёки таваккал қилиб кўряпсизми?

Утирганларнинг бари ялт этиб Азизга қаради. У аввал ҳам айрим олимлардан бу саволни эшитган ва қўлидан келганча жавобини берган эди-ю, бироқ ҳозирги вазиятда, кўпчиликнинг ичида, яна ўз домласидан бу саволни эшитиши Азизни довдиратиб қўйди. Назарида ҳамма нарса, ҳатто ҳаёт-мамот ҳам ўзининг бир оғиз жавобига боғлиқдек туюлди ва дадил туриб:

— Натижа чиқади! — деди.

— Асослаб беринг-чи!

— Бу мураккаб масалани бир оғиз гап билан асослаб бериш қийин, Муҳиддин Жабборович. Лекин шундайям ҳаракат қиламан... Кўряпмизки, вилт тобора кучайяпти. Ишлаб чиқилаётган айрим янги навлар эса, жорий этилиши у ёқда турсин, ҳатто Давлат синовидан ҳам олиб ташланяпти. Бунинг сабаби, бизнингча: нуқул географик ва генетик жиҳатдан бир-бирига яқин навларнинг ўзаро чатиштирилишида. Ҳатто вилтга чидамлироқ маданий навлар чатиштирилганда ҳам тайинли бир натижа чиқмаяпти. Чунки ўша навлар ўзларининг генотипик имкониятларини бутунлай сарфлаб бўлганлар. Энди, бизнингча, пахта уруғчилигида вилтга чидамлилик томонга қараб кескин силжиш

учун ўзаро *узоқ* наслларни, турларни чатиштиришга тўғри келади. Ана шунда ўсимлик билан зараркунанда орасида ҳозирги кунда вужудга келган эволюцион мувозанат кескин ўзгаради...

Атрофдагиларнинг айримлари бу гапларга шубҳа билан, айримлари истехзо билан қараётганини сезган Азиз ўз фикрини шу ерда бошқача далиллашга уринди:

— Маълумки, бу гоёни 30-йиллардаёқ академик Вавилов илгари сурган. Биология тарихида бунга мисоллар кўп. Масалан, Мичурин апортлари; улар Америка ва Европа навларини қўшишдан келиб чиққан. Ёки ёввойи картошкага чатиштириш йўли билан вилтга чидамли нав яратган Камераз тажрибаларини олинг. Ёки Терновскийнинг тамаки устида ўтказган худди шундай тадқиқотлари? Ниҳоят, кўп йиллик Перу ғўзасига чатиштириш усули билан домла Автономов яратган ингичка толали, вилтга чидамли 10964, С-6002 навлари-чи? Тўғри, ёввойи навдаги керакли хусусиятларни маданий навга кўчириш ниҳоятда мушкул иш. Айниқса, ғўзада қийин. Чунки гибридлаштиришда салбий хусусиятлар ҳам «ўжарлик» билан янги навга ўтиб келаверади. Бизнингча, бу, узоқ муддатни, бир неча авлод натижаларини кузатишни талаб қиладиган муаммо...

Азиз кўпдан бери миясига ўрнашиб, хаёлини қамраб келаётган бу фикрларини шу қадар қизғинлик билан гапираётган жойида тўсатдан Муҳиддин Жабборовичга кўзи тушди-ю, бойдан бери ўзи ҳали ҳеч бир аниқ гап айтмагани, тажрибасидан сўзламагани, аллақандай тахминлар ичида сузиб юрганини ҳис этди ва «қани, охири нима бўларкин» дея унга тикилиб қолган нигоҳлар тазйиқидан бадтар ўнғайсизланди. Бир-икки йўталиб, яна гапида давом этди.

— Баъзи бир ёввойи навлар касалликларга гоёт бардошли иммунитетга эга. Шунинг учун ҳам домла Сергей Матвеевичнинг маслаҳатлари билан ўз олдимга қўйган кичик бир мақсадим шуки, биринчидан, узоқ турдаги эркаклаган ғўзалар оиласидан вилтга иммунитетни кучли навни ажратиб олдим. Иккинчидан ўша топилган нав асосида ирсият генетикасини ўрганишга уриняпман; учинчидан, мени тўғри тушунинглар, агар қўлимдан келса; умрим, ақлим, имконим етса, вилтга чидамли нав яратишда янги бир услуб қўлламоқчиман.

— Булар ҳаммаси хаёлдаги гаплар, ука,— деб луқма ташлади яна Муҳиддин Жабборович.— Сиз қилган ишингиздан гапиринг. Мана, шунча йилдан бери нима иш қилдингиз? Тажриба ўтказаетган ғўзангизда қандай ўзгаришлар юз берди? Масалан, қайси турни қайси турга чатиштириб, нақдига қандай натижа олдингиз? Ёввойи ғўза дейсиз нуқул! Ёввойи ғўзаларнинг ҳам хили кўп; чинакам ёввойи, чала ёввойи, маданийга яқин нав... Ҳатто бир турдаги навлар ўзаро морфологик ва биологик жиҳатдан бир-бирига мутлақо ўхшамайди. Хўш, сиз, қайси бирини олдингиз, нимага асосланиб олдингиз? Ахир, чўпчак айтаётганингиз йўқ-ку, бу — фан! Халқ хўжалигига, ваҳоланки, *чиройли орзу* эмас, дағал бўлса ҳам *конкрет иш* керак. Бунинг ўзингиз ҳам биласиз.

Азиз бу кўпол, дангал ганбеҳдан баттар эсанкиради. Бунинг устига атрофдагиларнинг ҳозирги баҳсга қандай муносабатда бўлишини Азиз олдиндан билгани учун ҳам уч йил давомида йиққан қиёсий маълумотларини, йилт этган умид уйғотувчи дастлабки натижаларини ҳам айтиб ўтирмади. Ёввойи ғўзалар ичидан ўзи ажратиб олган *panicum* навига бир неча бор теплица шароитида вилт юқтириб синов ўтказилганда у касалликка чалинмагани, айна пайтда *paniculatum* чала маданий нави устида худди шундай тажриба олиб борилганда унга вилт анча юққани... Демак, академик Вавилов илгари сурган гоё яна бир бор исбот этилгани, яъни ўсимликлардаги касалликка бардошлилик иммуни-

тети ўсимлик танасининг касаллик микроби билан узоқ вақт давомида бирга, ёнма-ён яшашидан келиб чиққан ҳодиса экани... Вилт касаллиги асосан Марказий Америкада кенг тарқалгани, Мексика ҳам айти шу минтақада жойлашгани ва эҳтимол, вилтнинг ватани аслида Мексика бўлгани хусусидаги фарази... Ниҳоят, вилтга чидамли нав яратиш учун сўзсиз энди мексика навини биздаги ҳосилдор навларга чатиштириш йўлидан бориш зарурлиги тўғрисидаги фикрларини ҳам айтиб ўтирмади. Чунки ўрни эмасди. Буни холи ўтириб, ҳар иккала томон ҳам масалага бир хилда қайғуриб, муҳокама қилиши керак эди. Ҳозир эса институтнинг барча лаборатория бошлиқлари, етакчи олимлар тўпланишган. Ҳаммасининг шу йиғилишда айтадиган ўз фикри, ташвишлари бор. Вақт зиқ, бари шошиб турибди. Баҳслашиш аслида Азизнинг хаёлида ҳам йўқ эди, илмий котиб тузган кун тартибига биноан шунчаки бошқа ходимлар қатори ўз ишлари ҳақида қисқагина расмий ахборот бериб ўтмоқчи эди. Баҳсни Муҳиддин Жабборович бошлади... Ҳамма шошиб турганда, қандай қилиб Азиз, ахир, уч йиллик маълумотларни батафсил гапириб ўтиради? Кўпчиликнинг ичида қандай қилиб Муҳиддин Жабборовичнинг юзига оёқ қўяди?.. Яна илмий раҳбари-я!..

Шу хилдаги изтиробли фикрлар миясидан яшиндай югуриб ўтди-ю, гўё Муҳиддин Жабборовичнинг саволини яхши англамагандай унга талмовсираб тикилиб турди, кейин ерга қараб, қўлидаги қоғозларини мақсадсиз титкилади. Охири ялингансимон оҳангда:

— Натижа чиқиши керак, Муҳиддин Жабборович,— деди.— Туғилмаган болага элбурутдан йўргак бичиш ярамайди-ю... аммо натижа чиқиши керак... яна камида икки-уч чатиштирувдан кейин...

— Баракалла!— дея гапни илиб кетди Муҳиддин Жабборович, ўтирган жойида стулни ғичирлатиб Азиз томонга ўгирилкан.— Туғилмаган бола деганингиз тўғри. Бу кетишда у мутлақо туғилмайди! Ишонаверинг! Ваҳоланки...

Ўтирганларнинг айримлари домланинг юзи учун пиқ-пиқ кулиб қўйишди. Азиз бўйнигача қизариб, негадир Расул Оллоёровичга жовдираб қаради. Илмий кенгашдаги бу ноқулай вазиятни ўртадан кўтариш учун Расул Оллоёрович Азизга мулойим боққанча буюрди:

— Утиринг.— Кейин «яна гапингиз борми» дегандай Муҳиддин Жабборовичга тикилди. Муҳиддин Жабборович ўтирган жойидан қўзғалмай, сўзини давом эттирди:

— Ваҳоланки... мен Азизжоннинг меҳнатчанлигидан севингандим. Илм кишиси шундай бўлмоғи керак. Аммо ғайратни ҳам билиб ишлайтиш керак. Нишонга тегмаган ўқнинг кимга кераги бор? Менга шу йигитни бердинглар, йўқ демадим. Бироқ, фикримиз бир ердан чиқмапти. Ваҳоланки, устоз билан шогирд бир хил фикрламадими, тамом! Азизжон ҳеч қандай илмий асосга суянмаган ҳолда пахтачиликка ёввойи пуштни киритмоқчи. Боя ҳатто домла Вавиловни ҳам эслатиб ўтди. Ваҳоланки, Азизжон, сиз ёшсиз, ука, катта одамларнинг фикрини сохталаштиришга ўрганманг. Вавилов ҳам, Мичурин ҳам бир-биридан узоқ навларни чатиштиришни тавсия этганлар, лекин ёввойи навларни эмас... Азизжоннинг умри созурилиши — бу масаланинг бир томони, ўртоқлар. Яна иккинчи томони ҳам борки — бунга ниҳоятда ҳушёр бўлмоқ керак. Боринги, ўша ёввойи пуштдан вилтга чидамли, майли ҳосили ҳам дурустгина янги нав чиқдиёқ дейлик. Хўш, кейин-чи? Бир-икки мавсум ўтгач, ўша ёввойилик хусусияти зўрайиб кетиб, катта-катта майдонларда мутлақо ҳосил битмаса-чи? Шундай бўлмаслигига кафолат бера оласизми? Йўқ! Ана унда давлат олдида ким жавоб беради? Ким? Сизми? — Шу ерда Муҳиддин Жабборович заҳарханда кулди.— Тўғри, бу ишингизни Сергей Матвеевич маъқуллаган эканлар. Ваҳоланки, бирор натижа чиқар, деб ўйлаган бўлсалар керак.

Аmmo мана уч йилдан ортиқ вақт ўтди... Тайинли бир гап айтолмади-нгиз... Ваҳоланки...

Шу ерда Азиз нимадир гапирмоқчи бўлган эди, Расул Оллоёрович унга «тўхтаг» дегандай қўл силкиб, Муҳиддин Жабборовичга юзланди:

— Бу гапни кейинроқ ҳал қилсак...

— Сиз биздайин тажрибали, суяги пахтада қотган одамларнинг сўзига кираверинг, ваҳоланки...— деди Муҳиддин Жабборович Расул Оллоёровичнинг гапига эътибор ҳам бермай. Азиз Муҳиддин Жабборовични «Ваҳоланки домла» дейишларини илгари ҳам унда-бунда эшитган эди-ку, бироқ шу пайтгача аҳамият бермаган эди. Муҳиддин Жабборовичнинг бирдан ҳужум қилиб қолишини кутмаганиданми ёки кўпчиликнинг салобати босганиданми — ишқилиб, боши айланиб, мияси карахтланиб, кейинги ғовур-ғувурни унча эшитмай, унча англамай мервосиб тураверди. Қулоғига фақат домланинг «ваҳоланки» деган сўзигина кирарди. Чиндан ҳам Муҳиддин Жабборович бу сўзни тилга олганда калласида қанча-қанча фикрлар қуюни чарх учраётгандек юзлари ёришиб кетар, гапи тугаб, энди тўхтамоқчи бўлиб турган жойида ҳам «ваҳоланки» деса, маърузаси чўзиларар эди. Ҳар нечук шу бир оғиз сўз Муҳиддин Жабборович учун бошқа қанча-қанча фикр ва ибораларнинг ўрнини босса ажаб эмасди...— Биз қарияларни сиз ёшлардан умр, ўртада ўтган вақт пардаси тўсиб туради. Ваҳоланки, бу парда ҳам уйни иккига ажратган чимилдиқдай гап: чироқ ёниб турган сиз ёшлар томонни биз қариялар яхши кўрамиз-у, сизлар эса биз томонни кўрмайсизлар... Яна билмадим. Эҳтимол, ҳис-ҳаяжон, ваҳоланки, эҳтирос кишисига адашиш, хатога йўл қўйиш унча қимматга тушмайдигандир... масалан, артистларга, ёзувчиларга... аммо илм аҳли, тафаккур кишининг ақл ишлатиб туриб янглишиши — кечирилмас ҳол. Бундай хатони тузатиш керак. Шунинг учун, Азизжон, қайсарлик қилмай, хаёлпарастлигингизни йиғиштириб, ваҳоланки, бўладиган ишга қўл уринг. Еввойи пуштдан ҳеч натижа чиқмайди. Тушунинг, ука, сизнинг фойданигизни кўзлаб гапиряпман. Ҳозирги суръатда фанда хаёлпарастликка вақт йўқ. Саробни биласизми? Чўлда дарахтни кўриб тураверасиз-у, ўшанга қараб интиларасиз. Бориб қарасангиз — ваҳоланки, ҳеч вақо йўқ. Хомхаёл — илмдаги ўша сароб. Эргаштириб кетаверади-да, йўлдан адаштириб, саргадон қилади...

Муҳиддин Жабборович яна стулни ғичирлатиб, энди Расул Оллоёрович томонга ўгирилди ва бўлди, «гапим тамом» дегандай имо қилди. Хона Муҳиддин Жабборович мушоҳадаларидаги кучли мантиқ таъсиридан сув қуйгандек жимиб қолган эди. Азиз ҳар қалай шунда ҳам ниманидир гапиришга чоғланган эди, Расул Оллоёрович унга «ўтиринг» деган ишорани қилди. Шунда бурчакдан:

— Гапирсин-да у ҳам! — деган асабий овоз эшитилди. Ҳамма ўша томонга қаради. Доим тунд юрадиган «бедачи профессор» Толмас Азимов, протез оёғини энгашиб кўтарганча, ранги ўчиб ўрнидан турди ва одади бўйича дудуқланиб директорга захрини сочди: — Г-гапирсин бу б-бечора ҳам! Оғзидан ч-чиқмай, ёқасига ёпиштиряпмиз!

Азиз қайтага хўрлиги келиб бадтар гапиролмай қолганди ўшанда.

Азизнинг ўз илмий раҳбари билан биринчи тўқнашуви шундай юз берган эди. Кейин... мана, орадан салкам тўрт йил вақт ўтди, бошқа бирон марта улар юзма-юз айтишишмади. Бу орада Азиз аспирантуранинг битгириб, ноилож яна ўша лаборантлик вазифасида ишлай бошлади... Муҳиддин Жабборович қирқдан ортиқ фан кандидати, иккита доктор чиқарган бағри кенг устоз бўлишига қарамай, бари бир Азизга ён босмади, ўша-ўша қўлини ювиб, қўлтиғига урганча нозиктаъб одамлиги учун гапни кўпайтиришни истамай, «билганингни қил-е, тентак» деган-

дай юраверди. Унинг назарида Азиз ёш бўлса-да, ўтакетган худбин эди..

Шу гапларнинг баридан Расул Оллоёрович ҳам хабардорлиги учун Азиз унинг саволига жавоб бергиси келмас, кўнглидагини очиқ айтгани билан, у бари бир охири Муҳиддин Жабборовичнинг ёнини олишини билар, шу сабабли «майли, бу гапларнинг унча аҳамияти йўқ, нима топширигингиз бор, айтаверинг», дегандай домлага ғамгин тикилиб турарди. Расул Оллоёрович нафис кўзойнаги оша Азизга кулиб қаради-ю, насихат қила бошлади:

— Ҳар қалай, сиз ёшсиз, ука. Яхши гапаг илон инидан чиқаркан. Муҳиддин Жабборович обрўли, фанга кўп меҳнати сингган киши. Буни биласиз. Аммо одам қариганда кўнгли бир оз нозиклашиб, иззатталаб бўлиб қолади. Сиз ақлли йигитсиз-ку, буни тушунишингиз керак. Биласизми? — Шу ерда Расул Оллоёрович яна Азизга самимий кулиб боқди.— Яхши бузоқ икки онани эмади. Сиздан нима кетди! Чолга «хўп» денг-у кейин билиб ишингизни қилаверинг-да! У киши агар бераман деса, илмда дарёи-азим. Фойдаланиб қолиш керак улардан. Улар ҳам ғанимат одамлар. Ҳа, майли, яна бир карра ўзим гаплашиб кўрадиган бўлибман-да...

Азиз одоб юзасидан Расул Оллоёровичга «раҳмат» деди-ю, лекин бу гаплар қуруқ ваъдалиги, борди-ю, Расул Оллоёрович айтган тақдирда ҳам Муҳиддин Жабборовичга бу таъсир қилмаслигини билар, шунинг учун ҳеч ўзгармай, ўша-ўша бепарво ўтираверди. Лекин домланинг «сиздан нима кетди... чолга «хўп» денг-у, кейин билиб ишингизни қилаверинг-да...» деган гапидан қаттиқ ранжиди. Чунки Расул Оллоёрович буни шунчаки Азизнинг кўнгли учун, бирон иш буюрмоқчи бўлса, шуни пайпаслаш учун айтаётганини сезиб турарди. Ахир, Азиз Муҳиддин Жабборович билан шунчаки арзимаган нарсага, отасининг молини таллашиб, ёки жаҳл устида айтишиб қолганмас-да! Буни Расул Оллоёрович ҳам биледи. Домла-шогирд ўртасидаги келишмовчиликнинг илдизи жуда чуқур! Бу масалада муроса қилиб бўлмайди, ахир! Ё Муҳиддин Жабборович, ёки Азиз ўз фикрларидан қайтишлари керак... Келиб-келиб энди омадсиз бир лаборант-аспирант олдида Муҳиддин Жабборовичдек академик ўз фикридан қайтадими? Унда Муҳиддин Жабборовичнинг республикага, ҳатто Иттифоққа ҳам эмас, дунёга донги кетган олимлиги қаёқда қолади?..

Азизнинг ҳатто директор ҳузурида ўтирганини ҳам унутгандай оғир хаёлга ботганини кўрган Расул Оллоёрович баъзи тили ёмонларнинг: «Ўзи хўп меҳнаткаш йигит-у, сал етишмайди-да», деб сим тақиб юришларини эслади бирдан. Пластмасса идишчада турган бўёқ қаламларини олиб, қўлида ғижир-ғижир ишқалади ва:

— Азизжон! — деди ҳамон кулимсираб. Азиз чўчиб тушди, уялганидан қулоқларигача қизариб, ерга қараган кўйи «кечирасиз» деб қўйди. Расул Оллоёрович ундан кўзини узмай мийиғида кулимсираганча: — Сизни бир масалада қақиртиргандим,— деди ўтирган жойида вазмин кўзғалиб.— Шу кунларда иш бошдан ошиб кетди. Бир ёқда, ўзингиз биласиз, мажлислардан бўшамайман. Мана шу нарса,— деди ва шер оёқли баҳайбат столининг ғаладонидан каттакон семиз папка чиқариб, Азизнинг олдига суриб қўйди.— Мана шу нарса... диаграмма, маълумотлар. Ун йил ўтказган тажрибаларимнинг ҳисоб-китоби. Шуни синчиклаб кўриб чиқсангиз. Рақамлар нотўғри кетган бўлса, хатолик топсангиз, шубҳа туғилса, тегманг-у, белгилаб қўйинг. Биргалашиб кўрамингиз. Кейинги монографиямга илова қилинадиган маълумотлар бу. Китоб ўзи босмахонага тушиб кетган, терияпти. Шундан шоштириб қўйишмаяпти. Бир укалик қилиб, шунга кўмаклашиб юборасиз, хўпми? Бир ҳафта муҳлат етадими?

Азиз қоғози кўплигидан боғичи учма-уч чандилган сарғиш папкага

тикилганча, хиёл иккиланиб «етса керак» деди мужмал оҳангда. Расул Оллоёрович ўрнидан туриб:

— Бемалол етади!— деб гапни чўрт кесди.— Шанба, якшанбада келиб ишласангиз ҳам бўлади, қоровулга тайинлайман. Муҳиддин Жабборович билан эса, кўнглингиз тўқ бўлсин, ўзим гаплашаман...

Азиз лоқайд бир оҳангда яна «рахмат» деди-ю, кабинетдан чиқди. Хонасига кирса, вақт анча кеч бўлишига қарамай, негадир Шорасул ҳали ҳам ўтирибди. Азизнинг директор ҳузуридан ёстиқдай папка кўтариб чиққанини кўргач, аввалига жилмайди, кейин худди бировга аччиқ қилгандай қарсиллатиб столларини беркита бошлади.



...Азиз жимжит хонада ҳозир бир ўзи ўтирганча, ўша папкани очди. Палапартиш тахлаб ташланган қоғозларни кўргандаёқ — яхши ишлайман деса, камида бир ойлик юмуш уюлиб ётганини тушунди ва бирдан ҳафсаласи пир бўлди. Бир-икки варақни олиб ўқиб кўрди-ю, кулди: Расул Оллоёрович сира тиниш белгиларини ишлатмай ёзиб кетаваркан... Папкани четга суриб, узоқ бир эснади, зериккан қиёфада беихтиёр Шорасулнинг столига қаради: бўм-бўш; устидаги ойнага қуёш тушиб, нури деворга санчилиб турибди. Азиз яна Шорасулнинг кечаги қилиғини эслади. Иш тугашига беш минут қолганда директор котибаси келиб, Азизни домла йўқлаётганини айтган пайтда, Шорасул қоғозларни саранжомлаб, уйига жўнашга шайланиб турган эди. Лекин Азиз ярим соатлардан кейин чиқса ҳам у кетмабди... асабийлашганда тутадиган одати — ўнг тирсагидаги қичмасини энгининг устидан қашиб ўтирибди... Шорасулнинг ўзига ғашлиғини-ку биларди. Айниқса, уни директор чақиртиса Шорасул ҳайрон бўлар, ғайрлиги келиб, шундай пайтларда Азизни сира кўздан қочиргиси келмас, зимдан кузатарди; ҳатто мана шундай кеч қолиб, иш билан машғул одамдек, директор ҳузуридан Азизнинг чиқишини пойлар; унинг топшириқ олиб, севиниш ўрнига қайтага эзилиб чиққанини кўргандан кейингина кўнгли жойига тушиб, уйига жўнарди. «Домла нима дедилар?» дейишга эса журъати етмасди... У ҳеч қачон биринчиликни даъво қилмас, панароқда, ўрта-роқда кўзга ташланмайгина юрганларнинг ҳаёти анча тинч-хотиржамлиғини, шахсий турмушлари эса, етарли таъминланганини яхши биларди. Шу боисдан гоҳо хурсанд пайтларида Азизга қараб туриб кулар, «ҳар қандай идорада ҳам эрқароқ ходимлар қилган чала-чулпа ишни орқасидан супуриб-сидириб, тозалаб юрадиганлар бўлади... Бу довдир ҳам ўшандай бир қирчонғи от-да!..»— деб ичида севинарди.

Азизнинг Муҳиддин Жабборович билан тортишишини эса, сира ақлига сиғдирилмасди. «Умр дегани шунчалик омонатки, бугун бору, эрта йўқ. Шунга энди шунчалик дов-жанжалми?.. Тинч яшайман десанг қурт-қумурсқа билан ҳам мурося қилишинг керак. Ҳайронман манави Азизга! Нимасига ишонади? Йўқ ердаги бир мавзун деб, Муҳиддин Жабборовичдек одамга гап қайтаради-я! У телба биринчи навбатда ўз оёғига ўзи болта уриб, ўзига-ўзи душманлик қилаётганини кошки энди билса! Мана оқибати — бирон одам итмисан, эшакмисан демайди! Йўқ, бошлиқлар билан олишиш эмас, қўлингдан келса, уларнинг кўнглини овлашинг керак...»

Азиз табиатан соддадиллигидан бундай нарсаларни хаёлига ҳам келтирмас, айниқса «фалончи билан писмадончининг муносабати қандай?», «Фалончи писмадончига ким бўлади?..» деган саволлар уни ранжитар, айрим ҳамкасблари ва ҳатто тузуккина олимлар ҳам баъзан шу «муносабатлар»га ортиқча урғу бериб мақтаганларида у ҳайрон қолар,

ичида, «тавба, шу ҳам гап бўлди-ю», деб астойдил елка қисиб қўярди.

Шорасул эса, бундай муносабатларга ҳаётнинг энг муҳим шarti, мағзи деб қарайди. Шунинг учун ҳам Расул Оллоёрович Азизни ўз ҳузурига чақирган сари, бадтар вижини келарди. Айниқса, ё Расул Оллоёрович, ё Муҳиддин Жабборович гоҳо уни ҳам чақириб, «фалончини тополмаяпман, қаранг, дарров кирсин ҳузуримга», «фалончига шу китобни бериб қўйинг, аниқлангчи, фалон жойнинг самолёти бугун қачон учаркан» қабалидаги майда-чуйда топшириқларни буюришганда авваллига югуриб-елиб бажарарди-ю, кейин туриб-туриб ўзига наша қилар ва Азизга бадтар ғайирлиги ортарди. «Нима, мен югурдакманми, керак пайтда мени сира эслашмайди» деб ич-ичидан қуярди... Ахир, Шорасулнинг кандидатлик иши бир овоздан ёқлашга қўйилди-ку! Расул Оллоёровичнинг ўзи иштирок этди ўша кичик илмий советда. Муҳокама пайтида у сиполик қилиб индамаган бўлса-да, аммо ўзи бошқараётган илмий даргоҳда ишлар чакки кетмаётганидан кўнгли ўсиб, мамнунлиги шундай юз-кўзидан билиниб, ҳатто ён-веридаги илмий совет аъзолари билан ҳазиллашиб, пичирлашиб, кулишиб ҳам ўтирди. Бундан Шорасул қувонди... Расул Оллоёрович гарчи Шорасулнинг дадасини шахсан яхши билса ҳам, аммо ўзи билан негадир шу пайтгачаям қуруқ салом-аликдан нари ўтмаган. Раҳбарнинг бу бепарволиги Шорасулга ҳақоратдек ботади... Бари бир ўша эътиборсизлик! У кандидатлигини битирди. Азиздан ўтиб кетди... Лекин директорнинг билгани эса... яна шу Азиз! Илмий совет йиғилган куннинг эртасигаёқ Шорасул йўлакда Расул Оллоёровичга дуч келиб, «оҳ, ана энди ўзи табриклайди мени», деб илтижо қилгандай унга жавдираб турган жойида, директорнинг иши тигиз эканми, ёки эсида йўқми, гўё орада ҳеч нарса юз бермагандай, аввал бош ирғаб, кейин кўлининг учини бериб ўтиб кетаверди... Бунга қандай чидаш мумкин, ахир?!

Шорасул кеча Азиз кириб келганда шундай кайфиятда ўтирарди. Кейин у бирдан столини қарс-қурс ёпди-ю, чиқиб кетди. Азиз, эҳтимол, бошқа вақтда бунга аҳамият бермасди; аммо ҳозир ажабланди. Шорасулнинг ичи қоралик қилаётганини тушуниб, бадтар эзилди. «Қанийди, шу дастёргарчиликларнинг барини Расул Оллоёрович менга эмас, мана шу Шорасулга берса! — деган аламли фикр ўтди миясидан. — Ҳам хизмат қиласан, ҳам тухмаврига қоласан!..»

Азиз Расул Оллоёрович берган папкани яна истар-истамас очиб, турли вақтда турли қоғозларга битилган ҳар хил жадваллар, ҳар хил ҳисобларни кўриб чиқа бошлади. Бари бир сира ишлагиси келмади. «Орада бир ҳафта бор-ку», деди енгил тортгандек бўлиб. Кейин папкани йиғиштириб, босиб-босиб тагин қайта боғлаб қўйди. Шаҳарнинг нариги четидаги Чилонзордан аzza-базза келиб, қуруқ қайтиб кетавериш ўзига наша қилдими, шкафнинг устки қаватидаги чанг босган газета-журналлардан ўз мавзуси учун мўлжаллаб, қирқиб олиб қўйган ҳар хил материалларни бир-бир ёзиб кўра бошлади. Кўпчилиги оммабоп мақолалар... Ия, мана, Расул Оллоёровичники ҳам бор экан: «Тезпишар пахта навларини яратишда ёруғликнинг таъсири». Азиз газета парчасининг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўриб, озгин панжаларини энгагига ботирганча, мийиғида кулди. Чунки бу ҳам аслида осмондаги гап эди... Балки, илм учун керакдир-у... аммо Расул Оллоёровичнинг усули билан тезпишар пахта етиштираман деса, республикадаги ҳамма пахта майдонларининг тепасига кучли электр чироқлари ўрнатиб чиқиш керак. Эҳтимол, келажақда шундай бўлар... Ҳозирча эса, бу катта монографиянинг ҳаёт учун бир қақалик ҳам амалий аҳамияти йўқ. Ахир, кунни узайтириб ёки қисқартириб бўлмайди-ку.

Ҳа, мана буниси Сергей Матвеевич ёзган охириги мақола: «Ғўза қушандаси», Азиз сарлавҳага қараб туриб беихтиёр жилмайди. Чунки

Сергей Матвеевич бундай сарлавҳа қўймаганига имони комил эди. Ҳойнаҳой, газета ходимларининг иши бўлса керак, бу.

Мақола республика партия газетасида босилган эди. Азиз ўша пайтда уни ўқиб, баъзи жойларига қизил қалам уриб, ўзича нималарнидир белгилаб қўйган экан. У ярми сарғайиб, чанг босган мақоланинг ўша белги қўйилган ерларини кўздан кечира бошлади: «Кейинги йилларда вилт кучайиб бораётгани сабабли республикамизда йилига 10—14 процент пахта нобуд бўляпти. 196... йилда кучли вилт туфайли мамлакатимиз 500 минг тоннага яқин қўшимча ҳосилни ололмади. Натижада пахта етиштирувчи хўжаликлар 200 миллион сўмдан зиёдроқ зарар кўрди, халқ хўжалиги эса 1,5 миллиард метр газламадан бебаҳра қолди».

Азиз «бебаҳра қолди» деган иборани қавс ичига олган экан, ҳойнаҳой, «буни ҳам журналистлар қистирган» дегани бўлса керак. Азиз мақоланинг давомини ўқий бошлади: «Пахтачилигимиз ютуғини ҳаминша уруғчиликдаги муваффақиятларимиз белгилаб келган. Аммо кейинги ўн йил ичида районлаштирилган барча навлар вилт билан кучли зарарланяпти. Вилтга чидамли янги самарадор навлар эса, ҳозирча йўқ. Шу кунларда 1 миллион гектарга яқин майдон турли даражада вилтдан зарарланган... Сўнгги марта навларнинг алмаштирилиши бундан деярли чорак аср илгари амалга оширилганининг ўзи — уруғчилик соҳасидаги тадқиқотларимизнинг самарадорлиги ниҳоятда пастлигини кўрсатади».

Кейин вилтга чидамли янги навлар яратиш йўлида илм аҳллари олиб бораётган турли изланишлар, шу жумладан Азиз ўтказётган тажрибалар ҳам санаб ўтилган эди. Айниқса, Сергей Матвеевич Азиз ўртага ташлаган фаразга кенг тўхталанди: «Азиз Қосимов ёш, ишчан, ҳавасманд олим. Унинг янглишидан ҳам кўрқмаслиги, дадиллиги, ўзига хос фантазияси менга ёқади, кўп нарсадан қониқмаслиги ёқади. У изланади. У селекцияда янги бир услубни синаб кўрмоқчи. Маданий навни узоқ оилага мансуб ёввойи пуштга чатиштириб, улардан чиққан дурагайларни яна қайта чатиштиришлар йўли билан вилтга чидамли янги нав яратмоқчи; ёввойи навлардаги чидамлилик хусусиятини маданий навлардаги ҳосилдорлик хусусиятига қўшмоқчи. Бу ниҳоятда диққатга сазовор, қизиқарли иш. Борди-ю, амалий натижа чиқмаган тақдирда ҳам, фақат фан нуқтаи назаридан ҳам ғоят керакли тадқиқот! Ахир, шу йўлнинг нотўғрилигини, бу йўлдан бошқа юрмаслик зарурлигини ҳозирги далиллар билан исботлаб беришнинг ўзи ҳам кашфиёт эмасми?! Қолаверса, хатолар ҳам фаннинг ўзига хос калити-ку?! Мен Азизнинг изланишларини менсимай, кўркўрона инкор этаётган баъзи бир муҳтарам олимларимизга шуни айтмоқчиманки, *сал бағрингизни кенг қилинглар!* «Олға, фақат менинг ортимдан!» деган ярамас шиорга ёпишиб, майсадай униб чиқаётган талантларга завол бўлмайлик тағин?! Ҳар қандай қилмишнинг акс, қайтарма оқибати мавжуд: шундай экан, танҳо ўз принципимизни ҳимоя қиламан деб, бир кун бориб кўпчилиكنи доғда қолдирмайлик тағин?! Ахир, мавжуд назариялар қолипга тушмайдиган фактлар, айниқса, фан учун қимматли эмасми?! Чунки шу номаълум фактларни ишлаб чиқиш билан яқин ораларда фаннинг янги йўналишларига йўл очиб бериш мумкин-ку? Фан тарихида бундай мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Фактни тан олмаслик, аслида — ҳазм қилинмаган назариянинг оқибати-ку!.. Мен насиҳатгўйлик қилишни ўйламагандим, аммо ўрни келиб қолди. Коинот азалдан инсонни зулмат билан ўраган. Фан эса — одамзод қўлидаги мангу машъала! Зеро фан — чексизликни ўрганар экан, айни пайтда ўзининг ҳам ҳад-чегараси йўқ. Инсон билими тугамайди, у абадий яратилади, абадий ҳаракатда... Модомики, шундай экан, мен очган кашфиёт услубига



бошқа бир услуб қарама-қарши чиқиб қолса, нима учун энди мен унга, албатта, тош отишим керак?! Нима учун?! Йўқ, ақлимиз бўлса, истиқболимизга чинакам қайғурсак, орзуни бўғмайлик. Орзу ҳар қандай фактдан ҳам қудратли! Орзу инсон ва ҳаёт кўксиданги милдираб турган булоқ, гуркираб ўсувчи ниҳол...»

Азизнинг нақ баданлари жимирлашиб кетди. Шунчалик ҳам одамнинг ичидагини топиб айтиш мумкинми-я! У ҳаяжони кўксига сиғмай, қўлида газетаси билан хонани бир-икки айланиб чиқди, ғайрати қистаб, қиши билан берк турган баланд деразани қасирлатиб очиб юборди.

Теварак-атроф эрта баҳордан жонланган ташқаридан ҳар хил кўкат ислари ва сал нарида — Расул Оллоёрович кабинетни тагида гуллаган сирень ҳидига қоришган муздай ҳаво димоғига гупиллаб урилди. Кечқурун енгилгина, илиқ ёмғир ёғиб ўтгани

учун ҳаммаёқ топ-тоза эди. Азиз буни боя келишида сезмаганига ҳайрон қолди. Қаердадир, ё томда, ё бинонинг орқасидами, мусича ку-куларди. Сап-сарик қоқиғулларнинг устида арилар изғиб юрибди. Ҳу, рўпарада эндигина сўрига кўтарилган яланғоч ток зангида қандайдир кулранг миттигина қуш худди новдага михлангандай қимир этмай қотиб турибди. Азиз деразадан бош чиқарганда шарпасидан қўрқдими, лик-лик сакраб шохдан-шоҳга ўтди-ю, кейин пирр этиб кенг дала бағрига учиб кетди. Бутун гиёҳлар, ўсимликларнинг илдизи, пўстлоқлари шарбат йиғаётгани, уйғонаётгани сезилиб турарди...

Азиз яна ўрнига ўтириб, газетага кўз югуртди. У илгари ҳам Сергей Матвеевичнинг мақоласини мириқиб ўқиганди-ю, аммо унинг бунчалар жон койитиб, куйиниб ёзгани, уни қаттиқ туриб ҳимоя қилгани, тўғриси, ёдидан кўтарилган экан. Энг қувончлиси шундаки, Сергей Матвеевич олдинда ноқ масаланинг ўзагини кўра билган экан. Орада ўтган салкам беш йиллик муддат Азизга яна кўпгина илмий натижаларни ҳада этди. У энди ўзига, қилаётган ишига маҳкам. Шунинг учун ҳам Сергей Матвеевичнинг бошиданоқ жон куйдиргани ҳозир, айниқса, Азизга қадрли туюлиб кетди. У ўзи қилаётган ишининг бутун салмоғини қайта бошдан аниқ кўргандай бўлди.



Расул Оллоёровичнинг папкасини, столи устидаги бошқа қоғозларини ҳам апил-тапил йиғиштирди-ю, кўчага ошиқди.

У ҳозир ўзида юришга, ҳаракат қилишга қандайдир кучли иштиёқ сезганидан, то чарчаб-ҳоригунча далаларни кезгиси бор эди. Аллақайси шўх кўйни қадамига мослаб хиргойи қилганча ташқарига чиқаркан, институт ҳовлисида ивирсиланиб юрган қоровул чол билан ҳам ёзилиб хайрлашди ва тўсатдан Маҳамат чатоқни эслади. Эртага, албатта, тажриба участкасига боради... Маҳамат ака билан яна бир карра ўзи гаплашади... Бу йил атайлаб, сунъий усулда вилт юқтириб тажриба ўтказишлари керак... Навбат шунга келган... Азиз энди сўзсиз орзусига етишади... Етишади!

У кўксини керганча кимсасиз далалар томон юрди. Институт ҳовлисини айланиб ўтган анҳор қирғоғидан бораркан, сувга эгилиб ўсган сертикан буталар ҳам уч-учидан гуллаганини, бўрсиллаб ётган ердаги кўкатлар устини ҳар хил беозор ҳашаротлар босганини кўриб, юраги орзиқди. Юмшоқ майсалар бахмалдек оёқни сийпалайди. Қаердадир бирдан сигир маъради. Азизнинг шитир-шитир қадам товушидан қўрққан уч-тўрт қурбақа, худди бир-бири билан баланд сакрашга мусобақа ўйнагандай ўзларини шўп-шўп сувга отишди... Шишадай тиниқ осмонда эса, оғзида чўп олиб, чуғурлашиб учаётган қалдирғочлар кўзга чалинади... Олис-кенгликлардан қандайдир ғалати чўзиқ овозлар ва уларнинг ёқимли акс-садолари эшитилади... Азиз ҳамон илдамлаб бораркан, «Яшаш, тириклик қанчалар гаштли» дея шивирлади севинчдан энтикиб. У тез юрганидан салда терлаб кетди.

## 5

**Х** АДЕМАЙ саратон кириб, туш пайтлари ҳарорат қирқ беш даражагача кўтарилди бошлади. Илдизи бақувват чинорлар ҳам кечга борганда барглари сусайиб, паға булутлардек тепага мағрур бўй чўзиб турувчи қалин шохлари гўё ҳароратга чидолмай устига ёпинғич ташлаб олгандай тумшайиб қоларди. Офтобга чиқиб, тепага қарасанг, осмон худди тубсиз тандирга ўхшаб ерга оташ пуркайди... Айниқса, бугун яқшанба бўлгани учун одамлар иссиқнинг қайтишини мўлжаллаб уйларида ётишар, шу сабабли кўчаларда йўловчилар сийрак, онда-сонда тошбақа юриш қилиб ўтаётган автобуслар деярли бўм-бўш эди.

Азиз шалдираган автобусда бир ўзи келиб тушди-ю, рўпарадаги баланд иморатнинг соясига ўтгач, нафасини ростлаш учун қўлидаги икки тўр халта юкни ерга қўйди. Баданига ёпишган қўйлагини шип-шип кўчириб, дастрўмоли билан юз-кўзлари, бўйинлари, кўкракларини арди-да елпиниб туриб, бир квартал наридаги ўз уйларига қаради. Барча деразаларнинг дарпардалари тушириб қўйилган, ҳеч бир ердан тирик жон асарини топиб бўлмайдигандай эди.

«Ўғзаларга ҳам қийин бу иссиқда» дея ўйлади Азиз ва аввалига кўклам чўзилиб кетиб, қуёш энди аламини олаётгани азбаройи жигига текканидан, соядан секин бош чиқариб, «инсофинг борми ўзи» дегандай офтобга хўмрайиб қаради. Кўз ўнги ловуллаб, бир зум ҳеч нарсани кўрмай қолди. Кейин хотинининг қистови билан Бешёғоч бозоридан харид қилиб келаётган мева-чевалари, нон, кўкат ва бошқа майда-чуйдаларини кўтарганча, йўлида давом этди. Муюлишга етганда чанқаб томоғи қақраганидан беихтиёр «чойхона»га ўгирилиб, мункиб кетди. Баланд бинолар орасида, кейинроқ хиёбон қилишга мўлжаллаб қолдирилган, ҳозир эса қаровсиз ётган кенг майдон ўртасида «жон сақлаган» азим туп ёнғоқ дарахти соясиди шу жазирамада ҳам «чой-

хўрлик» авжида эди. Ут-ўланлари одам бўйи ўсиб, қовжираб куйган, ҳар хил бетон синиқлари, арматура қолдиқларидан тозаланмаган бу майдонга ҳар шанба, якшанбада кўчма пиво дўкони келар: кимдир ҳазиллашиб уни «чойхона» дегану, шу-шу одамлар бу номга ўрганишган эди. Ҳозир ҳам ўн-ўн.беш майкачан, ярим яланғоч «чойхўр» қўлларида графин, уч литрли консерва банка, баъзилари эса кастрюль кўтариб, навбат кутишяпти. Азизларнинг уйдан ҳам бир-иккиталари бор шекли, унга қўл силкигандай бўлишди. Азиз кўрмаганликка олиб, тез-тез юрганча йўлакка кирди...

Одатда «чойхўр»лар идишларига пиво ғамлаб, холодильникда совиштилади-да, сал соя тушгач, уч-тўрт улфат бир бўлиб, аза-база ҳовлига тушишади. Азизларнинг уйдагилар ҳам шундай, иморат бурчагидаги тол тагига гадир-будир тахтадан атайлаб омонатгина стол ва икки тарафига эшакчалар ўрнатиб олишган. Ҳар ким пастга ўз пивосини кўтариб тушгач, қасир-қусир дамино ўйини бошланади. Даминога қўшилолмаганлар столнинг бир четида ўйналашиб, ора-сира пиво симириб-симириб ёғи чиқиб кетган қартада пирра ўйнашади. Пиво ва ичкиликнинг кўп-озлигига қараб ўйин тезроқ тугаши ҳам, ёки симёғочдан тушган хира чироқ ёруғида ярим тунгача чўзилиши ҳам мумкин... Энди ҳамма ёқ тинчиб, одамлар ухлашга ётганда қаршидаги Азизларникига ўхшаш ғиштин бинонинг учинчи қаватида эр-хотин жанжали бошланади. Аввал хотин эрнин қарғайди, кейин қарс-қарс идиш-товоқ синади; хотин «синдирма» деб ёпишса керак, маст эр уни бир-икки тушириб қоладими, кеча сукунатини пичоқдек тилган ҳаёсиз, шанғи овоз қулоқларни батавг қилади... Азиз шу йигидан безиб, ёзда ҳам балконда ётолмайди. Илгарилари бир-икки марта ҳовлидаги улфатларга ҳам қўшилиб кўрди, аммо эртаси кунни кайфи тарқагач, кап-катта одам бутун кунини пивога навбат туриш ва ҳовлида валақлаб ўтириш билан ўтказганига ниҳоятда хижолат бўлди-да, бу одатини ташлади.

...Салтанат эшикни очганда, Азиз остонада пешонаси-ю қошларининг устини маржон-маржон тер босганча, сочлари чаккасига ёпишиб юзлари ҳаммомдан чиққандай бўртган ҳолда кулимсираб турарди. Буни кўриб Салтанат кулиб юборди ва чаққонлик билан Азизнинг қўлидан зилдай тўр халталарни оларкан, эрнинг тирсагига юзи тегиб:

— Вой-бў-ў, ёниб кетибсиз-ку жуда, чўмилиб чиқа қолинг,— деди меҳрибон товушда ва Азиз олиб келган нарсаларни ошхонага кўтариб кирди. Азиз ҳам ошхонага кириб шундоқ холодильникка тақаб қўйилган бир яшик сап-сарик ҳусайни узум, қучоққа сиғмайдиган иккита тарвуз ва қаппайган каттақон қора сумкага кўзи тушди. Ҳайрон бўлиб Салтанатга қаради. У эрталабқидан ҳам чиройи очилган, «қани, топнинг-чи, ким келди?» дегандай қошини кериб турибди. Азиз ўйланиб-ўйланиб:

— Маҳамат ака! — деди топишмоқ ўйнаётгандай кўзларини катта очиб.

— Топдингиз.

— Ие, ростданми?! — Азиз энди ўз гапига ўзи ишонмаётгандай апил-тапил йўлакка қайтди-да, туфлисини еча туриб, ўртадаги уйга бош эгиб қаради.

— Шошманг, ҳозир йўқлар,— деди Салтанат ювишга тайёрлаган уч-тўртта нокни кўтариб ошхонадан чиқиб келаркан.— Бир айланиб, майда-чуйда ишларимни битириб келаман, дея кетганларига ҳам икки соатча бўлди.

— Эрталаб бекорга қовоғингга қоғоз ёпиштирмаган экансан. Қайси кўзинг учувди?— Азиз хотинига ҳазиллашди.

— Унг кўзим-да! Суюнадиган кўзим! Билдингизми энди, айтганимни индамай қилаверинг, бари бир меники тўғри чиқади.

Азиз кулди. Бирдан Маҳамат чатоқнинг одатларини эслади шекилли, бошини сарак-сарак қимирлатиб:

— Ишқилиб, у-бу бўляптими, жуда уятли одам-а, яхшиям бозорга бориб келганим,— деди энди ошхонага бошқача разм солиб чиқаркан. — Бозорга боришни ҳам, хўш, сизга ким айтди?— Салтанат товоқ-қошиқларни жўмрак тагига қўя туриб, эрига яна нозли кулиб боқди.

— Шундай топилмас одамки... Неча йилдан бери, «бораман-бораман» деб, сира ишидан ортмайди... Гап овқатдамас, қанча қилсак ҳам ҳурмати.

— Қўйинг, ўргатманг, яхши одамни сиздан кўра яхшироқ билман...

Азиз яна кулди ва уйга кирди. Салтанат балодай стол ясатиб қўйибди. Оппоқ дастурхон ўртасида сал ичилиб анчадан бери холодильникда турган коньяк, теваранига Маҳамат ака олиб келган ҳусайни узумдан катта бир бошини яхшилаб ювиб, терган; ярим палла қипқизил «дори емаган» тарвуз коса қилиб қирқилган. Уч-тўртта қийма сомса; уни кеча қайин синглиси «анчадан бери бормаяпсизлар-у, ойим хавотир олиб, юбордилар» деб ташлаб кетган эди. Қатиқ аталаб, сирли чуқур товоқда чалоб ҳам тайёрлабди; балкондаги гул яшигига экилган райҳон ва кашничлардан майдалаб солган экан, чалоб юзида иштаҳани қитиқлайдиган кўкиш япроқчалар сузиб юрибди. Хонага кирган Салтанат, эрининг елкаси оша беаган дастурхонига бир назар ташлади-ю, Азизга «қалай» дегандек имо қилди ва ликопчадаги совуқ сувда чайилганидан ялтираб турган сап-сарик нокни ҳам дастурхонга қўйди, мамнун қиёфада яна ошхонага чиқди. У ердан пиёздоғи жазиллагани эшитилиб, уйга хушбўй ҳид таралди, Азиз бирдан завқи ошиб кетди; Салтанат ошхонада таом билан оворалигида бир рюмка коньяк ичиб олди. Кейин ярим пиёла чалоб қуйиб, тишлари орасидан ҳузур қилиб симираркан, «бай-бай-бай» деганча, хотинига тегишмоқчи бўлиб ошхонага кирди.

Салтанат бурнини жийриб, ҳовурдан бошини хиёл олиб қочганча, чап қўли билан қозоннинг қулоғини ушлаб, палов масаллигини қовурарди. Хотинининг чаққон ҳаракатларини эшикка суянганча бир оз кузатиб турди. У кафғирни ердаги лаганга қўяётганда секин бориб орқасидан қучди. Салтанат ёшланиб кетган кўзларини эрига тикди-ю, «вой тавба, тинчликми, намунча оғзингизнинг таноби қочган?» деган писанда билан жилмайди. Азиз коньякдан ёноқлари бўртиб, ўзини шу қадар енгил ҳис этардики, ичида туганмас куч-ғайрат қамалиб ётгандай, кўнгли буткул эриган, ҳар бир нарсага завқланиб, мастона тикилар эди. Салтанат эридан ичкилик ҳиди келаётганини сезса ҳам индамади.

— Биласанми, Салтанат, кейинги пайтларда жудаям димоғим чоғ! — Азиз табиатига номуносиб бир тарзда қўлларини ўйнатди.— Бунинг устига Маҳамат аканинг келганини қара! Бу, ҳалиги эсингдами... Ўғлини ўқишга киритолмай, магазинчига ёрдамчи қилиб бермоқчи бўлган ота тўғрисидаги латифани айтган одам-да! Маҳамат чатоқ шу!

— Вой, ўшамми?! — Салтанат қозонни ковлаётган жойида кулди.

— Бу одам — бамисоли тутантириқ. Лов этиб ёнса — тамом! Фейли қизиқ. Жаҳли чиққанда отасини танимайдиганлардан. Маза-бемаза гап ҳам чиқиб кетади оғзидан. Ўзига келдими, танимайсан: бундан доноси йўқ. Ҳамманинг оғзида...

— Гапирувдингиз,— деди Салтанат масаллиқни обдон қовуриб, кафғир устидан шопирма қилиб сув қуяркан.— Ўша латифаниям бировларга тегизиб айтган-да...

— Ҳа-да! — деди Азиз ёш боладай севишиб. Кейин хотини иккинчи марта «чўмилиб чиқинг» дегандан сўнг сочиқ, совун олиб, ваннахо-

нага кирди. Энтикиб-энтикиб, нафаси қайтиб кетса ҳам совуқ сувда чўмила бошлади...

...Аслида ўшанда Азиз айтган воқеа мана бундай юз берган эди.

Марҳум Сергей Матвеевич елиб-югуриб ҳаракат қилмаганда, Азизга умуман ер қаёқда эди! Тағин келиб-келиб Маҳамат чатоқдан олиб бўлармиди?! Ўзини томдан ташласа ташлардики, бир қарич уватини ҳам бермасди... Аммо кекса профессорни республикадаги деярли ҳамма колхоз ва совхозларда яхши танишар, ўткир пахташунос олимлигидан ташқари катта ташкилотчи, раҳбарлардан бири бўлганини ҳам билишар, эслашар эди. Буни Маҳамат чатоқ ҳам орқаваротдан хийла эшитганди. «Пахтанинг пири» деб ном қозонган Сергей Матвеевич уруш йиллари партия топшириғи билан вақтинча университетни қўйиб Марказий Комитет секретарининг ёрдамчиси лавозимида ишлаган, бормаган колхоз-совхозни, кўрмаган, танимаган раиси ёки директори қолмаганди. Кейинчалик республика Қишлоқ хўжалик министрлигининг фан бошқармасига раҳбарлик қилган; фақат пенсияга чиққандан сўнггина, Фанлар академиясининг илтимосига кўра, шу уруғчилик институтида лаборатория мудури бўлиб ишлай бошлаган эди. Азизнинг пешонаси ҳам ана шунда ярқираб қолганди. Бечора чол бир умр унинг эсидан чиқмайдиган яхшилик қилиб кетди. Азизнинг دادил, ҳатто кўп олимларнинг жигига тегши мумкин бўлган фикрларини эшитиб, бир вақтлар ўзи ҳам бошлаб, лекин охирига етказолмай қолиб кетган илмий армонини энди мана шу шогирди давом эттираётганидан севиниб, институт тажриба участкасидан ер талашиб ҳам ўтирмади; тўппа-тўғри Тошкент яқинидаги ўзи биладиган раислардан бирига борди-ю, Азизнинг ишини бир чиқишдаёқ битириб қайтди; уни қонуний расмийлаштириб ҳам қўйишди; колхоз билан институт олимлари ўртасида илмий-ишлаб чиқариш шартномаси тузилиб, «бу шартномага мувофиқ институт олимлари икки ойда бир марта колхозчилар ўртасида турли мавзуларда илмий-оммабоп лекциялар ўқиб туришлари, маҳаллий қишлоқ ёшлари сафидан келажакда пахтачилик мутахассислари етишиб чиқишини таъминлаш мақсадида иқтидорли ўқувчиларни мактаб партасидаёқ оталиққа олишлари; ўз навбатида, колхоз эса, бу ёшларни тайёрлаш ва уларга биологиядан махсус амалий-назарий машғулотлар бериб борилиши учун бир ярим гектар ер ажратиши зарур» деб топилди... Сергей Матвеевич шу тажриба участкасига Азиз Қосимовни раҳбар қилиб тайинлади.

Азиз аввалига бу хушxabарга унча ишонгиси келмади. Кейин Сергей Матвеевичнинг йўл-йўриқларини қулоғига қўйиб олди-ю, эртаси куни ўша колхозга қанот чиқаргандай учиб борди. Раис райкомдан келганлар билан банд экан, шунда ҳам Азизни яхши қаршилади; у паканагина, қоратўри, сочини устарада қирдиргани учун дўпписининг ўрни оппоқ ажралиб турган хушчақчақ одам экан, Азизни ҳамсуҳбатлари билан таништира туриб, «бу киши Сергей Матвеевичнинг шогирдлари» деди ва Азизнинг елкасига миқти қўлини қўйди. Кейин унга юзланиб, «мен бўшагунча боринг, участкангизни кўриб келинг, ёқармикин...» деб, ҳатто машинасини миндириб юборди; шоферига «меҳмонни Тутзорга олиб бориб келгин», деб тайинлади.

Азиз Маҳамат чатоқни биринчи бор кўргани ўшанда эди. Қоп-қора, эти устихонига ёпишган, бўйнидаги томирлари бармоқдек-бармоқдек бўртиб чиққан, кўзлари ўткир, қув; икки томонга ўроқнусха ёйилган шоф мўйлови ориқлигидан худди ёлғондан ёпиштиргандек бўлиб туюлади; устида тим кулранг матодан халат-шим; оёғида жигарранг брезент этик. Узун тахта столнинг бир четида, шундоқ тол шохига илинган бедана тўрқовоғи тагида ўтирганча ўн икки варақлик дафтарига қалам билан нималарнидир ёзаяпти. Азиз ва раис шофери билан

совуққина кўришди-да, икковларига олдидаги бурни учган гардим чойнакдан илиқ чой қуйиб берди, кейин «гаплари бўлса айтишар» дегандай индамай яна ишини қилаверди. Азизнинг мақсадини эшитгач, раис аввал огоҳлантирмаган экан, бирдан кўзлари ёниб, ўрнидан туриб кетди:

— Нима-а? Ер дейсизми? Қанақа ер? Қани ер?

Гапга раиснинг шофери аралашди:

— Хўжайин тайинлаб юбордилар. Тутзордаги ерни бераркансиз, тажрибага.

— Сен тек тур! Бор, хўжайиннингга айт, у киши раис экан-ку, худосига ҳам бермайман бу ерни... Тажриба-пажрибасини ҳовлисида ўтка-заверсин, стадиондай участкаси бор...

Кейин торт-торт билан раисга боришди. У ерда ҳам Маҳамат чатоқ ҳадеганда яхши гапга кўнавермади.

— Маҳамат ака, сизникидан бошқада ер қуриб кетибдими оламан десам! — деди раис, Маҳамат чатоқнинг одатини билгани учун унга хушомад қилиб гапириб. — Сиз республикага машъал одамсиз, геройсиз. Тажрибангиз катта. Сиз тушунган, янгиликпарвар деҳқонсиз.

Маҳамат чатоқ бўйин томирлари қабариб: «Э-э, қўйсангиз-чи!» деб юзини тескари бурди. Шунда раис ҳам тутақиб:

— Нима, ерингизни институтга орқалаб кетадими булар?! — дея бақриб берди. — Сизни деб қилишяпти-ку, тушунсангиз-чи, ахир! Вилтнинг давосини топишмоқчи. — Шу ерда Маҳамат чатоқ «шу-я», шу топадими?!» дегандай Азизга паст назар билан ўқрайиб қаради. — Қўрқманг, пахтангизни экаверасиз. Фақат қачон экасиз, қачон суғорасиз, қандай озиқлантирасиз... мана, Азизжон укамиздан сўрайсиз. Ҳосили етилдими, шу йигитдан рухсат оласиз-у, териб топшираверасиз...

— Узимиз-ку оқпалакдан тинкамиз қуриб, бир қарич ер тиллога тенг бўлиб турганда сиз ер улашасиз, ҳайронман, — деди Маҳамат чатоқ кўзлари ола-кула бўлиб.

— Маҳамат ака, қўйинг, энди гапни чўзманг. Ҳаммамизнинг ҳам ниятимиз — пахта! Хўш, манави йигитларнинг нияти бошқами?! Улар...

Маҳамат чатоқ раиснинг гапини бўлиб, яна «э-э» деб қўл силтади.

— Қўл силтаманг! Нимага биз бунча кериламиз ўзи, қани айтингни? Нари борса, оми бир одам бўлсак... — Раис шу ерда бир оз тин олиб, кулимсиради. — Неварангиз сал тумовга чалинса дўхтирга чопасиз. Булар ҳам — дўхтир. Пахтанинг дўхтири булар! Маҳамат ака касални минг яширинг, бари бир иситмаси ошкор қилади. Мана, падарлаънат вилтдан бўғилиб ётибмиз-ку, ахир... Лоп этиб давоси чиқиб қолса-чи?! Шундай экан, болага ўхшаб салга тепага сапчимайлик-да, манови йигитларга қайтага раҳмат айтайлик, қуллуқ қилайлик... Нима, шунча йилдан бери экаётган чигитингиз осмондан тушганмиди?! Уларни ҳам шу олимлар яратган! Биз бўлсак ўзимиздан бошқани аҳмоқ деб ўрганганмиз!

Шундагина Маҳамат чатоқ «э, билганингизни қилмайсизми!» деди-ю, мўйлаблари диккайганча эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди...

Ушанда Азиз бир чаккада тумшайган кўйи бу гапларга ҳанг-манг бўлиб, бир раисга, бир Маҳамат чатоққа жавдираб, нима дейишини билмай ўтираверган эди. Маҳамат чатоқ чиқиб кетгач раис Азизга кулиб қаради-да, дўпписини олиб яйдоқ бошини обдон силади ва:

— Бўлди! — дея ўрнидан турди. — «Билганингизни қилинг» дегани — кўнгани! Энди бемалол, тортинмай бораверинг...

Чиндан ҳам Маҳамат чатоқ гарчи Азизни қовоқ уйиб кутиб олса-да, бироқ тутзор оралиғидаги бир ярим гектарча ерни ўша заҳоти кўрсатди ва Азизга бошқа ҳеч нарса демай изига қайтди.

Азиз ичида ноқулайлик сезса-да, тушликкача шийпонга бормай

Ўзича янги картанинг ҳисоб-китобини қила бошлади... Узоқдан кимнингдир «Обед!» деган қичқирғини эшитгандан сўнггина қалин тут барглари оша ўша томонга қаради. Офтобда қорайган, майқачан, пакана бир одам қўлини оғзига қарнай қилиб, галма-галига тўрт томонга ўгирилиб колхозчиларни тушликка чақиряпти, ора-сира қафтани қошининг устига қўйиб қаёққадир узоқ тикилиб туради-да, яна чақиради... Орадан беш минутлар ўтгач Маҳамат чатоқ Азизга одам юборди. У истамаса ҳам ноилож боришга мажбур бўлди. Маҳамат чатоқ стол тўрида ўрнашиб олганча, каттагон мис товоқдаги маставага ҳадеб нон тўғраяпти. Столга сизмаган беш-олти хотин-қиз эса ҳовуз четидаги соя жойга палос ташлаб ўтиришибди; ғовур-ғувур, ҳазил, кулги... Маҳамат чатоқ Азизни имо билан ўз ёнига таклиф қилди. Ҳамманинг кўзи Азизда эди. Маҳамат чатоқ туйқусдан:

— Нима, одам кўрмаганмисизлар?!— дея бақириб берди атрофдагиларга.— Таниб қўйинглар: ўртоқ Қосимов Азиз. Ишимизни енгиллатиш учун, оқпалакни йўқотиш учун келганлар.

Ўтирганлар Азизга бадтар ажабланиб қарашди. Кимдир унга дарров бир коса овқат келтириб берди. Шундан кейин бирон кимса чурқ этмай хўриллатиб мастава ича бошлашди. Азиз атрофга разм сола-сола қошиқни айлантириб, таомнинг совушини кутди. Тахта столдан сал нарида иккита мой бочка турибди, бирининг устига қўл радиоси қўйилган, негадир гапирмаяпти. Бочка тагидаги хас-чўплар қорамойга беланган. Ундан сал ўнгроқда ҳозир деярли ҳеч ерда ишлатилмайдиган узун «бричка» арава; фақат битта орқа ғилдираги қолибди. Ғилдирак тагидаги хас «тўшак»да эшакдай келадиган гувала бош тарғил ит энгагини қўлларига қўйган қўйи, чивин таласа ҳам индамай ётибди... Ҳар замон-ҳар замон обдон жонига тегиб кетганда тўсатдан ҳавога ҳамла қилиб қолади.

— Даладагиларнинг хўрдасидан ҳам татиб кўринг! — деди Маҳамат чатоқ кутилмаганда.— Бизнинг маданий дам олишимиз шу, ука!— У кўзларини муғамбирона қисиб, кўрсаткич бармоғи билан атрофни чизиб кўрсатди. Кейин Азизни қойил қолдирмоқчи бўлдим: — Замоनावий бир латифа айтиб берайми, тинглайсизларми? — деди дабдурустан гап мавзусини ўзгартириб. У бўш товоқни четга сурди-да, шоп мўйловларини силаб, бир-икки кекириб, нимадир қизиқ нарсани айтгиси келиб, ўрнидан қўзғалиб қўйди. Бригада аъзолари бўлса тўс-тўс ёқдан «эшитайлик, эшитайлик» дея шовқин солишди.

— Буни қарангки, туппа-тузук бир одамнинг арзандаси институтга киролмай қопти,— Маҳамат чатоқ ҳамон мийғида кулиб гапирарди.— Нима қилиш керак? Бекор юрса — саёқ йўлга киради, элнинг кўзига ёмон: чўгиртак! Майли, ҳаммол бўлсаям бирон-бир ишга овунсин. Ўзи ўғли ўқишни зўрға эплаб юрган бола экан, ўйлаб-ўйлаб савдода ишлайдиган бир ошнаси эсига тушибди; у катта дўконга мудир экан. Ўшани топиб: «Оғайни, ўғилча имтиҳон пайтида тоби қочиб, бу йил ўқиши бўлмади. Бекор юрса... тагин йигитчилик дегандай... Бирон ишга чалғигани маъқулмикин? Сизда юмуш топилар, маошсиз бўлса ҳам майли...» деб олифтагарчилик қилиб баланддан кепти. Оғайниси ҳам «шундай мартабали одам менга бўйин эгибди, мен йўқ дейманми» деган-у, ўша заҳоти: «Ҳа, омон бўлинг-е! Сиздай қадрдонимизнинг ўғилчаларига иш тополмасак, бу дунёда биз нима қилиб юрибмиз! Эртадан юбораверинг», деб катта кегибди. Чиллаки ваъдадан бир оз чўчиган мартабали ота танти оғайнисидан ётиғича: «Масалан, қандай иш?!» деб сўрабди. Оғайниси: «Юбораверинг. Ҳозирча... ойига уч юз туширади», дебди. Мартабали ота капалаги учиб: «Йўқ, йўқ, бўлмайди! Мен уни ўқитмоқчиман. Бунақада пулга ўрганиб...» дебди ҳафсаласи пир бўлиб. «Унда сотувчига ёрдамлашиб туради... ойига икки юз». Мартабали ота



яна рози бўлмай: «Бошқа ишингиз йўқми? Қўлига катта пул тушмаслиги керак», дебди оғайнисига. Шунда дўкончи мартабали отанинг мақсадига тушунмай, азбаройи энсаси қотганидан: «Ҳа, унда ўқишга киритинг... беш йил юриб, кейин етмиш сўм пул олади», дебди.

...Ушанда Маҳамат чатоқ бу латифани, ҳойнаҳой, Азизга қарата, «Сен ҳам ўшанақа мирқуруқларнинг бирисанда», деб айтгани аниқ эди. Аммо Азиз бўш келмади. Қайтага латифаси Маҳамат чатоқнинг ўзи-

га калтак бўлиб тушди. Азиз теваракадагиларнинг қотиб-қотиб кулаётганига пинагини ҳам бузмай:

— Маҳамат ака,— деди чаккасини қашиб илжайганча.— Эшитишимча, ҳамма болаларингиз олий мактабни битиришган экан, шундайми?

Маҳамат чатоқни бирдан ифтихор ҳисси эгаллади-ю, кўкрагини ғоз қилиб, гапнинг кетини ўйламай, мақтанишга ўтди:

— Бўлмасам-чи! Бизнинг ҳаққимизни ҳам шуларга берган! Даври кептиякан, давронини суришсин! Кичик қизим, саломатлик бўлса, янаги йили пиллачиликка киради. Қолганлари бари битирган!

Яна ҳамма гуриллаб кулди. Маҳамат чатоқ аввалига талмовсирагандай, «булар ҳали ҳам менинг гапимга кулишяптими» деган хаёлда турди-да, тўсатдан қўлга тушганини пайқаб, ўзи ҳам сўйлоқ тишларини кўрсатиб илжайди.

— Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма! — деб қичқирди кимдир чеккадан. Яна гуррос кулги кўтарилди. Маҳамат чатоқ овоз келган тарафга қўлини бигизлаб пўписа қилди-ю, шарт ўрнидан туриб, Азизнинг нозик кафтига ўзининг чайир, қадоқ қўлини қарсиллатиб урди ва унга самимий боқиб, «енгдингиз... таслиммиз, таслим!» деди ҳамон қиҳ-қиҳлаб куларкан.

Уша куни кечқурун Азиз бу гапни Салтанатга ҳам айтиб берган, Салтанат аввалига ёйилиб кулиб, кейин бирдан қовоғи уйилганча:

— Лекин, Азиз ака, шу латифада жон бор,— деган эди.— Атрофингизга қаранг, от — минганники, тўн — кийганники-ку. Латифалар эрмакка тўқилмас. Аҳволимизни кўринг.

— Аҳволимизга нима қипти?

— Ҳа, энди айтаман-да!..

Салтанатнинг дуч келган нарсадан дарров қийиқ ахтариши Азизнинг жаҳлини чиқарса ҳам аммо ўшанда у индамади. Салтанатнинг гапига елкасини учуриб қўя қолди.

Салтанат эса тўсатдан дадасининг бир вақтлар кимгадир айтган ўгитини эслаганди: дадаси ўшанда супада орқа ўгириб ўтирганча, ёнидаги шогирдими ёки ҳамкасбими, жиккаккина бир йнгитга ҳадеб гап уқтирар, Салтанат ошхонада, ойиснинг олдида сабзи артиб, пўчоқларини челака солаётганди.



— Санаб берганга қуш ҳам тўймайди,— деганди дадаси.— Тийин бўлса ҳам кунига қўлга пул тушиб тургани бошқа гап. Тийиндан йиғилганда, асли ўзи тагида бор, қўшилиб-қўшилиб... эҳ-ҳе... йўқ бўлса — ёмон. Қанча топма — баракасиз, ўпқон ямлаётгандай эплаш қийин...

Аммо Азиз хотинининг бугунги куйди-пишдигидан ўзида йўқ севиниб кетди. Чунки Салтанатни тушуниш қийин эди, ёш бўлишига қарамай у Азиз учун жуда мураккаб шахс эди. Эҳтимол у ҳатто баъзан ўзини ўзи ҳам тушунмас... Лекин, бари бир, Салтанат бошқа ҳамма аёллар сингари эртанги кунга катта умид билан қарарди. Айниқса, Азизни кимдир эътироф этиб, кимдир унга ихлос қўйса, илмий изланишларини мақтаса, Салтанат бирдан ийиб кетар, Азиз акаси яна ҳу қизлик вақтидагидек уддабурро, истаганини йўндирадиган эпчил одам қиёфасида гавдаланар, «ҳадемай бизга ҳам офтоб тегар... айтганимиз айтган, деганимиз деган бўлиб қолармиз...» дея ширин хаёл сураар, шундай пайтларда тўсатдан у ўзгариб, эрига меҳри товланиб, «Азиз ака-чи, Азиз ака»га ит ҳам боқмас, мулозаматни ҳам ҳаддидан ошириб юборарди.

Салтанат бугун айни шундай кайфият оғушида. Боя кимсан Маҳамат акадай қаҳрамон одам азза-базза енгил машинада келиб, шунча совға-салом ташлаб кетди-ю... Азиз акаси ҳазилакам эмас экан, минг қатла шукурки, ўзига яраша обрўси, иззати бор экан...

Салтанат Маҳамат чатоқни очиқ юз билан кутиб олди.

— Вой, тавба! — деди Маҳамат чатоқ ҳам нарсаларини бир-бир йўлакка қўяркан.— Узим ҳам салкам пайғамбарман: худди шундай бўлсангиз керак деб ўйловдим, келин. Азизжондай йиғитнинг жуфти ҳалолли ҳам ўзига яраша бўлади-да! Янглишмабман. Баракалла, умрларингни берсин. Одамларга яхшилик қилаверинглар. Яхшилик ҳеч қачон ерда қолмаган. Яшанглар, ишқилиб, қўша қаринглар...

Маҳамат чатоқ кетди-ю, Салтанатнинг дили чироқдай ёришди. «Тўпори, очиқ одам экан», деган ўй ўтди хаёлидан. Кейин ўзидан-ўзи Азизга ачина бошлади. «Бечора, нима қилса, бизни деб, шу уйим, шу болам-чақам деб қиляпти-ку. Мунча уни қийнамасам!.. Биров ортиқ, биров кам, беш панжа бараварми? Ордона қолсин, ўша кандидатлиги ҳам! Қаёққа бунчалик шошмасам?.. Вақти-соати келиб бир кун ёқлар ўзи... Ҳа, битказганлари тоғни қайриб беришяптими жуда?! Шукур қилиш керак... Биздай бўлолмаганлар ҳам сон мингта. Боши ёстиққа тегиб, ётгилик қилмасин, унда қўлимдан нима келарди. Ҳар қалай, ишлаяпти-ку! Ишлаганда ҳам... бошқа одам аллақачон қўлини ювиб, қўлтиғига урарди... Азиз ака айтганидан қолмаяпти, бир нарсага ишондики, шундай қилади... ўжарлиги ҳам ишонганидан...».

Кейин меҳмонни кўнгилдагидек кутаман деб, апил-тапил уйни йиғиштириб, дастурхон тузишга киришди. Шу орада эшик қўнғироғи жириглаб, кунли кечагина сомса ташлаб кетган синглиси кутилмаганда яна кириб келди. Улар синфдошлари билан Тошкентнинг янги қурилишларига экскурсияга чиқшиган экан, қайтишда иссиқдан безиб тагин бир кириб ўтай, деб йўл устида автобусдан тушиб қолибди. Салтанат ёрдамчи топилганига суюнди. Ҳамма ишлар битиб, стол ясатилгач синглиси «мен энди кечикмай» деб ўрнидан турганида, Салтанат уни қўярда-қўймай, «қуруқ борма» деб, Маҳамат чатоқ олиб келган тарвудан биттасини тўр халтага солиб, икки килоча олтиндай ҳусайни узумни газетага ўраб қўлига тутқазди, «бу даланики, бу бошқача» деб мақтаб, гўё ҳамма вақт ўзларини мана шундай янги мева-чева, сабзавотлар билан таъминлаб туришадигандай танги бекаларга ўхшаб иш тутди. Ҳозир унинг кўнгли осмонларда эди...

Азиз ваннахонадан чала-ярим кийинганча чиқиб келди. Салтанатнинг олдида туриб, сочини қайта-қайта арта бошлади ва:

— Салтай,— деди хотинини эркалаб.— Биласанми, худди марҳум Сергей Матвеевични кўргандайман. Уша, энди тўйимиз бўлган пайтларда чиққан бир мақоласини топиб олдим. Сақлаб қўйган эканман... Э-эҳ! Одамга жудаям кўп нарса керак эмас ўзи бу дунёда! Яхши гап керак. Битта гапдан одам тирилиб, битта гапдан ўлиши ҳам мумкин. Мен бугун тирилгандайман.

— Сизни-ки тирилтирибдими, демак, зўр гап экан!

Хотинининг ярим ҳазил, ярим чин бу гапига Азиз ҳозир эътибор ҳам бермади. Унинг хаёли бошқа ёқларда эди:

— Илгариям ўқигандим-у, ёдимдан чиқиб кетган экан. Бағри кенг одамлигини энди билдим. Бутун ишларимни худди олдиндан кўриб ёзгандай, бояқиш... Салтанат, биласанми, баъзи пайтларда ҳаммасидан воз кечворгим келади, бошимни олиб кетсам дейман.

Азизнинг охириги гапи Салтанатнинг нафсониятига ботди ва юлқинганча:

— Беҳзод билан бир кечагина оймникида ётиб келай десам, шунга сочингиз тикка бўлади-ю, сиз бош олиб кетаркансизми?! — деди лабини буриб.

— Ростдан, Беҳзод қани?

— Хайрият, эсладингиз. Гулнора кўтариб чиқиб кетган. Ҳу, ана, ҳовлида юришибди.— Салтанат қўлини сочиққа арта туриб, ошхона деразаси орқали чўзилиб ташқарига қаради.

— Қайси Гулнора?

— Вой, қўшингизниям билмай қолдингизми? Йўлакда юрган экан, қарашвор, деб ялиндим.

Азиз «ҳа-а» деди-ю, хаёли яна бошқа ёққа учди:

— Бугун ўша мақолани ўқидим-у, биласанми, ҳамма шубҳаларим тумандай тарқади-кетди. Худди машаққатли ишимни яқинда охирига етказадигандайман. Шунинг кўнглим сезиб турибди! Ҳа, ҳа, сезяпти! Эртага яна участкага чиқаман...

Салтанат нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлаганда, кўнгироқ жиринглади. Азиз «келдилар» деди-да, бориб эшикни очди. Салтанат ҳам шоша-пиша йўлакка чиқди. Маҳамат чатоқ мўйлаблари диккайиб, ҳар хил қоғоз қути ва ўрам-ўрам буюмлар кучоғига сиғмай, сўйлоқ тишларини кўрсатиб остонада кулиб турарди.

— Э, Маҳамат ака, бормисиз! Ассалому алайкум. Қани, марҳамат, марҳамат,— Азиз унинг қўлидаги нарсаларнинг бир қисмини олиб енгиллатди.

— Икки қадам жой-у, шунга ҳам қўл тегмайди,— деди Маҳамат чатоқ оёғини остонадаги латтага артаркан.— Бир тушганда бир йиллик ўйинчоқни биратўласи оламан. Кейин неваралар ўйнаб, ичак-чавоғини чиқариб ётаверишади. Дўконга кирсам, ёпирай, қалашиб ётган ўйинчоқлар эмас, кўзимга нуқул уйдаги миттвойлар кўринаверади! Ҳар бирига биттадан олганда ҳам... Шоферимиз бензинга кетди. Кабинкада қалдир-қулдир сочилмасин деб, қўлимга сиққанча кўтариб киравердим. Ҳали машинада ҳам бор анчаси...

Маҳамат чатоқ Азиз ва Салтанат билан алламаҳалгача ота-болалардек ширин суҳбатлашиб ўтирди. Кейин: «Биз қарзимизни уздик, Азизжон, келин! Энди сизлар чиқасизлар қишлоқ тарафларга», дея «топшириқ» берди-да, қайта-қайта хайр-хўшлашиб, қўлидаги бир дунё қўғирчоқлари ичига кўмилганча чиқиб кетди.

Азиз уни муюлишда турган машинасигача кузатиб борди-да, изига қайтиб йўлакларига кираётганда қаршисидаги гиштин иморатнинг учинчи қаватида қарсиллаб чинни идиш синди, хотин кишининг додла-

ган шанғи овози эшитилди. Азиз ширакайфлигидан ирим қилгандай кўкрагига туфлади-ю, «яхшиям Маҳамат ака кетгандан кейин бошлашди» дея минғирлади ва билинар-билимас гандираклаганча зинадан кўтарила бошлади.

## 6

АЗИЗ анҳор лабидаги тарвақайлаб ўсган кекса жийда тагида ён-бошлаб боягина феруза шишадек тип-тиниқ турган, ҳозир эса найзага келган қуёш тафтида бамисоли тандирдек ёнаётган самога тикилганча онда-сонда узоқ-яқиндан эшитилиб қолаётган қишлоққа хос ярим-юрим жарангдор қўққис овозларга ҳафсаласизлик билан қулоқ солиб, уйидан келтирган бир шиша қатиғи ва икки-уч бурда нонини тамадди қиляпти. Гардиш лентаси сарғайиб кетган эски похол шляпасини ҳам бошидан олмаган, орқароққа суриб қўйган; таги кулранг йўл-йўл кўйлагининг баданига ёпишган жойлари тердан қорайиб кўринадди... Азиз эрталабдан бери тинмади. Бўлак-бўлак карталардаги ҳар хил белгилар қўйилган тахталаларни ҳам синчиклади, ўсимликнинг кейинги ривожини, суръатини ўзича чамалаб, махсус ён дафтарига ёзиб чиқди. Мана энди обдон чарчаганини айниқса сал дам олиб, тамадди қилганидан сўнг сездим... Лоқайд қиёфада нон чайнар экан, атрофга кўз югуртирди. Ғадир-будир жийда танасини олхўридек-олхўридек елим-қабариқлар қоплаган; пастандан қарагани учунми, Азизнинг назарида шу «шишлар» ҳам бояқиш дарахтни хиппа бўғган касалликка ўхшаб таъбини хира қилди... кейин у яна рўпарасидаги ўз карталарига кўз тикиб, вужудини бирдан тотли сурур қамраб олди. Ғўзалари бири баланд, бири паст, ҳатто танаси ва баргларининг рангидан ҳам бемалол биридан-бирини ажратса бўладиган кичик-кичик пайкаллардаги ўсимликлар гўё ёғ ичгандай яшнаб турибди, уларни уч кун олдин Маҳамат аканинг одамлари меҳр билан чопиқдан чиқаришган, Азиз ўшанда то қош қорайгунча куймаланиб, ниҳолчаларини ишонмай, ўзи кўз-қулоқ, бўлиб турган эди. Азиз ётган жойида ҳў ўша илмий советда туйқусдан бошланиб кетган баҳсни эслади ва Муҳиддин Жабборовичнинг «қани, фикрингизни асослаб беринг-чи» деган дағдағаси худди ҳозир ҳам қулоғи остида эшитилгандай оғир хўрсинди, юраги орзиқиб, кун қизигида бош эгиб турган бўлиқ ғўзаларга тикилди ва «халоскорларим» дея дил-дилдан шивирлади...

Қаллакланган тутзорга бориб тақалган ҳов анави картадаги ғўзалар Азиз кашф этаётган энг охирги бўғинга мансуб пахта нави. Боягина санаб чиқди: шиғил кўсак, ўзак шохларининг баландлиги 90—100 сантиметрга етибди, ваҳоланки, ғўза вилтга чалинса, айни мана шу ўзак шохлари бошиданоқ мажмағил бўлиб қолади. Ҳосил шохлари унча узун эмас, барглари бешпанжали, кўм-кўк, ўрта ҳажмда. Кўсаги думалоқ, жажжи бўғинли, силлиқ, беш чаноқли. Утган йилги бўғиннинг ҳар бир кўсагида ўрта ҳисобда беш-олти граммдан пахта етилган эди, ғўзанинг чоғига қаралса, бу йилгиси яна ҳам салмоқлироқ бўлиши керак... Азиз қанча вақтдан бери бутун умидини боғлаб келаётган шу янги навидан ҳамон кўз узмас экан, бундан етти йил бурун, худди шу ерда теплица шароитида экиб кўкартирган ёввойи ғўзасини хотирлади-ю вужуди зириллаб кетди. Ушанда куз кирганда ҳам гулламаган эди тажриба учун эккан ғўзалари. Бутун мавсум кутгани билан ҳатто битта дона кўсак ҳам тугмади; кўсак тугиши учун Мексикадаги сингари кун қисқа бўлиши зарур эди... Аммо сунъий йўл билан қайта-қайта вилт юқтирилса ҳам касалликка чалинмади; ҳосилсиз-ю, лекин гуркираб ўсаверади. Мана, энди ҳўв анави серҳосил «Ф» навига қараганда ҳам эр-

та етилаётган ғўзаларда кўп одамларнинг кулгисини қистатган, жигига теккан ўша ёввойи навнинг пушти, қони бор! Азиз табиатнинг ажиб бир хислатига ҳар доим ҳайрон: бирон кашфиёт юзага келгандан кейин, мундай ўйлаб қаралса, борлиқнинг оддийгина сири очилган бўлади, холос. Аммо ўша заррадай қонуниятни кашф этиш учун эса, озмунча меҳнат, озмунча сабот, озмунча инсон умри керакми, ахир?!

Барибир Азиз ҳозир дилгир эди. Боя эрталаб гузарда автобусдан тушиб, колхоз идорасига кирмай, тўппа-тўғри даласи томон бурилганида, омборхона муюлишида унга икки нотаниш йигит дуч келди. Бир энгил-боши қорамойга беланган, залворли кирза этигини зўрға судраб келаётган чўпдай ориқ йигит эди, иккинчиси — пакана, юзлари тирсиллаган, думалоқ, елкасида паншаха билан кетмон. Аввалига Азиз билан қуҳқ сўрашишди-ю, беш-олти қадам нари бормай, иккови бараварига воҳ-ҳа-ҳалаб кулиб юборишди. «Оқпалак полвон шу! Ун йилдан бери келади-кетади!» Азиз ялт этиб орқасига ўтирилди: йигитлар ҳамон кулиб боришяпти. Азиз қишлоқ йигитларининг бу соддалигидан ўша дақиқада унча ранжимади. Лекин сал юрғач, бутун жисмини уят ҳисси эгаллаб, ҳозиргина эшитган гапидан бўйнигача қизариб кетди...

У шоиртабиат йигит бўлгани учун ҳам салга эзилар, салга суюнар, салга қанотланиб, салга бўшашар эди, айримлар бир шиддат билан оладиган ишни у баъзан роса мижғовланиб, минг ўйлаб, минг қўйиб, ҳа деса иккиланиб, охири кўнглига ўтиришгандагина бир ёқлик қиларди... Шу сабабли ўша йигитлар валақлаган эрталабки арзимаган гап ҳам унинг кўнгил ойнасига бамисоли тошдай қарсиллаб тегди-ю, кайфиятини бутунлай бузиб юборди. Шунча йиллик қилаётган иши бирдан кўзига бир чақалик аҳамияти йўқ нарсага ўхшаб кўринди. Кейин ғўзаларига чалғиб, йўлдаги дилозорликни бир оз унутди... Мана, ҳозир эса, яна изтиробда... Яна юрагини шубҳа босяпти... Туриб-туриб баъзан ўзининг ҳам жонига тегиб кетади! Денгиздай мавж урган пайкаллар бу ёқда қолиб, яланг нимжон, қовжираб, қувраган парча-пурча майдончалардан чиқмай юриши, ивирсиб, эртадан-кечгача дафтарига нималарнидир ёзиб, нималарнидир идишчаларга, конвертларга йиғиб чарчамаслиги қишлоқ аҳлини аввал ҳам шубҳага солганини, унинг олимлигига бир-иккида ишонмай қарашганини Азиз орқаваротдан сезганди. «Ун йилдан бери келади-кетади!». Бундан ҳам ортиқ ҳақорат бўлиши мумкинми, ахир?!

«Ёввойилик хусусияти зўрайиб кетиб, катта-катта майдонларда ҳосил битмай қолса-чи? Унда давлат олдида ким жавоб беради? Сизми?» Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг ачитиб айтган бу ўринли гапларини эслади-ю, кўнглига баттар ваҳим бостириб кирди ва кафти билан кўзини қуёшдан яширганча ҳозирги кунда республиканинг деярли барча пахта майдонларида районлаштирилган, вақтида вилтга чидамли, ҳосилдорлиги, тола сифатлари аъло бўлган ғўза нави экилган нариги карталарга қаради, юраги увишди. Утган сафар чиққанида бу майдонлар қийғос ўсиб, шохлари тарвақайлаб, кун сайин, соат сайин ўзига куч йиғаётган эди. Мана, энди бирдан сусайиб, деярли ўсишдан тўхтаб, қувраб ётибди. Битта-яримта тугунчаклари ҳам қоқисмон бужмайиб, кўплари ҳалитданоқ эгат орасига тўкилиб тушибди. Жон сақлаганлари ҳам нима гўр бўларди? Аввало кўсақда салмоқ деган нарса йўқ. Толасини-ку, гапириб ўтириш ҳам бекфойда...

Жийда тагига ёзган газета-дастурхонига офтоб туша бошлагач, Азиз уни йиғиштириб ўрнидан турди-да, сал наридаги қатор тут даҳлатлари соясига бориб ўтирди. Почалари чанг бўлиб кетган шимини уватга тақалиб ўтган тупроқ йўлга барала узатиб, ерга чалқанча ташлади. Суяклари қирсиллаб, ҳузур қилиб обдон керишди. Шу пайт бош томондан, қалин тут барглари орасидан ёқимли бир экин келди. Азиз

шиддат билан ўрнидан туриб, тагин сал юқорироққа — қақраб ётган ариқ бўйига кўтарилиб ўтирди. Рўпарадаги кўм-кўк пахтазор бора-бора олислашиб новлотранг тусга кирган, диққат билан қаралса, пахтазор устидан лопиллаб нимранг дудга ўхшаш ҳовур кўтариларди. Деҳқонлар бу ҳовурни оқпалакнинг белгиси дейишади... «Унда давлат олдида ким жавоб беради?! Сизми?» Азизнинг назарида ҳозир ҳар бурчакдан Муҳиддин Жабборович унга хўмрайиб қараётгандай, уни таъқиб қилаётгандай туюлди-ю, яна алам билан қувраган ғўзаларга ўгирилди. «Ахир, бир иложини топиш керакми?! Манавинақанги ўткир ачимсиқ дориларга ҳам бўй бермаяпти-ку?.. Аввал «ёввойи пуштга чатиштирма» деб қийнашган эди. Энди бу ёғини ҳам тўғрилаб қўйишяпти: мабодо, вилтга чидамли ҳосилдор нав етиштирилган тақдирда ҳам, барибир, охири вой эмиш... Азизнинг хотирига туйқусдан Сергей Матвеевич мақоласидаги анави фикр келиб урилди: «Хатолар ҳам фаннинг калити, ахир...»

Бирдан боши айланиб, гўё рўпарасидаги пахтазор ҳам бир сидра лопиллаб кетгандай бўлди. Яна ўша ўтган галдагидек калласининг ичи тўхтовсиз ғувуллай бошлади. Юраги дук-дук ўйнаб, шоша-пиша чўнтагидаги резерпин дорисидан бир донасини олиб тилига ташлади-да, «сув йўқмикан» дегандек у ёқ-бу ёққа аланглади. Нариги пайкал четидан ўтган ариқ қақраб ётибди; ўзанча ўннга бурилган жойдаги тўй қозонидек сунъий ҳовузчада эса жонсиз, тиниқ қўлмак сув ялтиллаб турар, бироқ у, биринчидан, қуёшда исиб кетган, иккинчидан, Маҳамат чатоқ бригадасига тегишли асосий майдонларни кечагина қўл пуркагичлари билан дорилаб чиқишганда ҳовузчага ҳам заҳарли модда тушган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмасди. Шунинг учун Азиз тилида турган тахир дорини ямлаб ютди...

Бир оздан сўнг анча кўзи ёришиб, таъби жойига тушгандай бўлди-ю, хаёлини яна ғўза ташвиши эгаллади. Барглари унниқиб, шалпайиб ётган нариги пайкалларга кўз ташлади. «Вилт томир орқали ўтиб, ўсимлик ҳужайраларидаги ҳаёт тешикчаларини чиппа-чип беркитиб қўяди шекилли... Акс ҳолда у нимадан қовжирайди. Илдиздан борган касаллик бутун танага нам юборувчи йўлларда ўрнашиб, борган сари кўпайиб, улғайиб... охири мутлақо нам ўтказмайди... Кейин ғўза қовжираб, қуриydi... Аксари олимлар шу талқинни қувватлашади. Лекин бошқача қарашлар ҳам анча...».

Азиз касалликдан соб бўлган, зўрға қилтиллаб турган *бегона* пайкаллар билан ўз пайкалларини солиштираркан, вилт муаммосига, унинг сирли механизмига ўзининг ниҳоятда яқинлашиб борганини ҳис этди, руҳияти бирдан фориглашиб, «ё таваккал қилияписизми?» деган кесатиқларни ҳам писанд билмай ички тўлқин кучи билан дик этиб ўрнидан турди... Бир оз ўйланиб, яна ўтирди. Ахир, маданий навни ёввойи уруққа чатиштириш ғоясини у осмондан олган эмас-ку?! Азиз ўз фаразни моддий борлиқ қонуниятларига мос тушишига ва оқибат-натижанда ўйлаган нияти ушалишига ишонади... Ишонади-ю... бироқ қанчалик кўп мушоҳада юритиб, қанчалик кўп *билгани* сари дунёнинг шу қадар беҳад, бепоёнлиги, унинг истаган нуқтасида кутилмаган, инсон шу пайтгача ҳали ҳисобга ололмаган қонуниятлар яшириниб ётган бўлиши эҳтимолини ҳам чуқурроқ ҳис этади, ана шунда Муҳиддин Жабборовичларнинг унга билдирган шубҳаси кўкрагида илондай қўзғалиб, бутун режаларини остин-устун қилиб юборгудек уни тазийққа олади... Аммо, бари бир, у таваккал қилаётгани йўқ! Тўғри, ирсият қонунига мувофиқ бир организмнинг айрим белги-хусусиятлари наслдан-наслга ўзгармаган ҳолда ўтади... Лекин ташқи шароит таъсирида бир ёки бир неча наслий зарраларнинг ўзгариши билан ўша белги-хусусиятлар бошқа хоссага айланиши ҳам мумкин!

Азиз студентлик йиллари, фақат тотли умиддангина иборат бозор хаёллари, Сергей Матвеевичдан тинглаб юрган мароқли лекцияларини эслаб кетди. Қанчалар осон ва жўн эди-я, ўша пайтдаги қарашлари уларнинг! Ҳаммаси — китобда, таппа-тахт эди!.. Ваҳоланки, олам ва унга чамбарчас боғланган олимлар муҳити шундай эканки, бунда тўхтовсиз давом этувчи фикрлар курашида, баҳслар қуёнида келажак тугиларкан! Ахир, Дарвингача яшаган олимлар мана шу кўриб турганимиз «жонли ва жонсиз табиатни мутлақо ўзгармайди... ўсимлик ва ҳайвонот олами қандай яралган бўлса, ҳозир ҳам худди ўшандай, яъни ўзгармаган» дер эдилар-ку?! Ҳозир бу фикр қанчалар кулгили! Айни Дарвин ўша догма қарашга тиг уриб, биология фанини илмий асосга олиб чиқмадимми?! У, яна, ўзгарувчанлик ва янги организмларнинг вужудга келишига *чатишув* сабаб бўлишини ҳам исботлаган... Ёки ўзимизнинг Мичурин... У организмларнинг ирсий хусусиятларига ташқи муҳит қандай таъсир кўрсатишини ўрганишдан ўз ишینی бошлаган; дурагай организмларда баъзи белги-хусусиятларни атайлаб кучайтириш ...ҳа, ҳа, *атайлаб кучайтириш* йўлидан борган; географик жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлган формаларнинг чатишиши ва насл бериши мумкинлигини амалда кўрсатган. Ёки академик Вавилов таълимоти-чи? Николай Иванович турли ўсимликларнинг географик тақсимланишини текшириб, улар ер куррасида маълум қонуният асосида тарқалганликларини ва ўсимлик турларининг жойланиш жадвалини тузди: маданий ўсимликларнинг келиб чиқиш марказларини изоҳлаб берувчи қимматли таълимот яратди...

Пуларнинг барини Азиз биринчи бор Сергей Матвеевичдан эшитганди. Сергей Матвеевичга эса, Азизнинг бошқа студентлардан ажралиб турадиган бир хислати — назарий қоидаларни қуруқ ёдлаб олиш эмас, балки уларнинг ҳар бирига ҳаётдан бевосита изоҳ излашга бўлган интилиши ёқиб қолганди. Қўнғироқ чалиниши ҳамона аксари студентлар ўзини кўчага урса, Азиз Сергей Матвеевич ҳузурига келиб яна сўроққа тутар, кўпинча унинг гапларини тинглаб деканатгача эргашиб бораверарди. Улар орасидаги чинакам ота-болачилик айни ўша йилларда бошланганди...

Аммо фан, илм ҳам бамисоли кема елканидек, қаёқдан кучли шамол эсса, ўша ёққа бурилавераркан! Зиддиятли назариялар, хилма-хил далиллар, бир-бирини инкор этишлар... Аммо шу жараёнда баъзан тўғри йўлдан тойиб, ўйдим-чуқурликларга тушиб кетиш ҳам мумкин экан... Эҳтимол, фан учун бу ҳам зарурдир. Ахир, табиат тилсимотини ҳар бир одам ҳар хил, турлича нуқталардан туриб кўради...

Азиз уруғчиликда ёввойи пуштан ҳам фойдаланишдан бу қадар чўчишларини ўткинчи ҳодиса деб билади. Чунки ҳозир биологияда шу услубни рад этувчи *қараш* ҳукмронлик қиляпти. Бу қараш ҳам аслида ўринли, фойдали; унга асосланиб муҳим тадқиқотлар, ниҳоятда самарали тажрибалар ўтказилган... Лекин айни пайтда у иккинчи йўлни инкор этмаслиги керак! Азиз мана шунисига куюди. «Менинг кашфиётим услубига бошқа бир услуб қарама-қарши чиқса, нега энди мен унга, албатта, тош отишим керак экан?!» Азиз Сергей Матвеевич мақола-сини эслаб, яна кулди. Ҳамма гапи тўғри-я! Фирт ҳақиқат!.. Ҳозир ҳам худди шундай бўляпти!.. Ўша ҳукмрон оқимга мансуб ва шу кунда фан идораларининг кўпини бошқараётган Муҳиддин Жабборович сингари номдор олимларнинг бир ёқлама фикрлари, қолаверса, ўз обрў ва кашфиётлари тақдирини фан, борлиқ ҳақиқатидан устун қўйишга интилиб, ўзларига салгина зид туюлган гоё ва қарашларни менсимай, уларни обрўсизлантиришга жон-жаҳдлари билан уринишлари Азизнинг виждонини қийнарди... Йўқ, охир-оқибатда ўша қувғинга олинган қарашлар ҳам ўз ўрнини топиши, енгиб чиқишини Азиз билади! Лекин... унда

вақт бой берилган бўлса-чи? Ҳамма соҳада ҳам одамга суянчиқ керак; аммо фан соҳасида кучли ҳомий кишинг, маслакдошинг, ҳамфикринг бўлмаса, қирда ўсган якка қайрағочдек шумшайиб умринг ўтавераркан... Айниқса, кўпчилик тан олиб, расмий тусга кирган қарашларга шак келтирдигми — бас, жамоат фикрини ҳақоратлади, деган номинг чиқаркан-у, бироқ уларни ўз фикрингга ишонтиришинг бари бир қийин экан!.. Жамият эътироф этилган ҳақиқатлар билангина яшаркан!..

...Орқа тарафдаги тут буталари шитир-шитир қимирлади; ер остидан чиққандек, кутилмаганда Маҳамат ака пайдо бўлди. У ариқдан гуп этиб сакраб ўтди-да, қўлидаги бугунги газетаси ва сап-сарик босволди қовунни авайлаб ерга қўйди. Кейин Азиз билан кўришиб, унинг рўпарасига чордона қуриб ўтиргач:

— Азизжон, бу дейман, ғўзаларингизга дам соляпсиз шекилли? — деди юракдан қаҳ-қаҳ уриб. Унинг кулгиси Азизга оғир ботмади. У ёнбошлаб ётган жойидан илжайганча туриб ўтирди-да, тирсиллаган қовунни кўриб оғзининг суви келди. Маҳамат чатоқ ўрнидан бир чимти-ниб, жигаранг брезент этигининг қўнжидан ўзи доим «Чустники» деб мақтайдиган сопи жимжима пичоғини олди; қовунни сўйишдан аввал худди Азизга кўз-кўз қилаётгандай у ёқ-бу ёғини айлантриб кўрди. Кейин ширр этиб пичоқ тортиши билан газета юзига тотли шарбати қуйилиб тушди.

— Ҳа, жонивор-а! — деди Маҳамат чатоқ ҳам, оғзини сўлак босиб. — Омонлиқ-сомонлиқ! Ҳазил-ҳазил билан қовун пишиғиям этиб келиб-миз яна. Олинг, Азизжон, олинг. Олиб қочгунча — сочиб қоч деб, кафт-дакнина ерга, тагини чуқилаб гўнг солиб экканмиз, дориси йўқ. Бизга шунисиям бўлаверади-а? — Маҳамат чатоқ шундай деб, кўзини қувлик билан қисиб қўйди-ю, тағин ёзилиб кулди. — Қўли қимирлаганиннг оғзи кимирлайди. Мана, пўчоқ ерга тушди, бу ёғи куз...

Азиз яқин ўртада бунақанги лаззатли қовун емаганди; танглайига босиши билан хушбўй шарбат томоғидан қултиллаб ўтади денг! Қовундан кейин ҳам яна у ёқ-бу ёқдан анча гаплашиб ўтиришди. Охири толзор орасидан шийпонда дам олаётган бригада аъзолари бирин-бирин ўринларидан туриб, пахтазорга тарқалиб кетиша бошлагач Маҳамат чатоқ Азизга яқинроқ сурилиб ўтирди ва худди биров эшитиб қолишидан кўрққандай, паст овоз билан:

— Азизжон, — деди, — ишқилиб, у-бу чиқай деяптими мановиларингиздан? — У ҳамон қўлида ўйнаб ўтирган пичоғининг учи билан қаршидаги майдонга ишора қилди. — Тутзорга тақалган ҳов анави карталарингиз дуруст, кўсаги биз эккан майдонлардагидек бўлмаса ҳам, ҳар қалай бор. Лекин яхши тутиб турибди. Ҳар куни ўтаётганимда мен ҳам тимирскиланаман участкангизда. Аммо манави мажмагил карталарни нима қиламиз кўкартириб? Шунисига ҳайронман.

Азиз кулди.

— Кулманг, Азизжон. Мен жиддий гапиряпман.

Маҳамат чатоқнинг азбаройи ачиниб айтган бу сўзи Азизга бирдан айил ботди. Тузукроқ жавоб тополмаганидан:

— Нима, сиз ҳам шубҳаланаюпсизми? — деди жаҳли чиққани сезилиб.

— Шубҳа-ку қилмайман-а... аммо атрофингизда айлаиб юрган майда-чуйда гаплардан жичча хабарим бор, Азизжон. Хў, бир борганимда келиннинг ройишидан ҳам сал сезгандим. Сизга қайишганимдан гапиряпман, ука. Шунча йилдан бери, мана шукур, ота-боладек бўп кетдик. Сизга калтак тегса, бизга теккани...

Азиз Маҳамат чатоқ тўхтагунча тишини тишига қўйиб турди. Яна лоп этиб миясига эрталаб муюлишда учраган йигитларнинг коски гапи келиб урилди. «Демак, Маҳамат акаям ўшалардай менга ишонмас

эканда?.. Раиснинг юзидан ўтолмаганидан индамай юраркан...» Азиз шу аснода бундан анча йил бурун раиснинг кабинетидида бўлган биринчи жанжал ва ўшанда Маҳамат чатоқ ер талашиб, «Оқпалакнинг давосини, шу-я, шу топадими?!» дегандай қаҳрланиб қараганини хотирлади-ю, баттар алами қўзиди. Азбаройи ғазоби ошганидан ҳозир қўзига Салтанат — ким кўринганга уни ёмонлаб, ҳасрат қилиб юрадиган ёвга ўхшаб кўринди. Нега бунча оғзи шалоқ?! Уйга биринчи келган мана шу хокисор одамга ҳам мени янибди-я!

— Салтанат нима деди?!

Маҳамат ака ўткир, қув қўзлари чақнаб, ялт этиб Азизга ўгирилди. Бўйнидаги бармоқдек-бармоқдек томирлари яна ҳам бўртиб кетгандек бўлди. У, Азизларникига борганда кўнглида туғилган ожизгина гумони ҳамсуҳбатининг ҳозирги арзимас ҳаракати туфайли бирдан тасдиқланганидан афсусда эди. Салтанатнинг номини эшитиши билан Азиз тутақиб, ранги ўзгариб кетганининг ўзи оралари совуқлигини ошқора қилиб турибди. Аслида Салтанатнинг уй тутиши, гап-сўзлари Маҳамат чатоққа ҳам аллақандай сохта туюлган, Азизнинг акси бўлиб кўринганди. Гарчи у биринчи борган жойи, яна Салтанатнинг юзидан ўтолмай: «Азизжонга қўйиб қўйгандек жўр экансиз» деган бўлса-да, бари бир бу уйда оилавий бахт, ўзаро чинакам илиқлик, ҳар қандай мушкул шаронгта ҳам кишига куч бағишлаб турувчи соф муҳаббат йўқлигини қандайдир ички бир туйғу билан сезиб олганди, лекин сир бой бермаган эди. Мана, энди Азизнинг гезарган лаблари, ғазабнок қўзлари ҳаммасини равшан қилди-қўйди. Маҳамат чатоқ шуларни ўйларкан, Азизнинг юрагига бекорга туз сепганидан куйиниб, гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди:

— Эскидан гап бор, ит ҳураверади, карвон эса тўхтамай кетаверади. Ҳозир одамларга «мана сенга, кўрдингми» деб тумшугининг тагига суқмагунингизча, ишонишмайди. Ким ким-у, лекин мен сизга ишонаман, укам. Ишингиздан, сўзингиздан биламан. Бунинг устига, юзингизга айтмай-у, мусичадек увол одамсиз, ишқилиб, омадингизни берсин, ишингиз бароридан келсин. Кўкракни баланд кўтариб юраверинг, Азизжон; бу ёқда мана биз бор! Фисқу фужур гаплар эса... э, элнинг оғзига элак тутиб бўларканми?! Қулоқ солманг! Нафсилабирга, агар ҳамма бир хил гапирганда... қайтага зерикиб ҳам қолардик. Ҳо, инонинг, ҳо инонманг, тортишаётган одамларни кўрсам, ҳузур қиламан! Демак, нимагадир ишонишади! Кўнгилларида нимадир бир *чин* сўзлари бор! Нимадир бир ўғил бола гап айтишмоқчи! Аммо-лекин тортишмай, тулкидай жилпанглаб туриб, пахта тагидан игна санчиб кетадиганидан асрасин! У-у-у! Улар худди сувилонга ўхшайди, қайси қамишнинг тагидан чиқиб қолишини ҳам билмайсан!..



Азиз кондуктор қаршисидаги ўриндиқда ўтирганча уйга қайтаркан, Маҳамат чатоқнинг гапларини эсларди. «Тортишган одамни кўрсам, ҳузур қиламан!» Чинакам мард, танти киши! Муҳиддин Жабборовичларга айти шу хислат етишмайди. Ҳар қалай, улар тортишадиган ёшдан ўтиб кетишгандир, эҳтимол... Энди уларга тинчлик керак... Эл-юртга, давлатга қиладиган хизматларини вақтида дўндириб қўйишган. Энди уларга тинчлик керак... Тинчлик... Ҳеч ким энди уларнинг мушугини ҳам пишт демаслиги керак... Ҳеч ким!..

Автобус текис асфальт йўлда шувуллаб борар; қуёш уфқда қип-қизил из қолдириб, ҳозиргина ботган; ҳалигина теракларнинг узун қўланкалари йўлгача чўзилиб, кечки шабадада кумуш баргчаларнинг йилтироқ ва хира томонларини галма-галига айлантириб ўйнаётган эди... Эн-



ди туйқусдан ҳамма ёқни бир текисда кулранг шарпа эгаллади... Чап томондаги уфқ эса, ҳамон оловланиб турибди, поёнсиз пахтазорларга тутшиб кетган олис ёнбағирларда нур ва соя ўйинлари ҳали ҳам авжида; зангори рангда олтинланиб турган узумзорлар орасидан мўра-лаётган дала шийпонининг нуқра деворлари нақ кўзни олади... Автобус ойнасидан липиллаб ўтаётган қорамтир далаларда ҳали ҳам ҳаёт тинмаган, одамлар уйга қайтишни ўйлашмайди; ҳамон чумолидек ги-мирлаб юришибди. «Деҳқоннинг меҳнати бу! У соатни билмайди... Қан-ча ишлаш керак бўлса — шунча ишлайди, шунга ўрганган. Бировдан ўпкаламайди ҳам; ишлайверади...». Ҳу, ана, ёнига уч-тўрт қизни ўтирғи-зиб олган аравакаш йигит, оғзи қулоғида, дала томонга қараб отни қамчилаб боряпти. Азиз уларга тикиларкан, лабларига беихтиёр та-бассум югурди. У ҳам бир вақтлари, болалик пайтида, ўртоқлари би-лан колхоз боғида сариқ гилос ўғирлаб, кейин дарахт панасида беда ортилган арава ўтишини пойлаб туришарди. Билдирмай орқасига осилиб, қуйинларидаги гилосдан еб, данакларини билқиллаган тунроқли йўлга чирт-чирт отиб келишаверарди. Борди-ю, аравакаш сезиб қолса, узун қамчисини тепадаги бедага қарсиллатиб уриб, қўрқитиб тушириб юборарди...

Азиз ўзидан-ўзи кулимсираб, нимадир деб пичирлаб юборгандай бўлди ва хижолат чекканидан шошилиб атрофидагиларга разм солди...

«Тортишган одамни кўрсам, ҳузур қиламан!» Тавба! Қизиқ гап айтди... Азизнинг кўз ўнгида яна Муҳиддин Жабборовичнинг бароқ қош-лари, қип-қизил мамнун қиёфаси жонланди-ю, ўз кабинетида ўтириб бир гал унга айтган гаплари қулоқлари остида қайтадан жаранглаб кетгандай бўлди. Ушанда Азизга қўлини нуқиб:

— Ука, бўлса-бўлмаса гап қайтаравериш одамнинг тутуриқсизли-гини кўрсатади,— деганди.— Киши ҳаётда минг хил адашиши мумкин, ваҳоланки, тўғри йўл — битта, укам. Буни мен эмас, бурунги файласуф-лар айтган. Адашиш ўнғай, ваҳоланки, тўғри йўл топиш мушкул; ни-шонга тегишдан кўра, ваҳоланки, хато қилиш осон, укам. Эсингизда бўлсин!

Кейин бир оз ўйланиб туриб, яна давом этганди:

— Адашиш ҳам сизга ҳозир фойдали. Негаки, ёшсиз, ҳали тушу-насиз. Бироқ шу хатоингизни бу феълингиз билан, ваҳоланки, умрбод кўтариб юрмасангиз деб қўрқаман...

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг озиб-ёзиб бир насиҳат қилгандай айтган ўша сўзларини эслади-ю, кўнгли хижил тортди. Бу сўзлар унга яна ўзгача куч билан таҳдид солаётгандай туюлди. Айниқса, Маҳамат аканинг бугунги шубҳаси кўнглига қаттиқ ботди.

«Майли, осмон қўлида бўлса — ташлаб юборар... Зўр келса, кан-дидатлигимни ёқлатмай қўяр... Керакмас! Ахир, зиғирдаккина фойда-ли иш қилмасам... кандидат бўлдим нима-ю, бўлмадим нима?! Ўз фа-разимни, қолаверса, ўзимни синаб кўраман. Турган-битганим, эътиқо-дим шу менинг! Ё донғим чиқар, ё чангим!.. Мабодо манави заҳматкаш деҳқонларга қилдайгина қувват бўладиган иш қилолсамми... шунча меҳнатим, чеккан аламларимдан мингдан-минг розиман... Шу йўлда адашсам ҳам майли... Яхши ният билан ишлаб, натижа чиқаролмасам, жазолашса ҳам розиман... Аммо номига фалончи бўлиб, ҳаётга бир ми-рилик нафи тегмайдиган олимликдан кўра... Эътиқод нуридан қалб илиб турмаса, одам, ахир, нимага таянади?!».

АЗИЗ шаҳарга етиб келганда қоронғи тушган, куни билан қизиб ётган асфальт кўчалардан ҳалиям юзга иссиқ ҳовур уриларди. Чилонзорга боргунча ҳам орадан яна анча вақт ўтди. Азиз шундоқ йўлакларига бурилаётганда, шу пайтгача сира кўрмаган нотаниш бир йигитга дуч келди-ю, беихтиёр четланиб, унга йўл берди. Кун дим бўлса ҳам йигит оч кулранг костюм кийиб олган, галстугини ойнага қараб боғламаган шекилли — тугуни қийшайиб кетган, потинаси баланд янги чиққан туфлиси рўпарадаги симёғочдан тушаётган неон лампа ёруғида ялт-юлт йилтираб борарди. У ҳам Азизга кўзи тушиши билан дарров четланди-да, кейин зипиллаганча орқасига қарамай кетаверди. Жинглак қора сочли, қуюқ мўйлабли, митти кўз бу йигит негадир Азизга жуда такаббурга ўхшаб кўринди, аммо у аҳамият бермади. Зинадан кўтарилаётганда хаёлидан: «Тўртинчи қаватдаги бева хотиннинг танишларидандир-да», деган фикр ўтди.

Эшик қўнғирогини босди. Куни билан далада офтобда юриб, таяинли овқат ҳам емай, тинкаси қуриганини энди сизди. Вужудида ёқимсиз беҳоллик туйиб, эшик очилгунча деворга суяниб турди. Салтанат негадир ҳаяллаб қолди. Азиз ҳайрон бўлиб соатига қаради; яна қўнғироқни босди. Жимжит... Бирдан Азизнинг назарида ичкарида Салтанат бору, лекин эшикни атайлаб очмаётганга ўхшаб туюлди. Бу фикр унда онгсиз равишда пайдо бўлди-ю, тоқатсизланиб эшикни дукурлата бошлади. Шундагина ичкаридан — ошхонадан шекилли Салтанатнинг «ҳозир» деган овози эшитилди ва у шип-шип юриб келиб, эшикни очди. Хотинининг бўғриқиб кетган юзи, енг ва этакларига ун теккан кенг халатига кўзи тушди-да, ҳозиргина ҳовриқиб турган Азиз дарров ўзини босиб олди.

— Мен, кўчадамисизлар деб ўйладим,— Азиз хотинига «нега тез оча қолмадинг» дегандай зарда қилди.

— Вой, кеч бўлди-ку, Беҳзод ухлаб ётибди...

Салтанатнинг хавотирли кўзлари, бутун диққати, фикри-зикри эрида эди. Рангсиз юзи баттар оқариб, гапирганда нафаси ичига тушиб кетаётганга ўхшарди. У мундай бир кун кўрмаган, қачон қараса диққанафас уйда ўтириб, аёллик кўркини деярли йўқотаёзган эди. Ҳозир ҳам кўрқув яширинган кўзлари Азизга илтижо билан боқар; баланд ҳам — паст ҳам, ориқ ҳам — тўла ҳам деб бўлмайдиган жуссаси эса бир хиллардек етилиб, ўзини қўйиб юборолмаганлиги бир қарашдаёқ билинарди. У одатига хилоф равишда ҳадеб мақсадсиз куймаланар, Азиз билан гаплашса ҳам хаёли бошқа ёқда, нуқул эрини синчикларди. Азиз даладан чарчаб қайтгани учун хотинидаги бу ҳолатни сезмади; унга қолса, ҳозир мириқиб сувга қонса-ю, овқатланиб, ўрнига кириб, ётиб дам олса...

— Чанқаб кетдим. Совуқ сув йўқми?

— Вой, товба, кичкина болага ўхшайсиз-а! — деди Салтанат ўзини дадил тутишга уриниб.— Кўчадан сув-сув бўлиб келдингиз-ку... Хафақон касалингизга шамоллашни ҳам қўшиб олмоқчимисиз? Сира сабрингиз йўқ. Ана, айвонга чиқинг, совиган чой бор.

Азиз хотинининг амрига ёш боладек бўйсуниб, айвонга ўтди. Каттакон гардим чойнакка яхна қилиб қуйилган кўк чойни бир симиришда яримлатгач, танасидаги ҳордиқ зумда сусайгандек бўлди. Чойнакни хонгахта устига дўқ этиб қўяркан: «Яхшиям сув бор дунёда!»— деди...

Салтанат ҳамон ошхонада ивирсила нар, юраги така-пука, асабла-

ри қақшаб, биқир-биқир қайнаётган қозонга лағмон хамирини соларди... Эри хамир овқатни ёқтиришини ўйлаб, тушдан кейиноқ у лағмонга уннаган, тўрвадаги уни камроғу, лекин «иккаламизга етар» деб, таомни бошлайверган эди. Ҳў, бирда Маҳамат ака келиб кетгандан бери Салтанат ажабтовур очилиб, Азизнинг кўнглига қарайдиган бўлиб қолган эди. Мана, бугун ҳам анча-мунча майда ишидан қочмай, ўзи истаб лағмон қилаётганди.

Кун ботиш олдидан эшик қўнғироғи жиринглади. Салтанат худди боягидек ичкаридан «ҳозир» дея овоз берди-да, эрининг келганига шубҳа ҳам қилмай, бориб эшикни очди. Очди-ю, турган жойида тахтадай қотиб қолди. Остонада Азиз эмас, Йўлдош илжайиб турарди! Қўлида яна алламбало оқ қоғоз ўрами. Салтанат тўсатдан мияси чайқалиб кетгандай талмовсиради. Енг-этаклари ун, бармоқлари хамир... Нима қилишини билмай гарангсиб тураверди... Йўлдош эса, башанг кийинган, кайфи бор шекилли, қонталаш кўзлари мастона сузилиб, Салтанатнинг «киринг» дейишини кутмоқда эди. Аммо Салтанат оғзини ҳатто саломга ҳам очолмади. Шунда Йўлдош бир гандираклаб остонадан ўтди-ю, қарс этиб эшикни беркитди ва Салтанатнинг биллагидан ушламоқчи бўлиб, «мумкинми» деди. Бу — ичкарига киришга рухсат сўраганими ёки «қўлингиздан ушласам майлими» деганими — Салтанат англамади, қўлини силтаб тортиб олди. Йўлдош яна унинг биллагига интилди. Салтанат ғазаби қайнаб:

— Сизга нима керак ўзи?! — деб ўшқириб берди. — Уялмайсизми кап-катта одам! Бировнинг уйида!

Йўлдош ғирт маст бўлса ҳам бу танбеҳдан кейин бир оз ўзини тутишга ҳаракат қилди:

— Кечира-а-с... — деди ва тағин Салтанатга интилиб, тирсагидан ушлади. Салтанат шундагина Йўлдошнинг аҳволини тушуниб, бадтар юраги ўйноқлаб кетди. «Биронтаси кўрган бўлса-я... Ҳозир қўшнилар ҳовлига сув сепадиган пайт... Вой, шўрим, нима қилиб қўйдим!.. Азиз акам кириб келса, нима дейман?!»

Салтанат безгак тутгандай вужуди дағ-дағ титраб, оёқлари, тиззалари ҳолсизланиб, ўзи тушиб қолган бу қалтис кўнгилхушлик ўпқони унинг барча пинҳона орзулари-ю, нопок хаёлларини бир зумда бурнидан булоқ қилиб оладигандай жон талвасасига тушди. Йўлдош билан тортишганининг фойдаси йўқ энди. Қайтага шов-шув кўпайиб, қўшнилар сезиб қолиши мумкин... Азиз-чи! У истаган дақиқада кириб келади-я! «Э, худо, нима қилиб қўйдим?!»

Бу фикрлар Салтанатнинг миясидан яшин тезлигида ўтди-ю, у ўша заҳоти аҳволни ақл тарозисига солди ва «нима бўлса ҳам ҳозир Йўлдошни тезда чиқариб юбориш керак» деган қарорга келди. Маст одамга қаттиқ гапирса — деворга нўхат отгани билан баробар. Яхшиси, уни алдаб йўлга солиш керак... «Уша биринчи келгандаёқ ҳайдаб чиқариб, Азиз акамга очиғини айтиб, юзимни ёруғ қилиб олганимда-ю! Мана, энди! Бир оёғим ботқоқда, энди тортаверади... Тортаверади...»

Йўлдош эса, бадтар хираланиб Салтанатга суйканар, қўллари, тирсақларининг юқорисини силаб, ўзига тортар, азбаройи вужуди музлаганидан Салтанат буни сезмасди. «Майли, нима бўлса ҳам... ишқилиб, тезроқ чиқиб кетсин, тезроқ чиқиб кетсин... мени шарманда қилмасин...» Салтанат индамаган сари Йўлдошнинг дағал ҳирси бадтар ўт олиб, ақлини йўқотган одамдай ҳадеб унга талпинар, билакларини силаб, тўхтовсиз ҳансирарди. Кейин Салтанат юлқиниб, ўзини олиб қочса ҳам лабидан ўпишга интилди; оғзидан ароқ ҳиди гупиллаб, нуқул «Салтанат, Салтанат» дея телбанамо шивирларди.

Охири у Салтанатнинг юзини куч билан қайноқ кафтлари орасига олди-да, чўччайиб турган лабларидан қаттиқ ўпди. Салтанат бир сил-



Расмларни А. Холиқов чизган.

ри, Азиз пойлаб тургандай, агар очса, шу заҳоти қўлга тушадигандай, баттар ранги ўзгарди. Жон ҳолатда Йўлдошни ушлади-да, бутун жисми қулоққа айланиб, ташқарини тинглади. Йўқ, ҳеч қандай шарпа сезилмади. Салтанат кичик болани туртгандай Йўлдошни четга суриб қўйди ва эшик қулфини секин очиб, йўлакка бош суқиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Пастдаги ярим очиқ деразадан ҳовлида ғужғон ўйнаётган бола-чақаларнинг қийқириқ-сурони ва ота-оналарнинг ишдан қайтишини пойлаб саватини кўтариб келган боққолнинг: «Сара бодроқ! Сара бодроқ!» деган овозигина эшитилипти, холос.

Салтанат Йўлдошнинг гижимланган ёқаларини юлқиб-юлқиб тўғрилади, ташқарига чиқишидан олдин уни хотиржам қилиш учун хиёл жилмайди. Йўлдош буни бошқача тушуниб, чуқур хўрсинди, яна Салтанатни қучмоқчи бўлди.

— Ҳайдасангиз кетмайман! — деди аразлаган боладек юзини терс буриб, деворга қараб қаттиқ кекирди-да, ҳиқичоқ тута бошлади.

Салтанат бадтар ваҳимага тушди. Миясида эса «нима бўлса ҳам тезда жўнатишим керак буни» деган фикр тўхтовсиз чарх урарди. Қўрқиб кетганидан ўзи Йўлдошнинг қўлини маҳкам ушлади ва унга ялиниб:

— Илтимос сиздан, ҳозир кетинг. Азиз акам келиб қоладилар. Илтимос, кетинг,— деди.

Йўлдош мастлигидан ҳаёни ҳам унутиб:

— Қачон келай? — деди кўзларини пирпиратиб.

— Кейин, кейин! — деди Салтанат даҳшат ичида, оғзидан нима чиқаётганини ўйламай. Йўлдош бўлса, ёшлигида камситилган ўтли эҳтирослари энди мастлиги туфайли бирдан сиртига қалқдимиди, Салтанатнинг кўсида қандай тўфон юз бераётганидан беҳабар, ғалати бир манманлик кучи билан ҳеч нарсадан ҳайиқмас, ҳатто ўзи ҳам қанчалар хатарли жар ёқасида турганини сезмас эди. Шу сабабли ҳам аввалига икки учрашувда Салтанатда жуда яхши, ҳавасни келтирар даражада ёқимли таассурот қолдирган Йўлдош ҳозирги қилиғи билан унинг кўзига ниҳоятда бачкана, тутуриқсиз, енгилтак бир жувонбоз қиёфасида

кўринди. «Ишқилиб, бир амаллаб, ҳеч кимга билдирмай чиқариб юборишим керак. Чиқариб юборишим керак!..»

— Кейин, кейин! Вой, мунча хирасиз? Кейин!

— Ҳозир!..

Салтанат ҳамон суюқлик қилаётган Йўлдошни секингина йўлакка итариб чиқарди-да, кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб, пастни ишора қилди, Йўлдош истар-истамас зинадан туша бошлади; Салтанат эшикни қирс этиб ёпиб олганини эшитгач, зинанинг ярмида тўхтаб, ўйланиб қолди. Яна изига қайтиб, Салтанатни ўпмоқчи ҳам бўлди. Епиқ турган эшикка қараб бу фикридан қайтди ва у ёқ-бу ёғини тўғрилаб, худди жиддий иш билан юрган одамдай қовоғини уйди, ташқарига қараб йўл олди. Ҳовлига тушиши билан Азизни кўрди-ю, маст бўлса ҳам юраги орқасига тортиб кетди; Азизни у биларди. Агар кундуз куни бўлганда-ку, бу одамнинг тўсатдан ранги қув ўчганини Азиз ҳам сезарди.

Йўлдошнинг бор кайфи бошидан учиб, иложи борица тез юришга ҳаракат қилиб, катта йўл тарафга жўнаб қолди. Орқасидан биров қуваётгандай шошила-шошила, қоқила-қоқила автобус бекатига этиб келди. Шундагина журъат қилиб орқасига қаради: ҳеч ким йўқ эди; елкасидан тоғ ағдарилгандай оғир сўлиш олди... Шу пайт узоқдан кўк чироғини милтиратиб такси кела бошлади. Йўлдош қўл кўтаргани етмагандай отилиб йўл ўртасига чиқди. Такси тўхтади. Шофери «гаражга кетяпман» деса ҳам Йўлдош қилт этмай ўтириб олдида, мутлақо тескари томондаги адресини айтди. Ҳайдовчи бир оз айтишиб турди-ю, кейин гапирган билан фойда чиқмаслигини сезди шекилли, жаҳл билан газни босди... Йўлдош эса, худди қамоқдан чиққан одамдай ўзини бирдан хотиржам сезиб, чуқур нафас олди... Аммо, бари бир, юраги гуп-гуп урар, «сал кечиксам, ё қайтиб чиққанимда борми...» дея ўйлади-ю, тасавуридаги даҳшатли манзарадан эти увишиб, қилган ишидан афсусланди. Боягина ароқнинг кучи билан ўзича кўнглида маъқуллаган гаплари қанчалар бемаъни хаёлпарастлик эканини тушуниб, бадтар ваҳимага тушди. Аслида бугун Салтанатларникига келиш унинг хаёлида йўқ эди. Ишхоналарида тўй бор эди, ҳамкасбларидан бири уйланаётганди. Йўлдош «бир ёзилишиб ўтирайлик» деган мақсадда машинасини минмай, уйига ташлаб келганди. Унинг қўшничилик билан фойдаланадиган хизмат «араваси» ҳам бор эди-ю, лекин Йўлдош уни деярли шеригига бериб қўйганди, чунки чет элда ишлаган вақтида машинасини нуқул ўзи ҳайдагани учун рулга ўрганиб қолганди.

Ишхона раҳбарлари тўйхонага анча барвақт боришди. Мақсад: кўздан холи ўтириб, бир мириқишмоқчи, одамлар йиғилган пайтда эса, сиполик билан ўринларидан туришмоқчи эди. Йўлдош бошидан оч қоринга бир-икки рюмкани тўла-тўла ичди-ю, кейин ўзини тўхтатолмади. Овқатни ҳам еди, ароқни ҳам тортиди... Утириб-ўтириб бирдан эсига Салтанат тушиб қолди. Бу фикридан шу даражада қувониб кетдики, бошлиғига дарров нимадир деб баҳона топди ва тўй эгаси билан хайрлашиб, дарвоза тагида қаторлашган машиналардан бирига ўтирди-да, ишхонасига келиб, тунов куни хотинига олган совғасини қўлтиқлаб чиқди, ўша машинада Чилонзорга қараб жўнади. Кайфнинг ҳузури билан орқа ўриндиқда ястаниб бораркан, ўзни худди иссиқ ўлкаларга қанот қоққан кўчманчи қушлардек бахтиёр, енгил ҳис қиларди... Кейин Азизни ўйлади. «Бугун ҳам даласидадир?.. Хўш, уйда бўлса нима қипти?! Ҳе, бу ҳезалак олимвачаларнинг ҳаммасини билламан! Диплом деса, шу бир варақ қоғозга хону-монини ҳам сотиб юборишади. Тоғамнинг аспиранти бўлгандан кейин қаерга борарди? Истасам, гаҳ деб қўлимга қўндираман...»

Йўлдош кайфлигидаги бу телба-тескари фикрларидан, сохта ботирлигидан ўзи уялиб, яна бадтар қўрқиб кетди. «Қўлга тушганимда

катта жанжал бўларди... Шармандам чиқарди... Тўхта, тўхта, Шорасул айтувди-я, бу тўнка, тоғангизни ҳам менсимайди, деб... Муҳиддин Жабборовичдай одамни-я!.. Вой, худо бир асрабди... Қайтага аламини мендан оларкан... Худо асрабди...»

Йўлдош хаёлга шўнғиб, такси уйига етиб келгани, шундоқ дарвозаси тагида тўхтаганини ҳам сезмади. Шофер тепадаги чироқни ширқ этиб ёқиб, унга ёб қўйгудек ўқрайиб қаради, шундагина Йўлдош чўнтагидан пул чиқариб, ҳисоб-китоб қилди, машинадан тушаётиб эшигини тарақлатиб ёпди. Ҳайдовчи нимадир деб сўкинди-ю, машина қўзғалган пайтда очиқ ойна орқали:

— Хурмачанга қараб ич, аҳмоқ! — деди ва машинасини гувиллатиб, бир зумда узоқлашиб кетди. Йўлдош эса, «хў, нима дединг?!» деб дўқ урганча машинанинг номерини эслаб қолишга уринди, аммо дарров унутди...



Салтанат Йўлдош чиқиб кетгач, эшикни беркитди, елкаси билан унга суялганча, мажолсизланиб, бирдан хўрлиги келиб кетди. Шу турганча туриб қолди. Сал ўтмай ташқарида Азиз келаётганини пайқади; унинг бир пой туфлисидаги лиқиллаб қолган нағали бетон зинага урилганда «чиқ-чиқ» товуш чиқарар, буни ҳатто тунов куни Азизга айтиб, «ғашингизга ҳам тегмайди-я, тузатиб олсангиз бўлмайдими» деб дашном ҳам берганди. Азиз қўл силкиб қўя қолганди. Салтанат ўша таниш «чиқ-чиқ»ни эшитди-ю, «вой, ўлмасам, анови қоғоз ўрами шу ерда қопти-ку» деган даҳшатли фикрдан эсанкиради, кейинги дақиқада эса, шошилганча уни олиб, ичкари уйга учиб кирди, шифоньер тагида уйилиб ётган кирлари орасига яшираётганда Азиз эшикни жириглатди. Салтанат юраги ўйнаб, у ёқ-бу ёгини тузатди. Оёқ учиде келиб, даҳлиздан ўтса қадам товуши эшитилиб қолишидан қўрққани учун катта уй эшиги билан айвонга чиқди. Яна қўнғироқ жириглади. Салтанат ошхонага кириб, ўзидан-ўзи полдаги тахта-ўқлоғи билан супрани йиғиштира бошлади. Азбаройи қўрқиб кетганидан бу ишни Азиз уйга кирганда қилса ҳам бўлишини унутган эди. Шу пайт эшик дукурлай бошлади. Салтанат ҳовлиққанча ошхонадан туриб, «ҳозир» деди-ю, шоша-пиша даҳлизга қараб йўналди... Боя Азизни қарши олишидан олдин уйда шу воқеа содир бўлган эди...

Салтанат Азизга косани тўлатиб юзига кўк ташланган хуштаъм лағмон сузиб келди-да, ўзи ҳам ўтирди. Бироқ томоғи хиппа бўғилган, овқат ўтмади. Нуқул эрига зимдан разм солиб, «ишқилиб, сезиб қолмадимикин, ёки сезса ҳам атайлаб синаяптими» деган хавотирда ўтирар, эшик тиқ этса, «мастликда довдираб яна кириб келса-я» деган ғулғуладан юраги орқага тортиб кетарди.

Азиз ўзи боя тушда Маҳамат чатоқ ҳам ўзи билмай Азизнинг нозик жойидан тутган, «уринишларингиздан бирон натижа чиқадими» деб, усиз ҳам тоза эзилиб юрган Азизни баттар изтиробга солганди. Кейин орадан шўп этиб Салтанат чиқди; Азиз шунисига чидолмади. Аммо йўлда кела туриб, у анча ҳовуридан тушди. «Гапирса гапиргандир-да, бегона эмаску», деб қўйди ичиде. Азизга қолса, яна ҳозир ўша гапни чувалаштиришни истамаётган эди-ю, бироқ Салтанат ўзи гап очди:

— Қуриб кетсин шу ишингиз ҳам, — деди эрига ачиниб. — Рангингизга қараб бўлмайди, эзилиб кетдингиз. Хў келганда Маҳамат акага ҳам айтгандим, у кишиям кўп ачиндилар.

— Нима девдинг?— Азиз оғзидаги овқатини қулт этиб ютдида, Салтанатга норози тикилди.

— Анови сизни қийнаётган домлангизни айтдим. Йўл бермайди деб...

— Нима деб айтдинг?! — Азиз энди ўшқириб берди.

— Сизни кўролмайди деб...

— Эсинг борми? Менинг нимами кўролмайди?!

Салтанат бошқа вақт бўлганда Азизга гап бермасди, оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирарди. Аммо ҳозир тилини тийди. Азизнинг жаҳли чиққанини кўриб, «айбдорман» дегандай бош эгди. Бундан Азиз юмшаб, хиёл ўксиган оҳангда:

— Сенга айтганман-ку, менинг ишларимга аралашма, деб. Нима қиласан бошингни оғритиб,— деди ва ўрнидан туриб, бир-икки эснаганча ётоқхонага кириб кетди. Салтанат ўрин солиб берди. Азиз тезгина душга тушиб ювиниб чиқди-да, юмшоқ тўшакка шўнғиди.

Салтанат яна анчагача ошхонада қозон-товоқ ювиб юрди. Орада лип этиб ичкари уйга бирров кириб, Йўлдош олиб келган ўрамни очиб ҳам кўрди: кўкракбурма, жимжимадор гулли ич кўйлак экан. Қоғозчаси шундоқ устига ташлаб қўйилган, аллақайси чет элники шекилли. Салтанат унча ўқёлмади. Апил-тапил тахлаб, яшириб қўйди...

Хў, алламаҳалда ишларини саранжомлаб бўлгач, нариги — ўша шифоньер қўйилган хонада ухлаб ётган Бехзоддан хабар олиб чиқдида, секин келиб, эрининг ёнига кирди. Азиз деворга тақаб солинган ўринда устига юпқа чойшаб ёпиб бу томонга қараб ухлар, негадир ғужанак бўлиб олган эди. Салтанатнинг назарида хона димиқиб кетганга ўхшайди. Ўрнидан туриб, бош томондаги дераза пардасини сидирди, товуш чиқармай форточкани очиб қўйди. Ташқаридаги симёғочдан тушаётган ёруғ шуъласида эрининг юзига тикилди. Бир оз ўйланиб турди-да, кейин ётди. Азиз кундузи чарчагани учун оғзини хиёл очганча, «қҳҳ, қҳҳ» хуррак отиб ухларди. Салтанат халақит бермаслик учун берироқ сурилиб ётди, кейин аста ўгирилиб, эрининг юзига қаради. Азиз бурни дўрдайиб, ўнг юзидаги ҳозир қорайиб турган чуқур қулдиргичи негадир ҳар замонда учиб-учиб ухлар эди. Салтанат унга узоқ термилди-да, бирдан кўнгли ғаш тортди. «Бечора иш-иш деб адоий-тамом бўляпти... Мундай сал гаплашиб ётишга ҳам ҳоли-жони йўқ...»

Салтанат тарам-тарам ёруғ тушиб турган оқиш шифтга кўз тики-ю, Йўлдошни хаёлан эрига таққослай бошлади. Ўйин-кулги, хуфёна айш-ишратларга ўч Йўлдошнинг олдида Азиз худди фариштадек покиза, бегуноҳ эди. Салтанат Йўлдошнинг бояги дағал жиловсизлигини Азиз бечоранинг тортинчоқлигига, ҳатто эр билан хотин ўртасидаги муносабатларда ҳам ўз туйғуларини кишанлай билиш хислатига солиштириб кўрди-да, Азизнинг бегона аёл у ёқда турсин, ўз хотинига ҳам бу масалада одобсизлик қилолмаслигини ўйлаб, ичидан зил кетди. Кўча чироғининг нури сингиб турган ўнг тарафдаги деворга ўгирилиб, икковлари ЗАГСдан олдин тушган расмга қаради. Нимқоронғи хонада Азизнинг қора костюми ва ўзининг оқ кўйлагидан бошқа нарсани ажратиш қийин эди. Аммо Салтанат Азизнинг хиёл кулиб тушган юзини кўз олдига келтирди-ю, бундан уч-тўрт кун бурун, пашша ўтирганми, пешонасида бир-иккита майда қора доғлар пайдо бўлганини, шу пайтгача ҳафсала қилиб шуни артиб қўймаганини эслади ва «қҳҳ-қҳҳ» хуррак отаётган эрига тикилди. Виждони азобланди шекилли, юраги батдар сиқилиб, касал пайтидагидек чакка томирлари лўқиллаб оғрий бошлади. «Қаёқданам кўрдим-а, шу олифтани! Энди бошимга бало бўлди! — Салтанат ётган жойида тўлғаниб, эрига орқа ўгириб олди. — Мақсади нима ўзи унинг? Устимдан куляпти! Севган одам, юрагида

қилдай бўлса ҳам ҳурмати, муҳаббати бор одам бу ишни қилмайди! Мақсадини биламан... биламан...»

Миясидан шу хил фикрлар сизиб ўтди-ю, яна эри томон ўтирилди, унга тикилиб, тағин раҳми келди. Оҳиста юзларини силаб, ўзига қаратди. Азиз донг қотиб ухлаётгани учун бир-икки ғингишиб, девор тарафга қараб ётиб олди... Салтанат Азизнинг ёстигини тўғриламоқчи эди: муздай — сўлаги оқибди. Кейин у эрининг елкасига чойшаб тортиб қўйди. Бари бир ярим тунгача кўз юмолмади. Минг йўсин хаёллар тартибсиз қўй подасидек бошида гувуллаб, бутунлай оромини йўқотди.

Бир пайт Йўлдошнинг ўтли эҳтирослари ва қулгили қилиқларини эслаб вужудини бирдан ёқимли уят ҳисси қамради. Ҳали ҳам жимирлаб турган лабларини ушлаб тамшанди-да, «ўлгур, тишлаб олди-я» деди ичида. Йўлдошнинг қоп-қора жингалак сочлари, тикандек қаттиқ мўйлаб ҳозир ҳам гўё юзи, бўйниларига ботиб қитиғини келтираётгандай, оғзининг таноби қочиб, жилмайди. Боши деворга гурс этиб текканда кўзлари бирдан ғилайлашиб кетгани эсига тушиб, Салтанат кулиб юборишига сал қолди. Кейин Йўлдош уни нима қилган бўлса, ҳаммасини бир-бир хаёлидан ўтказди-ю, яна вужуди тайинсиз, аммо аллага ўхшаш ёқимли қалқиш сездди. «Йўқ, ҳозир!» деб қисталанг қилиб туриб олгани ҳам энди унга ёқди. «Тавба! Наҳотки, шунга йўл қўйдим-а?! Устимдан тоза қулган бўлса-чи... Қўни-қўшинини чақирсам ҳам кавушини тўғрилаб, ҳайдаб чиқаришим керак эди! Энди суйканиб келаверади... Ҳайдаб чиқаришим керак эди... Йўқ! Унда бадтар шарманда бўлардим... Кейин мени қўйишарканми?! Бутун Тошкентга овозам кетар... Йўқ, йўқ, худо асрасин! Қандай бош кўтариб юраман кейин?! Ундан кўра ўлганим афзал...»

Салтанат кўп нарсаларни билмаса ҳам, аммо ғийбатнинг кучи нималарга қодирлигини яхши биларди. Шунинг учун ҳам «Йўлдошни дангалига ҳайдаб чиқаришим керак эди» деган аҳддини энди хаёлидан итқитиб ташлади. «Бошқа йўл топиш керак... Бошқа йўл... Акс ҳолда...»

У шу хилдаги зиддиятли фикрлар гирдобига ўртаниб, минг турли хаёлларга бориб, эртанги кун ўзига нима ҳадея этишини билмаган ҳолда, ярим кечага боргандагина нотинч ғафлат оғушига кирди...

## 8

**А**ЗИЗ зиёфатларни унча хуш кўрмаса ҳам Шорасулникига Салтанатни бирга олиб борди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Ҳу, бирда у директорнинг шахсий топшириғини бажариб, Расул Оллоёрович йиққан илмий далиллар — ҳар турли жадвал ва диаграммаларни тартибга солиб бўлгач, унинг ҳузурига кирган; семиз папкадаги қоғозларнинг тахминан учдан бир қисмигина Расул Оллоёрович ишлаб чиққан илмий хулосага хизмат қилиши, қолганларини эса, ташлаб юбориш ҳам мумкинлигини айтганда, директор аввалига ишонмаган эди. Кейин ўша куни соат ўнларгача кабинетда ўтириб, Азиз ажратган жадваллар ва яроқсиз деб алоҳида тахлаб қўйган қоғозларни ҳам эринмай, диққат билан кўздан кечириб чиқди-ю, ёш олимнинг диди, иқтидори нақадар юксаклигига тан бериб, унга яна ҳурмати ошди.

Лекин эртаси куни уни алоҳида чақириб, раҳмат айтган пайтида ҳам, бари бир, ичидагини очиқ билдирмади. Чунки яқингинада Муҳиддин Жабборович икковлари ўртасида Азиз тўғрисида бир оз гап айланган эди. Ушанда Расул Оллоёрович маслаҳат солган оҳангда, «Шу Азиз Қосимовга ҳам қарашиб юборишимиз керак» деганида Муҳиддин Жабборовичнинг бирдан ранги ўчиб:



— Сизга неча дафъа айтдим, Расул Оллоёрович,— деб гина қилди.— Менда, ахир, шу тирмизакка нима хусумат бўлиши мумкин?! Гаппингиз қизиқ. Демак, айб унда эмас, менда экан-да... Ваҳоланки, қайсар одамни тарбияламоқ учун таёқ керак! У марҳаматнинг қадрини билмайди... Андишанинг отини қўрқоқ қўяди!

Илмий баҳсларда чиниққан, хоҳласа истаган одамига «зулмини» ўтказа оладиган Муҳиддин Жабборович Азизнинг номини эшитиши билан бу қадар ўзгариб, газабга тушиб фикр билдирганига Расул Оллоёрович, бир жиҳатдан ажабланди, бир жиҳатдан у ҳам айбни Азизга тўнкаб, «муштдай бошидан шундай баобрў одамни ранжитганига куяйми» деб ўйлади ва «яқинда унга анча насиҳат қилганим жуда ўрнига тушган экан» дея ўзидан мамнун бўлиб қўйди.

...Шунинг учун ҳам Азиз бажарган ишдан ўзида йўқ қувонса-да, аммо сиртида унча сир бой бермади, яна насиҳатга ўтди:

— Одамларга, коллективга аралашиб туриш керак, Азизжон,— деди хатга қарайдиган кўзойнагини бошқасига алмаштиракан.— Мана, хонадошингиз Шорасул Мақсудовнинг ҳам иши битди, янаги ҳафтада ёқлайди... Эндиги навбат, саломатлик бўлса, сизга,— Расул Оллоёрович Азизга кулимсираб қаради, Азиз бундан ўзини ноқулай сезди.— Азизжон мен сизга астойдил айтаяпман, кўпчиликдан ажралманг. Ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам, а?.. Нега ўзингизни олиб қочасиз? Ҳаммаси синашта одамлар. Эрта-индин Шорасулнинг зиёфати бўлади, албатта боринг. Шунақа жойларда ҳеч кўзимга тушмайсиз. Одам бир-бири билан учрашиб турса кўнги чигили ёзилади, одамнинг ҳоврини одам кўтаради, ука. Уйда қамалиб ётаверган билан қайтага иш орқага кетади. Бунинг устига яна хонадошсизлар, белни маҳкам боғлаб хизмат қилишингиз керак, бундай пайтларда. Келин билан боринг, хўпми? Албатта боринг...

Азиз «хўп!» деб кабинетдан чиқди-ю, лекин кимдир ўзи ҳақида Расул Оллоёровичга гап ташлаб кетганини ҳам пайқади. Чунки Расул Оллоёровичнинг одатини билар, у бировга ақл ўргатдими, демак, кимдир қулоғига шипшиб кетган бўларди. Азиз буни илгари ҳам эшитган, кейин бир-иккида ўзи ҳам синаган эди.

Зиёфатга боришининг иккинчи сабаби Шорасулнинг унга қилган илтифоти эди. Сўнгги вақтларда диссертациядан кейин зиёфат беришлар таомилдан чиқиб қолган бўлса ҳам, меҳмонлар танлаб-танлаб чақирилгани, Азиз ҳам шулар қаторига киритилганини унинг ўзига дангал айтди. Бу гапи «ноз қилмай келавер» дегандай эшитилди Азизнинг қулоғига...

Зиёфатларнинг ман этилгани Азизга жуда ҳам ёққан эди. Йўқ, бу қачондир келиб, агар кандидатлигини эсон-омон ёқласа, ошна-огайни, ёр-биродарларга чиқимдор бўлишдан қочгани учунмас! Йўқ, йўқ! Битта зиёфатни эл қатори қарз кўтарса ҳам қилиб бериши мумкин. Бундан қочмайди. Гап шундаки, ўша зиёфатларнинг маънавий-ахлоқий жиҳати Азизнинг юрагини эзади. Ахир, диссертация фақат муҳокамага қўйилади-ку? Ҳали у ўтиши ҳам, ўтмаслиги ҳам мумкин! Йўқ, шунга қарамай, дабдалли ресторанда элбурутдан катта зиёфат буюрилади... Айрим олимлар ҳатто муҳокама кетаётган пайтдаёқ дастурхондан сўз очди... Азиз буни неча марталаб кўрган, эшитган ахир!.. Эҳтимол, шу ўтириш баҳонаси билан фан ҳақида, унинг келажаги ва хилма-хил муаммолари ҳақида баҳс юритилар?.. Афсуски... бу йиғин диссертантнинг шахсий фазилатлари, ота-онасининг фазилатларини бир-бир санаб, кўкларга кўтариб мақтовчи базми-жамшидга айланади.

Олдиндан зиёфат буюриш, демак, диссертациянинг ўтишини олдиндан билиш деган сўз! Азиз айни мана шу ерда қандайдир нопоклик сезади. Фаннинг буюк обрўси ва даҳоси худди бирдан оёқ ости қилинаёт-

ганга, ҳаддан ташқари, жўнлаштириб, бачканалаштириб, олди-сотдига айлантирилиб юборилаётганга ўхшайди. Баъзан туппа-тузук олимлар ҳам ичкилик ҳароратидан бирдан қулфи-диллари очилиб, диссертантнинг ишини ўқиш у ёқда турсин, ҳатто номини ёнларидаги шерикларидан сўраб олгач, ўринларидан туриб, унинг шаънига шунчалар мадҳу-сано ўқийдиларки... Қани, бу ерда, ахир, самимият, қани ҳалоллик?! Бундай пайтда одамларнинг қайси лафзига ишониб керак?!

Азиз мана шунисидан хижолат чекади... Ёки, борди-ю, диссертация ўтмаса-чи? Шунақаси ҳам гоҳ-гоҳида бўлади... Уч-тўрт йил муқаддам қўшни институт аспирантларидан бири кандидатликни ёқлаётганида шундай воқеа юз берганини, ахир, Шорасулнинг ўзи гапирганиди-ку Азизга. У бечора, таомилга қарайман деб, қанча пул сарфлаб зиёфат буюрган. Бир замон қараса, илмий раҳбаридан тортиб, бошқа ҳамма олимлар ҳам зипиллаб жўнаб қолишаётганмиш... Бояқиш уларга ялиниб, «бирпас ўтириб кетинглар, майли, мен хафа эмасман» деса ҳам қулоқ солишмасмиш... Зўр-базўр бир-икки киши борибди-ю, бари бир ўлик чиққан уйдек гап-гапга қовушмай салда тарқаб кетишибди. Йигит бечора кейин уч ой касалхонада қимирламай шифтга қараб ётибди...

...Азиз хотинига «эртага ресторанга, Шорасулнинг зиёфатига борамиз», деганда Салтанат аввалига ишонқирамай эрига ажабланиб тикилди. Чунки Салтанат учун бу буткул янгилик эди. У шу пайтгача эрининг ишхонасидагиларни деярли билмас, фақат Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовичнигина онда-сонда телевизорда кўриб турарди. Шу боисдан ҳам Азиз уни тўсатдан зиёфатга таклиф қилганда аввалига қувониб кетди. Кейинги дақиқада эса юрагини ўз-ўзидан қандайдир тортиниш, бегонасираш ҳисси қамраб олди-ю, «Вой, нима кийиб бораман у ерга» деб ўйлади. Гоҳ-гоҳ юраги сиқилган вақтларда «менга ёруғ дунёни кўрсатмаяпсиз» деб зуғум қиладиган Салтанат, нотаниш одамлар даврасига кириш нақадар оғир ва ҳаяжонли эканини ҳам биринчи бор ҳис этди. Иложи бўлса-ю, ўша зиёфатга бормаи, уйда қола қолса... Йўқ, бари бир Азизнинг қистови билан Беҳзодни ойисиникига ташлаб келди-да, икковлашиб айтилган вақтда «Зарафшон» ресторанига етиб боришди. Бу пайтда тош ҳовлида қақрилан меҳмонларнинг бари тўпланган, улар ўзаро давра қуриб бир-бирлари билан қуюқ гаплашишар, мутасаддиларнинг «қани, марҳамат, кинглар» дейишларинигина кутиб туришарди. Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборович ҳали йўқ, шу сабабли питирлаб юрган тўйбошиларнинг кўзлари тўрт эди... Маҳобатли рестораннынг ойнаванд деворлари кечки қуёш шуъласида симобдай ёниб, сояроқ жойларда эса, ташқаридаги хилма-хил одамларнинг хилма-хил аксини қайтариб, ичи бўм-бўш турибди, фақат хизматчилар ва официантларгина ора-сира кўзга чалинади. Улар шоша-пиша бора туриб ҳовлида йиғилган зиёфатхўрларга синчковлик билан жилмайганча қараб қўйишади. Ресторанда ўтирмақ ниятида онда-сонда жуфт-жуфт бўлиб келаётган ёшлар эса, эшик тагида турган хизматчи билан бир-икки огиз гаплашишади ва кейин «Тошкент» ресторанини мўлжаллаб, муюлишга ўтиб кетишади.

Азиз билан Салтанат кираверишга яқин ерда четроқда тўхташди-да, атрофдагиларга разм солишди. Эшик рўпарасидаги мрамар аёллар тагида ўрта ёшлардан сал ошган беш-олти тенгқур семиз аёллар давра олиб туришибди, ҳаммасида тилла тақинчоқлар, бежирим кийинишган; баъзан эркаклардай қаҳ-қаҳа отиб, беибо кулиб юборишади. Салтанат секин уларга кўз қирини ташлади: деярли бари оппоқ, ўн етти яшар қизнинг юзидай теп-текис таранг кулча юзли, аммо фақат бўйинларига қарабгина ҳақиқий ёшларини билса бўладиган сатанг аёллар эдилар. Сал бериди эса дид билан кийинган қизлар, ёш жувонлар шўх-шўх суҳбатлашишар; Азиз танимайдиган катта-кичик ёшдаги эркаклар

бир томонда қўл қовуштириб туришар; ҳойнаҳой булар Шорасулнинг қариндош-уруғлари эди.

Салтанат эғнида яқинда тозалатган хонатлас кўйлаги, бўйнига тўйда дадаси ҳада этган йирик-йирик бурунги тоза дур маржонини таққан, оёғидаги модадан қолиб кетган ингичка пошна туфлисига ийманиб ора-сира қараб қўяр; кўзи эса, ял-ял ёнган қиз-жувонларда эди. Сочини рўвакка ўхшатиб елкасига ёйган, тоза, янгича атласдан калта кўйлак кийиб, босқон пошна ҳашамдор туфлида нозли биланглаб, беғам, беташвиш гаплашиб турган чучук тил қизларга ўқрайиб-ўқрайиб қўярди-да, ичида Азизни қарғарди. «Нима, мени томошага олиб келдимиз бу ерга?! Пешонам кўрсин! Одамлар қўйчивондан чиқиб, кимсан фалончи бўлаётган замонда... мени худо урди!..» Салтанатнинг назарида унинг устидан ҳамма, айниқса анави башанг, олифта кийинган аёллар «ким ўзи бу?» деб масхара қилиб кулишаётгандай туюлар, ўзини таҳқирланган ҳисоблаб, ноқулай сезар; бошига оғриқ туриб кетган эди.

Салтанат шу алфозда ич-этини еяётган маҳалда зиёфатхўрлар қаршисига зувуллаб оч ҳаворанг «Волга» келиб тўхтади. Орқа ўриндиқда Расул Оллоёрович, Муҳиддин Жабборович ва яна қандайдир нотаниш бир бақалоқ киши ўтирибди. Салтанат улар тарафга кейинроқ ўгирилиб қаради-ю, бирдан ранги ўчиб, юраги ўйнаб кетди. Жон ҳалпида Азизнинг панасига ўтди. Машина Йўлдошники эди! У тезда олдинги ўриндиқдан тушиб, ҳарбий қўмондоннинг адъютантидек эпчиллик билан орқа эшикни очди. Аввал Расул Оллоёрович, кейин ўртада ўтирган бақалоқ киши, охирида Муҳиддин Жабборович тушиб келишди. Йўлдош уларни хуштавозеълик билан ичкарига бошлади. Лекин Муҳиддин Жабборович «очиқ ҳавода бир оз турайлик» дедими, дарров кирмади. Йўлдош бугун ҳам кун иссиқ бўлишига қарамай костюмда, галстук тақиб олган; оппоқ кўйлагининг узун, энли енглирида эса, йирик-йирик тилла тўғноғичлар ялтирарди.

Муҳиддин Жабборович атрофдаги тантанавор руҳдан кўнгли яйраб, мамнун қиёфада ҳаммага бир-бир назар ташларкан, бирдан четроқда турган Азизга кўзи тушди-ю, қошлари чимирилиб, орқа ўгирди. Азиз одоб юзасидан хиёл таъзим қилиб домла билан саломлашгандай бўлса ҳам, Муҳиддин Жабборович ўзини сезмаганликка олди. Кейин овозини атайин баландлатиб:

— Йўлдош, божангиз қанилар? Ҳамма шу ерда, ваҳоланки, куёв бола йўқ-ку?!— деб ҳазиллашди ва «хах-хах»лаб кулди.

— Ҳозир келади, бизлардан кейин жўнашган эди,— Йўлдош шундай деб, йўлга қаради...

Муҳиддин Жабборович Азиз томонга орқа ўгирганча қўлларини белига қўйиб, ўз тўпи билан нималарнидир хотиржам гаплашар; Азиз уларнинг овозини эшитмасди. Йўлдошни дастлаб кўрганда капалаги учган Салтанат эса сал ўзини босгандан кейин «тавба, у бу ерда нима қилиб юрганикин» деб ҳайрон бўлди. Айни пайтда Азиз ҳам «тўхта, тўхта, бу йигитни қаердадир учратгандим шекилли...» дея миясини қотира бошлади. Бирдан эслаб қолди. Яқингинада тажриба участкасидан кеч қайтиб, энди йўлакка кириб бораётганида, шундоқ остонада йўлиққанди бу йигит. Шуни эслагач, Азизда, Салтанатнинг акси ўлароқ, «у бу ерда нима қилиб юрибди» деган эмас, «қизик, бу одамга биз томонларда нима бор экан» деган савол туғилди. Бир зум боши қотди...

Йўлдош бу пайтда Салтанатга ўғринча қараб-қараб ичида Азиздан куларди. «Бўрибаччадек четга чиқиб, хўмрайиб туришини қара! Маъ-ман деган йигитларни сарсон қилган Салтанат ҳам келиб-келиб шуни топибди! Қовуннинг яхшисини ит ейди ўзи!» Кейин Салтанат билан ораларида юз берган анави вақеаларни хотирлади-ю, бутун жисмига бамисоли ўт тушгандай севиниб кетди. «Худога шукурки, нимага

қўл узатмай — етади! Бировнинг шундай нозик, шундай сулув хотинига ҳам... Одамлар бор, оғзидагини олдириб ўтиради. Аканг қарағай... Мановиларнинг ҳаммаси бир гўр! Усти ялтироқ, ичи қалтироқ. Кимсан шундай академик тоғам ҳам, вақти келса, менга эланади-ю...» Йўлдош ўзидан мамнун бўлганча узоқдан кўринган Шорасулларнинг машинасига пешвоз юрди...

Охири ҳамма ресторанга кирди. Иккинчи қаватдаги кўркем зал беш юз кишилик тўй қилса ҳам бемалол эди. Шорасулнинг отаси ўғли учун қаттиқ эриган, бор бўлгандан кейин юртга едирганга нима етсин, дейдиган мард одамлардан эди. У шаҳардаги катта бир қурилиш трестда бош инженер бўлиб ишлар, фарзанди шундай улуг синовдан ўтаётган дамда топган-тутганини аямай Шорасулнинг порлоқ эртаси учун бугунги маросимнинг оғирлигидан ҳам оғринмаганди. Ҳашаматли зални ижарага олиб, ноз-неъмат деганни дастурхонга тўкиб ташлашибди. Институт раҳбарлари ва таниш-билиш олимларни ҳисоблаганда, йиғилган меҳмонлар эллик кишидан ортар, қолганлари эса Шорасул ва дасининг биродарлари ва қариндош-уруғлар эди...

Зиёфатга раислик қилиш «сиз очинг, сиз очинг... сиз турганда бизга уят бўлади...» деган ўзаро мулозаматлардан сўнг Муҳиддин Жабборовичга юклатилди. Ҳамма жойлашиб ўтиргач, раис залга бир қирғий қараш қилди-ю, яна оёқ томонда, шундоқ стол четда ўтирган Азизга кўзи тушди ва ўша заҳоти юзини Шорасулга бурди.

— Шорасулжон! Келин қанилар? Ваҳоланки, зиёфатни ресторанга буюрибсизларми, марҳамат, сизлар ўтиринглар-да, бошқалар хизматда бўлишсин. Мана, дадангиз ҳам шундай деяптилар.— У боя машинада ўзи билан бирга келган бақалоқ кишига юзланди. У ҳам кулимсираб бош ирғади, ўғлига қараб, «бор, хотинингни олиб кир» дегандай имо қилди. Шу орада официантлар дарров айтиб улгуришди шекилли, ошхонадан қўлларини шоша-пиша сочиққа артганча, ялтироқ парча кўйлак кийган, қадди-қомати қўймоқдек кўҳлик бир аёл чиқиб келди. Унинг кетидан худди шундай либосда яна бир жувон Йўлдош билан бошлашиб чиқди-да, тўппа-тўғри Шорасулнинг ёнига ўтиб ўтиришди. Иккала жувон бир-бирига шу қадар ўхшардики, Салтанат бир қарашдаёқ «улар опа-сингил эканлар» деб ўйлади ва бирдан: «э, Йўлдош Шорасулнинг божаси экан-да» деган фикр хаёлидан ўтди-ю, боягина Муҳиддин Жабборовичнинг ўз жиянига қарата «Йўлдош, божанингиз қанилар?» деган саволини эслади.

Салтанат эса сочларини бир хилда турмаклаб, бир хилда кийиниб, эрлари билан апоқ-чапоқ нималарнидир шивирлашиб ўтирган бу хушрўй, қувноқ опа-сингилга анча узоқ тикилиб турди ва ич-ичидан ҳаваси келди. Тўсатдан опаси, янгаларини эслади; тўйдан сўнг уларникига бир-бир йўқловга борганларини айтмаса, кейин орадан қанча йил ўтиб кетди, мундай бир борди-келди ҳам қилишмайди... «Ҳаммасига мана шу калондимоғ айбдор! — деган фикр ўтди Салтанатнинг хаёлидан, кўз қири билан эрининг дўрдайган бурнига қараркан. — Ҳатто арзимаган муомалани билмайди-ку, тагин димоғларидан қурт ёғилади... Кўнглига қарайвериб-қарайвериб, туғишганларимдан ҳам бегона бўлдим. Бу авлиёга эса ҳали-ҳали бир гап — оз, икки гап — кўп...» Салтанат қимматбаҳо зираклари электр нурида ялт-юлт чақнаб кўзни олаётган нозанин опа-сингилларга яна бир бор қаради-ю, чуқур хўрсинди; «ўзи шу — ови юрганнинг дови ҳам юраркан! Вой, Йўлдошнинг айланиб-ўргилиши-чи... артистан ҳам ўтади-я!..»

Шу топда Йўлдошнинг хотинига Салтанатнинг бирдан гаши келгандай бўлди, «жуда энгил хотин экан» деди ичида ва Йўлдошни ундан киши билмас хиёл рашк қилаётганини ўзи ҳам сезмади. Кейин бўйнида-

ги дур маржони одамларга кўриниб турсин учун кўйлагининг устига чиқариб қўйди.

Залда бири биридан ҳайратли, бири биридан ширин табриклар, қадаҳвозликлар бошланди. Агар Шорасул аввалдан бунақанги ўтиришларда иштирок этиб эти пишмаганда, эҳтимол, ҳозирги гапларга, ўзи ҳақида айтилаётган осмону-фалак мақтовларга чиппа-чин ишониб, калласини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин эди. Лекин у, икки-уч йилдан бери илмий даража олган ҳамкасблари, таниш-билиш дўстларининг зиёфатига қатнашавериб бунақанги гапларнинг қадр-қимматини яхши билади. Шунинг учун ҳам, гарчи қуюқ мақтовлардан эриб кетган бўлса-да, аммо севинчини сиртига чиқармас, бугунги базм эртага бирдан тинишини билиб, табрикларга хотиржамгина қулоқ тутиб ўтирарди...

Бир замон Муҳиддин Жабборович сал «жилови бўшашган» зиёфатга яна қайтадан жиддий илмий руҳ бермоқчи бўлди шекилли, биллур қадаҳчани бармоғининг учида чимчиб ушлаганча, маъруза бошлади:

— Дўстлар! Гарчан биз ҳозир... ресторан биносида ўтирган бўлсак-да, бироқ бу ерга бугун илму фан, ақлу донишманд аҳли кўчиб келган десак сира хато қилмаймиз.— Зални қарсак босди.— Чунки... бу кошонага йиғилганларнинг бари — ваҳоланки, олимлар, нари борса — бўлажак олимлар.— Яна қарсак гуруллади. Муҳиддин Жабборович чироқ шуъласида қирмизланиб ёнаётган қадаҳига тикилган кўйи бир оз тин олди, кейин Шорасулга ўгирилиб гапини улаб кетди.— Мана шундай сермаъно улфатчиликдан фойдаланиб, камина сиз, ёшларга бир-икки оғиз сўз айтмоқчи. Майлими? — Ҳамма шовқин солиб, домланинг фикрини қувватлади.— Шуни билингларки, иродасиз одамлар... ҳеч ерда, ҳеч қачон обрў тополмаганлар! Айниқса, фанда! — Муҳиддин Жабборович бўш қўлини шифтга бигиз қилди.— Бироқ ирода ҳам, файласуфлар айтгандек, ваҳоланки, конкрет тушунча. Қайсарлик — ирода эмас! Илмда ҳар қанча ўзиб кетма, ўзингни «нодонман» дея олсанг — ваҳоланки, ютганинг! — Шорасулнинг дадаси «оҳ, оҳ, қанчалар доно гаплар!» дегандай бошини куй тинглагансимон чайқаб-чайқаб қўйди.— Ваҳоланки, ўша қайсар олимваччалар яна «мен кабинет олими эмасман» деб кўкракларига урадилар. Бу аслида уқувсизликни, ношудликни яширишдан бўлак нарса эмас! Осмондаги ойни олиб бераман дема, ваҳоланки, мард бўлсанг, ердаги ишларни бир ёқлик қил! Бунинг учун эса, ишлаш керак. Ишлаш! Сиз, Шорасулжон, фанда жуда тўғри ва биз, олимлар тили билан айтсак, рационал йўлни танлагансиз. Бунинг устига... Расул Оллоёровичдек саховатли, меҳрибон, олижаноб устоз сизга ҳамиша кўз-қулоқ! — Шу ерда Шорасулнинг дадаси ўзидан сал берироқда ўтирган Расул Оллоёровичга қараб, қайта-қайта таъзим қилди.— Ваҳоланки, фан изчилликни талаб этади. Кечирасизлар-у, орқасини босиб ўтиролмайдиган одамдан ҳеч замонда олим чиқмайди!..

Муҳиддин Жабборович ўз нутқиға ўзи маҳлиё бўлиб кимларгадир тобора қилич яланғочлаб бораётганини сезган Расул Оллоёрович маъноли томоқ қириб, йўталиб қўйди. Муҳиддин Жабборович ҳам буни дарров тушунди ва фикрини якунлашга шошилди:

— Мен буни нима учун гапиряпман? Дўстлар, шунинг учунким, ваҳоланки, сизлар — ёшсизлар, ҳамма ризқларингиз, бахтларингиз олдинда сочилиб ётибди. Ваҳоланки, уни топиб, териб ейиш ҳам осонмас. Шунинг учун биз қилган айрим хатоларни сизлар такрорламанглар, деган маънода айтаяпман бу гапларни. Ўрни келган ҳар бир жойда сизларга буни айтиш — бизнинг бурчимиз. Ёдингларда бўлсин: буюк кашфиётлар — ваҳоланки, буюк изчиллик мевасидир. Фанда тер тўкиб ишладан бошқа йўл йўқ...

Деярли ичмайдиган Муҳиддин Жабборович бу гал негадир ён-верн-

дагилар билан эгилиб-эгилиб қадаҳ уриштирди-да, уни охиригача бўшатди. Кейин «мана, кўринглар, оқ қилиб бердим» дегандай зиёфат аҳлига кўз-кўзладн ва энди жойига ўтираётган пайтида бирдан тўрдагиларнинг диққат-эътибори залга олиб чиқадиган кенг зинага қадалди. Азиз кираверишда орқа ўгириб ўтиргани сабабли, одамларнинг нима учун аланг-жалаңг бўлишганини аввалига тушунмади. Қайрилиб қараса: гиламлар тўшалган зинадан ёғоч оёғини эҳтиёткорлик билан бир-бир кўтарганча, ердан кўз узмай профессор Толмас Азимов чиқиб келяпти. Ҳар доим тунд юрадиган, камгап, гапирса ҳам унчамунчани дудуқланиб узиб оладиган бу оқсоқ профессордан институтда кўпчилик ҳайиқарди. Ҳатто Расул Оллоёровичлар ҳам унга қаттиқ сўзламас, ҳар замонда тортишиб қолган пайтларида ҳам у билан тенг келиб ўтиришмасди... Орқаваротдаги гапларга қараганда, у Расул Оллоёрович билан ёшликдан таниш; фронтда ҳам бирга хизмат қилишган. Толмас Азимов яралангунга қадар ҳатто битта взводга тушиб, кўпинча окопларда ҳам ёнма-ён туриб олишишган. Уша, Толмас Азимов абадий маймоқ бўлган машъум кунда ҳам у, нақ тепасида ёрни остин-устун шопириб портлаган снаряд зарбидан ҳушини йўқотаётганда ҳам фақат Расул Оллоёровичнинг «Толмас!» деган қичқириғинигина эшитган, холос... Госпиталдан чиққан Толмас Азимов Тошкентга қайтди. Аввал мактабда, кейин Қишлоқ хўжалик институтида дарс бериб юрди. Шошмади, ўртада ўн йил тўхталиш билан аввал кандидатликни, сўнгра докторликни ёқлади. Мана энди уни билганларнинг ҳаммаси орқасидан «бедачи профессор» дейишади, чунки унинг докторлик илмий даражаси бедага бағишланганди. Лекин анча ногиронлиги учунми, ёки муаллимликка берилиб кетганиданми, ишқилиб, «доктор», «профессор» номи бор-у, аммо бир хиллардек қалиң-қалин монографиялари ҳам йўқ, газета-журналларга ҳам фаол қатнашмасди. Расул Оллоёрович эса, уруш тугагач, тўрт мучали соппа-соғ қайтиб келди. У ҳам ўзини фанга бағишлади; лекин у академия системасида кетди... Мана энди қарасангиз, йирик бир уруғчилик илмий муассасасининг раҳбари, айтгани айтган, дегани деган одам! Толмас Азимов ҳам унинг қўлида... Расул Оллоёрович узоқ йили уни бир тўйда фавқуллода учратиб қолди-ю ҳолаҳвол сўрашиб, ишларини суриштирди. Билса, Толмас Азимов яқинда пенсияга чиққан, уйда экан. «Э, қўйинг, фронтовик одамга уй пойлаш ярашмайди, келинг, бирга ишлашамиз», деб таклиф қилди Расул Оллоёрович ҳотамтойлиги тутиб. Толмас Азимов ҳам ишга ўрганган эмасми, уйда сиқилиб юрган экан шекилли, бу таклифга жон деб рози бўлди. Агар Расул Оллоёрович Азимовнинг бунчалик бетга чопарлиги, қўрслиги, ҳақман деб ҳар нарсадан ҳам тоймаслигини билганда-ю, ўз оғзидан илиниб, бошига бу ташвишни орттирмасди, албатта. «Ярим ставка иш берсам, тинчгина, мендан умрбод миннатдор бўлиб гимирлаб юраверади», деб ўйлаганди у бошида. Афсуски, адашган экан... Уларнинг ёшликдан дўстлигини эшитган баъзи одамлар ҳали ҳам «султон суягини хўрламас» деб ўзларича писанда қилиб юрсалар-да, лекин аслида қани энди Расул Оллоёровичга яхши бир баҳона топилса-ю, Азимовнинг баҳридан ўтса! Аммо шу баҳона қургур чиқмайди! Толмас Азимов кўрс гапиргани билан бироқ унга эътироз билдириш, айниқса уни мот қилиш осон эмас...

Толмас Азимов шошилмай, оқсоқланиб келиб, Расул Оллоёрович ва Муҳиддин Жабборовичнинг ёнида ўтирган Шорасулни яна бир бор табриклади, «ўтиринг, ўтиринг» деб жой кўрсатишларига қарамай пастга ўтди, кўзи билан бўш стул қидириб аланглади. Азизнинг шундоқ рўпарасидан жой топди-да, дўқиллаб келиб, ёғоч оёғини буклаб ўтирди. Атрофдагиларга бир-бир назар ташлаб:

— С-сал-ом й-йигитлар! — деди ва анча-мунча ичиб юзлари қи-

зарган Азизга ажаблангандай кўз тикди. Азиз эса, бирдан Толмас Азимов ҳар куни ётишидан аввал ёғоч оёғини ечиб, каравотнинг тагига тиқиб қўйишини эслади-ю, профессорга ачиниб, ўзидан-ўзи хўрлиги келди... Толмас Азимов «олинг, олинг»дан кейин овқат ейишга тутинди. Ароқ, вино таклиф қилишганди, ичмади. Бу орада хизматдаги мутасаддилардан бири келиб, «домла, сизни юқорига сўрашяпти, Шорасулнинг дадалари сўраятдилар» деган эди, Азимов бошини сарак-сарак ўйнатиб, «йўқ, баҳузур, баҳузур... менга шу ер дуруст», деб гапни кесди-қўйди...

Ярим сотлардан сўнг, ўтириш энди қизиётган пайтда, Муҳиддин Жабборович бундан бу ёғига даврани бошқаришни Тўхтамуродов деган чечан, гаплари милтиқдаккина шогирдига топширди-да. Расул Оллоёрович иккалови ёши улуғ, бообрў олимларга хос сиполик билан ҳаммага хайр-маъзур айтиб, савлат тўкиб чиқиб кетишди. Шорасулнинг дадаси, яна ўн-ўн беш киши уларни кузатгани туриб, алламаҳалгача қайтиб келишмади...

Маст Азизга Расул Оллоёровичнинг Муҳиддин Жабборович орқасидан лўкиллаб жўнагани ёқмади... Расул Оллоёрович кимсан йирик бир институтнинг директори, мансаби жиҳатидан Муҳиддин Жабборовичдан баланд. Лекин, Азизнинг сезишича, унинг кўнглида яна битта армони; илинжи борки, бу ниятининг рўёбга чиқиши бутунлай бўлмаса-да, ҳар қалай қисман мана шу Муҳиддин Жабборовичнинг марҳаматига боғлиқ. Расул Оллоёрович шу галги сайловда Фанлар академиясининг мухбир-аъзолигига ўз номзодини қўйдирмоқчи; бундан ҳатто тегишли шахслар ва ташкилотлар ҳам хабардор. Буни узил-кесил ҳал этиш, албатта, Муҳиддин Жабборовичнинг қўлида эмас-ку, бироқ, шундаям битта «душман» кам бўлгани маъқул! Яширин овоз бераётганда, ким билади, мундай бир чизворса, қарши овозлар биттага кўпаяди, деган сўз. Шундай экан, Расул Оллоёровичдан нима кетди, «ваҳоланки домла»нинг кўп одатларини жинидан баттар ёқтирмаса ҳам, сиртида «ким яхши, Муҳиддин Жабборович яхши», деб юраверса, бир ери камайиб қоладими?!

Азиз Расул Оллоёровичнинг Муҳиддин Жабборовичга шундай илинж билан муомала қилишини анчадан бери билар; яқингинада икковлари ўртасида бўлиб ўтган суҳбат оҳангидан ҳам буни сезганди...

Азиз кайф аралаш шу йўсин фикр юритар, ўзини жуда қўйиб юборган, институтда кўрганда-ку, соясидан чўчийдиган Толмас Азимовдан ҳам энди тап тортмай, «домла, олинг, олсангиз-чи мановилардан... битта рюмка ичинг, жон домла, қўлни қайтарманг...» деб ҳадеб шилқимлик қилар, аммо оқсоқ профессор эса ундан ранжимамай, бири бодан, бири тоғдан келаётган гапларига унда-мунда кулиб-кулиб қўярди...

Шу пайт Азиз тўсатдан нариги тарафда ўтирган Йўлдошнинг Салтанатга тиканакдай тикилиб турганини кўриб қолди. Аввал «менга шундай туюлди шекилли» деб ўйлади-ю, ер остидан яна қаради. Йўлдош ҳамон Салтанатдан кўз узмасди. Азиз жони ҳалқумига келиб секин хотинига ўгирилди. Салтанат буни сезиб тургани учунми, дарров ерга қаради ва ҳаяжонини босиш учун у-бу олиб еган киши бўлди.

Азизнинг бадтар ғазаби қайнади. Юрагига мастлик аралаш ёмон бир шубҳа ўрмалаб кирди, бундан бир неча кун илгари Йўлдошни ўз йўлақларида кўрганини эслади яна. «Нима қилиб юрган эди у биз тарафда? Кимникига борган? Салтанатга нега бунақа тикиляпти? Ёнида шундай хотини туриб... нега Салтанатга ўғринча қарайди? Салтанат нега бошини ерга эгиб олди?..»

Азиз кўзлари сузилиб, ёнидаги нотаниш йигит билан яна уриштириб ичмоқчи эди, Салтанат секин тирсагидан туртиб:

— Азиз ака, уйга қанақиб кетамиз? Етар, ичманг,— деди шивир-

лаб илтижоли кўзларини эрига қадаркан; кейин «шундай қилсам, эҳтимол ичмас» деган хаёлда, худди кетмоқчи бўлаётгандай қўлига сумкасини олди.

Азиз энсаси қотганидан ароқни шарт ютиб юборди ва рюмкани тақ этказиб столга қўйди-да:

— Нега ичмас эканман?! — деди деярли ўшқириб.— Ичмай кўз уриштириб ўтирайми?!

— Вой, бу нима деганингиз, Азиз ака? — Салтанат ваҳимага тушиб, бирдан юраги уриб кетди. Азиз энди боши обдон қизиган, эс-ҳушини йиғиштириб олишга ҳам ақли, фаросати етмас; зугумини ҳадеб Салтанатга тўка бошлади. Бегона одамларнинг кўзи олдида хотинини беобрў қилиши жуда хунук кўринаётганини эса кайф устида сезмасди; ботирланиб кетган эди. Шу орада Салтанатга қаттиқ гапираман деб, бехосдан стол четида турган рюмка билан вилкани ерга тушириб юборди. Зиёфатда ўтирганларнинг деярли бари Азиз томонга ўгириллб қарашди. Айниқса, Йўлдош кулиб қараб турарди. Салтанат ер ёрилмади-ю, ерга кириб кета қолмади...

Орага Толмас Азимов араланиб кўрди. Бари бир, Азиз қулоқ солмади, «қўй, қўй» дейишган сари баттар авжга чиқа бошлади. Шунда Толмас Азимов Салтанатга: «Сиз, қизим, ташқарига чиқиб туринг», дегандай ишора қилди. Салтанат ўрнидан туриб, ҳўнграб юборишига сал қолган кўйи:

— Мен кетдим бўлмаса! — деди ва сумкасини қўлтиқлаб, зарда билан эшик тарафга йўналди. Азиз буни кутмаганмиди, Салтанатга ҳатто бир оғиз гап ҳам айтолмай қолди. Қўлларини чорасиз ҳолда икки томонга ёйганча бир оз анграйиб турди, кейин хотинининг кетидан эргашди. У эшикдан чиқаётганда залда шўх куй янграб, деразаларни ларзага келтиргудек беш қарсак бошланди...

Азиз кўчага чиққанда Салтанат ҳў наридаги нимқоронғи йўлакда ҳамон ерга бош эгиб, юлқиниб борарди. Азиз унинг изидан автобус бекатига қараб юрди. Салтанат дам-бадам кўзларини дастрўмолчасига артиб, дуч келган одамни еб ташлагудек қиёфада, бекатнинг нариги бурчига ўтиб турди; Азиз ҳам энди бирдан ўзича аразлаб, бериги бурчакда тўхтади-да, хиёл гандираклаганча автобус кута бошлади... Автобусга чиқишганда ҳам ҳар жой-ҳар жойга ўтиришди...

Уйга борганда Азиз яна ғазабланиб, отдан тушса ҳам эгардан тушмай, «анови олифта нега сенга қаради» деб дўқ урди. Салтанат юпқа қонсиз лаблари пир-пир учиб:

— Қойил қилдингиз! — деди кўзи жиқ-жиқ ёшланиб.— Умримда бир одам сонига қўшилиб, тоза хурсанд бўп қайтдим. Ҳамма бинойидек ўтирибди. Йўқ, бу киши!.. Яна менга кимларнидир тўнкагани-чи? Емоннинг кучи япалоққа етиб!.. Шўрим курсин, шўрим!

Азизга бу гап бадтар алам қилиб, «мени чалгитма, анови олифта нега сенга бақрайиб қаради?.. Нега у анов кунни йўлагимизда юрган эди?» деди ҳамон кайфдан боши ғувуллаб. Аммо мастлиги шу қадар эдики, берган саволига ўзи жавоб кутмасди. Соғ пайтида-ю кейинги сўроғи Салтанатнинг нақ ўтакасини ёриб юборай деганини ҳам сўзсиз сезган бўларди. Лекин ҳозир бутунлай каловланиб қолганди. Салтанат бирдан шаштидан тушиб:

— Қараса қарагандир-да, мен қаёқдан билай? — деди йиғламсираб, ичини ҳамон ит тирнаркан.

Азиз ечинмай диванга ётди-ю, сал ўтмай пуф-пуфлаб ухлаб қолди. Салтанатни эса кейин даҳшат босди, саҳаргача мижжа қоқмади. «Энди нима қиламан? Эртага сўраса, нима жавоб бераман? Наҳотки, ўша кунни кўрган бўлса?.. Нега унда шу пайтгача айтмади? Азиз бунақамасди-ку?..» Ора-сира ўйлайвериш тоқати тоқ бўлганда бирдан қайсарлиги



тутиб кетар, «Э, шунга ҳам ташвишми? Пешонамдагини кўраман-да!.. Ажаб қипман! Хўп қипман! Ўзидан, ношудлигидан кўрсин!» деган аламзада фикрлар қуюнида сузар, лекин сал ўтмай яна ваҳима билан энтикиб, «эртага ўрнидан туриб жанжал кўтарса нима қиламан» дея юраги безовталанарди.

Шу орада бир сидра Шорасулни, унинг яқинларини ҳам ўйлади. «Қандай бир-бирига меҳрибон, бир-бирига қайишган, бир-бирига ярашган одамлар-а! Йўлдош билан Шорасул — туғишган ака-укалар ҳам бунчалик бўлмайди! Иноқлиги, ақллилигига ҳавасинг келади! Ўша, мен, аҳмоқ деган Йўлдош ҳам божасини нақ қўлида кўтариб юргиси бор. Керак бўлса, Шорасулга кўксини қалқон қилади!.. Манови... оғзига тегиши билан ақлу ҳушини йўқотадиган ношуд-чи... бир ўзи! Мундай ошна-оғайниси ҳам йўқ! Борини ҳам бездиради!.. Анови узун гапирган домла, Муҳиддин Жабборович хўп топиб айтди-да! Ҳамма сўзи мана шу калондимоққа аталган!..»

Салтанатни яна ваҳм босди, Азизнинг гапига кириб, зиёфатга боргани учун ўзини ўлгудек койиди.

## 9

АЗИЗ бир-икки ғингшиб, уйғонди. Ҳали қоронғи эди. У диванда ечинмай ухлаб қолганини шундагина сизди. Нафасини ичига ютиб, бирмунча вақт қулоқ солиб ётди. Салтанатнинг бир ўзи нариги уйда шекилли, чунки Беҳзодни зиёфатдан олдин таксида ойисиникига ташлаб келган эди. Азиз оғзи какрадек тахир, томоқлари қақраб, бамисоли дарёни ичиб юборгудек чанқаган бўлса ҳам эски диванни ғичирлатиб Салтанатни уйғотиб юборишдан қўрқиб, қимир этмай ётаверди. Уй сув қуйгандек жимжит. «Нима бало, ойисиникига кетиб қолдими?» деган хаёл келди Азизнинг миясига ва эҳтиёткорлик билан ўрнидан туриб, нариги уйга мўралаб қаради. Кун иссиқ бўлгани учун Салтанат устини очганча, оппоқ озгин баданлари ярим яланғоч ҳолда ухлаб ётарди.

Азиз келиб яна диванга чўзилди, унинг онги аста ёриша борарди, бирдан кечаги қилиқлари эсига тушиб кетди-ю, ерга кириб кетгудай бўлди! «Бутун халойиқ ичида, бир-бирини умрида кўрмаган одамлар орасида шу томошани кўрсатдимми-а! Шунча бегонанинг кўз ўнгида хотинимни мулзам қилдим-а! Мени ўзи уриб ўлдирган одам савобга қолади...»

У кечаги мастлигини чала-чулпа эсларкан, шу қадар руҳий азоб исканжасига тушгандики, юраги бир-икки қаттиқ санчганида бадтар қўрқиб кетди. Эҳтимол, бу ичмай-ичмай, бирдан кўп тортиб қўйганидан бўлса керак... Кейин у ўрнидан туриб, тўсатдан «чимчиб» олган кўкрагини ушлаганча, хона ўртасида хийла вақт серрайиб қолди. Ишқилиб, бир амаллаб ҳозир шу уйдан чиқиб кетсин-чи, у ёғи — таваккал... Танҳо ўзи мундай бир яхшилаб ўйлаб олар... Лекин ҳозир бу ердан билингирмайгина ўмарилиб қолиши керак... Гумдон бўлиши керак... Миясига бирдан: «Нонуштани муюлишдаги сосискахонада қиларман» деган фикр келди-да, ими-жимиди устки кийимларини пайпаслаб топиб кия бошлади. Аммо, бари бир, ҳали вақт эрта эди. Кунчиқар тарафдаги деразадан эндигина ғира-шира шафақ излари кўзга чалинар, ҳали сосискахона очилгунча ишхонасига кам деганда уч-тўрт марта бориб келиши ҳам мумкин эди. Кейин фавқуллодда, юзи шувитликдан қочиш учунгина шошаётгани ва ўзидан-ўзи нуқул сосискахонани ўйлаётгани, аслида эса, овқат деса кўнгли озиб,

томоғи хиппа бўғилаётганини сезди-ю, бадтар эзилди. Кийинган жойида диванга бориб ётди, кўзини юмди. Аммо уйқуси қочган эди. Қаловланиб ўрнидан турди, эшикни аста очиб, ошхонага ўтди. Товоқ-қошиқлар орасида қаппайиб турган катта гардим чойнакни бошига кўтариб симира бошлади. Қақраган томоқлари бир оз ором олиб, кўзи ёришди. Таъби хира, мадори қуринган эди. Ҳаммасидан ҳам шунча таниш-билишларининг ичида шармисор бўлгани даҳшат эди! Қани энди у ҳеч кимга, ҳатто Салтанатга ҳам рўпара келмаса! Бир умрга рўпара келмаса! Ишга ҳам бормаса! Кўчага ҳам чиқмаса! Мастлигини то одамлар унутиб юборгунча қандайдир хаёлий дунёда битта ўзи яшаса!.. Йўқ, йўқ, қаёқда! Ана, Салтанат уйқусида ҳам нималардир деб алаҳсираяпти, ким биландир уришяпти!.. Оҳ, негаям, бордим-а, ўша зиёфатга! Арақ лаънати, ичганинда дунёни кўзингга офтоб қилиб юборади-ю эртаси... одам бўлганинга минг-минг пушаймонлар едиради! Нега бордим?! Бирон баҳона топиб қўяқолсам бўлмасмиди! Расул Оллоёрович айтмаганда бормасдим-а... Оч қорним, тинч қулоғим, тилим узун, юраверардим. Мана энди ўша енгилтаклигимни юзимга солмасликлари учун ҳаммага хушомад қилишим керак...

Азиз ошхонадан чиқиб, секин туфлисини кийди-ю билинтирмай эшикни очди, йўлакка ўтди; нафасни ютганча эшикни беркитди. Ғирашира зинапоядан липиллаб пастга туша бошлади...

У ишхонасига кириб борганда, Шорасул йўқ эди. Кеча зиёфатда бўлмаган бир-икки илмий ходимлар Азизни худди бурунгидай қарши олишди. Азиз йўлакка чиқиб, Расул Оллоёровичга дуч келиб қолди. «Эшитган бўлса, ҳозир бир эрмак қилади» деб турган эди, йўқ, у шошганча бош ирғаб ўтди-ю, «ҳа, Азизжон, яхши, яхши», деди ва ҳовлида тириллаб турган машинаси томон йўналди. Азиз хонасига кириб ўйлаб бошлади: «Нега бунча ўзимдан-ўзим куюнаман?! Бировни урган бўлмасам, бировни сўкмасам... Мунча ўз соямдан ўзим ҳадиксирайман? Ахир, мен кимга ёмонлик қилдимки, бунчалик азоб чексам?!. Расул Оллоёрович ҳам бекорга айтмаган, ўлгудек одамови бўп кетганман... «Коллективга аралашинг» деганда у худди шу камчилигимни кўзда тутиб айтган...»

Азиз бир оз руҳи енгиллашгандай бўлиб, ишига унади. Шорасул эса кечаги ташвишлардан чарчаган шекилли, руҳсат олганми, келмади. Қайтага Азиз бунга суюнди; чунки у ўзини минг дадил тутишга урингани билан, бари бир, кечаги ишлардан юраги хижил эди...

Фақат кечга бориб, ҳамма ўзи билан ўзи оворалигига қаноат ҳосил қилди-да, кўнгли жойига тушди...

Кечқурун уйига келганида ҳам Салтанатнинг муомаласидан ажабланди. Салтанат онадан бошқа туғилгандай, Азиз гўёки уни танимади. Илгарилари арзимас баҳона чиққанда ҳам Салтанат уйни нақ остинустун қилиб, Азизни қийнаган пайтлари кўп бўлганди. Аммо бугун Салтанат мутлақо бошқача. У эшик жиринглаши билан кўп кутдирмай липиллаб келиб очди-ю, орада ҳеч нарса юз бермагандай Азизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Азиз «ярашиш учун» йўл-йўлақай дўкондан харид қилган каттакон «мармар» тарвузини унга узатди. Салтанат тарвузни кўтариб ошхонага кирди ва жиз-бизини давом эттираверди...

Азиз қайтага бадтар хижолат чекди. Хотинининг шовқинига ўрганиб қолган эканми, унинг юмшоқ муомаласи худди ўлганнинг устига тепган бўлди. Айбингни юзингга солиб, шатта-шатта тишлаб олишгани ҳам тузук экан аслида! Виждон азобида ич-этингни еб турсанг-да, буни ҳеч ким сезмагандай, атайлаб индамаса... бундан даҳшати йўқ экан!

Азиз уйга кириб, телевизор қўйди. Аллақайси бир бадний фильм кўрсатилаётган экан, бир оз қараб туриб, ҳеч нарса тушунмади. Кейин

программани топиб, кўз югуртириб чиқди-да, соатини кўрди, фильм ту-гашига атиги ўн минут қолган экан. Телевизорни ўчирди. Шу пайт ош-хонадан Салтанатнинг:

— Азиз ака! Қўлингизни ювинг, овқат тайёр,— деган қувноқ овози эшитилди...

Улар энди овқатланишга ўтиришганда кутилмаганда кимдир эшик кўнғирогини жириглатди. Азиз Салтанатга, Салтанат Азизга қаради: «Ким бўлиши мумкин? Эҳтимол, синглим Беҳзодни олиб келгандир», дея ўйлаган Салтанатнинг миясига бирдан бошқа фикр урилди-ю, ран-ги қув ўчиб, ўрнидан қўзғалишга ҳам мажоли қолмай, ўтирган жойидан қимирламади. Азиз қўлини сочиққа артиб, бориб эшикни очди. Йўлак-да йигирма-йигирма бир ёшлар чамаси икки ўспирин турар, икковлари ҳам жажжигина чамадонча кўтариб олишганди. Бири от тақасига ўх-шаш учи пастга қараган мўйлов қўйган, бири озгин, шифтдай йигит эди. Азиз «Электр ёки газни кўргани келганлардан бўлса керак», деган хаёлда, «Хизмат?» деб сўради. Тақа мўйлаб йигит «биз шаҳар телефон станциясиданмиз» деди ва кўлидаги ёғ босган дафтарчасини варақлаб туриб, уй эгаси таклиф этмаса ҳам даҳлизга кирди. Кейин чамадонча-сини деворга суяб, Азизга қаради:

— Биз телефон станциясиданмиз,— у бу сўзини «эшитяпсизми» де-гандай писанда билан такрорлади.

Азиз кулди:

— Кўриб турибсизлар, бизда ҳали телефон йўқ, ўрнатганларингиз-да келарсизлар.

Йигитлар бу пичингга пинак бузмай, чамадончаларини шошилмай титкилай бошлашди. Кейин новчаси бўйи-сумбатига сира мос тушмай-диган ингичка овоз билан:

— Суюнчини чўзаверинг, биз телефон ўрнатгани келдик,— деди ва Азизга ҳамда нариги уйдан бош суқиб қараган Салтанатга илжайиб тикилди.

Эшитган гапига ҳали ҳам унча ишонмай турган Азиз эса, тақасимон мўйлабни йигитга термилиб, «шу ростми?» дегандай тўхтовсиз кулим-сирарди.

— Ҳозирча точкаларимиз кам,— деди йигит.— Ҳар битта бинога иккита-учтадан телефон ўрнатаймиз. Бошлиғимиз сизларникини буюр-ди. Илгари жанжал кўтарганмидингиз? — Тақа мўйлаб йигит Азизга қарамай чамадончасидан айлана қилиб ўралган телефон симларини оларкан, ўзича гапирарди.

— Жанжал кўтармаганман-ку, аммо бир-икки борганман. Бунга ҳам тўрт йилча бўлди, эсдан ҳам чиқиб кетувди.

— А, бизнинг эсимиздан чиқмайди, ака. Хатга тушдингми, ўтга тушдинг... Мана келдик, ака. Қаерга ўрнатайлик?

Азиз яна ҳайрон бўлди:

— Тўппа-тўғри ҳозироқ ўрнатаверасизларми?

Тақа мўйлаб йигит ихчам омбири билан ичакка ўхшаш оқ елим симни шарт узиб оларкан:

— Ака, бизнинг келишимиз қийин, келдикми, чўзмаймиз,— деди Азизга мақтаниб.

Салтанатнинг бирдан оёғи чаққонлашиб, «мана бу жой қалай?» деб ичкари уйдаги курсичани кўрсатди. Тақа мўйлаб йигит аввал йў-лакдаги эшикнинг шифтига, кейин полга, охири Салтанат кўрсатган бурчакка кўз қирини ташлаб, ўзича чамалаб кўрди-да, бошини қимир-латди.

— Сим етмайди,— деди Азизга юзланиб.— Кўпчилик шундоқ ки-раверишга ўрнатади телефонни. Ҳали «бир кўнғироқ қилволайлик» деб келадиганлар ҳам жонингизга тегади. Шундан оёқ остироқ жой дуруст.

Бу гап Азизга ҳам, Салтанатга ҳам маъқул тушди; шундоқ кираве-ришдаги трюмо пештахтасига ўрнатадиган бўлишди. Йигитлар тезда иш бошлаб, новчаси ташқарида, умумий телефон қутичаси теварагида ивирсиланар; тақа мўйлаби эса, уйнинг ичида майда мих билан девор-га сим қоқарди... Бир соатларда ҳамма юмуш битди. Новча йигит тантанавор қиёфада чамадончасидан қора аппарат чиқарди ва:

— Немисларники,— деди Азизга қараб илжайаркан. Кейин дароз бўйига мутлақо мутаносиб бўлмаган бир чаққонлик билан аппаратни зумда тақа мўйлаб тортиб келган симга улади. Шунда тақа мўйлаб шир-шир рақамларни терди-да кимдандир: «Алло, мени қандай эшитяпсиз, қандай эшитяпсиз? Мен тўртинчман, қандай эшитяпсиз?», дея қайта-қайта сўради, охири Азизга қараб:

— Ана, ака, бўлди! Энди истаганча гаплашаверасиз,— деди ва полда сочилиб ётган майда-чуйдалари, ҳар хил асбобларини йиғиштириб ола бошлади.

Салтанат индамай ичкариги уйга кириб кетди, сал ўтмай чиқиб, йигитларга самимий кулиб боққанча «раҳмат» деди севингани шундоқ кўзидан билиниб. Новча телефончи эса, ўша заҳоти худди уни масхаралагандай «арзимайди» деб қўйди сурнай овозини чийиллатиб. Бу пайтда тақа мўйлаб орасига қора қоғоз қистириб, икки нусха қвитанция тўлдирди.

— Эртага буни истаган кассангизга кириб тўланг,— деди Азизга тайинлаб. — Буниси аппаратнинг нархи, мана бу икки ойлик гаплашув ҳақи. Маслаҳатим: ҳар ойда ҳақини вақтида тўланг... Йўқса узиб қўйишади. Кейин овора бўласиз...

Улар чиқиб кетишаётганда Салтанат кафтида яширганча тақа мўйлаб йигитга нимадир берди.

— Оз бўлса ҳам кўпдай кўрасизлар, укалар. Раҳмат сизларга, раҳмат,— деди ҳамон оғзининг танобини йиғиштиролмай. Йигит ҳам «раҳмат» айтиб, Салтанат берган пулнинг бетигаям қарамай, чўнтагига солди ва «агар бузилса, марҳамат, чақираверинглар, ўша заҳоти етиб келамиз» деб чиқиб кетишди...

Салтанат бамисоли лотереяга машина ютган одамдай босар-тусарини билмай қолди.

— Ойлигингиздан ўн сўмини бериб юбордим,— деди ҳамон севи-ниб.— Майли, садақа аташ ҳам керак-да, бари бир...— У ярқиллаб турган аппаратдан кўз узмай ёш боладек энтикди:— Вой, оймга телефон қилайлик!

Шоша-пиша керакли рақамларни терди-ю, юраги дукиллаб, кутиб турди. Бирдан кўзлари чақнаб:

— Ойи!— деди баланд овозда, тепасида турган Азизга «тўғри тушди» дегандай ишора қиларкан.— Салтанатман! Тинчлик, тинчлик! Қўрқмачг, ойи! Шундай ўзим телефон қиляпман. Уйдан! Ҳа, уйдан! Ҳозиргина ўрнатиб кетишди. Биринчи сизга уландим. Номерими? Ҳозир,— қўлини силкиб, Азиз ушлаб турган қвитанцияни сўради. Унга қараб, номерини айтди.

— Беҳзод нима қиляпти? Аллақачон денг-а? Қайси уйда ётибди? Ҳа, яхши, тепасидаги форточкани очиб қўйинглар, димиқиб кетади...— Яна узоқ гаплашди, укалари, сингиллари билан ҳам анча эзмаланди. Охири трубкани қўйиб, боя қўл урилганча жой-жойида қолган кечки таомга ўтиришди...



Эртаси куни Азиз ишга кетиб, Салтанат ҳам энди ойисиникига жўнай деб турганда бирдан телефон жиринглади. Салтанат ўрганмаганликдан қаттиқ чўчиб тушди. Кейин «ойим бўлса керак» деган фикрда

югуриб бориб трубкани олди. Телефон яхши ишламадим, нариги томондаги одам атайлаб индамадим, ҳар қалай овоз эшитилмади; узоқда кимдир икки киши бир-бири билан ҳадеб тортишиб гаплашарди. Салтанат трубкани ола солиб «ойи» деб энтиккан бўлса, кейинига эса «алло, алло»лаганча, охири трубкани жойига қўйди. «Эҳтимол, Азиз акам тушолмаётгандир?» Яна қўнғироқ. Салтанат шоша-пиша яна трубкага қулоқ солди.

— Алло! — деди қандайдир салобатли эркак овози, Салтанатни ваҳм босди.— Салом. Ўзингизмисиз?

Салтанат баттар қўрқиб кетди:

— Ким бу?!

— Танимадингизми? Менман, Йўлдош. Телефонлар муборак бўлсин, қалай, тузук ишляптими?

— Ҳа... ишляпти. Тузук...

— Уша куни кайфда... Узр. Энди бошқа қайтарилмайди... ишонинг. Банкетда бирам очилиб ўтирдингизки... Рост, рост... Биласизми, бошқаларга солиштираман... ўзингиз жа-а бўлакча экансиз!.. Рост! Мана, телефон бор — энди-узоғингиз ҳам яқин бўлди... Мен ҳали сиздан кўп қарздорман... Хайр, соғ бўлинг.

Салтанат яна бир оз кутди-да, трубкани жойига қўйди. Кейинги дақиқада бирдан юраги шиғиллаб, «Номеримизни қаердан билди экан?! Ажаб?! Ойимдан бошқа ҳеч кимга айтмовдим-ку?» деб боши қотди. «Мен ҳали сиздан кўп қарздорман» дегани нимаси? Наҳотки, телефонни Йўлдош қўйдирган бўлса? Наҳотки?! Мана шунақанги хуфёна гаплашиб, эзмаланиб юриш ниятида-я... Тушингни сувга айт! Кўнглингни кўчасига сени!.. Энди у киши билан пичир-пичир дон олишиб ўйнаш бўлиб юришим керак! Вой, аҳмоғ-ей!..»

Аммо ғазаби тошиб, ҳатто сал-пал қалтирай бошлаган Салтанатнинг кўнглини бирдан шўх бир туйғу қамради ва деярли ҳамма аёлларда ҳам бўладиган — эркаклар эътиборидан завқланиш ҳисси уни ром этди-ю, бутун уйни кўтариб ўзидан-ўзи қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди. Кейин ҳаёли яна Йўлдошга бориб тақалди. «Тавба! Эркакларга ҳайронсан! Уйда фариштадай хотини ўтиради-да... ёлгондан бўлса ҳам, сал кулиб боқсанг, авлиёси ҳам ўша заҳоти ақлидан озади... Суюлиб кетади... Тавба! Сал бош қотиришса-ю, ўзларининг қанчалар кулгили аҳволга тушганларини, аҳмоқ бўлиб юрганларини билишади-я! Йўқ, буни то юзига айтмагунингча, обрўйини уч пул қилиб қўлига тугиб бермагунингча, бари бир, суюлишавераркан! Уларнинг наздида хотин киши нари борса хушхўр таомдай гап. Хоҳлашса, шундай олишадими-ю, еяверишади! Э, тавба! Э, тавба! Эркак зоти асли боладан бадтар гўл бўларкан-да! Уйнатсанг, ўйнайверади...»

Салтанат чиндан ҳам Йўлдошга ажабланарди. «Хотинини кўрган одам суқи киради. У бечора эса эрининг мажнунлигидан ҳойнаҳой беҳабардир... Э, ҳаммасини билса керак... Хотин киши бўлади-ю, сезмай-дими?.. Тавба! Наҳотки, телефонни у ўрнатган?! Тавба!.. Ҳа, майли, қўлингдан келса, қилавер бойваччалингни! Аммо мени анойи деб ўйлама! Сендақаларни сувга олиб бориб, суғорма қайтишга қўрбим етади! Бир тукимга ҳам теголмайсан! Хушмадингни қилавер!..»

Салтанат ҳозир бу «ишқ» ўйнида негадир ўзини Йўлдошдан устун қўяр, лекин олмоқнинг бермоғи борлигини, хуфёна ширин туйғуларнинг ошкора аламлари ҳам бўлишини ўйламасди. Уйларди-ю, ўзининг уддабурролигига ортиқча баҳо бериб, ортиқча ишониб кетган эди.

## 10

**МУҲИДДИН** Жабборович одатига кўра машинасидан трамвай йўлидан кесиб ўтилгач, муюлишда тушиб қолди. Машина энди қўзғалай деяётганда шошилиб соатига қараб, ярим очиқ деразага энгашиб шоферига нимадир деди-ю, кейин куни билан ўқишга қўли тегмаган бир даста газетасини қўлтиқлаганча ҳовлиси томон илдам юриб кетди. У кўча чангитиб, то дарвозагача «арава»да боришни ёқтирмайди. Қайтага ўтган-кетган билан саломлашиб, кайфияти яхши бўлса, баъзилари билан отамлашиб, беш юз метрча йўлни пиёда босади. Томига оқ тунука қопланган икки қаватли кўркам уйи муюлишдан ўтиши биланоқ ярқ этиб кўзга ташланади. Хилватгина асфальт йўлнинг ўнг томонида, сал ичкарироқ олиб қурилган бу иморат қизғиш ғиштдан кўтарилган, деразалари йирик-йирик, кўкракдан келаётган баланд пойдевори эса жигарранг кафел билан қопланган бўлиб, чор атрофи анча кенг чорбоғ: ҳовлиси пастаккина, тепаси гулдор бетон девор билан ўралган; ўртадаги қум сепилган йўлқадан йигирма қадамча юриб борилса, кираверишга, даҳлизга ўхшатиб кичкина равоқ солинган; икки ёндаги бир қаватли бошқа участкалар эса, гўё Муҳиддин Жабборовичнинг уйдан истиҳола қилиб, ўзларини четга олгандай бўлиб кўринишади. Муҳиддин Жабборовичнинг уйини билган одамлар билмаганларга «иккинчи қаватига айланма зинадан чиқилади... тепа қаватининг ҳаммаси кутубхона ва биллиардхона» дея мақтаниб гапиришарди. Яна маҳалла орасида «бу кошонани давлат қуриб берган, домланинг бир тийини ҳам кетмаган» деган миш-мишлар ҳам юради-ю, лекин бу ҳақда Муҳиддин Жабборовичнинг ўзи ҳали ҳеч кимга бирон гап айтмаган...

Муҳиддин Жабборович бугун шошиб келяпти, чунки Назокатхон аллақайси қариндошининг тўйига бормоқчи эди...

Назокатхон — Муҳиддин Жабборовичнинг иккинчи хотини. Биринчиси — Башархон бундан тўққиз йил аввал жигар касалидан ўлган. Домланинг аввалги хотинидан туғилган икки фарзанди ҳам ҳозир олим, ўғли — биолог, қизи — фармацевт. Иккови ҳам аллақачон оилали, бола-чақали бўлиб, ўзларидан тиниб кетишган. Аммо Муҳиддин Жабборович, бари бир, уларни эсдан чиқармайди: ҳар байрамда жужуқлари билан ҳаммалари, албатта, шу ерда йиғилишади... Муҳиддин Жабборовичнинг ҳозирги хотини келини Улфатхондан ҳатто бир ёш кичик; лекин уч боланинг онаси бўлган Улфатхон Назокатга қараганда анча катта кўринади. Назокатхон туғмаган, бўйида бўлмайди; шунданми, ҳамон балоғатга етган қизга ўхшаб ялтилайди. Ўғли ва қизи, орқаваротдан «чол қурмағур...» деб уларнинг устидан кулишса ҳам, лекин уйда Назокатхонни «опа-чи, опа» деб оғиздан қўйишмайди... Назокатхон Муҳиддин Жабборовичнинг аспиранти эди. Мана энди сал кам саккиз йилдирки, улар бир-бирларига жудаям ўрганиб, жудаям суяниб кетишган. Муҳиддин Жабборович ҳануз хотинининг оғзини пойлагани-пойлаган; нима сўраса — ўша заҳоти жо-бажо. Одамлар манави уйга «домланинг пули куймаган» деб алам қилгандан нотўғри гапиришади. Назокатхон келиши билан бошдан-оёқ ремонт... Ҳамма хоналарга, ҳатто ошхонагача янги мебель... Кетма-кет зиёфатлар... Булар озмунча харажатми, ахир?! Назокатхон севинса, Муҳиддин Жабборович худди боласи хурсанд бўлаётгандай ич-ичидан ҳузур қилади. Аввалги турмушида-ку, қўли калта, иложи йўқ эди, энди давлат йиғиб, қаёққа ҳам олиб боради; топган-тутганининг бари — Назокатга...

— Домлажон, ўзингиз ҳам юра қолинг,— деди Назокат эри эшикдан кириши билан эркаланиб. У кийиниб, пардоз-андозни дўндириб, тайёр бўлиб турган эди.

— Ўн беш минутдан кейин машина келади, бензинга кетди,— деди Муҳиддин Жабборович француз атирининг майин исидан боши айланар ҳолга келиб.— Ўзингиз бора қолинг, жоним, бугун ишимиз кўп бўлиб, обдон толиққанман.

— Ҳа, майли, сизники доим шу: биз билан юришни истамайсиз. Ҳали қараб туринг!— деди Назокатхон эрига ёлғондака пўписа қилиб.— Бормасангиз борманг. Фақат машинангиз вақтида келса бас.— Назокатхон шарақлаб кулди...

Ташқарида таниш сигнал эшитилгач, эр-хотин бошлашиб чиқишди! Муҳиддин Жабборович Назокатхонни орқа ўриндиққа ўтказиб, шоферига «келинойинг айтади, қачон қайтишини», деб тайинлади-да, машина муюлишга ўтиб кетганда ҳам анчагача йўлдан кўз узмай турди... Теварак-атрофга оқшом чўкмоқда эди. Муҳиддин Жабборович яна бир оз ҳовлини айланиб юрди-да, кейин ошхонага кириб ўзига лойиқ қаҳва тайёрлади. Қорамтир ялтироқ мебеллар билан безалган, ўртасига майда гулли қизил гилам тўшалган телевизорлик хонага ўтди, чироқни ёқиб диванга ёнбошлади, қаҳвадан ҳўплаб-ҳўплаб, кечикиб бўлса ҳам бугунги газеталарни кўра бошлади. Республика партия газетасининг биринчи бетида кутмаганда Азизнинг расмига кўзи тушди-ю, беихтиёр ўрнидан туриб кетди ва «шумикан» дегандай чироққа солиб кўрди. «Илк натижалар» деб сарлавҳа қўйилган каттагина материал биринчи бетдан бошланиб, давоми учинчи саҳифага ўтказилибди. Мақола ўртасида Азиз нотаниш шопмўйлов бир киши билан суҳбатлашиб турган пайтида суратга олинди. Муҳиддин Жабборовичнинг бирдан энсаси қотди, атайлаб бошқа материални ўқимоқчи бўлди-ю, лекин ичи қизиб, «қани нима экан» деган кўйи менсимамай мақолани ўқишга тутинди.

«Ҳурматли газетхонлар! Едингизда бўлса, бундан бир неча йил муқаддам биз машҳур селекционер олим ва фан ташкилотчиси, марҳум Сергей Матвеевич Ивановнинг мақоласини эълон қилиб, унда пахтачилигимиз олдида турган ва уруғшунос олимлар зиммасига партиямиз, халқимиз юклаётган долзарб проблемалар ҳақида атрофлича фикр юритган эдик. Ушанда Сергей Матвеевич редакция илтимосига бажонидил кўниб, янги, вилтга чидамли пахта навларини яратиш борасида тер тўкаётган фидокор мутахассисларимиз тўғрисида, улар бошлаган ишнинг мураккаблиги ва айна пайтда муҳим давлат аҳамиятига эга эканлиги тўғрисида қимматли фикрларини баён этган эдилар.

Мана, орадан беш йил ўтди. Энди ғалвирни сувдан бир кўтариб, илк натижаларни чамалаб чиқса ҳам бўлар, деган фикрда бугунги рейд суҳбатни уюштирдик. Унда ўша аввалги мақолада кўп тилга тушган Азиз Қосимов тадқиқотлари хусусида гап юртилади. Биринчи сўзни шу истеъдодли олим иш олиб бораётган колхоз бригадири, Азиз Қосимовнинг яқин кўмакчиси ва мадаккорларидан бири, машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳамат ака Турдибоевдан эшит-сак...».

Муҳиддин Жабборович хўмрайиб, бирдан журналистлардан хафа бўлиб кетди. «Уларга учини чиқарса бас, қуруқ аравани тоза олиб қо-чишади. Ўзлари масалани тузукроқ тушуниб етмай туриб, ҳақиқатни арзон шов-шувга қурбон беришларига, илмий фактларни юзаки билган ҳолда яна уялмай умумий хулосалар чиқариб, олимларга ақл ўргатишларига куясанми ё ўласанми?! «Истеъдодли олим» эмиш! Шундай донгдор пахтакорни ҳам йўлдан уришибди-я! Унинг обрўйи керак-да, ахир! Гавҳар узук билан данак чақиш бу!.. Ваҳоланки... партия минбаридан бундай палалартиш фойдаланиш... билмадим, нима дейиш мумкин буни?!. Тишларининг оқини кўрсатиб, керилиб туришларини қаранг! Гўё тоғни қулатиб бергандай...» Муҳиддин Жабборович Азизнинг расмига яна менсимамай қаради. «Пахтачиликни йўргаклаб; оёққа тур-

газган олимлар бу ёқда қолиб, газетачиларга ҳайронсан!.. Шу довдирни кўтар-кўтар қилиб, расмларга тушириб... Тавба! Ваҳоланки, бу ҳақиқатга хилоф-ку? Яна, бунинг устига, антибиологик йўлдан бориб, ҳаммани лақиллатиб юрган мулла бекорчини партия газетасига чиқариб мақташ... Йўқ! Бунақаси кетмайди! Керак бўлса, Муҳиддин Жабборович Марказий Комитетдаги ўртоқларга ҳам айтади! Газетадагиларни бир тийиб қўйишсин!.. Уқисанг, асабларинг қақшайди-я... Тавба! Қийшиқ дарахтнинг кўланкаси ҳам қийшиқ асли!..».

Муҳиддин Жабборович худди ҳозироқ Марказий Комитетга бориб айтган-у, у ерга муҳаррирни чақириб, унга Азизни ҳам қўшиб тоза адабини беришаётгандай, қўлини шашт билан силтаб қўйди. Мақолани ўқишда ноилож давом этди:

«Азизжонни биринчи учратганимда,— дея гап бошлади Маҳамат ака Турдибоев,— тўғриси, жоним ҳиқилдоғимга келган. Мана, ўзлари айтсинлар, ўшанда Азизжон туфайли раисимиз билан сан-манга бориб, анча жиқиллашиб ҳам олганмиз... Мен дангалчи одамман, очигини айтсам, энди ўша ишимдан уялман! Эсимда, раисимизга ўдағайлаб: «Оқпалакдан тинкамиз қуриб, бир қарич ер тиллога тенг бўлиб турганда, сиз ер улашасиз, ҳайронман!» деганман. Шунда раисимиз: «Ёш боладек тепага сапчимамай, қайтага манави йигитларга қуллуқ қилинг, улар сиз билан бизнинг ғамимизни еб юришибди», деганида бадтар жиғибийроним чиқиб, «бе-е!» деб қўл силтаганман. Омйлик қурсин, омилик!! (Маҳамат ака бошини сарак-сарак қимирлатиб кулди). Ҳа, бизни ҳам маъзур тутинглар. Оқпалак — ўзи бу бир аждаҳо! Ер тагидан чиққандек зумда келади-ю, чақалоқдай яшнаб турган ғўзани пайҳон қилади кетади. Ҳў, узоқдан тикилганда пайкал усти жимирладими, лопиллаб ҳовур кўтарилдими — тамом. Уша жойга оқпалак тушган, ғўза жониворнинг қонини сўриб, илдизидан бутун намини тортиб олаётган бўлади. Кеча гуркираб турган кўчат бугун шаллайиб; қийналиб ўлган одамдай, қарашга юрагинг бетламайди. Ҳаммасини кўриб турасан, аммо қўлингдан ҳеч нима келмайди, мана шуниси алам қилади одамга. Ҳар тул кўчат устида то чигити кесак орасига тушгандан бошлаб, митти қўлоқ бўлгунча, беда майсасидай ўсиб, кейин мана шундай азамат ҳолга келгунча... ит тинади, қуш тинади, лекин сен тинмайсан... кафтингда парваришлайсан, қанча кўз нурунг тўкилади... кечирасиз-у, баъзан одам ўз фарзандидан ажралгандан бадтар бўлади!.. «Шундай балои-азимга, шундай аждаҳога мана шу думбул йигит даф келар эканми?! Бунақангиларнинг кўпини кўрганмиз, келишида билак шимариб, кетишда жуфтакни ростлаганини билмай қоласан», деб ўйлайман ичимда, ўшанда Азизжонга ер остидан тикилиб. Хайриятки, адашган эканман...»

Муҳиддин Жабборович бир эснаб, кўзларидан ёш чиқиб кетди-ю, аммо ўзи сезмаган ҳолда мақоланинг давомини қизиқиб ўқий бошлади. У энди инжиқлик қилиб материалдан қусур изламас, Маҳамат Турдибоев гапларидаги деҳқонча чапани мантиқ, ишбилармонлик бунга ўрин қолдирмаганди. У Азизга нисбатан адоватини ҳам унутиб, бутун диққатини газетага қадади:

«Оқпалакни йўқотамиз, деган гуруҳ-гуруҳ олимлар аввал ҳам колхозимизга келиб-кетиб туришарди... Гўнг солишарди, турли-туман захарли, захарсиз дориларни синаб кўришарди... Захарли доридан-ку, очигини айтсак, юрак олдириб қўйганмиз... Хуллас, ўша олимлар ҳам кўп савоб ишларни қилганлар! Биз, илмсиз одамларга кўпроқ нақди керак. Қунимиз нуқул пайкалда ўтгани учунми... Масалан, мен салкам қирқ йилдан бери пахта экаман... илмдан-ку йўқмиз-у аммо баъзан олимларгаям гап бермай, катта кетиб қоламиз... Яна бир камчилигимиз: нуқул нақдини кўзлаймиз! Деворнинг нарёғи эса қоронғи. Кўрсак ҳам, нақдига ўрганган эмасмизми, уч-тўрт йилгача ким бор-у, ким йўқ, деймиз-да,



кўрмаганга оламиз. «Олимписан, зўр бўлсанг... қани, бир йилда чиқариб бер-да, ўша янги навингни!.. Яна тажрибага ер ажрат эмиш! Биздан ер олиб... яна бизга лекция ўқишармиш! Лекцияни ҳар куни телевизордан ҳам эшитаверамиз!» Хуллас, ўша вақтдаги хомхаёлларимни айтяпман-да, сизга... Мана, энди биз ҳам жа-а, унақа қилни қирқ ёрган «учёний»ларданмасмиз-у, ҳар қалай, чала мулла бўлиб олганмиз... Ўйлаб қарасам, олим, илм дегани... уларга қўйиб бериш керак экан. Мўлжалга тушса, бутун оламга татийдиган янгилик чиқиб қоларкан; тушмаса кетган харж-харажатни ўша заҳоти довламай, каллани ишлатиб, яна сарфлайвериш керак экан. Бурунчилар ҳам айтарди-я, тийин санасанг иморат солма, деб... Аммо биттагина кашфиёт йиллик сарфу харажатни ҳам текислаб кетиши мумкин экан-а! Илмнинг қудратини қаранг! Бир марта Азизжон сўйловдилар, қайсидир катта олим айтган экан-ку, «менга таянадиган жой топиб беринглар, ер шарини ҳам кўтариб ташлайман», деб. Ё, алҳазар! Ерни кўтариб ташлармиш! Биз бўлсак, кетмондек участкани Азизжондан аябмиз...»

Муҳиддин Жабборович Маҳамат чатоқнинг ҳаёт нафаси уфуриб турган бу гапларини ўқиркан, кўнгли бирдан ғаш тортиб, ўзидан-ўзи қачонлардан бери қишлоққа чиқмаганини ўйлаб кетди. Бир симиришда совиброқ қолган қаҳвасини ичиб тугатди. Илгарилари, Азиздақа вақтида у ҳам даладан бери келмасди. Аслида, у яратган аъло толали, тезпишар пахта навлари ҳам айни ўша йилларнинг маҳсули. Кейин-кейин бориб, Муҳиддин Жабборовичнинг номи оддий колхозчидан тортиб, республика раҳбарларининг тилида ҳам дoston бўлди... Керагидан ортиқ нур кўзни қамаштирганидай ортиқча шон-шуҳрат ҳам одамни шошилтириб қўяркан. Мана, энди Муҳиддин Жабборович қишлоққа чиқса ҳам фақат дам олишга, шанба, якшанба кунлари чиқади. Шаҳардаги ғала-ғовурдан қочиб, «миямни бир-икки кунга бўшатиб келай» деб, атайлаб ўйламаслик учун чиқади... Аттанг, аттанг...

Муҳиддин Жабборович тепадаги биллур қандилдан сокин ёғилиб турган электр нурига чўмилган мебель ва қимматбаҳо идишларга лиқлиқ кенг хонага разм соларкан, бирдан юраги сиқилди. «Наҳотки, шиддат билан гувлаб бораётган ҳаёт оқимидан ўзим сезмай секингина сирғалиб тушиб қолган бўлсам?! Одамлар қай даражада ўсиб кетибди! Оддий бир бригадирнинг, ўзини «илмсиз, оми» дейишдан уялмаган деҳқоннинг юрт тақдири, фан истиқболи хусусидаги гапларини қаранг! Йўқ, буни журналист тўқмаган! Булар юракдан чиққан гаплар... Ваҳоланки, буни тўқиб бўлмайди!.. Нима ақл борки, нима янгилик, нима ҳалоллик борки — ҳаммаси ўша ҳаёт қозонида, ўша ризқ-рўз яратаётган халқнинг ичида, ўша қўли қадоқ, кўнгли нахтасидай оқ пахтакор орасида! Олимпман деб минг чиранма... ваҳоланки, кўп бияганинда ҳам, кўпдан ортиқ билмайсан!.. Ўзим пахташунос олим бўла туриб, улардан шу қадар узоқлашиб кетганимга ҳайронман!.. Ҳайронман...»

Муҳиддин Жабборович миясида бамисоли дим ҳавони ёриб кирган ҳаётбахш эпкиндай кезган бу ҳалол фикр сал ўтмай, сўнги ўн йиллар бадалида йиғилган шон-шуҳрат тазйиқига учради-ю, бирдан ғойиб бўлди. Муҳиддин Жабборович яна ўз ҳолига келди. Қўлидаги газетага гўё зуғум қилгандай четидан бир силтади, лоқайдлик билан мақолага кўз югуртди:

«Азизжон янги иш қиляпти... Унинг айтишича, мамлакатда ҳозир олти мингдан зиёд ғўза навининг уруғи сақланармиш. Олти минг-а! Олимпларга бу жуда катта дастак экан. Азизжон ҳам ўзига ёққан битта уруғни танлаб олиб уни ҳозир экаётган ғўзамизга чатиштириб кўр-япти. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини ҳамма билади, бунга вақт, сабр-бардош керак. У ёғини суриштирсангиз, Азизжоннинг келганига ҳам сал кам етти йил бўляпти... Эшитишимча, баъзи сабрсиз

одамлар, ҳатто айрим кўпни кўрган олимлар ҳам ишнинг бунчалик чўзилиб кетганига қараб, Азизжонни қийнашаётганмиш. Яширишнинг нима ҳожати бор, камина ҳам нақ бултургача, Азизжонни кўрганимда салом-алик қилардим-у, бироқ юзи бир бурда, кўзлари доим киртайиб юрадиган мана шу йигитга зимдан тикилиб, ичимда унга ачинардим: «Бечора ўзини намунча уринтирмаса... Оқпалак деган махлуқ бу боёқишнинг ўзини ҳам ғўзага қўшиб еб қўйишига сал қоптику...» деб ўйлардим. Йўқ, бурунги полвонлар жуссаси кичик курашчидан кўрқишарди; негаки кичик полвонларнинг ҳадиси зўр бўлади. Келбати чинордай курашчини киприк қоқмай, пайт пойлаб туриб, шунақанги кўтариб урардики! Қийқириқ босиб кетарди... Азизжоннинг иши ҳам чамамда шунга ўхшаш... У ҳам оқпалак балосини кўтариб урди шекилли. Ишқилиб, урсин! Бу йилги ғўзалари кўм-кўк, кўриб кўз қувонади. Кўсаклари бўла. Бўйини ҳам ўлчаганман, бир хил жойда 120 сантиметрга етади. Пояси бақувват, эгатга ётмайди. Яна биз учун энг зарури — ҳозир экаётган «Ф» ғўзамиздан 6—8 кун олдин етилиши. Шу ерда гап келиб қолди, ўзларингизга маълум, дўппи торлик қилганда биз, деҳқонларга бир кунни айтасиз, бир соат ҳам ғанимат. Айниқса, атайлаб оқпалак юқтирилган картада ҳам кўчатлар зарарланмаганини айтинг. Агар иложи бўлганда-ю... янаги йилданоқ далаларимизнинг барига шу Азизжоннинг навидан экардим. Қайтага у кишининг ўзи кўрқоқ... Бизга ё чикка-ю, ё пукка! Яхши нарсанинг яхшилигини кўрдикми, таваккал! Йўқ, олимларнинг йўли бошқа экан. Азизжоннинг айтишларича, ҳар бир янгиликни, айниқса, кўпчиликка кетадиган янгиликни худди доришуноснинг қил торозусига солиб ўлчагандай, ҳар томонидан синчиклаб чиқиш керак эмиш... Мен Азизжонни биламан, у подадан олдин чанг чиқарадиган шошмашошарданмас. Лекин, бари бир, баъзан юрак қурғур тошиб кетади! Бўла қолса экан, деймиз нуқул. Айрим ўша янгиликни кўролмай юрган «ғаним»лар-ку, «қани, бер-бер»лабоқ бечоранинг тинкасини қуритса керак...».

Муҳиддин Жабборовичнинг пешонаси тиришиб кетди. Ичида Азизни сўқди. «Айрим... ғанимлар». Бу нима дегани?! Ювош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади, дейишарди. Бўйинини эгиб юриб, ваҳоланки, ҳаммамизнинг хастимизни ер экан-да! Илм даргоҳи деганинг ўзига яраша обрўси, остонадан ташқарига чиқмайдиган айрим сирлари бўлади. Демак, бу ердаги бутун гапларни, тортишувларни кўчага ёйиб, ваҳоланки, бизни кулги қилиб юраркан-да? Академикларни, докторларни-я!»

(Давоми бор).



Ҳабибий,

Ўзбекистон халқ шоири

# Ғазаллар

## Машина бу

Доим турар қошимда, муҳайё машина бу,  
Тенги топилмас ўлкада, танҳо машина бу.

Оби ҳаёти бирла ажаб кунда гусл этар,  
Покизадур нахушки, мусаффо машина бу.

Давлат қуши бошимга келиб қўнди, ўргулай,  
Қўлдан ҳеч вақт кетмасин асло, машина бу.

Менга карамлар этди, карими замон кулиб,  
Қандай карамки, энг гўзал, аъло машина бу.

Юрса шаҳарда заррача тебранмас, ўлтириб—  
Билмай кишилар ўйлади: дарё машина бу.

Завқим тўлиб дилимга, Ҳабибий, кулар эдим.  
Менга насибу, баъзига анқо машина бу.

## Билмадим

Кенг жаҳонга келдиму сирри жаҳонни билмадим,  
Не ажаб, гавжум тузилмуш, бу маконни билмадим.

Ер юзин айландиму бошимда турди осмон,  
Ер надур билмам, надур, бу осмонни билмадим.

Айланур тун-кун қуёшу ой, нечукдур ҳикмати,  
Бу муаммони ҳал этган бир замонни билмадим.

Топмадим дунё сирин очмоғ учун излаб калид,  
Не ажаб ҳикматшуносу, нуктадонни билмадим.

Одам аслидур азизу, жанг қилишгай баъзилар,  
Бир-бирин қонин тўкар, ҳурматли жонни билмадим.

Мен, Ҳабибий, ёшлигим, бебошлигимда кўп замон,  
Юрдим ўйнаб, эркалаб, сувду зиёни билмадим.



Шухрат

# ШУҚОНЧ



## Бу юртда...

Бу юртда осмон кенг, юксак бўлади,  
Бу юртда юлдузлар ёнади қаттиқ.  
Бу юртда ҳар чечак тонгдан кулади,  
Бу юртнинг ҳар тоши гавҳардан ортиқ!

Бу юртнинг сувлари ҳаётбахш, тиниқ,  
Бу юртда қуёшнинг тафти беқиёс.  
Бу юртда кишилар юраги ёниқ,  
Бу юртда қизларнинг ҳусни — ишва-ноз.

Бу юртнинг қишидан баҳори узун,  
Бу юртда баҳорнинг кўрки ўзгача.  
Ёз бўйи нур билан ювиб ўз юзин  
Ҳар япроқ юз тусга кирар кузгача!

Бу юртнинг тоғида ёзда қолмас қор,  
Бу юртда жилғалар «ёнғоқ чақади».  
Чўққидан бургутлар кўрсатса виқор  
Қирлардан йигитлар мағрур боқади.

Бу юртда улоқчи бўлади отлар,  
Қорақўл қўзиси — тирик тўлқиндир.  
Бу юртда овчининг зўри шер овлар,  
Кўзида ёнган ўт — мангу ёлқиндир!

Бу юртда юракдан олур нурина  
Пахта деб аталган оппоқ мўъжиза.  
Бу юртда узумнинг юз бир хилини —  
Билмаган кишини қилади изза!

Энг ширин мевалар пишар бу юртда,  
 Бу юртда дунёда энг кекса чинор.  
 Энг бахтли кишилар яшар бу юртда,  
 На дилда ғами бор, на тилида зор!

Бу юртда серфарзанд бўлади она,  
 Фарзандсиз хонани дейдилар қашшоқ.  
 Бу юртнинг тўйлари серзавқ, шоҳона,  
 Уртадан чиқмайди хонанда, машшоқ!

Ё бобо, ё буви бўлмоқ бу ерда  
 Муқаддас бир завқдир, олий мукофот.  
 Минг бора шукр айтиб бахтли тақдирга  
 Иззату икромда бўлади у зот!

Одамнинг қадрини билади бу эл,  
 Таъзия тутади ўлганда бир йил.  
 Сен унинг ҳамиша тўйларига кел,  
 Қаршилаб олади хушрўй, астойдил!

Севгини номусдек билару аммо,  
 Севгисиз умрни умр демайди.  
 Қўнглида ҳамиша эзгу, муқаддас  
 Меҳнатсиз бир бурда нон ҳам емайди!

Шукрона айтади бору йўғига,  
 Эртаги кунидан доим умидвор.  
 Бу юртда куч бермас ҳеч ким жағига  
 Бу юртда ҳар кимнинг уч-тўрт касби бор!

Тақдирнинг ҳукмини қаранг, шу юртда  
 Туғилиб, улғайиб, топибман камол!  
 Оҳ, она юртгинам, сенга албатта  
 Юракдан тилайман оппоқ нур, иқбол!!

## Мен сени қуш дедим

Мен сени қуш дедим. Қуш бўлиб учсанг,  
 Боғларни юксакдан кўрасан яхши.  
 Тоғларда жилғалар сувидан ичсанг,  
 Дегим бор:— кўп умр кўради киши!

Юксакда шуълалар қуюқ бўлади,  
 Қуёшнинг тафтини сезасан яхши.  
 Баландда учганлар яхши билади,  
 Тиниқроқ янграйди тонглар олқиши!

Дейдилар: жарликка осмондан боқсанг,  
 Жуда ҳам қоронғи бўлади туби!  
 Турналар сафида қанотинг қоқсанг,  
 Дейдилар куй билан тўлади қалбинг!

Нур билан, куй билан тўлганда қалбинг,  
 Манзилинг уфқини аниқ билиб ол!  
 Ҳамиша инсоний бўлсин матлабинг,  
 Минг баланд учсанг ҳам ўзинг бўлиб қол!

Мен сени қуш дедим. Осмонда учиб,  
Унутиб қўймагин пастда ер борин,  
Шу ердир кифтида сени опичиб,  
Осмонга учирган қўшиб виқорин!

## Ишонч

Ишончим бўлмаса эсимни таниб,  
Бу ҳаёт йўлига тушмасдим дадил.  
Ишончим бўлмаса қаламни олиб,  
Яхши-ю ёмондан ёнмас эди дил!

Ишончим бўлмаса, жанг аро кириб,  
Душманнинг ўқиға тутмасдим кўксим.  
Ишончим бўлмаса душманни қириб,  
Охирида саломат қолмасдим ўзим!

Ишончим бўлмаса, бир қизни севиб,  
Йўлида жонимни қилмасдим фидо.  
Иссиқда тер босиб, ёмғирда ивиб,  
Баҳорда бермасдим нур бўлиб садо!

Ишончим бўлмаса, дўстлар орттириб,  
Ҳар бирин кўрмасдим ўзимдан аъло.  
Ҳар бирин бахтини тонгдан қидириб,  
Айтмасдим чўққиға чиқса тасанно!

Ишончим бўлмаса, фарзанд ўстириб,  
Умиди уфқиға тикмасдим кўзим.  
Ишончим — умидим нур бўлиб кириб,  
Қалбимдан тилимга чиқади сўзим!

Ишончим бўлмаса, манзилга боқиб,  
Эртаги кунимга тикмас эдим кўз.  
Эртанинг чироғин бугундан ёқиб,  
Шаъниға айтмасдим минг бир аъло сўз!

Ишончим — таянчим, ишончим — эрким,  
Ишончим бағримда ёнган сўнмас ўт.  
Ишончим мақсадга чорлаган нурким,  
Узугим кўзида порлаган ёқут.

Ишончим — ривожим, ишончим —  
Қаъбам,

Соф қалбда бўлади бутун ва порлоқ.  
Ишончим бахтимга берилган ваъдам,  
Ишончим — умидим, уфқимда байроқ.

Ишончим — бойлигим, тенгсиз хазина,  
Калиди виждоним қўлида маҳкам.  
Виждоним амри-ла ураркан сийнам,  
Ишонинг, ишончим асло бўлмас кам!

Ишончсиз бир қадам қўйганим гумон,  
Ишончсиз ўтган кун ҳисси йўқ тошдир,  
Араблар тилида ишонч бу имон,  
Вужудим ер бўлса, ишонч қуёшдир!

## Оқ ўрик

Ҳовлида бор эди бир туп оқ ўрик,  
Танга гул сочарди баҳорда оппоқ.  
Уриги зўлдирдек юмалоқ, йирик,  
Бир ёни сап-сарик, бир томони оқ!

Еганнинг оғзида қолиб мазаси,  
Кун бўйи тамшаниб юрарди хурсанд.  
Гўёки қуёшнинг шарбат кўзаси,  
Илдиздан эмгани сув эмасди, қанд!

Қишнинг ҳам ғамини ер эди онам,  
Ё туршак соларди томга чиқариб.  
Ё баргак қиларди данагин олиб,  
Баъзида қарашиб қолардим мен ҳам!

Халтада сақларди ялпиз ҳам қўшиб,  
(Яхшимас қурт тушса шудай туршакка!)  
Биз ипга тизардик мағзини шошиб,  
Ва осиб қўярдик кунгай чеккага!

О, туршак! О, баргак! Қиш бўйи маза!  
(Ёнида жийдами, ёнғоқми яна...)  
Бирон ким дард чекиб, «оҳ, жоним!» деса  
Онам дер ивитиб:— дориси мана!

Шу ўрик қариди шохлари қуриб,  
Ағдариб ташладик шу кеча-кунда.  
Ёр узра узала ётишин кўриб,  
Кўрмаган бобомни эсладим шунда!

Бобонгдан ёдгор, деб айтарди онам,  
Ўрик ҳам бобомдек ўтди дунёдан.  
Кўзимга бир қалқиб кетди совуқ нам,  
Совуқда қолгандек увишди бадан!

Ташаккур айтдим у бобом руҳига,  
Ўрнига ўтқаздим нозик бир кўчат.  
Шоядки дош берса қишнинг қаҳрига,  
Шох отиб, гуркираб яшнаса шояд!

Шу хилда ўзимга бердим тасалли,  
Туршаксиз қолмайди демак дастурхон.  
Ўзини эслатган бобомга балли,  
Қабрида ётади энди беармон!

Бор бунда, ҳовлида бобомнинг изи,  
Эҳтимол, шу ниҳол қантак ўриқдир.  
Кўчатда адашмас боғбоннинг кўзи,  
Демак у тутади — бобом тирикдир!

## Йигирма бир ёш...

Суратда турибсан йигирма бир ёш,  
Йигирма бир ёшда қабрингда юлдуз!  
Йигирма бир ёшли гўзал, қалам қош,  
Сочларинг тун бўлса, кўзларинг кундуз.

Иигирма бир ёшда мен сени кўмдим,  
Кўзимдан илк бора шунда томди ёш.  
Уша ёш чўғ бўлиб тупроққа томди,  
Тупроқда сув бўлиб эриб кетди тош!

Уч олдим шу куни ёвингдан роса,  
Ёнимда сен ўзинг турдинг барҳаёт!  
Сен ўзинг яшашга бериб андоза,  
Дер эдинг ўнгга от, қани чапга от!

Жанг битди. Уйимга қайтдим соғ-омон,  
Суратинг уйимнинг тўрига осдим.  
Хотиранг қалбимда ёруғ нур ҳамон,  
Соғинган чоғимда лабимга босдим.

Иигирма бир ёшда турибсан ҳамон,  
Юз йиллар умрингга қўшолмас бир ёш;  
Тегирмон тошидек айланса замон,  
Ўт сочиб фармойиш берса-да қуёш!

Сен мангу ёш қолдинг!  
Ҳоримайсан ҳеч!  
Сен тенги кишининг сочлари оппоқ.  
Мен сени эслайман доим эрта-кеч,  
Сен эса бир ёниб, ўчмаган чироқ!

## Кеч кириш

Қуёшнинг этаги судралиб келиб,  
Теракнинг учига илиниб қолди.  
Бу ҳолдан қуёшнинг ўзи ҳам кулиб,  
Уялди шекилли, кўздан йўқолди.

Чумчуқлар чирқиллаб норози  
бўлди,  
Унинг ҳам қуёшсиз яшагиси йўқ!  
Олисга нимқора чойшаб ёпилди,  
Қуёшнинг изи бор, аммо ўзи йўқ!

Дарахтлар олисда бир тутам кўлка,  
Уфқда ўйнайди хира нур, тўзон.  
Тик, кумуш камарга ўхшайди

йўлка,  
Узоқда тепалар тўнтариқ қозон!

Ариқлар қиличдек ярқираб туриб,  
Бирпасда сўнди-ю, қорайди қолди.

Ўтлоқдан подачи келар ҳайқириб,  
Қўрага тарқалган поданинг олди.

Кун бўйи қилт этмай турган  
шаббода,  
Барглар қулоғига нимадир дейди.  
Кун бўйи полиздан чиқмаган ота,  
Этлари увишиб, чопонин кийди!

Осмонда юлдузлар ранги ёришиб,  
Сафарга чиқади карвонбоши — ой.  
Сокин сой оқади нурга қоришиб,  
Супада дамланар, ҳордиқ ёзар  
чой!

Кундузнинг ҳисоби кечда бўлади,  
Кун яхши ўтдими — ёстиғинг  
юмшоқ!

Мақсадинг манзили яқин келади,  
Эртага тонг отар яна ҳам оппоқ!

## Тавба дегил!

Мен биламан ақлинг баркамол,  
Ақлинг билан ҳар ишинг маъқул!  
Ақлинг билан топдинг обрўй, мол,  
Севги деса куласан нуқул!

Севги деса, бу эртақ дейсан,  
Ошиқ деса, боқасан ҳайрон.  
Бекорчига бир эрмак дейсан,  
Ишонмайсан куйганига жон!



Ишонмайсан севги олами  
 Бошқа олам, бетасвир деса.  
 Муқаддасдир севгининг ғами,  
 Чин севгининг асли сир деса!

Тавба дегил, бир куни келиб,  
 Ошиқ бўлиб қолмагин ўзинг.  
 Тонг саҳардан гулзорда елиб,  
 Гуллар танлаб қолмасин кўзинг!

Севги ахир ҳусн танламас,  
 Ақл билан кўп ҳам иши йўқ.

Анкеталар тўлдирган эмас,  
 Соф севгининг баҳор, қиши йўқ.

Ошиқларда қалб бўлар улкан,  
 Ишқи билан яшар беармон.  
 Ишқи билан йиғлаган, кулган,  
 У бир томон, жаҳон бир томон!

Азиз дўстим, севмоқ, севилмоқ,  
 Ақл эмас, юракнинг иши.  
 Севганларнинг тақдирига боқ,  
 Маслаҳатга чақирмас киши!!

## Кексалик ҳақида

Кексаликнинг титроқ қўллари  
 Эшигимни қоқмай тур, тўхта!  
 Тўхта, ҳали кўнглимнинг тўри  
 Сени кутиб тайёрмас пухта!

Кўнглим ҳали боғда юрибди,  
 Булбулларнинг навосидан маст.  
 Фақат уч-тўрт гуллар терибди,  
 Гулчамбари ҳали бут эмас!

Ҳали сенинг эшик қоқишинг  
 Ростим айтсам, хаёлида йўқ!  
 Бир ўйнаб кел, бўлмаса ишинг,  
 Қара, атроф нур билан тўлиқ!

Кутилмаган меҳмондай келиб,  
 Сен шошириб қўймагил уни.  
 Энди-энди завқ-шавққа тўлиб,  
 Ижод билан ўтмоқда куни!

Олам-олам режалари бор,  
 Севгига ҳам тўйганича йўқ.  
 Тўйиш нима! Тунлари бедор,  
 Ишқ дардини тўйганича йўқ!

Гул атридан ҳали энтикиб,  
 Ҳали қизлар кирар тушига.  
 Қунда йўлдан ёрини кутиб,  
 Кузатади тонгда нишига!

Улфатаро завқи авжида,  
 Қўлларида май тўла коса.

1979 йил.

Тақдирдан мамнундир жуда,  
 Ҳар бир иши беғубор, тоза!

Неваралар ўраб атрофин,  
 Чуғирлашиб турса ҳам ҳар кеч,  
 Тарк этмади ёру дўст сафин,  
 Кексаликни тан олмади ҳеч!

Кексаликнинг ўзи нимадир?  
 Аввал унга тушунтириб бер!  
 Ҳар дамидан ғайрат томади,  
 Юришлари мисли арслон, шер!

Қўзойнакни билмаса ҳали,  
 Ҳали ҳасса тутмаса қўли,  
 Юриб асло толмаса бели,  
 Не ҳаққинг бор кекса дегали!

Фикри тиниқ, ақли ҳам бутун,  
 Режалари пишиқ ва аниқ.  
 Керак бўлса ёради ўтин,  
 Манзил уфқи доимо ёниқ!!

Бунинг ахир нимаси кекса?  
 Кексаликнинг белгиси нима?  
 Агар саксон эшигин қоқса,  
 Ахир уни сен кекса дема!

О, кексалик, ўйнаб тур ҳали,  
 Вақти келса чиқади пешвоз.  
 Пешвоз чиқиб, сени кутгали,  
 Йўлларингга солур пояндоз!



Зоҳиджон Обидов

## *Бу кўнглим*

### Она юрт, армоним йўқ

Бердинг безавол ёшлик, она юрт, армоним йўқ,  
Истиқболим қуёшлик, она юрт армоним йўқ.

Бошимда эрк офтоби, қўлимда бахт китоби,  
Мудом қалбим оташлик, она юрт, армоним йўқ.

Тенгликдан шавқим авжи, дўстликдан кўнглим мавжи,  
Эл иноқ қон-қардошдек, она юрт, армоним йўқ.

Олтин ёшлик ўти бор юракларда, қонларда,  
Сени деб қайнаб тошдик, она юрт, армоним йўқ.

Ленин берган байроғи — партиямиз маёғи,  
Доим довонлар ошдик, она юрт, армоним йўқ.

### Нашъанавоз айёмлар

Тилгинамни сайратган эркин замон сафоси,  
Дилгинамни яйратган бахтли тонглар сабоси.

Истиқбол ишқи бошлар нурашфон довонларга,  
Авжимизга авж қўшган тенглик, дўстлик вафоси.

Қўшиқ бўлиб, куй бўлиб, янгра замон нашъаси,  
Топилгайму жаҳонда шундай даврон баҳоси.

Бизга ёр соз айёмлар, нашъанавоз айёмлар,  
Юртни шонга тўлдирди партиямиз даҳоси.

Куйлаш замонидир бу, янгра қувноқ тарона,  
Юртга қалб қўрин бермоқ Зоҳиджон муддаоси.

## Мураббийлар

Зеҳнимизга нур сочган, ассалом мураббийлар,  
Кўнглимизга қўр сочган, хушкалом мураббийлар.

Ундар илму ҳунарга сизнинг доно сўзингиз,  
Сизга таъзим, ташаккур, пурилҳом мураббийлар.

Камолотга ҷароғбон билимдон ҳар сўзингиз,  
Мудом дил-дилимиздан эҳтиром, мураббийлар.

Сиз умримиз тонгида қуёш бўлиб боқдингиз,  
Меҳнатга шавқ ёқдингиз субҳи шом, мураббийлар.

Кўчмас кўнгил қатидан меҳрингиз, ҳимматингиз,  
Дилларда ҳурматингиз номма-ном, мураббийлар.

Қўлни қўйиб кўксига назм айлагай Зоҳиджон,  
Шавқлар шалоласидан тутиб жом, мураббийлар.

## Ой бориб, омон қайтинг

(Қиз қўшиғи)

Ой бориб, омон қайтинг, марди майдоним менинг,  
Сизни дейди субҳи шом аҳди паймоним менинг.

Юртни ардоқ этганлар ардоқ топар бегумон,  
Бўлинг доим соғ-омон, меҳри уммоним менинг.

Мард майдонда синалар, ишқ — ҳижронда дейдилар,  
Бўлинг доим соғ-омон, меҳри уммоним менинг.

Ҳиммат камарин боғлаб, эл-юрт ишончин оқлаб,  
Қайтинг Ватанни сақлаб, кўкси қалқоним менинг.

Аскардаги ёрга, деб хат ёзай меҳрим тўкиб,  
Айтолмаган сўзларим бўлсин баёним менинг.

Зоҳиджон гувоҳимдир меҳру садоқатимга,  
Ой бориб, омон қайтинг васли армоним менинг.

## Саломингиз

Етказур кўкка бошни хуш ибо саломингиз,  
Этмишди дилни бўстон босафо саломингиз.

Сеҳрли бу каломдин бегона ҳам бўлур дўст,  
Ҳушларни ром этур чин хуш нидо саломингиз.

Бир оғиз бу каломнинг қадрига тенг на сўз бор?!  
Қилсак қиёс топилмас бебаҳо саломингиз.

Салом иззат оламин бир сўзга айламиш жо,  
 Фаразгўй, кўнгли шумга нораво саломингиз.

Ақлу одоб кўзгуси яхши сўз, яхши одоб,  
 Этаверсин дилларни маҳлиё саломингиз.

Бу самимий саломдан Зоҳиджон шавқи уммон,  
 Бир умрга кўнглига жо-бажо саломингиз.

## Бу кўнгил

Бу кўнгил ишқ боғида бир яйраган шод қуш эди,  
 Қайда қолди ул фароғат, ё кўринган тушмиди?  
 Ер висоли бахти бирлан қувнар эрдим уя замон,  
 Кўзга яшнар эрди олам, эс-ҳушим сархуш эди.  
 Лаҳзалик ҳижронга тоқат этмас эрдик зарра ҳам,  
 Кўрмасак бир зум ҳувиллаб — теграмиз бўм-бўш эди.  
 Энди Зоҳиджон бу севги боғида танҳо кезар,  
 Келтир авжим, сен билан бу қалб қаноти қўш эди.

## Қўлингни бер

Коммунизм шуъласи тушмоқда юзимизга,  
 Кўринмоқда нурафшон манзиллар кўзимизга.  
 Истиқболнинг шамоли урмоқда кўксимизга,  
 Дўстим бўлгин зафардош, қўлинг бериб қўлларга.

Йўллар кетма-кет чўққи, ҳар зум имтиҳон кутар,  
 Ҳали кўп норасолик, мардлик синондан ўтар.  
 Қуриб, яратиб доим, бўз ер очганлар ютар,  
 Дўстим бирга довод ош, қўлни бериб қўлларга.

Эзгулик фарқ этмайди миллатни, ирқу тилни,  
 Ленин замони пайванд этди дилларга дилни.  
 Партия бош, юксалдик, тенглаб асрга йилни,  
 Дўстим бирга қайнаб тош, қўлни бериб қўлларга.

## Хуш келибсиз

Хуш келибсиз, ўғлоним, Ватан посбонлигидан,  
 Бошлар қуёшга етди кўнгил осмонлигидан.  
 Элнинг ишончин оқлаш мард йигитнинг қарзидир,  
 Чин фарзандлик фарзидир, виждон омонлигидан.

Фахр эт, тўлқинли кўнгил, фахр эт бу дамда масрур.  
 Шавқ эт, азиз дилбандим марди майдонлигидан.  
 Бу шавкату бу савлат қамаштирар кўзимни,  
 Ериқ этгай юзимни ўғлим ўғлонлигидан.

Айлаб элга садоқат, фарзанд йўлладим сафга,  
Эсон-омон қайтибдир, замон-замонлигидан.  
Зоҳиджон, эт тарона, бу тантана баҳона,  
Қудрат ол, бу соз даврон ўктам давронлигидан.

## Чўпон қиз қўшиғи

Қорли тоғлар чўққисига тик қарайман,  
Қўй-қўзимни кенг яйловга тенг тарайман,  
Қиз бола деб димоғ билан боқманг, ака,  
Мен ҳам сиздек чўпонликка хўп ярайман.

Эр йигитдан қиз боланинг ори қаттиқ,  
Тоғда танҳо мен деб, катта кетманг ортиқ.  
Ибо билан сизга қиё боққанамда,  
Бўшанг қиз деб гап тўқиманг ёмон-ёртиқ.

Дов берса дил тортишайлик аҳдлар тузиб,  
Тоғлараро юриб бўлмас димоғ чўзиб.  
Етти пуштим чўпон ўтган, қиз, деманг сиз,  
Белбоғингиз ечиб олмай сиздан ўзиб.

## Сайр этайлик

Қувнаб баҳор, қувнар хумор, оро бериб она-Ерга,  
Яшнаб-яшнаб, нигоҳ ташлаб, бахмал ёзди кенг адирга.  
Шошар еллар, тошар диллар, ошиб йўллар юринг бирга,  
Тутқич бермас уфқлар ҳам чорлар бу дам дала-қирга.

Қушлар учар, булут кўчар, қуёш қучар суйиб-суйиб,  
Булбул сайрар чаман ичра гул ишқида куйиб-куйиб.  
Олам гўзал, кўнгил ўсар, сайр этайлик тўйиб-тўйиб,  
Қувлашайлик, қувнашайлик кенг дастурхон ёйиб қўйиб.

Ўктам баҳор кўркама боқар, олов ёқар юракларга,  
Умр шавқин истасанг сур, қанот бойлаб тилакларга.  
Боқма, дилда оташи йўқ, қайнаши йўқ бўлакларга,  
Зоҳиджон дер: жўр бўл, ҳаёт завқин тугиб билакларга.

1979 йил.





Сойим Исхоқов

# СИРТДАН ТИНЧ ДАРЁ



ҚИССА

1942 ЙИЛНИНГ кўклами эди. Бугунгидек эсимда. У пайтларда қишлоғимизни, Қоратош дейишарди. Бу унинг эски номи экан. Саккиз-тўққиз ёшлардаги бола эдик. Эрталабдан кечгача кўча чангитардик.

Отам урушнинг бошидаёқ фронтга кетган. Онам кейинроқ аллақандай касаллик билан вафот этди. Ким билади, уруш ҳосили — қаҳатчилик ва отамнинг айрилиғи бўлмаганида раҳматлик тирик қолармиди. Ҳайҳотдай уйда фақат уч киши — Тугал акам, бобом ва мен қолгандик.

Қоратошликлар амакиларини ҳам ака дейишади. Тугал акам отамнинг укаси. Алп қоматли, қирғий бурун, бургут кўзли йигит эди. Кун бўйи далада ишда юриб, уйга кечқурун келади. Иссиқ-совуғимиздан қўшнилари хабар олиб туришади. Бобом улардан жуда миннатдор бўлсада, нималардандир кўнгли тўлмай юрарди. Ишдан келганидан кейин «аламини» Тугал акамдан олади...

— Аёлсиз уй уй бўптимиз, — деди бир куни Тугал акамга. — Қачонгача тоқ юрмоқчисан? Аканг бўлса у ёқда қон кечиб юрипти. Бизнинг аҳволимиз ўзинга маълум. Менга ачинмасанг ҳам мана бу норасидани ўйла.

Тугал акам қизариб ер чизарди холос. Бобомга бирор нарса дейишга уяларди чоғи. Ерга тикилганича сўзсиз ўтириши мени ҳам ажаблантирарди: «Хотин олишнинг нимаси ёмон экан, — деб ўйлардим ўзимча. — Бир оғиз майли деса-ю олам гулистон. Мен ҳам Тугал акамдай бўлганимдами...». Лекин Тугал акамдай бўлсам нима қилардим, уйланишнинг нимаси яхши-ю, олам қандай гулистон бўлади — бунини ўйлаб ҳам кўрмасдим.

Бир куни бобом «қийин-қистоқ»ни жуда ҳаддидан ошириб юборди.

— Сенга гап ҳайф,— деди жаҳли чиқиб.— Индамай юриб Шайвалининг<sup>1</sup> тахтига қийшиқ минаман деб ўйлайсан, чоғи. Ол, билганингни қил бўлмасам!

Бобом ҳатто хуфтон номозини ҳам ўқимай ўрнига ётиб олди. Унинг қаттиқ жаҳли чиққани шундан маълум эди. Буни акам ҳам пайқади. Мени секингина туртиб, «кетдик» деган маънода им қоқди. Иккаламиз бошлашиб Каттабулоққа чиқдик.

Қоратошда иккита булоқ бор эди. Кичигини Новбулоқ дейишади. Анча қуйида — тоғлар этагида жойлашган бўлишига қарамай, билакдеккина сув чиқади. Кимдир қуриб кетган новдан жилдираб оқиб туради. Каттаси шу Каттабулоқ эди. Тоғнинг қарийб ярим белидан чиққанлигига қарамай, асосий кўзидан одамнинг сонидай сув шовиллаб оқади. Унинг нари-берисида, тошлар орасида яна ўнга яқин кўз бўлиб, улардан ҳам камида бармоқ йўғонлигида йил давомида сув оқиб туради.

Биз кичик булоқлар орасидаги сандиқдай силлиқ харсангга ёнмаён ўтирдик. Атрофимиздаги булоқлар тинимсиз чулдиради. Катта кўздан оқаётган сув шовиллаб, уларнинг нозик оҳангларини босиб кетмоқчи бўлади...

Диққат билан қулоқ солдим. Булоқларнинг бир маромда шилдираши сўпитўрғайнинг чулдирашига ўхшаб эшитилди. Хаёлимга ўзимиз айтиб юрадиган бир қўшиқ келди-ю, сувнинг шилдираши қулоғимга кирмай ҳам қўйди.

Муллағўрғай —  
Отим бўлғай,  
Қанотимда  
Хатим бўлғай.

Бир чуқим гўшим  
Еган кишим,  
Етти эшикка  
Етим бўлғай...

— Сувнинг шилдираши Муллағўрғайнинг чулдирашига ўхшаб кетаркан.

Тугал акамнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нима! Вой, эси паст-э, шундай майин, шундай ёқимли, мусиқадек дилбар оҳангни қарғиш теккан қушнинг «чев-чев»ига ўхшатади-я! Сулув қизнинг жарангдор кулгисига ўхшайди-ку у... Ҳеч бўлмаса чични пиёланнинг жарангига ўхшат.

Тугал акам билан баҳслашиб ўтирмадим. Бунинг ўрнига қишлоғимиздаги қайси қизнинг кулгиси сувнинг шилдирашига ўхшашини ўйлаб кетдим. Бари бир буни аниқлай олмадим. Шундан кейин негадир ундан «уйланмайсизми?» деб сўрагим келаверди.

— Тугал ака,— дедим ўзимни гўлликка олиб.— Бовамни нега хафа қиляпсиз?

У бир зум ўйланиб қолди.

— Биласанми, мен яқинда урушга кетаман. Шундай бўлгандан кейин уйимизга мослашиб улгурмаган келинчакни ёлғиз қолдириб кетиш яхшимас-да...

Тугал акамнинг ҳам урушга кетиши мумкин эканлигини ҳеч ўйламаган эканман. Шунинг учун бу гап менга оғир таъсир қилди. Кўз олдимга отам келди. Индамай хомуш бўлиб қолдим. Жимликни Тугал акамнинг ўзи бузди:

— Шунгаям хафа бўлдингми, эси паст. Бу гапни яна отамга айтиб, гул чиқариб юрма. Эрталаб қўлингга бир нима бераман. Угатга обориб, бировга бериб-келасан. Кейин шунга қараб иш қиламиз.

— Қимгайди?

<sup>1</sup> Шайвали — Шайбоний демоқчи.

— Бир қизга... Ҳожар оянгни танимайсанми?

— Ҳа-а, Усмон бованинг қизи...

— Худди ўзи, тур, энди кетамиз.

Тугал акамнинг урушга кетишини билганимдан кейин бўғинларим бўшашиб, жуда мазам қочди. Шунинг учун уйга келибоқ тўшакка кирдим. Тугал акам эса калишнуса чироқни ёстиғи ёнига олиб, алламаҳалгача нимадир ёзди. Кейин ҳамма ёзганларини йиртди-да, бошқатдан ёзди. Кейин нима қилганини билмайман. Ухлаб қолибман.

Эрталаб руҳим тетик бўлиб уйғондим. Бобом учаламиз давра қуриб ўтириб, жимгина чой ичдик. Афтидан у ҳам жаҳлидан тушган. Чиройлари очиқ.

Чойдан кейин Тугал акам иккаламиз ташқарига чиқдик. У тўнининг этагини қайириб, шимининг чўнтагидан янги газетага ўралган нарсани чиқариб қўлимга ушлатди.

— Кечаги гап эсингдами?

— Ҳа.

— Ўз қўлига берасан, жавобиниям олиб қайт. Қани бир «зув»лачи.

— Зуввв...

Ўгат қишлоғи Қоратошдан бир қир нарида эди. Мендақа «зувлаб» чопадиганга бориш-келиши ярим соатлик йўл. Катта йўлга яқин бўлганлигидан колхозимизнинг идораси, мактаб, магазин — ҳаммаси шу қишлоқда эди. Қоратошда ҳам мактаб бор эди-ю, унда биринчи синфдан тўртинчи синфгача бўлган болаларгина ўқирди. Мен ҳам иккинчи синфда бўлганим учун, ўз қишлоғимизда ўқирдим. Ўгатга биз фақат магазин билан почтачиникига келардик.

Усмон бобо газета-журнал, хат-хабарларни район марказидан от билан олиб келади. Шунинг учун уларни иккита катта қишлоққа бирикки кунда тарқатиб чиқолмасди. Айниқса ўрим-йўғим пайтлари отини хирмонга олиб қўйишади-ю, у эшак миниб қолади. Биз хатни олиш учун уйга ўзимиз борардик шундай пайтларда.

У Қоратошга келса, баъзан бизнинг уйга тушиб, бобом билан жуда эзмаланишиб қолади. Мулойим ва ширинсўз чол эди. Фронтдаги янгиликлардан айтиб, бобомнинг кўнглини кўтариб кетади.

— Парво қилманг Урол ака,— дерди ҳазиллашиб.— Бу Гитлер деган тўнғизниям оёғи қийшайиб қолди ўзи. Яқинда тўнтарилиб тушади...



Мен борганимда Усмон бобо районга отланиб турган экан. Гапни қисқа қилиб қўя қолди:

— Бувҳожар, Урол аканинг неварасига хат бўлса топиб бер,— деди қизига. Кейин менга ўгирилиб қўшиб қўйди,— Мабодо бўлмаса, бугун олиб келаман. Хафа бўлмай кетгин. Бованга салом айт.

Бизга хатнинг бор-йўқлигини Ҳожар опа яхши биларди. Агар бўлса, сўрамасимданоқ чиқариб беради. Уша куни йўқ экан. Одатдагидек бош чайқади. Мен эса қўлимдагини унга бериб, жавобини олишим керак. Эшикнинг олдида бундай қилиб бўлмасди. Ичкарига киришнинг йўлини қидира бошладим.

— Қараб кўрмай хатнинг бор-йўғини қаёқдан биласиз?

— Биламан-да?

— Бўлмасам акамнинг газетини беринг.

Аслида Тугал акам ҳеч қандай газетага обуна бўлмаганди. Нима қилишимни билмай, таваккалига шундай дегандим. Аммо бу гапим иш берди. У бурилиб ичкарига кирган маҳалда мен ҳам «лип» этиб эшикдан ўтиб олдим.



— Манави сизга экан, акам бериб юборди.

У ялт этиб менга қаради-ю, дув қизариб кетди. Ноилож қўлимдагини тезгина олиб, нимчасининг орасига тикди. Индамасам шу холатда тураверадиган.

— Акамга нима дей?

— Билмасам...

— Орасида хат бўлса керак. Кечаси йиртиб-ёзаётувди. Уқимадингизам.

У терс ўгирилиб, нимчасининг ичидагини олди. Менга қизил ипак рўмолнинг бир чети кўриниб кетди. «Акам ҳам бало,— деб ўйладим.— Индамасхўжа бўлсаям мана шунақа чиройлисини домига илинтирипти».

Хода ютгандек қаққайиб туравермаслик учун, токчадаги газета-журналларнинг суратларини кўра бошладим. Бир маҳал:

— Газеталарингни олмайсанми? — деди Ҳожар опа.

Токчадаги «Қизил Ўзбекистон»нинг ҳар хилидан бир-иккитасини олиб, орасига суратлари кўп бир журнални қистирдим-да қўлтиққа урдим. Ҳожар опага қарасам, у менинг ҳавойи назаримга ҳам тоб беролмай эрга қаради.

— Акамга нима дей?

— «Ўзингиз биларкансиз» деб қўя қол.

— Ёзиб бермайсизми?

— Йў-ўқ... уят бўлади. Шундай айтавер.

— Хўп. Зуввв...

Эшикдан югуриб чиқиб ортимга ўгирилсам, Ҳожар опа жилмайиб қараб турибди. Унга негадир ғалати ишшайдим-да «зув»лаб чопганимча Қоратошнинг йўлига тушдим. Қулоқларимга булоқ сувининг шилдирашига ўхшаброқ кетадиган кулги эшитилди ортимдан. Тўхтаб яна қарамоқчи бўлдим-у, лекин шу ондаёқ фикримдан айнидим: «Шу писмиқнинг кулганигаям анқайиб ўтирадиган анойиманми».

Ростини айтсам, Ҳожар опани унчалик ёқтирмасдим. Негадир «ичимдагини топ» дейдиган писмиққа ўхшаб кўринарди менга. Тугал акамдек оғир-вазмин йигитнинг шунақа қизни яхши кўриб қолганига сира тушунолмасдим. Бунинг устига иккала индамаснинг пайт топиб қачон гаплаша қолганига ақлим етмасди.

Шунинг таъсирида бўлса керак, кечқурун хилватини топиб Тугал акам сўраганидаям тўнғилладим.

— Жағини очишга кучим етмади. Бир амаллаб тишларининг орасидан иккита сўзни суғуриб олдим: «Ўзингиз биларкансиз».

— Сен эси паст унинг бошини айлантириб, йиғлашгача обормангирсан.

Тугал акам мени мақтаса ҳам, койиса ҳам «эси паст» дерди. Қайси маънода айтганини гапининг оҳангидан дарров билиб олардим. Ҳозир негадир ажратолмай қолдим. Шунинг учун таваккал қилиб андавалашга тушдим.

— Йиғламади-ю, лекин кулди. Кулгиси худди булоқларнинг чулдирашига ўхшаб кетаркан.

— Шунақа де! — Тугал акам ёйилиб кетди.— Балосан! Энди бо-вангга секин шипшитсангам бўлади. Отаси билан бир гаплашиб кўрсинчи...

Бир ишни зиммага олсам, насия қилиб кетадиган одат йўқ менда. Тугал акамнинг топширигини ўша тундаёқ бобомга етказдим. Суюнчиси бир сиқим майиз бўлди-ю, лекин бобомнинг қувонганини кўрсангиз: чеҳрасига қон югуриб, нурсиз кўзларига шуъла ингандай бўлди.



Эртасига бобом иккаламиз қўшнимизнинг оқ эшагига мингашиб, Угатга жўнадик. Бобомнинг кайфияти баланд. Йўл-йўлакай мени гапга солади. Нималарнидир аниқламоқчи бўлади. Узининг одатдаги ўткир иборали гапларини ишлатиб, Усмон бобо хонадонидагиларни роса мақтайди.

— Э-э болам, «онасини кўр-у, қизини ол», депти машойихлар. Она-си яхши аёл-да бу қизнинг.

— Онаси мақтаган қизни олма, чечаси мақтаган қиздан қолма, деганмасми машойихлар.

— Машойихлар шунақаям деган...— бобом бирдан гапимнинг нишабини пайқаб қолди.— Нима, сенга онаси мақтапими уни. Жуда бе-маза сўзларни кўп айтасан. Тугалбой сени «эси паст» деб тўғри айтади. Чумчуқ семириб ботмон бўлмас, пойтешадан кетмон бўлмас...

Бобомни хафа қилиб қўйдимми деб ўйловдим. Қаёқда, хафагарчиликнинг кўчасига кирғиси келмади. Гапни қолган жойидан олиб кетди. Маълум бўлишича, Усмон бобо одамнинг султони, кампири аёллар маликаси экан. Қизи ҳам шунга яраша бўлиши керакмиш. Тугал акам билан мен аҳмоқ эмишимиз. Агар Усмон бобонинг уйига етиб қолмаганимизда ким билади яна қандай «унвон»лар олардики.

Усмон бобо бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Бобом келишимиз мақсадини айтганида бир оз ўйлашиб қолди. Сезиб турибман, бобом билан куда бўлгиси бор, лекин ниманингдир андишасига боряпти.

— Биз ҳам уруғли элмиз, ёқали тўнмиз,— деди ниҳоят у.— Уйлашиб-кенгашиб кўрайлик. Мен маъқул деганим билан қариндош-уруғларга малол келар. Улардан ҳам оғиз солиб юрганлари йўқ эмас...

Назаримда икки бармоғимизни бурнимизга тиқиб, бўш қайтаётгандай эдик. Ҳализамон бобом Усмон бобонинг гўрига ғишт қалай бошла-са керак, деб ўйладим. У индайвермагач, ўзим гап бошладим.

— Усмон боваям қизига ўхшаб анча писмиқ экан...

— Овозингни ўчир, лодон!

Бобомнинг чинакамига жаҳли чиқди. Мени қайта бошдан аҳмоққа чиқариб, Усмон боболарни йиртиқ қопга сиғдирмай мақтаб кетди.

— Бари бир қизини бермади-ку,— дедим алам қилиб.

— Икки карра лодонсан, у биз билан куда бўлишга рози. Удуми-миз ўзи шунақа: бир-икки борганингда «йўқ» деб туришади-ю, ишинг-нинг битишини кутиб олишиданоқ сездиришади. Қизи борнинг нози бор-да.

Бобом тўғри айтган экан. Кейинги борганимизда икки товоқ ош-у, бир коса сув билан «нон синдирилди». Орадан ўн беш кун ҳам ўтмай ҳовлимизга келин тушди. Тўй замонасига яраша дабдабасиз, ўйин-кулгисиз ўтди. Бобом ёлғиз «тўқол» эчкимизни сўйдириб, қозонга бостирди-ю, ҳамқишлоқларимизнинг «қўшни, қуллуқ бўлсин»ини олди.

Бобом айтганидек, келин келиб ҳовлимизга сон, уйимизга барака кириб қолди. Бироқ, бу бахт узоқ давом этмади. Уч ойлардан кейин Тугал акам ҳам фронтга кетди. Уйимиз яна ҳувиллаб қолгандек бўлди...



Тугал акамнинг фронтга кетганига бир йилча бўлди. Шу даврда мен анча ўзгаргандекман: илгариги маҳмадонагарчилигим, бетга чопарлигимдан асар ҳам қолмади. Кейинги бир йил бобомни ҳам анча қаритди. У сезиларли даражада қўкиб қолди.

Ҳамма эрталабдан кечгача далада бўлади. Уйда қари-қартанглар-у, кўчада биз — болалар қоламиз.

Бобом уйимиз остонасига яқин жойга пўстак тўшаб ўтириб олиб, уззукун узоқларга кўз тикади. Унинг отам билан Тугал акамни жуда соғинганини, келиб қолишармикан, деб йўлига илҳақ бўлиб ўтирганини фаҳмлардим. Аммо индамасдим. Уларни мен бобомдан ҳам кўпроқ соғингандим. Бунинг устига онам эсимга тушиб, юрагим туз қўйгандай ачирди. Бобомга қараб ўтириб кўнглим бузиларди. Йиғлаб юбормаслик учун ноилж ундан узоқлашардим. Баъзи-баъзида унинг кўзларида ҳам нам айланиб қоларди. Лекин йиғлаганини сира кўрган эмасман. Менинг олдимда ўзини тутарди.

Бобом иккаламиз кўпинча отамнинг аллақандай ўрмонзорда «смирно» туриб тушган сурати билан Тугал акамнинг автомат ушлаб тушган суратларини эринмай томоша қиламиз. Шу жонсиз расмлар орқали ўзларини кўргандек севинамиз, юракларимиз анча тасалли топади.

Биз билан бировнинг иши йўқдек. Фронтдан яхши хабарлар келаятганига қарамай, одамлар ташвишли. Ҳафта-ўн кунда қари-қартанг кампирлар кимнингдир эшиги олдида ер тепиб йиғлашади. Шу куни ўша уйнинг бекаси — ёш аёл ҳам ишга чиқмасди. «Вой тўрам!» деб юзини, сочларини юлади. Юришга ҳоли етган дадилроқ чоллар ўша хонадонга боришади-да, бир четда жимгина ўтириб, юзларига фотиҳа тортишади. Йиғи-сиғига халақит беришмасди.

Ёш бўлсак ҳам бундай йиғи-сиғиларнинг маъносини яхши билардик. Одатда бировнинг уйига қорахат келса, ё қорахат келганига қирқ кун, бир йил тўлса, шундай бўлади. Кечга бориб баттар авжланади: кампирларнинг ёнига ишдан қайтган келинчаклар, ёш-ёш қизлар қўшилади.

Қишлоғимиз бу атрофдаги қишлоқлардан йирик бўлса-да, ёмон гап зумда ҳамма уйга кириб боради. Одамлар қуда-анда дегандай ажриқнинг илдизига ўхшаб, бир-бирига чирмашиб, қон-қариндош бўлиб кетганмасми, шунинг учун бир хонадондаги ҳам ҳамманики эди. Бирор солдат ҳақида хушхабар келса, шодлиги ҳам ўртада. Бироқ, бундай кунлар кам бўларди.

Аллақайларда бораётган беомон урушнинг қора кўланкаси шу узоқ тоғ қишлоғи кўчаларида ҳам сузиб юрарди. У кексаларнинг манглайига ажин кўринишида тамға босса, болалар қалбини аёвсиз эзарди. Ёшу қарининг алами ичида эди. Қорахат келган пайтлардагина бу алам дарё гирдобидек юзага қалқиб чиқар, уңи кўпчилик ичига ютиб кетиш иложини тополмай қоларди. Ғамга бўй бермайдиганлар ҳам бундай пайтларда уввос солиб йиғлаётганлар ёнида Гитлер билан фашизмни ошқора лаънатлар эди. Бироқ, бу билан аламзада қалбларга таскин бериб бўлмас эди.

Ҳар ҳолда бола эдик. Бугун юракларимиздан қон томса ҳам, эртасига ҳаммасини унутгандай бўлардик. Дунёнинг ўзини ташвишли дунё деб билардик шекилли, урушдан олдинги яхши кунлар ҳақида кексаларнинг ҳикоясини эшитсак, ўзимизни эртасингиз тинглаётгандай ҳис қилардик. Айниқса мен эсимни таниб, ғамдан бошқасини кўрмаган эдим. Ҳозиргидек маъмур замонлар бўлишини тасаввуримга сиғдирилмасдим.

Баъзан ўртоқларимиз билан тоғ ёнбағридаги торгина майдончага тўпланишиб олиб, оламда йўқ ўйинларни топамиз. Очiqсак тоғдан ейиладиган гиёҳларни терамиз. Баҳорда бундай гиёҳлар кўп бўлади. Ёзда мева-чева жонимизга оро киради. Нон айниқса баҳорга келиб, деярли йўқ бўлиб қолади. Ҳар куни бир маҳал аталами, гўжами ичамиз. Униям оналаримиз ёки янгаларимиз ишдан қайтгач, алламаҳалда пишириб беришади.

Кўпинча яхши отлар урушга, бундайроқлари далага ишга жўнатилиб, ҳувиллаб қолган отхонада ўйнаймиз. Неча уришиб, неча ярашамиз. Кечқурун уйларимизга ёқавайрон бўлиб қайтамиз. Йўлда кимдир

бурнини ғўлтиллади тортиб, бир чимдим суюқ лой туфлайди, биров ипи «қочган» иштонини чангаллаганича ўзига чалим урган болани сўкади. Қайси бир «зўр» қўрғошин қуйиб оғирлаштирилган соққасини ютиб олган болани тупроққа белади. Узининг ундан кучлироқ эканини намойиш қилиш учунми ё фирромлик қилибми, соққани тортиб олмоқчи бўлади.

Соққа ташлашда тенгдошларимнинг кўпини қойил қолдирардим. Баъзан ўзимдан уч-тўрт ёш каттароқ болалар билан ҳам ўйнайверардим. Шу туфайли аксар пайтларда боягидек «кучлилар»нинг ғазабига мен йўлиқардим.

Орамизда Бадал деган бир бола бўларди. Оти Баҳриддин бўлсаям Бадал дердик қисқартириб. Ун уч-ўн тўрт ёшларга кирганди. Отасини Назир чўлоқ дейишарди. Анча бемаъни одам эди. Ҳар қалай қишлоқдагилар ёқтиришмасди. Боласи ҳам отасидан улги оларди шекилли, бирорта билан уришмаган куни бўлмасди. Баъзан ундан бўлса, баъзан биздан бўларди. Отасининг айбини айтиб, жиғига тегардик. Ўзиям қўтосдай семиз эди. Кўплашишмаса тенгдошларигаям зўрлик қиларди.

Бир куни чошгоҳ пайтида шу бола мен билан соққа ўйнамоқчи бўлиб қолди. Уртоқларимнинг гиж-гижлаши билан мен ҳам рози бўлдим. Даврани кенгроқ очиб, иккаламиз соққа ташлашга тушдик. Ҳашпаш дегунча энг яхши, оғир соққаларини ютиб олиб қўйдим. У ўзида қолган энгил соққалар билан ўйинни давом эттиролмаганини сезди. Уларни мендаги яхшилари билан алмаштиромоқчи, кейин ўйинни давом эттиромоқчи бўлди. Мен кўнмадим. Иш жанжалга бориб тақалди.

Ёшлигимда ўжарроқ эдим шекилли, Бадалга сира ён бермадим. Шу ўжарлигим туфайли авваллари ҳам ундан калтак еб юрардим. У ўшшайиб ёнимга келди. Ёқамдан хиппа бўғиб ерга ағдарди-да, қўлларимни орқага қайира бошлади. Бунинг уддасидан чиқолмаганидан кейин аламига роса дўппослади: у мушт туширяпти, мен тилимни тиймай сўкинаман. Болалар «бирингга арпа, бирингга буғдой, гиж-гиж» деб туришипти чапак чалишиб. Ҳайтовур бир маҳал Ҳожар янгам келиб қолди. Бўлмаса жанжалимизнинг нима билан тугагини ким биллади...



Ҳожар янгам хонадонимизга келин бўлиб тушгандан кейин ҳам анча вақт у билан «келишолмай» юрдим. Уни аввалгидек «ичимдагини топ» деб юрардим. Тил учуда янга дердим. У эса мени катталардай ҳурматларди, кўнглимга қарарди. Шунинг таъсиридами, бора-бора қалбимдаги «адоват» юмшади. Тугал акам фронтга кетганидан кейин эса жуда иноқ бўлиб қолдик.

Ҳожар янгам сутга чайгандай оппоққина, пайваста қора қошли, нозикина ва беозор келинчак эди. Назаримда у ўзича бир дарё, ўзича бир дунёга айланиб бораётганди. Бироқ, дарё бўлиб тўлқинсиз, гирдобсиздек, дунё бўлиб алғов-далғовлардан холидек кўринарди. Доимо бир зайлда, биров билан иши йўқдай, одамлардан четроқда юрарди. Тугал акам совға қилган, ўзим олиб бориб берган қизил дуррани ҳар доим иягидан олиб боғларди. Уятчанлигидан, юзини бошқа эркакларга кўрсатавермаслик учун шундай қиларди чоғи. Уйимиз бир бўлишига қарамай, бизнинг хонамизга ҳам зарур бўлганидагина кирарди. Бошқа қўни-қўшниларникига умуман чиқмасди. Бир ўзи бир хонага қамалиб ўтирарди. Баъзида бобом, кўпинча мен ёнида бўлардик. Ёлғизлигини билинтирмаслик учун ётиб ҳам қолардик...

Кўклам келиши билан Ҳожар янгам далага чиқиб кетди. Шундан кейин уни кам кўрадиган бўлиб қолдим. Ухлаганимда ишдан қайтиб,

уйғонгунимча кетиб қолади. Ҳар ўн беш-йигирма кунда бобом зўрлаб ишдан олиб қолади:

— Чўп-устихон бўлиб кетдинг-ку, болам, жонингга бунча жабр қиласан,— дерди койиш оҳангида.— Сал дам-пам ҳам олиб тур-да, қизим...

Ҳожар янгам Бадални қувлаб юбориб, мени ердан турғизди. Кўз ёшларимни кўйлагининг енги билан артди. Бошимни силаб эркалатган бўлди.

— Болалар билан бундай муштлашиб юрганча мен билан хирмонга бормайсизми, мулла? — деб қолди дабдурустан.

Одатда, янгалар қайлиғи томонидан ҳеч кимнинг отини айтмасди. Ҳожар янгам бу одатга тўла амал қиларди. Мени негадир «мулла» дерди. Сизлаб гапирарди. Мен ҳам бунга кўникиб кетгандим.

Бобом янгамни жуда ҳурмат қиларди. Ўз боласидан ҳам кўпроқ эъозларди. Ширин сўз бўлгани учунми, мен ҳам уни яхши кўриб қолгандим. Кейинги пайтларда сўзини икки қилмасдим. Уша куни ҳам хирмонга «бораман» деб юборганимни ўзим билмай қолдим.

Хирмон қишлоқдан уч-тўрт чақиримча узоқда экан. Йўлда иккаламиз суҳбатлашиб кетдик.

— Нега бугун ишга кеч чиқдингиз? — сўрадим мен.

— Акангизга посилка жўнатдим, яқинда ёзган хатида дўпписини сўраган экан...— деди у майин жилмайиб.

— Урушда дўппи нимага керак?

— Ҳавасгада...

Ҳали ёз тугамаган бўлса-да, куз нафаси сезилиб турарди. Баҳорикорларда иш қизғин. Пунктга ғалла ташишдан ташқари, деярли ҳамма ишни аёллар бажаришади. Ғалла тайёрлаш пункти район марказида бўлиб, қишлоғимизга олтиш чақирим келади. Шунча жойга тоғ оралаб ғалла ташиш аёлларга оғирлик қиларди. Шу туфайли бу ишни қари-қартанглр билан фронтда жароҳатланиб қайтганлар бажаришади.

Ҳожар янгам бир пучуқ дугонаси билан хирмонда буғдой янчаркан. Бирини ҳўкизларни буғдой дасталари устидан «ҳўп» қилиб етакла-са, иккинчиси орқадан гаврон билан уриб ҳайдаркан.

Урушдан илгари буғдойни от билан янчишаркан. Яхши отлар фронтга жўнатилгач, буғдой янчиш учун от етмаган хирмонларга ҳўкиз берадиган бўлишибди. Баъзи хирмонларга ҳатто эшак ҳам қўшишарди. Бу — аёлларнинг ишини беш баттар қийинлаштириб юборарди. Даста устидан икки-уч ҳўкизни етаклаб юриш мушкул эди. Эшаклар эса тихирлик қилиб, ўзини четга отади.

Борган кунимда хирмон менга ёқиб қолди. Чунки ўша куни қишлоққа қайтгунимизгача ҳўкизлардан бирини миниб юрдим. Кечқурун бобом Ҳожар янгамнинг хирмонида «ҳўп» ҳайдаганимни эшитиб, жуда хурсанд бўлди. Шундан кейин ҳар куни хирмонга бирга борадиган бўлдим. Бундан Ҳожар янгам ҳам ўзида йўқ хурсанд эди.

Орадан икки-уч кун ўтмаёқ ҳўкиз миниш жонимга тегди. Бунинг устига соним яғир бўлгандай ачишиб оғриди. Ҳўкизга эгар уриб бўлмайди-да. Яйдоқ молни узоқ минолмайсан. Шу сабабдан хирмонга бормай қўйдим.

Уша куни бобом мени уришиб берди:

— Аёлларчалик ҳам бўлмадингми, болам. Йигит киши чидамли бўларди-ку. Мен Бувҳожарни ёғи бўлмасаям чироғим деб юрибман, сенам кўнглига қара...

Бобом ғалати иборалар, мақол ва маталларни кўп ишлатарди. «Ёғсиз чироқ» ҳақидаги кейинги гапи менга қизиқ туюлди. Унинг маъносини сўрамоқчи ҳам бўлдим-у, лекин овозидаги шикасталик шахтимни қайтарди. Тилимни кўндаланг тишлаб, ўзимни тийдим.

Бобом негадир ўша кунлари Ҳожар янгамнинг ёнида юришимни талаб қила бошлади. Сабабини айтмасди. Унинг ёнида юришни ўзим ҳам яхши кўраман. Аммо ҳўкиз эсимга тушса, орқаларим нина санчгандай ачишиб оғрийди. Шундай бўлса-да, эртасига яна хирмонга бордим. Бу сафар буғдой янчаётган уч ҳўкизнинг энг зўрига — қора ҳўкизга эски-тускилардан тўқим қилиб, узун чилвир билан боғладик. Энди уни миниб юриш анча ўнғай бўлиб қолди.

Бир-икки кундан кейин одам етишмаётганлиги сабабли Ҳожар янгам дугонасини ўроққа чиқариб юборди. Бутун бошли катта хирмонда фақат иккаламиз қолдик. Олдинлари чарчасам ёки ҳўкизнинг устида юравериб зериксам, буғдой дасталари соясиди ётиб, ухлаб ҳам олардим. Энди бундан маҳрум бўлиб қолдим. Аммо чидадим. Ҳожар янгамнинг ёнида юрганмдан, унга ёрдам бераётганимдан хурсанд эдим. Янгамнинг ширин сўзларига жуда ўрганиб қолган эдим. Бунинг устига ўнбоши келиб, менинг ўзимга ҳам меҳнат куни ёзадиган бўлиб кетди. Бригадирни ўша пайтларда ўнбоши деб аташарди.

Кечқурун алламаҳалда ўроқчилар келишиб, биз кун бўйи янчган донни тунги шабадада совирешарди. Одам етишмаётганидан алоҳида хирмончи ажратилмасди. Кейин тозаланган буғдойни кўпчилик бўлиб қоплашиб, араваларда пунктга юборишади. Мен Ҳожар янгам билан шу араваларнинг биринчисиди уйга қайтаман. Аравакашлар қишлоқ ёнида бизни тушириб кетишади...



Иссиқ кунлардан бири эди. Туш бўлай деб қолган. Пешонамдан уриб турган офтоб кўзларимни тиндириб юборади. Узоқлардаги виқорли тоғлар, теварак-атрофимиздаги қирлар сувга фарқ бўлаётгандай жимирлашиб кўринади. Атрофдан жизгинак бўлиб қуриган сомон ҳиди анқийди. Аллақандай қўнғизлар тинимсиз жизиллашиб, уйқумни келтиради. Пешонамдан тер ёмғирдай қуйилади. Ҳўкизларни беҳафсала айлантитардим.

Иссиқда мумдай эриб кетаётганимни пайқаб, Ҳожар янгам ҳўкизларни четга чиқаришимни буюрди. Мени оққуврайдан омонатгина қурилган чайлага киритиб юбориб, ўзи матовдаги ҳўкизларни бир-биридан ажратди ва буғдойни ўриб олинган далага қўйиб юборди. Бирпасдан кейин илгарироқ оловга қўйилган қумғонни кўтариб ўзи ҳам чайлага кирди. Чайла кичкина бўлганлиги учун сиқилишиброқ ўтирдик.

— Чарчадингиз-а,— деди Ҳожар янгам чайланинг тўр томонидидаги шол дастурхонни ўртага тортаркан кулиб.— Лекин чидамли экансиз. Чидам урушда жуда иш берса керак...

Чети арранинг тишига ўхшаб қолган пиёлага қумғондан қайноқ сув қуйиб менга узатди. Қуруқ чой отлиққа ҳам топилмаганидан, кексалар ҳам қайнаган сув ичишарди. Баъзан чой ўрнига аллақандай ўсимликларнинг япроғини майдалаб солишарди.

Суви қочган нон билан «чой»ни ичиб бўлганимиздан кейин, озроқ нафас ростлаш учун чўзилдим. Оёқларим чайладан ташқарига чиқиб, офтобда қолди. Ҳожар янгам ҳам жуда чарчаган шекилли, бир ёнбош бўлиб, ёнимга чўзилди. Бу тахлит қуруқ ерда ётиш унга ўнғайсизроқ бўлгани учун, бошини қўлининг устига қўйиб олди.

Ёнида ётиб, унинг кўзларига шу куни биринчи марта тикилиб қарардим. Ҳаё билан чақнаб турган бу қора кўзларда қандайдир ҳасрат бекиниб ётганини ўшанда илк дафъа пайқадим. Бироқ бу ҳасратнинг сабабини ўйлаб ҳам кўрмагандим. Балки, аксар хотин-қизларнинг кўзларида мудом шунга ўхшаш ифодани кўравериб, ўрганиб кетганлигимдан шундай бўлгандир. Урушнинг жабрини урушда қон кечиб юрган-

лардан кўра, ичкаридаги аёллар кўпроқ тортганлигини энди пайқаяпман.

Мизғий бошлаганман, шекилли, Ҳожар янгам қадоқ босиб кетган қўлини секингина елкамга қўйди. Она кўксидагина бўладиган аллақандай ёқимли ҳид гупуриб димоғимга урди. Кўкраклари юзларимга жуда яқин келиб қолганидан, алланечук бўлиб кетдим. Уйқум шу бир лаҳзадаёқ очилиб кетди.

— Чарчабсиз-а,— деди у жилмайиб.— Майли, ҳозир чарчасак, ҳис-сасини урушдан кейин чиқариб оламиз.

— Уруш қачон тугайди, чеча,— дедим, гўё у ҳамма нарсани кўриб-билиб турадиган сеҳргардай.

— Тугайди, тезда тугайди. Гитлерни ҳам аҳмоқ подшодай дорга ошишади.

— Назир чўлоқни-чи?

Ҳожар янгам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Уша Қаттабулоқ сувларининг чулдирашидек жарангдор кулги! Унинг бу қадар очилиб кулганини анчадан буён эшитмагандим. Кулгининг зўридан кўкракларининг юзларимга тегиб кетаётганини ҳам пайқамасди.

— Нималар деяпсиз, муллам,— деди у ўзини аранг кулгидан тийиб,— Назир чўлоқнинг додини бериб қўйиш жуда мушкул иш деб ўйлайсиз шекилли.

— Осон бўлса, унга нега ҳеч ким индамайди?

— Э-э муллам, ҳозир одамларнинг бутун фикри-зикри фронтда. Назир чўлоққа ўхшаган битта-яримта пасткашлар унчалик кўзга кўринавермай юрипти. Ҳали уруш тугасин...

— Уруш тугаса нима бўлади, чеча?

— Уруш тугасами? Уруш тугаса аввало яқин кишиларимиз... келишади. Умуман кўп нарсалар ўзгариши керак.

— Назир чўлоқни ростдан дорга ошишадими? Бобом менга «ҳали шерларимиз келса уни оёғидан ошишади» деганди. Шу тўғрими?

— Ҳар қалай жазосини беришади...

Назир чўлоқ бояги Бадалнинг отаси бўлиб, ўғлига ўхшаш гавдали, муштбурун, биткўз одам эди. Энди ўттиз бешларга борган бўлишига қарамай, тарвақайлатиб соқол қўйганди. Қишлоқда бир қўли ёки бир оёғи йўқлар уч-тўртта бор эди. Лекин одамлар фақат Назир чўлоқнинг исмига «чўлоқ» лақабини қўшиб айтишарди.

Айтишларича, уруш бошланган йили унинг ўнг оёғидан кўлвор илон чаққан экан. У пайтларда бу атрофда врач бўлмаганлиги учун, уни Уста Қулман деган жарроҳ табибга кўрсатишибди. Табиб илон заҳарининг танага ёйилиб кетишидан чўчиб, ноилож оёғини тиззасидан қирқиб ташлаган экан. Яна, урушга боришдан қочиб, илон чаққан оёғини ўзи атайлаб кестирган деган гаплар ҳам юради.

Назир чўлоқнинг бир оёғи ёғочдан эди. Заранг ерда юрганида оёғидан дўқиллаган овоз чиқарди. Ортидан эчкиникига ўхшаш из қоларди...

Қуёш атрофни тандирдай қизитиб турганига қарамай, бир лаҳзага эгим музлаб кетгандай бўлди. Елкам билан белимнинг аллақасерлари ачишганга ўхшайди. Назир чўлоқ билан боғлиқ бир воқеани эсладим.



Бугдой ўрими эндигина бошланган пайтлар эди. Уйимизда бир кафт ҳам дон қолмаганди. Биз-ку мева-чева дегандай, амаллаб қорин тўйдириб юрардик. Бобомга қийин бўлди. У ҳар кунни бирор коса аталами, гўжамни ичиб турмаса бўлмасди. Шунинг учун бобом мени эртароқ уйғотиб, бир оз бошқоқ териб келишга юборди.

Одатда, буғдой ўрими қишлоққа яқин жойдан бошланарди. Буғдойдан тозаланган жойдаги бошоқ ҳам терилиб, хирмонга тўкиларди. Ҳамма нарса фронт учун! Имкони бўлса ерда буғдойнинг бир донаси ҳам қолдирилмасди. Шундан кейингина қолган бир дона, ярим дона бошоқни биз териб олишимиз мумкин эди. Бироқ, ўша йили раисимиз негадир бунга ҳам тегинилмасин деган буйруқ чиқарибди. Атайлаб қўйилган қоровуллар бошоққа борган болаларни изиллатиб қувлашарди. Баъзан уриб-сўкиб уйларигача келишарди...

Кўн қиёмига етган. Қуёш яланғоч адирларга олов пуркайди. Эгнимдаги қирқ ямоқ чит кўйлагимнинг этагини тугиб ушлаб, бошоқ қидириб юрибман, Икки-уч соатча изғиб, озроқ бошоқ топдим. Урилган буғдойнинг чўкиртлак поялари оёқларимга сим-сим ботади. Ҳожар янгам яқинда тикиб берган бўз иштонимнинг оғигача читир ўтларнинг тиканаги билан қопланиб қолди. Шунда ҳам атайлаб читир ва туяқоринлар кўп жойларни қидираман. Уроқчилар уларнинг орасидаги буғдойни ўриб кетишса-да, бошоқчилар бошоғини теришмасди. Қийимларининг ҳар хил тиканаклар билан қопланиб қолишидан чўчишарди. Бу тиканаклар кийимга шунчаки ёпишиб қолса ҳеч гапмасдику-я, кийим устидан ўтиб, баданни ҳам мушук тимдалагандай тирнаб ташларди. Уни тозалаш ҳам қийин. Менинг иштоним қалин бўздан бўлганлигидан, тиканак унга ёпишарди-ю, баданимга ўтмасди.

Бошоқларим анча кўпайиб, энди орқамга қайтаман деб турганимда, аллақайдан Назир чўлоқ келиб қолди. У ҳам дала қоровули эди. Ҳа йўқ-бе йўқ, мени йўрғасининг олдига солиб қувлай бошлади. Не машаққатлар билан териб олган бошоқларим аллақайларда сочилиб қолди.

Одам отдан тез югуролармиди. Назир чўлоқ отининг тизгинини атайлаб тортиб, силламни қуритмоқчи бўлади. Ҳар замонда овозини баланд қўйиб, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилади. Мен эса қўрққанимдан баттар югураман.

Упкам шишиб кетди. Чопиб бораётиб бирор нарсага суриндимми, ўмбалоқ ошиб йиқилдим. Амаллаб ўрнимдан турдим-у, яна қочмоққа мадорим қолмади. Тинкам қуриганидан, жойимда туравердим. У бамайлихотир яқинлашиб келиб, қўлидаги ўрма қамчи билан елкамга урди. Қамчининг чилвири узун эди. Белимга бир ўралиб учи бўйним аралаш жағимга тегди. Вой-войлаб ётиб қолдим. Анчадан кейин бошимни кўтариб қарасам, у йўқ.

Ўрнимдан зўрға турдим. Қамчининг чилвири теккан жой шишиб кетибди. Қўл теккизай десам зирқираб оғрийди. Бир-бир босиб, амаллаб уйга етдим. Бобом аҳволимни кўриб, қаттиқ ғазабланди.

— Ҳали она сути оғзидан кетмаган гўдакни майиб қилишдан ҳам қўрқмайди бу ифлос! — деди. — Ноинсоф!! Худодан қўрқмаган!!! Одамлар қон кечиби фашистни қувлаяпти, бу иблис уларнинг болаларини. Ҳолим етса экан, бориб бир онасини кўзига кўрсатиб келсам... Қади синиб айрон тўкилганича йўқ! Шошмай тур иблис!

Кечкурун, Ҳожар янгам ишдан келган пайтда ҳам ухлаёлмай, оҳвоҳ қилиб ётганим. У рўмолининг учига тугиб бир ҳовучгина буғдой олиб келган экан. Шуни ёрғучоқда майдалаб (ўша пайтларда ҳам қишлоғимизда ёрғучоқ бўларди), бобом иккаламизга атала қилиб берди. Бироқ, бобом ўша кунни янгамнинг илтижоларига ҳам қарамай атала ичмади. Бир ҳафтача касал бўлиб ётди. Кейин аста-секин тузала бошлади.

Бобом менга «майда» гапларни айтавермасди. Унинг бу одатини билганимдан, мен ҳам ҳар нарсани сўрайвермасдим. Катта уйда кун бўйи иккаламиз ётамиз. Янгам ишда бўлади. Жимгина шипга тикилиб ётавериш бобомни ҳам эзиб юборарди, шекилли, баъзан менга эртак-



лар айтиб беради. Бу эртактарни ўзи тўқирмиди, ҳар тугур эртақ қаҳрамонлари «Советский соллотлар» доим душманни енгиб, соғ-омон уйларига қайтишади. Ҳар хил «қаланғи-қасанғи фашис» бу «соллот» олда ер тишлаб қолади. Эртактарнинг мазмуни менга ёқарди.

Баъзан у ўзи истамаган ҳолда «майда» гаплардан ҳам айтиб қоларди.

— Уғлим,— деб қолди касал ётган кунларининг бирида бобом.— Биласанми, Назир чўлоқ — ифлос одам.

— Шунақага ўхшайди,— дедим бобомни гапиртириш учун «жиғига» тегиб.

— «Шунақага ўхшайди»мас, ифлос одамлиги аниқ. Кечалари ҳукуматнинг хирмонидан қоплаб буғдой ўғирлармиш, кундузи урушда юрганларнинг аёлларига иғво тарқатармиш; ўзининг ифлос ниятига етиш учун тирик йигитларни «ўлипти»га чиқарармиш...

— Йўғ-э-э-э...

— Ишонмайсан-да... Мен ҳам ишонмасдим. Аммо шамол бўлмаса, дарaxтнинг учи бекорга қимирламайди,

— Буни кимдан эшитдингиз, бова?

— Бўлди. Бунақа майда гапларга қулоқ солаверма!

Ҳожар янгамдан «жазосини беришади....» деган гапни эшитганимда, шулар беихтиёр ёдимга тушди. Уша воқеадан кейин Назир чўлоққа рўпара келмагандим. Қорасини узоқдан кўрибоқ жуфтакни ростлардим. Ундан қанчалик кўрқишимни билмайман-у, лекин жуда ёмон кўриб қолгандим...



Хаёлга чўмиб кетганимга ажабланибми, Ҳожар янгам юзларимга тикилиб ётган экан. Унга қараб илжайдим. У ҳам жилмайиб, чайладан бошини чиқарди. Атрофни синчиклаб текширди. Яқин-атрофда ҳеч ким йўқлигига кўзи етгач, аввалгидек ёнимга енгилгина чўзилди. Елкамдан олиб, мени секингина қучоғига тортди. Қучоғи аллақандай иссиқ. Димоғимга тер ва сутникига ўхшаброқ кетадиган ҳид урилди. Нафасим қайтаётгандай энтиқдим. Лекин ўзимни тортмадим. Унинг қучоғи меҳр масканига ўхшаб туюлди. Бола онгимдан ҳали нималиги ўзимга ҳам қоронғи бўлган қандайдир латиф орзулар тиниқ баҳор осмонига арқон ташлаб келаётган турналардек тизилиб ўта бошлади. Уша ётишда ётавергим, ётавергим келарди.

Ҳожар янгам бир қўли билан бошимни секингина орқага тортиб, юзимни ўзига қаратди.

— Бир ашула айтиб берайми? — деди табассум қилиб.

— Айтнинг,— дедим унинг ашула айта олишига унчалик ишонмай.

— Эшитинг бўлмаса...

У ҳорғин, хаста товуш билан қўшиқ айта бошлади.

Қайлардасан севар ёрим,  
Зор бўлибман жамолинга.  
Келгил кулиб ифтихорим,  
Интизорман висолинга.

— Ҳайқирганда тошқин сойлар,—  
Деган эдинг,— ёргинам кут!  
Ўтиб борур йилу ойлар.  
Ҳижронингдан бағримда ўт...

У шундай ҳазин, шундай тиниқ куйлардики, эсимни таниб, ҳали ҳеч қачон бундай дилбар қўшиқ тингламагандим. Ўзидан-ўзи онамни эслаб кетдим. Ёнимда ётиб нола қилаётган Ҳожар янгам эмас,

онамга ўхшарди. Гўё онам ҳам мен сингари соғинч ўтида ўртанган-у, ерни қоқ ёриб чиққан, отамни фронтга кузатиб қўйганимиздан кейинги дастлабки ойлардаги каби тепамда дилгир аллалар айтиб турганга ўхшарди. Балки юрагини улкан дард кемираётган, дардини ҳаммадан пинҳон тутишга интилаётган она ва ёш келинчак ноласи бевосита бири-бирига ўхшаб кетар. Чунки улар куйласа кимнингдир меҳри билан, кимнидир соғиниб, кимнингдир ҳижрониди куйлайди. Соғинч ва умид қанчалик бошқа-бошқа тушунчаларни ифодаламасин, дилдан куйланадиган қўшиққа тушганларида яктан бўлиб кетади: бири иккинчисининг маъносини кам-кўстсиз ифодалайверади. Буни мен илк дафъа ўшанда пайқагандай бўлувдим.

Ўшанда Ҳожар янгам куйлаган қўшиқнинг маъносидан кўра, унинг оҳангларидаги жозоба ва сирлилик мени маҳлиё қилганди. Овозидаги мусиқийлик, орзу ва мунг туйғулари қалбимнинг энг нозик пардаларини чертиб ўтганди. Афтидан бу қўшиқлар ўзининг сирли қанотида менинг серташвиш болалигимни ҳам олиб кетган эди: ўзим унчалик эътибор беравермайдиганга ўхшаб туюладиган ҳақиқатларни — отамнинг урушда қон кечиб юрганлиги, онамнинг бу ёруғ оламдан мангуликка кўз юмиб кетганлиги ҳақиқатини кўз олдимда гавдалантирган эди. Юрагимнинг қайсидир бурчаклари бўм-бўш бўлиб юрганлигини ҳам биринчи марта ҳис қилдим. Шу пайтгача бу бўшлиқни Ҳожар янгам билан бобом ширин сўз билан тўлдириб келишаётган экан.

Ҳожар янгамнинг қўшиғидан таъсирланиб кетганим шунчаликки, назаримда, тепамизга бир парчагина соя ташлаб турган чайламиз жаҳон қадар кенгайгандай, адирларга олов селини пуркаётган қуёш симобдек эриб, йўқ бўлиб кетгандай эди. Оёқларим ҳали ҳам ташқарида — офтобда турган бўлса-да, қуёш уларни олдингидек куйдирилмай қолган эди. Кўзларимдан ўзидан-ўзи ёш сизади. Янгамга кўрсатмаслик учун, бошимни унинг кўксига тикаман...

Шу куни Ҳожар янгам кечгача қўшиқ айтиб ишлади. У тобора дард-алам, изтироб билан куйларди. Юрагида жўш ураётган орзу-армонларини нафис оҳангларда ифодаларди. Мен ҳўкизларни буғдой похоллари устида тинимсиз айлантириб юрсамда, кечгача бутун вужудимни қулоқ қилиб янгамнинг оғзига тутдим. Қалбимнинг энг чуқур қаватларидан отилиб чиқаётган ғамгин, айна пайтда оромбахш туйғуларни болаларга хос зийраклик билан илғаб олардим. Булоқ сувидек мусаффо туйғулар гирдобидида гоҳо-гоҳо ўзимни унутиб қўярдим. Ҳўкизларни ҳўпда айлантираётганим ҳам эсдан чиқиб, гўё қандайдир сирли қўллар етагида бошқа дунёларга — сирли дунёларга кетиб қолардим.

Баъзан ҳушимни тўплаб олиб, Ҳожар янгамга қарамоқчи бўламан. Лекин ботиниб қараёлмайман. Назаримда у йиғлаётганга ўхшарди. Айниқса кейинги қўшиқлари мотом марсиясига ўхшаб кетаётганди. Уни нима ларзага солаётгани, нима сабабдан оҳидан дуд чиқиб кетаётганини билолмасдим.

Унинг ноласи ёр висолига тўймаган, ҳижрониди ўртанаётган ошиқнинг ноласи экан. Буни мен анча кейин пайқадим.

Уша кундан бошлаб теварак-атрофимизда одам бўлмаса, Ҳожар янгам бот-бот қўшиқ айтадиган бўлиб қолди. Мени қувонтираётгани шу эдики, унинг овозидаги олдинги ҳазинлик ва мунг тобора камайиб бораётган эди. Унинг ўрнини соғинч, орзу, умид каби кишини руҳлантирувчи, далда берувчи, юпатувчи оҳанглар эгаллаб олмоқда эди.

Бутун бошли қишлоқда янгамнинг дил розидан фақат менгина хабардор эдим. У ҳам менга шунчалик суяниб қолган эдики, ўқишлар бошлангунигача ҳар куни эрталаб ўзи билан хирмонга олиб келадиган бўлди. Кўпдан буён хирмонда ишлаётганлигидан, бора-бора ҳўкизларнинг ўзи ҳам ҳўпда айланаверадиган бўлиб қолди. Шу сабабли мен

аввалгидек қийналмасдим. Аммо Ҳожар янгам тиним билмасди: хирмон четига ёйилиб чиқаётган похолни паншаха билан ўртага ирғитар, ҳўкизларнинг туёғи остига янги дасталарни ташлар ва янчилган буғдойни курак билан бир четга тортар эди. Кечқурун биз янчган буғдойни бошқалар совуришиб, донини пунктга жўнатишарди. Эрталабгача яна арава-арава янги ўрилган буғдой дасталарини келтириб қўйишарди...



Сентябрь келди. Мактабимизда ўқишлар бошланиб, хирмонга бо-ролмайд қолдим. Ҳожар янгамни яна кам кўрадиган бўлдим. Жуда-жу-да соғина бошладим...

Қишлоғимиз катта бўлса ҳам, унда атиги битта ўқитувчи қолган эди. У киши Зухра опа исмли оқ-сарикдан келган, лўппигина аёл эди. Бошқа ўқитувчилар фронтда эди. Далада иш кўп бўлганидан, саводли аёллардан бизга ўқитувчи қилиб беришмасди. РайОНОдагилар ҳам «тоғ орасидаги чекка» қишлоғимизни унутишганга ўхшарди. Рус тилини дурустгина билганлиги учун қишлоқ Советидагилар Ҳожар янгамни мактабга ўтказишмоқчи бўлишди-ю, лекин у унамади. Даладаги ишни муҳимроқ деб ўйлаган чоғи...

Кузнинг серёмғир, рутубатли кунлари сездирмай яқинлашарди. Баъзан ҳавога кумушсимон булутлар чиқиб, одамларнинг юрагига ва-ҳима соларди. Қандай қилиб бўлса ҳам, кузги ёғингарчилик бошлан-май даладаги ҳосилни йиғиб олиш керак. Агар бу асосий иш пайсалга солинадиган бўлса, ҳосилнинг йиғиштирилмаган қисми хавф остида қолади.

Колхозчилар кўрпа-тўшакни ҳам далага чиқарганди. Баъзи тун-лари атиги икки-уч соат ухланарди. Уйқусизлик ва чарчоқдан кўзлар қизариб, шишиб кетарди. Шунчаликка бориб ҳам ишнинг оғирлигидан нолийдиган одам топилмасди. Бундайлардан битта-иккита бўлганида ҳам тиш ёролмайд, доғда юрарди. Фронтга дон керак! Бу юқоридан бериладиган буйруқларсиз ҳам маълум эди. Шунинг учун ҳам ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун жон олиб-жон бераётганлар ҳамқишлоқларимизнинг ўзи эди.

Ҳожар янгамни жуда соғиндим. Бир куни дарсдан келдим-у, узоқ-роқ бўлса ҳам хирмонга югурдим. Янгам энди ўроқдан чиқиб, шериги билан ҳўкизларни қўшаётган экан. Кўриб жуда севинди. Шеригини ўрилган буғдой боғларини араваларга юклаётганларга юбориб, ўзи мен билан хирмонда қолди. Одатдагидек ишга киришдик.

— Битта қўшиқ айтиб беринг, жон чеча,— дедим иш қизий бош-лагач ялиниш оҳангида.

— Ҳозир уят бўлади, бировлар эшитиб қолади,— эътироз билдир-ди у.— Кетмасангиз ҳали айтиб бераман.

Қуёш ботай деганида Ҳожар янгам сал нарироқдаги ғарам бўлиб ётган буғдой дасталаридан ўн-ўн икки боғини келтириб, ҳўкизларнинг туёғи тагига ташлади. Ортига қайтиб, бир оз нафас ростлаш учун ғарамга суяниб ўтирди. Тонг саҳардан буён ўроқда юриб чарчаган экан, сал қийшайиб, бошини буғдой дастасига қўйган кўйи ухлаб қолди.

Хирмондаги сомон тобора ёйила бошлади. Ҳожар янгамни уйғо-тишга кўнглим бўлмади. Уни хурсанд қилиш ниятида ҳўкизларнинг ўзини ҳўпга солиб қўйиб, курак билан хирмон четига ёйилиб чиқаётган дон ва сомонларни тўпладим. Хирмонга янги дасталарни келтириб таш-ладим. Гоҳ курак, гоҳ паншаха, гоҳ гавронни олиб, бир ўзим ишлай-вердим. Ҳўкизларни шиғаб ҳайдайман. Иложи бўлса, янгам уйғонгу-

нича ҳамма дасталарни янчиб қўймоқчи бўламан. Ишимни кўриб севи-нармиди дейман.

Қуёш қизариб ботди. Уфқнинг алвон ранги адирлардаги буғдой-зорларга тушиб, ҳамма ёқ қизғиш тус олди. Осмоннинг ҳар ер-ҳар ери-да осилиб турган кўкиш булутлар буклаб ташланган қонли кўйлақлар-га ўхшаб қолди. Гўё кимдир бу эгасиз кўйлақларни секин-аста ағда-риб, кечки салқинда қуритаётганга ўхшарди.

Яқин ерда чўлбақа қурилади. Ҳавога нон ҳиди ёйилди. Уфқнинг ранги кетиб, аста-секин уришқоқ кишининг лабидек гезара бошлади. Боя қонга бўялгандек кўринаётган булутлар кумушсимон рангга кир-ди. Осмонга милтиллашиб, бирин-кетин нуқра юлдузлар сузиб чиқа бошлади. Бир оздан кейин тоғлар ортидан атрофга заиф нур таратиб ой кўтарилди. У ҳам, назаримда, одатдагидан ғуборлироқ кўринди. Узоқлардан аравакашларнинг «ҳа-ҳувв», «чу жонивор» деган овозлари эшитилди. Ҳожар янгам шунда ҳам уйғонмади.

Ой тобора юқорилаб, унинг яқинидаги юлдузлар хиралашар ёки бутунлай кўринмай кетарди. Ҳўкизларнинг юришини яна ҳам жадал-лаштирдим. Буғдой дасталарининг ғарами жуда ҳам пасайиб кетди. Узимнинг ҳам бўладиганим бўлди: пешонамдан дув-дув тер қуйилади. Тердан жиққа ҳўл бўлган кўйлагим елкамга ёпишиб қолди.

Кеча аста-секин ойдинлаша бошлади. Қўйтош тоғлари ой нурида нимдош оқариб кўринади. Улар шу кўринишларида уйимизнинг бўса-ғасида ўтириб, узоқларга назар ташлаётган бобомга ўхшаб кетарди-лар. Дашт оқшом ҳавосидан бир текисда нафас оларди.

Кишининг дилига маҳзун ҳислар солиб қуриллаётган чўл бақалари-нинг овози тинди. Пунктдан қайтаётган араваларнинг тарақлаши эши-тилди. Елиб келаётган отларнинг юганлари бир текисда шилдирайди. Аравалар ортидан кўтарилган чанг ҳавода кумуш девордек қимирла-май туриб қолади. Кейин аста-секинлик билан яна ўз ўрнига чўқади.

Аравалар яқингинамиздан пастга ўтиб кетди. Аңчадан кейин тун сукунатини бузиб, қўнғироқларнинг босиқ, салобатли овози жаранглай бошлади. Эрталаб пунктга буғдой ортиб кетган туялар карвонининг қайтаётганини сездим.

Туябоқар ёшига йигит бўлиб колхознинг туяларини илгари ака-си иккаласи боқшарди. Акаси фронтга кетгач, ёш бўлса ҳам йигирма-йигирма беш туяни ёлғиз ўзи уддаларди. Эрта кўкламда:

— Ёшим ҳарбий ёшига етди. Туяларингни йиғштириб олинглар. Энди Гитлер билан мисрий милтиқ отишаман. Уни қулатиб, отаси ёни-га гумдон қиламану, қайтаман. Ҳеч ерда ушланмайман,— деб анча хар-хаша қилди.

Уртага раисимиз билан қишлоқ Совети раиси Иброҳим ака тушиб, зўрға олиб қолишди.

Кўкламда тоғлардаги турли гиёҳларни еб, туяларнинг қутуради-ган пайти бўлади. Моялар билан бўталоқлар-ку ҳар доим бир зайлда юришади. Лекин маст бўлиб юрган нор туяларнинг ёнига бегона киши-лар яқинлашолмай қолади. Ана шундай пайтларда Қўнғироқчига ўх-шаб, туянинг феъл-атворини яхши биладиган туябоқарлар жуда асқо-тади. Бундай одам — Қоратошда фақат шу йигит эди.

Туяларининг камида учтасига доимий равишда қўнғироқ тақиб юргани учунми, одамлар уни ўз оти билан аташмай Қўнғироқчи дейи-шарди. Қўнғироқларининг овози уч-тўрт чақирим наридан ҳам бема-лол эшитиларди. Айниқса, оқшомлари қишлоққа кирса, бешикдаги гў-дакларгача уйғотиб юборарди. Бунга ҳамма кўникиб кетганди шекил-ли, ҳеч ким дашном бермасди. Қайтангга икки-уч кун қўнғироқ овози-ни эшитмай қолишса, «қаёқларда юрибсан?» — деб сўроқ қиладиган-лар кўпайиб қоларди.

Қўнғироқчининг туялари яқинимиздан ўтаётганида қўнғироқлар жарангидан Ҳожар янгам чўчиб уйғонди. Атрофига олазарак қараб, тезлик билан ўрнидан турди. Ёнимга келиб, мени сўзсизгина бағрига тортди. Бошимни кўтариб юзига қараганимда, пешонамга бир томчи иссиқ кўз ёши томди.

Янгам қаттиқ ҳаяжонда эди. Нима бўлганига ақлим етмай, унинг кучоғида лол бўлиб турардим. У эса мени бағрига босганича, юзларимдан қаттиқ-қаттиқ ўларди. Упкаси тўлиб силкинарди. Мўъжаз гавдаси елда қолган бошоқдек титраб турарди. Юз-кўзларимдан ўпаётган лаблари қовжироқ, нафаси ўтдек иссиқ эди. Аҳён-аҳёнда изтиробли товуш билан узуқ-юлуқ қилиб:

— Хайриятки тушим... Тушим бўлсинда илоҳим... акангиз...— дерди куюниб.

Ундаги ҳаяжон, кўз ёшига қараб чидаёлмадим. Қўнғилим бузилиб, мен ҳам йиғладим. Айрим пала-партиш чиқаётган сўзларни ҳисобламаганда, иккаламиз ҳам бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, индамай турардик. Унсизгина ёш тўкардик. Агар Назир чўлоқ келиб қолмаганида, бу ҳолатда қанча вақт туришимизни билмадим.

— Эрсираб қопсан-ку, тилло! — деди у яқингинамизда истеҳзо билан кулиб.

Ҳожар янгам мени қўйиб юборди. Назир чўлоққа қўрқув ва хижолат ичида бир қараб, юзларини четга ўгирди. У эса чиройли кўк йўрғаси устида бизни жиноят устида қўлга туширгандай илжайиб ўтирарди. Афти ой ёруғида қандайдир заҳил ва бадбашара бўлиб кўринди. Кўзлари бақаникидек совуқ йилтирайди. Ҳатто илжайиши ҳам қандайдир ёқимсиз.

— Қийин, қийин... сенга ҳам қийин! — деди у бошини эгиб ва отини буриб кета бошлади.

Назир чўлоқнинг гаплари менга қамчидан ҳам қаттиқроқ ботди. У бизнинг энг азиз туйғуларимизни ҳақорат қилганлигини пайқадим. Ноилож тишимни тишимга босдим. Ҳожар янгам ҳам карахт бўлиб турарди. У ўз ҳиссиётларини менга сездирмасликка тиришаётган бўлсада, қаттиқ ранжиганлиги, ўксиганлиги шундоққина кўриниб турарди. Ҳар қалай, у ўзини тутишни биларди...



Орадан бир ҳафтала ўтди чамаси. Энди дала ишлари ҳам бирмунча енгиллашиб қолганди. Лекин ҳали ҳам эркаклар билан қизлар хирмонда ётишарди. Аравакашлар билан Қўнғироқчи тинимсиз пунктга қатнашарди...

Бу гал янгамнинг олдига кечроқ келдим. У мени кутаётган бўлса керак, боришим билан шеригини бошқа ишга жўнатиб юборди. Кўриниши одатдагидан вазмин, хафароқ эди. Бунинг устига қоронғи тушгунча ўша дил ўртовчи ҳазин қўшиқларини кўйлади:

Сен кетибсан узоқларга,  
Номинг тилдан қўйганим йўқ.  
Ташнаман бир қучоқларга,  
Дийдорингга тўйганим йўқ.

Қайлардасан, севар ёрим,  
Зор бўлибман жамолингга.  
Келгил кулиб ифтихорим,  
Интизорман висолингга.

... Уша куни осмон булутли эди. Ой мушукдан қочиб ўзини увалалар орасига ураётган сичқондек, қўрғошинсимон оғир қора булутлар

орасида оромсиз ўралашарди. Ҳавода могорникига ўхшаш ёқимсиз бир ҳид сузиб юрарди. Қўнғироқчининг туялари бўйнига тақилган қўнғироқларнинг саси ҳам мотам куйидек руҳсиз жарангларди. Биз охири дасталарни янчардик. Бирор соатлардан кейин ишимиз тугаши керак эди. Аммо ўша куни биринчи марта ишни чала қолдирдик...

Олачалпоқ ойдинда елиб келаётган кўк йўрға кўринди. Юрагим бирдан шувиллаб кетди. Тоқатсизланиб янгамга қарадим. У одатдагидек хотиржам эди. Назир чўлоқни кўрса ҳам кўрмасликка олиб, ўз ишини давом эттирарди.

— Назир чўлоқ келяпти! — дедим овозим титраб.

— Келса келаверсин. Ушандан буён ҳар куни қорасини бир марта кўрсатиб кетади,— деди янгам бепарво товушда.— Бугун ҳам келса керак деб турувдим.

— Нега?!

— Негалигини ким билади. Ҳар ҳолда бирор бемаза гап айтмоқчи бўлса керак. Олдимда доим одам бўлади. Ўлганининг кунидан индаёлмай кетади. Ўрим бошланган кезлари Муллақизга айланишувди, энди бизнинг хирмонга ўралашиб қолди.

Ҳожар янгамнинг «Муллақиз» дегани — Муяссар аммам. У бобомнинг укасининг қизи. Оқ-сарикдан келган, қошлари пилиқдай чиройли жувон. Умуман тоғ қизларининг кўпчилиги сулув бўлишади: ҳавоси тозалигиданми, сувиданми, ё менга шундай туюладими — бунисини ҳануз билмайман.

Муяссар аммам янгам билан еттинчи синфни бирга битиришган. У синфидаги аълочилардан экан. Шунга ишора қилибми, янгам уни ҳам «Мулла...» дерди.

Муяссар аммамни Еттисой қишлоғига, ўзимизнинг қариндошларимиздан бирининг ўғлига узатишганди. Эри уруш бошланган йилиёқ осколка тегиб ҳалок бўлди. Йилини ўтказганидан кейин қайнотасининг розилиги билан Қоратошга — отасининг уйига қайтиб келган эди.

Муяссар аммамнинг феъл-атвори янгамнинг тамом акси. Даврларда тортиниб, ўзини четга олиб ўтирмайди. Бировнинг даккисини ютмайди. Бобомга ўхшаб «кашталаб» гапирарди.

Унинг мана шу хусусияти Назир чўлоқнинг диққатини тортган бўлса керак. Хотини билан ажрашиб, Муяссар аммамга совчи юборди. Бобом бундан хабар топиб, тутақиб кетди. Мени эргаштириб бориб, совчини укасининг уйидан ҳайдаб чиқарди.

— Уша чўлоғингга айтиб бор, топилса, номақул бузоқнинг гўштини бошқа ҳовлидан қидирсин! — деди.

Укасини ҳам роса койиди.

— Совчисини уйингга киритиб, ўша иблисдан нима ҳурмат кўрмоқчийдинг? Сассиқ алаф гул бўлмас, номард йигит ул бўлмас...

Совчиси Назир чўлоққа ҳамма гапни оқизмай-томизмай етказган бўлса керак, у бизнинг авлодимиз шаънига қандай қилиб бўлса ҳам «доғ» тушириш пайида бўлиб қолди: совчиси қайтарилган бўлишига қарамай, қулай келган жойда Муяссар аммамнинг йўлини тўсиб, гап ташлайверди.

Муяссар аммам ҳам унинг кўнғил хуши учун домига илиниб ўтирадиган анойилардан эмас. Бир «учрашув»да унга:

— Оғзингизга сиққанидан каттароғини чайнамоқчи бўласиз-а, Назир ака,— депти кулиб-кулиб.— Бу оёғингизнинг, чигиртканинг оёғидай узиб ташламай яна, Эҳтиёт бўлиброқ юринг.

Шу-шу у Муяссар аммамдан от тепгандай «қайтди». Тасодифан учрашиб қолсалар ҳам йўлни чаппа олиб кетадиган бўлди. Лекин аламини мендан олди...

Муяссар аммамдан умидини узгач, Назир чўлоқ хотини билан

ярашди. Кейинроқ эшитсак, у хотинини ҳам ҳийла-найранг билан ота-синикига жўнатиб юборган экан: гўё устидан маълумот тушган-у, яқинда уйда тинтув ўтказилармиш. Агар хотини билан ажрашса уйдаги ҳамма нарсани хотини олиб кетган деган хулоса чиқарилади. Иш босди-босди бўлганидан кейин ярашган киши бўлиб, яна аввалгидек яшай-веришади.



Назир чўлоқ янгам билан қуёқ сўрашди. Кўриниши бошқача: тарвақайлаб кетган соқолини олдириб ташлаб, башанг кийинган. Қадди-қомати йигитдек навқирон тортиб кетган. Ёғоч оёғи ҳам ўзига ярашиб тушгандай кўринди.

У мендан ҳам кўнгил сўради.

— Қалай йигит, ҳалиги гаплар эсингдан чиқдими? — деди ўрма қамчи билан урганини эслатиб. — Бу шунчаки сиёсатга эди, хафа бўлмайсан.

— Еш болани уриш сиёсати қандай сиёсат экан, негадир, бу сиёсатни шу пайтгача ўрганмаган эканмиз! — деди Ҳожар янгам ошқора кесатиқ билан.

Ҳожар янгамнинг эркак кишига бундай тик сўзлаётганини биринчи эшитишим: Назир чўлоқ ҳам шунчалик ўктам кўринишига қарамай, бир фурсат гангиб қолди. Ундан буни кутмайдиганди шекилли, шошилганидан:

— Энди бундай қилмаймиз... — деди бўшашиб.

— Яна бир уриниб кўрмайсизми?! Ўша қаққайиб турган дўппингизнинг қаерга тушишини томоша қилардингиз.

— Қамчи билан бир урганда нима бўпти. Бола нарса йиғлайди-овунади, тилло. Шунгаям ота гўри қозихонами?

— Йиғлашнинг нималигини билмайсиз-да!

— Ургатарсан билмасак. Эринг ўлиб...

— Нима?!?

— Кел, жанжаллашмайлик, тилло — Назир чўлоқ чегарадан чиқиб кетганлигини пайқаб, муомалага кўчди. — Мен бу ерга аслида бошқа мақсадда келганман...

— Биладан мақсадингизни.

— Жудаям яхши. Хўп де, тилло.

— Уйингиздагини эплаб олсангиз ҳам чакки бўлмасди. Менинг ўз одамин бор.

— Уйимдагини сенинг битта ишоранг биланоқ ҳайдаб юбораман. «Ўз одаминг»га келсак... ўлганлар тирилмайди. Ундан умидвор бўлмаёқ қўй...

— Нима?!

— У ўлган деяпман. Буни ҳамма билади, фақат сен...

— Бу гапни ҳозирнинг ўзида сендан уч марта эшитдим! Яна бир қайтар, кучукбачча!! Нима дединг?!

Ҳожар янгамдаги илгариги тортинчоқлик, уятчанликдан асар ҳам қолмади. Назаримда, турган жойидан милтиқнинг ўқидек учиб кетди. Назир чўлоқни кўк йўрғанинг устидан золиб олиб ерга урди. Нимадир партиллади. Кейин билсам, Назир чўлоқнинг ёғоч оёғидаги чарм тасма узилган экан.

Янгам телбалардай гандираклаб, ҳўкизлар ёнида ётган гавронни олиб келди. Уни бор кучи билан боши узра баланд кўтариб, ҳали ўрnidан туролмай ётган Назир чўлоқнинг белига қўйиб-қўйиб юборди. Гаврон пишиқ тут ёғочидан бўлишига қарамай, паррак-паррак бўлиниб кетди. У ҳўпда юрган ҳўкизларни ҳам бундай урмаганди.

Назир чўлоқ калтак зарбидан бўридек увлаб юборди. Ўрнидан турмоқчи бўларди-ю, тасмаси узилгач, юмалаб кетган ёғоч оёғини тополмасди. Ҳар калтак тушганида ётган жойида илондай тўлганарди.

Назир чўлоқнинг амаким тўғрисида гапирганлигини тушунгач, мен ҳам қалтираб кетдим. Кўксимда нимадир «шир» этиб йиртилгандай бўлди. Узимни тутолмай ўкириб юбордим...

Янгам иккаламиз йўлга тушдик. Назир чўлоқ ўрнидан туролмай инграганича жойида қолди. Йўлнинг совуқ тупроғи тиззамизга урарди. Кўройдинда бугдойи ўриб олинган далалар хўмрайиб турганга ўхшарди. Узоқдан бойқушнинг хунук сайрагани эшитилди. У ҳам тун қоронғисида ўз жуфтидан адашиб қолиб, йиғлаётгандек эди.

Йўлда ёнма-ён жим келар эканмиз, ғам ва изтиробдан юрагим титрар эди. Кўз олдимга дам урушда юрган отам, дам шу пайтгача ўлик-тириклигининг аниғини билолмасам-да шубҳа ва гумонлар орасида эслаб юрганам — Тугал акам келарди. Унинг ўлими тўғрисидаги хабарни ҳар қанча яширишмасин, бугун менга ҳам ошкор бўлган эди. Баъзан шу пайтгача интизор бўлиб кутганим шу икки сиймо орасида Назир чўлоқнинг тиржайган башарасини кўргандай бўлардим-у, кўзларимни каттароқ очиб янгамга қарардим. Қўлимдан маҳкам ушлаганича, у ҳам жимгина келарди. Ой булутлар бойларнинг отилиб чиққан пайтларида унинг оловланиб ёнаётган кўзларида тарафсиз бир ғазаб кўрардим...



Қишлоққа кирганимизни ҳам пайқамай қолибман. Тун ичида эгри-бугри йўллар орқали Иброҳим аканинг уйи ёнидан ўтиб борардик. Уша пайтларда у кишининг ёши элликлардан ошиб қолганди. Қасалликдан боши чиқмасди. Ешлигида бойларнинг эшигида юриб, орттиргани шу бўлган экан. Қамтар ва мулойим киши эди.

Иброҳим ака бир ёққа бораётган эканми, дарвозаси ёнида бизга рўпара келди. Индамай ўтиб кетавермоқчи эдик, бўлмади. Оёқ олишимиздан шубҳаланди шекилли, тўхтатиб ҳол сўради. Уйига таклиф қилди. Янгамга таскин бермоқчи бўлди чамаси.

Ҳожар янгам уйга кирмади. Шу ернинг ўзидаёқ тоқатсизланиб:

— Бизникидаги укангиз...— деди-ю, давомини айтолмади.

Унинг томоғини алам бўғиб қўйди. Куч билан ютинди. Кўзларига ёш қалқдими, юзини четга ўгирди.

— Бунга эшитмаганмидинг? — деди Иброҳим ака.

— Бир ярим ой илгари эшитгандим...

— Унда... бугун нима бўлди?

— ...

Ҳожар янгам бошқа индамади. Назир чўлоқнинг қилмишини ўзим эплаганимча қисқа қилиб мен айтдим. Иброҳим аканинг қўллари мушт бўлиб тугила бошлади.

— У қопогон итни вақтида боғлаб олмаганимизнинг натижаси бу! — деди тишлари орасидан.

Ҳожар янгам қўзғалди. Биргалашиб йўлга тушдик. Иброҳим ака бизни тўхтатмади.

— Ҳозир ҳар биримизга филникича тоқат керак, Бувҳожар, балки янглиш хабардир анави...— деди ортимиздан.

Ҳожар янгам на ҳа-на йўқ деди. Ортига бурилиб қарамади ҳам. Бирпасдан кейин бутун қишлоқни оёққа турғизадиган нола-ю фиғоннинг даҳшатидан вужудим эзилиб кетмоқда эди. Мен Ҳожар янгамнинг юзларини юлиб йиғлашини, белини икки жойдан боғлаб тонггача садр тепишини кутгандим. Шунинг учунми, кўзларимдан шашқатор ёш оқизиб, унсиз йиғлардим. Аъзойи баданим ушоқ гавдамга оғирлик қила-



ётган бу аламдан титрар эди. Лекин мен кутган ҳодиса рўй бермади...

Алламаҳалда Ҳожар янгамнинг хонасига кирдик. Бу пайтда осмон-ни қора булутлар қоплаб, бояги кўройдин ҳам зулмат қўйнига сингиб кетганди. Ҳаво намхуш эди. Афтидан қуйиб ёмғир ёғадигандай. Ҳар доим шинам ва озода кўринадиган уй кўзларимга жуда ғариб ва файз-сиздек кўриниб кетди. Ҳувиллаб ётган хоналарнинг аллақайси бурчакларида гам бекиниб ётгандай...

Қалишнусха эски чироқнинг нимдош ёруғида тўшак солиб мени ёт-қизгач, Ҳожар янгам ҳам ёнимга ҳолсизгина чўзилди. Шундан кейинги-на унинг кўзларига текилиб турган шўр ёшлар баҳор ёмғиридек дувиллаб тўкилиб, ёстиғига синга бошлади. У овозсиз, лекин ўксиб-ўксиб йиғларди. Гавдаси шамолнинг йўлида турган қамишдай букилиб-букилиб кетарди...

Юрагимни дард кемириб бораётган бўлса-да, янгамнинг ёнида ётиб, ухлаб қолибман. Туш кўрибман. Тушимда Қоратошни фашистлар босиб олганмиш. Каттабулоқ томонда немислар тоққа қараб ўқ ёғди-раётганмишлар. Бир маҳал харсанглар орасида отам пайдо бўлди. У катта-катта тошларни немисларнинг устига қараб юмалата бошлади. Бир оздан сўнг отам ёнида Тугал акам пайдо бўлиб, бизга юборган расмида қўлига ушлаб турган автоматидан ўқ ёғдира бошлади. Фашистларнинг отам юмалатаётган тошдан ўлмаганлари Тугал акамнинг ўқиға учиб қулаётганмиш. Шу пайт Тугал акамнинг ёнида Ҳожар янгам пайдо бўлди. Эғнидаги ҳамма кийимлари солдатча-ю, бошида мен олиб бориб берган ўша қизил ипак рўмолмиш. У ҳам немислар томонга ўқ уза бошлади. Негадир ўқ овози эшитилмасмиш. Ҳожар янгам фашистларнинг тутдай тўкилаётганини кўриб майин-майин кулармиш. Кулгиси худди Каттабулоқнинг сувидек чулдираб эшитилармиш...

Чўчиб уйғондим. Тонг отиб, атроф ёришган. Ҳаво очилиб кетибди. Ҳожар янгам ҳовлини супурмоқчи бўлиб, сув сепяпти.

Қўлидаги челагини авайлабгина ерга қўйиб, қумғон томонга келаётганида янгамнинг кўзи менга тушди. Ширингина жилмайди. У яна аввалгидек нозиккина, беозор келинчакка айланганди: гўё кечагина қайнаб-тошиб, қирғоқларини емираётган дарё бугун тинчиб, ювош тортиб қолгандай эди.



Уруш тугади. Йиллар ўтган сари кишилар қалбидаги жароҳат эскира бошлади. Ҳовлиларда яна чирманда-ю, дўмбиралар овози эшитиладиган бўлди. Одамлар тўйни, хурсандчиликни қумсаб қолган эди. Кечқурунлари қишлоқ йигитлари ялангликка йиғилишиб, шўх халқ қўшиқларидан айтишади.

Дўмбирам боши ирғайди(р)  
Қизлар қўлин тўлғайди.  
Тўлғаганга бормаёман  
— «Жувонмарг»,— деб қарғайди...

Бир куни бизниқига Усмон бобо келди. Бобом иккаласи уйга қамалиб олиб, ниманидир узоқ муҳокама қилишди. Кейин Ҳожар янгамни чақирди.

Унга нима дейишганини эшитмадим. Янгам эшикдан чиқаётди:

— Бу тўғрида бошқа оғиз ҳам очманглар. Уруш деган отинг ўчкур шундай йигитни хазон қилди. Менга нима бўпти!— деди ўксиб.

... Кейинги йили бобомнинг рухсати билан Ҳожар янгам Угатга — отасиникига кетди. Лекин турмуш қурмади. Ҳар замон-ҳар замонда бизни соғинибми, ўтмишини қумсабми, Қоратошга келиб кетарди. Биз ҳам сўроқлаб турдик...

Чиноз.



Мабуд Абдуллаев



# Муҳаббат ВА Ҳақиқат

КИЧИК ҚИССА

РАҲИМ билан Йўлдош университетда бирга ўқишган. Гарчи Раҳим ҳуқуқшунослик, Йўлдош журналистика факультетида ўқиса-да, беш йил давомида бир-бирларидан ажралишмади, қалин дўст бўлиб қолишди. Улар кино, театрларга бирга боришар, ҳатто, спортнинг кураш тури бўйича бир секцияда машғулот ўтказишарди. Фақат бир нарсада — муҳаббат масаласида ораларида тафовут бор эди. Раҳим Дилором исмли қизни яхши кўрар, Йўлдош эса ҳали кўнглини ҳеч кимга очмаган эди. Дўстлар Раҳим учрашувга кетган пайтдагина бир-бирларидан ҳоли қолардилар.

Беш йиллик университет ҳаёти ҳам кўз очиб юмгунча ўтаркан-кетаркан. Охирги курсда Раҳим билан Дилоромнинг тўйлари бўлди. Ниҳоят, курсдошларнинг хайр-маъзур оғлари ҳам етиб келди. Улар учирма бўлган қушлардек ҳар томонга парвоз қилдилар.

Раҳим билан Йўлдош икки йил узлуксиз хат ёзишиб туришди... Иккинчи йилнинг охирида Раҳим Йўлдошдан қисқагина хат олди. Хатда Йўлдош узоқ муддатли командировкага кетаётганлиги, токи ўзи хабар қилмагунча «ичи қизиб» юрмаслиги ҳақида ёзган эди. Хатнинг мазмуни Раҳимни қанчалик безовта қилмасин, дўстининг гапини ерда қолдирмасликдан бўлак иложи йўқ эди.

Ойлар ўтди...

Бозор кунларининг бирида эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Раҳим эшикни очди-ю, кўзларига ишонмай тек туриб қолди. Қаршисида студентлик чоғларидагидек дид билан кийинган, келишган қоматли Йўлдош жилмайиб турарди. Унинг шу ҳолда кўринишига қанчадан-қанча қизлар кўз сузмаганди. Бари бир у ўша пайтда ҳаммасини рад этди. Раҳим шунда дўстига дашном ҳам берганди: «Сен ҳиссиз одамсан, чиройли бўлганинг билан сохта гулга ўхшайсан! Сени фақат орқаворатдан севиш мумкин...»

Йўлдошнинг ёнида гўзал, хушбичим бир қиз турарди. Дўстлар гўё сеҳрлангандек бир зум жим қолишди. Сўнгра, қучоқ очишиб, қайта-қайта кўришишди. Йўлакда Дилором кўринди. Йўлдошни кўриши биланоқ қўлини халатига артиб унга пешвоз чиқди ва илиқ сўрашди. Кейин бир-бирларини танимасалар-да, Йўлдошнинг ҳамроҳи билан ҳам елка қоқишиб сўрашишди. Уйга кириб, тузатилган стол атрофида ўтиришгач, Раҳим Йўлдошнинг узоқ жимиб кетиш сабабларини бир неча бор суриштирди. Йўлдош бу саволга бирданига жавоб беришга шояшмас, гапни ҳазилга олиб, бошқа томонга бурарди. Кейин у Раънога маъноли қараб қўйгач, суҳбат мавзуини бирданига ўзгартириб, жиддий сўради:

— Раҳим, сен юрист сифатида тергов ва суд ишлари моҳиятини менга тушунтириб берчи?! Яна шуни айтгинки, юристлар инсон тақдирини ҳал қилаётганларида жинойий ишни тўла оча оладиларми?

Раҳим аввалига кутилмаган бу саволдан ҳайрон қолди. Йўлдош тушунтиришга киришди.

— Қулоқ сол, энди мен сенга бир тасодифдан турилган хатони айтиб берай!..



Бу жиноят содир бўлган кун милицонерлардан Акбаров ва Нориев шаҳар хиёбонларининг бирида навбатчилик қилишарди. Кечаси, соат ўн иккиларда хиёбоннинг шундоқ ёнгинасидан аёл кишининг додлагани эшитилди. Улар ўша томонга чопиб кетишди. Қаштан дарахти остида ёшгина қиз ётар, эллик метрлар чамаси нарида бир одам қочиб борарди. Акбаровнинг миясига, балки шу югуриб кетаётган одам жиноятчидир, деган фикр келди ва Нориевга деди:

— Сен рация орқали бу воқеа ҳақида райотделга хабар қил ва шу ерда тур, мен эса қочаётган одамнинг изидан кетдим.

У шундай дея югуриб борар экан, бир неча марта «Тўхта!», «Ушланглар уни!» деб қичқирди. Кутилмаганда номаълум шахс ғойиб бўлди:

«Эҳтимол, бирор бурчакка бекинди-ёв! Энди уни топиш янада қийинлашади... Тезроқ югуриш керак!»— дерди Акбаров ўз-ўзига, энгилбошидан нима халақит берса йўл-йўлакай ечиб ташларкан. У телефон будкасига яқинлашгач, ёш эркак кишини кўриб, тўхтади. «Ушамикан?!» — ўйлади Акбаров.

Жиноятни шу одам қилган дейишга унда ҳеч қандай асос йўқ эди. Лекин нотаниш кимсанинг қўлида пичоқ турарди. Акбаровни милиция киймида кўрган номаълум шахс унга мурожаат қилиш ниятида телефон будкасидан чиқмоқчи бўлди. Лекин Акбаров пистолетини қўлига олиб, қатъий оҳангда буйруқ берди:

— Жойингиздан қўзғалманг, бўлмаса отаман!

— Ўртоқ милицонер, мени қўриқлашнинг ҳожати йўқ. Жиноятчининг изидан чопинг. У мана бу қайрилишга бурилди,— деди у.

— Сиз, нима, мени нодон деб ўйлаяпсиз шекилли? Қўлга тушди-нгизми, жойингизда турунг, қимир этманг!

— Тушунмадим... Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз? Мен жиноятчи эмасман. Келинг, яхшиси жиноятчини бирга излайлик,— деб у шиддат билан будка эшигини очди. Акбаров огоҳлантирувчи ўқ узди. Бояги одам ўзини будка ичига олиб, ғўлдирди:

— Қайфингиз борми, ўртоқ милицонер?

— Бир марта огоҳлантирдим, оғайни! Агар яна қочиш ҳаракатига тушсангиз, у вақтда отишга мажбурман!

Бояги одам кўрдик, милицонер билан ади-бади айтишиб ўтириш-

нинг фойдаси йўқ. Шунинг учун будкада жим тураверди ва бехосдан қўлидаги пичоқ хаёлига келиб, уни камзулининг ички чўнтагига солиб қўйди. Кутилгандай қиз ётган жойдан «Тез ёрдам машинасининг сиренаси эшитилди ва орадан бирон дақиқа ўтар-ўтмас Акбаровнинг олдига райотделнинг тунги навбатчиси, терговчи Исломов билан милиционер Акрамов етиб келди. Акбаров содир бўлган воқеа ҳақида Исломовга қисқагина хабар бериб, телефон будкасида турган одамни кўрсатди:

— Уртоқ Исломов, бу одамда пичоқ бор. Менга ҳужум қилмоқчи эди, тепасидан ошириб ўқ уздим.

Акбаров билан Акрамов бояги одамнинг икки қўлини орқасига қайириб, телефон будкасида олиб чиқдилар. Нариди саросимага тушганча эллик ёшлардаги эркак ва қирқни қоралаб қолган аёл турарди. Исломов улардан ушланган одамни тинтув қилиш жараёнида иштирок этишларини сўради. Тинтув вақтида унинг ички чўнтагидан миллий дудама пичоқ, ёқуғ кўзли олтин узук, маҳаллий газета ходими Салимов Наим Ҳазратқулович номига берилган гувоҳнома, йигирма беш сўм пул ва дастрўмолча чиқди. Буларнинг ҳаммасини тинтув протоколига қайд этган терговчи Исломов телефон будкасини ҳам кўздан кечирди ва ҳеч қандай нарса топа олмади. Шу пайт Нориев тушган милиция машинаси етиб келди ва жабрланган қизни шаҳар касалхонасига жўнатганини айтди. Терговчи Исломов маъқул дегандек бош силкиди ва ҳаммалари машиналарга ўтириб, воқеа содир бўлган жойга жўнашди. У ердан жиноятни очишга ёрдам берадиган бирон-бир ашё топиша олмади. Шундан кейин гувоҳларни уйларига ташлаб, райотделга йўл олишди. Терговчи Исломов кўрсатмаси билан Салимов КПЗига жойлаштирилди.

Эрталаб Исломов тунги воқеа ҳақида тергов бўлимининг бошлиғи Қориевга ахборот берди.

— Яхши,— деди Қориев.— Лекин олиб қолишингизга етарли асосингиз бормиди?

— Асос керагидан ҳам ортиқча, ўртоқ бошлиқ,— жавоб берди Исломов.— Гарчи Салимов ўз гуноҳига иқроор бўлмаса-да, тўпланган маълумотлар жиноятни худди шу одам қилганлигидан далолат беради.

— Терговни давом эттиринг. Кейин ишни катта терговчи Шариповга топширамыз. У уч кундан кейин дам олишдан қайтади,— деди Қориев.



Воқеа содир бўлгандан уч кун кейин терговчи Шарипов ишга чиқди. Одатига кўра иш бошланишидан бир соат олдин келди. Тергов бўлимида ҳам ҳеч ким йўқ. У ўз хонасини очиб ёзув столи ёнидаги стулга ўтирди ва ўйга чўмди. Бугунги машғул бўладиган ишлари ҳақида ўйларди: ишни нимадан бошлаш керак? Қанақа материаллар тўпланган-у, улар қандайин инсоний қисматлар тўғрисида маълумот беради?!

Шарипов табиатан кўнгилчан, мулоим одам. Ўзининг шу пайтгача бўлган терговчилик фаолияти давомида кўплаб жиноятчиларни ва жиноят сабабларини очди. Унинг қарори билан қамалган гуноҳкорларнинг изидан келган беайб ота-оналари, ака-сингиллари, ёстиқдоши ва болалари кўзидан тўкилган ёшлар хаёлидан ўтмайди дейсизми?.. У қандай бўлмасин гуноҳкорнинг туғишганлари, яқин қавм-қариндошларининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиларди. Айтайлик, оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний чол безори ўғлининг доғи-ҳасратидан дув-дув ёш тўкмоқда... Қандай қилиб бефарқ тура олсин!.. Қария ўғлининг қисматидан афсусланади. У ҳатто ўғлининг қамалгандан хурсанд ҳам бўлиши мумкин... Чунки, жамиятда битта безори камаяди.

Катта терговчи ёшлигида қишлоғидаги оилаларнинг немис асирла-

рига кўрсатган одамгарчиликларини кўп кўрган. Улар ўшанда худди мана шу немис асирлари оталарининг, эрларининг, ака-укаларининг умрига зомин бўлганини хаёлларига келтирмаганмикинлар?! Ғазаблари қайнаган, албатта. Лекин одабийлик устун келган. Шунинг учун ҳам хор-зор асирлардан нон-тузларини аямаганлар... Ҳозир эса бошқача. Ҳозир одамлар ҳар соҳада билимдон. Қилни қирқ ёрадиган бўлиб кетган...

Шарипов шундай хаёллар билан банд экан, эшик очилиб, кабинетга бошлиғи Қориев кириб келди. Улар, бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қилишарди. Борди-ю, улардан нима учун бир-бирларини бунчалик қадрлашларини сўралса, ҳеч қайсиси аниқ жавоб беролмасди. Муҳими бир-биридан доимо маслаҳатини аямас, бирида йўқ яхши хислатни иккинчисида кўрар, хатоларини биргалашиб бартараф этишарди.

Қадрдонлар қуюқ сўрашишди. Шарипов ўзининг гўзал Арслонбобда кўрган-кечирганлари: тоғ таассуротлари, ёнғоқзорда қилган сайри, тоғ дарёсининг тиниқлиги, ҳузурбахшлиги ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб берди. Қориев ўз навбатида бу ердаги ишлар ҳақида гапириб, сўзининг охирида шундай деди:

— Исломовда йўловчи қизга ҳужум қилган йўлтўсар тўғрисида жинорий иш бор. Шубҳали Салимов қамаб қўйилган. Гарчи иш юзасидан тўпланган материаллар жиноятни Салимов қилганлигини тасдиқласа ҳам у илло-билло бўйнига олмаяпти. Шу ишни сенга топшираман...

— Қизиқсан-а, мен ё худо, ёки пайғамбар эмасманки, одамларнинг бутун сиру асроридан воқиф бўлсам,— деди Шарипов ҳазиллашиб.

— Тўғри, сен худо ҳам, пайғамбар ҳам эмассан. Лекин, шуниси маълумки, сен бош қўшган тергов ишлари тўлиқ ишончли бўлади... Қолаверса, ҳеч қачон бировнинг кўнглини, оғритмайсан,— деди Қориев.

— Нега кўнглини оғритишим керак?! Мен қонунда нима кўрсатилган бўлса шунини бажараман. Одамлар бунини тушунади. Улар менга самимий муносабатим учун ҳам ишонишади, кўнгилларини очишади,— таъкидлади Шарипов.

Хонага терговчи Исломов кирди. Саломлашгач, Қориевга мурожаат қилиб сўради:

— Уртоқ бошлиқ, Шариповга ишни топширайинми?

— Ҳа,— жавоб берди Қориев,— бор, олиб кел.

Исломов чиқди-ю, зудлик билан Салимов устидан тўпланган материалларни олиб келди. Қориев уни Шариповга топшириб, кабинетдан чиқаркан, деди:

— Ҳақиқатни барқарор қилишингга омад тилайман!

У билан бирга Исломов ҳам чиқди.

Шарипов ёлғиз қолди. Энди у ҳақиқатни қарор топтириши керак. Биринчи варақни очиб, ишни кўздан кечиришга киришди. Бу ерда «кўздан кечирди» сўзи унча ўрнига тушмаяпти, ёзувларни шунчаки ўқиш эмас, ўқиш лозим. Шунинг учун ҳам ўқиш керакки, токи хатога йўл қўйилмасин. У бир неча бор туриб дераза ёнига келди. Дераза қаршисида ўсган гулларга узоқ тикилди. Шу лаҳзани кузатган киши сўзсиз Шариповни гўзал табиатнинг товланишларидан ўзга ҳеч нарса қизиқтирмапти, деган фикрга келиши турган гап.

Лекин хаёлини бошқа нарса банд қилган эди. Қачонки, иш билан тўла танишиб бўлгандан сўнг ўз-ўзига савол берди: «Салимовни бу жиноятни қилишга нима мажбур этди?» Иш кунининг сўнгида узоққа чўзиладиган тергов планини тайёрлади. Биринчи пункти шундай бошланади: «Чиндан ҳам жиноятни Салимов қилганми? Агар шундай бўлса мақсадини билиш керак!» Қавс ичида қайд қилинган: «Бунинг учун биринчи вазифа Салимовни синчиклаб сўроқ қилмоқ лозим!».

Уч кундан кейин Шарипов Қориевнинг кабинетида кириб, шундай деди:

— Биласанми, мен Салимовга айб эълон қилишим керак, лекин шундай қарорга келолмаяпман.

— Нима учун? — сўради Қориев.

— Чунки, худди шу жиноятни Салимов қилганига ишонмаяпман, — жавоб берди ва ўз далилларини ўртага ташлади.

— Нима ҳам дердик, — деди Қориев, — бу ҳақда райотделнинг бошлиғига ва прокурорга айтаман. Балки биргалашиб ҳал қилармиз.

Кейинги кунни райотделнинг бошлиғи Аҳмедовнинг кабинетида прокурор Шодиев, жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Мақсудов, Қориев ва Шариповлар тўпланишди.



Район ички ишлар бўлимининг бошлиғи Аҳмедов ўзининг ўткир зеҳни ва топқирлиги, ташкилотчилик истеъдоди билан ажралиб туради. Лекин у тергов ишларида кўп қатнашмаган эди. Унинг фикрича тергов ишлари энг енгил иш: терговчи хонада ўтириб жиноятчиларни сўроқ қилади, холос, оғир ва қийин иш эса оператив ходимларнинг зиммасига тушади... У ҳеч қачон биронта жиний ишни тергов қилмаган. Шунинг учун терговчининг зиммасидаги мушкулликларни тўлиқ ҳис қилмайди.

Район прокурори Шодиев ўзига бино қўйган одам. Шунга қарамай ўз ишининг устаси. У терговчининг далилларини доимо диққат билан эшитарди, агар у асосли бўлса, масалани ҳал қилишда ёрдамлашади, борди-ю, терговчи хато қилса, уни шу хатосини тан олишга ундайди. Албатта буларнинг ҳаммаси конкрет қарор қабул қилингунча юз беради. Қарор қилингандан кейин эса мабодо у хато бўлиб, ўзгартириш керак бўлса оёқ тираб туриб олади: «...Қарор қилдимми, бас, шундай бўлиши шарт!» деб.

Жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи Мақсудов ҳам ўз ишини севади. Кеча-кундуз кучини аямасдан ишлайди, ўз ходимларидан ҳам шунни талаб қилади. Қилаётган иши гоҳо натижасиз чиқиб қолса, шундай бўлиши шартдек: «Биз бош билан эмас, оёқ билан ишлаймиз-да», деб пичинг қилади. Унинг фикрича шубҳали одам КПЗига жойлаштирилибди, демак жиноят очилган. Табиий, бундай пайтда келишмовчиликлар келиб чиқади. Ушанда Мақсудовнинг райотдел бошлиғига арз қилиш учун югуришларини кўрсангиз! У нафақат шубҳали одамнинг айбсизлигига ишонмаслиги мумкин, кези келганда терговчи кузатишларини ҳам гумон остига олади.

Шарипов уларнинг феълени билади. Шу сабабли қўрқмайди, ҳатто ўз далилларини иккиланмасдан ўртага ташлайди. У ҳақиқатни ҳимоя қилади...

Ҳамкасблар тўпланишгач Аҳмедов йнғилишни очди ва деди:

— Уртоқлар! Сизларга маълумки, ўртоқ Шариповнинг қўлида Собировага ҳужум қилган йўлтўсарнинг хатти-ҳаракати юзасидан қўзғатилган жиний иш бор.

Жиноят жуда жиддий. Иш юзасидан қамоққа олинган Салимов деярли воқеа содир бўлган жойда ушланган, унинг чўнтагидан курол ва доимий ашё топилган. Салимов қамоққа олингандан сўнг бу иш Шариповга топширилди. Шундан бери у қандай янги далиллар топди, айбдор Салимов ҳақида фикри қандай? Хуллас, иш юзасидан батафсил ахборот берса, биз унинг далилларини эшитиб, тегишли қарорга келсак. Қаршилар йўқми?

Утирганлар Аҳмедовнинг фикрини қувватлаганликларини билдирдилар.

— Марҳамат, ўртоқ Шарипов? — деди Аҳмедов.

— Уртоқлар, уч кун олдин юқорида эслатилган жиний ишни қабул қилдим. Менгача ҳам бу хусусда кўп ишлар қилинган экан. Бироқ,

жиной иш материалларидан маълум бўлишича, баъзи бир хатоларга йўл қўйилган.

— Сиз катта терговчи сифатида худди шу хатоларнинг олдини олинг! — қатъий деди Аҳмедов.

— Уртоқ бошлиқ, бунини бирдангина тузатиш қийин. Мен Салимовни сўроқ қилдим. Сўроқда у шуларни айтди:



...Уша куни университетда бирга ўқиган дўстим билан учрашдик. Ресторанга кирдик. Юз граммдан коньяк ичилди. Кеч соат ўн бирларда ресторандан чиқдим. Дўстим трамвайга ўтириб уйига кетди, мен эса уйгача пиёда бормоқчи бўлдим. Йўлда, кўчанинг иккинчи бетида бораётган қизга кўзим тушди. У каштан дарахти тагига етганда бир йигит пайдо бўлди. Бунини аниқ сездим. Улар бир неча метр бирга боришди. Бирдан қиз додлади-ю, йиқилди, йигит эса қочди. Мен ҳеч нарса ўйламасдан қизнинг олдига шошилдим. У чалқанча ётарди. Кўзлари юмуқ. Билдимки, унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатолмайман, йигитни ушлаш мақсадида орқасидан қувладим. У менинг қувлаб бораётганимни кўриб, ниманидир отди. Чап кўкрагимга тегди. Унга яхшилаб қарасам, узук экан. Чўнтагимга солдим у яна қувлашда давом этдим. Энди у менга пичоқ отди. Пичоқ асфальтга тушди. Мен пичоқни олиб, яна қувлашда давом этдим. Лекин у анча йироқлашган эди. Шунда телефон будкасига кўзим тушди. «Ҳеч бўлмаса «Тез ёрдам» чақириб керак», деган халда телефон қилдим. Жойини айтдим. Кейин милицияга телефон қилмоқчи бўлдим у улгуролмадим. Шу лаҳзада етиб келган милиционер мени айбдор ўйлаб, назорат остига олди.



Шарипов ўз фикрини давом эттирди:

— Бу гаплар ҳақиқатан ҳам Салимовнинг гуноҳкорлигига шубҳа туғдиради. Уша куни у чиндан ҳам дўсти билан учрашган, ресторанга боришган, юз граммдан коньяк ичишган. Кейин оғайниси трамвайга чиққан, у эса пиёда жўнаган. Қолаверса, сўроқ вақтида Собированинг айтишича, ўша куни у дугонасининг туғилган куни тантанасидан қайтаётган экан. Йўлда дарахт тагида турган йигитни кўрган. Йигит ёнмаёن йўлга тушиб, қўлидан ушлаган ва секингина «бақирма» деган. Олдин «Эра» маркали олтин соатини, кейин олтин узугини ечиб олган. Соат орқасида отаси ва онаси исмларининг бош ҳарфлари — «А» ва «М» ёзилган экан. Олтин узук Салимовнинг чўнтагидан топилди, аммо соат йўқ. Қиз кўрқувдан ҳушидан кетиб йиқилган. Қасалхонада ўзига келган.

Бу ерда шу нарса аниқки, — сўзида давом этди Шарипов, — Собирова жиноятчининг пичоғини пайқамаган ва у ҳам пичоқ кўрсатиб пўписа қилмаган. Сўроқ вақтида, воқеа содир бўлган жойда учратилган Аъзамова ҳам қайрилиш томон югуриб кетаётган йигитни кўрганини айтди. Салимов, Собирова, Аъзамоваларнинг гувоҳликларича, йигитнинг эғнида қора кўйлак ва қора чолвор бўлган. Салимовда эса жигаранг камзул ва қора чолвор. Салимовнинг телефон қилганини «Тез ёрдам» навбатчиси ҳам қувватлайди. Унинг тасдиқлашича, милициядан телефон бўлгунга қадар бу воқеа ҳақида қандайдир эркак хабар берган. Бунини райотделдаги навбатчи ҳам тасдиқлайди... Шу сабабларга кўра Салимовни ҳозирча қамоқдан бўшатиш керак. Мен гапириб бўлдим, — деди Шарипов ва жойига ўтирди.

— Кимда қандай саволлар бор Шариповга? — сўради Аҳмедов.

— Менда, — деди Мақсудов ва шундай савол берди: — Сиз Сали-

мовдан сурадингизми, агарда унинг жиноятга алоқаси йўқ экан, милиционер «Тўхта!» деганда нима учун тўхтамаган?

— Қочоқнинг орқасидан бораётганлиги учун тўхтамаган,— деди Шарипов.

— Бу жавоб Салимовникими ёки сизникими? — сўради Мақсудов.

— Меники,— деди Шарипов.— Шуни билингни, сўраганимда унинг ўзи ҳам иккиланмасдан шундай жавоб берган бўларди.

Кейин Шодиев савол берди:

— Сиз Салимовнинг шу жиноятга алоқасиз эканига тўла ишонасизми?

— Йўқ, ишонмайман. Лекин шубҳам бор.

Ҳеч ким индамади. Аҳмедов ўтирганларга савол назари билан қараган эди, Мақсудов қўл кўтарди.

— Уртоқлар, биз Шариповни тажрибали терговчи сифатида биламиз. Бироқ, унинг бугунги ҳаракати мени ҳайратга солди. Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қандай айбдор ҳам масаланинг ўз фойдасига ҳал этилишини истайди. Агар унинг гапларига ва келтирган далилларига ишонадиган бўлсак, унда жуда мушкул аҳволда қоламиз. Ҳозирги дақиқада бу жиноят Салимов томонидан бўлганми ёки ҳамтовоқлари билан бирликдами, деган фикр менимча аҳамиятсиз. Унинг воқеа содир бўлган жойдан ушланганлиги, ёнидан чиққан нарсалар, жабрланган қизнинг уни таниши етарли бўлса керак. Буни наҳотки Шарипов ҳис қилмаса! Жабрланган қиз жабрлаган одамни таниши табиий...

Уртоқлар, бу ерда яна шуни айтишга мажбурманки, ўртоқ Шарипов бу ишни очишда масъулиятсизлик қилмоқда. Бизга маълум бўлишича, у Салимовдан қандайдир хат олиб, уни кимгадир юборган. Агар ҳозир Салимовни озод қилиб юборсак, оғир жиноят очилмай қолиб кетади. Шунинг учун Салимовни ҳимоя қилиш ноўрин деб биламан.

Мақсудовдан кейин Қориев гапирди:

— Мен, албатта Шариповнинг далилларига қўшиламан. Бироқ, Салимовни қамоқдан бўшатиш масаласида ўйлаб кўриш керак. Текшириб кўриш учун вақт етарли.

Шодиев ўрнидан туриб, гап бошлади:

— Уртоқлар, Шариповнинг гапини диққат билан эшитдик. Мен унинг худди шу иш юзасидан олиб борган ҳар томонлама объектив текширувларини, асосли фикрларини тўла қувватлайман. Салимовни озод қилиш масаласи эса анча жиддий. Биз ҳозир, Салимов жиноят қилмаган, деб комил ишонч билан айта олмаймиз. Демак, Салимовни озод қилиш учун асос йўқ. Агарда Шарипов Салимовнинг жиноятчи эканлигига шубҳа билан қараркан, қонунда ўз фикрига қарши бориш кўрсатилмаган, шунинг учун бу ишни бошқа терговчига топширишни Қориевга ҳавола қиламан.

Аҳмедов Шодиевнинг фикрига тўла қўшилганини айтди ва шу билан йиғилиш тугади.

Эртаси куни Салимовнинг иши яна терговчи Исломовга топширилди.

□

Исломов хурсанд. Негаки, раҳбарларнинг ўзлари катта терговчи Шариповдан ишни унга олиб беришди. Демак, раҳбарлар Шариповнинг иш услубидан унинг иш услубини маъқул кўришган...

Исломов — қатъиятсиз одам, унда заррача терговчига хос иқтидор йўқ. Юқоридан қандай кўрсатма берилса, сўзсиз қабул қилади. Унингча, раҳбарлар ёки прокурорнинг фикрида хатоликлар бўлиши мумкин эмас. Шариповдан олиб берилган ишни ҳам худди шу мазмунда тушунди. Унинг олдида бир масала: айбдор Салимов жиноят қилганми, йўқ-



ми, деган масала турибди. У бирданига Салимовга айб эълон қилиб, сўроқ қила бошлади. Айбланувчи Салимов совуққонлик билан жавоб берарди:

— Уртоқ терговчи, ёзинг, мен ҳеч қандай жиноятга қўл урганим йўқ, бўйнимга олмайман ҳам. Айтадиган гапларимни олдинги сўроқларда айтиб бўлганман. Бор гапни яна бир бошдан қайтаришга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Лекин шу нарса аниқки, қачондир ҳақиқат юзага чиқади.

Исломов унинг сўзларини протоколга батафсил ёзиб, қўл қўйиш учун Салимовга узатди. Салимов кўрсатилган жойларга қўл қўйгач, Исломовнинг ўзи ҳам имзосини чекиб, жиний ишлар материалларига қўшиб қўйди. Сўнгра бир дақиқа Салимовга маъноли қараб турди-да, мийиғида кулиб деди:

— Латифа эшитишга иштиёқингиз қалай?

— Қанийди,— жавоб берди Салимов.

— Шундай қилиб,— бошлади Исломов,— бир донишманд ҳақиқат ахтаринг қолибди. Кўп мамлакатларни кезибди. Шарқ шаҳарларидан бирининг кўчасида кета туриб, муштлашаётган икки кишини учратибди. Улардан бири иккинчисини ўлдирибди-ю, қочибди. Донишманд ўлган одамнинг тепасига келибди. Унгача одамлар йиғилиб, донишманддан сўрашибди, «Уни ким ўлдирди?» Донишманд пинагини бузмай жавоб берибди: «Мен ўлдирдим!» Шунда донишмандни ушлаб, тўғри шаҳар ҳокимининг олдига олиб боришибди. «Бу келгинди ватандошимизни ўлдирди», деб айтишибди. Ҳокимнинг «Шу гап тўғрими?» деган саволига, донишманд тўғри, дегандек бош силкибди. Одамлар донишмандни дор остига келтиришибди. Бўйнига арқон солиб, юқорига торта бошлашибди. Худди шу дақиқада тераклар ортидан югуриб чиққан одам жон ҳолатда: «Уни қатл этманг, қотил мен!» деб бақирибди. Жаллодлар донишмандни ҳокимнинг ёнига келтиришибди. Шунда ҳоким донишманддан сўрабди: «Сен ўлдирдим деган эдинг-ку?» Донишманд жавоб берибди: «Йўқ, мен ўлдирмаганман». «Нега бўлмаса ўшанда бошқача айтган эдинг?» сўрабди ҳоким. «Ҳақиқатни топмоқчи эдим-да», деб жавоб берибди донишманд. «Хўп, ҳақиқатни топдингми?» сўрабди ҳоким. «Ҳа, топдим. Ҳақиқат бор экан. Мана, у мен билан юзма-юз турибди», жавоб берибди донишманд...

Мана, киссангизда олтин узук ва қўйнингизда пичоқ. Мабодо, жиноятчи қачондир келиб мени озод қилади, деб кутиб ўтирган донишманд эмасмисиз?

— Мен донишманд эмасман. Айтган латифангизни мендан кўра кўпроқ, ўзингизга алоқадорлиги борга ўхшайди. Сиз худди ўша ҳукмдордек жиноятнинг сабабларини тополмаяпсиз, ўртоқ терговчи,— жавоб берди Салимов.

Бу Исломов терговдаги ҳам илк, ҳам сўнгги сўроқ эди. Кейинги куни жиний иш материаллари адвокат Аллахвердиянга таништириш учун берилди. Аллахвердиян Салимов билан ёлғиз қолиб, шундай деди:

— Сизнинг аҳволингиз оғир. Мен сизни ҳимоя қилиш учун албатта бор ҳақиқатни билишим керак. Сиз менга ишонинг. Агар шу жиноятнинг сабабчиси эканингизни айтганингизда ҳам мен бу гапни сизнинг рухсатингизсиз ҳеч кимга ошқор қилмайман. Бундай қилишга ҳаққим ҳам йўқ. Мени тушундингизми?

— Ҳаммасини тушунаман,— деди Салимов,— менга қаранг, бор ҳақиқатни айтганман.

□

Инсон ҳамма нарсага кўникади. Салимов ҳам турма ҳаётига кўникади. У ётган камерада яна тўрт киши: қамалгунга қадар эндигина ўнин-

чи синфни тугатган ўн тўққиз ёшли йигитча, эллик ёшлардаги қайси бир савдо ташкилотининг омборхона мудирини, шунингдек ўрта ёшлардаги икки одам бор эди. Булардан қирқ икки ёшлар чамасидаги киши қамалғунига қадар ошхонада ошпаз бўлиб ишлаган, иккинчисининг иш жойини ҳеч ким билмасди. Салимов сездики, камеранинг «Шефи — Каттаси» шу ўттиз ёшли йигит. Улар Салимовнинг йўлтўсарлик қилганини, олий маълумотли эканини билиб олишди.

— Биз фаҳмига етмасдан жиноятга қўл урганмиз, олий маълумотли бўлиб туриб сизга нима жин урди?— сўради Катта.

— Демак, мен ҳам бефаҳмлиқ қилгандирман...

Салимов нима ҳам десин? Ўзининг гуноҳсиз эканлиги ҳақида ҳасрат қилиб ўтирсинми? Кимларга яна?!

Салимовнинг вазоҳати Каттани чўчитиб қўйди. У мамнуният билан деди:

— Кел, майли, мен сени жамиятимиз аъзолари билан таништирай.

— Бу, маъқул гап,— деди Салимов.

Шу пайт эшик очилиб, соқчи Салимовни ташқарига таклиф қилди. Қаерга таклиф қилинапти, ким чақирган — буни қамоқхонада суриштириб ўтиришга ўрин йўқ. Салимов ҳам ҳеч нарса тушунмади. Соқчи уни қамоқхона бошлиғи ўринбосарининг кабинетига киритди.

— Кимсиз?

— Наим Салим ўғли.

— Утиринг,— қамоқхона бошлиғи Салимовни кўздан кечираркан, кулимсиради ва қўлига бир варақ қоғоз тутқазди.— Уқинг.

Салимов ҳаяжон билан қоғоздаги ёзувга кўз югуртириб чиқди. Унда, Салимов устидан қўзгатилган жиноий иш тасдиқланмаганлиги учун қамоқдан озод қилиш ҳақида қарор қилингани ёзилган эди.

Ниҳоят озод бўлди. Хурсандчилиги ичига сиғмасди. Энди у нима қилсин? Жиноятчи эмаслигини жабрланувчи Собировага тушунтириши керак.



Шарипов Салимов ишини қайтариб олишганда ўзини ва ишининг тақдирини ўйлаб ичидан ўкинди. Ўзининг ҳақлигини биларди. Тергов нагижалари чигаллашиб, шу ишни ўз қўлингизга олинг, деб илтимос ҳам қилишди. Фақат, Салимов иши ҳақидаги шахсий фикрлари ҳар хил мулоҳазалардан кейин маъқул топилгандан кейингина, асосий гуноҳкорни топиш учун жиддий бел боғлади. Бу йўлда биринчи қадам жабрланувчи Собирова билан биргаликда қўйилиши лозим эди. Шунинг учун ҳам Собировани ҳузурига чақиртирди.

— Илтимос, ўзингизга ёпишган одамнинг ташқи қиёфасини иложи борича батафсил айтиб берсангиз?

— Биласизми,— жабрланувчи хомуш тортиб, гап бошлади.— Сочининг жингалак, думалоқ юзли, кўзлари катта, қирра бурун... ингичка мўйлови ҳам бор. Бўйи ўртадан баланд. Бир сўз билан айтганда келишган йигит. Умуман, Наимга жуда ўхшаб кетади,— Собирова қизаринқиради.— Наим қамоқдан чиққач бир неча бор учрашдик. Ҳар гал учрашганимизда диққат билан разм соламан. Фарқи у йигит Наимга нисбатан сал баланд ва елкаси кенгроқ эди шекилли...

Шарипов ҳамма гапларни ёзиб бўлгач, ўсмоқчилаб сўради:

— Нима мақсадда учрашасиз?

— Озод бўлгандан кейин унинг ўзи ётоқхонага келди. Ўзи ҳақида, ўша куни бўлиб ўтган воқеа ҳақида гапирди. Қисқаси, у менга ёқиб қолди...

— Қайноқ ҳис Наим билан йўлтўсар йигитни бир қозонда қайнатаётган бўлмасин, тагин?— жиддий қиёфада сўради Шарипов.

— Йўқ, менга ишонинг, нима айтган бўлсам бари тўғри!

Шарипов ўйланиб қолди. Собировани ортиқча сўроқ қилиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Қачонки, Наимга ўхшаган одам топилсагина масала ҳам ойдинлашади.

Бошидан кечган бир воқеа ёдига тушди.

Урта вазиллар орасида бокс бўйича спорт мастери эди. Бир марта рингга таниқли боксер билан тушиб, енгилди. Мағлубиятдан уялиб тренерини ҳам кутмасдан кетиб қолганди. Шунда кўчада унга нотаниш қиз дуч келиб: «Сиз хафа бўлманг, жуда бошлаб урдингиз» деди. Бундай далда берувчи сўзларни кўп эшитган. Лекин бу оддий сўзлар негадир бошқача жарангларди. Унда кўнгилни оловчи сеҳрли бир куч, вужудда ҳислар оқимини тўлқинлантирувчи қудрат бор эди...

Улар шундай тасодифан танишиб, бир-бирини севишди...

Собирова бу сўзларни бошқача тушуниб, деди:

— Икки одамнинг бир-бирига жуда ҳам ўхшаши мумкин эмасми?!

— Мумкин,— деди Шарипов.

Жинорий иш юзасидан тўпланган барча далиллар жиноятни Наимга ўхшаган одам қилганлигини билдирарди. «Лекин ким у ва қаерда?»,— ўз-ўзига савол берарди Шарипов. Бундай катта шаҳардан айбдорни фақат ташқи белгилари билангина топиш қийин. Ҳар қалай, биринчи навбатда Наимнинг суратини кўпайтириш керак. Шундан сўнг буни штатсиз ходимларга тарқатиб, уларни бу ишга жалб қилмоқ лозим. Шу билан бирга буни ётоқхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари ва воқеа содир бўлган район территориясида ҳам давом эттириш керак.

Шундай йўл тутилди. Бешинчи куни уй қуриш комбинати кадрлар бўлимида Салимов Зокир Ҳазратқуловичнинг сурати ва ҳисоб карточкаси борлиги маълум бўлди. Шарипов бу суратни Наимнинг суратига солиштириб кўрди. Жуда ҳам ўхшаш. Керакли одамларнинг гувоҳликларидан шу нарса аниқландики, Зокир ўша жиноят содир бўлган кечқурун ётоқхонага кеч қайтган ва нарсаларини йиғиштириб жўнаб кетган.

Қидирилаётган одам топилди шекилли. Лекин унинг жиноятчи эканлигини нима билан асослаш мумкин? Шарипов ҳар хил мулоҳазаларга борарди: «Зокирнинг суратини Собировага кўрсатиши керакмикин? Еки бирданига тинтув ўтказсамикин? Балки бу тадбирлар ишни чиппакка чиқарар. Шунинг учун маслаҳатлашиб бир қарорга келиш керак!»

Шарипов Қориев кабинети томон кетди.



Воқеа содир бўлган йили Инобат Маҳмудова медицина институти-ни тугатиб, Бухоро шаҳрига ишга келди. У отамерос ҳовлида яшайдиган амакисиникида турарди. Қаршида олди айвон, икки хонали уй бўлиб, унда келишган ёш йигит турарди. Инобат билан рўбарў келганда мулойим тутарди ўзини. Лекин Зокир ниманидир айтолмай юрганини сезарди. Кўришишганда, гоҳ қизарар, гоҳ ерга қарар, хуллас, ўзини йўқотиб кўярди.

Инобат аввалига Зокир билан Неъматни бир-бирига солиштириб кўрди. У Неъмат билан бир йилгина дўст бўлган, холос... Неъмат ҳам шу институтда бир курс юқори ўқирди. Бир куни ўқув корпуси олдидида гулзорда учрашиб қолишди. Неъмат ўзини таништирди ва қадимги докторлар ҳақида гапира кетди. Қизишиб, тўлқинланиб гапирарди у. Қиз уни севиб қолди. Неъматсиз яшашни тасаввур ҳам қилолмасди ўша пайтда.

Бир йилдан кейин Неъмат яна қизғин суҳбат бошлади. Энди у бошқа қизни севиб қолганлиги ҳақида гапирарди. Инобат ҳеч нарса демасди. Бунинг учун ўзида куч ҳам тополмади. Йиғламади ҳам. Фақат кечаси, ҳаммадан яширинча тўйиб-тўйиб йиғлаб оларди. Албатта, кейин ҳам бошқа кўпгина йиғилар унинг юрагига кирмоқчи бўлишди, лекин ҳаммасини рад этди. Мана, энди унинг ҳаёт йўлида Зокир турибди. Бу қандай инсон? Унга ўзининг муносабати қандай?

Бир куни Инобат уй қуриш комбинатига ишчиларни медицина кўригидан ўтказиш учун борди. Комбинат янги қурилгани учун ҳали унда даволаш пункти ишга тушмаганди. Инобат учун бир хона ажратиб берилди. Бу ерда у одамларни қабул қила бошлади. Куннинг охирида хонага Зокир кирди. Иккеласи учун ҳам бу кутилмаган ҳол эди. Инобат Зокирнинг бу ерда ишлашини билмаганидек, Зокир ҳам ўзларини кўриш учун келган доктор қўшниси эканини билмасди.

— Хуш келибсиз, доктор опа! — деди Зокир.

— Салом, қўшни! — жавоб берди Инобат.

Унинг таклифи билан Зокир кўйлагини ечди.

— Қўлларингиз бунча бақувват? — сўради Инобат.

— Агар доктор опа рухсат берсалар шу бақувват қўлларим билан бахт тимсоли бўлмиш муҳаббатни бошим узра баланд кўтарардим! — жавоб бериб Зокир бошини қўйи солди.

— Чучмал сўзларни унча ёқтирмайман, — жавоб қилди Инобат.

— Мен эса сизни севаман!..

Шу куни Инобат унга ҳеч қандай жавоб бермади ва йиғит ҳам қис-тамади. Кўплар кутилмаганда севиб қолишни қоралашади. Севиш учун олдин икки томон бир-бирини кўп синаши, бир-бири ҳақида тўла тушунчага эга бўлиши лозим, дейишади. Бу унча тўғри эмас. Севги — инсоннинг ички, руҳий кечинмаси! У дунёдаги энг озод қуш. Севги бахт ҳам, афсус ҳам эмас; ҳаётдаги ютуқ ҳам, андуҳ ҳам эмас; шодлик ҳам, оҳ-воҳ ҳам эмас. У буларнинг ҳаммаси.

Уй қурилиши комбинатида учрашганларидан уч ой ўтгач, Инобат ва Зокирнинг никоҳ тўйлари бўлди.

Кунларнинг бирида Инобат уйни кўтармоқчи — бошдан-оёқ тоза-ламоқчи бўлди. Айвонда эски сандиқ турарди. Шу пайтгача ҳеч қачон тегинмаган эди. Бугун уй кўтариш баҳона уни ҳам тартибга келтирай деди-да, сандиқни очди. Унда аёл кишининг «Эра» маркали олтин соати ва олтин занжири турарди. Олдинига, Зокир унга атаб шу соатни олгану биринчи бола туғилган куни тақдим этарман, деган мақсадда шу ерга қўйган, деган хаёлга келди. Қачонки, соатнинг орқа томонидаги «А» ва «М» ҳарфларига кўзи тушгач аччиқланиб отиб юборишига сал қолди.

— Ё, тавба! — қичқириб юборди. — Бу Собированинг соати-ку!

Собирова буни ота-онасидан хотира сифатида доимо авайлаб юрарди. Инобат Собирова билан ётоқхонанинг бир хонасида яшаган, шу сабабли соатнинг зўрлаб олинганидан воқиф эди. Жиноятчиния тутишган, лекин ундан бу соат топилмаган. Унга Собирова, қўлга тушган йиғит қаттиқ туриб, бу ишни мен қилмаганман, демоқда, деб айтган эди. «Наҳотки, ўша йиғит ҳақ? Наҳотки, Собировани унинг Зокири жабрлаган бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!.. Унда Собированинг соати бу ерга қандай келиб қолган?» Собированинг, терговда қандайдир иккинчи йиғит ҳақида гап бўлди, деганини эслади. Энди нима бўлади? Яхшиси Зокир келганда кейин ўзидан сўрайди. Мабодо у соатни олса-ю, ҳеч нарса демай уни йўқотиб юборса-чи? Унда нима бўлади? Бордию, тегишли жойга хабар берса-чи? Агар бу ишга Зокирнинг алоқаси бўлса, суд қилиб қамашади-ку? Унда биринчи боласининг дунёга келганини ҳам кўролмайдими... Зокир уни тўғри тушунармикан? Уни кечирармикан?

Борди-ю кечирмаса-чи? Унда Инобат Зокирни бир умр йўқотади. Севгилисидан бир умр айрилади, бахтини барбод қилади. Бордию Инобат ҳеч нарса билмагандек жим кетса-чи? Унда бир умр жиноятчи билан бирга бахтли яшай оладими?..

Бахт ҳақида институтда ўтказилган баҳсни эслади. Унда ўқитувчилардан бири газетада бир қизнинг бахт ҳақидаги фикрини ўқиганини айтган эди. Уша қиз «эрталаб ишга бориш ва кечқурун уйга қайтиш инсон учун катта бахт»,— деб айтган. Ўқитувчи буни энг тўғри жавоб деб маъқуллаган эди. Шунда Инобат ўзини тўхтатолмасдан: «Бу ҳеч нарса эмас, бахтнинг жавоби ҳам бўлолмайди», деганди. «Нима учун?» деб сўрагани уша ўқитувчи. «Шунинг учунки, айтайлик одам ишидан қониқмаслиги мумкин, лекин оила боқиш учун, кунни ўтказиш учун ишлаши керак. Бу одам ўзини қандай бахтли сезади. Гарчи у эрталаб ишга бориб, кечқурун қайтса ҳам. Менимча, ўз иши ва оиласидан қониққан одамгина бахтлидир», деб жавоб берганди. Шунда ўша ўқитувчидан бошқа ҳамма унинг гапини маъқуллаган эди.

Мана энди бахт ҳақида расмана ўйлайдиган пайт. Зокирнинг бу ишга алоқасини тўла ойдинлаштирмасдан у ўзини бахтиёр сезолмайди!..



Эрталаб прокурорнинг кабинетига Собированинг жабрланганлиги ҳақидаги жиноий иш билан Шарипов кирди. У Маҳмудованинг аризасини ўқиди ва прокурордан сўради:

— Маҳмудованинг аризасини аниқлаштириш учун қандай йўлдан боришни маслаҳат берасиз?

— Ўзингиз қандай фикрдасиз? — ўз навбатида сўради прокурор.

— Менимча,— деди Шарипов,— Салимов Зокирни сўроқ қилишдан олдин соат масаласини аниқлаш лозим.

Улар биргаликда ишни қандай давом эттириш юзасидан план тузишди. Планга асосан Шарипов Салимов Зокир кранчи бўлиб ишлайдиган уй қуриш комбинатига борди. Бундан сал кейин комбинат директори билан Зокир орасида шундай гап бўлиб ўтди:

— Маълум бўлишича, уйингизда бир қизнинг соати бор эмиш? У қандай қилиб қўлингизга тушгани ҳақида гапириб берсангиз?

Зокир жавоб беришга қийналди. Юзлари қизариб, пешонасида тер томчилари пайдо бўлди.

— Менга уч кунга жавоб бера оласизми?

— Нимага?

— Уша қизга соатини қайтармоқчи эдим...

— Олдин сиз айтинг-чи, бу соат сизда қандай пайдо бўлиб қолди? Кейин илтимосингизни ўйлаб кўрамиз.

Бир лаҳза жим қолган Зокир шундай деди:

— Биласизми, мен бу соатни бир қизнинг қўлидан ечиб олганман....

Директор бу жавобни кутмаганди. У ҳатто Шариповнинг далилларини эшитиб, ачиқланганди. Бу табиий эди. Чунки у фақат тажрибали раҳбаргина эмас, балки ажойиб соф инсон ҳам эди. Ўз ходимларини ҳам ўзидай биларди. Бугунги ҳол шуни кўрсатдики, у ҳали кўп нарса-ни билмас экан.

— Зокир, бу ерга бир одам келган, мен уни ҳозир чақираман. Сен унга ҳамма гапни яширмай айтиб бер,— деди анчадан кейин директор сенсираб.

Хонага Шарипов кирди. Директор секингина ўрнидан турди, кетаётди Зокирга қайрилиб қаради-да, хонадан чиқиб кетди. Хонада Шарипов билан Зокир қолди. «Қизиқ, худди Салимов Наимнинг ўзгинаси.

Бир олманинг икки палласи. Фамилияси ҳам, отасининг исми ҳам бир хил. Бундай ўхшашлик сабаби нимадайкин? — ўйларди Шарипов. Кейин оҳиста гап бошлади:

— Сиз Тошкентда яшайдиган Салимов Наимни танийсизми?

— Йўқ, танимамайман, — деб жавоб берди Зокир. — Нимаиди?

— Шунчаки. У худди сизга ўхшайди. Қани, гаплашайлик бўлмаса?

Зокир, ўзининг айтишича, отасини кўрмаган. Отаси 1943 йилнинг ноябрида фронтга кетган ва беш ойдан кейин онасига қорахат келган. Отасидан қорахат келганда Зокирнинг туғилганига эндигина бир ой бўлган экан. Зокир уч ёшга тўлганида онаси уни қайнонасига қолдириб, бошқа кишига турмушга чиққан. Шундан бошлаб момоси билан яшаган. Унинг синфни тугатган. Институтга кирмоқчи бўлганда иншодан омади келмаган. Кранчилар курсига кирган. Уни тугатиб, уй қуриш комбинатида кўтарма кранда иш бошлаган. Сал фурсат ўтмай армияга чақирилган. Армия хизматини ўтаб, яна ўз касбига қайтган. Орадан етти ой ўтгач момоси ўлган. Унинг ўлиmidан кейин Тошкентга келиб, институтга кирмоқчи бўлган. Бу сафар конкурсдан ўтолмаган. Тошкентда қолиб, келгуси йил яна урилиб кўришга қарор қилган. Уй қуриш комбинатига кранчи бўлиб ишга кирган. Комбинат ётоқхонасида яшаган...

Унинг тарбияси билан ҳеч ким шуғулланмаган. Ун уч ёшлигида карта ўйнайдиган, ароқ ичадиган ёмон болалар даврасига қўшилиб қолган. Уларнинг топшириғи билан майда ўғирликлар қилган. Бундан ўқитувчилар хабар топган. Уларнинг актив ҳаракати билан тўда қўлга тушган. Ақли расо ўқитувчиларнинг назоратида Зокир мактабни тугатган. Ўзи ишлаб, пул топадиган бўлганда эски яра яна хуруж қила бошлаган. Кафе ва ресторанларда ичкиликбозлик қилган, ўзига ўхшаган саёқлар билан карта ўйнаган. Ниҳоят, бор буд-шудини ютқазиб, йўлтўсарлик қилган.

Сўроқ вақтида Шарипов шуни ҳам аниқладикки, воқеа содир бўлган куни Зокир қора кўйлак ва қора чолворда бўлган. Бу Собиронинг кўрсатмаларига мос эди. Демак жиноятни унинг ёлғиз ўзи қилган.

Шарипов ундан сўради:

— Сиз маза қилиб эркинликда юрганингизда бу жиноят учун бошқа кишининг қийналганини биласизми?

— Бундай бўлиши мумкин эмас!

— Вақтинча бўлса ҳам, сизни деб бошқа одам балога қолди.

— Э, худо, мён қандай пасткашлик қилдим-а?! — деди Зокир икки қўли билан бошини чангаллаб.

— Керак эмас, бўлар иш бўлди. Сиз ҳозир мен билан уйингизга бориб, ўша соатни кўрсатасиз. Кейин Тошкентга кетамиз, — деди Шарипов.

— Мен қаерга десангиз бораман, фақат уйгамас... Соатнинг қаердалигини айтаман.

— Ахир, хотинингиз билан кўришишни хоҳламайсизми?

— У билан учрашиш мен учун ўлим!

— Унда милицияга борамиз, — деди Шарипов.



Жиноят тўла очилди, топиб олинган нарсалар эгасига қайтарилди. Зокир бўлса қилмишига яраша жазосини тортади. Фақат битта томон Шарипов учун қоронғи: «Нима учун Наим билан Зокир фамилиядош? Нима сабабдан улар бунчалик бир-бирларига ўхшайдилар? Қариндош ҳам бўлишсин! Унда нега бир-бирларини таний олмайдилар?»

Шариповнинг аниқлашича, воқеа бундай бўлган экан:

Салимов Ҳазратқул Наимнинг онаси билан Халқ хўжалиги институтида бирга ўқиган. Улар бир-бирини яхши кўриб, турмуш қуришган. Бир йилдан сўнг Наим туғилган. Наимнинг отаси ҳаммани олиб Бухорога кетмоқчи бўлганда, онаси кўнмаган. Шу сабабли ажралишган. Бу вақтда Наим бир ёшда бўлган. Наимнинг отаси Бухорога келиб уйланган ва кўп ўтмай Зокир дунёга келган. Бу орада Наимнинг ҳам онаси бошқа кишига турмушга чиққан.

...Шариповнинг хонасида бир-биридан беҳабар ака-ука ўтирибди: бири гуноҳсиз, лекин «ўтириб чиққан», иккинчиси жиноятчи. Улар топишганларидан хурсанд. Бари бир Зокир ичидан эзилмоқда, чунки, гуноҳсиз акаси унинг касрига қолиб анча-мунча ўтириб чиқди, Наим эса мамнун. Англашилмовчилик, бахтсизлик кутилмаганда унга бахт келтирди.

Наим Зокир билан Инобат ўртасидаги муҳаббат хошонасининг бузилмаслигини истарди. Уларнинг ўзаро хат ёзишиб туришларини эшитиб, беҳад қувонди.



«Мана, кўз очиб юмгунча олти ой бўлибди, ажралишганимизга. Сенга шу пайтгача хат ёзмаганим учун мени кечиринингни сўрайман. Мен сенга ҳар куни ёзардим, лекин буларнинг ҳожати бормикан, деган хаёл билан ботинолмасдим. Энди кечирим сўрайман, аммо, менинг кечирим сўрашларим керакмикан?»

Умуман, мен сенинг ҳаёт йўлингга борманми? Булар шунчаки савол эмас, балки бунга жавоб бермаслигинг ҳам мумкин. Бироқ, бу менинг хоҳишим ва юрагимнинг буйруғи. Менинг виждоним икки томонлама қийналмоқда: биринчидан шундай бемаъни ишга қўл ургангидан, иккинчидан эса, сенга аламлар юкини юклаганимдан. Мен сени номусга қолдирдим, Инобат! Дугоналаринг, таниш-билишларинг олдида номусга қолдирдим. Шу ҳақда ўйлаганимда тўлганим кетаман. Ахир уларнинг кўзига қараш, сен учун нақадар оғир...

Сендан ўтиниб сўрайдиган битта илтимосим: менга бепарқ қарама! Мен бузуқ одам эмасман? Гуноҳим катта албатта. Бироқ, бу — тасодиф. Мен қонундан олдинроқ ўзимни жазолагандим. Афсус, қонун кейин топди. Қанийди, у худди ўша воқеа содир бўлган пайтда топса! Унда сени ҳам танимасдим, бу даражада эзилмасдим ҳам. Ҳа, бу жазолар менга сенинг кўзингга тик қараш жазоси олдида ҳеч нарса! Ҳар бир одамнинг ҳам ожиз томонлари бор. Бу, албатта, характердаги нуқсонларга боғлиқ. Мени қийналишлардан озод қилиб ва кейинги ҳаётимга тўла ишонч билан қарашга даъват этасан деган умиддаман.

Инобат, сенга йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаққим йўқ. Кейинги тақдиринг ўзингга боғлиқ. Бу масалани ечишда ихтиёр ўзингга. Бу хатни мен сенга рад жавоби олиш ниятида ёзаётганим йўқ. Йўқ, асло ундай эмас! Асло! Сен — менинг ҳаётимсан!

Инобат! Мен сенга кўп нарсалар ҳақида ёзмоқчи эдим, аммо буларнинг сенга аҳамияти йўқлигини ўйлаб, тугатиб қўя қолдим. Узим яхшиман, қийинчиликдан нолимайман. Мени тўғри тушунишингни жуда-жуда хоҳлардим.

Хайр, севгилим!»

Зокирнинг бу хатига Инобат шундай жавоб ёзди:

«Зокир, эҳ, менинг ақлсизгинам! Менинг сенга бўлган муқим муносабатимни шубҳа остига олиб хат ёзишга қандай кўнглинг борди? Билсанг, мен бахтлиман. Шунинг учун бахтлиманки, мен севаман! Бир одамни севаман. У — сен, азизим!..

Шунча ўтган кеча ва кундузларда фақат сен ҳақда ўйладим, сени кўришни, узоқ-узоқ суҳбатлашишни истадим! Бордию ёнингга борсаму сен, қўл-оёғимдан боғлаб бериб яна олдимга келдингми, деб таъна қилишингдан қўрқдим. Сен мени тушунмайсан деб ўйлардим! Бутун умр мендан нолон бўларсан дердим! Қувончлиси шундаки, мени тушунибсан! Бунданам бошқача қувонч борми? Менинг бахтим ана шу, севимли ёрим!

Мен сенга хат ёзмадим. Чунки, ўзимни сенинг олдингда гуноҳкор ҳис қилардим. Сенинг хатингни кутардим. Яхшими, ёмонми ёзишингни билардим! Ниҳоят, сенинг узоқ кутилган хатингни олдим! Уни ўқиб қандай севинганимни билсайдинг...

Оиламизда қиз дунёга келганлигини айтиб, сени қувонтиришим мумкин. Отини Муборак қўйдим. Бу исм сенга ёқадими? У худди сенга ўхшайди. Севгили ёрим, шунга имонинг комил бўлсинки, мен сени ҳеч кимга алмашмайман ҳам, ҳеч кимга бермайман ҳам! Биз фақат бир-биримиз учун дунёга келганмиз. Ҳеч ким ва ҳеч нарса бизни ажратолмайди!

Учрашгунча, азиз севиклим!

Ўзинг ҳақингда кўпроқ ёз. Ўзингни асра. Биз ҳақда кўп ўйлаб қийналма. Ҳамма нарса жойида.

Умр йўлдошинг Инобат».

Улар доимо бир-бирларига севги ва бахтдан баҳс очгучи хатлар ёзиб туришади. Наим билан Собирова ҳам бахтли ҳаёт кечиришмоқда. Улар бутун кўнгилсиз воқеаларни унутиш мақсадида бу ёққа кўчиб келишди.



— Мана, ҳикоям ҳам тугади,— деди Йўлдош.

— Бунинг ҳаммаси бўлган воқеами ёки журналистнинг фантазиясими? — сўради Раҳим.

— Иста-истама бари ҳақиқат. Сенда тушунмовчилик туғилмаслиги учун улардан баъзиларини ўз номи билан айтаман. Жабрланувчи Собирова қаршингда ўтирган Собирова Раъно. Салимов Наим Ҳазратқулович — ўзим...

— Наҳотки, сен турмада ўтириб чиққан бўлсанг?

— Утирдим! — деди Йўлдош. Сенга охириги хатни ёзганимда қамоққа олинган эдим. Хатни терговчи Шарипов жўнатган. Шу яхшилиги учун жиноят қидирув бўлимнинг бошлиғи Мақсудов ундан шубҳаланган эди.

— Ҳа, майли, ҳаммаси яхшилик билан тугабди-ку,— деди Дилором.

— Албатта,— жавоб берди Раъно.

— Энг муҳими, Раънохонни топибсан,— деди Раҳим ва сўради.— Тўйни ўтказдиларингми?

— Шу ерда, Фарғонада ўтказишни мўлжаллаяпмиз,— жавоб берди Йўлдош.

— Жуда гўзал бўлади-да,— маъқуллашди Раҳим билан Дилором.

Деразадан гуркираб шабада кирди. У атрофда чарх уриб, ўтирганларни бахт нашидаси билан қўтлаётгандек эди.

Рус тилидан  
Икром Отамуродов таржимаси.





Ҳамида Каримова

# Менинг оламм

Менинг кичик оилам—  
Менинг кичик оламм.  
Унда қуёш мисоли мен туну кун хизматда.  
Ўзимга яраша бор қувончларим, дард, ғамим,  
Бўлсин, деб бу оламда катта-кичик иззатда.  
Сўзим менинг яратар оиламизда иқлим,  
Муҳаббатим яйратар юракларни баҳордай.  
Қимни бахтиёр кўрсам шодликка тўлар кўнглим,  
Меҳрим меҳр ундиргай қуёшдан оққан нурдай.  
Жаҳл мисли бўрондир. Нохуш, нофोरам ҳаво  
Совутади вужудни, жунжикади юрак ҳам.  
Самимий сўз — офтобдай, илиқ нурдек босафо,  
Тан яйрар, юрак яйрар, ҳаммага ёқар бирам.  
Суюкли она Ерим — шу курраи Заминда,  
Соз иқлим яратайлик, самимий хуш сўз билан.  
Яйраб-яшнасин халқлар, меҳримизда, омонда,  
Яшаганга не етсин доим ёруғ юз билан,



Рангларга бўлинган харитада Ер,  
Бир хилда эмасми тупроқнинг ранги?  
Ирқчилар инсонни оқу қора дер,  
Тоза қалб эгаси эмасми занжи?

Бўлса-да турлича юзларнинг ранги,  
Бир хилда қизил-ку томирларда қон?!  
Бир хилда дилбар-ку кулги жаранги,  
Кулганда оқ танли ё қора инсон!

Оқбилак ё занжи ёпган нон ҳиди  
Бир хилда хушбўй-ку, бир хилда хуштаъм!  
Меҳнаткаш меҳрию қувончи, диди,  
Юракнинг тафти бор иккисида ҳам.

Африка гўзали бахт тамтамига  
 Рақсга тушсайди бир гал қувониб,  
 Қарс уриб жўр бўлар ўз ҳамдамига  
 Оқ танли энг гўзал йигит ҳам ёниб.

Юз ранги — табиат, қуёш ижоди,  
 Рангли харитани яратмиш инсон,  
 Қай тарзда кечмасин инсон ҳаёти,  
 У фақат бахт излаб яшар ҳар қачон!

Андижон.

Ёдгор Обидов

## Истиқболнинг қўлидан тугиб...

Дока рўмол учин елвагай ташлаб,  
 Мункиллаб-мункиллаб боради

кампир.

Уч яшар набирасин қўлидан ушлаб,  
 Тўқсон уч ёшида шовар қайгадир.

Қайга шошаётир, билмайман,

аммо

Сўрамоқ ҳам унча ўринли эмас.  
 Мункиллаб қолгану кўзида жило,  
 Буришган лабидан кулгу аримас...

Ўзини ҳар томон урар болажон,  
 Типирлаб, ирғишлаб шўхлик

қилади.

Бувисин этагин тортқилар шодон,  
 Кампир унга қараб фақат кулади.

Бирин ўтмиш демам, бирин

истиқбол,

Шундай ҳам, дўстларим, бу сизга

аён.

Балки бу кўрганим эмас ажиб ҳол,  
 Бу ҳолни учратмоқ мумкин ҳар

бир он.

Кампир ға набира кетмоқда ўтиб,  
 Кузатиб кўнглимга бир ҳис

тўлмоқда.

Ўтмиш истиқболнинг қўлидан

тутиб,

Менинг кўз ўнгимда йўлга

солмоқда.

□

Мен бедор кезаман, тоғ очар

бағрин,

Баҳайбат қоялар боқади ювош.  
 Қалбимни ошкора тутаман тагин,  
 Асрий сукунатга беролмай бардош.

Нурли юксакларда ўйнайди хаёл,  
 Ҳисларим изғийди ҳар ён сарбасар.  
 Чўққига тўш уриб, тонгдаги ҳилол  
 Бетинч юрагимга ташлайди назар.

Қорли чўққиларда чалғир нигоҳим,

Сокин юксакларда кезади хаёл.

Асрий гўзалликка қиламан таъзим,  
 Асрий сукунатдек боқади ҳилол...

□

Хаёлимдай ёришмоқда тун,

Хаёлимдай тонг отаётир.

Булар бари орзуга тутқун —

Хаёлимда бўлмоқда содир.

Ҳолбуки тун сеҳрига тўймай  
Деразадан мўралар юлдуз.  
Нигоҳимни тортқилар қўймай,  
Юксакларга ундайди сўзсиз.

Мен эсам жим. Юксакка боқиб,  
Кипригимга нурлар ўрайман.

Тошкент

Борлиқ кирар қалбимга оқиб,  
Шу борлиқдан тонгга қарайман.

Ёрқинлашган орзуга тутқун  
Хаёл каби кўринар олам.  
Аста-аста чекинмоқда тун,  
Юрагида — санчилган қалам...

Тошпўлат Аҳмедов

# Уста Ширин МОНОЛОГ

Иигирмада эди чамамда ёшим,  
Қушбеги чорлади саройга мени.  
«Мурод ўғли Ширин, гар керак бошинг,  
Тинглағил, ушбудир амир фармони:  
Он Ҳазрат кечирмас шаккоклик қилсанг,  
Зеро, шаккокликнинг оқибати — дор!  
Мана сенга тилло, мрамор ила санг,  
«Хонаи сафед»ни сургайсан зинҳор!...»  
Кўзларим нурини тўкдим субҳи шом,  
Қиприқларим ила ўйдим нақшлар.  
Ишлардим, юрагим эзарди мудом,  
Киноя аралаш совуқ олқишлар.  
Гарчи жисму жоним зирқираса-да,  
Номус дашномидан зил чўкса-да Ер,  
Бағримдан гарчи қон тирқираса-да,  
Ғиштга ғишт улардим, тўкар эдим тер.  
Менга керакмасди шоҳ илтифоти,  
Йўқ, мен зор эмасдим ўша тиллога.  
Тиллога ўч бўлса санъаткор зоти,  
У фақат лойиқдир ҳукми оллога!  
Менга аён эди бир сир ва лекин,  
Ғамимдай кўксимда тутардим пинҳон.  
Мумкин бўлса эди Олимхон мулкин,  
Сангтарош — тиғ билан этардим яксон.  
Зеро, санъаткорнинг қуролидир тиғ,  
Ва лекин шоҳ бағрин қилмадим хуншор.  
Шу митти тиғ ила тикладим қутлуғ  
Қасрким, шоҳ дили бўлди беқарор.  
Фармони олий шон ўқилди шунда:  
«Ҳеч манзил кўрмасин бундай бинони!»  
Сўнгра ҳозир бўлди жаллод ва кунда,  
Бошимда қорайди юртим осмони.

Бармогим янчилди тариқ донидай,  
 Қонларим сачради Моҳи Хоссага.  
 Меъморга мукофот шу бўлди, нетай,  
 Илтифот шу бўлди шўрлик устага.  
 Бешта бармоғимдан ажрадим, аммо  
 Беш минг йилга гаров мен қурган бино.  
 Санъат емирилмас, даҳо янчилмас,  
 У мангу боқийдир тургунча дунё!

Бухоро.

## Хуршид Даврон



Шукур Бурҳон кексайди бир оз,  
 Юзи ўшар метин қалъага.  
 Навқиронлик бўлади пайдо  
 Шукур Бурҳон чиққач саҳнага.  
 Гўё ундан кучли ботир йўқ,  
 Енгар ман-ман деган йигитни,  
 У куйлади мисоли қўшиқ,  
 Сўзлараро ётган сукутни.  
 Танафусда яна ҳорғинлик  
 Елкасига ташлайди кучин.  
 Юрагида ухлар Улуғбек,  
 Сўнг саҳнада ҳайқирмоқ учун.

... Шукур Бурҳон тунда туш кўрар,  
 Тонгга қадар чўзилади туш.  
 Хўжа Аҳрор тасбеҳ ўғирар,  
 Аббос ханжар ўқталар эмиш.  
 Синиқ фонус нур сочар хира,  
 Тўкилармиш юлдузлар гужғон.  
 Кўкрагида — офтоб фаввора,  
 Синггар ерга лахта-лахта қон.  
 Шукур Бурҳон чўчиб уйғонар,  
 Уйғонади қалбда Улуғбек,  
 Ва тупроққа сочилган қонлар  
 Таратади юртга ёруғлик.



Ярим тунда тошлоқ кўчани  
 Оёқларнинг саси ўпади.  
 Ухлаб қолган ойдин кечани  
 Уйғотади сочларинг ҳиди  
 Ва ортингдан сенга изма-из  
 Шамол секин сирғалиб келар.  
 Ёлворади у сенга унсиз,  
 Ёлворади тунги майсалар.  
 Сен беҳабар, ойдин бўсани  
 Лабларингга яшириб олиб  
 Қетаяпсан. Юлдузлар сени  
 Қуршаб олар ҳайратга тўлиб.

Кўзларинг ой шаклига кирар,  
 Нур таратиб анвойи, тоза.  
 Мана келдинг. Бўғилиб, ёниб  
 Сени ютар кўҳна дарвоза.  
 Шамол эса кўчада қолар,  
 Қилт этмайди, қанотлари тинч.  
 Парча-парча бўлиб сиғинади,  
 У кўтариб югурган севинч  
 Ва лабдаги бўса ҳидидан  
 Маст бўлганча чайқалиб, беҳол,  
 Қайрағочга юзини босиб,  
 Кўз ёшини тўкади шамол.



Қора мавр ўгли — телба Отелло  
 Буюк садоқатдан бермоқда сабоқ.  
 Қўлини артди у: «Бўлди,

бисмиллоҳ...»

Кимлардир аламдан уяди қабоқ,

Уят бу! Даҳшат бу! Тиқилиб нафас,  
 Аёллар юлади зар мунчоғини.  
 Эркаклар чангаллар... Йўқ,

аёлнимас,

Курсиларнинг илиқ суянчигини.

«Уят бу! Даҳшат бу! Наҳот,

азизим,

Ажойиб муҳаббат деганлари

шу?»—

Тошкент.

Уйга қайтиб энди юмолмай кўзин  
 Неча аёлларнинг бузилар туши.

... Фақат зал четида йиғлар бир

қизча,

Қордек рўмолчасин босиб юзига.

У ҳам энди асло ухлолмас кеча,  
 Тонгларни жойлайди энди кўзига.

Энди у бир умр — тонгу шом пайти  
 Шивирлар қизариб, ичган каби


май:

«Мени ҳам бир йигит шундай

севсайди,

Севиб ўлдирсайди мени ҳам

шундай».





Николай Куликов

# ИШИЛ Фасллари

Бугун Тянь-Шанда об-ҳаво қандай?  
Сенга шу хусусда бераман сўзлаб,  
Сафар иштиёқи бағримда шондай,  
Юксак чўққиларни борурман кўзлаб.

Қўлимда харита,

Йўл харитаси:

Тянь-Шан суратдай акс этган унда.

Мана бу — сўқмоқдир,

Мана бу — довон,

Мана бу — қишлоқдир,

Манов — қор, бўрон,

Муттасил ёмғирлар ёғади бунда.

Ва лекин харита иш бермас фақат,

Бориб кўрмоқ керак кўз билан уни.

Қуёш порлаб туриб, қор ёғар беҳад,

Тўрт фаслга тенгдир ўтган ҳар куни.

Шундоқ бош устингдан ўтар оқимлар,

Оқимлар шовуллар оёқ остингда.

Шундоқ кўз ўйнар ёлқинлар,

Бир хушбўй уфурар бўйу бастидан.

Нигоҳинг тортади мангу музликлар,

Мангу музликларнинг бағрида оташ.

Изгирин иссиқдан тўйиб энтикар,

Фақат барчасига дош берар тоғ-тош,

Дош берар тоғ-тошни йўлга сололган,

Барча фаслларнинг кўнглин ололган,

Ҳамиша доврўқли ҳамда барҳаёт

Табиат фарзанди — инсон деган зот.

Бугун Тянь-Шанда об-ҳаво шундай.

## Очиқ мажлис

Чўққи узра қуриб олтин қасрлар,  
 Қорларда акс этар қип-қизил шафақ.  
 Пастда эса оқшом этагин судрар...  
 Тўғонда иш тугаган бир чоқ.  
 Радио қулоғин бурамас биров,  
 Дам берилган бу кеч «Маёқ» — солистга.  
 Бригада тўпланган тўғон бошига —  
 Очиқ партия мажлисига.  
 — Фақат бир масала кун тартибда,  
 Бошқа масалага ўрин йўқ бу кун!  
 Миллион кубметр бетон! Бир куб ҳам каммас!  
 Миллион кубметр бетон керак тўғон учун!..  
 — Ишчи синфи доим олдинги сафда,  
 Ерга урмас улуғ номини!..  
 Ҳаёт — асфальт йўлдай теп-текис эмас,  
 Бордир баланд-пасти,  
 Унқир-чўнқир,  
 Ҳеч ким қадр топмас, қийнамаса жонини!..  
 Магнитогорск, Братск ҳамон зарбдор,  
 Ҳамон иззатдадир вагон, палатка...  
 — Масала равшан, демак!  
 Осмонда худомас — ракеталар учар,  
 Замон долғалидир, шиддат-ла кечар!  
 Уйламоқ, ишламоқ, яшамоқ керак.  
 Ильич каби!  
 Неки халал берса, этиб бартараф,  
 Нурафшон этайлик барча йўлларни!..  
 Тарозига солиб бор имкониятни,  
 Бошқатдан янги бир режа тузилар.  
 Тасдиқлайди бригада уни  
 Бир овоздан  
 Кўтаришиб қўлларни.  
 Юлдузлар ҳам шундоқ бўлар хабардор  
 Буюк ишларидан  
 Инсониятнинг.

## 3000 метр баландликда

Бунда — юсак чўққида,  
 Шамоллар салтанати.  
 Бунда — юсак чўққида,  
 Сукунатдан йўқ асар.  
 Бунда бўрон қутуриб,  
 Айюҳаннос солади,  
 Гранит қояларга  
 Ҳамла қилиб, сарбасар.  
 Изғирин изиллар  
 Бир дайди итдек,  
 Шопириб қор уюмларини.  
 Изғирин забтида  
 Сой қогади тек,  
 Бас қилиб шўх ўйинларини.

Бунда қора булутлар кун кўролмас ҳеч,  
Титилар ўз чақмоқларидан.  
Хотиржамлик излар шамол эрта кеч,  
Бунда — юксак чўққи пучмоқларидан..

Ҳаловат яшнайдди бунда бир бора,  
Ҳаловатнинг ҳомийси бу — баҳордир.  
У чоқ бу чўққида  
Шамол бўлмайди,  
Изғирин бўлмайди,  
Бўрон бўлмайди,  
Мана шунда сир!..  
Бунда,  
Юксак чўққида аҳён ва аҳён  
Чирсиллаб синади мовий, шиша муз,  
Жилғалар жилдираб қолади шодон,  
Қоялар ярқираб чайишади юз.  
Осмон баландлашиб, борар дам сайин,  
Дам сайин очилар чўққи жамоли.  
Офтоб шуълалари тўкилар майин  
Кўнгилга бир ажиб илиқлик солиб..

## Қачонлардир...

Мизғигани қўймас мени юлдузлар,  
Кўзларимга қадалади нурлари...  
Тонг-ла йўлга чиқамиз,  
Сафар хатарли,  
Ваҳималар босар дилимни..  
...Оғир тун зулмати қопламиш қадим  
Тоғлар йўлини.  
Қачонлардир бу йўл сўнгиди  
Бир чашма қайнаган тоза, мусаффо.  
Ана шу чашманинг ўнгу сўлида  
Одамлар яшаган  
Уй-жой қилиб,  
Оила боқиб.  
Овчилик қилишган, гўшт пиширишган,  
Шўрва қайнатишган, кир ҳам ювишган..  
Қўй-қўзи боқишган  
Кўм-кўк майсаларга ёйиб, ўтлатиб.  
Вафодор итлари жилмасдан сира,  
Тартиб ўрнатишган подалараро..  
Чашма, қуриб қолган бир куни ногоҳ,  
Ҳаёт ҳам шу кундан қуриган, эй воҳ!  
Улардан хотира суяклар фақат,  
Суяклар,  
Суяклар,  
Суяклар қат-қат..  
Оғир тун зулмати — узундан узун.  
Ҳайратдан тонг қолиб, ушлайман ёқа,  
Бу нечук мўъжиза?! Бу нечук афсун?!  
Уша итлар ҳуриши келар қулоққа!..  
... Мунчалар чўзилиб кетмаса бу тун?  
Мизғигани қўймас мени юлдузлар!..



## Қуралай

Тушда ҳам кўрмоқ маҳол бунақасини,  
 Ақл бовар қилмас чирой,  
 Мўъжиза янглиғ.  
 Оппоқ қор уюмлари аро  
 Тонгги ёлқиндай  
 Ловуллаб турарди у—  
 Қулгилари жаранглиғ.  
 Ҳайрат мисол қотганди  
 Бош устида қоялар,  
 Четлаб ўтарди уни  
 Узуқ-юлуқ соялар.  
 Эгнида иш кийими  
 Атласдай ёнар эди,  
 Қора зулфи елларда  
 Силкиниб қолар эди.  
 Жажжи бир қуш сингари  
 Безовта қиз, Қуралай,  
 Доғда қолди шайдолар  
 Сен-ла суҳбат қуролмай.  
 Осмонўпар тоғларнинг  
 Эй, сен ҳур маликаси,  
 Ужар қор бўронларин,  
 Кўчкилар суронларин  
 Суюк бекаси!  
 Тўқтағул қўшиғининг садоси бўлиб,  
 Олис бир овулдан келибсан бунга,  
 Уфққа туташар очган ҳар йўлинг.  
 Бутун осмон ости мафтундир сенга!..  
 Бутун осмон ости сени куйлайди,  
 Келажак йилларга сўйлайди...  
 Лекин мен нетайин,  
 Эй, соҳибжамол,  
 Менга йўл кўрсат!  
 Ерлик эканлигим келмоқда малол,  
 Сенинг ҳузурингда,  
 Шу дам,  
                   шу фурсат.


## Талабларга мувофиқ концерт

Қоялар...  
 Ҳўкиздай тўрсайган бири,  
 Бириси қўтосдай чўзилиб ётар.  
 Телбараб дарёнинг қайрилиш ери,  
 Тўғон қурилмоқда бунда,  
 Иш қизир эртадан то кечга қадар.  
 Самосваллар бир-бирин шатакка олиб,  
 Юксак-юксакларга ўрмалар аста.  
 Ногоҳ ошпаз йигит зангини чалиб,  
 Ишчиларни тушликка чорлайди пастда.

Қарағай хонтахта атрофин қуршаб,  
 Қарағай курсига чўкишар бари —  
 Тахтларига чиққан шоҳларга ўхшаб...  
 Ичгинг келар ичганинг сари—  
 Оддий карам шўрванинг  
 Олийдир таъми.  
 Сузилар шоприлган қимиз кетма-кет,  
 Тер бўлиб қуюлар чарчоғинг.  
 Қулоғи буралар ишчи ҳамроҳи —  
 «Спидола»нинг.  
 Бошланади талабларга мувофиқ концерт.  
 Диктор эълон қилар исму шарифин  
 Шу ерда ўлтирган шофер боланинг,  
 Эълон қилар иш жойин  
 Ва илтимосин.  
 Ичига ютади ҳамма нафасин,  
 Қўлдан тушар қошиқлар ҳам жим,  
 Сўз дейишга журъат қилолмас ҳеч ким.  
 Ишқ-вафо куйланар гарчанд кўшиқда,  
 Куйланар севги деб аталган савдо.  
 Лекин янграйдиган кўшиқда гўё,  
 Улар хусусида сўз борар фақат,  
 Номи радиога айтилган йигит  
 Терисига сиғмай,  
 Илжаяр ҳатто...  
 Эфирдан янграган кўшиқни эса  
 Тинглар эди бутун Ер шари—  
 Тянь-Шандан Нью-Йорккача то.

Тошкент,

Шукур ҚУРБОНОВ таржимаси.



Саъдулла Кароматов



РОМАН<sup>1</sup>

## Тўққизинчи боб

Эртаси куни ҳамшира келмади. «Тиқ» этса, Шерали эшикка қарар, гоҳ чанқаганини, гоҳ яна бирон нарсани баҳона қилиб, ҳамширани чақирар, ҳар гал эшикдан бошқаси кириб келганида, ҳафсаласи пир бўлиб, дераза олдидаги толнинг нимжон новдаларига қараганча, кўзларини пирпиратиб, жимгина ётар, хаёлида кечаги ўйлар чарх урарди.

Тушдан кейин Қутбиддин билан Виктор келишди. Улар эшикдан киришлари билан Шералининг чеҳраси ёришиб, кўнглидаги ғубор тарқагандек бўлди. Тирсақларига таяниб, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлган эди, Қутбиддин йўл қўймади.

— Ҳай, ҳай, биродар, сира қимирламанг... Оббо сизе, нима бўлди?

— Ҳа, энди тажрибасизлик, бир бўп қолди-де, Қутбиддин ака,— Шерали ийманибгина жавоб бериб улгурмай, Виктор ҳазиллашди:

— Ҳечқиси йўқ, дўстим, биз сен билан альпинизм машқини олишимиз керак, билдингми? Ана шунда тоғ-тошларда дорбозлардек енгил сакраб юраверадиган бўламиз. Қўлнинг ўзими?— Виктор унинг оёқларига тикилди.

— Ҳа, оёқнинг эти узилган экан, асосан қўл.

<sup>1</sup> Давоми. Боши ўтган сонда

— Зиёни йўқ,— луқма ташлади Қутбиддин,— бизлар болалигимизда қўл-оёқларни чиниқтирамиз деб ким ошдига дарахтдан сакрардик. Шерали ҳам болалигини қўмсаб «ўзини бир синаб кўрай» деганда,— деб кулиб, Викторга қараб кўзини қисди Қутбиддин.

— Йўқ, ундоқ эмас, билмабсиз, Қутбиддин ака. Шерали тоғларда тез юришининг янги усулини ихтиро этиб, буни биринчи бор ўзида синаб кўришга қарор қилган.

— Сиз шундоқ дейсиз-у, Виктор, аслида Шералининг бу иши геологик ихтиродан кўра ошиқнинг довдирашига ўхшайди,— дея хохолаб кулди. Қутбиддин.

Шерали кейинги луқмадан хиёл қизишиброқ эътироз билдирди:

— Индамаса ҳали мени Дон Жуанга ҳам чиқариб қўясизларми дейман?— у бу гапини анча қизишиб айтганидан бўлса керак. Қутбиддин Викторга: «Қўй, сиркаси сув кўтармайдиган экан», деб ўрнидан туриб, дераза олдига бориб тўхтади. Виктор юзини намойишкорона буриб олган Шералининг елкасига қўлини қўйиб:

— Ана холос, ҳали шунақа ҳазилни кўтаролмайдиган жирттакимисан? Наҳот шу дамгача билмаган бўлсам, қани, менга қара-чи?— деган эди, Шерали кулиб, узр сўрагандек Қутбиддин томон қаради. Бирпас кулишди. Қутбиддин хонада айланиб юриб, кейинги икки-үч кун ичида қилинган ишлар ҳақида гапирди. Сўнг:

— Узоғи билан байрамгача юмушлардан қутулиб, ҳузурингизга келамиз,— деди у жиддий қиёфада Шералига қараб, «қалай, унгача тузаларсиз?» деган маънода.— Қўлларингиз болга ушлашга лаёқатли бўлиб қолса, ишни давом эттирамиз ёки Сталинободда ҳисоб-ки-тобни тўғрилаб, сўнг Тошкентга жўнаймиз, уқдингизми?

Шерали Қутбиддиннинг ҳамиша қувноқ, айни чоқда «жуда ўйчан, жиддий кўзларига тикилди. Болаларча ҳавас, ички тўлқинланиш билан кулди...

— Ундай бўлса, тезроқ соғайишингизга халақит бермай, бу ёқда ҳали базага ҳам ўтишга тўғри келади,— Қутбиддин эшикдан кираверишдаги каравотнинг оёқ томонидаги газетага ўроғлиқ тугунни олиб Шералининг тумбочкасига қўйди.— Бу ҳаммамизнинг номимиздан, сизга куч-қувват бағишлайди,— деб қўшиб қўйди қувноқ кўзларини Шералига тикиб.— Хўп, хайр. Ҳа, айтгандай, Бек, Қиммат, айниқса Ошпаз бободан кўпдан-кўп салом. Келишолмаганига ачиниб, узр сўрашди. Тўғрироғи уларга зарур бир иш топширилганди.

— Раҳмат, Қутбиддин ака, уларга ҳам кўпдан-кўп салом айтиб, сўраб қўйинг, ташвишланишмасин, ҳадемай ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетаман.

— Албатта, Шерали, бунга ишончимиз комил, хўп, хайр,— дея яна бир марта хўшлашиб, эшик томон юрди Қутбиддин. Виктор ҳам узун бармоқларини силкитганча, унинг орқасидан эргашди.

Шерали улар кетидан анчагача эшикдан кўз узмай, тикилиб қолди. Қутбиддиннинг ҳамиша этиги қўнжида газета олиб юриши, бош бармоқдай йўғон тамаки ўраб, чақмоқтошдан бамайлихотир тутатишига Шерали шу қадар ўрганиб кетдики, уни шусиз тасаввур этолмас, ҳозир ҳам Қутбиддиннинг тамаки чекиб турган ҳолати кўз олдидан нари кетмасди. Шерали илиқ бир меҳр билан жилмайиб, шипга қараб ётиб олди. «Қизиқ,— дея хаёлидан кечирарди у,— одамларнинг дўстлашувига йиллар керак дейишади. Шералининг Қутбиддинга муносабати бунинг тамоман акси бўлиб чиқяпти. Улар бир неча ҳафтагина бирга бўлишди. Шералининг назарида «эса дунёда» Қутбиддиндан олижаноброқ одам йўқдай, унга шунчалик яқинлашди. Қутбиддин одамлар меҳрини оҳанрабодек ўзига тортади. Суҳбатдошининг дилидагини топиб иш тутайди, ҳеч қачон ўзини кўз-кўз қилмайди, ҳар

бир ишни вазминлик, ақл-идрок билан ҳал этади, сира нолимайди, ҳар гапида: «Одам умид билан яшаши керак» деб қўяди». Шерали бу ҳислатларни хаёлан тенгқурларидан излади. Камган, мулоҳазали, ёш бўлишига қарамай етти ўлчаб бир кесадиган Омон кўз олдига келди. Унинг нимасидир ташқи қиёфаси билан ҳам Қутбиддинга ўхшаб кетарди. Айниқса, ўйчан кўзлари... Шерали хўрсиниб қўйди. Шу топда у билан учрашгиси, дилида куртак ёзаётган туйғуларни айтиб, кўнгли чигилини ёзгиси, қолаверса, фикрини эшитгиси келди. Шу ҳақда ўйларкан, хаёлини ҳозиргина хайрлашиб кетган Виктор банд этди. Бу тамом бошқа одам — ўзича бир олам. Дали-ғули. Оғзида гап турмайди. Борди-ю, биров уни яқин тутиб, дилидаги сир-асрорини айтиб қўйса, кўпчилик олдида калака бўлишини олдиндан бўйнига олиши керак. Чунки Виктор дуч келган ерда бу ҳақда беозоргина ахборот беради-ю, аслида бу ишни ўша одамнинг калака бўлиши учун қилади. Эҳтимол, қонида бир оз мақтанчоқлик бўлганидан, бошқалардан устуллигини, ҳаммадан кўра оқилроқ киши эканлигини кўрсатиш учун шундай қилар, аммо бу билан бировга озор бераётганини, кимнингдир дилини сиёҳ этаётганини ўйламаса керак. Худбин одамгина шахсини бировга озор бериш ҳисобига эъзозлайди. Шерали дўстини ўзи истамагани ҳолда худбинликда айблаётганидан уялди, хижолат бўлиб, хаёлини бошқа ёққа бурди. Қаримни ўйлади. У ҳам нимаси биландир Викторга ўхшарди. Ундаги хусусий мулкчилик жамики олижаноб фазилатларга соя ташлаб туради. Шерали юзини дераза томонга бурди. Булутлар ва дарахтлар орасидан элас-элас кўринаётган тоғ чўққисига қараб қолди. Назарида яна Қутбиддин жонланди. У булутлар орасида чайқалиб, муаллақ тургандай эди. Дамодам тамакисини тутатар, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча, хаёл сурарди. Шералининг унга ҳаваси келди. Илк бор шундай ҳавас билан боққан одами Павел Иванович бўлган эди. Ушанда Шерали Павел Ивановичникига боришга ваъда берди-ю, аммо тортинди. Бормади. Уни олиб кетишга Павел Ивановичнинг ўзи келганда, Шерали қувончдан ўзини йўқотаёзди. Бу одамга нисбатан чексиз бир меҳр юрагини жизиллатиб, туйғуларини шу қадар ларзага солдики, энтикиб кетди. Яхши одамнинг меҳригиёси бўлади, деганларича бор экан. Яна Қутбиддинни ўйлади у. Қутбиддин ҳар бир қилаётган ишида маънавий зарурат сезар, уни нимага бажараётганини чуқур ҳис этар, бундан лаззатланарди. Бундай одам бировга озор бермайди, аксинча унинг оғирини енгил қилади... Эшик очилиб, ҳамшира кирди. Қўлидаги патнисни каравот ёнидаги табуретка устига қўйди. Кўзларини мулойимлик билан Шералига тикиб, оқ дуррачаси остидан тўзғиб чиққан сочини бармоқлари билан қулоғи орқасига тараб туриб:

— Кечки овқат олиб келдим,— деди очиқ чеҳра билан.

— Шерали қаддини ростлай туриб, узр сўрагандек ночор ҳолда ҳамширага қараб қолди. Ёши олтмишлардан ошган, тўладан келган бу аёл кўринишдан хийла тетик ва чаққон эди. «Сира тортинманг» дегандек жилмайиб, эпчиллик билан табуреткани каравотга яқинроқ сурди. Тахсимчадаги ширгуручдан бир қошиқ олиб, Шералига едиргач:

— Сира тортинманг, ўғлим,— дея каравотнинг бир чеккасига ўтириб, гапини давом эттирди.— Суяклар яхшилаб ўрнашиб олсин деб бармоқларингизни танғиб қўйишган. Эртаниндин очишади, унда бемалол ўзингиз овқатланаверасиз. Ҳа деб хижолат бўлаверманг, ўғлим, икки қўлингизам бу аҳволда бўлгач, нима ҳам қила олардингиз. Қани олинг-чи,— ҳамшира шундай деб устма-уст икки қошиқ ширгуручни едириб, стакандаги илиқ чойдан хўплатди. Сўнг тумбочка устидаги тугунни очди. Иккита ёлган нон ва бир бўлак гўштни тахсимчага солиб, тумбочканинг ичига қўйди.

Ҳамшира енгларини шимараркан, ўзича гапиргандек: «Ҳаво сал-

қин, бузилиб қолмас»,— дея Шералининг тиззалари атрофини авайлаб босиб, массаж қилди, парафин қўйиб, чойшаб билан яхшилаб ўрагач: «Мен ҳозир келаман, қимирламай ётинг»,— дея тахталари чириган полни лорсиллатганча чиқиб кетди.

Шерали оёқларида энди қаттиқ оғриқ сезмаса-да, хиёл қимирлатгудек бўлса, тиззаларининг атрофи зирқирарди. Парафин Шералининг тиззаларини қаттиқ бир ачитди-ю, нафас ростлагудек фурсат ўтмай, аъзойи баданидаги дардни суғуриб олаётгандек лўқиллата бошлади. Шерали шипга қараб ётарди. Орадан ўн беш минутлар ўтди. Яна полни лорсиллатганча ҳамшира аёл кириб келди. Сирғалиб бўйнига тушган рўмолини бошига яхшилаб танғиб олди. Энгашганча Шералининг тиззаларидаги парафинни олатуриб: «Мана, энди оёқларингизни узатиб, баҳузур ётаверасиз, кечаси у-бу керак бўлса, чақирарсиз, эртага Сабогулнинг навбати»,— деб нарсаларини йиғиштириб, чиқиб кетди.

Хаёлида яна Тўлғаной жонланди. У самодаги энг ёруғ юлдуздек бир порлади-ю, сўнгра ёйилиб бориб, бошқа юлдузларга сингиб кетгандек ғойиб бўлди. Шерали хаёлида инини йўқотган боларидай ғувиллаб турган ўйларини бирпас бўлса-да, қувиб, ором олгиси келди. Кўзларини юмиб, ҳеч нарсани ўйламасликка қарор қилди. Бўлмади. Хаёлини чалғитиш учун Қутбиддин билан Павел Иванович ўртасидаги ўхшашликни қидира бошлади. Аммо улар орасида учинчи бир шахс пайдо бўлди — кўз ўнгида улғая бориб, хаёлини тамоман қамраб олди. Қутбиддин ҳам, Павел Иванович ҳам хаёл кўзгусидан йироқлашиб, ниҳоят тоғ этакларидаги ям-яшил арчазорлар орасида ғойиб бўлишди. Уша арчазорнинг домида, баланд қояда бўй-басти билан ҳамшира қиз турарди. Тоғ шамоли унинг оқ халати этакларини парвозга чоғланган бургут қанотларини ёзгани сингари икки ёққа кўтарган, тўзғиган сочлари атрофга ажиб бир мушк уфураётган каби ҳавода чайқаларди. Шерали гоҳ қуюқлашиб, гоҳ сийраклашиб изғишаётган булутлар орасида элас-элас кўзга ташланаётган қояга бирпас тикилди. Лаблари беихтиёр шивирлади: «Сабогул — тонг гули. Қандай гўзал исм!»



Сабогул хонага кирганда, Шерали ҳали уйғонмаган эди. У бир дам эшик олдида тарадудланиб турди, сўнг оёқ учида каравот олдига келди. Шералининг ярим юмуқ қалин лаблари гапираётгандек хиёл олдинга чўзилган, қора қошлари чимирилган. Хона салқин бўлишига қарамай, буғдой ранг кенг манглайида тер йилтиларди. Сабогул Ошпаз бобонинг «Умрингдан барака топ, жон қизим, эҳтиёт қил уни... Жуда ғалати, одамларнинг сараси бу, қизим, бунақанги дили равшан болани кўрмагандим»,— деган сўзларини эслаб, «Нимасини бунча мақтадийкин чол?» дегандек беихтиёр Шералига алоҳида синчковлик билан яна бир тикилди-ю, қилган ишидан хижолат чеккан каби катта-катта кўзларини дарҳол ундан олиб қочди. Яна бояги ҳолатда оёқ учида бориб, тумбочка устидаги ғижимланган газетани шитирлатмаслик учун эҳтиётлаб олди-ю, эшик томон юрди.

Бирон соатдан кейин Сабогул беморга нонушта олиб кирганда, Шерали ёмғир томчиларининг дераза ойналарига бир маромда урилишидан ҳосил бўлаётган тиқиллаган овозга қулоқ солганча ўтирарди. У эшик ғийқиллаб очилиши билан бошини ўша томонга бурди. Сабогулнинг саломига алик олди-ю, тили суғуриб олинган гунг одам каби қизга тикилиб ўтираверди. Сабогул қўлидаги патнисни кечаги ҳамшира сингари табуретка устига қўйгач:— Қўлларингиз оғримаяптими?,— деб туриб, табуреткани

каравотга яқинроқ тортди. Сабогул бу ишларни шу қадар чаққонлик билан бажараётган эдики, Шерали унинг нима қилаётганини илғаб ололмаса ҳам келишган қадди қомати, иккита қилиб ўрилган билакдай сочини яққол кўриб, нима учундир юраги дукиллаб кетди. Сабогул одатдагича сўзларни анчайин бузиб русча гапирарди. Бироқ қизнинг ибораларидаги чалкашликлар ва талаффузидаги нуқсонлар Шералининг гашига тегмас, аксинча ёқиб тушар эди.

Сабогул каравот четига омонатгина ўтирди. Шералининг назарида Сабогул ўтирган жойдан олов пуркаётгандек бўлди. Сабогул кеча Даша хола тумбочкага солиб қўйган тахсимчадаги бир бурда гўшга вилка санчиб, Шералига тутди. Шерали ўнғайсизланди. Кўзларини жовдиратиб нонуштасини еб олди-ю, аммо ички бир ҳаяжон уни изтиробга сола бошлади.

Сабогул нонушта солиб кирган идишларини йиғиштириб, чиқиб кетгандан кейин ҳам Шералидаги бу ҳолат ўзгармади. Кўзи олдида ҳамон Сабогул турарди. Шерали оёқларини узатиб, бошини ёстиққа қўйди. Кўзларини юмди. Сабогулнинг «Қўлларингиз оғримаяптими?»— дея меҳрибонлик билан айтган ёқимли овозини эшитгандай бўлди. У ҳали кўзини очмай туриб, қулоғи остида яна Сабогулнинг овози эшитилди:

— Шерали ака, ухляяпсизми?

Шерали чўчиб, кўзларини очди. Рўпарасида гўё марварид доналарини саралаб териб қўйгандек ялтироқ тишларини кўрсатиб, кулиб турган ҳамшира билан қўлини тахтакачлаган новча дўхтир турарди.

— Кўзим илинган экан,— деб қўя қолди у.

— Қўл қалай?— Шерали дўхтирнинг биринчи кундагидек ўша ўша жуда жиддий, аммо самимий саволига:

— Раҳмат, қўлларим тузук, фақат оёққа туролмаяпман,— деди оёқларига тикилиб.

— Яхши...— Дўхтир каравот олдидаги табуреткага ўтирди. Хаёл билан дераза олдидаги барғлари бужмайиб, саргая бошлаган толнинг нимжон шохларига тикилиб қолди. Сабогул унинг хаёлини бузишга журъат этолмади. Қўлидаги бинт, пахта ва спиртни тумбочка устига қўяётган эди, дўхтир уни тўхтатди:

— Қўлингизда турсин, керак бўлади,— деди қатъий оҳангда.

Яна бир зумдан сўнг кўзларини деразадан узди, «Яхши!»— дея такрорлаб, ўрнидан турди. Шералининг назарида унинг шусиз ҳам қора юзи янада қорайган, кўз милклари шишгандек эди. Дўхтир билинар-билинемас қалтираётган бармоқлари билан қизарган кўзларини уқалаб қўйгач, Шералининг тахтакачланган қўлини еча бошлади. Ҳаяжони тобора ошиб борарди. Буни билдирмаслик учун ортиқ бир оғиз ҳам сўз айтмади. Шералининг иккала қўлидан тахтакачларни олиб ташлади. Сабогул узатган пахтани унинг билакларига танғиб бинтлади. Энгашиброқ икки қўллаб Шералининг тўпиқлари атрофини босиб кўргач:

— Оёққа туролмаётган бўлсангиз...— у бир зум ўйлангач, ўзича: «Демак, пай ҳам, ўрнидан кўчган»,— дея қўлини нам сочиққа артиб, бошини кўтарди. Сабогул бир нима демоқчи бўлди. Аммо қўл силтаб: «Ҳа, майли, ҳожати йўқ, уч-тўрт парафиндан кейин ўтиб кетади, хавотирланманг»,— деди Шералини тинчлантириб. Елкасига ташлаган тўқ мошранг кители енгига қўл сола туриб, индамай эшик томон юрди.

Шерали «нима бўлди?» дегандек илк бор Сабогулнинг кўзларига тик боқди. Сабогул маъюс ерга қаради. Эшитилар-эшитилмас: «Ўғилларидан қорахт келипти»,— деди бўғиқ овозда. У шундай деб бошини кўтарган эди, Шералининг нигоҳига дуч келиб, қизарди. Пуштиранг

ҳарир каби жимираётган лабини тишлари билан босганча эшикка чиқди. Шерали ҳам нигоҳларнинг фавқулодда тўқнашувидан Тўлғаной билан мактаб синфхонасида ёлғиз тургандаги ҳолатга тушди. Лаблири титраб қулоқлари остида аллақандай овоз тинмай гувиллай бошлади. Тахтакачдан бўшаган бармоқларини авайлаб ҳаракатлантириб туриб, бошини ёстиққа қўйди.

Хаёл унга ҳамон тинчлик бермасди. Унг тирсагини каравотга тираб, чап қўли билан бир амаллаб тумбочка устидаги боя Сабогул қўйиб кетган «Коммунист Таджикистана» газетасини олди. Яшилаб ўрнашиб олгач, одатича биринчи бетдаги совет информбюросининг ахборотини кўздан кечирди. Оператив хабарда совет қўшинлари Венгрияда олиб бораётган муваффақиятли жанглар ҳақида ёзилган эди. Кўксини тўлдириб нафас олди. Бошини дераза томонга бурди. Ғира-шира шом қоронғиси чўккан. Дераза олдидаги толнинг нимжон новдасидаги бужмайиб, сарғая бошлаган япроқлар куз шамолига бардош беролмай, бандидан узилганча чирпирак бўлиб ерга тушарди. Негадир Шералининг юраги сиқилди. Сабогулнинг: «Ўғилларидан қорахат келипти» деган сўзларини хотирлаб, чуқур уҳ тортди. Яна газетага тикилди: «Қизил Армия жанглар давомида немис-фашист босқинчиларни Совет Украинаси, Совет Белоруссияси, Карел-Фин, Молдавия, Эстония, Латвия ва Литва Совет республикаларининг тупроғидан бутунлай ҳайдаб чиқарди. Қардош совет республикаларимизнинг немислар томонидан вақтинча босиб олинган ерларида фашистларнинг уч йиллик истибдоди ағдариб ташланди. Қизил Армия ўн миллионларча совет кишиларини озод қилди. 1941 йилнинг 22 июнида гитлерчи галалар томонидан хиёнаткорлик билан бузилган совет давлат чегараси Қора денгиздан тортиб Баренц денгизигача тамомила тикланди. Шундай қилиб, бу йил совет ерини немис-фашист босқинчлардан батамом озод қилиш йили бўлди».

Шералининг юзидаги бояги тундлик анча тарқаб, мамнун жилмайди. Энди дераза ортидаги нимжон тол новдалари назарида қудратли чинор каби тебраниб турарди. Шерали газетанинг ички бетларига кўз қирини ташлади-ю, тўртинчи саҳифани очди. У газета хабарларига шу қадар маҳлиё бўлган эдики, хонага Сабогулнинг кириб келганини ҳам пайқамади.

— Жуда хурсанд кўринасиз?

Шерали чўчиб, бошини кўтарди. Эшик олдида Сабогул, «Жавоб беринг?» дегандек бошини хиёл эгганча, юпқа лабларини кулгидан йиғолмай тикилиб турарди. Шерали бир энтикди-ю, шу ҳаётбахш лаблардан кўз узолмай қолди. «Бунчалар чиройли кулади бу қиз». Хаёлидан шуни ўтқазга туриб, Павел Ивановичнинг сўзларини эслади: «Балки адашаётгандирман-у, аммо назаримда биринчи учрашган одамнинг кулгиси ёқиб қолса, уни яхши киши деявер, сира адашмайсан». Шерали ҳам лабидаги кулгини йиғолмай, энгашиб, каравот ёнидаги табуреткани хиёл олдинроққа сурди.

— Утиринг, Сабогул, хурсанд қилган ўзингиз,— деди энди Сабогулга зимдан қараб.

Сабогул икки қадам қўйиб, таққа тўхтади:

— Ҳо, нима экан биз хурсанд қилган нарса,— дея Шералига тикилди боягидек болаларча соддалик билан.

Шерали газетага ишора қилди. «Мана мени хурсанд қилган нарса»,— деди-ю, яна Сабогулга тикилди.

Сабогул энди паст овозда бўлса-да, астойдил завқланиб кулди.

— Вой, шунинг ўзими? Унда ҳар куни олиб келиб турганим бўлсин.— У аёлларгагина хос бир жозиба билан Шералига қаради.

Бу қараш шу қадар беозор, шу қадар самимий, айни чоқда қув-



тоқ эдики, Шерали ҳам ўзини тутолмай кулди. «Раҳмат, унда мен ҳам сизга ҳар куни ахборот бериб тураман»,— деди.

— Бўпти!— Сабогул табуреткага ўтирди. Аммо шу заҳотиёқ:

— Вой, хаёлни қаранг, ахир сизга парафин олиб келган эдим-ку!— деб ўрнидан турди. Эшик олдидаги каравот устига қўйган латтага ўроғлиқ парафинни ола туриб:— Қани, ўртоқ бемор, ётиб, оёқларингизни узатингчи!— деди Шерали томон энгашиб. Сабогул парафинни табуретка устига қўяркан, Шералига очиқ чеҳра билан қараб туриб, ўша қувноқ вазиятини бузмай қўшиб қўйди:— Оёғингиз оғримаптими?

Иккинчи бу қарашдан Шералининг юраги қинидан чиқаёзди. Тили учида турган гапни айтди:

— Сиз даволайсиз-у, оғрисинми!— У шундай дейишга деди-ю, аммо ҳозир Сабогул аразлаб чиқиб кетишидан чўчиб, унга қараб қолди.

Сабогул бир жилмайди-ю, аммо ҳеч нарса демади. Парафинни Шералининг тиззалари ёнига қўйди.

Шерали халақит бермасин деб кўрпасини янада пастроққа суриб, ҳамширанинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузата бошлади. Сабогул халати енгини тирсагигача шимарди. Оч-ҳаворанг дуррачаси бошидан сирғалиб, елкаси оша қалин сочларига илиниб қолган эди. Унинг бутун гўзаллиги, тоғ шалоласидек покиза қалби латофат билан балқиб турган юзида акс этгандай эди. Денгиз сувидек тиниқ, мовий кўзлари шу қадар мулојим ва меҳр билан боқардики, ҳар қандай вазиятда — ҳатто ғам-андуҳ ичида ҳам ундан таскин топарди киши. У табиатан шу қадар соҳибжамол эдики, вақти келиб, шундай гўзалликка ҳам ўткинчи йиллар соя ташлашига одамнинг ишонгиси келмасди...

Сабогул чиройли тишларини атайлаб кўрсатмоқчи бўлгандек кулди. Массаж қилаётган ўнг қўлининг ташқи томони билан пешонасига тушган бир тутам сочини юқорига суриб:

— Оғритмаяпманми?— У кўзларини катта очганча Шералига савол назари билан қаради.

— Сиз-а?

Шерали шундай деди-ю, Сабогулга кўз қирини ташлади.

Сабогул бунга сезмади, айтган гапини ҳам эшитмади. Балки эшитган ҳамдир, аммо чурқ этмади. Иссиқ парафинни Шералининг оёқларига қўйди. Устига чаққонлик билан латта ташлади. Энди унинг қиёфаси жиддий, бутун хаёли қилаётган ишида эди. Ниҳоят қаддини ростлади. Халат остида ҳусн-жамолини кўз-кўз қилаётгандек кўтарилиб турган лўппи кўкраклари хипча белини янада бўрттириб кўрсатарди. Оққушларникидек узун, оппоқ, силлиқ бўйинини юқорига чўзди. Томирларини ёзиш учун гавдасига монанд кичкинагина дум-думалоқ бошини орқага ташлаб, бир-икки силкитиб олди. Енгларини туширди. Узун-узун ингичка бармоқлари билан дуррачасини бошига қайта танғиди. Нарсаларни йиға туриб:

— Энди шўхлик қилмай жим ётиб дам олинг,— деди ёлғон пўписа билан, бироқ овозида фақат меҳрибонлик сезиларди.

— Раҳмат, Сабогул!— Шерали ҳамшира нарсаларини йиғаётганини кузатаркан, юраги сиқилиб, зўрға гапирди. Қизнинг унга кўрсатаётган бу қадар катта илтифотидан тўлқинланиб кетган эди.

Сабогул ортиқ Шералига эътибор бермаётгандек эшик томон шахдам борди-ю, аммо тўхтади, Шералига қараб таъкидлади:

— Илтимос, Даша холага айтсангиз, эртага парафин қўямасинлар, энди кунора бўлиши керак.

Шерали завқлашиб кулди. Боши билан тасдиқ ишорасини қилди-ю, Сабогул чиқиб кетиши билан ўтирган ўрнидан қулаб кетадигандек каравотини маҳкамроқ ушлади. Анчагина шу аллозда ўтирди. Кейинги

икки-уч кундан буён ўйлари нуқул шу қизга бориб тақаларди. Энди эса экспедиция ҳам, тоғ биллурини топиш учун қилинган жамики машаққатли меҳнат ҳам Шерали назарида унинг шу қиз билан учрашуви учун кимнингдир олдиндан чизган режаси билан атайин уюштирилгандек бўлиб туюла бошлади. Шерали бу телба ўйни хаёлидан қувмоқчи бўлди. Бошини дераза томон бурди. Қош қорая бошлаган эди. Икки-уч кун олдин сарғайиб бандидан узилаётган тол япроқлари энди кўзига маржон-маржон очилиб, жимирлаб турган оч бинафшаранг сирень бўлиб кўринди. Шерали таажжубланди. Кўзларини уқалаб, яна тикилди. Ҳарчанд тикилмасин, сарғайган япроқлар кўзига гулдастадек кўринаверди. Зум ўтмай, қулоқлари остида тоғ этакларидида қушларнинг тинмай чуғурлаб сайраётган овози эшитилгандай бўлди. У бошини ёстиққа қўйди. Юраги бежо уриб, вужудини мавҳум бир безовталиқ ҳолати қамраб олди. Этлари титраб кетди назарида. Аста-секин бу безовталиқ туйғуларини кўзга кўринмас бир ришта билан шу қадар чирмаб ташладики, юраги бехосдан тўрға илинган балиқ сингари типирлаб, сиқилиб кетганидан дод деб юборишига сал қолди. Ўйларини чалғитиш учун Қутбиддинни, сўнгра Викторни кўз олдига келтиришга уринди. Олисида улар аранг кўринди-ю, шу заҳоти ғойиб бўлишди. Сабогулнинг шахло кўзлари бутун оламни эгаллагандай унга кулиб боқарди. Шерали сўнгни марта тоғда Ошпаз бобо, Бек ва Қиммат билан бўлган учрашувини хотирлаган эди, оқ халатининг икки барини бургут қанотларидек ёйиб, тоғ чўққисидан қаҳ-қаҳ отиб тушиб келаётган Сабогулни кўрди. У Сабогулнинг қуршовида қолди. Эшик тирқишидан ҳам, рўпарадаги каравот устига ташлаб қўйилган қордек оппоқ ёстиқ ортидан ҳам, тоққа қараган дераза ойнасидан ҳам нуқул Сабогул мўраларди. Гўё кўз қорачиғига биров Сабогулни ўрнаштириб қўйган. Ўйларида, хаёлида ҳам Сабогул.

Шерали ўйланиб қолди: «Наҳотки, севиб қолган бўлсам!?» Кўнглидан шу фикр ўтди-ю, сесканиб, бошини кўтарди. Эшик олдида оппоқ уст-бошда Сабогул сувда акси кўрингандек чайқалиб турарди. Шерали гапирмоқчи бўлди — овози чиқмади. Қўлини кўтармоқчи бўлди — мажоли етмади. Чироқнинг хира ёғдусида яна бир тикилган эди, кўз ўнгидида Сабогул соядек бир-икки чайқалди-ю, оҳиста ғойиб бўлди. Шерали ўзига ишонмагандек кўзларини юмиб очди. Қаршисида ҳеч ким йўқ. Эшик тутқичининг оқ қуббачасида чироқнинг акси милтилларди. Остона олдида полнинг косадеккини ўйиқ жойи эса ўпқон сингари қоп-қорайиб, бутун ёғдуни ютиб юборгудек зим-зиё бўлиб турарди...

Кунлар ўтди. Шералининг жароҳатлари тузалди, оғриқлари босилди, аммо вужудини бошқа хасталиқ эгаллади. У энди Сабогулни кўришга илҳақ бўлиб тўлғанар, уни интизорлик билан кутарди. Қиз бирор сабаб билан келмаган кунлари ўзини қўйишга жой тополмасди.

Ниҳоят Шерали касалхонада ётганининг ўнинчи кунини Сабогулга нисбатан муносабатини икки оғиз сўз билан бўлса-да, билдирди. Ҳамон эсида. Уша кунини тонг ҳам ўзгача шукуҳ билан ёришди: тоғ ортидан алвондай товланиб кўтарилган қуёш нурлари атрофга тара-лаётганда, Шерали мудроқ кўзларини чўққидан узмай қараб ётарди. Бир тутам нур у қараб турган ойнага тушиб, ёйилиб хонага кирди. Шерали тўғридаги каравот устидаги оппоқ ёстиқда жилваланаётган нурга тикилди. Кўзи жимирлаб, ёшланди. Нур хонага олиб кирган илиқ ҳаводан Шералининг баданлари қизиди. Ёқимли бир туйғу юрагини қитиқлай бошлади. Ўйларини яна Сабогул сари етаклади. «Қандай яхши қиз!» — дея хаёлидан кечириб турганда, эшик ғийқиллаб очилди. Оқ халатнинг бари кўринди. Шерали бугун Сабогулнинг навбати эканлигини кечқурун хаёлидан ўтказиб, уни муштоқ бўлиб кута-



ётган бўлса ҳам, одатдагидан анча барвақт кирганидан қувонди. Ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Қимирламанг, нега ўрнингиздан турдингиз?— Сабогул бир текис чиройли тишларини ярқиратиб, жилмайганча икки қадам қўйиб тўхтади, ўзининг бу келиши Шералида қандай таъсир кўрсатганини билмоқчи бўлгандек кўз қирини ташлади. Бу сирли боқишдан ҳеч нарса англамаган Шерали каравот тағидаги табуреткани олдинроққа сурди.

— Келинг, Сабогулхон, ўтиринг,— деди ҳаяжонини яширишга тиришиб. Унинг ҳолати бир лаҳза ичида шу қадар ўзгариб кетдики, ўз овозини ҳам аранг эшитар, қулоқлари остида бир нарса қаттиқ шангилларди.

Сабогул буни сизди, ортиқча хижолат қилмаслик учун лабларидаги табассумни йиғди. Сочининг бир ўрминини тутамлаганча назокат билан гапирди:

— Шунчаки сиздан хабар олай деб кирган эдим.— Сабогул халати остида қўлтиғига қистирилган гулдор пайпоқни олиб, каравотнинг оёқ томонига қўйди. Бир оз тарадудланиб: «Иссиққина, киярсиз, биз томонларда тоғ ҳавоси салқин бўлади»,— деди оппоқ юзи лоладек қизариб.

Шерали қувониб кетганидан «Раҳмат!» дейишни ҳам унутиб, ҳайрат ичида Сабогулга тикилди. Сабогул ерга қаради. Орага ноқулай жимлик чўкди. Шерали нимадан гап бошлашни билмай, ўзининг бу ҳолатини лаънатлар, не машаққат билан ўйлаган фикрлари эса тутқич бермай баҳор булутларидек бир зумда тарқаб кетарди. Шу топда Шералининг хаёлига ла қаерданам «тортинчоқлик — болалик аломати» деган фикр келди-ю, ўзини ушоқдек ҳис этди. Мармар ҳайкалдек қотиб турган Сабогулга нажот тилагандек қаради. Сабогулнинг кўкраклари тез-тез кўтарилиб тушар, ўйчан кўзларини ҳамон ердан узмасди. Шерали ўзини ўнглаб олиш учун зўрма-зўраки томоқ қириб:

— Овора бўлиб нима қилардингиз, Сабогулхон,— деди боягидек

титроқ овозда ва оёғи устидаги пайпоқни қўлига олди. Унинг юқори қисмидаги популларини силаб туриб: «Жуда чиройли экан, ўзингиз тўқидингизми?»— деди гапга гапни улаш учун.

Сабогул кўз қири билан Шералига қараб:

— Биз томонларда жўроб<sup>1</sup> тўқимайдиган аёл бўлмайди. Тағинам меники унча чиқмади,— деди.

— Аксинча, сизники энг чиройлиси.

— Қаёқда, сиз яхши жўробни ҳали кўрмагансиз-да!

Шерали ўрнидан туриб, табуреткани Сабогулнинг олдига олиб бориб қўйди. Бир қадам тисарилиб, ерга қараган эди, қизнинг жуда ихчам ва магазин ойналарига қўйиладиган маникенларникидек силлиқ узун оёқларига кўзи тушди. Чумоли ўрмалаган каби эти жимирлади. Бу ўнғайсиз ҳолатни Сабогулнинг кўзидан яшириш учун дераза томон юрди. Тумбочка устидаги стаканни олишга энгашаётганида, қулоғига Сабогулнинг мулоғим овози чалинди:

— Худога шукур-ей, бемалол юрадиган бўлибсиз...

Сабогул яна бир нарса демоқчи бўлиб оғиз ростлади-ю, аммо хўрсиниб қўя қолди. Шерали ялт этиб унга қаради. «Наҳотки, юраги менга шунчалик ачишса!» Хаёлидан шу фикр ўтаркан, ўзини дадил тутди. Ёниб турган кўзларини Сабогулга тикди. Боягина Сабогул ҳақидаги ўйларини энди овоз чиқариб айтди:

— Қандай яхши қизсиз, Сабогул! Шунини ўзингиз ҳам биласизми?

Бу кутилмаган саволдан Сабогул ўнғайсизланди, бутун вужуди ловуллаб ёниб, ўпкаси тўлди, чунки ҳали ҳеч кимдан бундай ширин сўз эшитмаган эди у. Она меҳрига қонмади. У чақалоқлигидаёқ онаси оламдан ўтган эди. Отаси ер ислохотининг суронли йилларида қулоқларга қарши курашда қурбон бўлди. Яккаю-ягона бобоси уй-рўзғор ишлари билан бўлиб, уни эркалатишга қўли тегмас, умуман бобо турмуш машаққатлариданми, табиатанми — ҳар қалай хийла камгап, сал нарасага ёниб, жигибийрони чиқадиған тажанг одам эди. Сабогул бобосининг оппоқ қалин қошлари остидаги қовоғи уюлганини кўрганида, унга яқинлашмасликка тиришар, ҳамма айтганларини бетўхтов бажо келтирарди. Бу ёқда уруш бошланиб, бобонинг бир дарди ўн бўлди. Энди у ёлғиз набирасининг ташвишида тунларни мижжа қоқмай, бедор ўтказар, кўзи очиглигида унга бировнинг этагини тутқазишни ўйларди. Бобо Сабогулни қўшни қишлоқлик узоқ бир қариндошининг Абдухолик исмли ношудгина ўғлига ўртага бир коса сув қўйиб никоҳлаб берди-ю, имони тинчигандай бўлди. Орадан ой ўтмай, Абдухолик кўп қатори урушга кетди. Бобо энди ҳолдан анча тойган, тирикчилик набирасини ишга қўйишга мажбур этди. Сабогул бошда ҳамширалар тайёрлайдиган қисқа курсда ўқиб юрганида, касалхонада энага бўлиб ишлади, курсни тамомлагач, уни ҳамшираликка қўйишди. Шунга ҳам хаш-паш дегунча икки йил ўтибди...

Сабогул шулар ҳақида ўйлади. Кўз олдида гоҳ қовоғини уйиб олган бобоси, гоҳ Абдухолик, гоҳ энди атак-чечак бўлган қизи келиб, ўзини йўқотаёзди. Бошини кўтариб, қаршисида саволига жавоб кутиб турган Шералига тик боқди-ю, аммо бир нима деёлмади. Узун киприкларини пирпиратганча, кўзини олиб қочди. Эшитилар-эшитилмас:

— Ҳечам ундоқ эмас... сизга шундай туюлаётгандир,— деди титроқ овозда ҳаяжондан энтикиб ва ўрнидан туриб, эшик томон бир қадам қўйган эди, орқадан Шералининг: «Шошманг, Сабогул!» деган хитобини эшитиб, яна бобоси, унинг кетидан Абдухолик билан қизчаси кўз олдига келди. Аммо энди у ҳам ўзини идора этиш қобилиятидан маҳрум бўлган, Шералига қайрилиб қарашга ҳам юраги бетламаётган эди. Тўлқинланиб кетган туйғулари қалбига ҳамла этиб, ўйларини

<sup>1</sup> Жўроб — жун пайпоқнинг бир тури.

айқаш-уйқаш қилиб ташлади. Қулоқлари остида янграган Шералининг овози энди ёқимли қўшиқдай бўлиб туюлди.

— Бир дамгина шошманг, Сабогул!— Шералининг ҳаяжони ошди. У ялинчоқ овозда аранг шу сўзларнигина айтди-ю, қулт этиб ютинди. Ортиқ гапиролмади. Сабогул Шералининг бу ҳолатини сезди. Юрагининг гупиллаб ўраётганини баралла эшитгандай бўлди. У бу ноқулай вазиятдан қутулиш учун шахдам одимлаб, хонадан чиқиб кетмоқчи бўлди, жазм этолмади. Шу вақтгача ҳис этмаган қудратли бир куч уни орқага судради. Сабогул идрок буюрганига эмас, қалб буюрганига бўйсунди. Боши эгилди. Юрагининг аллақаерини қитиқлаётган пинҳоний туйғу орадаги бу вазиятнинг нима билан хотималанишини орзиқиб кутишга ундаётган эди.

Шерали икки-уч қадам қўйиб, Сабогулга яқинлашди. Сабогул унинг энтиқиб нафас олаётганини сезди, ўтли ҳарорат қулоғи ортидаги сийрак сочларига урилиб, қалбини қитиқлай бошлади. Сабогул ортиқ чидаб туролмади. Эшик томон бир қадам илгариледи-ю, аммо шу заҳотиёқ ноҳўя иши учун кечирим сўрамоқчи бўлган одамдек орқасига қайрилган эди, ёниб турган рухсори Шералининг лабларига тегди. Шерали оёғи остидан ер узилгандай бир қалқиди-ю, ғайришуурий тарзда Сабогулни бағрига босди. Лабларини янги бўсага чоғлаётганда Сабогул унинг қўлидан сирғалиб чиқиб, эшик томон югурди.

## Ўнинчи боб

**Ш** у бир онлик учрашув, ҳаётида содир бўлган бу фавқуллодда бурилиш Сабогулнинг бутун борлигини қаттиқ ҳаяжонга солди. Шифохонада ортиқ туролмади. Отилиб кўчага чиқди. Шифохона биносининг орқа томонидаги энсизгина ёлғизоёқ йўлдан чопиб борар, боягина томчилаб ўтган эмғирдан қурилмаган гиёҳлар оқ халатининг этакларини шалаббо этганига ҳам эътибор бермай, ҳансираганча илгариларди. Сўқмоқ бориб арава йўлига туташган жойга етгач, тўхтади. Нафасини ростламоқчи бўлди. Аммо туйғулар оқими қалбига шу қадар зарб билан урилаётган эдики, нафас ростлаш у ёқда турсин, бўлаётган воқеаларни совуққонлик билан идрок этишга ҳам имкон бермасди. Сабогул йўл четидаги тарвақайлаган тол дарахтига суянди. Кўкраклари безовта кўтариллиб тушар, паришон сочлари унга таскин бераётган каби бўғриқиб, лоладек қизарган рухсорларини силаб-сийпаб тебранарди. У бир лаҳза ором олгандек бўлди. Бироқ ўйлари ҳамон тинмас эди. Қуюн бўлиб ёғилаётган фикрлар унга тутқич бермасди. Хаёлини борган сари кўпроқ банд этмоқда эди. Баркамол, барно тоғ аёлларига хос ўта соф ва гўзал ҳиссиёти нафис қалбини забун этаётганини сезиб турса-да, монелик кўрсатишга ожиз эди. Сабогул йўлнинг нариги бетидаги кичик ариқчадан ҳатлади. Дўлана барглари деярли беркитган кичкинагина дераза ойнасини эҳтиётлик билан чертди. Шу заҳотиёқ Даша холанинг ташвишли юзи кўринди, лаҳза ўтмай дераза ёнидаги пастак эшик ғийқиллаб очилди. Даша хола уйқули кўзларини «тинчликми?» дегандек ҳайрат ичида Сабогулга тикди.

— Ҳавотирланманг, Даша хола, ишга келишга келдим-у, нимагадир мазам қочяпти. Титраб-қақшаб, ўтиргани жой тополмаяпман. Шу...

Сабогул бошини эгди. Даша хола Шерали касалхонага келгандан буён Сабогулнинг ўзгариб қолганини билган эди-ю, аммо бу ҳақда унинг ўзига ҳеч нарса демаяпти. Икки-уч кун бўлди. Сабогул Шерали билан муносабатлари жиддийлашиб бораётганини айтиб, бобоси уни қандай узатгани-ю, эридан қорахат олганигача гапирган эди. Даша хо-

ладан аниқ бир маслаҳат кутган эди. Бироқ Даша холадан тайин гап чиқмади. Бўшашиб: «Қайдам, бу қирғин жангида ким ўлиб, ким қолганини билишам қийин. Ўйлаб кўр, болам»,— деб қўя қолган эди. Сабогулнинг ҳозирги туриши Даша холани анчайин ўйлантириб қўйди. Уларнинг муносабатлари чиндан ҳам жиддийлашиб қолганини ҳозир бутун қалби билан ҳис этди-ю, нима дейишини билмай қолди. Негадир кўз ўнгида тутуни кўкка ўрмалаб ёнаётган қишлоқлар жонланди. Қулоқлари остида болаларнинг чийиллаган овози, жонини ҳовучлаб қочаётган одамларнинг чинқириқлари эшитилгандай бир сесканди. Тўфон жангида жон олиб жон бераётган солдатлар орасида Сабогулнинг ҳам эрини кўргандек бўлди. Хиёл қалтираётган ўнг қўли билан томоғини силаб туриб, маъюс кўзларини Сабогулга тикди. У, ҳаяжонини босишга қанчалик ўринмасин, уддасидан чиқолмади. Зўрға гапирди.

— На чора, болам, бориб бирпас дамингни ол, ўтиб кетади,— деди юзидаги аламли ташвишни йиғолмай.

Сабогул ялт этиб Даша холага қаради. Уни бу ҳолатда сира кўрмаган эди. Довдираб, қизарганча кўзларини яширди. Даша хола уни ортиқ қистовга олмади. «Ҳозир этиб бораман»,— деб уйига кириб кетди.

Сабогулдаги бояги ҳаяжон энди изтиробга айланди. Изига қайтди. Тоғ этагидаги қия очиқ турган эшик томон югурди. У остона ҳатлаб кираркан, ҳовли тўридаги офтобрў супачада кўксига тушиб турган оппоқ соқолини селкиллатганча эски аррани ғижирлатиб эговлаётган бобосига қайрилиб ҳам қарамади. Кўча эшигидан кираверишдаги чап томондаги хонага бурилди. Эшикни бекитди-ю, девор тагига ташланган гулдор кўрпачага чўзилди, юзини ёстиққа босганча, ҳўнграб юборди. Ҳиссиётлари кўз ёшига айланиб, маржон-маржон бўлиб оқар, ичидан тўлқинланиб келаётган аламини босолмай инграрди. Аччиқ тақдирига ўкинарди. Тасодифий турмуш, бу ҳам камлик қилгандек Абдухолиқнинг ҳалокати, мусаффо орзулари, тиниқ тилаклари ғунча кўрмай хазон бўлгани уни ўртар, бир оғиз ширин сўзга, иккинчи бир қалбнинг меҳрига маҳтал қалби Шералига талпинарди. Бироқ ҳаёти таъбирсиз туш каби қоронғилигини яхши билар эди. Бугун шу қоронғиликка бир тутам нур ёғду таратди-ю, Сабогулни баттар ўртаб, қалбига ваҳм сола ботулади. Зеро бу қувончнинг эртаси чиндан ҳам ўша таъбирсиз туш каби мужмаллигини Сабогул тушуниб турибди. Аввало қишлоқ аҳли нима дейди? Эридан қорахат олган ёлғиз уми? Ён-веридаги бошқа ёш оналарчи? Аммо «ноумид шайтон» деб ўтиришибди, нигорон кўзлари йўлда. Сабогул уларга нисбатан бошқача турмуш қурганини, қалби учун Абдухолиқнинг бор-йўқлиги, бари бир эканлигини элга ошкор айласинми? «Шаҳвоний ҳиссиёти туғён уряпти», деб айблашиш-майди уни?

Сабогул бу саволларнинг биронтасига жавоб тополмай, талмовсирар, нажот йўлини излаб кўз ёшига зўр берарди.

Шу фикрлар оғушида кўзи илинган экан, бобосининг овозидан чўчиб, бошини кўтарди.

— Сенга нима бўлди?

Сабогул сапчиб ўрнидан турди. Еқасини тузатди. Узун-узун ингичка бармоқлари билан тўзғиган сочларини нари-бери тартибга келтирди. Саволига жавоб кутаётган бобосига қараб юраги шувиллаб кетди. Бобосининг қалин қошлари остидаги кўзлари унга аччиқ истеҳзо билан тикилиб турарди. Ўнг юзи ҳам тинимсиз учяпти. Демак бир нарсдан қаттиқ ташвишланыпти. Сабогул нима қиларини билмай довдираб қолди. Ютиниб, ўзини босиб олди.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бобожон! Негадир тобим қочиб, ишдан сўраб келиб ётган эдим,— деди хаста овозда.

У кўзларини бобосининг найзадек қадалиб турган кўзларидан олиб қочди.

Бобо «астафирилло» деди-ю, букик елкасини қисиб, тўнининг барини кўтарди. Бир нима демоқчи бўлиб, Сабогулга яна бир қаради. Аммо индамай остонага қадам қўйди. Кўчага чиқиб, олисроқда болалар даврасида ўйнаётган жажжигина аварасига ўйчан боқди. Қайтиб келиб, ўрнига ўтирди-ю, бошини кўллари орасига олиб, чайқала бошлади. Унинг елкалари силкинарди.

Сабогул очиқ қолган эшикдан ташқарига қаради. Бобосининг бу аҳволини кўриб, ўйланиб қолди. Куёш қизариб, уфққа ёнбошлаётган эди. Унинг шуъласидан кўзи қамашди. Яна бобосига қаради. «Нима қилсам экан? Ҳамма гапни айтиб, ўтинч сўраб оёғига бош урайми?» Сабогул титраб-қақшаб бобосидан кўзини олиб қочди. Иккинчи бир куч унга монелик қиларди: «Йўқ, йўқ,— дея шивирлади Сабогул,— йўқ, асло, ахир Шерали... У яна ўзини кўрпачага ташлади, овозини чиқармаслик учун юзини ёстиққа босди. Кўз олдидан Шерали сира нари кетмай қолди. Бобоси ширин туш кўраётганида уйғотганини эслади. Ҳаммаёқ сутдай чайқалиб турганмиш. Бундай ёғдуни у сира кўрмаган эди. Ой ва куёш нуридан бошқача. Тоғлар тўқ жигарранг бўёқда, дарахтлар чаппор гуллаган, шаршарадан оқаётган сув тинмай гувиллаб, еру кўкни ларзага солаётганмиш. Тоғ этагидаги майса гиламлар сув шабадасида тинмай тебранаётганмиш. Чўғдай ловуллаб турган лолазорнинг бир чеккасида қизини бағрига босганча турганмиш-у, Шерали уни тоғ чўққисига имлаётган эмиш. У эса бир ёқдан тезроқ қишлоққа кетишга ошиқса ҳам, Шералининг қоядан қулаб тушишидан чўчиб, гоҳ қизига, гоҳ қоядаги Шералига аросатда қолган одамдек қарар, нима қиларини билмасмиш. Шу пайт қизи бағридан отилиб чиқиб, ўзини лолазорга ташлабди. Онасининг чинқириб қолганига қулоқ ҳам солмай, кичкинагина оёқчалари чалишганча қишлоқ томон чопқиллапти. Худди шу ўринда Сабогул бобосининг овозидан чўчиб уйғонди.

У кўрган тушининг таъсирида бўшашганча ўрнидан туриб ўйланиб қолди. Шерали қизи борлигини билса нима деркин? Узоқ ўйлади. Яна бобоси кўз олдига келиб, ҳовлига чиқди. Бобоси йўқ. Қўрқа-писа ҳамон қия турган эшикдан кўчага қаради.

Куёш тобора катталашиб, уфққа, Афғонистон тоғлари устига ёнбошлар, унинг қизғиш нурлари сийраклашиб, атрофга ним қоронғи чўка бошлади. Сабогул камзулининг чўнтагига уч-тўртта қурт солиб, кўчага чиққанда совуқ шамол эсаётган эди. У ҳали беш-олти қадам қўйиб улгурмай, ёмғир томчилай бошлади. Жигарранг чий духоба камзулининг ёқасини кўтарди. Дуррачасини қулоқлари устидан танғиб



Расмларни А. Холиқов чизган.

олгач, қизини бағрига босганча тез одимлаб шифохона олдига келди-ю, негадир қадаминг секинлатди, биров таъқиб этаётгандек туюлди на-зариди. Қўл-оёқлари бўшашди. Кўчанинг нарёғига ўтди. Қизини ерга қўйган эди, у жажжигина қўлларини ёмғирга тутди. Муздай ёмғир томчилари этини сескантиргандан қийқириб, онасининг этагидан ушлаганча, «Дачча хола, Дачча хола!» дея касалхона томон тортқилай бошлади. Сабогул қизининг хархашасига бепарво, ҳамон ўз хаёли билан эди. Қулоқлари остида Шералининг: «Қандай яхши қизсиз, шуни ўзингиз ҳам биласизми?» деган сўзлари жаранглагандек бўлди. Бир чўчиб тушди-ю, қизига:

— Даша холага олиб борайми?— деди. Қизчаси қийқириб, сакрай бошлади.

Сабогул уни кўтариб олди. Хаёлидаги қарама-қарши фикрлар тинч-лик бермасди. Беихтиёр яна шифохона томон одимлади. Қизи сочлари-ни титкилаётганини ҳам, нималарнидир бижирлаётганини ҳам сезмас, шифохонага ҳам нимага бораётганини билмаса-да, юрак буюрганни бажо келтириб одимларди. Ниҳоят эшик олдига келиб тўхтади. Юраги дукиллаб кетди. Дармонсиз бармоқларини эшик тутқичидан бўшатиб, орқага тисарилди. Эшикнинг ўнг томонидаги девор тагида тахтадан омонатгина ўрнаштириб қўйилган скамейкага ўтиргандагина қизининг «Дачча хола»,— дея кичкина қўлчалари билан эшикка ишора қила-ётганини кўрди. Қизига қараб ғайритабиий бир йўсинда жилмайди-ю, хаёлига яшин тезлигида бир фикр келгандай «ҳозир»,— деб беихтиёр ўрнидан турди. «Даша холагагина учрайман»,— деб ўйлади у. Шахдам юриб эшикдан кирди. Коридордаги скамейкада икки-уч ярадор солдат ўтирарди. Сабогул уларга эътибор ҳам бермади. Қизини ерга қўйиб, кираверишдаги эски тош ойнага қараб тўзғиган сочларини тартибга келтиргунча қизи коридордан пилдираб кетди. Шерали ётган хона эши-гига етганда, Даша холанинг овозини эшитиб, ўша ёққа чопди. Унгача эшик олдига келган Даша хола оёқларида ўтириб олиб: «Вуй, вуй, вуй, қаранг, ким келяпти, қани, қани, бу ёққа келчи, Садбарг,— дея бағрини очди. Садбарг ўзини Даша хола бағрига отиб қийқирди.

Даша хола Садбаргни кўтариб юзларидан ўпди, халати чўнтагидан бир тишлам қанд узатиб, энди ерга қўймоқчи бўлиб турганида, Сабо-гул етиб келди. Даша хола уни ташқарига имлаб, ўзи эшик томон юрди. Даша холани ташвишли кўрган Сабогул эшикдан чиқишга ҳам сабри чидамай: «Тинчликми?»— деди кўзлари ола-кула бўлиб. Унинг ғашлиги баттар ошди. Даша хола индамай кўча эшигини очди. Ёмғир боягидан анча тезлашган бўлса-да, осмон ёриша бошлаган эди. Даша хола эшик ортига ўтиб, Садбаргни ерга қўйди.

— Бобонгни кўрмадингми? Ҳозир чиқиб кетди,— деди хавотирла-ниб Сабогулга.

Сабогул қилт этиб ютинди. «Йўқ» ишорасида бош чайқади.

— Авзойи жуда бузуқ.— Даша хола шивирлади. «Алла қайси юрт-дан бир бола келган экан, шу ростми?»— деди титраб-қақшаб.

— Ҳа, рост, беморларнинг кўпи ҳар ердан келган одамлар,— де-дим. «Уни айтаётганим йўқ, бошқа юртдан эмиш»,— деди яна жаҳл билан. Қўрққанимдан индамай елка қисдим. Бирпас туриб, шахдам чиқиб кетди.

— Боя ҳам авзолари жуда бузуқ эди, биронтаси бир нима деган-микин?— Сабогул қўрқув аралаш Даша холага қаради.

Даша хола ҳеч нарса демади. Уйланиб қолди. Энди бир нима де-моқчи бўлиб, оғиз ростлаган эди, ичкаридан кимдир уни чақирди. Сабогул ҳам Даша холанинг орқасидан эргашди.

Сабогул Шерали ётган хонанинг очиқ қолган эшигидан ичкарига қаради. Шералидан ҳол-аҳвол сўраб, бир зум иккиланди. Бурилиб



кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо аллақандай ғойибона бир куч уни ичкарига киришга ундарди. Сабогул бу куч олдида ожизлик қилди. Беихтиёр хонага кирди. Очиқ эшикдан эсган шамол уй ичида гувиллаб, Сабогулнинг сочларини тўзғитди. У Шералининг елкаси оша очиқ деразага қараб: «Вой, елвизак қилиб қўйибмиз-у»,— деб эшикни икки қўллаб итариб ёпди. Шерали қулай фурсатдан фойдаланди.

— Қўяверинг, геологлар жони қаттиқ, бардошли одамлар бўлишади, ҳамма нарсага чидайверишади деди ва сўзлари қандай таъсир этаётганини билиш учун атайлаб Сабогулга тикилди-ю, юзидаги табас-сум йўқолди. Юрагига ғулғула тушди. «Наҳотки эрталаб хафа бўлиб кетган бўлса?»,— дея хаёлидан ўтказди. Бошига келган бу фикрдан чўчиб, кўзларини илтижо билан Сабогулга тикди. Бир онлик сукут ичида Шералининг хаёли олам кезди. Сабогулнинг авзойи тамоман ўзгарган, у Шералига қайрилиб ҳам қарамас, Даша холанигина кутиб тургандек туюлди назарида. Шерали яна бир зум тараддудланиб, сўнг хириллаган бўғиқ овозда сўради:

— Нима бўлди, Сабогулхон, тобингиз қочдимми? Эрталаб ҳам Шерали қизнинг руҳиясига қараб, «индамай кетиб қолибсиз» демоқчи эди,— кетиб қолибсиз? деб сал ўзгартирди.

— Ҳеч нарса қилгани йўқ, ўзим... Сабогул тараддудланди, ўзини бир оз ўнглаб олгач:— Уйда ишим бор эди,— деди анча жиддий оҳангда.

Сабогулнинг эрталабки қувноқлигидан асар қолмагани, ранги сийниқиб, кўзлари ич-ичига ботиб, бу қадар ўзгаргани Шералини ўйлантириб қўйди. Хаёл минг ёққа тортқиларди. Ниҳоят буни аёлларнинг ўзгарувчан табиати, инжиқлигига йўйди. Шу билан ўзига таскин бергандай бўлиб тинчланди. Ўрнидан турди. Қаловланиб каравот тагидаги табуреткани олди. Сабогулга яқинроқ бориб, босиқ овозда:

— Ўтиринг, Сабогул, толиқиб қолганга ўхшайсиз,— деди ҳаяжонини мумкин қадар яширишга тиришиб.

Сабогул унинг овозида ҳам ачиниш, ҳам аллақандай безовталиқ сезди. Бироқ буни Шералига билдирмади. Тил учуда «рахмат» деб табуреткага ўтирди-ю, чўнтагидаги қуртларни тумбочка устига қўйди. Безовта қалби Даша холанинг гапидан ҳамон титрарди. Шерали қуртларни кўрмади. Ҳали муносиб бирор сўз ҳам тополмай, эшик ортида нимадир тиқирлай бошлади. Сабогул шошилиб эшикни очди. Хонага Садбарг пилдираб кириб, онасининг этагига ёпишди. Шерали анча енгил тортди. Сабогулни гапга солиш учун яхши восита ўз оёғи билан келиб қолганидан қувониб:

— Вой, мунча чиройли экансан-а, кимми қизисан?— дея бевосита болага мурожаат қилди орадаги ноқулай вазиятни бартараф этмоқчи бўлиб.

Садбарг индамай, юзини онасининг этаги ортига яширди.

— Ойимми қизи, демайсанми?— Сабогул зўр-зўраки шундай деб Садбаргни кўтариб, эшик томон юрган эди, Шерали яна савол берди:

— Ростанам, кимми қизи бу, Сабогулхон?

— Узимники!

Томоғига тиқилиб келган йиғини аранг тўхтатиб шу бир оғизгина гапни айтди-ю, чўчиб, Шералига қараб хиёл жилмайди.

Шерали ҳам кулиб турарди. У Сабогулнинг юзига табассум югурганидан мамнун бўлиб:

— Ҳазилкаш экансиз!— деди, кўнгли анча ёришиб.

Сабогул худди шу сўзни кутиб тургандай, ички изтиробини яшириш учун кулди. Моҳир мўйқалам соҳиби чизгандек қайрилма қошларини чимириб, аламли кўзларини Шералига тикканча хайрлашди-ю, эшикдан чиқди. Шерали ҳозир унинг шу бир боқишига дунёнинг жа-

мики лаззат-фароғатларини беришга тайёр эди. Унинг учун бундан ортиқ лаззат йўқ. Сабогулнинг ёқимли овози, гўзал кулгиси, меҳр тўла боқиши Шералини денгиз тўлқинларида тебратиб аллалаётгандай бўлди. У очиқ деразадан хонага ёпирилиб кираётган тиниқ тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб бир текисда нафас олди. Тинимсиз туйғулар оқимидан роҳатланиб, кўзларини юмди. Даша холанинг хонага кирганини ҳам, чақирганини ҳам пайқамади. Ҳамон ширин орзулар қанотида парвоз этарди.

Даша хола табуреткани каравот олдига суриб, шовла солинган тақсимчани тарақлатиб қўйди. Шерали кўзини очиб, йманибгина:

— Кечирасиз, сезмабманам,— деб Даша холага қаради-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Унинг кўзлари қисилган, қимтилган лаблари титрарди.

— Ҳеч қиси йўқ, тузалгач сезгир бўлиб қоларсиз, ҳозирча ана у қуртларни еб туринг,— дея тумбочка устидаги қуртларга истеҳзо билан ишора қилиб, юзини бурди.

Шерали ўйланиб қолди: «Даша холага нима бўлди, боя бинойидек очилиб гапирётган эди-ю...» У Даша холага зимдан қараб қўйди. Холанинг алланимадан қаттиқ ташвишланаётгани шундоққина билиниб турарди.

— Сизга нима бўлди, Даша хола, ё бир ерингиз оғрияптими?

Даша холанинг ўпкаси тўлди. Ортиқ чидай олмади.

— Оҳ, қани эди бир ерим оғриси, унинг давоси осон эди-ку! Юрак ўлгур оғрийдди. У илма-тешик бўлиб кетган аламдан.

— Тушунмадим, Даша хола, нима бўлди? Очиқроқ гапиринг.

— Нимани очиқ гапирай, газанда немис жигаргўшаларимни кўзим олдида чавақлаб ташлаганиними?.. Ним-мани?! Сиз ҳам юрагимни эзиб нима қиласиз? Олинг, овқатингизни енг!— Даша хола Шералини жеркиб ташлади. Бошидаги дуррачани олиб, кўзларига босганча ҳўнграб эшикдан чиқиб кетди.

Шерали унинг кетидан анчагача тикилиб қолди. Юрагини биров чимдиб олгандай бир-икки туртиб, қаттиқ санчий бошлади. Шерали ўрнига чўзилди. Даша холанинг ўкириб йиғлагани анчагача қулоқлари остидан нари кетмай ўйланиб ётди. Негадир Сабогулнинг ҳам чеҳраси тунд. Хаёл уни аста-секин яна Сабогул сари етаклади. Унинг жилмайганча чиқиб кетган сурати кўз олдидан нари кетмай қолди. Шерали энткииб нафас олиб, кўзларини юмди. Қулоқлари остида Сабогулнинг шивирлаган овози эшитилгандай бўлди. У олиб келган қуртлардан бирини қўлига олди. Тамшаниб, қуртдан бир тишлади-ю, яна Сабогулни ўйлади. Алламаҳалгача ҳар хил ўйлар унга тинчлик бермади. Нималар ҳам хаёлига келмади: ҳатто маҳалла болалари билан тош талашиб, Салим «қўшбош» деган тенгдошини яхшилаб дўппослагани-ю, дадаси билан Сулаймонтоғ этакларида сайр қилганларигача бир-бир кўз олдидан ўтди, юраги алланечук яйраб кетди. Шу топда совуқ қилиқлари ва шумлигидан ҳамма болалар ёқтирмаган, хумдай калласининг ўртасидаги чуқур из бошини шундоққина иккига бўлиб қўйгани билиниб тургани учун «қўшбош» деган лақаб олган Салим ҳам кўзига оловдек кўринди. Шерали кўзларини бир нуқтага тикди. Болалик йиллари ўтган Сулаймонтоғ этакларидаги майса гиламлардан ажиб бир ҳид анқигандек чуқур нафас олиб хўрсинди. Вужудини ёқимли бир туйғу қамраб олди. Эти жимирлади. Оёқларини узатиб, кўзини юмди. Бу ҳузурбахш туйғунинг чексиз давом этишини, унинг кўз илгамас сеҳрли риштаси вужудини маҳкамроқ чирмаб олишини истарди шу топда.

Эртаси куни Шерали ўша-ўша енгил руҳ ва қалбида чексиз қувонч билан кўзини очганда, рўпарасидаги каравот устидаги оппоқ чойшабда қуёшнинг заррин нурлари мавж уриб товланарди. Бошини дераза

томон буриб, тоғ бағрига қаради. Шишадек осмон жигарранг қояларга қадалиб турибди. Ҳавонинг кечаги тундлигидан асар ҳам қолмаган. Тоғ этақларидан бурала-бурала кўтарилаётган ҳовур жимирлайди. Шерали қалбида аллақандай мусиқий бир оҳанг уйғонди. Бир пиёла чой ичгудек вақт ўтмай, у бу оҳангни баралла эшита бошлади. Яна бир фурсат ўтгач, бу мусиқий овоз тоғ бағридаги бутазорлардан элас-элас эшитилаётган кушлар нағмасига жўр бўлгандай янграб, қалбини шу қадар тўлқинлантириб юбордики, Шерали беихтиёр ўрнидан турди. Узунаси ҳам, эни ҳам уч қадамча келадиган хонада секин у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Қалби уни бепоён кенгликларга, гўзаллик олами сари етакларди. Шерали қошларини чимирганча деразага тикилди. Кушлар чуғурлашар, борлиқ тун уйқусидан уйғониб, бугунги ҳаёт бошланганидан дарак берарди. Шерали тароватли субҳидамни узоқ кузатди. Унинг назарида бугун ҳамма нарса фавқуллодда сўлим, кушларнинг нағмаси эса одатдагидан жозибалироқ эди. Шерали залворли қадоқ қўли билан пешонасини силади. Сабогулни кўрганидан буён ўзида содир бўлаётган ўзгаришни ўйлаётиб, оҳиста одимлади. Каравотига бориб ўтирди. Эшик тиқирлагандай бўлди. Сапчиб ўрнидан турган эди аллақачондан ғувиллаб келган шамол Шерали хонасининг эшигини зарб билан очиб юборди. Шерали эшикни ёпмоқчи бўлиб ўрнидан турганда, шамол учуриб келгандай хонага Сабогул кириб келди.

— Ассалому алайкум, тузукмисиз?

Кутилмаганда Сабогулнинг қўшиқдай янграган овозидан Шерали эсанкираб қолди. Ўрнидан тураётиб: «Ваалайкум ассалом!»— деди-ю, Сабогулнинг ташвишли, ғамнок кўзларига қараб нафасини ичига ютди. Унинг борлигини қамраб олган қувноқ туйғулар ўрнига туманли бир қайғу ҳукмрон бўлди. Дераза олдида туриб қолган Сабогулга яқинлашиб, оҳиста сўради.

— Нима бўлди? Тинчликми?

— Сабогулхон!

Сабогул қўлларини юзига босиб, пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Сабогул... Сабогул!..

Сабогул кескин бурилиб, Шералига тик боқди. Икки жуфт кўз икки қалбнинг сеҳрли уришидан маъно уқмоқчи бўлгандек бир-бирига қадалиб қолди. Ниҳоят Сабогул ортиқ чидай олмай, ёшли кўзларини Шералидан ўзиб, ерга қаради.

— Йўқ, йўқ, айтолмайман... Қандай қилиб... Йўқ, йўқ, Шерали ака, мени кечиринг.

Шерали ҳам таажжуб, ҳам аламли бир дард билан сўради:

— Нимани, Сабогулхон? Гапирсангизчи?

Сабогул дудуқланиб гапира бошлади.

— Хўп, хўп, Шерали ака, ҳозир айтаман, ҳаммасини айтаман.— Сабогул энтикиб, кўз ёшларини кафти билан артди. У энди ўзини анча босиб олган бўлса-да, катта-катта кўзларида қўрқув, ваҳм акс этарди.

Шерали қулт этиб югинди-ю, Сабогулга яқинроқ келди.

— Бобом сезиб қолиптилар... Сабогул яна тўлқинланиб келаятган йиғисини босиб, қалтироқ овозда маълум қилди ниҳоят. Сизга кеча ёлғон гапирмадим. Кечиринг, Шерали ака. Садбарг менинг қизим... Уруш бошланганда бобом Абдухолиқ исмли узоқ бир қариндошларига турмушга чиқарган эдилар мени. Бир ой турмуш қурмай, у фронтга кетди. Кўп ўтмай, қорахат келди...

Сабогул дераза томонга қараб ютинди. Унинг елкалари силкинарди.

Шерали бу фавқуллодда ҳолатдан гангиб қолган, Сабогулни асли ҳолига келтириш учун ҳамма нарсага тайёр аммо тилидаги бу гапни

ифода этишдан ожиз, нима деб юпатишни билмай ўртанарди. Ниҳоят:  
— Сабогулхон!— деди у титроқ овозда. Аҳволингизни тушуниб турибман. Бошингизга мусибат тушганини билмаган эканман...

Шерали яна оғиз ростлаган эди, Сабогул унинг сўзини бўлди.

— Йўқ, йўқ, мени нотўғри тушундингиз. Абдухолиқни мен сираям кўрмагандим. Афтини ҳам аниқ тасаввур қилолмайман ҳозир. Бу бир тушдай келиб кетди назаримда... Сабогул бир энтикиб хўрсинди. У ҳамон деразага қараб турарди.

Шерали мувозанатини йўқотди. У биргина дақиқа орасида хабардор бўлган бу янгилıklarдан қувонаётганини ҳам, ўксинаётганини ҳам билмагани ҳолда мавҳум бир туйғу қуршовида қолди. Кўз олдида тутун, аланга аралаш қора чодирдек ёйилиб кўкка ўрмалаётган жанг майдонида қўлларидagi автоматларини бағриларига босганча «урра» дея душман истеҳкомлари сари чопаётган солдатлар келди. Улар ичидан хаёлан Абдухолиқни изларди Шерали... Эти жунжикди. Сесканиб кетди. «Аблаҳсан!»— дея хитоб қилди у ўзига овоз чиқармай.— Сулоқмондай бўлиб жангга бормай юрганинг кифоя этмаганидек, яна сени деб, сенинг авлод-ажлодингни деб, она-юрт деб муқаддас жангга кирган одамнинг хотинига кўз ҳам олайтирасанми ҳали?!».

Шерали оғир хўрсиниб, бошини кўтарди. Дераза олдида новдадек турган Сабогулга бош-оёқ суқланиб боқаркан, юраги бўғзига тикилгудек гурсиллаб безовталана бошлади. Томоғи ачишди. Бўйин томирлари шишгандай бўлди назарида. Темир бир қўл ҳиқилдоғидан ушлаб, бўғаетган каби нафаси сиқилди. Сабогул томон талпинди. Икки қадам қўйиб, яна тўхтади. Оёқ-қўллари қалтиради. Бироқ хаёлида фақат Сабогул қолди. У жон ҳовурида Сабогулнинг елкаларидан қучиб, ўзига қаратди. Қизарган кўзларига тикилди. Сочларини силай бошлади. Сабогул Шералининг кўксига бош қўйди.

— Мен сизни ҳеч кимга бермайман Сабогул, тонг гулим, ҳа, ҳа, ҳеч кимга!

Шерали оғир нафас оларди. Сабогулни бағрига босиб, сочларидан, юз-кўзларидан беҳисоб бўса олди. Унинг аъзойи бадани тoл баргидек титрарди.

Сабогул эшикка ишора қилиб, Шералининг бағридан сирғалиб чиқди-ю, каравотнинг темир қуббасига суянди. Уйчан кўзлари бир нуқтага қадалган эди.

— Бобом Даша холаникига кетдилар.— Сабогул бўғиқ овозда гапирди.

— Нега?

— Қайдам, доим Даша хола билан маслаҳатлашадилар. Даша холанинг акаси билан қадрдон эдилар.

Шерали «тушунтириброқ гапирсангиз»,— дегандек Сабогулга қаради.

Сабогул тушунтира бошлади.

— Даша холанинг акаси Иван Данилович босмачиларга қарши кураш олиб борилган йиллари қизил аскарлар билан биз томонларга келиб, бу ерларнинг об-ҳавоси ёқиб, қолиб кетган экан. Немислар Даша холанинг икки қизи билан эрини «партизанларни яширгансан» деб кўзи олдида қийнаб ўлдиради. У қўшнининг чердагига қочиб улгурган экан. Сўққабош бўлиб қолгач, акасини қидириб келди, узоқ йили. Тақдирни қарангки, акаси билан ҳам дийдор кўришолмади. Даша хола келишларидан бир ҳафта олдин бетоб бўлиб, қазо қилдилар Иван Данилович.

Шерали чуқур ўйга толди. Даша холанинг кечаги ҳолати кўз олдида келиб, бош чайқади.

— Сизга ҳеч нарсa демадим Даша хола?

Шерали бу саволни ўзи билан Сабогул ўртасидаги муносабатига Даша хола қандай қараётганини билиш учун берди.

— Йўқ.— Сабогул тил чайнади, негаки Даша хола унга: «Бир-икки йил сабр қилгин, болам, жилла бўлмаса уруш тугасин»,— деган эди. Аммо буни Шералига айтгиси келмади. Тўғрироғи айтишдан чўчиди.— Эҳтимол бобом бошқа иш билан боргандирлар, тагин билмадим.— Сабогул бобосининг Даша холаникига нимага борганини аниқ биларди. Бироқ Шералини тинчлантирмоқчи бўлди.

— Унда нега мунча ҳафа бўляпсиз?

Сабогул елкасини қисди.

— Қўрқаман, Шерали ака?— деди-ю, Шералига қаради.— Ҳа, қўрқаман,— дея қайтарди. Яна бир зумдан сўнг:— Сиздан айрилишдан,— дея қўшиб қўйиб, ерга қаради.

Шерали икки қадам қўйиб, беихтиёр Сабогулнинг қўлини олди. Сабогул Шералига кўз қирини ташлади-ю, қўлини секин бўшатиб олди. У бурилиб, эшик томон юрди. Шералига яна бир қараб, шу қадар жозиба билан жилмайиб хайрлашдики, Шерали ҳаяжондан энтикиб, беихтиёр эшик томон юрди.

## Ўн биринчи боб

У мени севади! Шерали хаёлидан ўтган бу фикр уни яшин тезлигида шу қадар олисларга етакладикки, кўз ўнгида турли-туман манзаралар намоён бўларди. У ўзини гоҳ Сабогул билан қўл ушлашиб, тоғ этакларида сайр этаётган ҳолда, гоҳ қадимий олтин конларининг тубида, Қорамозор қаъридагидек зимзиё зулматда орзулари ҳақида куйиб-пишиб гапирётган вазиятда, гоҳ севгилисини студентлар даврасида кўрар, зум ўтмай, сукунат оламида танҳо қолишиб, алланималар тўғрисида қизгин баҳслашаётгандек бўларди. Баъзан ўзининг қаҳрамонлик қилиб севгилисининг мақтовига сазовор бўлаётгани, уни ҳайрон қолдираётганини фараз қиларди. Хуллас хаёл уни учқур отида қай томонга етакламасин, Сабогул у билан бирга эди. Гўё Сабогул Шералининг сояси ёки бунинг акси. Сирасини айтганда, у бир умр Сабогулнинг сояси бўлиб яшашга тайёр!

Шу ўйлар билан Шерали ўрнидан турди. Ойнани очиб юборди. Қулочини ёзганча керилиб, қўлларини дераза чорчўпига тиради. Қорли чўққиларга назар ташлади. Пастда тоғ этакларидан тортиб касалхона биносигача бўлган ораликда дарахтлар орасида пастқам уйлар қалашган. Шералининг назарида кўчани четлаб Сабогул келаятгандай туюлди. Диққат билан разм солган эди, дов-дарахтларнинг шамолда чайқалаётган яланғоч шохларигина тебраниб турганини кўрди. Шерали қўлларини дераза чорчўпидан олиб, мийиғида кулди. Қаравотига келиб ўтирди. Эшик тақиллади. Шерали жавоб бериб улгурмай, шифохона жарроҳининг чўзинчоқ қора юзи кўринди. У эшик олдида туриб қолди.

— Келинг, қани бу ёққа!— Шерали ўрнидан туриб, табуреткани олмоқчи эди, жарроҳ узун қўлини кўтариб, уни тўхтатди.

— Овора бўлманг, ҳозир кетаман,— деди хиёл кулимсираб.— Шералининг диққат билан қулоқ солаётганига қаноат ҳосил этгач:— Геолог дўстларингиздан хабар келди. Жума куни шу ерда бўлишаркан. Ўша ўзингиз айтган қанотларингизни шайлаб турармишсиз,— деб қўшиб қўйди юзидаги табассумни йиғмай.

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини қилди-ю, жарроҳ чиқиб кетгандан кейин ҳам эшикдан кўз узолмай қолди. У Сабогулнинг: «Ўғилларидан қорахат келипти», «Бечора, куйганидан қорайиб ке-

типти», деган сўзларини хотирлади.— «Ажинлари ҳам кўпайиб, қадди бир оз букилпти». Шерали ўғлидан олдин хотини ҳам фронтдаги оғир бир операциядан кейин ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқаётган икки санитар билан дом-дараксиз йўқолганлар рўйхатига тушганини билиб, ҳанг-манг бўлиб қолган эди. «Тағинам матонатига балли. Бутун оиласи пароканда бўлипти-ю, ўзини туттишини қаранг!» Шерали кўзларини эшикдан узиб, бошини эгганча хона ичида секин юра бошлади. Нимагадир Қутбиддиннинг шикастланган қўли кўз олдига келди. Сўнг Павел Ивановичнинг трамвайдаги бола тўғрисида айтган сўзларини хотирлади, ўзи босиб ўтган ўнлаб қишлоқлардаги оғир вазиятни ўйлади. Қайғули, оғир кунлар. Эти жимирлаб кетди. Мусибатли кунларни ўйлаб эмас, мусибатга бардош бераётган одамларнинг темир иродасини ўйлаб эти жимирлади. Уруш бошига мусибат солган жарроҳ сингарилар озмунчами юртимизда! Ҳеч нарса уларнинг темир иродаларини бука олмаяпти. Буғдойранг манглайдаги ажинлар текисланиб, чеҳраси ёришди, сийрак қошлари орасидаги тугунча ёзилди. Уйчан кўзлари кулимсираб, қалин лаблари олдинга чўзилди. Унинг ўйлари яна Қутбиддинга келиб тақалди. Қутбиддин бармоқдай тамакисини тутатганча Шералининг шундоққина кўз олдига жилмайиб турарди.

Шерали енгил тортиб, яна дераза олдига келди. Муздай тоғ шамол сочларини сийпалаб, танига ором бера бошлади. Шерали иссиқ кафтини юзига босганча кўзларини юмди. У ҳамма нарсани унутди. Даша хола ҳам, Сабогулнинг бобоси ҳам олис-олисларга чекингандай бўлди. Қаршида фақат Сабогул бўй-баста билан турарди. Қалбида яна сеҳрли бир куй пайдо бўлди, қулоқлари остида жаранглай бошлади. У энди қалб торини чертаётган одамни билади, бинобарин ўзида содир бўлаётган ўзгаришнинг сабабини ортиқча ўйламай, туйғуларига эрк берди. Севгининг тотли шарбатини симираётгандек тамшаниб қўйди. Қўлларини икки ёққа таранг қилиб ёзиб керилди-да, секин келиб каравотига чўзилмоқчи бўлиб турганида, Сабогул кириб келди. Унинг чеҳраси анча ёришган бўлса-да, кўзлари ғамгин боқарди. У Шералига қараб қўйди-да:

— Қани, бемор, енгларини кўтарсинларчи, сўнгги нишимизни ҳам санчиб олайлик, кейин озодсиз,— деди қўлидаги шприцга ишора қилиб.

Шерали хона ўртасига келиб туриб қолди.

— Вой, мунча ошдан қуруқ қолган одамдай бўшашиб қолдингиз, кўтаринг енгингизни?— деди Сабогул бояги вазиятини бузмай босиқ бир эркаланиш билан киприкларини пирпиратиб.

Шерали лабларини чўччайтириб кулди. Сабогулга завқ билан тикилиб туриб, енгининг тугмачасини ечди. Яна бир-икки қадам босиб Сабогулга деярли жипс ҳолда туриб қолди. Сабогул укол учун қулай ҳолатда туришни мўлжаллаб, бир қадам орқага тисарилди. Бироқ Шерали унга яна яқинлашди ва бўш қўли билан авайлабгина Сабогулнинг иссиқ белидан қучди.

— Шўхлик қилманг,— деб нозланди Сабогул, бироқ ўзини олиб қочмади.

Икковлари ҳам оғир нафас олардилар. Анча вақтдан сўнг Сабогул уйқудан уйғонгандек ўзига келди. Энгашганча Шералининг мушаклари бўртиб турган ўнг қўлига қилдай игнани санчиб олди-ю, ўрнига пахта босди. Шералига «ушлаб туринг» дегандай имо қилиб, қўлидаги шприцни чаққонлик билан тумбочка устидаги никелланган стерилизаторга олиб бориб солди. Унинг қопқоғини ёпа туриб, бошини Шерали томон бурди. У ўнг қўлини чўзганча физкультурачининг ҳайкаликдек қотиб турарди.

Индинга хайрлашарканмиз-да,— деди Сабогул эркаланган оҳанг-да ичидан тўлқинланиб келаётган ҳаяжонини босишга тиришиб.

— Айтиптиларда!— деди ҳушига келиб Шерали ва қўлидаги пахтани бармоқлари орасида ғижимлаб секин дераза томон йўналди.

Сабогул боши билан тасдиқ ишорасини берди. Нафас ростлаб, хўрсинди-ю: «Айтдилар!»— дея Шералига қаради. Шерали бу боқишдан «Наҳотки шу билан сира бир-биримизни кўрмасак» деган маъно уқди. Сабогулга яқинроқ борди. Сабогул стерилизаторни тумбочканинг ўртарағига суриб қўйиш баҳонасида бошини буриб, Шералидан кўзларини олиб қочди. Шерали Сабогул томон яна бир қадам ташлади-ю, унинг сочларидан анқиётган ажиб ҳиддан маст бўлган одамдек каловланиб, икки қўлини қизнинг елкаларига қўйди. Сабогул индамасди. У қайрилиб Шералига қарашга жазм этолмаётган эди. Шерали буни сизди. Сабогулни мулойимлик билан ўзига қаратди. Сабогулнинг кипригида ёш йилтиллади. Шерали кафти билан уни авайлаб артди, паршон сочларини силаб туриб шивирлади:

— Бирдан-бир ниятим ҳамиша сиз билан бўлиш, Сабогул!— деди ҳарчанд уринмасин ҳаяжонини яширолмайд энтикиб. Бирпас туриб:— Наҳотки қорахат келган одамни кутиш керак бўлса,— қўшиб қўйди қалтироқ овозда ва Сабогулнинг кўзларига тикилди.

Сабогул чуқур уҳ тортди. Сўнг маънос оҳангда:

— Йўқ, Шерали ака, бобом...— У гапиролмади.

— Нима бобонгиз.

— Йўл қўймадилар.

— Йўл қўядилар.— Шерали бир зум жим қолди. Ниҳоят:— Албатта, сиз рози бўлсангиз,— дея хўрсиниб қўшиб қўйди анча босиқ овозда. Яна жимлик. Назарида у ҳозир гўё омонатгина илиниб турган баланд қояда турибди-ю, энди ё тубсиз жарликка қулайди ёки қарши-сидаги само фариштаси уни қанотига ўтқазиб, фазо тўрига олиб кетади. Бу икки эҳтимолдан қай бири амалга ошишини кутиш сониялари шу қадар машаққатли эдики, Шерали юрагининг гупиллаб ураётганини ҳис этибгина қолмай, аниқ эшитиб ҳам турарди. Сабогул ҳамон жим. Шерали ҳаяжонини босишга уринар ва беихтиёр оёғи билан полни асабий тақиллатарди. Ниҳоят Сабогулга қаради. Сабогул ҳам ҳаяжонини яширишга дармони етмагач, нажот тилаган каби Шералига тик боқди-ю, кўксига оҳиста бош қўйди. Бақувват қўллар Сабогулнинг нозик белига чирмашди...

Қутбиддинлар хонага кирганда, Шерали рюкзагини эшик олдига олиб бориб қўйган, шифохона либосини топшириб, ўз уст-бошини кийиб олган эди. Шерали биринчи бўлиб Қутбиддиннинг қучоғига отилди. Виктор билан ҳам қучоқлашиб кўришгач, йўлакда ийманибгина жилмайиб турган Ошпаз бобо, Қиммат ва Бекка қўли билан «қани ичкарига» дегандек ишора қилиб, улар киргач, ҳаммалари билан бир-бир қучоқлашиб омонлашди.

— Оббо сен-е, жудаям соғинтириб қўйдинг-у,— Викторнинг чийиллаган овози эшитилди.

— Нимасини айтасиз, соғинтиргандаки...— дея Қутбиддин қўшилди, тамаки ўрашга этиги қўнжидан газета ола туриб. Сўнг боши билан Ошпаз бобога ишора қилиб:— Бобонинг ҳаққингизга қилган дуоларидан тезроқ оёққа турган бўлсангиз ҳам ажаб эмас,— деди ялтираб турган бир текис тишларини атайин кўрсатгандай хохолаб куларкан.

— Узингизга зап эл қилиб қўйган экансиз, Шерали иним, Виктор айтгани рост, ҳаммамиз ҳам соғиндик.

Шерали ҳаяжонланиб, уларга бир-бир қаради. Лабларини чўччайтириб, одатича ёйилиб кулиб туриб:

— Ўзларингизчи, ўзларингиз хаёлимдан нари кетмадинглар,—

деди бобонинг бақувват елкасидан авайлаб олиб қучоғига тортаркан.

— Қани, кетдик, бўлмаса оғайнилар, ҳар ишнинг бир вақти, ҳар вақтнинг бир иши бор, деганлар, ҳозир гап сотиб ўтирадиган фурсат эмас. Йўл олис. Қолганини кейин гаплашиб олармиз. Қоронғи чўкмай бирон манзилга етайлик, тезроқ Сталинободга жўнайлик,— дея энди қизиб келаётган суҳбатни узиб қўйди Қутбиддин ва биринчи бўлиб хонадан ўзи чиқди. Бек билан Қиммат чаққонлик билан Шералининг рюкзаги ва тугунини кўтариб олишди.

Ҳаммадан кейин йўлакка чиққан Шерали: «Мен ҳозир»,— дея бир зум тўхтаб, сўнг қайтиб хонага кирди. Назарида хона боши узра гир айлангандай бўлиб, кўз ўнги қоронғилашди ва каравотига ўтириб қолди. Унинг темир суюнчиғини ҳовучлаганча бошини қўли устига қўйди. Аммо Қутбиддиннинг ҳозиргина айтган гапларини эслаб, ўрнидан турди. У Сабогулга муштоқ эди. Ҳадеганда кўринавермагач, югуриб йўлакка чиқди. Бу ерда ҳам ҳеч ким кўринмасди. Йўлакнинг четроғидаги скамейкада ўтирган икки-уч бемор билан бош ирғаб саломлашгач, ҳамширалар хонаси томон юрди. Эшикни тақиллатиб, жавоб ҳам кутмай, ичкарига кирди. Хонада ҳеч ким йўқ. Сабогулнинг миҳда илиғлиқ жигаранг камзулини кўриб, юраги шигиллаб кетди. Худди ўзи шу ерда бирон жойда атайин яшириниб олгандай, Шерали медикаментлар солиб қўйилган ойнаванд темир шкаф томонга қараб, бир-икки томоқ қирди. Яна садо бўлмагач, шошилиб йўлакка отилди. Кўча эшигига яқинлашганда, ўнг томондаги хонадан Сабогул чиқди. Улар юзма-юз тўқнашиб, тўхтаб қолишди. Сабогулнинг қўлида стерилизатор. Чехраси тунд. Маъюс кўзларини ерга қадади.

— Хайр, Сабогулхон, борган заҳоти хат ёзаман, қолган гапларни ўшанда гаплашиб оламиз, мени кутишяпти.

Сабогул бошини кўтариб, Шералига қараган эди, ўпкаси тўлди. Юзини буриб олди. Нафасини ростлаб олгач, ийманибгина:

— Яхши боринг, Шерали ака, хайр,— деди-ю, ҳўнграб юбормаслик учун гилосранг лабини тишлади.

Шерали тўлқинланиб кетди. Сабогулнинг биллагидан ушлаб, унга тик боқди, қалтироқ овозда:

— Яқин орада кўришгунча,— деди. Бир зум тараддулланиб, боя беморлар ўтирган скамейкага кўз қирини ташламоқчи бўлиб бошини бурган эди, Сабогул унинг ўнг юзидан «чўлп» этиб ўпиб, ҳамширалар хонаси томон чопди. Довдираб қолган Шерали энтикиб, Сабогул изидан бораман, деб турганида, ёнгинасида ердан чиққандай ҳозир бўлган Викторга кўзи тушиб, тўхтади.

— Қани, бўлсинлар, етар битта ширин бўсанинг ўзи ҳам, кутиб қолдик-ку!— деди заҳарханда билан Виктор.

Шерали ҳозир уни нимталаб ташлашга тайёр эди, бироқ индамай, кўча эшиги томон илдам юриб кетди.



Бир ёғи ҳайбатли тоғ чўққилари, иккинчи томони уфққа туташган Хоронинг ўзгарувчан об-ҳавосига тоғликлар ўрганиб қолишганидан бўлса керак, ортиқча эътибор беришмаса ҳам, аммо у бошқа ёқдан келганларни ҳайратга солиши табиий. Қутбиддинлар Шералининг олдига кириб чиққанларича бир пиёла чой ичгудек вақт ўтар-ўтмади-ю, тоғ этагига ёнбошлаган мўъжазгина шаҳарча осмонида чарақлаб турган қуёш ўрнини булутлар тўдаси қоплаб, изғирин шамол бошланди. Сўнгра майда ёмғир шивалаб қолди. Зум ўтмай ёмғир қорга айланиб, расмана қиш чилласидагидек атроф оқара бошлади. Шерали қўлларини бир-бирига ишқалаганча эшик олдида унинг рюкзagini кўтариб



турган Қимматга кулиб яқинлашди. Қиммат унинг мақсадини тушунгандек рюкзакни скамейка устига қўйди. Шерали рюкзакнинг титилаёзган брезент тасмасини авайлаб очиб, ёқалари, енги титилган, кирланиб қўнғир тусга кирган камзулини олди. Уни кийди-ю, бир чеккада тамаки бурқситаётган Қутбиддинга команда кутиб турган солдатдек қаради. Қутбиддин сўнги донигача тутатиб тугатган тамакисини ташлаб, кўкка қаради, кўзларини қисганча қор учқунларига бирпас завқ билан тикилиб тургандан сўнг:

— Қани, чиқдик бўлмаса машинага,— деди Шералига.

Шерали рюкзагини кўтариб, зинадан пастга тушди.

Қутбиддин шапкасини бостириб кийди-ю, Ошпаз бобога яқинлашиб, қучоғини очди.

— Раҳмат, отахон, хайрли кунларда учрашайлик.— Уни бағрига тортди. Қиммат ва Бек билан ҳам хайрлашди.

Ошпаз бобо Шерали билан хайрлаша туриб, кўзига ёш олди. Бобо нафасини ростлаб, бир нима демоқчи бўлиб турганида полуторка шифохона эшиги олдига келиб тўхтади-ю, бобо «машина келди» дегандек Қутбиддинга қаради. Ўзи ҳам Шерали билан унинг елкасидан қўлини туширмай секин кўча томон юрди. Қутбиддин кабинага, Виктор билан Шерали кузовга чиқиб, ўрнашиб олишди. Виктор йўл ёқасида қўлларини кўксиларига қўйиб турган Ошпаз бобо, Қиммат ва Бекка қўл силкитиб хайрлашгач, Шералига бир хўмрайиб, кабинасига бориб ўтирди. Шерали Викторнинг хўмрайиб қараганини пайқамади. Унинг интизор кўзлари шифохона эшик ва деразаларида, Сабогулни яна бир кўриш иштиёқида ёнарди. Мотор гуриллаб, машина бир-икки силкиниб, ўрнидан қўзғалди. Шералининг юраги узилиб кетгандай, аъзойи бадани шув этди-ю, беихтиёр ўрнидан туриб кетди.

Шифохона эшиги олдида Сабогул гулдор рўмолини силкитиб турарди. Шералининг кўз ўнгида севгилисининг чиройли қоматигина кўринар, Ошпаз бобо ҳам, Қиммат билан Бек ҳам, ҳатто ҳайбатли тоғлар ҳам шу кичиккина жусса соясида йўқ бўлиб, сингиб кетган эди. Шерали ўзини ўнглаб, қайтиб ўрнига ўтирганда, машина анча олислаб кетган, қор учқунлари орасида ҳамон Сабогулнинг гулдор рўмолигина чайқалиб турар, атрофга эса ундан ажиб бир ҳид таралаётгандек эди.



Машина Сталинободга икки кундан кейин ноябрь байрами куни хуфтонга яқин етиб келди. Қутбиддин байрамлигини ҳам, кеч кириб қолганини ҳам ўйламай, машинани экспедиция бошқармаси жойлашган бино томон ҳайдашга буюрди. У ердан ҳеч кимни тополмади. Навбатчига бир нима деб уқтириб, машина олдига келди. Бошини буриб: «Чойхона қаерда?»— деб сўради.

Шофер рулни бурди. Изига қайтиб, шаҳарга кираверишдаги пастқам кўчалардан бирининг муюлишида туйнугидан чироқнинг тасмадай хира ёғдуси йўлга тушиб турган чойхона олдида машинани тўхтатди. Қутбиддиннинг чойхонага киришга ундаб қистаганига қарамай, узр сўраб, хайрлашди.

Харилари қурумдан қорайган, деворларига фронтга чақирувчи ва фронт учун меҳнат қилишга даъват этадиган плакатлар қалаштирилган чоғроқ хонага кирган одам дафъатан ҳеч кимни кўролмас, қуюқ буғ ва тутун орасида одамлар ғала-ғовуринигина эшитиб, иссиқ аралаш аччиқ бир ҳид гуп этиб димоғига уриларди. Шерали Қутбиддин билан Виктордан кейин хонага кириб, остона олдида гангиб туриб қолди. Бирпас тургач, бурчак-бурчакда иккитадан, учтадан бўлиб, ҳар бир

тўп ўзича алланималар тўғрисида бақириб-чақириб баҳслашиб ўтирган одамларни кўрди. Тўғридаги деворда анчадан буён қўл тегмаганидан ис босиб кетган, кичикроқ, думалоқ патнисдек келадиған қора радио карнай хириллар, аммо унга ҳеч ким эътибор бермаётган эди. Ўнг қўл томонда — хонанинг тўрида кичикроқ самовар, ёнидаги тоқчада бўш стаканлар, шиша банклар ва тунука чойнаклар териб қўйилган. Самоварчи эшик олдида одам турганини кўргач, оқсоқланиб, уларга яқинлашди.

— Ассалому алайкум, марҳабо,— деди мулойимлик билан ёши етмишлардан ошган, оппоқ соқолли, қотмагина чол қўлидаги самовар сочиқни елкасига ташлаб.

Қутбиддин унинг саломига алик олгач, тунни шу ерда ўтказиш ниятида келганларини билдирди.

— Бош устига, марҳабо, ўғлим, қани, бу ёққа, ман ҳозир...— Чол шундай деди-ю, соқолини тутамлаб туриб, атрофга аланглади. Ҳамма ёқда ғуж-ғуж одам. Самоварнинг чап томонидаги панжара билан тўсилган қизил бурчакка қаради-ю, чеҳраси ёришиб, Шералини имлади.— Ҳу, ўша устални бу ёққа олайлик, ўғлим,— деди илтижо билан қўлини кўксига қўйиб. Шерали рюкзанини ерга қўймоқчи бўлиб, дурустроқ бир жой қидириб қараган эди, Виктор: «Ол бу ёққа, жин урсин сени»,— дея қўлини чўзди. Шерали жилмайиб, рюкзакни узатди, ўзи чолнинг орқасидан юрди. Иккита тахтадан омонатгина тикланиб, устига қизил алвон ташлаб қўйилган стол устида уч-тўртта журнал, турли брошюралар ва беш-олтита газета бетартиб ётарди. Чол чаққонлик билан уларни қизил алвонга ўраб, бир чеккага олиб бориб қўйгач, стол деб номланган тахтанинг бир ёғидан кўтариб, самовар томон юрди. Шолча хизматини ўтайвериб, илма-тешик бўлган брезентни олиб келиб ерга ёзди. Шундан сўнг икки қўлини кўксига қўйиб:— «Қандай чой дамлаб берай?»— деди Қутбиддинга мурожаат қилиб.

— Фамил чой бўла қолсин,— деди кулиб туриб Қутбиддин.

Чол қопқоғидан вишиллаб буғ чиқаётган самовар олдига борди. Қуроқ тунука чойнакка туйилган чойдан ташлаб, жўмракни бурди. Қайтиб келиб брезент-шолчанинг бир четига омонатгина ўтириб, дамлаб келган чойдан шиша банка билан бир-икки қайтарди. Яна бориб бир патнисда туршак, майиз ва чақилган ёнғоқ келтирди.

— Айб этмайсизлар, нонимиз тугабди,— деди узрли оҳангда чол. У яхшилаб ўрнашиб олиб, чойни қўйиб Қутбиддинга узатаркан:

— Биз томонларга хуш келибсизлар, сўраганинг айби йўқ, қаерлардан келяпсизлар?— деди ийманибгина нурсиз кўзларини Қутбиддинга тикиб.

— Узоқдан келяпмиз, ота, Помирдан... геологлармиз...— деди Қутбиддин чолнинг ўнг қўлини қулоғига тутиб, диққат билан қулоқ бераётганини кўриб баландроқ овозда.

— Ҳа, эшитганим бор, болалигимизда «жавоҳир кони» дейишарди.

Чол шундай деб Қутбиддиннинг қўлидан «пиёла»ни олиб, яна чой қўйиб, Шералига узатди.

— Узингиз ҳорманг, отахон, кексайганда бундоқ оёқни узатиб уйда ўтирмайсизми?

Қутбиддиннинг бу гапидан кейин чол маъюсланиб бош ирғаб қўйди-ю ютинди. Титилиб пахтаси чиқиб турган қора сатин чопонининг барини кўтарди, қаддини ростлаб, яхтагининг чўнтагидан кармонини олди. Яна жойига ўрнашиб ўтиргач, кармоннинг ичидан сурат олиб, Қутбиддинга узатди.

— Мана бу паҳлавонлар тирик бўлганида, шундай юрармидим?— деди бошини сарак-сарак қилиб чол ва кўз ёшини енги билан артгач:—

Эккаласи ҳам ўлди, отинг ўчгур Гетлер ўқига учди. Чол бошини чайқаб, жим қолди.

— Юрт бошига тушган мотам бу, ота, куйинманг, бу кунлар ҳам ўтар,— деб далда берди Қутбиддин суратни кўздан кечириб Шералига узатаркан, шу билан чолнинг дардини юмшатмоқчи бўлгандек.

— Албатта, албатта, ўғлим, юрт бошига тушган мотам бу, аламзада бир манму! Бу-ку, шу-я! Аммо ичим ёнади-да! Кампир бултур бола-ларига «оҳ-ух» деб жигари тамом бўлде, қишдан чиқмай жон берди. Қоқбош бўлиб қолгандан кейин тўғри шаҳарқўмга бордим. Экки ўғлим ўлли, буни дардига чидамай хотун кетти. Бутун юрт отинг ўчгур Гетлерри йўқ қилишга уруняпти. Менгаям иш беринглар, болаларимни хуни учун қўлимдан келганини қиламан, дедим. «Раҳмат, ота, Сиз энди қариб қолдингиз. Дам олинг»,— деди шаҳарқўмми каттаси. «Йўқ, дедим, бўлмаса ҳовлимиздаги катта уйнинг эшигини кўча томонга кўчириб беринглар, чойхона очиб, одамлар ҳожатини чиқараман»,— деб туриб олдим. Сўғун шундай катта одам ўрнидан туриб ўтирган усталини қўйиб, олдимга келди, елкамга қўлини ташлаб: «Раҳмат, отахон, ҳимматингизга офарин, майли, шу билан хурсанд бўлсангиз, Сизга рухсат»,— деди умридан барака топкур. «Раҳмат» деб, ўрнимдан турсам: «Тўхтанг», деди-ю, бир ёққа телифун қелле. «Эртага горторгга учранг» деди менга қараб. Шу-шу уйим чойхона бўлди. Хў, ана у эшикдан ҳовлига чиқсангиз,— деди у кўк томирлари бўртиб турган озгин қўли билан хона бурчагидаги бир табақали эшикка ишора қилиб,— яна битта кичкинагина уйча бор. Чойхонада одамлар тинчигач, чиқиб бир дам мизғиб оламан.

— Қончай, бабай! Информбюро!

Чол ўгирилиб қаради. Хона ўртасида қўлтиқ тайёқларини деворга тираб, гипсланган ўнг оёғини чўзиб ўтирган папахали барзанги бир солдат радио карнайга ишора қилди: Чол ҳам «тушундим, хў» дегандек бош қимирлатди-ю, радио карнайга тикилиб қолди. Хона бирпасда сув қуйгандай тинчиди. Кўзлар радио карнайга қадалди. Шўх музика оҳанги тингач, орадан ярим минут ўтар-ўтмас Левитанинг салобатли овози янгради.

— Говорит Москва!

Хонага сукунат чўкди. Бундан бир неча дақиқагина олдин ғала-ғовурдан ўз овозларини ҳам эшитолмай, бошлари ғувиллаб ўтирган одамлар энди нафасларини ютиб, Москва овозини, Олий Бош Қўмондон буйруғини тингламоқда эдилар.

«Қизил аскар ва қизил флотчи, сержант, офицер ва генерал ўртоқлар! Германияга, фашистлар сурғунига зўрлик билан ҳайдаб олиб кетилган оға-ини ва опа-сингиллар!

Сизларни Совет ҳукумати ва большевистик партиямиз номидан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йигирма етти йиллиги билан қутлайман ва табриклайман. Биз Октябрь революциясининг йигирма етти йиллигини Қизил Армия Ватанимизнинг душманлари устидан ҳал қилувчи ғалабаларга эришган бир вазиятда байрам қилмоқдамиз. Қизил Армия ва совет халқининг қаҳрамонона ғайрати натижасида юртимиз немис-фашист босқинчилардан тозаланди»...

Папаха кийган солдат «Яшасин шонли Армиямиз!»— дея ҳаяжон ичида ҳайқариб телпагини шипга қараб отди, бошқалар уни маъқуллагандек бош чайқадилар, хонада аллақандай бир кўтаринки қувноқ руҳ ҳукмрон бўлди. Кўплар солдат шинелида. Улардан айримлари госпиталдан соғайиб чиқиб, қисмларига кетаётганлар бўлса, баъзилари сафга яроқсиз топилиб, уйига қайтаётган ногиронлар эди. Қутбиддинлар сингари юмуш билан келиб, тунни ўтказётганлар жуда озчилик эди.

Кимдир чой сўради. Чол каловланиб ўрнидан турди. Виктор узатган суратни олиб, авайлаб, чўнтагига солгач, дард билан бош чайқаб, ўрнига борди, токчадаги чойнакка бир чимдим чой ташлаб, самовар жўмрагини буради.

Хонадагилар боягина ҳар ким ўз тўпи билан гурунглашиб ўтирган бўлса, энди ҳамма ўзаро фикр алмашишар; ғалабаларимизнинг асосий омиллари тўғрисида ҳар ким ўз билганича жон куйдириб гапирар, қувончини ифодалашга ошиқарди. Папаха кийган солдат ҳаммадан кўпроқ гапирарди. Унинг дўриллаган йўғон овози эшитилганда, бош-қалар жим қолишарди.

— Мен сизларга айтсам,— дея ғазаб чақнаб турган кўк кўзларини шипга қадаб сўз бошлади папахали солдат,— бизнинг фронтда тойчоқдек илгарилар бораётганимиз, ғалабамизни мана шу ерда, юрт ичкарисида,— у тошдай муштумини сўрига урди,— ҳал қилишди. Меҳнаткаш халқимиз ҳал қилди. Фронт орқасида қолган кексалар, хотин-халаж, бола-чақаларимиз кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлади! Фронт учун дон беришди, нон беришди, озиқ-овқат беришди, қуролларимизни шай қилиб туришди, ҳатто иссиқ қўлқоп ва пайпоқларгача беришди, уйда қолган болаларимизни бағрилари-га босиб, бошини силашди. Мен уларга бир умр таъзим қиламан.— У шундай деб наमत устидаги папахани қўлига олиб, бошини ерга теккудек эгди.— Ҳа,— дея сўзини давом эттирди,— мана шундоқ таъзим этаман. Ҳу ана у чолни кўряпсанларми?— Солдат папахасини ушлаб турган қўлини самоварчи чол томон чўзди.— Унинг ўрнига бошқа киши бўлганда, ер тишлаб ётарди. У бўлса мана шу ўз уйини чойхона қилиб, бизга ўхшаганларнинг ҳожатимизни чиқаряпти, озми-кўпми юртга қарашяпти. Бундайлар озми! Украинада бўлдим, Белоруссия тупроғида қон кечдим, буюк ва муқаддас рус тупроғининг ҳар бир қаричи учун жон олиб, жон бердим. Ҳамма ерда халқимизнинг мислсиз жасоратини кўрдим. Узи емайди, солдатга едиради, ўзининг жонини таҳлика остига қўяди, солдатни уйида яширади, оёқяланг қор кечади, сўнгги пиймасини жангчиларга икки қўллаб тутқзади. Жасорат бўлса шунчалик бўлади. Фидойиликнинг ҳам чегараси шудир-да, ахир! Солдат оғир хўрсиниб, кўзларини катта очганча атрофдагиларга бир-бир қараб қўйгач: «Шундай эмасми, дўстлар?»— деди ҳаяжон ичида.

Одамлар ғала-ғовури боягидан кўпайди. Ҳар ким ўзича бир ни-ма деб папахали солдатнинг гапларини маъқуллашди.

Папахали солдат атрофга виқор билан қараб қўйди, папахасини бостириб кийиб, шиша банкадаги чойдан қуйди. Бир хўплади-ю, хиёл қалтираётган чап қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди.

— Спасибо тебе, бабай!— деди чолга қараб, шу билан гўё бутун халққа миннатдорчилигини изҳор этгандек...

Самоварчи чол тун ярмидан оққанда ҳам ғимирлаб юрган эди. Шерали иккинчи марта чолга қарашаман деб борганида: «Йўқ, ўғлим, меҳмонсиз, уят бўлади, ўзим ҳозир саранжомлаб оламан», деб унамади. Шундан сўнг Шерали кўчага чиқди. Муюлишдаги харсанг тошга ўтириб, разм солди. Ҳавони кечагидек булут қоплаган. Тутунсимон юпқа туман оралаб эсаётган муздай шабада этни жунжитаётган эди. Шерали ўнг қўлини энгагига тираб, хаёл суриб қолди. Туман ортида элас-элас кўзга чалинаётган баланд-паст иморатлар кўзига ҳайбатли қоялардек кўриниб, чўққидан илон изи бўлиб пастга тушган сўқмоқдан оқ халатининг икки бари бургут қанотларидек икки ёққа кўтарилиб Сабогул фаришталардек енгил учиб келарди. Шералининг хаёлига қаерданам Бальзакнинг: «Аёллар инсон билан фаришта ўртасидаги чегара» деган ибораси келиб, мийигида кулди-ю, аммо шу

заҳотиёқ юзидаги кулги йўқолиб, жиддий қиёфада ўйланиб қолди. Хаёлида яна Сабогул жонланди. Уни ўзи билган аёллар билан солишти-ра бошлади. Сабогул ҳар жиҳатдан устун келаверди. Тўғрироғи, Шерали Сабогулдан нукул фазилат топар эди. Назарида Сабогул бутун дунё аёллари орасида барнолик ва латофат, иффат ва назокат-нинг бекаму кўст, мукаммал рамзи эди. Шерали пешонасини панжалари орасига олиб, уқалаб туриб, шу ҳақда яна ўйлай бошлаганида, Сабогул сиймоси улкан ҳайкалдек пайдо бўлди-ю, кўз олдидан сира нари кетмай қолди. Шерали ўйчан кўзларини йўлдан узиб, ўрнидан турди. Сабогул ҳақида ўйлаш унинг учун нондек, ҳаводек, сувдек зарурий эҳтиёжга айланиб қолганини чуқур ҳис этди. Секин одимлаб келиб, чойхона эшигидан кирганда, ҳамма ширин уйқуда, папахали солдатгина ўйчан кўзларини бир нуқтага қадаб, тамаки бурқситиб ўтирарди. Шералига бош-оёқ бир қараб қўйди-ю: «Эшикни занжир-ла!»— деди, «бемаҳалда нима қилиб юрибсан?» маънодаги зарда билан. Шералини яна бир кўздан кечиргач, чўзилиб, папахасини бур-ни устига туширди. Шерали оёқ учида келиб девор тагида бир ёнбошда ухлашгагина етадиган жойга ўтирди. Виктор билан Қутбиддин ҳам ёнбошларида ётишган эди. Шерали Қутбиддиннинг устидан сирғалиб тушган фуфайкасини эҳтиётлик билан унинг елкаси томон тортиб қўйгач, ўша эҳтиёткорлик билан ўрнига чўзилди. Самоварчи чол ҳовли томондаги пастак эшикдан чиқиб, самоварга яқинлашди. Энгашиб, яшчикдан икки бўлак кўмир олиб солди. Сим билан самовар ўтхонасини бир-икки ковледи-ю, ҳаво чиқишга лойиқ жой қолдириб, устига яримта ғишт қўйди. Жўмракни очиб, юз-қўлини чайди, белбо-ғига артиниб, атрофни яна бир кўздан кечиргач, чироқни ўчирди. Оёқ учида юриб бориб, ҳовлига чиқди. Чолнинг бутун ҳаракатларини куза-тиб турган Шерали у кетгандан кейин ҳам самовар ёнидаги кичкина-гина деразадан кўча томонга қараб, анчагача уйғоқ ётди. Туман тарқади. Тасмадек бўлиб хонага сирғалиб кирган ой нури бирпас самовар устида жимирлаб турди-ю, сўнг шипга кўтарилди. Шерали деразанинг кичкинагина ойнасидан кириб, шипнинг косадек жойига қадалиб қолган ёғдуга қараб, маст одамдек карахт бўлиб энди мизғий бошлаганида, Қутбиддин уни: «Қани, турунлар!» деб туртиб қўйди.

## Ҳн иккинчи боб

Тошкентдек шаҳри азимда Шерали кетгандан буён талайгина ян-гиликлар содир бўлган бўлса бордир-у, аммо у истиқомат қила-ётган мўъжазгина ётоқхонада ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Ҳамма нарса ўша-ўша. Қарим билан Омонгина бот-бот икир-чикирлар устида чўқишиб қолишар, бунинг ниҳояси ким енгилга айланиб, ҳар икки томон устунлиқни қўлга олишга интиларди. Ҳозирги можаронинг бо-ши ҳам арзимакан бир кўзга устида бошланди.

— Ётоқхона, ўртоқ геохимик,— дея хўроздек ҳурпайди Қарим,— одамлар бирга яшайдиган жой. Шунинг ҳам бир билиб қўйингки, хона ҳамма учун умумий бўлгани билан ундаги шахсий буюмлар бундан мустасно.

— Ахир тушунсангчи!— Омон ҳали чинакамига қизишмаган, бино-барин масалани Қаримга ётиғи билан тушунтирарди.— Ойнани Зари-фа сеникилигини билмай олипти, шунга ҳам ота гўри — қозихонами!?

— Мен Зарифангни билмайман. Ойна кимники? Меники. Сўрамай олишга унинг нима ҳаққи бор-у, сенинг ўз молингдек бериб юбо-ришга!..

Шу пайт эшик тақилламаганда, бу жанжалнинг нима билан туга-

ши номаълум эди. Қарим норози қиёфада эшикка хўмрайиб қўйди-ю, қўл силтаб чиқиб кетди.

Йўлакда, Зарифа кўринди. Эгнида тўқ гилосранг кўйлак. Оёғида гулчини қайчилаб ташланиб, шиппак ҳолига келтирилган эски оқ туфлиси. Омон уни кўрди-ю, ҳозиргина бўлиб ўтган машмашани ҳам унутди. Мўъжиза кўргандай, завқланиб тикилиб қолди. Қизнинг катта-катта кўзлари «Нега менга қараяпсиз?» дегандек истиғно билан Омонга кулиб турарди. Омонни жилвагар кўзлар тамоман ўзига қаратди. Омон завқ билан жилмайди.

— Келинг, Зарифахон, ўтиринг,— деди стол остидан курсини олиб, олдинроққа суриб қўяркан қиздан ҳамон кўз узмай.

Зарифа индамай қўлидаги қизил олмани қарсиллатиб тишлаган эди, шарбати бўса олишгагина яратилгандек бўртиқ лабларида мавж уриб жимирлади. Кулиб туриб оғзидаги олмани чайнаб ютгач, ўша истиғно билан:

— Зарифахон эмас, Заремахон!— дея Омонга зимдан қараб курсига ўтирди. Қўлидаги олманинг бутун томонини Омонга тутиб, нозланди:

— Битта тишланг!

Омон олмага эмас, қизнинг нозик, узун, оппоқ бармоқларига тикилиб:

— Раҳмат, Зарифахон, ўзингиз... деди-ю, ютинди.

— Менинг отим Зарема,— қайтарди осойишталик билан у. Олмадан яна бир тишлаб, чайнаб ютгач.— Отамнинг арвоқларини безовта қила кўрманг, у киши мени шундай атаганлар,— қўшиб қўйди.

— Муқаддас жангда шаҳид бўлганларда арвоқ нима қилсин, Зарема?— деди Омон жиддий қиёфада қизнинг ёқасидан хиёл кўришиб турган тиниқ, оқ лўппи кўкракларига суқланиб боқаркан.

— Бу бошқа гап.— Зарифа айтган еридан кесганига мамнун жилмайди.— Арвоқлари бўлмаса, ўзлари хафа бўладилар, у киши мен учун ҳамиша триклар,— деди бирпаслик пауздан кейин ниманидир ўйлаб туриб. Сўнг:— Ойим билан ҳам шу хусусда нуқул тортишардилар. Ойим бошимни силаб туриб: «Заремаси нимаси, жон дадаси, Зарифанинг ўзи қандоқ чиройли», деб қўярдилар кулиб. У киши доим кулиб гапирадилар. Ҳозир ҳам бир нима демоқчи бўлсалар, олдин оппоқ юзларида кулгичлари кўриниб, сўнг майин жилмайиб, сўз бошлайдилар.

— Ойингиз ҳам ўзингизга ўхшарканларда,— Омон Зарифанинг ҳамон: «Қочинг, қанақа одамсиз!» дегандек боқиб турган кўзларига суқланиб қаради.

— Бе, қаёқда,— менга йўл бўлсин у кишига ўхшашга, ойим асил олтин одам.— Зарифа бир текис чиройли тишларини кўрсатиб кулди.

— Сизчи? Сиз оқ олтинмисиз?

Зарифа Омоннинг гапига эътибор ҳам бермай:

— Вуйй бу кишини қаранг,— дея чапак чалворди.— Бугун лекция пайтида бир аудитория одам шу сўзни тополмагандик. Домла «платина» деб туриб қошини чимирганча бир зум ўйлади-ю, сўнг қўлини силтаб: «хуллас платина...» деб сўзини давом эттирганди. Болалар танаффус вақтида роса ўйлашди. Эртагаёқ ҳаммага «платинанинг ўзбекча таржимаси — оқ олтин бўлади, уни мен топдим» деб мақтаниб қўяман, қарши эмасмисиз?— Зарифа бошини ўнг томонга қийшайтириб, савол назари билан кулиб қаради Омонга.

— Қарши эмасмиз, фақат саволимизга жавоб бериш шarti билан.

— Саволимизгами?— Зарифа унча қалин бўлмаса ҳам қалдирғоч қанотидек қайрилма қора қошларини чимириб, ўйланиб турди-да, тўсатдан:— Мен оқ олтин ҳам, асил олтин ҳам эмас, романтикман,—

деди ярим юмуқ кўзларини Омондан узмай. Сўнг енгил хўрсиниб:— Баланд тоғлар ҳамиша мени қуршаб турса дейман, шу тоғларнинг бошидаги ажойиб боғларда сайр қилсам, хаёлимдаги барно йигит ёнимда бўлса дейман,— у бурилиб, карашма билан Омонга қараб қўйди,— у сўзласа — мен тингласам, мен сўзласам — у тингласа дейман, тоғ этагида ихчамгина уйимиз бўлса, ишхона ҳам шунда бўлса дейман... Зарифа бошини хиёл орқага ташлаб кўзларини юмиб:— Яна нима десам дейман?..

— Сигир, бузоқ ва бир тўда бола бўлса, деб қўшиб қўйинг,— деди Омон ўзини кулгидан тиёлмай.

Зарифа қўлини кўтарди:— Йўқ, йўқ, шошмай туринг, биласизми яна нима бўлсин дейман?

Омон Зарифага савол назари билан тикилди.

Шу рўпарамда турган йигит оптимист бўлса, фанда йиллаб чўзилиб ётган муаммоларни кўз очиб юмгунча ечса дейман...

Омон шартга бурилиб, дераза томон юрди.

— Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Фан эртак ҳам, хаёлпарастлик ҳам эмас сизга!— деди Зарифанинг бутун романтик хаёлларига жиддий тус бериб, ўйчан кўзларини деразанинг кичкинагина хира ойнасидан ташқарига тикарқан.

— Хўш, фан хаёл маҳсули бўлмаса, нима у, айтинг?— деди Зарифа ҳам энди жиддий оҳангда.— У Омоннинг ҳамма нарсани расмий жиҳатдан мушоҳада этишини билгани учун фикрини жиддийроқ далил билан исботламоқчи бўлди. Иккинчидан, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш одати ҳам йўқ эмас эди унда. Бинобарин, Зарифа энди чинакам баҳслашувга шайланиб, фикрини давом эттирди.— У ёғини суриштирсангиз Владимир Ильич Ленин фантазия — бу роял бебаҳо фазилатдир, деган.— Зарифа бундай сўзларнинг Омонга қанчалик таъсир этаётганини билиш учун зимдан қаради-ю, ўша-ўша жиддий қиёфада:— Хўш, Пушкин бу ҳақда нима деганини биласизми?— деди энди Омонга тик боқиб. Аммо шу заҳотиёқ худди Омон ҳозир лоп этиб Пушкиннинг бу ҳақдаги фикрини айтиб қўяётгандек шоша-пиша саволига ўзи жавоб берди:— «Чинакам хаёл — гениал билим талаб этади». Мана Пушкин нима деган! Сиз бўлсангиз... Зарифа баҳсдан қизарган ёноқларига нозик, ихчам кафтларини босди. Омоннинг шаштидан тушиб, кулиб турганини кўргач, анча бўшашди. «Ҳолингиз қалай, ўртоқ?» дегандек қараб қолди унга.

Омон ҳар гал бунақа тортишувлар Зарифанинг кўз ёши билан хотималанишини билгани учун ён босмоқчи бўлган эди.

— Фараз этайлик булар — хаёл маҳсули бўлсин, аммо хаёлпарастлик эмас-да, Зарифахон,— деди мулойимлик билан, айни чоқда таслим бўлмаганини ифодалаб.

Зарифа буни сизди. Сизди-ю, ижирғанди. Ҳозир қаршисида ўзига сўзсиз таслим бўлиб, айтганини қўллаб-қувватлайдиган, маъқуллайдиган киши туришини истаб, худди шундай одамни тасаввурида кўрмоқчи бўлгандек кўзларини юмди.

Омон Зарифанинг анчадан буён шундай сиёсат юритаётганини, уни «гаҳ» деганда қўлга қўнадиган қилишга уринаётганини биларди. Бунга ғурури сира йўл бермаслигини, ҳеч қачон Зарифа айтганча бўлмаслигини ҳам яхши биларди. Қизни қўлдан чиқармаслик учун баъзан ўзини енгилган қилиб кўрсатар, бу билан орадаги муносабатларни сақлаб қолишга муваффақ бўларди. Ҳозир ҳам кўнгил майлига қараб бир юмшади-ю, аммо йигитлик ғурури устун келди. Бир нима демоқчи бўлиб бошини кўтарган эди, Зарифа кескин бурилиб, эшик томон юрди.

— Зарифа, шошманг!— деди Омон анча жиддий оҳангда,— гўё ҳозир дилидаги бутун гапни ўртага қўймоқчи бўлгандек.

Зарифа қўлини эшик тутқичидан олиб, Омонга қаради.

— Биласизми, Зарифа!— Омон қатъий гап бошлаган эди, шу пайт эшик очилиб, остона олдида Шерали пайдо бўлди. Унинг уст-боши чанг, соч-соқоли хурпайган. Омон бирпас довдираб қолди. Шералининг: «Нима бало, танимай қолдингми?»— деган хитобидан кейингина ўзига келди, Шерали кучоқ очди. Шерали орқасидаги рюкзакни каравоти тагига қўйиб, Зарифага қўл узатди.

— Дурустмисиз, ўқишлар жойидами?— У қизнинг оппоқ қўллари қўйиб юбормай:— Қани, ўтирмайсизми, халақит бердим шекилли?— деди бир Омонга, бир Зарифага қараб узр сўрагандек.

— Сира ҳазилингизни қўймайсиз-а, Шерали ака? Кетай деб ўрнимдан тургандим,— деди Зарифа Шералидан кўз узмай карашма билан унинг диққатини ўзига жалб этишга тиришиб.— Ўзингиз яхши келдингизми?— деди вазиятини бузмай. Шералидан расмий жавоб олгач:— Бўлмаса менга рухсат, кирарман,— деди-ю, эшикни очди.

— Оббо сен-е, сафарни жудаям катта қилвординглар-у, кимдир: «Ҳали қишлаб ҳам қолишмаса» деятганди.— Омон Зарифа кетгач, ўзини ўнглаб, бемалолроқ гапира бошлади.

— Жудаям унчаликмас, қўшимча топшириқлар олдик,— деди Омоннинг елкасидан ушлаб кучоғига тортаркан Шерали.

— Ҳа, бундоқ дегин, мен бўлсам нуқул касал-пасал бўлдингларми деб ўйлаб юрибман.

Шерали Омоннинг бу гапидан кейин касалхонада ҳам ётиб чиққанини айтаман деб энди оғиз ростлаган эди, Омон «Виктор қани?»— деб қолди.

— Қутбиддин акани кузатгани кетди, ҳозир келади,— деди Шерали.

Касалхона ҳақида ҳеч нарса демади. Жигарранг костюмини ечиб, каравот тагидаги эски тоғорага қўл чўзди.

Омон, мен ҳозир, деб коридорга чиқди. Зум ўтмай, бир қўлида кружка, иккинчи қўлида бир челақ сув билан хонага кирган эди, Шерали: «Уҳҳў, бунчалик сийламоқчи бўлсанг, қани, чиқдик ҳовлига»,— деди қўйлак ва майкасини ҳам ечиб, тоғорани қўлига оларкан.

Шерали юниб, хонага кирганда, қоронғи чўккан, милтиллаб ёнаётган электр лампочка хона бурчакларидаги буюмларни ёритишга ҳам ожизлик қилмоқда эди. Шералининг гаши келди. Хурпайган сочларини арта туриб, норози қиёфада лампочкага қараб қўйди.

— Нима бало, ҳалиям ўша-ўшами?— деди ниҳоят бу норозиликни сиртига чиқариб.

— Ундан ҳам баттарроқ. Илгарилари жилла бўлмаса ўн бирдан кейин хийла ёришарди-ю. Ҳозир кечаси икки-учсиз ёруғлик кутма!— деди у пашша қўнаверганидан қорайган лампочкага тикилиб. Сўнг:— Ке, диққат бўлаверма, бир-биримизнинг афт-ангоримизни кўриб турибмиз-у, ўтирчи бундоқ, қорнинг ҳам очдир,— деб Шералининг елкасига қўл ташлади Омон. Шерали шимининг чўнтагидан тишлари синган қора тароғини олди. Сочини тарай туриб:

— Қорин-ку, очликка оч-а, шошмай тур, мозорбосди нарсаларни олайликчи,— деди Шерали қаппайиб турган рюкзакни каравоти тагидан олиб очаркан. Сўнг чўккалаб ўтирди. Икки ҳовучини тўлдириб бужмайганроқ туршак, яна шунча тутмайиз олиб, стол устига тўкди. Иккинчи марта энгашиб, суви қочган, юпқа арпа нон олиб столга қўйди. Сўнгга тантанавор тарзда бир банка гўшт консерваси ҳамда бир шиша вино олиб, Омонга узатгач, рюкзакни ёпиб, жойига қўйди.

Омоннинг юзида мамнуният табассуми ўйнади.



— Уҳ-ҳў, ишлар шоҳонаку,— деди оғзини йиғиштиролмамай. Сўнг: Бизда ҳам ўзинг ўргатган картошка бўтқа бор,— деб стол устига ту누ка тоғорачани олиб келиб қўйди.

— Картошка бўтқа ҳолва-ю, картошканинг пўсти бўлса ҳам олиб келавер, ҳаммасига ҳам ўрин топилади,— деди Шерали қўлларини ишқалаб туриб.

Омон тараддудланиб қолди.

— Нима бало, тагин ивирсиб қолдинг?— Мундоқ ўтирсангчи энди?— Шерали хуноби ошиб ўшқирди.

Омон уни тинчлантирди.

— Секинроқ, оғайни, секинроқ! Йўлдан чарчаб келган одам асабийлашмаслиги керак. Саломатликка зиён бу. Битта стакан бор, иккинчисини қидиряпман. Тушунарлими энди?

— Ола, санам цивилизацияни ўрнига қўймагунча кўнглинг тинчмайди, а? Ке, ўзимизнинг геологча қила қолайлик. Кружкангни олиб ўтир! Мана, меники тайёр. Шерали энгашиб рюкзакдан кружкасини ҳам олди. Иккита кружкага расамати билан қуйиб:— Қани, дийдор кўришганимизга,— деб кўтарди.

Иккинчи кружкадан кейин Омон сафар таассуротларини сўради.— Шерали картошка бўтқадан тамадди қила туриб, кўрганларини узук-юлуқ ҳикоя қилар, аммо бир ёқдан чарчаганидан, иккинчи ёқдан эса шароб зўридан кўзлари юмила бошлади. Ортиқ чидаб туролмади. Омонга миннатдорчилик билдирди-ю, миқти гавдасини курсидан кўтарди. Ҳомуза тортганча каравоти олдига бориб ечинди. Омондан сўраб, чироқни ўчирди. «Бир мириқиб ухлай»,— деб кўрпа орасига кирди.

Омон ҳам ноилож ечиниб, ўринга кирди. Бир маромда шивалаб ёғаётган ёмғирнинг дераза ойнасига урилиб, беҳол шитирлаши ва аҳён-аҳёнда катта кўчадан ўтаётган машиналарнинг овози Шералининг хурраги орасида аранг эшитилиб турарди. Орадан ярим соатлар ўтди. Шералининг қаттиқ хуррагидан Омоннинг уйқуси қочди. Унг тирсагига тиралиб, қаддини ростлади. Юраги нимадандир ғаш. Боя Шералига Зарифа тўғрисидаги гапларни айтиб, кўнгил чигилини ёзмаганига ачинди. Шерали унинг Зарифага кўнгил қўйганини биларди. Аммо қизнинг анча инжиқлигини эшитгани учун Омон бир-икки гап очганда, «Қайдам, яхши қизга ўхшайди», деб қўя қолганди. Зарифанинг ҳардамхаёллиги, одамларга нисбатан фикрини тез-тез ўзгартириб туриши Шералининг ғашини келтирар, Қарим билан ораларида ҳам бир-икки гап бўлганида: «ҳавойи қиз», деб гапни чўрт кесиб қўйганди. Иккинчи томондан Шерали қиздаги бу инжиқликни балки ёшлик кибр-ҳавосидандир, кейинчалик тузалиб кетар, деган умидда Омон билан унинг ўртасидаги муносабатларга аралашмасликни афзал билган эди. Бу ўзига хос қизнинг ҳусн-жамолига шайдо бўлиб юрган ёлғиз Омоннинг ўзи эмаслигини ҳам Шерали биларди. Аммо негадир йигитлардан биронтаси журъат этиб, Зарифага яқинлашмас, дилидагини айтмасди. Дуркунгина келишган қадди қомати, сутга чайиб олгандек силлиқ юзи, бодом қовоқлари остидаги йирик кўзларига кўплар суқланиб боқар, ўз навбатида Зарифа ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида нозистигно билан муомала қилар, бу эса йигитларни чўчитарди. Орқаворатдан кўрганларида, «Гапга сол» дегандек бир-бирларига кўз қисишиб қўйишарди. Шуниси ҳам борки, Зарифа унча-мунча йигитни тан олиб, яқинлашишга шошилмасди. Бу борада унинг ўз фикри бўлиб, буни сира ошкор қилмасди. Аммо ўқишга келганда, ўнга йигитни ортда қолдиради. Кўп вақтини университетнинг донғи кетган асосий кутубхонасида ўтказар, геология учун зарур ёндош фанларни ҳам мустақил ўзлаштиришга интиларди. Омон билан ҳам кутубхона сабаб бўлиб, анча яқинлашиб қолди. Бошда Омонни кузатиб юрди. Бир-икки

суҳбатлашганда, назарида фикри теран, мулоҳазалигина йигит кўринди. Аспирантлигини билгандан кейин эса: «Эртаси порлоқ экан, қўлга қўнадиган бўлса бас»,— деб кўнглига тугди. Омон йўлакда бир-икки тамаки тутатиб турганида, келиб, ҳол-аҳвол сўрайдиган, геологиянинг ҳозирги замон муаммолари устида суҳбатлашадиган бўлиб қолди. Хуллас, ўзининг мойиллигини сездириб қўйди. Аммо кўп ўтмай, Омоннинг гаҳ деганда қўлга қўнавермаганидан чўчиб, иккиланиб қолди. Зарифадаги бу кайфиятни Омон ҳам сезди-ю, аммо ўз навбатида у ҳам буни қизлик кибр-ҳавосига йўйиб, муносабатларини узмади. Орадан ўтган маълум вақт ичида Омон Зарифани чинакамига севиб қолди. Севги эса қиз характеридаги нуқсондан кўра кўпроқ фазилат изларди.

Омон бир кўнгли Шералини уйғотиб, бор гапни ўртага солмоқчи, маслаҳат сўрамоқчи бўлди. Аммо бу болаларча мушоҳадасидан ўзи уялиб, мийғида кулди, оҳиста ўрнидан туриб, оёқяланг дераза олдига борди. Ҳамон шивалаб ёғаётган ёмғир томчиларининг дераза ойнасига урилиб, беҳол шитирлашига бир зум қулоқ солди. Унинг ўйчан кўзлари ташқарига қадалган. Булутли осмон қора чодирга ўралгандек зим-зиё. Ҳовли юзи ялтиллади. Тўғрида ўқув корпусининг уч қаватли биноси қорайиб турибди. Ҳовлида одам қораси кўринди. Омон синчиклаб қаради. Келаётган киши Виктор эди. Омон апил-тапил шимини кийди, костюмини елкасига ташлади-ю, йўлакка отилди.

— Тоғ саломлари ўзларига бўлсин, Омонвой, қалайсиз?— дея зил-замбил чамадонини ерга қўйиб, қучоқ очиб кўришди Виктор. Бошқа вақтда ортиқча рўйхуш бериб гаплашмайдиган одам ҳозир ҳамхонасининг аҳволини батафсил суриштириб билгандан кейингина чамадонига қўл узатган эди, Омон чаққонлик билан чамадонни кўтариб олди. Виктор хонага кириб, чироқни ёқди-ю:

— Оҳ-оҳ, жаноблари «тунги мақомни» бошлаптиларда,— дея ҳазил қилган эди, Омон хохолаб кулиб юборди. Виктор: «Халақит берма, чарчаган» дегандек бармоқларини лабига босди.

— Тишшш...

## Ўн учинчи боб

Шерали Сабогулни чиндан ҳам бутун қалб ҳарорати билан севиб қолганини бир неча кунлик айрилиқдан сўнг яққолроқ ҳис этди. Бошда унчалик билинмади-ю, кунлар ўтиши билан севги оташи жисмини ёндира бошлади. Сабогул Шерали жисмининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Гўё севишганларнинг туйғуларини бирлаштирадиган улкан магнит кўприк вужудга келиб, икки қалбни туташтирди. Севги Шералининг маънавий ҳаётига янги руҳ, ўзга мазмун олиб кираётганини, фақат эзгуликка, гўзалликка интилишга ундаётганини чуқурроқ ҳис эта бошлади. Бу туйғулар Шералини оламга тамоман бошқа кўз билан қарашга, инсон ақл-идроки учун мўъжиза ҳисобланган кашфиётлар яратишга ундар, мукофотига эса қалбидаги кишининг биргина таҳсини, юрак олқишини олишга муяссар бўлишни истар эди. У туну кун диссертация устида ишлади. Асосий боблар устидаги ишни деярли поёнига етказди. Эндоген конлар бўйича сўнгги кандидатлик минимумини ҳам топшириб бўлди. Аммо Павел Ивановичнинг: «Диссертациянинг жисмларнинг келиб чиқиши ҳақидаги боби заифроқ чиққан кўринади, намуналар камлик қилдими дейман, бўталоғим, яна бир-икки ой тош терасанми?»— деб мовий кўзларини шипга тикиб, кулгани Шералини ўйлангириб қўйди. Одатда Павел Иванович узил-кесил бажарилиши зарур ишлар устида тўхталганда, баъзиларга ўхшаб билан додлигини пеш қилгандек чўрт узиб фармойиш бермас, шунақа тахмин қилиб гапирарди. Шерали домласининг: «Ишим Чорух

Дайрондаги магматик формациялар деб ўзингни чеклаб қўйма, тева-  
рак атрофдаги вазият билан ҳам танишсанг, кейинчалик яхшигина  
бир илмий ишга асос бўлармиди дейман» деган сўзларини ҳам эслаб,  
унинг айтганини дафъатан бажаришга қарор қилди. Ҳали баҳор қиш  
кўрпасидан кўз очмай, Мўғултоғ этакларида бир ярим ой геологик-  
қидирув ишлари олиб борди. Магматик формацияларга доир бутун  
далилларини яна бирма-бир кўздан кечирди, айрим қўшимчалар қилди.

Иш билан бўлиб, бир қадар овунганидан Шералига айрилиқ азо-  
би унча билинмади-ю, Мўғултоғдан қайтгандан кейин ўзини қўярга  
жой тополмай қолди. Шунинг учун бўлса керак университетдан асосан  
студентлар учун Бурчмуллага уюштирилган экскурсияга ҳам бориб  
келди. Студентларга Шералидан бошқа яна икки геолог ҳамроҳ  
бўлди.

Машина Ғазалкентга етганда, таниш далалар, тоғ чўққилари ва  
далаларга завқ билан нигоҳ ташлади. Бу ердаги мафтункор табиат  
нимаси биландир Хорогни эслатарди. Кўз олдида Сабогул жонланди.  
Тоғ оралиғидан эсаётган муздек шабадага юз тутган Шерали гимнас-  
теркасининг кўкрак чўнтагидан Сабогулнинг касалхона бланкасига  
ёзиб юборган кейинги хатини олиб, хатолари бўлса ҳам, аммо жуда  
чиройли битилган ҳарфларга тикилиб ўқий бошлади: «Азизим Шерали  
ака, сиздан хат олган куни мен учун байрам бўлди. Қайта-қайта  
ўқидим. Жудаям ўрганиб қолган эканман. Бу қадар очиқ гапираётган-  
нимга ажабланманг. Тоғ қизиман. Баъзи бир шаҳарлик аёллардек ноз-  
истигно билан пардали гапиришни билмайман. Менинг суҳбатдошим —  
эртак сўйлаётгандек ҳамиша шивирлаб турадиган ҳайбатли қоялар,  
тиниқ ирмоқлар. Шунинг учун айтадиган сўзларимни сиздан ҳам сира  
тортинмай, очиқ гапиряпман. Шерали ака, ҳаётингизнинг ҳар бир да-  
қиқаси мен учун азиз. Сизнинг ҳаётингиз алоҳида ҳаёт, ҳамманикидан  
бошқача, ўзингиз ҳам шундай — бошқачасиз... Эҳҳ, нега энди сиз  
билан олдинроқ учрашмадим. Унда бутун борлигимни бошқача туйғу  
билан ҳис этган бўлур эдингиз. Бир нарсадан қўрқаман... мени... Ке-  
чирасиз, эзмалик қилиб валаҳлаяпман шекилли. Мана бўлдим. Ҳозир  
тилимни тияман. Сизга бир умр содиқ Сабогул».

Шерали хатни буклаб, чўнтагига солди. Хаёлида ҳамон Хорог.  
Қулоқлари остида Сабогулнинг ёқимли овози жаранлагандай бўлди.  
Пастга қаради. Чотқол дарёси туйғуларини тасдиқлаётгандек энсиз,  
аммо хийла чуқур ўзанидан кўпирганча шовуллаб оқмоқда эди.

Бурчмуллага қош қорайганда етиб келишди. Ҳамма машинадан  
тушди. Лагерга ёлғизоёқ сўқмоқдан бориларди. Атроф сокин. Унсиз  
қоя этагидаги ям-яшил дарахтларнинг япроқлари оҳиста эсаётган  
муздай тоғ шамолидан тебраниб, атрофга ажиб бир ҳид таратарди.  
Гул ишқида маст бўлиб тинмай хониш қилаётган булбуллардан рашки  
келгандек ҳар замонда қишлоқнинг қозоқи итлари эринчоқлик билан  
вовуллаб қўяр, салобатли чўққиларгина табиатнинг жонли мавжудот-  
ларига парво қилмай, виқор билан савлат тўкиб турарди. Шерали  
тошлар орасидан шилдираб оқаётган шишадек тиниқ сувда юзини  
чайди, катта харсанг устида ўтириб, атрофни кўздан кечирди. Қишлоқ  
устиде юзлаб электр лампалари кўк гумбази остидаги беҳисоб юлдуз-  
лардек жимирларди. У бу ерларга қирқинчи йилларнинг бошларида  
келган эди. Ушанда кечқурунлари тоғ оралиғидаги бу шинам қишлоқ-  
ни даҳшатли зулмат қопларди. Унда-мунда йилт этган лампа чироқ-  
ларнинг ёғдуси денгизга тушган томчидек тун қўйнига сингиб кетарди...

Икки геолог студентларни бошлаб йўлга тушишди. Мақсад —  
уларни Саргардон вольфрам кони билан таништирмоқ, ўзлари ҳам  
янги материаллардан хабардор бўлмоқчи эдилар. Унча катта бўлма-  
ганига ва анча олисда жойлашганига қарамай, бу кон ҳам, фронт

учун фашизм устидан ғалаба қозонишга ўз ҳиссасини қўшмоқда эди. Улар илон изи сўқмоқдан занжирдек олдинма-кетин боришар, Шерали бу занжирнинг сўнги ҳалқаси бўлиб, ҳорғин елкасини букканча, алланималар тўғрисида хаёл суриб илгариларди. Сўқмоқ тугаб, катта ялангликка чиқаётганда, Шералининг олдида бораётган практикант қиз «ухх!» деб ўтириб қолди. Олдинги студентлар анча илгарилаб кетишганидан унинг овозини Шералидан бўлак ҳеч ким эшитмади. Шерали рюкзагини ерга отиб, қиз олдига бориб чўккалади. Унинг ўнг оёғининг товонидан қон оқарди. Шерали бош чайқаб:

— Боя сизга ўртоғингиз «шиппагингни ечма» деди-ю, нега энди оёқ яланг бўлиб олдингиз?

— Тезроқ юра қоламан дедим.

Шерали қизни текис жойга олиб чиқиб ўтқазди. Шоша-пиша рюкзагини очиб, эски кўйлагини пайпаслаб топди. Қиз ёнида чўккалади. Унинг ўнг оёғини тиззасига олиб, кўйлакни икки-уч айлантриб ўрагач, икки енгни қизнинг оппоқ болдириларига таранг тортиб тугди. Сўнг, товонга кириб қолган қирраси тигдек тошни амаллаб олиб ташлади. Энгашиб, яна рюкзагини тита бошлади. Қўлига илинган эски майкасини тасма қилиб қирқди, қизнинг товонини боғлади. Бошини кўтарганда, кўзи қоронғида ҳам чақнаб турган кўзларга тушди. Қиз миннатдорчилик билдириб, хиёл жилмайди.

— Барақа топинг, бирам қўрқиб кетдимки...

Шерали кулди. Факультетда уни кўп кўрарди-ю, аммо исмини билмасди.

— Отингиз нима?

— Танзила!

— Менинг исмим Шерали.

— Сизни яхши биламан,— деди шоша-пиша Танзила.

— Геолог сал нарасдан ҳам қўрқаверса иш битмайди,— деди ҳашиллашган бўлиб Шерали.

— Оёғимга тош кирганидан эмас, ёлғиз қолиб кетдимми, деб қўрқувдим.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да,— деди яна кулиб Шерали.

Танзила ҳам унга қўшилиб кулди. Бирпасдан кейин:—«Сезгир экансиз,— деди ийманибгина.— Одамлардан бир зум ажралиб, ёлғиз қолсам, ваҳм босаверади»,— деб қўшиб қўйди айбига иқрор бўлганидан енгил тортиб энтикаркан.

— Зарари йўқ, ўрганиб кетасиз,— деди Шерали «ҳомийлик қилишга тайёрмиз» дегандек ишонч билан.

Танзила миннатдорчилик билдирди-ю, жимжалоғини тишлаганча ўйланиб қолди.

Шерали рюкзагини елкасига илиб олиб:

— Нимани ўйлаяпсиз, Танзила? Қани, турмайсизми?— деди йўл томон бурила туриб.

Танзила ўрнидан турди. У ҳам чоғроқ йўл сумкасини елкасига илгач:

— Энди нима қиламиз? Наҳотки қоп кетганимизни сезишмаган бўлишса?— деди Шералига қараб.

Унинг овозида аллақандай бир ташвиш, боя ўзи айтганидек ваҳм аломатини сезган Шерали хохолаб юборди.

— Вуйй, ана у кишини қаранг, нега куласиз энди?

Шерали жавоб ўрнига яна кулди. Танзиланинг каловланиб турганини кўриб, ҳасса зарурлигини ўйлади. Рюкзагини ерга қўйди. Пичоқ олиб, шундоққина ёнидаги катта бир туп бутанинг йўғонроқ новдасини чамалаб қирқди. Ингичка томонини узиб ташлаб, туртиб чиққан кўзлардан силлиқлагач:— Қани, мана бунга таяниб, бир-икки қадам

босинг-чи, яхши юриб кетсангиз, ўртоқларимизга бир зумда етиб оламиз»,— дея Танзилага тутқизди. Сўнг рюкзагини елкасига илганча икки бута оралиғидаги сўқмоқдан ўтди. Танзила ҳам унга эргашди. Қаловлана-каловлана буталар орасидан ўтиб, ялангликка чиққач:

— Хафа бўлманг, Шерали ака, сизга нима деб тушунтирсам экан... Умуман хафа бўлманг, хўпми? Жон Шерали ака, ўтинаман, хўп дея қолинг...— деди деярли йиғламсираб.

Танзила бу сўзларни шу қадар мулойимлик ва ялинчоқлик билан айтдики, Шерали беихтиёр тўхтаб, қиз томон ўгирилди.

— Жуда қизиқ қиз экансиз,— дея кулди ниҳоят Шерали.

Танзила ўйинчоғини топиб олган қизалоқдек қувонганидан энтикиб:

— Майли, қизиқ бўла қолай, фақат мендан хафа бўлманг, хўпми?— Танзила Шералига кўз қирини ташлаб, сўнг ерга қаради.

Шерали бу содда, самимий қизнинг болаларча хатти-ҳаракатини кўриб, ўйланиб қолди. Тоғ кийингидек ҳурконғич бу қизни бир-икки факультетда кўрганида ҳам, у ўтиб кетгандан кейин таажжубланиб орқасидан қараб қолган эди. Танзила танаффус вақтида ё аудиториядан умуман чиқмас, китоб varaқлаб ўтирар, чиққан тақдирда ҳам атрофдагиларга қўлини кўксига қўйганча: «Ассалому алайкум!— деб сўрашарди-да, ердан бош кўтармай, ўтиб кетарди. Гапирганда ҳам бошини эгиб, эшитилар-эшитилмас сўзларди. Ҳамма нарсадан ҳадиксирайди, ўта тортинчоқ. Шуни ўйлаб Шералининг чеҳраси ёришди.

— Келишдик, хафа бўлмайман.— Бир-икки қадам қўйгач:— Қани, секин орқамдан юринг бўлмаса,— деди.

Қўкда бир карч қовундек ингичкалашган ой атрофни хира ёритарди. Ҳайбатли баланд тоғлар ой ёғдусини ҳам ютиб юборгудек қорайиб, ваҳм соларди. Шерали осмонга қаради. Жимирлаб турган юлдузларни чамалаб, Чотқолнинг юқори оқими томон юрди. Чотқол суви қирғоқдан қирғоққа сачраб, кўпириб оқмоқда эди. Орқадан оқсоқланиб секин келаётган Танзила етиб олсин деб сувга тикилди. Танзила етиб келгач, Шерали унинг қўлидаги сумкани олиб, атрофга яна кўз югуртди. Ўйланиб туриб Чотқолнинг чап ирмоғи — Оқбулоқнинг қамиш ва бутазорларини ёнлаб юрди. Бу томонларда Шерали кам бўлган. Иккиланиб тўхтади. Рюкзайдан харитани олди. Катта харсанг устига ёзиб, ойнинг хира ёғдусида кўздан кечирди. Таажжубланиб йўлга қаради. Йўл гоҳ юқорига кўтарилар, гоҳ пастга тушар, илонизи сўқмоқ эса бутазорга бориб туташарди. Харита анча эскирган бўлиб, уруш йиллари қурилган Чотқол водийсини кон билан боғловчи тўғри йўл кўрсатилмаганди. Унда анча вақтдан бери фойдаланилмай ётган ташландиқ эски йўлгина чизилган эди. Шерали адашиб, шу йўлдан кетди. У олдинда, кетидан Танзила бу машаққатли йўлдан амаллаб чиқиб олишди. Аммо энг даҳшатли йўл олдинда эди. Оқбулоққа ўнг томондан қўшилаётган Саргардон водийсида йўл ва сўқмоқнинг қаёққа олиб боришини сира ажратиб бўлмасди. Танзила оқсоқланганча индамай борарди. Шерали анчадан буён ҳеч ким юрмаганидан гоҳ ўтлар ичида йўқолиб, гоҳ базўр кўзга ташланаётган сўқмоқни йўқотмаслик учун диққат билан кузатарди. Ой юзини булут қоплади. Инсон қадами камдан-кам тегадиган бу ёввойи водийда таваккал қилиб йўл босишдан бўлак илож қолмади. Орадан икки соатча ўтди. Энди йўл тамоман кўринмай қолди. Олдинда арчазор тоғ бағри. Нафас ростлаш учун ўтириб олишди. Шерали «кучинг етармикин?» дегандек Танзилага қаради. Танзила қаршисида улкан девордек қорайиб турган тоққа кўз ташлади.

— Тоғдан ошиш керакми?— деди ниҳоят сувсизликдан қуруқшаб қолган лабларини ялаб.

Шерали баландликни яна бир чамалаб кўргач:

— Чарчаб қолмасмикинсиз?— У Танзиланинг оёғига қаради.— Сув топила қолса ҳам майли эди.

Танзила ўрнидан турди. Ҳассага таянганча нозик елкаларини олдинга эгиб, тоққа кўтарила бошлади. Қоронғида ваҳима бўлиб кўринган тоғ унча баланд эмас экан. Танзила минг машаққат билан ялангликка чиқиб олгач, қувониб: «Шерали ака, сувнинг шилдираши эшитилляпти»,— деди-ю, оғриқни ҳам унутиб, ўша ёққа чопди. Шерали индамай Танзиланинг кетидан даранинг ғарбидаги қияликдан йигирма-ўттиз метрча кўтарилиб, диққат билан қулоқ солди. Пастда чиндан ҳам сувнинг шилдирашини эшитди. Сўқмоқ билан тоғ йўли туташган жойда ирмоқ бўлиб оқаётган сувга кўзи тушди.

— Ҳу, ана у кўприкчадан ўтиб, пастга тушинг,— деди олдинда бо- раётган Танзилага.

Орадан дақиқа ўтмай, бошда Танзиланинг қичқириғи, сўнг сувнинг шалоплашини эшитган Шерали рюкзагини бир чеккага улоқтириб, югурди. Бир одам аранг сўғадиган омонат кўприкдан ўтиб, пастга тушди. Танзила сувнинг ўртасида қийшайиб қолган толнинг нимжон бир шоҳига илинганча тиши тишига тегмай қалтираб турарди.

Шерали қўлини узатди. Танзила қўрққанидан ўрнидан ҳам жилломасди. Шерали шимини ҳам ечмай сувга тушди. Танзилани азод кўтарди-ю, тоғ ёнбағрига олиб бориб ўтқазди. Атрофни кўздан кечи- ради:

— Шу орада тунаб қолишга тўғри келади,— деди Танзилага.

Танзила бир чўчиб тушди. Шу ўтиришда тонг отса у ҳеч нарсадан чўчимаган бўларди балки. Аммо Шералининг оғзидан «тунаб қолишга тўғри келади» деган гапни эшитиш унинг учун жуда қўрқинчли туюлди. Бундай вазиятга сира дуч келмаган, айниқса тоғ-тошлар орасида бегона эркак билан ёлғиз қолиш етти ухлаб тушига кирмаганди. Уйда- гилар эркаклардан гўдакларни олабўжидан чўчитгандек қўрқитишарди. Ҳозир ичидан зил кетди-ю, буни Шералига овоз чиқариб айтишдан чўчиди. Иккиланиб туриб:

— Қайдам, ўзингиз биласиз, Шерали ака,— деди чор-ночор.

Унинг аъзойи бадани совуқдан безгак тутган одамдек қалтирарди. Шерали кўзи билан қулайроқ жой қидираётганидан Танзиладаги бу ўзгаришни сезмади. Бунинг устига дарадан суяётган совуқ шамол ҳўл кийимдан баданга игнадек санчилиб, суяк-суякдан ўтаётган эди. Бирдан- бир қулай бошпана дарага яқин жой эди. Шерали: «Қани пастга тушдик»,— деди-ю, Танзиланинг жавобини ҳам кутмай, йўл бошлади. Танзила титраб-қақшаб Шералининг орқасидан юрди. Шерали текисроқ жойни чамалаб, рюкзагини арча дарахти шоҳига илди. Атрофни хас- чўплардан тозалаб, ўрин ҳозирлади. Қуруқ шоҳлардан гулхан ясади. Сўнгра ҳар иккалалари алоҳида-алоҳида чойшабга ўралиб, қари арча панасида орқалабини бир-бирларига суяб ўтирган ҳолда мудрашди.



Тонг ғира-ширасида Шерали қаттиқ қичқириқдан чўчиб уйғонди-ю, кеча Танзила билан турган ерда қўлларини ҳавода муаллақ ўйнатиб, бақриб-чақриб гапираётган лаборантга кўзи тушди. Баланд бўйли, озғин бу йигитнинг отини ҳам билмасди. Совуқ қилиқлари, ҳуда-беҳуда валақлайвериши, ҳамма ишга бош суқиши билан одамларни ўзидан бездирган, кўпчилик унга «шумтака» деб эътибор ҳам бермас эди. Аммо атрофдагиларнинг ўзига совуқ муносабатда бўлаётганидан хулоса чиқармас, бунга парво ҳам қилмасди. Студентларнинг экскурсияга бораётганини қаерданам эшитиб, суйкалиб, тўпга қўшилди. Экскурсияни уюштирган киши унинг боришига қаршилиқ кўрсатганда, у ялинчоқ

овозда илтижо қила бошлади. Пакана, сочлари пахмайган бир студент ёнидагига: «Жигардан урган. Танзилага эргашиб боряпти», деб пиқ этиб кулди. Шумтака, жавобни ҳам кутмай машинага чиқиб олиб, орқага бориб ўтирди. Машина Салордан ўтиб Яланғочга яқинлашганда, секин атрофга разм сола бошлади. У ҳамма нарсдан ишқал чиқаришга тиришарди. Одамлардан ҳам фазилат эмас, нуқул иллат изларди. Кеча кечқурун худди шундай бўлган эди. Эскурсантлар дам олишга ўтирганларида, Танзила билан Шералининг йўқлигини сезишди. Атрофни қарашди, чақиришди. Садо бўлмади. «Лагерга боргандан кейин қидирармиз» — деди кимдир. Йўлга тушишди. Аммо лагерга етгунча, бояги лаборант бирпасда севги достонини тўқиди-ю, Танзила билан Шералининг анчадан буён дон олишиб юришганини, боя Бурчмуллада ҳам иккаласи четга чиқиб, алланималарни шипшишаётганини кўрганини кўзини лўқ қилиб гапирди. Баъзилар ишонди, баъзилар бу майда гапга қўл силтаб қўя қолдилар. Қидиришга жазм қилиб турганлар эса: «Ҳа, майли, табиат қўйнида яйраб олишсин», — деб кулишиб, чодирларига кириб кетишди. Шумтака кечаси ёлғиз атрофни кўздан кечирди. Анча жойгача борди-ю, дарага тушишга юраги дов бермади, бу тоифадаги одамлар ўлгудек қўрқоқ бўлишади. Ноилож эрталабгача сабр этишга қарор қилди. Дара эса лагернинг шундоққина ёнида эди.

Мана, ҳозир у бутун лагерни ширин уйқудан оёққа турғизди.

— Мен сизларга айтмовмидим, ҳў, биродарлар! Огоҳ бўлмадим деманглар! Мана, Тоҳир-Зухралар дарада! Ҳў-ҳў-ҳўввв!!!

Шерали сапчиб ўрнидан турди. Бу ваҳшиёна қичқириқдан уйғонган Танзила ҳам нима гаплигини пайқамай, юқорига қараб турганида, шумтака бояги сўзларини қайтарган эди, унинг овози тоғ-тошларда янада даҳшатлироқ акс садо бериб жаранглади.

Орқа томондан югуриб келган Шерали муштумини тугганча бор кучини тўплаб лаборантнинг қулоқ чаккасига шу қадар зарб билан туширдик, шумтака «ҳиқққ» этди-ю, тошдан-тошга урилиб, пастга думалади. Унгача лагердан етиб келган экскурсантлар гап нимадалигини тушуниб, «Наҳотки шундай бўлса?» дегандек Танзилага қараб қолишди. Икки студент «шумтака»ни суяб, лагерга олиб кетди. Шерали ҳеч нарса демай пастга тушди. Рюкзagini олди-ю, Танзиланинг сумкасига қўл чўзди. Қиз боши билан рад жавобини берди. Сумкасини маҳкам ушлаганча, ҳўнграб лагер томон чопди.

Эртаси куни номозгарга яқин Танзила ғойиб бўлди. Шерали икки кундан кейин ишларини битириб, Тошкентга келгандан кейин ҳам юрагидаги ғашлик анчагача тарқамади. Бу камлик қилгандек Хорогдан олинган бошқа бир кўнгилсиз хабар Шералини тамоман эсанкиратиб қўйди.

## Ўн тўртинчи боб

Виктор қўлидаги телеграммани боши узра баланд кўтарганча хонага кирди-ю, Зарифани кўриб, аввал тил чайнаб қолди, Омоннинг: — «Гапиравер, Зарифадан ётсирамасанг ҳам бўлади», — деган гапидан сўнг:

— Йўқ, нега энди ётсирашим керак, — деб Зарифага бир ёвқараш қилди-ю, тил учиди, — у ҳам ўзимизники-ю, аммо... — Яна чайналди. Зарифа ўрнидан турди. Викторнинг бу иши қанчалик нафсониятига тегмасин, тишини тишига қўйди. Ҳар нарсага қизиқиш одати унинг ичини таталади. Телеграмманинг кимдан ва нима мазмунда келганини билиш учун жон-жон деб ўрнидан қимирламасди-ю, аммо Викторнинг:

«Сиз бизнинг ётоқхонамизга киришга нима ҳаққингиз бор? Уялмайсизми бировнинг уйига ликонглаб кираверишга? деган гапларини эслаб, ўзини тийди. Буни Омонга айтиб, икки ўртада уриш чиқариб, ғийбатчи номини кўтаргиси келмаган эди ўшанда. Бир чеккаси Омон билан ораларидаги муносабат ҳам лиқиллаб, тобора омонатлашиб қолаётганидан бунга ортиқча эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Ҳозир Виктор Омон олдида ҳам ўша гапларни қайтармасин деб Зарифа жим қолди. Жазаваси тутиб ғазабдан чақнаб турган кўзларини Викторга тикиб, бир-икки бош чайқади-ю, ўрнидан турди. Омонга қайрилиб, бош силкиб хайрлашгач, хонадан чиқди.

— Мана, иккимиз қолдик! Тинчликми ўзи?— Омон дераза олдида турган Викторга яқинлашди. Ҳозир Зарифа учун Викторнинг роса адабини беришга ҳам тайёр эди-ю, лекин телеграмманинг мазмунини билмагани учун индамади. Унга қараб қолди.

Виктор телеграммани узатди. Омон телеграммани ўқиди. Унда Сабогул бобосининг вафоти маълум қилинган эди. Омон ташвишли кўзларини Викторга тикди.

— Нима қилиш керак?

— Тезда Шералини топиб, хабар беришимиз керак. Менингча у бо-риши керак.

Виктор шундай деб Омонга зимдан қараб қўйди. У «Сабогул билан ораларидаги гапдан хабаринг борми?»— деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо ўйланиб туриб:

— Сабогул уни қанчалик яхши кўришини айтгандир сенгаям ахир?— деди Омоннинг ҳамма гапдан хабари бордай қилиб кўрсатиб.

Омон тасдиқ маъносида бош чайқади-ю хаёлга толди. Шерали Сабогул ҳақида ёниб гапириб, бирдан-бир тўсиқ бобоси эканлигини ўқсиниб айтганди. Омон бобонинг олдида ўзи боришга тайёрлигини ҳам айтганда, Шерали кўнмаганди, «Қани, сабр қилайликчи, Сабогулнинг ўзи бирон тадбир ўйлар»,— деган эди.

Викторнинг сабри чидамади.

— Нима бало, ухлаб қолдингми? Жин урсин сени.

Омон бошини кўтарди.

— Йўқ, оғайни, булар орасидаги гап анча жиддий. Билмадим, хабаринг борми, йўқми, Сабогул бобонинг измидан чиқолмасди. Бунинг устига Сабогул билан ишлайдиган бир ҳамшира ҳам бобога ён босган экан.

Ҳеч нарса тушунолмамай қолган Виктор қизишди.

— Санларнинг гапларинг қизиқ бўлди-ку, жин урсин сени! Нима, Шерали Сабогулнинг бобосини яхши кўрганмиди, ундан изн сўраса, жин урсин сени яна.

Омон индамай кулиб турди-да, сўнг жиддий оҳангда гапирди.

— Гап бошқа ёқда, оғайни!— деди вазминлик билан.

— Сабогулнинг боласи бор, эри билан бир ойгина турмуш қилган экан. Фронтга кетиб, қорахат келибди. Бобонинг жиғи-бийрони чиқаётганининг сабаби бу ёқда, энди тушундингми?

Виктор: «Ҳааа, гап бу ёқда дегин!»— деди чўзиб.

— Ҳа-да, ҳамма илмоқ ҳам шунда.

Виктор бош қашиб қолди.

— Нега энди даминг ичингга тушди?

— Уруш бир ёқлик бўлгунча, бир нарса дейиш қийин, дўстим. Тўфон ичида нималар бўлмайди. Тирик бўлса, лоп этиб келиб қолса, нима бўлади?

— Мен ҳам шунга ўйлаяпман-у, иккинчи ёқдан Шералига қараб туриб ҳам раҳмим келади, ҳам ҳавасим. Менинг аҳволимни била-



сан-у,— Омон чуқур уҳ тортди. Дераза олдига бориб, унинг очиқ бир табақасидан ҳовлига қараб қолди.

— Бу галингам тўғри, севги инсоннинг жуда чигал, сирли туйғуси деб бекорга айтмаганлар.

— Ҳа, оғайни, дунёда англашилиши қийин бўлган муаммолардан ҳеч бирини севгига тенглаштириб бўлмайди. Севгининг ёши дунё ёши билан баробар дейишади-ю, шу дамгача кўп муаммо ва жумбоқларни ҳал этган инсон қудрати севги олдида ҳамон ожизлигича сукут сақлаб турибди.— Омон каравотига келиб ўтириб синиқ овозда сўзини давом эттирди:— Севган одамнинг дунёда тенги йўқ фариштадек сажда қиласан. Шерали ҳам худди шу аҳволда, оғайни, унинг учун инсон камолотининг чўққиси — Сабогул! Бунга яхшилаб ўйлаш керак.

Виктор каравотига бориб ўтирди. Ўйлаиб қолди. Ниҳоят телеграммани букаб, стол устига ташлади.

— Жин урсин дунёнинг ишини. Одам нима қилишини билмай қолади. Биласанми, Омон,— Виктор Омоннинг ёнига келиб ўтирди.— Модомики гап шунчалик жиддий экан, биз Шералини зудлик билан Сабогул ҳузурига боришга ундашимиз керак.

— Бу масалада менимча, Шералининг ўзи ҳам монелик қилмайди. Келажак муносабатларидан қатъи назар бориши шарт у! Ахир одамгарчилик деган гап бор. Таъзия билдириш унинг бурчи-ку. Мени масаланинг иккинчи томони ўйлантириб турибди. Борди-ю улар тил топди ҳам дейлик ўзинг айтгандай Сабогулнинг эри лоп этиб келиб қолса, Шерали неча пуллик одам бўлади.

— Мени кечирасан-у, Омонвой, агар Сабогул чинакам кўнгили қўйган бўлса унда ҳеч нарса эмас. «Лайли, ҳар кимнинг майли» деган гап бор. Ёшгина умри завола бўлмасин-да! Масаланинг бу томонига Шералининг ўзи нима деркин? Сира кўнгилига қўл солиб кўрдингми?

— Қўл солганман. Виждон азобидан қийналяпти.

— Бўлмаса мен билан сен уни зудлик билан Хорогга жўнатайлик, у ёни ўзига ҳавола.

— Жуда тўғри айтдинг, худди шундай қиламиз.

Омон билан Виктор шунга қарор қилиб, ўринларидан энди туришган эди, эшик очилиб, Шерали кириб келди.

— Хизрни йўқласак бўларкан, оғайни, ҳозир гийбатингни қилиб ўтиргандик, ассалому алайкум, қалай, яхши келдингми?— Омон қизларникидек нозик қўлини Шералига узатди.

Виктор ҳам кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, қўлига телеграммани берди. Шерали телеграммага кўз қирини ташлади-ю, қошлари чимирилди, бош чайқаб, лабларини чўччайтирганча хаёлга толди. Ниҳоят телеграммани стол устига қўйиб, Омонга қаради.

— Тезроқ бориш керак. Аммо қандай қилиб? Хорогга боришнинг ўзи бўлмайди.

Омон унга яқинлашиб, елкасига қўлини қўйиб тасалли берди.

— На чора, дўстим, қандоқ қилиб бўлмасин, боришинг керак. Қани, кўплашиб уриниб кўрармиз ахир. Бошқа илож йўқ.

— Омон тўғри айтяпти, Шерали, йўл олис, албатта, бунинг устига у томонларга боришнинг ўзи бўлмайди. Аммо бориш керак. Қани, юр, темир йўлда танишим бор эди, зора бугун ишлаётган бўлса, амаллаб эртагача жўнатиб келамиз, нима дединг, Омон?

— Вақтни ўтказмай борайлик.

Омон эшик олдида борди. Шерали Омоннинг чоғроқ чамадонига зарур у-бу нарсаларини солиб: «Мен тайёрман!» дегандек Викторга, сўнг Омонга қаради.

Кўча анча салқин. Томларда, бино деворларининг салқинроқ жойларида тўпланиб қолган баҳор қорининг сўнгги уюмлари қорайиб

ётарди. Уч оғайни университет зинасидан тушиб, катта кўчани кесиб ўтишди.

Шошилиб кетаётган одамлар оқимига қўшилиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.



Пилнинг баҳор фасли ҳамма ёққа аллақачон сепини ёйиб, яшил либос кийдирган бўлса-да, Хорог бундан мустасно. Унинг қорли чўқ-қиларидан қиш шамоли эсиб турибди. Кўча-кўйда яккам-дуккам уч-раб қоладиган одамлар ҳам зимистон либосида. Шабада севалаб турган майда ёмғирни ҳар томонга тортқилаб, этни чимчилайди, қулоқ-бўйинни ялаб жизиллатади.

Шерали бундан олти ой муқаддам Сабогул билан хайрлашган шифохона қаршисида турибди. Шифохона эшиги қия очиқ. Беморлар кўринмайди. Шерали вужудини ёқимли бир ҳаяжон қитиқлай бошлади. У кетаётганда Сабогул дуррачасини силкитиб турган скамейка ёнидаги дўнгликка қаради. Кўчани кесиб ўтиб, дўнглик олдига бориб тўхтади. Унинг устидан ёмғир томчилари сирғалиб тушиб ариқча ҳосил этганча пастликка интиларди. Шерали бошини кўтарди. Қия эшикдан ичкарига қаради. Коридор ичи қоронғи бўлганидан ҳеч нарса кўринмади. Ичкарига кирди. Ўзи ётган хона эшиги очиқ. Хона олдидан ўта туриб юраги алланечук бўлиб қаради. Қимдир газета ўқиб ётибди. Яна бир қадам қўйган эди, Даша холанинг боши кўринди. У энгашиб, бир нарсани кўздан кечираётган эди. Шерали тўхтаб қолди. «Демак Сабогул уйда». У шуни ўйлаб, девор тагига бориб, Даша холани кутиб турди. Орадан икки-уч минут ўтмай, ҳамшира чиқди. Энди ўнгга бурилиб кетаётган эди Шерали уни чақирди.

— Даша хола!

Ҳамшира қайрилиб, орқасига қаради-ю, ёруғлик тушиб турганидан ким уни тўхтатганини ажратолмади. Унгача Даша холага етиб олган Шерали:

— Танимадингиз шекилли,— деди хижолатомуз овозда.

— Ҳа, сизмидингиз, салом!— Даша хола Шералининг саломига совуққина жавоб бериб: «Нима ишинг бор эди?» дегандек унга тикилди.

— Сабогул бормикин деб келган эдим.

Даша хола унга бош-оёқ қараб, истеҳзо билан жавоб берди.

— Сабогул хат ёзиб, ҳамма гапни айтганди шекилли!

Шерали ноқулай вазиятга тушди. У Сабогулдан бунақа хат олмаган эди. Тўсатдан саҳрода довулдан кейин шерикларидан ажралиб, танҳо қолган одамдек, эти увишди. Маънос бошини эгди.

— Жанг кўрмаган, пўконидан ел ўтмаган хом сут эмган йигитчадек мусичан бегуноҳ бўлиб туришингизни қаранг.— Даша хола юзини бурди.— Икки ўғлим бири ўн саккизда, бошқаси йигирмада немис ўқидан қулади. Икки норасида қизим билан эримни кўзим олдида чавақлашди. Жанг даҳшатини биламан. Наҳотки сўлақмондай одам урушдан қочиб юрганингни етмаганидек, сизнинг ҳаётингизни деб дўзах жангига кирган одамни хотинидан жудо қилсангиз?

Бу гап Шералининг жон-жонидан қанчалик ўтмасин, ўзини босди. «Бир чеккаси Даша хола ҳақ»,— дея кўнглидан ўтказди Шерали. Аммо чўкаётган киши нажот излаб хас-чўпга интилгандек, ўзини оқлашга муносиб сўз изларди. Ниҳоят: «Ахир қорахат келган-ку»— деди бошини кўтармай хаста овозда.

— Қорахат янглиш келган бўлса-чи? Бугун-эрта эшикдан кириб келса-чи?!!

Шерали гимнастеркасининг тугмасини ечиб, бўйинини уқалади.

Даша хола Шералига яна бир ўқрайиб, индамай полни гурсиллатганча кетди...

Шерали деворга суялганча ўйланиб қолди. Чаккалари лўқиллай бошлади. Оҳиста одимлаб, ташқарига чиқди. Скамейкага ўтириб, бошини кафтлари орасига олиб сиқди; чуқур нафас олди. Ёнғоқдай нарса томоғини сиқиб бўғаётган эди. Шерали бирдан ўрнидан турди. Кўчани шахдам кесиб ўтди. Шилдираб оқаётган ариқча бўйидаги тол дарахти остига бориб яна тўхтади. «Даша холанинг гапида жон бор.— Хаёлидан кечирди у.— Чинданам эрта-индин кеп қолсачи?» Бу савол Шералини шу қадар эсанкиратиб қўйдики, биров Сабогулини ундан тортиб олаётгандек юраги орзиқди. «Йўқ, йўқ,— дея ўйлади у.— Сабогулни кўришим керак. Ҳамма гапни унинг ўзидан эшитишим керак».

Шерали осмонга қаради. Туман қоплагандек хира осмонда ёмғир зарралари вижирларди. У кузови ёмғирдан шалаббо бўлиб, ўнг томонга қийшайганча инграб тепаликка кўтарилаётган машина изидан бир-бир одимлаб кетди.

Эшикни Сабогул очди. Унинг ранги анча синиққан, кўзлари кир-тайиб, анча озибди. Эгнида чий духоба камзули, бошида оқ дуррача. Шералини кўрди-ю, кўзларига ишонмай, қошларини чимирди, дурустроқ тикилгач:

— Шерали ака! Сизмисиз?— деб қўққисдан ҳўнграб юборди.

Шералининг бадани жимирлаб кетди. Узини ичкарига олиб, бир табақали эшикни оҳиста ёпди. Сабогулнинг бошини елкасига қўйиб, сочларини силади. У гунг одамдек тараддуланиб турар, нима деб таъзия билдиришни билмай, нуқул: «Хафа бўлманг, Сабогулхон, хафа бўлманг»,— дерди.

Сабогул кўз ёшларини дуррачасининг оппоқ бўйнига тушиб турган учига артиб, Шералини уйга таклиф этди. Кўрпача ёзиб, меҳмонни ўтқазгач, «мен ҳозир» деб эшикка чиқиб кетди.

Шерали мўъжазгина хонани кўздан кечира бошлади. Зич қалаштириб тахланган тоқи остидаги харилар вақт ўтиши билан қорайган бўлса ҳам ҳали жуда бақувват. Деворлар қора сувоқ устидан оқланганидан унда-мунда сомони чиқиб турарди. Бурчакдаги чоғроқ стол устига ранги кетган гулдор чит ёзиб қўйилган. Столнинг бир чеккасида уч-тўртта китоб ётарди. Боши устидаги токча деворига ихчамроқ ойна осирлиқ. Бурчакда Садбаргнинг жажжигина ёғоч каравоти. У бўялмаганча турибди.

Шерали ҳаяжонланиб эшикка қаради. Ташқари жимжит. Кўзи олдида Даша хола жонланди. Унинг норози кўзлари Шералига ўқталган. Кўзини эшикдан олиб қочди. Энди унинг хаёлини Сабогул чулғаб олди. «У нима деркин? Наҳотки Даша хола менга айтган гапларини Сабогулга ҳам айтган бўлса?! Шерали ўрнидан туришга чоғланганда, ташқаридан оёқ товуши эшитилди. Қайтиб жойига ўтириб, эшикка тикилиб қолди.

Сабогул кўтариб кирган дастурхонини оёқ учида ўтириб, секин ерга қўйди-ю, яна чиқиб кетди. Чой олиб кириб, Шералининг рўпарасида ўрнашиб олгач, дастурхонни ёзди. Нон ушатиб, чойни қайтарди. Бир ҳўплам ичгач, пиёлага яна чой қўйиб, Шералига узатаркан:

— Хуш келибсиз, Шерали ака, қани, дастурхонга қаранг,— деди синиқ ва хаста овозда.

Шерали томоқ қириб, нондан бир тишламгина синдириб, оғзига солди-ю, устидан чой ҳўплади. Орадаги ноқулай жимликни бузиб:

— Бобонинг тоблари қочиб қолганмиди?— деди маъюсланиб.

— Шундай бўлсаям, одам жилла ҳовридан тушарди. Соппа-соғ юрган одам кечга яқин эшикдан кириб: «Сабо, юрагим санчаяпти»— дедилар-у, хоналарига кириб кетдилар. Орадан самовар қайнагунча

фурсат ўтди. Чой кўтариб кирсам, ёстиққа бош қўйганларича кўзлари бақрайиб ётиптилар.— Сабогул юзига думалаб тушган кўз ёшини артиб, «бўлган гап шу» дегандек ерга қараб жим қолди.

Шерали яна томоқ қирди-ю:

— Сиз билан Садбаргни олиб кетгани келдим,— деди бехосдан ва қулоқларигача қизариб, Сабогулга тикилди.

Ўпкаси тўлиб турган Сабогул ўзини тутолмади. Ҳўнграб юбориб:

— Қани энди иложи бўлса, Шерали акажон! У дунёга олиб кетсангиз ҳам, қанот қоқиб борардим,— деди энди кўзини Шералидан олиб қочмай.

— Нега иложи йўқ, ахир биз бир-биримизни... Шералининг гапи оғзида қолди. Яна кўз ўнгида Даша хола жонланди. У Шералининг юзига чангал солмоқчи бўлгандай ўқрайиб турарди. Шерали ютинди-ю:— Бу ерда ёлғиз ўзингиз бола билан қандай турасиз?— деб қўшиб қўйди.

— Дунёда яхшилар кўп, боланинг суюғи қотгунча қараб туришар, ёлғизлатиб қўйишмас... Шунча йўлдан овора бўлиб келибсиз. Минг раҳмат сизга, Шерали акажон!

— Ахир нега энди кетмаслигингиз керак?— Шерали энди шахдамроқ гапира бошлади.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ. Одамларни биласиз. Бу ёқда бобом раҳматлик ҳам ўша сиз кетган кезлари қон қақшатиб йиғлатдилар мени. «Борди-ю, турмуш қурадиган бўлсанг, у дунё-ю бу дунё сендан рози эмасман. Гўримда типпа-тик тураман»,— дея «Қаломулло урсин» деб қасам ичдилар...

Сабогулнинг боши эгилди. Унинг юрагидан отилиб чиқаётган нидодан хона зириллаб титрарди Шерали назарида. Сабогул ночорликдан йиғлаётганини қалбан ҳис этди Шерали. Унинг қўллари қалтираб, нафас олиши оғирлашди. Ўзини аранг босиб:

— Йиғламанг, Сабогулхон, аҳволингизни тушуниб турибман. Аммо менга ҳам осон тутманг. Ҳаётимнинг бундан кейинги дамлари осуда ўтишига кўзим етмайди.

— Нима қилай, Шерали акажон! Айтинг! Юрагим ўртаб ёняпти! Лаънат ўша мени бахти қаро қилган урушга, минг лаънат!!!

Хонага жимлик чўкди. Шералининг юрагини қиймалаб ташлаётган йиғи овозигина бу жимликни бузиб, ҳар икки аламзада юрак нидосини ифодаларди.

Шерали ўрнидан турди. Сабогулнинг ёнига келди. Унинг эгилган бошини оҳиста кўтарди. Кўзларига тикилди. Сабогулнинг жиқ-жиқ ёш тўла кўзлари алам ичида Шералига меҳр билан бир боқди-ю, ерга қадалди.

Шерали севгилисини ортиқ қийнамади. Оҳиста бориб, девор тагига қўйган рюкзагини очди. Олиб келган совға-саломларини стол устига қўйди-ю:

— Бўлмаса мен қайтай, кун ҳам кеч бўляпти,— деди Сабогулга.

— Вой, қандоқ қилиб кетасиз?— Сабогул ташвишланиб Шералига қаради.

Шерали Сабогулни тинчиттиш учун ёлғон гапирди: «Ўша мени боққан доктор шифохонада эканлар, қайтиб келаман»,— деб кетгандим боя.

Сабогул ноилож ўрнидан турди. Шералини дарвозагача кузатиб борди...



Павел Иванович атрофи кашталанган гулли чит дастрўмоли билан пешонасини артаётиб, нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб хонага кир-

ганида, вақт чошгоҳдан ўтган, кўк юзида қуёш чарақлаб турарди. У эшикдан кира солиб: «Бўталоқларим, қанисизлар, наҳотки хабарларинг бўлмаса»,— дея Шералининг каравотига яқинлашди. Шерали бошини ёстиқдан бир кўтарди-ю, йўлдан ҳориб-толиб келганидан уйқу-сираётган кўзларини очолмай, ўзини қайтиб ўринга ташлаган эди,— Павел Иванович:

— Шерали, кўзингни оч, бу — мен, тур ўрнингдан! Суюнчини бер, ҳаммамиз орзиқиб кутган муқаддас ғалаба бонги чалиняпти! Газандани инида пачоқладик, турсангчи, Шерали!!! Ғалаба!!! Ғалаба!!!

Шерали довдираб ўрнидан турди. У ҳали ҳеч нарсани тушунмай хижолатдан қизарганча кийиниб олди.

— Ғалаба, ғалаба, бўталоғим!—Павел Иванович кўзларини катта очганча Шералига яна қайтарди.

Шерали ишонқирамай, бақувват қўллари билан қулоғини ишқалаб қўйди-ю, тўсатдан энгаги титраганча қичқирди.

— Ғалаба дейсизми?

— Ҳа, ҳа, бўталоғим, ҳа, ғалаба! Қани, юр, Евдокия холанг қуймоқ пиширяпти, сени олиб кетишга келдим. Бўл, бўталоғим, ғалабага атаб қўйганим ҳам бор, қиттак-қиттак отиб, юрак тафтини босамиз.

Шерали кўйлагини шимининг ичига тиқиб, камарини тортаётганда, Павел Иванович аллақачон ҳовлига чиққан, энди пастаккина дераза ойнасини чертиб, Шералини шошилтирарди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### Биринчи боб

Шералининг диссертацияси ҳимоясига Ҳафиз Мирзамухамедович Абдулатипов келибди, деган хабар университет олимларининггина эмас, геологияга алоқадор бошқа муассасалардагиларнинг орасида ҳам яшигина шов-шувга сабаб бўлиб, буни ҳар ким ўзича шарҳлай бошлади. Бировлар Ҳафиз Мирзамухамедович Шералининг чинакам истеъдодидан хабар топиб, шахсан синаш учун келган деса, бошқалар бу унинг шогирд танлашининг ўзига хос усули дерди. Қилдан қийиқ ахтарадиганлар эса кўзларини айёрона қисиб: «Ҳозиргача ўзини тенги йўқ геолог деб юрган Абдулатипов Шералини бугунми, эртагами юзма-юз туриши муқаррар бирдан-бир кучли рақиб деб билиб, унинг имкониятларини ўрганиш учун атайлаб келган, «ҳа»— деб шивирлашардилар. Биргина Павел Иванович бу шов-шувларга бепарво, у Шерали геологиянинг магматик формацияларга доир каттагина муаммосини жуда ишонарли далиллар билан ҳал қилиб берганидан беҳад қувнаб, ўзини қўйишга жой тополмай юрарди. Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг ҳимояга келиш сабабини Шерали бир-икки қистаб сўраганида ҳам, Павел Иванович: «Билмадим, бўталоғим, ўзи келгиси келгандир-да»,— деб елка қисиб қўя қолган эди. Бунинг сабабини Шерали орадан бир ҳафта ўтмай, уни геология институтига чақирганларидагина билди.

Шерали белгиланган вақтдан олдинроқ директор қабулхонасининг эшигини ийманибгина очиб, секретарь қиздан киришга ижозат сўради. Секретарь қиз катта-катта мовий кўзларини эшикдан узмай:

— Кираверинг, марҳамат, ўтира туринг, Ҳафиз Мирзамухамедович ҳозир келадилар, дедию, девор тагидаги стулга ишора қилгач, оппоқ билагидаги ўзи каби бежиримгина соатига қаради. Қирра бурни ос-

тидаги юпқа лабларини қимтиб, хиёл табассум билан Шералини кўздан кечиргач, «Вақтлироқ кеп қопсизда, Шерали Алиевич, Ҳафиз Мирзамухамедович худди белгиланган вақтларида етиб келадилар», деди табассум билан. Сўнг гўё уни тамоман унутгандек, столи устидаги қоғозларни титкилай кетди. У ҳар замонда ёнидаги катта дафтарга аллақандай белгилар қўяр, яна қоғозларга шўнғирди.

Шералини шусиз ҳам болаларга хос аллақандай қўрқув ҳисси босиб, ғалати ҳолга тушиб қолган эди. Ҳар қанча уринмасин ҳаяжон устун келиб, ваҳм солаётганди. Секретарь қизнинг уни илиқ кутиб олиб, устига устак исмини атаб, бу билан ҳамма гапдан хабари борлигини маълум қилиб қўйгани Шералидаги бу ҳаяжонни яна кучайтирди. Энди шу мўъжазгина қабулхонанинг ҳам салобати босди. Шерали на эшик ёнгинасидаги парда тутилган эски сарғиш шкафни, на секретарь қиз ўтирган кичгинагина стол ортидаги кўчага қараган деразани кўрар, кўзларини рўпарасидаги қора дермантин сирилган эшикка қадаганча, нафасини ичига ютиб ўтирарди. Бир оздан сўнг секретарь қиз иш билан бўлиб, Шералига эътибор бермаётганини пайқаб, ўзини анча ўнглаб олди. Энди у қора эшикдан кириладиган хонани хаёлан кўз олдига келтира бошлади. Назарида поёни йўқдек залнинг тўрида каттакон стол ортида Ҳафиз Мирзамухамедович унинг жигаранг муқовали дисертациясини қовоғини солиб тез-тез варақлаётгандай бўлиб кўринди. Болаларча хаёл суриб ўйлаётганлари ўзига эриш туюлди, шекилли, миёнида кулиб, юзини бурган эди, секретарь қиз кўриб турган экан:

— Нега куляпсиз?— деб туриб, ўзи ҳам беихтиёр жилмайди.

Шерали энди лабларини чўччайтириб, расмана кулиб: «Ўзим»,— деди-ю, бошига дурустроқ бир баҳона келмай қийналиб турганида, эшик очилиб, Ҳафиз Мирзамухамедович кирди.

Кўришиш учун Шералига қўл узатаркан:

— Куттириб қўймадимми,— деб соатига қаради.

— Йўқ, йўқ, вақтлироқ келган эканман.

Ҳафиз Мирзамухамедович кулиб бош чайқади. Эшикни оча туриб секретарь қизга: «Павел Ивановични ҳам чақирсангиз»,— деди-ю, Шералини кабинетига бошлаб кирди.

Кабинет қабулхонадан хиёл каттароқ бўлиб, уни «Т» шаклида қўйилган икки стол деярли эгаллаб олган, қолган жиҳоз — девор тагидаги шкаф-у, шу деворга осиб қўйилган геологик картадан иборат эди. Шкаф ичига турли тоғ-жинсларидан олинган намуналар қалаштириб ташланган. Ҳафиз Мирзамухамедович узунасига қўйилган столнинг ўртаридаги стулни тортиб, Шералини ўтқазди. Ўзи унинг рўпарасида ўтирди. Кулранг йўл-йўл костюмининг тугмасини ечиб, галстугини бўшатди. Стол ўртаридаги чойнакни олдига суриб, пиёлага чой қўйди. Бир ҳўплаб, бўшатди. Иккинчисини қуйиб Шералига узатгач, энди ҳол-аҳвол сўрайман деб оғиз ростлаганда, хонага Павел Иванович кирди.

— Келинг, Павел Иванович, қани, бу ёққа!— Ҳафиз Мирзамухамедович ёнидаги стулни буриб қўйди. Ҳол-аҳвол сўрагач, мақсадга кўчди.— Мана, шогирдингизга бу ерда ҳам раҳбарлик қиладиган бўлдингиз. Унинг юзида болаларникидек беозор табассум барқ урди.— Кеча келишганимиздек, сизнинг бўлимингизда ишлайди.— Ҳафиз Мирзамухамедович катта-катта қўй кўзлари билан синовчан назарда Шералига боқди. Шерали Ҳафиз Мирзамухамедовични узоқдан кўриб, орқаворатдан у ҳақда жуда кўп илиқ гапларни эшитиб юрган эди-ю, ammo бугунгидек бақамти ўтириб сира гаплашмаганди. Бир томондан салобати босибми ёки ўзининг тортинчоқлигиданми ҳар тугул, Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг бу ишончи учун муносиб миннатдорчилик сўзларини топишга тараддуланиб, унинг рухсоридаги ўзига ярашган қора

холига, паҳлавонларникидек кенг елкаларига тикилиб қолди. Ўзини ўнглаб олгандан кейингина дудуқланиб:

— Раҳмат, Ҳафиз Мирзамухамедович, бу мен учун катта ишонч.— Шу икки оғиз гапни айтгунча қулоқларигача қизарди.

Ҳафиз Мирзамухамедович бир текис оппоқ тишларини ярақлатиб кулиб туриб, Павел Иванович томон бош ирғади.

— Миннатдорчиликни домлангизга билдирасиз, яхшиси бу ишонч-ни ишда оқлайсиз энди,— деди Шералидан бўшаган пиёлага чой қуйиб, Павел Ивановичга узатаркан.

— Албатта, Ҳафиз Мирзамухамедович, қўлдан келганча ҳаракат қиламиз,— деди Шерали энди анча дадиллашиб олиб,

— Балли, жиддий йигит экансиз. Бунга диссертациянгиз билан танишиб чиққандаёқ ишонч ҳосил қилган эдим.— У Шералига тикилиб қолди, сўнг вазминлик билан сўзини давом эттирди.— Мана, энди бу ерда ўша бошлаган ишни давом эттирсангиз чакки бўлмасди. Магма кўтарилгандан кейинги жараёнлар, айниқса ён жинсларнинг унга таъсири масаласи янада чуқурроқ ўрганилиши зарур муаммолардан бири. Ёки олтин масаласини олиб кўрайлик. Ҳозир геологлар катта туб олтин конларини топиш устида бош қотирыптилар. У қандай тоғ жинсларида бўлади. Олтин кўпроқ қайси минераллар билан ҳамроҳ... У ёғини суриштирсангиз, қилинадиган ишлар кўп. Тоғларнинг аниқ ёғини белгилаш, тоғ жинсларининг таркиби, геохимияси...— Ҳафиз Мирзамухамедович кулиб, Павел Ивановичга ишора қилди:— Хуллас мана, Павел Иванович раҳбарлигида секин ишлайверасиз. Билганингизни ўргатасиз, билмаганингизни сўраб, билиб оласиз. Ҳар бир кашфиёт кўпчилик тафаккурининг маҳсули. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Биров ўйлайди, яна биров уни ривожлантиради, кимдир такомилга етказди.— Ҳафиз Мирзамухамедович қошларини чимириб, ўйланиб қолди. Сўнг ўйлаган нарсасини хотирлагандек:— Биласизми,— дея жўшқинлик билан сўзини давом эттирди,— телеграф аппаратини рассом Морзе ихтиро этган экан. Телефонни эса кар-соқов болалар муаллими Грэхем. Паровозни ишчи-заргар Фултон яратган. Йигириш машинасини сартарош Аркрайт. Эндилликда шу ихтиролар қанчалик такомиллашганини бир кўз олдингизга келтиринг-а! Шунақа, Шерали, «кўпдан қуён қочиб қутулмас» деган нақл бор. Мен бўлсам, сиз бўлсангиз, домлангиз бўлсалар — бу энди олимлар коллективи, катта ишларни бажаришга қодир бўлган уюшма ҳисобланади. Институтимизда истеъдодли олимлар кўп. Халқ хўжалигимизнинг минерал хом ашёсига эҳтиёжи эса ҳар қачонгидан кўра каттароқ. Урушдан кейинги жароҳатларимиз ўзича битиб кетавермайди. Биз турган замин бағри эса шубҳасиз руда конларига бой. Булар нодир сандиқлардир. Уларнинг калити қанча тез топилса, иш шунча илдам бўлади. Бу ишга Политехника институти ва Геология бошқармасидаги истеъдодли мутахассисларни жалб қилиш мумкин.

Шерали Ҳафиз Мирзамухамедовичдан кўз узмай, уни қунт билан тингларди. Бундан атиги ўн-ўн беш минутгина муқаддам Ҳафиз Мирзамухамедович унинг тасавурида унча-мунча кишини назари илмандиган жуда ваҳимали ва бошқа одамлардан нимаси биландир ажралиб турадиган шахс сифатида жонланган эди. Қаршисида эса камтар, одамохун, лекин синовчан нигоҳи истеҳзоли, салобатли киши ўтирарди.

Ҳафиз Мирзамухамедович Павел Ивановичга ниманидир уқтириб, соатига қараб қўйди. Урнидан тураётиб, Шералига:

— Ишингиз ўнгидан келсин, Шерали Алиевич,— дея қўл узатди.

Шерали унинг гўштдор қўлини сиқиб, яна бир бор миннатдорчилик билдиргач, Павел Ивановичга ҳам мамнуният билан бош силкиб қўйди. Ҳафиз Мирзамухамедович уларни қабулхонагача кузатиб, қайтиб кабинетига кирди.

Шерали ҳаяжонланаётганини, чакка томирлари бўртиб чиққанини ўзи ҳам сезиб турарди. Буни секретарь қиз ҳам сизди. У Шералига «нима бўлди?» дегандек бош ирғади. Шерали кулиб: «Табелингизга қўшиб қўйишингиз мумкин» — деб ҳазиллашди. Павел Иванович Шералига юзланиб:

— Билиб қўй, бу қизимизни биз «Геологиямиз юлдузи» деб атаймиз. Ҳамма ишларимизнинг ҳисоб-китоби шу қизнинг қўлида. Бунинг устига шэфимизнинг кайфиятини ҳам мунажжимлардек шу фариштанинг чеҳрасига қараб белгилаб оламиз. Юлдуз чарақлаб турган бўлса, кабинет эшигини дадил очиб, кириб кетаверамиз. Шуъла хирароқ кўринса, қабулхонанинг ўзидан қайта қоламиз. Негаки директоримизнинг чеҳраси ҳар вақт ҳам бугундақа очиқ бўлавермайди. Булутли кунлар ҳам бўлиб туради.

Ҳар учалалари бирпас кулишди. «Геология юлдузи» Шералига: «Ишга келганингизда дафтарга қўл қўйишни унутманг!» дея таҳдид қилаётгандек кўрсаткич бармоғини силкитиб қўйди. Шерали ҳам бўш келмади: «Демак кунда икки марта юлдуз шуъласидан баҳраманд бўлиш имконияти бор эканда!» — деб энди чинакамига овоз чиқариб кулган эди, Павел Иванович йўғон бармоғини лабига қўйиб, боши билан эшикка имо қилди.

Коридор анча қоронғи, полга сурилган бўёқ кирланганидан қора тусга кириб, бор ёғдуни ҳам ютиб юборгудек хира тортиб турарди. Павел Иванович коридорнинг чап томонидаги учинчи хонани очиб, Шералини ичкарига таклиф этди.

Хона жуда тор бўлиб, кирган одам фақат ёнламаси билан юриши мумкин эди. Павел Иванович намуналар ва чизмалар солиб қўйилган шкафлар ёнидан амаллаб тўрдаги столга ўтиб олгач:

— Ҳозирча ўзларининг иш жойлари мана шу ерда бўлади, — дея чоғроқ эски ёзув столига ишора қилди.

— Бизга шуниси ҳам бўлаверади, Павел Иванович, асосан иш жойимизни далага кўчирсангиз яна ҳам кўнгилдагидек бўларди.

Павел Иванович завқланиб кулди. У ишга тавсия этганида ҳам Шералининг ғайратига, бошлаган ишини охирига етказадиган, кунт ва саботли, фикрлаш доираси кенг етук олим бўлиб етишаётганига алоҳида урғу бериб гапирган эди Ҳафиз Мирзамухамедовичга. Ҳозир Павел Иванович Шерали дилидагини топиб гапирганидан кулаётган эди. Шерали ўзига белгиланган стол ёнидаги стулга ўрнашиб ўтиргач, Павел Иванович йўғон гавдасини амаллаб эгиб, ихраганча столининг ён тортмасидан қоғоз папка олиб:

— Мана бу — бўлимнинг бутун тасдиқлардан ўтган тема плани. У яқин беш йилга мўлжалланган. Ўзинг билан олиб кет. Бўш вақтингда уйда шошилмай танишиб олсанг ҳам бўлаверади, — дея папкани Шералига узатди. Нафас ростлаб олгач, сўзини давом эттирди. — Аммо яқин орада қиладиган зарур ишларимиз ҳам бор. Боя эътибор берган бўлсанг, Ҳафиз Мирзамухамедович туб олтин конлари, магма кўтарилгандан кейинги жараёнлар, айниқса ён жинсларнинг унга таъсири тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шерали боши билан тасдиқ ишорасини бергач:

— Адашмасам, бу у кишининг энг катта тадқиқотларидан бўлса керак, — деди.

— Ҳа, балли, ҳам энг катта, ҳам умуман халқ хўжалиги учун ғоят муҳим тадқиқотларидан бири. Тўғри, бу ишда ҳали такомилга етмаган муаммо томонлар ҳам оз эмас. Аммо айрим қўштирноқ ичидаги дўстлар бу назарияга қарши чиқаяптилар, улар рудаланиш жараёни магма билан боғлиқ эмас, асосий конлар магма фаолиятидан мустасно равишда ҳосил бўлади демоқдалар. Ҳатто олтин учун қидирув ва раз-



ведка ишларини ҳам шу нуқтаи назар асосида олиб бориб, давлатнинг юз минглаб сўм маблағини кўкка совуряптилар.

Шерали ўйланиб қолди. У олтин масаласи бўйича ўтказилган конференциядаги гапларни хотирлаётган эди. «Давлат маблағи кўкка совурилмоқда». Уни яна ғазаб ва ҳайронлик туйғуси босди. Бироқ қаршисида ўтирган Павел Ивановичдек зукко ва тэдбиркор олимнинг ташвишланиб қолгани уни кўпроқ ўйлантириб қўйди. Бир кўнгли жим қолай деди-ю, чидаб туrolмади. Дилидагини қизишиб айтди.

— Уша қўштирноқ ичидаги дўстларга наҳотки оддий ҳақиқатни тушунтириб бўлмаса. Борди-ю, бу йўл билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмади ҳам дейлик, унда... — Шерали тараддуланиб қолди, сўнг Павел Ивановичнинг кўзларига тикилиб туриб: — Юқори ташкилотлар ҳам бор-ку, ахир, ўшалар олдига масала қўйиб, орани очиқ қилиб олиш керак, вассалом, — деди гўё шу билан ҳамма нарса силлиққина ҳал бўладигандек.

Павел Иванович бармоқлари билан столни чертиб туриб, мийғида кулганча индамай Шералига қараб қолди. Бирмунча қизиққонлигига қарамай, у Шералини жон дилидан севарди. Унинг соддадиллигини биларди. Айниқса одамлар билан муомалада муғомбирона сўқмоқлардан юрмай, дилидагини шартта айтиб, орани очиши хуш ёқарди. Одамларни ҳам ўзидек деб фараз қилар эди. Бироқ у тутган йўллар манзилга, мақсадга тинч олиб келмасди. Қоқилишга ва ҳатто йиқилишга сабаб бўларди. Яхши деб ўйлаган кишиси муттаҳам, оққўнгил ҳисоблагани амалпараст ёки фирибгар бўлиб чиқарди. Ҳаётда кўпни кўрган Павел Иванович ҳамма нарсани ҳам Шерали айтгандек сил-



Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

лиққина ҳал этиб бўлавермаслигини ётиғи билан тушунтириш учун муносиброқ сўз қидирарди.

— Эҳ, бўталоққинам, бўталоққинам, сенга нима десам экан. Павел Иванович тўсатдан жиддий қиёфада сўради:— Ньютоннинг механика тўғрисидаги учинчи қонуни эсингдами?

Шерали мийиғида кулиб, Павел Ивановичга қаради.

— Иш бошлашдан олдин физикадан имтиҳонми дейман?

— Сен саволга савол бермай, жавоб бер!— Уша-ўша жиддийлигича тикилиб туриб деди Павел Иванович.

Шерали ҳеч нарса тушунолмади, елка қисиб:

— Фараз этайлик эсимда, таъсир ва акс таъсир қонуни эди шекилли,— деди атайин иккиланиб.

— Ҳа, баракалло, таъсир ва акс таъсир қонуни, тўғри, худди шунинг ўзи. Павел Иванович бир нима қидираётган каби атрофга аланглади. Ниҳоят нигоҳи стол устидаги мрамар кулдонга қадалиб, сўз бошлади:

— Уша қонунда бир жисмга иккинчи бир жисм таъсир кўрсатса, биринчи жисм ҳам иккинчи жисмнинг таъсир кучига тенг куч билан қаршилиқ кўрсатади, дейилган адашмасам, шундайми?

Шерали кулиб туриб: «Шундай, Павел Иванович»,— деди-ю, аммо шу заҳоти лабларини чўччайтириб ўйланиб, бош чайқади: «Тушунарли» деб қизариб, Павел Ивановичга қаради.

— Шунақа, бўталоғим. Мана бу кулдонга ташқи таъсир бўлмади, у миллион йил ҳам тураверади. Уша қўштирноқ ичидаги дўстларга тушунтиришнинг ҳам, уларга юқори ташкилотлар орқали тазйиқ ўтказишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Сен қандай куч билан уларга хуруж қилсанг, улар ҳам сенинг қаршилигинга тенг куч билан жавоб қайтаришади. Ҳафиз Мирзамухамедовични ўйлантириб қўйган нарса ҳам ана шунда. Шубҳасиз, ҳар бир кашфиётда бўлганидек, мен боя айтдим, Ҳафиз Мирзамухамедович назариясида ҳам ҳали такомилга етмаган томонлар бор, албатта.

— Кечирасиз, Павел Иванович, мен масаланинг бу томонини ўйлаб кўрмаган эканман.

— Ўйламасдан бўлмайди. Фанда масаланинг ҳамма томонини ўйлаш керак. Ҳам ўйлаш керак, ҳам ўйлаб жавоб топиш керак. Ҳафиз Мирзамухамедовичнинг ҳам мақсади шунда. Унинг назариясини исботлаш учун шу назария асосида кон очиб керак. Бундай имконият эса ҳозир бор. Олтин муаммосини ҳал этиш геология олдида кўндаланг турган ғоят улкан вазифалардан бири. Деярли бутун олимлар ҳатто Москвадаги йирик геологлардан айримлари ҳам «Ўрта Осиёдаги бор-йўқ олтинни қадимий кончилар олиб бўлишган, у ерда қидирув ишлари олиб боришнинг ҳожати йўқ»,— деб туришибди. Бизнингча эса олтин бор. Бироқ уни баъзи бир турдаги магматик жинслар атрофида қидириш керак. Мана шу муаммони исботламоқ зарур.— Павел Иванович хаёл суриб қолди, қўли билан столни чертиб туриб:— Ҳа, исботламоқ зарур,— дея қайтарди сўзларни чертиб-чертиб.— Хўш, қандай қилиб? Ҳамма гап ана шунда. Мана сенга, гипотеза, яъни фараз. Буни сен, мен, яъни биз ҳаммамиз ҳал қилишимиз керак.

Шерали устозининг гапларини ўйлаб турганда: Павел Иванович яна давом этди:

— Энди бўталоғим, мана бу билан яхшилаб танишиб олгин,— Синтобга қилинган сўнги экспедициянинг ҳисоботи, эсингда бўлса, конференция олдидан ҳам ўқиган эдинг,— бу ҳозир геологларнинг диққатини тортаётган, қадим замонларда анча ишланган олтин конларидан бири,— дея Павел Иванович Шералининг столи устига белидан ип билан боғланган бир даста папкани ташлади. Уридан тураётди:— Мен

университетга кетдим.— Соатига кўз қирини ташлаб:— Бугун бу ёққа келолмайман, зарур бўлиб қолсам, хабар қиларсан, дея қалин портфелини қўлтиқлаганча чиқиб кетди.

Шерали Павел Ивановичга боши билан маъқул ишорасини бериб, хайрлашди. У папкалар боғичини очиб, бирини олди. Қолганларини Павел Иванович столи устига қўйгач, ҳисоботнинг дастлабки бетларига кўз югуртди. Умумий маълумотлардан Синтобнинг геоморфологик характеристикасига етгач, Шерали ҳар бир ҳарфни ҳижжалай бошлади. У сўзлар орасидан ҳам маъно излаётгандек жумлаларни қайта-қайта ўқир, айрим масалаларни ён дафтарига белгилаб оларди. Шерали Синтобдан олинган намуналарнинг минерал состави ҳақида батафсилроқ маълумот олиш умидида ҳисоботнинг шу масалага тааллуқли бетларини варақлаб, синчковлик билан кўздан кечирди. Ҳеч нарса тополмади. Бир ўринда ўттинчи йилларда Синтобга қилинган экспедициянинг тафсилоти берилибди. Шерали хазина топган одамдек қувониб, сатрлар орасидан янгилик излай бошлади. Аммо умумий гаплар орасида ўша экспедициянинг «Синтобда олтин запаси йўқ» деган хулосасига дуч келди. Мийиғида кулиб, бош чайқаб қўйди. Кейинги варақларда эса янги экспедициянинг ҳам шу хулосага асосланиб: «Бу соҳадаги ишларни тўхтатиш зарур» деб чиқарган ҳукми Шералининг назарида ўзбек геологиясига босилган ожизлик тамғасидек бўлиб туюлди. «Аблаҳлар!»— дея кейинги бетларни жаҳл билан тез-тез варақлай бошлади. Синтоб атрофидаги турли кварц томирлари ҳақида сўз юритилганда ҳам Шерали батафсилроқ маълумот тополмади. Учинчи папкадаги ҳисоботларни варақлаб туриб, ўттинчи йилларнинг ўрталарида бошқа бир группа Синтобда олтин конлари бор деб кўрсатган маълумот шунчаки хабар тарзида берилиб ўтилгани Шералининг баттар хунобини чиқарди. У учинчи папкани жаҳл билан Павел Иванович столи устига суриб, тўртинчи папкани варақлай бошлаганда, деразадан тушиб турган ёғду аста-секин хиралашиб, хона қоронғилашаётганини ҳам сезмади. Ҳарфлар деярли кўринмай, кўзлари ачиша бошлаганидан кейингина Шерали бошини кўтарди. Кўзларини юмиб, кафти билан ишқалади. Ўрнидан туриб керишди-да, ҳамма папкаларни йиғди, уларни столнинг ён тортмасига жойлагач, хона чироғини ҳам ёқмай, ташқарига чиқди.

(Охири келгуси сонда)



Георгий Ломидзе,

СССР Фанлар академиясининг  
мухбир-аъзоси

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР ЙЎЛИДАН

Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» ҳамда «Бўрондан кучли» романларида интернационал проблематика тўппа-тўғри, асарнинг тематик нуқтаи-назари орқали эмас, балки бошқача, инсоний кучлар кураши мазмунининг ўзида, китоб саҳифаларида аста-секин кучайиб борадиган зиддиятлар ва маънавий изланишларда ифодаланган. Бундан, Шароф Рашидов романларида бошқа халқлар вакиллари йўқ, деган маъно келиб чиқмайди. Улар бор. Ҳатто улар оз эмас. Булардан рус кишиси — очик кўнгил, сал ғалатирок, уятчан, севгига берилувчан Погодинни ажратиб кўрсатаман. У ёзувчи томонидан қизғин хайрихоҳлик билан тасвирланган. Погодин билагон, синчков, ҳақгўй сифатида рус халқининг вакили вазифасини ифодаламайди. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи бир асарларда шунга ўхшаш тани ҳам, жони ҳам йўқ формула ҳамда босмақолип одамларга дуч келганмиз. Шароф Рашидов учун тавсифлаб кўрсатиш ёт нарса. «Ғолиблар» ҳамда «Бўрондан кучли»даги Погодин ҳеч қандай норматив вазифани ўтамайди. У актив характер. Асар тўқимасига органик равишда сингдириб юборилган. Погодиннинг ҳеч кимга ўхшамайдиган ўз қиёфаси бор. Уни, интернационал қардошлик ҳамда бирдамликнинг назарий ғоясини ташувчи, деб бўлмайди.

Унда Шароф Рашидов романларининг интернационализи нимада? Эҳтимол, уларнинг ички, шартли қилиб айтганда, туб мазмунда бўлса керак.

Совет Шарқи адабиётчилари ўзига хос инсон характерининг бутун бир авлодини яратдилар. Улар орасида исёнкорлар, адонат фидокорлари, романтиклари, изловчилари; турмушни яратадиган, қайта ўзгар-

тирадиган файласуфлар, ошиқ шоирлар бор. Совет Шарқи адабиётидаги реализм ўзига хос, пурмаъно реализмдир.

Шароф Рашидов ўзини босиб олган, вазмин сўз санъаткорлари сирасига мансуб ёзувчи. Унинг асарларида бир-бирига қарши ижтимоий эҳтиросларнинг эсни оғдириб қўядиган олишувлари; қилличларнинг овози; баландпарвоз иборалар, муваққат қирраларни аралаш-қуралаш қилиб юбориш, қуюқ истиоралар, бир-бирини эслатадиган тасаввурларнинг портлаши ва нур сочиши йўқ. Сюжет суръатини бир оқимдан иккинчисига олиш ва пасайтириш, инсоний туйғулар, кечинмаларни таркибли атомларга бўлиб юбориш, уларнинг ўзаро тортишуви ҳамда бир-биридан қочиш ҳоллари ҳам йўқ. Шароф Рашидов асарлари ўзларининг ташқи шаклий янгиликлари билан тонг қолдирмайди. Улар сизга қутилмаган ҳолатлар, қалб курашлари шаршарасини ёғдирмайди. Романларнинг ҳикоя қилиш оҳанги бир текис, равон. Шароф Рашидов романларининг жозибаси ва янгилиги тузилишидаги топилмаларда эмас, балки уларнинг ахлоқий, ижтимоий мазмунда, узоқ масофадан кўриб, чиройли ҳамда бурро ифодаланган теран инсоний ҳақиқатидадир. Бу гапни, Шароф Рашидов ҳаёт фалсафасини тушуниш борасида ғоят кучли, аммо ҳозирги замон эстетик талабларидан орқада қолаётган экан, деган маънода тушунмаслик керак.

Биз бадий шаклларнинг янгиланиш ҳамда тубдан ўзгариш жараёнини, новаторлик сифатларининг, бадий ифодаликнинг новаторлик унсурлари жараёнини кузатаймиз. Бу табиий ҳол. Аммо ким айтдики, бўртиб турадиган янгилиги билан ажралиб турмайдиган пухта реалистик ёзув ўз қуд-

ратини йўқотди, эскириб қолди, ҳозирги замон воқелиги билан ораси бузилди, деб? Эпик жиҳатдан улугвор, мустақкам, сал кўтаринки реализм традицияси — дахшатли қурол бўлган эскирик занглагани йўқ, унинг устини кул босиб қолмаган.

Менинг Шароф Рашидовнинг талабчан реализмга мойил эканлиги тўғрисида айтган гапимни, у ўзигача ким томонидандир топилган, қурилган сўқмоқдан бораётган экан, деган маънода тушунмаслик керак. Шароф Рашидов, атрофга аланглаб чалғимамай, ўз йулидан бормоқда. Мен Шароф Рашидовнинг реализмини мулоим, майин, жуда ҳам одаимий, самимий, ҳикматли реализм деган бўлур эдим. Шароф Рашидов асарларида китобхон ҳаддан ташқари кескинлаштирилган, рамз, афсона даражасига олиб бориб қўйилган характер ва ҳолатларни учратмаслигини юқорида айтган эдик. У, айтиш мумкинки, «очиқ усулда» ижод қилади, баён ипларини сюжетнинг яширин қатларига беркитмайди. У аниқликни, соддаликни яхши кўради. Шахтёрлар, тили билан айтганда, у ер бағрини чинакамига тубдан, ҳаётдан толган олтин зарраларига яқиндан қараб, кафтга кўйиб салмоқлаб, уларни вужуди билан берилиб ўрганиб, қовлайди. Улкан, муҳим ҳақиқатларни Шароф Рашидов оддий тил билан баён қилиб беради, соддалик, равонлик уларни сундириб, жилвасини йўқотиб қўйишидан қўрқмайди. Бу — мураккаб соддалик, бу ўзида ташиган асосий маънони осон ва бемалол юзага чиқарадиган, фикр-туйғуни йўлақай чайқатиб юбормайдиган, уларни услубий жимжималар ва жилвадор нақшлар билан хиралаштириб қўймайдиган сўзини топиш истагидир. Мен Шароф Рашидов романларидаги соддаликни тиниқ ва оқилона соддалик деб характерлаган бўлур эдим.

Ҳар бир ёзувчининг яхши кўрадиган ёки нафратланадиган қаҳрамонлари бўлади, уларга раҳм-шафқат қилади ёки қоралайди. Ўз қаҳрамонларига нисбатан Шароф Рашидов ҳам бефарқ эмас. У сўзини ерда қолдирмайдиган ҳалол, олижаноб, дов-юрақ меҳнатқаш инсонларга хайрихоҳлик билдиради. Агарда мен, у бир нарсани севувчи, у ўз романларининг ҳамма нарсасидан кучли қаҳрамонини яхши кўради, деса хато бўлмайди. Кимни назарда тутаяётганимни сезаётган бўлсангиз керак! Ҳа, сиз янглишмадингиз. Бу Ойқиз. Автор қўшиқдай яшаётган, бахт ва парвоз учун туғилган ажойиб, беғубор қизнинг қилаётган ишини, уни қандай уйдалаётганини қанчалик ташвишланиб кузатади, унинг учун қандай хавотирга тушади. Галатей сингари, Ойқиз образини яратиб, ёзувчи уни оталик меҳри билан севиб қолади ва буни яширмайди, бу севгисидан уялиб ҳам ўтирмайди. У Ойқизнинг бутун севинчи ва гамини, бутун қайғу-аламлари ҳамда муваффақиятларини кўнглига яқин олиб, доимо у билан деярли бирга бўлишга интилади. Ойқиз мушкул аҳволда қолганида, қарама-қарши туйғу ҳамда кечинмалар кураши ҳо-

латига тушганида; қизишиб, қайнаб-тошган ёшлик туйғулари ақлдан устун келиб, уни хавфли, ғадир-будир йўлга тортиб кетаётган пайтда Шароф Рашидов ҳушёр бўлиб туради. Уйламасдан қўяётган қадамини кўриб, уни оғоҳлантиради. У Ойқиз билан худди тирик тан билан суҳбатлашгандек суҳбатлашади, гоҳ панд-насихат қилади, гоҳ овутади, маъқуллайди, ўргатади. У гўё ёзувчининг: эҳтиёт бўл, янглишма, мен сенинг турмушинг оғир, машаққатли бўлишини истамайман; менга қулоқ сол, менга ишон, мен сенга, Ойқиз, фақат бахт-саодат, қувонч тилайман! — деган овозини эшитади. Ҳатто Ойқиз улғайиб, канал қурилишининг раҳбарларидан, бири бўлиб етишган пайтда ҳам Шароф Рашидов уни ёлғиз қолдирмайди. Ойқиз хато қилиб қўяди. У ҳали котлован тайёр бўлмаса ҳам, бетон ётқизишга буйруқ беради. Деярли ҳамма Ойқизнинг таклифига қарши чиқади, у эса қайсарлик қилиб туриб олади, ўзиникини маъқуллайди ва кейин мағлубиятга учрайди. Бу қанчалик аламли, аччиқ бўлмасин, муносиб жазо эди. Ойқиз баҳона қидиради. Унга бошқалар айбдор, у ҳақ бўлиб туюлади. Ёзувчи Ойқизга улпа билан қарайди, унга кескин ва аччиқ гапларни гапирди. Ҳақиқат йулидан чиқиш ҳеч қачон мумкин эмас. Мардлик қилиб айбни бўйинга олиш керак дейди. Ойқиз ёзувчининг таънасини худди эшитгандай бўлади. У ўзини йўқотиб қўяди, юзини буриштириб туриб, йиғлаб юборади. Йиғласа йиғлайверсин! Бу нима? Характернинг детерминизми, ҳаракатларнинг қатъий шартлилиги ва қаҳрамон руҳий ҳолати деб аталмиш автор текстими? Ойқиз характерининг мустақил ҳаракатига ёзувчи томонидан қилинган хитоблар, ташланган луқмалар, айтилган фикрлар халақит бермасмикин? Бу луқмалар ва сўзлар Ойқиз образда етишмай турган қисмлар ўрнини, қаҳрамоннинг ўз фикрлари, ҳаракатлари билан тўлдирилиши лозим бўлган бўшлиқ ўрнини босмасмикин? Автор нутқи Ойқиз характери ривожига халақит бермайди. Автор муурожаати Ойқизни бизга яқин олиб келади. Самимий, бевосита лирик, беназир вазият барпо этилади. Ёзувчи Ойқиз билан фахрланади, Ойқиз унга жуда ҳам азиз. Чунки у ёл, ўтмишда зулм остида инграган, унутилган, ҳатто севики кишининг ҳам юзига тик қарашга ҳадди сизмаган ўзбек қизи. У илгари паранжи-чачвон ичига тирик-лайин кўмилган эди. Паранжи-чачвон ичиде унинг ҳусн-жамоли, эрки, инсоний қадр-қиммати, кулгиси, иродаси нобуд бўлиб кетар, кўз очиб юмгунча ўтиб кетадиган бахтнинг кичкинагина учқуни сўниб қолар эди. Бахт эса, хотин-қизларга камдан-кам кулиб боқарди у пайтда. Энди эса, ҳамма нарса мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди.

Ўзбекистонда янги ахлоқий, ижтимоий типдаги, озод, ҳур, ўзларининг ижодий ютуқлари билан жаҳонни ҳайратда қолдираётган қандай кишилар ўсиб етишмоқда ҳозир. Шу туйғули ҳам ёзувчи ўз ҳис-туйғуларини тўхтатолмайди, шу

туфайли ҳам у гоҳ-гоҳ китоб саҳифаларида пайдо бўлиб, ўз ҳасратини яширган ҳолда Ойқизга юмшоқ кўнгиллилик билан узоқ ҳамроҳ бўлади.

Шароф Рашидов романларида чайкалиб турадиган лирик тўлқинлар реаллик, ишонтирарлилик соҳилларини ювиб кетмайди. Қаҳрамон тақдирга авторнинг аралашуви панд-насиҳатга ўтиб кетмайди, мелодрамматизм, чучмаллик, кўнгилга тегадиган сийқаликка олиб бормайди. Лиризмни хушовозликка қурбон қилмаслик, кучли, юксак туйғуларни сийқалаштириб қўймаслик, ерга тушириб юбормаслик учун авторда мақом ва усулини келтириб тасвирлаш меъёри етарлича бор. Шароф Рашидов Ойқизни идеаллаштиришдан узоқ. У Ойқизни бизга гуноҳлардан холи фаришталар фариштаси қилиб кўрсатишга интилмайди. Инсон — мураккаб мавжудот. У тайёр феъл-атвор билан туйғилмайди. Инсон ўсади, вога етади, ўзини муттасил такомиллаштириб боради. Ойқиз ҳам худди шундай.

Унинг жозибаси нимада? Ойқизнинг жозибадорлиги фақат унинг ҳамиша орзулар оламида ҳаёл суриши, дадиллиги, оқиллиги, чўрткесарлиги, ювшлигидагина эмас. Ойқиз ижод учун яратилган одамлар туркумига мансуб. Иш қилиш, яратиш—унинг ҳаёти мағзини ташкил этади. Иш қилиш жараёнининг ўзи унга чинакам қувонч бағишлайди, унда янги ҳаётини иштиёқларни уйғотади. «Голиблар»нинг дастлабки саҳифаларида Ойқиз кўз олдимизда жуда ҳам дадил, шўх қиз бўлиб гавдаланади. У кўрқув туйғусини билмайди бургутлар билан олишишдан ҳам тоймайди. Одатдан ташқари жасоратлар ҳақида ҳаёл суради, лекин узоқ қишлоқда қандай қилиб қаҳрамонлик кўрсатишни билмайди. — Умуман, — дея ўйлайди у. — Агар у ҳақда олдиндан муҳокама қилсанг, у қанақа жасорат бўларди? Жасорат — инсон иродаси, ҳис-туйғуси, хоҳишининг кутилмаган шиддати, ҳамма нарсага кўрадиган ақлнинг тергалиш доирасидан холилигидир. Ойқиз шундай деб ўйлайди. У ҳақ эмас. Жасорат инсоннинг гирдобдай асов кучларга бўйсунушдан келиб чиқадиған стихияли ҳаракати эмас. Жасорат энг керакли, бирдан-бир зарурий танг лаҳзада инсонпарварлик йўлида қилинган ишдир. Жасоратнинг янада аниқроқ, лўндароқ, соддароқ формуласи ҳам бор. У ёзувчи ифодалагандай, қандай яшаётган бўлсанг, шундай яшайвер, Ойқиз. Кўлингни қовуштириб ўтирмай меҳнат қил. Бутун куч-қувватингни сенга топширилган ишга сарфла. Ана шу иш табиий, ҳар кунги жасоратдир. Ахир сен биласан: умумий улуғ мақсадга етиш учун ҳар бир киши ўз олдидаги ўзининг, аниқ мақсадини кўриши лозим. Мана сен ҳозир ўз ҳамқишлоқларингни халқ бахт-саодати йўлида нимага ундаш ва нимага олиб бориш устида ўйлаяпсан...

Ёш Ойқиз фавақулда жозибадор, бунга эски, яхши сўзни қўшимча қиламиз, —

мафтункор, табиатан шоирона қиз. Ойқиз — софлик, олижаноблик, боқиралик тимсоли. У капалакларни тутиб олиш учун уларнинг кетидан қандай югурганини эслаб кўринг-а. Капалаклар тутқич беришмайди. Ойқизнинг аччиғи келади. У бироларнинг унинг раъйини қайтаришларига одатланмаган. У узоқ қувлаган қора капалакни тутиб олибгина қолмайди, балки кўчини ҳам, сариғини ҳам тутиб олади. Ўз айтганини қилади. Унинг болалик ғурури қониқади. Шундан кейин бўшашиш бошланади. Ойқиз жаҳлдан тушади: ...капалакни бекитиб қўйган дўпписини олиб, уларни томоша қилади-да, ҳаммасини қўйиб юборади: «Ўчиб кетинглар, мен яхши одамман», дейди.

Кўнгилни эритадиган бундай олижаноблик ва ўқтамлик — ёшлик, ўсмирлик палласидаги фазилатлар — келажакда, мушкул ҳаётини масалаларни ҳал қилишга тўғри келиб қолган пайтда, вазият бирини қўллаш, бири билан курашиш, бирининг йўлини тўсиш, бирига йўл беришни тақозо қилган пайтда асқотармикан? Яхшилик яхшиликнинг тантанасига ҳалақит берадиган нарсага қарши курашни рад этмайди, балки уни назарда тутайди. Яхшилик тушунчаси ва унинг кўлами ҳамда мазмуни аста-секин теран маъно касб эта боради. Яхшилик мезони янада йирикроқ, янада принципалроқ категориялар билан ўлчана боради. Биз беихтиёр суратда: Ойқиз болаллиги ҳамда ёшлигидаги ўзига хос бўлган сифатларини йўқотиб қўймасмикин, унинг бағоят туйғун характеридеги ноёб фазилатлар беихтиёр равишда қуриб қолмасмикин? деб ўйлаб қоламиз. Йўқ, бундай ҳол юз бермайди. Улуғ Ватан уруши кетмоқда. Атрофда ўлим, жудолик. Одамларнинг бутун фикри-зикри ҳарбий воқеалар атрофига миҳланган. Вога етиб бораётган ёш қизнинг кўксига унга буй бермас туйғу, булбулнинг хонишидек аллақандай ҳузурбахш ҳис уйғонади. Бу ҳис-туйғу оламдаги барча товушларни ўзида эритиб юбориб, қалбининг қаъридан бош кўтариб янграйди. Бу — тўсатдан пайдо бўлган, Ойқизнинг кўзларини қамаштириб қўйган муҳаббат кўшиғи эди. Бу кўшиқ уни ўз қанотида аллақайларга олиб кетади. Бир ёқда уруш, қон, ўлим; бир ёқда эса, булбул кўшиғи. Бу икки тушунчанинг бир вақтда қандай қилиб бир кўнгилга сиққанидан Ойқиз ҳайрон қолади... Лекин уни сезмаган ҳолда, ўзи ҳам секин хиргойи қила бошлайди. Дарс тайёрлаётган пайтда ҳам, онасининг рўзғор юмушларига боқишаётганида ҳам бу куй уни тарк этмайди. Ҳаёт қақирғини енгиб бўлмайди. Унинг қақирғинга Ойқиз гоҳо урушнинг оғир мусибатларини ҳам унутиб, кулоқ солади. Ҳар бир тирик жон бундай эзгу туйғудан маҳрум бўлмаганидек. Ойқиз ҳам инсоний хусусиятлардан маҳрум эмас — бу унинг гўзаллигини яна ҳам ошириб юборади. Ҳаёт сўнмас, боқий, ўлмасдир. У айтганини қилади. Уни қоронғи қафасга солиб, ёруғ-

ликдан, кенгликдан, нафас олишдан маҳрум этиб бўлмайди.

Мен кибрида Ойқизнинг келажак тақдирига нисбатан ташвиш тортиш юзасидан гапириб ўтгандим. Унда олижаноблик, очик кўнгиллик, таъсирчанлик, софдиллик каби сон-саноксиз ажойиб фазилатлар бўлиб, буларни ҳамма вақт дахлсиз ҳолатда сақлаб қолишнинг ўзи бўлмайди. Яхшилик орттиришдан кўра уни йўқотиш осонроқ. Яхшиликни тарбиялаш, ардоқлаш керак. Ёмонлик эса, ғамхўрликка муҳтож эмас. Бировга яхшилик қилиш учун ҳаракат қилиш, баъзан эса, ўзингдан кечишинг керак. Ёмон қилиқ ҳеч қанақа иродавий ҳаракатни талаб қилмайди. Унда номус-ор, виждон, масъулият туйғуси бўлмайди. Ойқиз вояга етиб, ўз характерининг бош моҳиятини ташкил этган хайрихоҳлик, ҳалоллик, ҳақгўйлик фазилатларини йўқотиб қўйишини истисно қилиш керак. Гап бунда эмас, балки бошқа нарса ҳақида. Бордию у бирдан куруқроқ, бир томонламароқ, нохушроқ, сўниқроқ бўлиб қолса-я? У бечоранинг бошига бирин-кетин мусибатлар ёғилади. Урушда иккита акаси қурбон бўлади. Уларнинг ғам-аламига куйиб, онаси ҳам тўсатдан вафот этади. Фақат чин инсон, тилла одам, худди Ойқиздек софдил, покиза, ҳалол Умрзоқ ота тирик қолади. Ойқиз улғайиб, жиддийлашади, юзига ғам ўзининг тамғасини босади, пешонасида илк ажинлар пайдо бўлади. Инсон фақат битта эҳтирос, битта кашфиётнинг асирлиги бўлиб қололмайди. Кечирган ғам-аламлари, жудоликларидан қалбида битмаган яралар қолади. Кунлар, ойлар, йиллар ўтади, киши ижод қилиш учун яна кучга эга бўлади. Аввалига яратишга интилиши Ойқизнинг ширин хаёлларида, орзуларида, ўйларида ифодаланadi. Уларда реал мазмун сезилмайди. Инсон кадр-қиммати орзуларнинг узоққа парвози билан ўлчанмайди. Кўпчилик дадил хаёл суришга қобил, хаёлни эса, ҳамма ҳам амалга оширавермайди. Хаёл-парастлар бор, уни амалга оширадиганлар бор. Орзу, уни амалга ошириш учун зўр бериш истаги ва буни уддалаш билан қўшилиб кетса яхши. Орзунинг ишга айланиши жараёнида янги орзу, реал бўлиб қолган нарсани такомиллаштиришга бўлган янги истак туғилади. Орзу билан ҳақиқат ўртасида ўзига хос тортишув боради. Баъзан орзу ҳаётда амалга ошса, баъзан ҳаёт орзуда олдинга ўзиб кетади. Ёш Ойқиз орзу юксаклигидан ерга тушишга, ўз орзу-армонларига қон бағишлашга лаёқатлимикан? Бошида бунга амин бўлиш учун бизда қатъий асос бўлмайди. Биз унинг кескин, қизгин, шўх характерини, тўғрироғи, ана шу сифатларга мойиллигини билемиз. Ойқизнинг характери кейинроқ, бошқа одамлар билан ўзаро мураккаб алоқада, муносабатда, ҳаёт қийинчиликлари билан курашда, уларни енгиш жараёнида шаклланади. Одатдан ташқари бирон иш қилиш учун, сенгача ҳеч ким сезмаган нарсани топиш учун изланувчан одам бўлишинг керак. Изланувчан нигоҳгина тикила-

диган, диққат билан қарайдиган бўлади, деганида ёзувчи ҳақ. Катта ташвишгина катта кашфиётга олиб боради. Душманлар томонидан йўқ қилиб ташланган Олтинсойдаги сув каналининг топилиши тасодифий эмас. Ойқиз табиатан изланувчан, тиниб-тинчимас, бошқаларга яхшилик тилловчи қиз. Балким унинг мана шу фазилатлари Ойқизга кўзи битиб қолган булоқни илгари ҳеч ким қидирмаган ердан топишга ёрдам қилган бўлса ажаб эмас. Кишиларга яхшилик қилиш одамга куч-қувват бағишлайди. Ойқиз булоқни топгач, шунчалик қувониб кетадики, ўзининг шунча кучи борлигидан ҳайратда қолади. Узида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтиш имкониятини ҳис қилади, унга қийинчиликлар осон, енгиб ўтиш мумкин, бутун ўйлаб юрган эзгу ниятлари амалга ошадиган бўлиб туюлади. У руҳланиб кетади. Ойқиз кенг, катта йўлга чиқиб олади. У вояга етади, мардлиги, мустақиллиги ошади, жонидан ортиқ севадиган, ҳурмат қиладиган отаси билан бахшлайишдан ҳайқмайди. Отаси билан ўртасида беихтиёр равишда бўлиб ўтган жанжал келажақда бўладиган драматик курашларнинг дебочаси холос. Ёзувчи ўз қаҳрамонини одатдаги гуллар тўшалган осон йўлдан олиб бормайди. Ойқиз ҳаётнинг кўп жумбоқлари, зиддиятлари билан бир неча бор юзма-юз тўқнашади. Уларга қўрқув нималигини билмай қарши боради. У ҳаётни олдинга жилдириш, унга янги йўл очиб бериш иштиёқи билан ёнади. Инсон реал ҳақда амалга оширса бўладиган нарсанинг чегарасини кенгайтиришга, йўқни бор қилишга интилиши лозим. Ҳаёт — ҳамма вақт кашфиётдан, бўлган ва бор нарсани кўпайтиришдан иборат. Инсон ерда ўз изини қолдиришга мажбур. Ойқиз яхши гап айтади: мамлакат фашизмни енги — ерни обод қилиш учун қанча-қанча кучлар бўшади! Умум ишига ўз ҳиссамизни қўшиш бизнинг бурчимиздир. Биз сув келтирамиз, қўриқ ўзлаштираемиз, унга пахта экамира! Ватанга кўп пахта керак. Биз уни етказиб берамиз!

Романда Қодиров фигураси пайдо бўлади. У — колхоз раиси, чекланган одам, ўзича ҳалол, лекин қўрқоқ. Ойқиз билан Қодиров ўртасида зиддият вужудга келади. Бу зиддият ҳаётдаги ижобий ва салбий томонлар, уларнинг ўзаро курашлари, бу ўзаро кураш ҳаракат ҳамда тараққиётнинг асоси эканлиги тезисининг шарҳи эмас. Қодиров босмақолип салбий қахрамонга, унга олдиндан ёпиштириб қўйилган қусурларни механик суратда ташийдиган салбий қахрамонга кам ўхшайди. Шароф Рашидов Қодиров характерини жунлаштиришдан узоқда туради. Қодиров гўё ҳамма янгиликка, ғайри одатий нарсаларга қарши бўлганлиги, колхозчилар турмушини яхшилашни хошламаганлиги учун Ойқизга қарама-қарши турмайди. Қодиров ўзининг Ойқиздан ақллироқ, синчковроқ, жонкуярроқ, ишбилармонроқ эканлигига ишончи комил. Ойқиз таклиф қилган нарса (қўриқ ўзлаштириш, тўғон қуриш ва бошқалар) Қодировга жиловсиз хаёлнинг ўйинидай, хавфли ҳа-

зилдай, бемаврид ишдай туюлади. Ойқиз билан муттасил зиддиятга киришиб, унинг барча таклифларини рад этар экан. Қодиров бу билан яхши иш қилаётганига, тажриба кўрмagan қизнинг тентакона хомхаёлларидан колхозчиларни аяётганига имони комил бўлади. Қодиров ҳаётдаги шаклланган принципларнинг қўриқчиси сифатида намоён бўлади. Улар унга мустақкам бўлиб туюлади. Биринчи қарашда, иккита куч, иккаласи ҳам ижобий, тўқнашаётгандек туюлади. Бу Ҳақат биринчи қарашда шундай. Аслида эса, Қодиров ҳаётдан орқада қолган, теран оқимларини ёмон фарқ қиладиган калтафаҳм одам.

Қодировнинг ўжарлиги, ортиқ даражада ўзбилармонлигининг иккинчи сабаби қаерда? Ёзувчи бу ҳақда бизга ҳеч нима демайди. Биз уни ўз идрокимиз билан топиб оламиз. Қодиров эркак, қучли жинсининг вакили. Ўзбек оиласида эркакнинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб келган. Эркакнинг бир оғиз сўзи аёлнинг минг оғиз сўзидан устун турган. Энди бўлса эркак билан аёл ўртасидаги ана шу тафовут йўқолди ва аёл киши эркакдан ҳеч ҳам қолишмаслиги, айрим ҳолларда эса, ақли, заковати, истеъдоди, меҳнатсеварлиги, дадиллиги билан эркакдан устун туриши маълум бўлиб қолди. Бунга кўникиш осонми? Бошқа ҳаммасини қўяверинг, Қодировдек катта ҳаёт тажрибасига эга одамга келиб-келиб муштдекина битта маҳмадона қизнинг ақл ўргатишига у ўлсинми, куйсинми? Қодиров Ойқизнинг ҳақлигига ишонини қийин, у, мен эмас, Ойқиз янглишяпти деб ўйлайди. Қодировнинг чиранишларига туртки берган учинчи сабабини ҳам излаб топамиз. Қодиров — колхоз раиси. Ойқиз — қишлоқ Советининг раисаси. Ким кимга бўйсунини, ким кимга эгилиши керак, кимнинг овози катта салмоққа эга? Шароф Рашидовнинг романидаги конфликт тугуни жуда қизиқ, оригинал ҳолда тугилади. У тармоқлиб кетган яширин идизларга эга. Конфликт иллюстратив, маъмул характерга эга эмас, балки сюжет ҳосил қилувчи характерга эга. Шароф Рашидов яланғоч қора ва оқ бўёқлардан қочади. Ҳаётда ҳамма нарса мураккаб. Ҳаётнинг бу мураккаблиги, чалкашлигини ёзувчи нозик тушунади ва ифодалаб беради.

Умрзоқ отага разм солайлик. У тўғри сўз, ҳалол, меҳнатсевар одам. Умрзоқ ота урушда иккита ўғлини йўқотган, хотини ўлган. Унинг бирдан-бир умиди — Ойқиз. Бундоқ қараганда, у Ойқизни ҳамма нарсада қўллаб-қувватлаши лозим, у эса, Ойқиз билан келишмайди, қизининг дадил режаларини ўйлаб пишитилмаган, чалакам-чатти ҳисоблайди. Умрзоқ ота беихтиёр равишда колхоз раиси Қодиров билан ҳамфирк бўлиб қолади. Умрзоқ ота билан Қодировнинг ниятлари ҳар хил, уларнинг ҳаракатларининг ахлоқий негизи турлича. Буни ақлли Умрзоқ ота сезади. Курашувчи кучлар нисбати нима учун бунақа ғалати ҳолатга келиб қолганлиги устида ўйлиниб қолади. У хато қилмаяптимики? Балким, Қодиров эмас, Ойқиз ҳақдир! Умрзоқ ота ҳақи-

қатни бирданига топиб олмайди. Уз ҳаракатлари билан Умрзоқ ота Қодировни қандайдир инсоф юзасидан ёқлайди ва оқлайди. Агар у кўпни кўрган, ўзига яраша ҳурмат-эътиборга эга, беғараз деҳқон, севикли қизининг дардини тушунмаган, тушунмаётган экан, буни нима учун бошқа одам, айтилик, ўша Қодиров яхши ва тезроқ тушуниб олиши лозим бўлади? Умрзоқ ота билан Қодиров иккаласи бошқа-бошқа одамлар, уларнинг қарашлари турлича, гарчи, сиртдан қараганда, бир-бирига ўхшаб кетса ҳам, бу ҳаракатларнинг сабабчиси ҳам бир хил эмас. Бошқа томондан, Умрзоқ отанинг Ойқиз билан келишмаслиги — сюжет ҳаракати мантиқиға кўра, Ойқизнинг инсоний қаршилиги ва сабот-матонатини кучайтириш, унинг характериға янги чизгилар, янги нурланишлар бахш этиши лозим. Ойқиз ҳаёт зиддиятларини енгиб ўтиш жараёнида ўсади, бошқача одам бўлиб қолади.

Ўзбекистонда, деярли бутун Ўрта Осиё республикаларида қуёш ўз ҳарорати ва нуруни саҳийлик билан ерга муттасил тўкиб туради. Емғир, қор у ерларга бошқа жойларга қараганда кам ёғади. Бу ерда намнинг, сувнинг қадри баъзан олтиндан ҳам ошиб кетади. Сув — қувонч ҳамда мўл-кўллик манбаи. У кўз нуридай, юракнинг тепиб туришидай керак. Ҳаёт ифодаси бўлган Ойқизнинг юксак, фидокорона мақсади сув излаш, сув топишдан иборат эканлиги бежиз эмас. У бошқалар билан биргалашиб, қуритиб қўйилган булоқни одамлар фойдасига хизмат қилдириш учун жанг қилади. Сув излаш, йўқолиб кетган булоқни ҳаддан ташқари зўр бериб топиб олиш картинаси Шароф Рашидов томонидан ғоят таъсирли бадий куч билан, чинкам романтик илҳом билан акс эттириб берилган. Сабрсизланиб кутиш, чарчаш, тиришқоқлик, кўнгил совиш, умид тутиш — кайфиятдаги бу турли ҳолатлар инсон психологиясининг зич қатламини ҳосил қилади.

Райком партия секретари Жўрабоев — узоқ ҳаёт йўлини босиб ўтган жуда ҳам яхши одам — бизнинг замонамиздаги орзу билан ҳақиқатнинг ўзаро янги муносабати тўғрисида фикр қилади. Илгари халқнинг орзулари ушалмай, хомхаёл бўлиб қолаверар эди. Социализм халқ орзуларини ушалтирди. Жўрабоевнинг сўзи билан айтганда, тузумимизнинг табиати ўзи шунақа, халқнинг зарур эҳтиёжи қондирилади ва унинг орзу-умидлари тўлалигича амалга ошади. Кеча биз нимани орзу қилган бўлсак, бугун у амалда бор нарсага айланади.

Жўрабоев сал-пал ошириб юборади. Кеча биз орзу қилган нарсаларнинг барчаси бугун реал ҳақиқатга айлангани йўқ. Кичкина, осон етишиш мумкин бўлган мақсадни орзу деб бўлмайди. Орзу улкан, дадил бир нарасаки, уни амалга ошириш учун муттасил ғайрат кўрсатиб, катта куч сарфлаш талаб қилинади. Аммо Жўрабоевнинг социалистик турмуш шароитида орзу билан амал ўртасидаги янги мутаносиблик ҳақидаги айтган фикри мутлақо тўғри.



Шароф Рашидов романлари қаҳрамонларини мен, реалистик орзу қилувчилар, деб атаган бўлар эдим. Ойқиз, Жўрабоев, Смирнов, Погодина, Олимжонларнинг фаолиятида орзу аниқ ишга, инсонпарварлик орзуларининг амалга ошириш натижасида туғилган иш эса, дадил, одамларни олға чорлайдиган орзуларни туғдиради. Қодировнинг орзуларга қаршиликнинг балоси нимада? Мен у ҳақда юқорида гапирган эдим. Яна Қодировга қайтаман. Қодиров душман эмас. Унинг ҳаракатларида олдиндан ўйлаб қўйилган ғаразли, бошқача қилиб айтганда, стратегик жиҳатдан ёмон ният йўқ. Қодировнинг қусури шундаки, у юқорида эмас, пасга қарайди, ўз нигоҳи қамраб олган бўшлиқнигина кўради. Унинг фикри боғлаб қўйилган, парвоз қилишни билмайди. У ўзини амалиётчи деб ҳисоблайди. Орзу — унинг вазифаси эмас.

Мумкин бўлган, етиб бўладиган, кўз қамрови етадиган доирада ҳаракат қилиш керак. Агар замонлар билан келажак ўртасидаги алоқа узилиб қолса, ишониб суянадиган ҳақиқий таянч бўлмайди, бу эса воқеа-ҳодисаларнинг тарихий изчиллигини вайрон қилади. Вақтни доғда қолдириш истаги билан биз ундан ўзиб кетмаймиз, аксинча, унинг жиловини тортаман, чунки вақт тайёрлаб қўйилган сакрашларсиз уйғун жилиши позим. Бугунги кунда одамлар олдида кўндаланг бўлиб турган вазифалар озми? Орзу қилувчилар уни эртанги кундан қарз олмоқчи бўладилар. Лекин эртанги кунни қисталанг қилмаслик керак, унинг ўзи бизнинг олдимишга келади. Шунча новаторлар қаердан пайдо бўларкин. Мана улар ташландиқ даладаги ёввойи ўтдек қандай кўпайиб кетган, деб койинади Қодиров. Унинг эътиқод рамзи шунақа.

— Орзусиз яшаш мумкинми? Йўқ, Қодиров, мумкин эмас! — дейди Жўрабоев.

— Нима учун мумкин бўлмас экан, дея ўйлайди Қодиров ўзича. Ахир у яшаяптику. Қодиров ўзига юкланган вазифани ёмон бажараяпти, деб ким айта олади? Ҳеч қандай орзусиз, ҳаёл суришсиз жуда яхши адо этипти. Яхшиси у иш қилади. Бу қийин, — деб ўйлайди Қодиров. — Орзу қилиш вазифасини у жон-жон деб бошқаларга беради. Улар маза қилиб учаверишсин ўз орзулари қанотида. Қодировнинг орзу қилишга фурсати йўқ. У орзу қиладиган бўлса, ахир ким иш қилади? Қодиров — жўн, бир томонлама шахс эмас. У — ўзининг кўп сонли ўтмишдошларига ўхшамаган, ўзига хос шахс.

Одамларнинг ҳаёт бойликларини яратиш йўлида ғайрат кўрсатиб иштирок этишлари уларни маънавий, эмоционал жиҳатдан бойитади, уларчи гўзал ва бамаъни қилади. Бошда, ҳали ўз фаолиятини бошламасдан олдин, Ойқиз бир қадар қуруқроқ, сал ясамароқ кўринади. Буни икки сабаб билан изоҳлаш мумкин. Ойқиз раҳбар сифатида тажрибасиз. Шунинг учун у қаттиқроқ туради, бирон бир ортиқча гап айтиб юборишдан кўрқади, ҳали ортирмаган обрўсини тўкиб қўйишни истамайди. Ро-

маннинг биринчи саҳифаларида Ойқиз пахта экиш. учун кўриқ ерни ўзлаштиришдан иборат янги гоёни ёқлаб чиқади. Ҳали у бу гоё нималарга бориб тақалишини бутун тўлалиги билан кўрмайди. Ойқиз кўпроқ исбот мантиқиға, тахмин ва хулосаларга суянади. Унинг нутқи услуб ва тортишувларидаги анча эҳтироссиз мулоҳазакорлик шу билан изоҳланади. Кейин, кўриқни ўзлаштириш гоёни амалий ишининг бир қисмига айланиб, жисмига сингиб кетгач, унинг бутун фикри-зикрини эгаллаб олгач, тили ҳам, товушининг товланиши ҳам, Ойқизнинг ўзи ҳам ўзгариб қолади. Баъзан кўзга чалиниб қоладиган иккиланишлар ўз ўрнини эҳтиросларнинг бемалол жўш уришига бўшатиб бериб, ўзи ғойиб бўлади. Янгиликни яратиш учун кураш кишида кўпгина хилма-хил туйғуларни, кечинмаларни, ўй-фикрларни кашф этади, уни юксакликка кўтаради ва хушахлоқ қилади.

Шароф Рашидов романларида, меҳнат инсонни яратади, унга куч, таянч, маънавий гўзаллик бағишлайди, деган фикр тантанавор қилиб айтилмайди. Буларнинг барчаси инсон хатти-ҳаракатларининг ўзаро бир-бирига боғлиқ жамулжамиди, кечинмаларида ифодалаб берилади. Инсон шахсининг шаклланишида меҳнатнинг ҳал қилувчилик аҳамияти ҳақидаги катта, муҳим ижтимоий ҳақиқат турли характерларнинг ривожига ҳамда ўзаро таъсирдан, инсон нима қилади, қандай қилади, унинг қўлидан нима келади, у нимани хоҳлайди, нимани деб шундай қилади, қандай мақсад, ниятлари уни ҳаракатга солиб қўяди, у нимани рад этади, нимани ҳимоя қилади, деган нарсадан ўсиб чиқади.

Шароф Рашидовнинг қаҳрамонлари фақат меҳнат қилишнинггина билиб қолмайдилар, балки севишни ҳам биладилар, севганда ҳам гўзал ва шонрона севадилар. Ойқиз билан Олимжоннинг севгиси ажойиб, нафис мусиқий севги. Мен, мусиқий, деб хато қилмадим. Мелодраматизм, чучмаллик, ийиб кетиш даражасига осонгина тушиб кетиш мумкин эди. Яна битта хавф таҳдид солиб турарди. У ҳам бўлса, муҳаббат иш жараёнларини, одамлар ўртасидаги ўзаро меҳнат муносабатларининг тўлдирувчисига, шарҳига айланиб қолиши ҳам мумкин эди.

Муҳаббат маъносини тушунишда чалқаш ва ўйламасдан айтилган фикрлар оз эмас. Яқинда мен эълон қилинмаган диссертацияда шундай бир фикрни ўқиб қолдим: муаллиф, муҳаббат ҳақида гапириб, илгар, революцияга қадар, муҳаббат камқон, арзон, ижтимоий зиддиятларга лоқайд бўлган. Ҳозир эса, севишганлар бир хил идеалга эътиқод қиладилар, улар ўртасида тўла-тўқис кўнгил уйғунлиги мавжуд, ҳозирги замон шароитида муҳаббатнинг мустаҳкамлиги, нўшъали эканлиги ана шундан, деб ёзибди. Муҳаббат туйғусини бундай тушуниш жўнлик ва кулгилидир. Ромео ва Жўльетта, Таризл ва Нестан Дарежон, Фарҳод ва Ширин, Капитан де-Грие ва Манон Леско, Онегин ва Татьяналар севгиси эҳти-

росдан, улуғворлик, илҳомдан маҳрум ланж севги бўлганми? Севги ҳамма вақт гўзал, буюк туйғу бўлган. Ҳозир бу туйғу бир неча бошқа одавий мазмун билан бойиган, дейилса ҳам майли эди. Муҳаббат жўнлашиб, ибтидоийлашиб қолгани, романтик шўъласидан, ҳаяжондан маҳрум бўлгани йўқ. Бахтга қарши, ҳозирги замон ёшларининг муҳаббатларини ҳамма ёзувчилар ҳам мўъжиза, кашфиёт сифатида ифодалайвермайдилар. Бундай муҳаббатда ҳорғин, нотинч туйғу сал-пал уриб туради. Уни ҳаддан ташқари насрий, қашшоқ, жўн ифодалайдилар.

Шароф Рашидов севгини бенуқсон одоб билан ифодалашга муяссар бўлган, бу туйғунинг лойқаланмаган тиниқлигини, бокираллигини, нафислигини сақлаб қололган. Ойқиз билан Олимжон бир-бирини қаттиқ севади. Лекин улар қандай мулоим, муҳаббат туйғусининг поклигини, муқаддаслигини иккаласи қандай авайлашади! Улар азоб чекадилар, қийналадилар, бир-бирларига ўз туйғуларини изҳор қилишга ботинмайдилар. Уларнинг муҳаббатлари руҳий, ҳавойи муҳаббат эмас. У қандайдир мафтункорлик ва илқиклика лиммо-лим. Ойқизга хос оғирлик, тортинчоқлик, уятчан биқиқлик унинг характерининг индивидуал хусусиятлари билангина изоҳланмайди. У — Шарқ аёли. Ойқиз маълум муҳитда, маълум ҳаётий ва ахлоқий шароитда ўсган, бу эса унинг хулқида ўз тамғаси изини қолдирмай иложи йўқ. Муҳаббатда айтилмаган сўз узундан-узун эзмаланиб тушунтиришдан аъло. Севгининг истиқболи томон қўрқиб-қўрқиб ва қатъиятсизлик билан қўйилган бир қадам қайта-қайта бўса олишдан кўпроқ таъсир қилади. Ойқиз билан Олимжоннинг севгиси дераза пардасини зич тортиб қўйиб, бегона кўзлардан яширилади. Уларнинг севгиларида баландпарвозлик йўқ. У сунъий равишда иситишга муҳтож ҳам эмас. У кучли ва бир текис ёнади. Ойқиз билан Олимжон муҳаббатининг гўзаллиги улар эру хотин бўлганларидан кейин ҳам хира тортмайди. Ҳақиқий севги абадий, ўчмасдир. Ёзувчи айтганидай, муҳаббат ер қаъридан отилиб чиқаётган нурли булоққа ўхшади, у қақраб ётган чўлни боғу бўстонга айлантиради, гулу дарахтларга шәрбат куяди, у баҳорни ижод қилади. Муҳаббатни эҳтиётлаш керак. У табиатнинг камёб, тақрорланмас совғасидир.

Шароф Рашидов китобхонни аллаламайди, уларни ажойиботлар оламига элтмайди. Ҳа, жуда яхши одамлар ўсиб етишган. Улар ернинг мағизи, унинг зийнати, унинг афтихоридирлар. Яланғоч, ўлик саҳрони ажойиб бўстонга айлантириб юборадилар. Улар енглирини шимариб ҳормай-толмай меҳнат қилишади. Улар ҳақгўй, садоқатли кишилар. Улар кўпчилик. Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ ота, Жўрабоев, Смирнов, Погодин, Муротали — ҳаммасининг саноғига етиш қийин. Уларнинг зўри билан замон олдинга жадал қадам ташлайди. Янгилик енгиб чиқади,

ҳамма жойда — ижтимоий ҳаётда, кундалик турмушда, кишилар ўртасидаги муносабатда ҳам ғолиб келади. Эскиликка нисбатан ижтимоий, эстетик жиҳатдан афзаллиги билан ғолиб келади; янги, коммунистик нарса, бу — халқники, халқ руҳияти ва эътиқодининг энг яхши томонлари ифодаси. Шароф Рашидов романлари қаҳрамонлари халқ учун яшаб, халқ фикри тебранишини сезгирлик билан илиб олиб, ҳаётдаги вояга етган ва вояга етган кучни реал ҳақиқатга, кўзга кўринадиган ишга айлантириш устида меҳнат қилиб, бу билан халқни улуғлашга, унинг ижодий қувватини кўпайтиришга йўл очиб берадилар. Бу қизиқарли ишда, халқнинг янги-янги бойликларини барпо этиш учун курашда уларнинг ўзлари ўсиб, камол топадилар. Аммо бизнинг даламизда бегона ўтлар, кемирувчи қуртга ўхшаган кимсалар, курувчи эмас, балки бузғунчилар ҳам бор. Мана, масалан, Алиқулни олайлик. У кўпроқ нарсени юлиб қолишга, ўрнига ҳеч нарса бермасликка интилади. Инқилоб Алиқулни хафа қилган. У савдогар бўлишни, катта пул орттиришни орзу қиларди. Бироқ унинг жарақ-жарақ пул топадиган нурафшон йўлига янги тузум, янги турмуш, янги одамлар тўсиқ бўлди. Алиқул яна юқорига чиқиб олиш учун инганинг тешигидан ҳам ўтишга тайёр. У чаққон, эҳтиёткор, ўлгудек муғомбир, доғули, устаси паранг алдамчи. Ҳаёт тўлқини уни шафқатсиз суратда четга итқитиб ташлайди. Райижроком раиси Султонов Алиқулнинг тенги эмас. У олдинда бораётганлар билан бирга қадам ташлаётгандай бўлиб кўринишга уринади. Бироқ, Султонов кўпроқ ўз тинчлигини кўзлайди. Унинг фикр занжири жуда оригинал ва ғалати. Султоновнинг отаси Совет ҳокимияти учун курашган, халққа зулм ўтказганларнинг, бойлар, халқ қонини сўрувчиларнинг додини берган. Султонов, отаси унинг шахсий бахти учун, у камёб жихозлар билан безатилган хос уйга эга бўлиши учун курашган, деб билади. Менга, оддий бир деҳқоннинг фарзандига Совет ҳокимияти берганини ҳамма кўриб қўйсин, дейди Султонов маккорона. У яшашни, тўғрироғи, ҳаётда ўзини яхши кўради. Ана шу севгини деб бекорчиликдан воз кечган, ўз елкасига партиявийлик ва масъуллиқнинг оғир юкин ортган. У ишлашга мажбур. Афсуски, ишламаслиги мумкин эмас. Лекин ишлайман деб ортиқча куч сарф қилиб ўтирмаслиги керак. Ҳўжа кўрсинга ишлამаса вазифасида кўп туролмайди. Нима яхши: яхши ходим бўлишми ёки фақат шундай бўлиб ҳисобланишми? Султонов кўп ўйлаб ўтирмай, ўшандай бўлиб ҳисобланишдан кўра ҳам қийинлаш бўлмайдиган даражада мушкулроқ бўлишга қарор беради. Сен жонингни жабборга берганин билан буни сезишмасан нима фойдаси бор, агар сен ҳалол бўлсанг, сенга ҳеч ким ишонмайди, агар сен ҳақиқий коммунист бўлсанг, паст ишларда хор бўласан. Шунинг учун юқорига, эрта пишган мевани ҳаммадан олдин

узиб олишга ўрган, бўлмаса нобуд бўласан, деб ўйлайди Султонов ўзича.

Сохта журналист, кавшбардор Юсуфийнинг зуваласи бутунлай бошқа нарсадан ясалган. Узининг арзимас манфаати учун у ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборишга, оқни қора, қорани оқ дейишга, софдил, оқила, ишчан одам — Ойқизга тўхмат қилишга тайёр.

Обком партия секретари Абдуллаевни ёзувчи қаттиқ, жонини ачитадиган қилиб қамчиллаган. Абдуллаев ўзига хос поручик Киже. Унинг на ўз шахси, на шахсий сояси бор. Абдуллаев қиёфасизликни бўронлардан, даврининг бечалғай шамолларидан асрайдиган тўсиқ деб билади. У ҳеч нарсага аралашини истамайди. Ҳеч қандай янгиликни таклиф қилмайди, ҳеч нарсани жиддий бекор қилмайди. Унга шуниси фойдалироқ, шунда кам хато қиладиган, таъна-дашонларга сабаб қолмайдиган бўлиб туюлади. Агар юқоридан кўрсатма бўлмаса, у миқ этмай ўтираверади. Олтинсойликларнинг кўриқ ерни ўзлаштириш юзасидан қилаётган хираликлари унга беваросатлик бўлиб туюлади. Башарти бу план ақали Тошкентдан юборилганида! Унда Абдуллаев уни қўлаган бўларди. Бордию олтинсойликларнинг планлари зарарли бўлса-чи? Ким жавоб беради. Абдуллаевми? Йўқ, ундан кўра бўшатиб юборишсин. Абдуллаев бировларнинг хавfli юкига елкасини тутиб бериб бўлти. Зарур келгани йўқ. Абдуллаевнинг шаънига аччиқ, куйдирадиган сўзлар ёғилади: У, партия йўл кўрсатибгина қолмай, қулоқ солишини, ўргатибгина қолмай, ўрганишини ҳам, фақат ҳал қилиб ва кўрсатибгина қолмай, халқнинг барча қимматли ташаббусини қизгин қўллаб-қувватлашини тушунолмайди. Тушунишни истамайди. Пастдан кўрсатилган ташаббус Абдуллаев ишда қўллаб келган аниқ, беғалва усулини бузиб, унинг бошини ёвлатиб юборарди. Аслида у партия иродасини ўтказувчи эмас, балки юқори партия ташкилотининг қарорларини қуйи ташкилотларга эшиттирувчи бамисоли трансмиссия эди. У орқага айланмасди.

Ёзувчининг ўткир нигоҳи ҳаётнинг барча томонларини, унинг нур ва соясини, унинг кўпиги ва мустаҳкам асосини ажратади. Ҳаёт кўп қатламли, у катта, қарама-қарши мазмун билан тўйинган. Унинг шаклланишида қатнашувчи одамлар бир хил эмаслар. Ҳаётни қураётган, безатаётганлар ёнида ҳаромхўрлар, ғирром қорчалонлар, чекланган, ўтмаслашиб қолган, калтафаҳм раҳбарлар ҳам бор. Турли тоифадаги одамлар бир-бирларидан ажратиб қўйилган ҳолда, мустақил бўлмаган биқик коллектив ҳолида мавжуд эмаслар. Улар ҳаётнинг умумий оқимида жалб этилганлар, лекин сув оқиб кетиб, қум чўкинди бўлиб қолади: чўкинди, бачки, ижодий ибтидодан маҳрум нарсалар ғолибларнинг активлиги, кучи, қуввати билан сиқиб қўйилади.

Инсон ҳаракатининг чеки бўлмайди. Муттасил олдинга бориш, чарчамаслик керак. Узоқларда янада қизқроқ олисликлар кўринади. Инсон ўз меҳнати билан келажакни яқинлаштиради, тарих қадамини жадаллаштиради. Ҳаракат турмушнинг биринчи асосидир.

Ёзувчи Ойқиз унинг ишончини оқлашига, келгусида алдамаслигига, юзини ерга қаратмаслигига ишонади. У Ойқиз билан биргаликда қанча кулфатларни бошидан кечирди, уни деб қанча азоб тортди, унинг ютуқларидан қандай қувонди. Ёзувчи Ойқизнинг тақдири учун ташвиш тортавериб сочи оқариб кетди, ҳаловатини йўқотди. Биз ўйлаймизки, Ойқиз ёзувчининг хайрлаша туриб қилган насиҳатларига диққат билан қулоқ солади. Бу сўзларни йўлида нон билан бирга ўзига ҳамроҳ қилиб олади.

Мен Шароф Рашидов асарларига бирмунча муфассал тўхтаб ўтдим. Шароф Рашидов романларининг интернационал маъноси менга уларнинг инсонпарварлик пафосида, ёзувчи янги социалистик ҳаёт қурувчиларининг ҳаққоний, ҳаёт чашмаларининг ўзидан олинган образларини чиқиб берганлигида, меҳнат аҳлининг — ташаббускорларнинг, қайта яратувчилар, архитекторлар, ҳақиқатда эса, ўз ижодий ҳормас-толмасликлари билан оддий ва буюк, одатдаги ва ажойиб, кўп қиррали, ўзига хос характерларини яратиб берганлигида кўринади. Улар учун ҳаёт муттасил жангдан, бетўхтов ҳаракатдан иборат.

Чет элдаги советолоғлар совет Шарқидаги адабиётлар гўё миллий ўзига хослик белгисини йўқотиб қўйганлиги муносабати билан ёлгондакам кўз ёши тўқадилар, гўё социализм одамларни бир хил қилиб қўйиши, уларнинг ҳуқуқларини, эркини жиловлаб олиши ҳақида жонга тегар даражада нола-фиғон қиладилар.

Биз уларга ҳақли равишда: Ойқизга бир қаранглар! У ўзбек, Шарқ қизи. У қишлоқда туғилган, жонажон Ўзбекистонда, унинг саховатли қуёши нурларини эмиб катта бўлган, уни бошқа миллат вакиллари билан адаштириб қўёлмайсан, рус аёли билан, молдаван, литвалик, қозоқ, украин, грузин аёли билан адаштирмайсан. У — ўзбек қизи. Миллий белгиси унинг кўпчилик хатти-ҳаракатларида, қалбининг тегишида, характерида, яшаш, ҳис қилиш тахлитида шундоққина акс этиб турибди. У қандай гўзал, ажойиб шахс, унда қандадан-қанча инсоний истеъдод, қувват, ақл-заковат, одоб, битмас куч бор! деймиз.

Шароф Рашидов ўз асарлари билан бошқа халқларни ўзбек миллатининг тажрибасидан баҳраманд қилади. Ўзбекистонда социализм шароитида содир бўлган моддий, маънавий, ижтимоий, инсоний соҳадаги чинакамга ҳайратда қолдириб қўядиган ўзгаришлар ҳақида қувонч ҳамда ифтихор туйғуси билан қуйлайди.



ҚАРДОШЛИК  
ДАВРАСИДА

Бахтиёр Ваҳобзода



## ЭНГ БУЮК МУНАЖЖИМ

Неча йўллар кўрди бу она тупроқ,  
Инсоннинг бахтига ўзин қаратди.  
Энг буюк йўлчи бу Лениндир...

Бироқ,

У — йўлдан юрмади, у йўл яратди.

Очдик сийнамизни биз варақ-варақ,  
Ун еттинчи сана шуҳрат таратди.  
Энг буюк тарихчи Лениндир...

Бироқ,

У тарих ёзмади, тарих яратди.

Энг буюк мунажжим Лениндир...

Бироқ

Зулматдан самолар кўксин аритди.  
Инсоннинг энг буюк орзуларидан  
У ўзи заминда қуёш яратди.

## Баҳор ва мен

Болаликда  
Қиш ойлари  
Минг ҳасрат-ла қўз тикардим  
Мен баҳорнинг йўлларига.  
Йўлларини пойлаб-пойлаб  
энтикардим.

Дер эдимки: баҳор билан  
Гуллар келур, қуёш келур.  
Садосини эшитибоқ  
Шодланардим;  
Менинг билан ўйнагани қурдош келур.

Менинг билан тенгқур эди  
У вақт баҳор.  
Бирга-бирга ўйнашардик,

Куйлашардик, қувнашардик.  
 Мен ҳам — баҳор,  
 У ҳам баҳор —  
 Икки ҳамдам, икки йўлдош  
 Шўх-шўх ўйнаб, қувлашардик...

Замон ўтди,  
 Умр ўтди...  
 Далаларда, тепаларда  
 Яна мажлис очар баҳор.  
 Яна еллар қанотида  
 Атру анбар сочар баҳор.  
 Лекин менинг ишларим кўп,  
 Ишларим-ташвишларим кўп,  
 Вақтим тиғиз шому наҳор.

Дарада сув шилдирайди,  
 Уни тўйиб тингламасман,  
 Чечаклардан даста боғлаб,  
 Тўйиб-тўйиб ҳидламасман.  
 Бу ишимдан ранжиса ҳам агар баҳор,  
 Минг ҳаққи бор!

Энди қишнинг сўнг кунлари,  
 Мен баҳорни кутаману  
 Йўлига кўз тутаману  
 Уз-ўзимга сўз бераман;  
 Бу баҳорда ўйнаб кулиб,  
 Унинг билан бирга бўлиб,  
 Қучоқ-қучоқ гул тераман.  
 Бир қарасам,  
 Баҳор келиб, кетибди ҳам.  
 Мен ғафлатда яна қолдим,  
 Қани кўклам?  
 Энди бўлса, мен баҳорнинг ўзидан ҳам,  
 Келишидан, ташрифидан бўлгум хуррам.  
 Майли, ташвиш, ҳасрат ортсин,  
 Меҳнат ортсин, заҳмат ортсин,  
 Шу билан у менга кўркам,  
 Шу билан у менга кўклам.

## Бош

*Америкалик олим Р. Уайт маймун мия-  
 сини танасидан ажратиб, мустақил яша-  
 тишга уринди.*

Ғаройиб оламдир...  
 замонага боқ,  
 Табиат бирла баҳс этмоқчи инсон.  
 Буйракми,  
 юракми,  
 кўзми  
 ё қулоқ —  
 Бадандан баданга кўчармиш осон.

Машина эгаси унинг қисмини  
Зарур бўлган чоғи дўкондан олар.  
Наҳотки, инсоннинг аъзо жисмини  
Аптекалар бир кун савдога солар?!

Озмидир инсоннинг бошда ташвиши?!  
Башар кўтаргайми бу кашфнинг юкин?!  
Тайёр фикрлару ғояни киши,  
Наҳот, бошга жойлаб сотиши мумкин?!

Буйрагу юракнинг  
кўчиши, майли...

Бошни-чи?  
Бир муддат ўйлаб ол, одам.  
Ҳар кашфнинг ўзи-ку — шу бош туфайли,  
Наҳот, бош алмашлар бошнинг ўзин ҳам?

Инсоннинг ғурури, шараф-шонига  
Қаттиқ дарз бермасми бу даҳшатли кор?  
Бир нодон қувониб ўз имконига,  
Наҳот, доно бошга кўз тикса маккор?

Эй, ҳаким, нечоғлиқ бўлсанг ҳам расо,  
Бу мудҳиш фикрнинг баҳридан сен кеч.  
Инсонни айириб ўз оламидан  
Она табиатга қарши борма ҳеч!

Ҳаким, табиатдан бундоқ ўзмайлик,  
Асра табиатнинг юз оҳангини.  
Кучимиз етса да,  
лекин бузмайлик,  
Унинг ўз кўркини, ўз оҳангини.

Бир даҳо мияга қон урди бирдан,  
Бир жоҳил қазога борди ўшал кун...  
Жоҳилнинг бошини ўз баданидан  
Айирдинг, даҳони яшатмоқ учун!

Не дердик.  
Ким ўлди?  
Даҳоми, жоҳил?  
Кимга аза тутсин дўсту қардоши?  
Тирилган ким бўлди?  
Бу-ку сир эмас:  
Дононинг бадани, жоҳилнинг боши.

*Ўз ижодини Улуғ Ватан уруши йилларида бошлаган Бахтиёр Ваҳобзода «Менинг дўстларим» номли илк китоби биланоқ истеъдодли шоир сифатида халққа танилган эди. Кейинчалик шоирнинг «Баҳор», «Абадий ҳайкал», «Оддий одамлар», «Ойдин кечалар», «Эътироф», «Шабъи ҳижрон», «Бир юракда тўрт фасл», «Денгиз ва соҳил» каби 40 га яқин шеърӣ китоблари чоп этилди.*

*Бахтиёр Ваҳобзода Озарбайжон совет шеърӣятида дoston жанрининг ривожига ҳам катта ҳисса қўшган шоирдир. Унинг турли мавзуларда ёзилган «Йўллар ва ўғиллар», «Учинг, қўшиқларим!», «Ғам ичида севинч», «Тазодлар» ва бошқа поэмалари адабий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган.*

Даҳо яшай бошлар нодондек бирдан.  
Биз кимни бу ерда алдадик, ҳайҳот!  
Жоҳилнинг боши-ю ғояси билан  
Яшаётган доно — донодир, наҳот?!

Қани у аввалги маслак, ақида?  
У — фикр, ғоядан маҳрум битта тан.  
Ҳайлаб фақатгина яшаш ҳақида  
Ғоядан ажрамоқ — жоҳиллик, зотан.

## Яшамок, учун

Қуёш чиққанидан оқшомгача то  
Янги бир эртақни дил истар ҳамон.  
Эртақдан мен имдод қилурман пайдо,  
Хаёлим уфқига тор келса замон.

Бир эртақ истарман, равшан бир нақл,  
Ўзим ўз ўйим-ла ёлғиз қолган дам.  
Кунда бир мўъжиза яратган ақл  
Эртақ-ла забт этди, ахир, Ойни ҳам.

Бир эртақ истарман ҳар кеча, ҳар кун,  
Эртақ бу инсонга мисли қанотдир.  
Эртақ истайдирман яшамок учун,  
Эртақнинг мағзида, ахир, ҳаётдир!

## Экранда кўришув

Ўғил шаҳарда-ю  
Қишлоқда — она.

Орада масофа катта, албатта,  
Кўриша олмаслар бир мамлакатда.

Экран қаршисида она ўлтириб,  
Фаҳр-ла ўғилга боқар мўлтираб.

Ўғил шеър ўқир: «Она — мумтоздир,  
Иўлида жонимни бахш этсам оздир...»

*Шоирнинг мавзу доираси ниҳоятда кенг. У ўз халқининг ўтмишини ҳам, Коммунистик партия раҳнамолигида озодликка эришган совет халқининг фаровон ҳаётини ҳам жўшиб куйлайди. Унинг виждон ва бурч, садоқат ва муҳаббат, эзгулик ҳақида баҳс этувчи «Иккинчи садо», «Емғирдан сўнг» номли замонавий драмалари кўп йиллардан бери Озарбайжон театрлари сахналарида зўр муваффақият билан қўйилиб келинмоқда.*

*М. Ф. Охундов номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Бахтиёр Ваҳобзода ҳозир муҳим замонавий мавзуларга бағишланган янги-янги асарлар устида қизғин иш олиб бормоқда.*

Ўғил шеър ўқир.  
Эшитар она,  
Кўзига ёришиб кетгандай олам.  
Пичирлар ўзича фақат муштипар:  
«Ўзин сал олдириб қўйибди болам».

## Қофиялар

Истамайман  
Оҳанглардан ҳосил бўлган қофияни,  
Қизиқтирар  
Сўзлардаги ҳикмат мани, маъно мани.  
Қофиядир  
Икки симнинг бир пардада, титрамаси,  
Қофиядир гул нафаси, булбул саси.  
Қофиядир кўк ила ер,  
Севинч — кадар.  
Парвоз билан таназзулу,  
Оқшом — саҳар.  
Қофиядир бугунги иш  
Ва хотирот.  
Энг мукамал қофиядир  
Ўлим — ҳаёт!

□

Иигитликда —  
    Қўллар узун, тиллар қисқа.  
Қариликда —  
    Тиллар узун, қўллар қисқа.  
Иигитликда —  
    Кунлар қисқа, йиллар узун,  
Қариликда —  
    Кунлар узун, йиллар қисқа.

Озарбайжон тилидан  
Жуманиёз ЖАББОРОВ таржималари

## Қизимга

Сен келиб-кетурсан...  
    кўзим кўзингда —  
Билмайсан, неларни излайди отанг.  
Юзингдан, кўзингдан, ҳар бир сўзингдан  
Қалбингни англамоқ истайди отанг.  
Сен келиб-кетурсан... сўрамам ўзим.  
Нигоҳлар гаплашар, нигоҳлар, бироқ  
Билишни хоҳлайман, кабутар қизим,  
Кўнглингни хушларми кўнганинг кўноқ?  
Ёзғирма, ҳаёт бу, ҳаммаси ўтар,  
Фалакни орқага ким бура олган?  
Фарзандга тиллодан тахт бергай ота.  
Тиллодан бахт, лекин ким бера олган?



Сен келиб-кетурсан...

Ўзгармиш бизнинг  
Сўз-у суҳбатимиз... ақлим қолар лол, —  
Ийманиб турсан наздимда, қизим,  
Бу уйда туғилиб-ўсмаган мисол...

Жиндек ётсирайсан,  
Жиндек тортинчоқ...  
Эркин юришингни хоҳлайман ҳамон.  
Келсанг ҳам, кетсанг ҳам меҳмонсан бироқ  
Бунча тез ётлашди сенга бу макон?

Нақадар ўзгарди хислатинг, ажаб,  
Хафа деб ўйлама, аксинча шодман,  
Севсанг севилурсан... бу ахир, бор гап,  
Энди сен туфайли бефароғатман.

Асра қорачиғдек муҳаббатингни,  
Ҳар ерда,  
                    ҳамиша... ҳар қачон, қўзим.  
Ота уйинг — таянч,  
                    лекин бахтингни  
Тушган даргоҳингдан топурсан, қизим.

## Ёшдан гинам бор...

Қаранги, ўн бешми, йигирма ёшда  
Қирқ менга кексалик эди бегумон.  
Эллика кирапман,  
                    ҳолбуки бошда

Гўдаклик ҳаваси устундир ҳамон.

Эсимда: ҳар куни, бўйнимда тўрвам —  
Мактабга боришим чайнаб қовурмоч.  
Худди кечагидек, тол отда бир дам —  
Қамчини ўйнатиб қилганим «қоч-қоч»...

Ёшимга мослаша олмадим, нетай,  
Қалбим ўша-ўша, ўшадир ҳавас.  
Орзу тоғ, чўлларга етаклаб кетар,  
Кўнглимда туйғулар ўйнар басма-бас...

Гўёки кечанинг шўх боласиман,  
Гоҳида куламан бу ҳолатимдан.  
Ўзимни қисмайман йўл орасида,  
Кўнгилга эш бўлмиш ҳаловатимдан.

Ёшлиқдан ажралиб қолган сабабли  
Дунёга тўрт қўллаб ёпишамиз биз.  
Ёшимиз ўтаркан,

                    дарахтлар каби  
Чуқурлашиб боргай илдизларимиз.

Эҳ, қаранг, бир қувноқ, бир эркин чопиб,  
Болалар том ошар, ётишар чимга.  
Уларнинг сафидан ўрнимни топиб,  
Мен ҳам қочсам, қани, болалигимга.

Боғу хиёбонни бошга кўтариб  
 Яна «Бекинмачоқ» ўйнасам қани...  
 Шундай бекинардим, тун-кун ахтариб  
 Сира тополмасди кексалик мани.

Бироқ ўз ишини қилар экан ёш,  
 Юракда кўп сирли узилишлар бор.  
 Йўл-юзда энтиксам ё айланса бош,  
 Санайман дўнгни ё тошни гуноҳкор.

Ахир болалардан орқада қолсам,  
 Гуноҳкор эмас-ку бу дўнглик, бу тош.  
 Бироқ гўзалликлар ҳушимни олса  
 Ўзимни санарман ўғлимга тенгдош.

## Ёлғизлик

Хаёл гоҳ тоғдадир, гоҳи чаманда,  
 Одам гоҳ Ердаю, гоҳ кўкда учар.  
 Уйда бир соат ёлғиз қолганда  
 Мардумни юз йилнинг андуҳи қучар.

Гўёки деворлар устинга қулар,  
 Қулоғинг шанғиллаб, дил урар бежо.  
 Вужудинг бир ўтда ёнар, қоврулар,  
 Саволга айланар бир зумда нидо.

Бездирар,  
 Чопагон тушунчалар ҳам,  
 Нафаснинг ўрнига дард ютар инсон.  
 Ёлғизлик қаърига тушса дамо-дам,  
 Инсон эканлигин унутар инсон.

Якка чинорнинг ҳам барги тез сўлар,  
 Таянчи бўлмаса нечун сўлмасин?  
 Ўрмонлар султони, ўрмонлар шоҳи  
 Арслоннинг ўзиям ёлғиз бўлмасин!

Дунёга келмадик бекордан бекор,  
 Инсонмиз, биз учун инсон керакдир.  
 Бақадек инига қочганлар беор,  
 Уларга зарурмас ҳам юрак, ҳам тил.

Сой сойга қўшилмас, тошқин бўлмаса,  
 Юлдузнинг юлдуз-ла иноқлиги бор.  
 Кўкка булутлардан карвон келмаса  
 На яшин чақнар-у на ёғади қор...

Қалбларга йўл топа олармиди соз,  
 Нохун нозик-нозик қилга тегмаса?  
 Ғунчалар очарми тонгда сарафроз,  
 Булбулнинг нафаси гулга тегмаса?

Ўз эл-у юртини тарк этганидан  
 Юрар ёлғизликда бойқуш бугун ҳам.  
 Кўлда якка-ёлғиз битганлигидан  
 Доим бинафшанинг боши эрур ҳам.

Оловсиз қозондан сув тошмас сира,  
Қуш ҳам бир қанотда тоғ ошмас сира.  
Қўш таёқ чўлда ҳам ёнади шаксиз,  
Яккаси ўтдаям жўнашмас сира.

Қалбимда минг орзу, минг суҳбатим бор,  
Мен сўзлай,  
Сиз сўзланг,  
Тил тугилмасин.  
Келингиз, дўстларим,  
Келингиз такрор,  
Бирор-бир куним ҳам сизсиз ўтмасин.

Дўстларнинг қалбидир юртим, масканим,  
Юракда андуҳдан ҳеч из бўлмасин.  
Тириклигим айтмай, оҳ, дўстлар, маним  
Совуқ мозорим ҳам ёлғиз бўлмасин!..

## Тергаш

Аҳён-аҳён болага бақриб қўяр она:

— Тўхта!

— Кулма!

— Югурма!

— Тина қолгил, сен бола!

Бола чўлда, адирда югурмаса, кулмаса,  
Йиқилмоқнинг, турмоқнинг гаштини у сурмаса,  
Гапир, она, у нетсин?

Қўй, кўнглини шод этсин...

Тергама, лаззат олар

Бу дунёдан шўх бола!

Озод гўдак майлини чеклаш, айт, кимга керак,

Бусиз ҳам пайти келиб ҳар иши чекланажак,

Кулиши чекланажак,

Юриши чекланажак.

## Эҳтиёт

*Қаҳрамонлар жасорати шон-шарафга  
буркангусидир.  
М. ГОРЬКИЙ*

Эҳтиётдан бўлгум эҳтиёт мудом,  
Эҳтиётга доим эҳтиёж бўлмас.  
Ҳар ишдан ўзини тергаган илҳом  
Пойгакда судралгай, бошда тож бўлмас.

Эҳтиёт ёр экан, шувут бўлгай юз,  
Бирорта юракка йўл топиш маҳол.  
Журъат, жасоратдан туғилган ҳар сўз  
Ҳатто қўрқоқ билан тиллашгай дарҳол.

Санъатнинг, илҳомнинг, ишқнинг наъраси  
 Қуён юракларга сиғмас не учун?  
 Эҳтиёт тергаса, сўзнинг ҳамласи  
 Мўлжалга етмасдан соврилади жўн.

Эҳтиёт бўлганлар, ўйлаб юрганлар,  
 Ишингиз келмади сира ўнгидан.  
 Эй, юрак ўрнига тош кўтарганлар,  
 Бўш қўл-ла турдингиз манзил сўнгида.

Қадамин авайлаб босганлар йўлда,  
 Йўлингиз ярмида нега саҳв бўлди?  
 Бироқ ҳайиқмасдан юрган ўнг-сўлда  
 Ёки жабҳа олди, ёки маҳв бўлди.

Эҳтиёт — шунчаки бекорчи қўним,  
 Жасорат — ё ҳаёт ва ёки ўлим!

Эҳтиёт вергулдир, нуқтамас бироқ,  
 Эҳтиёт ним тусдир, ранг бўла олмас.  
 Дунёда бирорта мардлик, иштиёқ  
 Эҳтиёт азмидан туғила олмас.

Қўрқар жасоратдан қўрқув ҳам шаксиз,  
 Ундан яраладир қаҳрамонликлар.  
 Ахир жасоратсиз, ахир юраксиз  
 Эшикни қоқмагай ҳеч қачон зафар.

Жасорат оғирдир, эҳтиёт — жўн иш,  
 Ҳар кимни чалғитгай қўрқув кўлкаси.  
 Аввало лозимдир қўрқувдан қўрқиш,  
 Қўрқув — итоатнинг таянч нуқтаси.

Юз минг андишага эш бўлганда тан,  
 Қониб яшамадим умримни мутлоқ...  
 Ҳеч зиён кўрмадим жасоратимдан,  
 Қўрқувдан қўрқаман, қўрқувдан бироқ.

Озарбайжон тилидан  
 Раззоқ АБДУРАШИД таржималари.





Жобир Наврўз

## Бир дунёни бор...

Неча йилки йўл изларман ҳаётда,  
Бу йўлларда бор ғалабам, насибам.  
Ўз дунёни мен кўзларман ҳаётда,  
Йўллараро ниятларим бир олам.  
Не орзум бор, шеърга солдим дил оша,  
Юрагимни радифларга очдим мен.  
Туйғулардан туғилганман ҳамиша,  
Мисраларда қанот қоқиб учдим мен.  
Мисралардир фароғатим, тинчлигим,  
Мисралардир азиятим, азобим.  
Бу ҳаётда — ўз севинчим, шодлигим,  
Бу ҳаётга — ўз саволим, жавобим...  
Шеър отли бир қўшиғим бор, куйим бор,  
Ундан ўзга даргоҳим йўқ, жойим йўқ.  
Қўлларимда куй таратган найим бор,  
Ундан ўзга сирдошим йўқ, найим йўқ.

Илҳомим-ла яшадим мен хокисор,  
Усиз менга нон ушатмак ҳаромдир.  
Унга жоним, унга бу умрим нисор,  
У биринчи овунчоғим, боламдир!  
Тўғри, ундан розимасман ҳали мен,  
У келдими — шўх наволар яралар.  
Бир боладай сукут сақлаб қоламан,  
Шоша-шоша қоғоз бетин қоралаб.  
Саодатим — санъат учун туғилдим,  
Ҳаёт янглиғ шеърга қўйдим ихлосим.  
Шуҳрат учун шеър ёзмадим мутлақо,  
Бисотларга алишмадим қалб сўзим.  
Не шеърим бор — ҳа, ҳаммаси меники,  
Ҳам бутуни, ҳам чаласи — меники;  
Яхшиси ҳам, ёмони ҳам — меники;  
Фазилати, нуқсонни ҳам — меники;  
Кучлиси ҳам, заифи ҳам — меники;  
Дағали ҳам, зарифи ҳам — меники.

Бир дунём бор, у бунёдкор бир умр  
 Утли — оташ ҳисларимнинг ўлкаси.  
 Бир дунём бор, у дунёда бор ҳузур,  
 Барқ уради келажакнинг нафаси.  
 Бир дунём бор, у дунёда барҳаёт  
 Инсонларнинг энг марди ва номдори.  
 Покизалик, эътибору садоқат—  
 У дунёнинг саркардаси, сарвари.  
 Қувноқлик бор у дунёда қанчалар,  
 Қўрқоқлик бор у дунёда қанчалар.  
 У дунёда бордир софлик — болалик,  
 У дунёнинг калитидир донолик!  
 Биллур-биллур туйғулардан девори,  
 Киприк билан тозаланад губори.  
 Устунлари ақидадан, имондан,  
 Бунда сўздан қуёш ботиб, отар тонг.  
 Нафрат унда, тўфон унда, сел унда,  
 Муртадлардан ҳазар қилинг — ёт кўзга.  
 Сотқинларга мен бермадим ер унда,  
 Жой бермадим ҳам бахилга, очкўзга.  
 Бир дунём бор — наво-каби сермаъно,  
 Олам ичра парвоз қилур, айтилур.  
 Удир менинг идеалим — муддао,  
 Ҳар бир ҳарфи қалам билан битилур.  
 «Инсонлар-чун, инсонлар-чун яшамоқ!»—  
 Бу шиорим, шиорларнинг азали.  
 У ҳаётим йўлидаги нур — чироқ,  
 У—бойлигим, юрагимнинг ғазали.  
 Этларимни тилка-тилка кесса ҳам,  
 Кимдир мендан ўгирса ҳам юзини,  
 Гуноҳкор деб мендан умид узса ҳам,  
 Йўқ, тутмадим пасткашликка кўксимни.  
 Яхшиликдир — қадамимда, йўлимда,  
 Яхшилик — эш юрагимнинг майлига.  
 Майли, мени аблаҳ дея аташсин,  
 Мен розиман бу нек йўлда, майлига.  
 Бу ном билан этгум мангу ифтихор,  
 Қурол билан олиб бўлмас дунё у.  
 Ғаразгўйлик, лоқайдликдан кўп йироқ,  
 Уни асраб, авайламоқ, бу — бахт-ку!  
 Бомбаларнинг кучи етмас дунёмга,  
 Ракеталар тиши ўтмас дунёмга,  
 Фақат ёвуз назарлардан асрасин,  
 Попоклик ҳеч кўрсатмасин қорасин.  
 Ҳаёт ўзи синов, эрур имтиҳон,  
 Не-не дўстим синовлардан чиқмади.  
 Не-не туйғум кўролмади ҳур инсон,  
 Не-не фикрим чақмоқ бўлиб чақнади.  
 Неча ойлар, неча кунлар ўтказдим,  
 Кунларимни фурсатларга ютқаздим.  
 Ёшлигимни, шўхлигимни йўқотдим;  
 Сочларимнинг қорасини йўқотдим;  
 Уйимизнинг қарисини йўқотдим.  
 Киприкда ўт келтирсам-да яшадим,  
 Ҳаловатим йитирсам-да яшадим.  
 Бошим узра ёғса ҳамки қор, бўрон.

Виждонимни йўқотмадим ҳеч қачон.  
 Уни туққан онам каби асрадим,  
 Сийнамдаги илҳом каби асрадим;  
 Уни қора булутлардан асрадим,  
 Уни шаффоф туйғуларга ўрадим.  
 У не деса меъёр бўлди мен учун,  
 Унинг ўзи шиор бўлди мен учун.  
 Қулоқ осдим виждонимнинг сўзига,  
 Виждон ўзи посбон бўлди ўзига.  
 Усиз, ҳақ гап, на йиғладим, на кулдим,  
 У билан мен толеимдан ўргулдим.  
 Виждонимнинг амри билан яшадим.  
 Ҳар бир ишда удир менинг шоҳидим.  
 Унинг билан нурафшондир ҳаётим,  
 Унинг билан диёримда роҳатим.  
 Ниятларим ҳамроҳимдир йўлимда,  
 Нурли тонгнинг ишқи порлар кўнглимда.  
 Зарра бўлиб, ирмоқ бўлиб яшайман,  
 Йўллариди чироқ бўлиб яшайман,  
 Ҳаётга тик, ҳалол боқдим эй, ошнам,  
 Бир лаҳза ҳам матлабимдан чекинмам,  
 Ўз дунёмни кўзлай-кўзлай яшайман,  
 Ўз дунёмни излай-излай яшайман!


## Яхшилик

Яхшилик — ёмонликнинг жазоси,  
 Яхшилик — кўп дардларнинг давоси.  
 Ким ёмонлик қилса бир карра,  
 Қайтарардим яхшилик-ла юз бора.  
 Тушунтирар эдим у тушунмагани,  
 Келтирардим ўз ҳолига ўша манманни.  
 Сийнасин, орқасин олиб нишонга,  
 Овчи бўлиб ўқ узардим ўшанга.  
 Борлигини кўрсатмоққа бошлайман,  
 Прожектор нурларига ташлайман.  
 Ниқобини йиртиб, боқиб кўзига,  
 Сўйлагайман ҳақиқатни юзига.  
 Балки дерсиз бу хосият гуноҳимдир,  
 Йўқ, йўқ, яхшилик — бу қуролимдир.  
 Бу менинг мардлигим — ўзлигимдир,  
 Илк қарашда англаб бўлмас ростлигимдир.  
 Балки пинҳона дерсиз,  
 Бундай, ахир, бўлмайти, болам.  
 Балки дерсиз қўрқоқман,  
 либералман?!  
 Йўқ, йўқ, яхшилигим —  
 рост айтсам, —  
 Менинг ўқим, менинг найзам,  
 Ракеталарим, бомбаларим!  
 Ахир, шундай яшаганлар  
 боболарим.  
 Ахир, қалби дунё у кишилар,

Ёмонликка яхшилик қил,  
  демишлар.  
Асли, насли соф, дилгир—  
  яхшилигим.  
Қиличдан ҳам ўтқир —  
  яхшилигим.  
Олчоқларнинг ғанимидир —  
  яхшилигим.  
Душманга ҳам самимийдир —  
  яхшилигим.  
Ер юзида хайрихоҳлик  
  бўрони эсажакман.  
Яхшилик-ла ёмонликнинг  
  ўзагини кесажакман.  
Яхшилигим — яхшиларга  
  садоқатим,  
Яхшилигим — инсонларнинг ёмонига ҳам,  
Менинг инсоний нафратим,  
Менинг инсоний муҳаббатим!

Озарбайжон тилидан  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ таржималари.





## Ботир Бобоев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони



# Саркарда

Ҳарбий билим юртида ўқиб юрганимизда унинг ҳақида кўп эшитгандик. Машҳур саркарда, корпус қўмондони Миркомил Миршароповнинг истеъдодли шогирди, капитан Собир Раҳимов ўша кезлардаёқ малакали, жанговар тажрибали офицер сифатида эл назарига тушган эди. У Бокудаги ҳарбий мактабда ўқиётганда ҳарбий машқлардаги маҳорати учун Михаил Васильевич Фрунзе томонидан қимматбаҳо совға билан тақдирланганлигини тенгқурлари завқ-шавқ билан гапиришарди.

Чавандозликда Собирнинг олдига тушадиган одам йўқ эди. 1925 йилдан бошлаб босмачиларнинг додини бера бошлагани ҳақида ҳам кўп ҳикоялар эшитганман.

Қизил командир Раҳимов махсус ўзбек кавалерия дивизионида взвод командири сифатида биринчи жанговар сабоқни Китоб шаҳри яқинида — Тангриберди додҳо босмачилари билан жангда олди. Бир йилдан сўнг эса, у Туркистон fronti қўмондонлигининг жанговар мукофотига сазовор бўлди. Унга совға қилинган қилич дастасида шундай сўзлар битилган эди:

«Қизил командир С. Раҳимовга босмачилар билан бўлган жанглардаги жасурлиги учун».

1927 йилда у Совет ҳокимиятининг ашаддий душмани Жунаидхон тўдаларига қарши жангларда қатнашади. 6-кавалерия бригадасининг 1-ўзбек кавалерия полки взводи командири Раҳимов ўшанда унутилмас жасорат кўрсатди. Жунаидхоннинг тажрибали қўрбошиларидан Азизхон Чоржўй яқинидаги «Кўр туя» қудуғи ёнида қўққисдан ҳужум қилиб, қизил аскарлар эскадронини қуршаб олади, Раҳимовнинг взво-

ди ҳалокати муқаррар эскадронга ёрдам учун шошилади. Босмачиларнинг орқасидан тўсатдан ҳужум қилиб қуршовдаги эскадронга қўшилади. Аммо босмачилар сон жиҳатдан кўп эди. Қаттиқ олишувда Раҳимовнинг оти қулайди. Аммо у пиёда қолган бўлса ҳам қиличбозликдаги маҳорати қўл келади ва жангни давом эттираверади. Босмачилар чекинади. Лекин Неймат Бекмуродов командирлигидаги эскадроннинг ярмидан кўп чавандозлари ҳалок бўлади. Бунинг устига сув, озиқ-овқатлар, ўқ-дори танқис. Боз устига Азизхонга бошқа босмачилар қўшилиб, ҳужум такрорланиши мумкин. Нима қилиш керак? Шунда эскадрон командири маслаҳат қақиради. Раҳимов бир ўзи ёрдамчи кучлар олиб келишини айтади, ёлғиз саҳрода анча йўл босиб қизил аскарлар қароргоҳига етиб келади. Қўшимча отряд кучлари билан Бекмуродов эскадронига қайтади. Азизхон ва Маҳмуд қўрбошилар тор-мор қилинади.

1928 йилда Панжикент, Ургут районларида пайдо бўлган Хўжақул Умар афанди босмачилари галаларини тугатишдаги жасорати учун Собир Раҳимов қўмондонлик томонидан рағбатлантирилади. Коммунистлар уни бир овоздан ВКП(б) аъзолигига қабул қилишади.

Ёш командир 1931-32 йилларда Совет Ўрта Осиёсига чет элдан бостириб кирган Иброҳимбек ва Аннақул қўрбоши тўдалари билан жангларда маҳоратини оширади. У энди эскадрон командири эди.

1933 йилда уни 41-тоғ-кавалерия полки мактабининг бошлиғи қилиб тайинлайдилар. Қанчадан-қанча йигитларга ҳарбий илм бобида устозлик қилди у! 1939 йилда эса

уни 104-танк дивизиясининг моторлаштирилган полки командири ўринбосарлигига тайинлашади. Собиқ чавандоз-қиличбоз, моҳир пулемётчи, танкичи сифатида ҳам ўзини кўрсатиб кўмондонликнинг мукофотларига сазовор бўлади. Унинг кўкрагида Қизил Юлдуз ордени порлайди. Раҳматномалар, ёрликлар, қимматбаҳо совғаларга у чинакам жанговар меҳнати билан эришган эди.

Тажрибали офицер Тошкент область Осоавиахим советининг жанговар тайёргарлик бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди. Уша 40-йилларда Европада бошланган иккинчи жаҳон уруши шароитида Ватанимиз мудофааси учун билимдон ҳарбий кадрлар, оммавий бошланғич кўникмаларни ёшларга берувчи офицерлар керак эди. Капитан Раҳимов ана шундай масъул лавозимда ўзининг улкан ташкилотчилик истеъдодини намойиш қилди. 1940 йил кузига келиб Тошкент области оммавий-мудофаа ишлари бўйича республикада биринчи ўринни эгаллади. «Ворошилов ўқчиси», пулемётчилар, миномётчилар, алоқачи, чавандозлар сони бу областда икки баробар кўпайди.

Ўзбекистон Осоавиахим ходимлари йиғилишида Собир Раҳимов сўзга чиқиб шундай деган эди:

— 1940 йилда биз жамият сафига кўплаб янги аъзоларни қабул қилдик. Икки мингга яқин бошланғич ташкилотларни туздик. Тошкент области бўйича аҳолини ҳаво ҳужумига қарши мудофаа ва химия мудофааси бўйича тайёрлаш ва ҳарбий ишга ўргатиш вазифаси ортиғи билан адо этилди. Минглаб ўқчилар, миномётчилар, алоқачи, снайперлар, пулемётчилар ва бошқа соҳа мутахассислари тайёрланди.

Капитан Собир Раҳимов йиғилиш қатнашчилари олдида Осоавиахим Тошкент область жамияти ишларидаги камчиликларни ҳам кўрсатди ва қишлоқ жойларида ҳарбий ишни кенг ташвиқ этиш вазифасини кўндаланг кўйди. Таълим-тарбиянинг юқори усулига ўтишни — ўқув майдонлари ва ўқчилар марказини ташкил этишга киришишни муҳим вазифа сифатида кўрсатди.

Собир Раҳимов вазият тақозо этаётган вазифаларни қалбан ҳис этиб ёшларни она юрт мудофаасига тайёрлаш учун сидқиқидилдан меҳнат қилди. Унинг бу меҳнати муносиб тақдирланди.

Майор Собир Раҳимов, — деб ёзган эди «Правда Востока» газетаси, — ҳарбий мутахассис, педагог ва ташкилотчи сифатида Тошкент области аҳолисини ҳарбий ишга чинакамига ўргатмоқда. Ғайрати, ҳарбий ишнинг соҳиби бўлиши туфайли бу моҳир ташкилотчи область ёшларининг, сеvimли устозига айланди. Область ҳарбий таълим ва ташкилотчилик соҳасида 1939 ва 1940 йиллардан бери республикада биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Ҳа, Собир Раҳимовда бўлажак саркардалик кўникмалари 30-йиллардаёқ ҳосил бўлган эди. Улуғ Ватан уруши бошланган пайтларда эса бу қобилият тўла-тўқис намоён бўлди.

Майор Раҳимов 1941 йил ёзида 104-ўқчи полки командири ўринбосари сифатида немис-фашист босқинчилари билан жангга кирди. Уша йилнинг ўзида ярадор бўлиб госпиталдан чиққач Жанубий фронтга йўланма олди. 56-махсус армия 1149-ўқчи полки командири сифатида Ростовни озод қилиш учун бўлган шиддатли жангларда маҳоратини кўрсатди. Унинг полки олдига Оқсой станциясини душмандан тозалаш вазифаси қўйилганда у вазифасига ижодий ёндашди. Тўғридан-тўғри ҳужум қилинса, кўп қурбон бўлишини ўйлаб, душманга сездирмай орқа томондан кўққисдан зарба тайёрлади. Кечаси бошланган операция эрталаб тонгда тугади. Кутилмаган томондан қилинган ҳужумдан фашистлар эсанкираб қолишди. Раҳимов полки 600 солдат ва офицерини йўқ қилиб фашистларнинг мотомеханизациялашган полки штабини асирга олди. Ростов шаҳрига биринчи бўлиб ёриб кирган раҳимовчилар Оржоникидзе районини душмандан озод қилиб 30 танк, 17 тўп, 30 пулемёт ва ҳарбий анжом, озиқ-овқатлар ортилган 250 автомашинани ўлжа қилишди. Бу операция учун Собир Раҳимов кўкрагида иккинчи Қизил Байроқ ордени порлади. 56-армияда бир йил жанг

*«Ҳеч ким ва ҳеч нима унутилмайди!» Улуғ Ватан урушида мислсиз жасорат кўрсатган қаҳрамонлар ҳақида сўз кетганда Ватан ва халқ ҳимоячилари шаънига бўлган ҳурмат-эҳтиром қалбларни қамраб олади. Йиллар ўтади, қаҳрамонларнинг шуҳратига шуҳрат қўшилаверади, табаррук Ватан тупроғини пок сақлашда фидокорлик кўрсатган баҳодирларнинг жангнома китобига янги-янги маълумотлар қўшилаверади.*

*Совет Иттифоқи Қаҳрамони, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг ҳарбий саркардалик қобилияти ва Улуғ Ватан урушида кўрсатган жасорати кўпларни қойил қолдирган. Генерал Собир Раҳимов бошлиқ 32-гвардиячи дивизия Улуғ Ватан уруши жангларида фидокорлик намуналарини кўрсатиб, икки марта Қизил Байроқ билан тақдирланган, Суворов, Кутузов ва Богдан*

қилган полковник Раҳимов 1942 йил 4 сентябрда 18-армия таркибидagi 395-ўқчи дивизиянинг қўмондонлигига тайинланди. Бу армия сиёсий бўлимининг бошлиғи полковник Л. И. Брежнев эди.

Туапсе йўналишида ҳужумга ўтган немислар йўлида Собир Раҳимовнинг дивизияси ҳам тўғаноқ эди. 18-армия қўмондони генерал-лейтенант Ф. В. Камков унга телефонда вазиятни тушунтирган ҳолда шундай қўшимча қилган эди:

— Разведка маълумотларига кўра, сenga 148-пиёда дивизия қўмондони генерал-майор фон Букк ташланмоқчи. Биласанми, бу фон сенинг ҳақингда нималар дебди? Дивизиянинг уч кун ичида бир ёқли қилармиш. Шундоқ гаплар, азизим. Унга бир совет мактаби сабоғини кўрсатиб қўй, дивизиянг барча фон-баронларнинг пруссча машқлари-ю, гитлерча «блиц-зарба» димоғларини ҳам мажақлашга қодир жанговар мушт эканлигини исботла. Сenga, Собир Умарович, қаттиқ ишонаман ва таянман. Майли, соғ бўл. Муваффақият тилайман!

Собир Раҳимов қўмондон ишончини шараф билан оқлади. Генерал-майор фон Букк уч кун эмас, балки уч ой давомида ҳам полковник Раҳимов дивизиясини эгаллаган маррасидан чекинтиролмади.

Аксинча, 148-немис пиёда дивизияси ёрдамчи кучлар олганига қарамай батамом мағлуб бўлди. Фон Букк ва унинг барча офицерлари ер тишлади. Душман денгизга ўтолмади. Туапсени совет қўшинлари қўлларида сақлаб қолдилар. Бу операциядаги қўмондонлик санъати учун Собир Раҳимов яна Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. 1943 йилнинг 12 февралда Краснодар шаҳри озод қилинди. Унинг кўчаларига биринчи бўлиб Собир Раҳимов дивизиясининг 723-ўқчи полки кириб келди. Март ойида шонли 395-дивизия командири полковник Собир Умарович Раҳимовга генерал-майор унвони берилди. Фронт штабидан келган генерал уни олий офицерларга саркардалик маҳорати учун бериладиган Суворов ордени билан табриклади ва унга Бутунитифоқ оқсоқоли М. И. Калининнинг шахсий



Генерал Собир Раҳимов.

мактубини топширди. Унда қўйидаги сўзлар битилган эди:

«СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 8 февралда чиқарган Фармониغا мувофиқ, Сиз иккинчи даражали Суворов ордени билан мукофотландингиз. Сизга уни шахсан топшириш имкониятига эга бўлмаганим сабабли, ушбу мактуб билан бирга юбораман.

Сизни муносиб юксак мукофот билан қўтлайман ва жанговар фаолиятингизда ҳамда шахсий ҳаётингизда янада муваффақият қозонишингизни истайман.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Калинин».

*Хмельницкий ва бошқа орденлар билан мукофотланган эди. Яқинда «Шарқ юлдузи» журнали редакциясига Москва об-ластидан бир мактуб келди. Мактуб кекса, тажрибали сураткаш П. Н. Штиренкодан эди. Уртоқ Штиренко ўзида генерал Собир Раҳимовга оид ноёб фотосуратлар борлигини, агар уларни ёритиш имконияти бўлса, улардан нусхалар кўчириб юборишга иккилик билдирган эди. Журнал редколлегияси номидан ўртоқ Штиренкога миннатдорчилик мактуби ёзилди ва ундан генерал Собир Раҳимов сиймоси акс этган фотосуратлардан юбориши илтимос қилинди. Уртоқ П. Н. Штиренкодан келган иккинчи мактуб ичида бир неча ноёб фотосурат бор эди. Ана шу суратлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ботир Бобосвнинг генерал Собир Раҳимов ҳақидаги очеркига илова қилиб берилди.*



Собир Раҳимов навбатдаги жанг ҳақида артиллерия қўмондони, гвардия полковниги Руденко билан маслаҳатлашмоқда.

Дивизия жангчилари ўзларининг сеvimли командирларини юксак генераллик унвони ва саркардалик ордени билан чин юракдан қўтладилар.

Ҳамон эсимда. Ўзбекдан чиққан биринчи генерал Собир Раҳимов овозаси фронтмафронт қанот қоқди. Биз, ўзбек солдат ва офицерлари бениҳоя фахр туйғуси билан Раҳимов номини «Саркардамиз Собиржон» дея ҳурмат билан тилга олардик. Ҳа, Улуғ Ватан уруши йилларида камол топган ўзбек олий офицерлар авлоди Раҳимов номи билан чамбарчас боғлиқдир. Файзулла Норхўжаев, Муллажон Узоқов, Собиржон Охунжонов каби генераллар ана шу авлодга мансубдирлар. Саркарда Собиржон акамиз ана шундай бир бутун ўзбек офицерлар корпусининг яловбардори бўлдилар.

Генерал Раҳимов олий қўмондонлик назарига тушган истиқболли дивизия командирларидан бири эди. 12-армия қўмондони генерал-майор А. Гречко (бўлғуси мудофаа министри, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи маршали) 1942 йил сентябрь ойида полковник Собир Раҳимовга шундай характеристика берган эди: «Мафкуравий эътиқоди собит, тактик саводи жойида, интизомли офицер. Жанговар вазиятда дивизия қисмларини тўғри бошқаради».

1942 йил декабрида эса 56-армия қўмондони генерал-майор Рижов унга қуйидагича баҳо берган эди:

«Иродали, қатъий, ташаббускор командир. Жасорат ва матонат ўртоқ Раҳимовнинг ажойиб фазилатларидир. Улар унинг қўл остидаги бошлиқлар состави учун

доимо намуна бўлиб хизмат қилади... Кавказ остоналарида дивизия оғир ва муваффақиятсиз жангларда қатор марраларни қўлдан берди. Лекин ўртоқ Раҳимов ўзининг иродавий фазилатлари билан, қатъийлиги ва тиришқоқлиги туйғайли жанговар ҳаракатларга тетик руҳ бахш этди ва душманга катта талафотлар етказиб, муваффақиятга эришди. Кўрсатмаларни вақтида ижрога қабул қилади ва зудлик билан чора кўради. Дивизиянинг турмуши ва моддий таъминотига алоҳида диққат қилади.

Ўртоқ Раҳимов ўз стажига кўра ёш, лекин ўсадиган ва тиришқоқ дивизия командиридир».

Закавказье фронтининг Қора денгиз қисмлари группаси қўмондони, машҳур саркарда генерал-лейтенант И. Петров ҳам Собир Раҳимовга 1943 йил январидан ана шундай юксак баҳо бериб, ундаги бурчга садоқат, жасорат ва софдиллик каби фазилатларни алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Худди шунинг учун ҳам қўмондонлик генерал Собир Раҳимовни истиқболли офицер сифатида Бош штаб академиясига ўқишга юборишга қарор қилди. Уша уруш шароитида, жанговар кадрларга танқислик кучайган бир вақтда бундай қарор ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шараф эди. Бош штаб академиясига энг истеъдодли ва фоят зарур кадрларгина чертиб олинарди.

1943 йил 1 июлда Собир Раҳимов академияда ўқишни бошлади. Ҳарбий санъат назариясини пухта эгаллаб, уни амалий жанговар тажрибалар билан умумлаштиришга ўрганди. 1944 йил сентябрь ойида ўқишни тугаллаган, ўзига берилган отпускдан ҳам фойдаланмай фронт томон ошиқди.

Ҳа, бизнинг Собир акамиз шунақа фидойий саркарда эди. Оиласи билан дийдор кўришиш, тугилган она шаҳри Тошкент, қадрдон Тахтапул кўчасини кўришдек бахдан воз кечиб қуролдошлари учун, ғалабани яқинлаштириш учун шошилди. Бу чинакам солдат мёрдлиги эди. Генерал Раҳимовни 65-армия таркибидаги 47-гвардиячи



Генерал Раҳимов оператив группа жангчиларини ҳужумга бошлаб бормоқда.



Собир Раҳимов 37-гвардиячи ўқчи гвардия бўлинмаларини маршда синовдан ўтказмоқда.

П. Штиренко фотолари.

ўқчи дивизия командирлигига тайинлашди. Унинг бу вазифадаги фаолияти ҳақида 65-армия қўмондониди, армия генерали, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. И. Батов шундай ҳикоя қилади:

«Мен у билан кабинетда эмас, балки бўлғуси жанглар майдонида учрашдим. Генерал менда иродали ва камтар инсон сифатида таассурот қолдирди. У Ватаннинг асл ўғлони эди. Солдатлар уни тўғрилиги, жўшқин характери, одамларга ғамхўрлиги учун, очиқ, киришимлилиги учун севиниб қаради...»

Таниқли саркарда П. И. Батов кейинчалик Собир Раҳимов ҳақида «Ўзбек халқининг содиқ фарзанди» китобини ёзди.

1944 йил май ойида 1-Беллоруссия фронтини совет қўшинларининг ҳужумкор группасида генерал-майор Собир Раҳимов дивизияси порлоқ ғалабаларга эришди. Жонажон Ўзбекистонимизнинг 20 йиллигини нишонлаш арафасида биз, 1-Беллоруссия фронтинидаги ўзбек солдат ва офицерлари республикамиз меҳнаткашларини табриклар мактуб ёздик. Мен ўшанда генерал-майор Кулагин командирлигидаги 35-гвардиячи ўқчи дивизиясида жанг қилардим.

Коллектив ақл-идроки, ҳис-туйғулари битилган бу мактубни ҳаяжон ичра бўлинмаларда муҳокама қилганмиз. Мактубга 3715 ўзбек жангчиси имзо чекди. Бу ноёб тарихий ҳужжатда биринчи имзо саркардамиз генерал-майор Собир Раҳимовга тегишли эди.

Ўзбек халқи бу мактубдан нақадар ҳаяжонланганини яхши биласиз. Тез орада Гавҳар Раҳимова бошчилигидаги ўзбек санъаткорлари фронтга концерт программаси билан етиб келадилар. Уларга рес-

публика меҳнаткашлари «генерал Собир Раҳимов қўмондонлигидаги дивизияга оталиқ концерти бериш» лозимлигини алоҳида тайинлашган эди. Бу концертга Собир ака Тошкентдан юборилган, унинг учун махсус тикилган генераллик парад формасини кийиб келади.

Ўзбек санъаткорлари дивизия қисмларида уч кун бўлишди. Куй-қўшиқлари билан жангчиларнинг кўнгилларини хушнуд этишди.

1945 йилнинг 6 мартинида Польшанинг Грауденц шаҳри фашистлардан озод қилинди. Собир акамизнинг гвардиячилари генерал И. И. Федюнинскийнинг 2-зарбдор армияси таркибида жанг қилишган эди. Шундан сўнг 37-гвардиячи ўқчи дивизия яна 65-армия составига қайтди. Армия генерали И. И. Федюнинский Грауденц шаҳрини озод қилишда генерал Собир Раҳимовнинг шахсий ташаббуси, дивизияси жангчиларининг мардлигига муносиб баҳо берди:

«37-гвардиячи дивизия Грауденц рўпарасида турарди, — деб ёзади у. — Унинг штаби эса Ницвальденнинг шимоли-ғарбида ўрнашган эди. Худди шу ерда мен Раҳимов билан учрашдим... Генерал-майор Собир Умар ўғли Раҳимов қисқа ва лўнда қилиб дивизияси аҳволини баён этди. Унинг ахборотида баъзи командирларга аниқ хarakterистикалар берилардики, бу генералнинг қисмларда тез-тез бўлиб туриши, ўз жангчиларини яхши билишидан далолат берарди.

...Тез орада генерал Собир Раҳимов билан хайрлашишга тўғри келди. Унинг 37-гвардиячи дивизияси яна 65-армияга берилган эди. Раҳимов менинг олдимга, ко-

манда пунктига хайрлашгани келди. Уни ўтиришга таклиф қилдим. У шинелини ечди. Гимнастеркасида Суворов ордени, тўртта Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари порларди.

— Сабоғингиз учун ташаккур, ўртоқ кўмондон, — деди Раҳимов қошларини чимириб, — Грауденц учун бўлган жангларда кўп нарсани ўргандим.

— Сизга ҳам жанговар ишларингиз учун раҳмат,— дедим,— аммо сиз, ўртоқ Раҳимов, бекорга доимо олдинги сафда бўлишга интиласиз. Барча жасурлигингизни қадрлаймиз, лекин Сиз — дивизия командирисиз, жангга раҳбарлик қилишингиз лозим. Полкларни ҳужумга кўтариш Сизнинг ишингиз эмас».

Лекин нима ҳам деб бўларди. Собир акамиз қайсар, чўрткесар эди.

Польшани фашистлардан озод қилишда унинг гвардиячи ўқчи дивизияси ҳам олдинги марраларда бўларди. Раҳимовнинг адъютанти лейтенант Асқар Юсупов Люблин шаҳридаги бир воқеани шундай эслайди. Генерал Раҳимов Майданекдаги ўлим лагерини кўргач, ғоят куюниб, ҳалок бўлган, азобланиб ўлдирилган маҳбуслар хотирасига лагерь майдонида дарахт ўтқизишни буюради. Генерал шахсан ўзи икки олма ниҳоли учун чуқур кавлаб уни поляк ерига ўтқазади... Ҳа, ўлимни писанд қилмовчи мард, танти Собир акамиз ғоят одамохун, дилкаш инсон эди.

Мен фронтда машҳур қаҳрамонимиз, сеvimли саркардамиз билан учрашган кунимни сира унутмайман. Бу 1945 йилда, Висла дарёсининг ғарбий қирғоғи плацдармида бўлган эди. Собир акамиз билан кучоқлашиб кўришдик. Ҳол-аҳвол сўраган, унинг чеҳрасида табассум барқ урарди. Ҳалаба яқин эди. Генерал тез кунда Тошкентда яна дийдор кўришувимизга комил ишонч билдирди. Афсус, минг афсуски, бундай бахтга муяссар бўлолмадик.

Собиржон акамиз, доимо олдинги сафда юрувчи шунқоримиз Данциг остонасида,

1945 йил 26 мартда қаҳрамонларча ҳалок бўлди...

...Бу совуқ хабарга 65-армия кўмондони генерал-полковник П. И. Батов дастлаб ишонмади. У ҳалокат юз берган жойга, жанг бўлиб турган майдонга етиб борди. Генерал-полковник йўлда борар экан, бир жангчи йигитни учратди. У нимагадир ёш болалардек йиғлаб борарди. Генерал уни ярадор бўлса керак, деб ўйлади.

— Тўхта, ўртоқ жангчи, тўхта! — деди у. Солдат тўхтади ва генерални танигач бақририб йиғлаб юборди.

— Сенга нима бўлди? — деб сўради Батов.

— Генералимиз ҳалоқ бўлди! Командиримиз оламдан ўтди...

Ҳа, Собиржон акамиз учун бутун фронт жангчилари, барча ўзбек халқи мотам тутди. Жангчилар саркардамиз учун душмандан қонли ўч олишди.

Партия ва ҳукуматимиз унинг хотирасини абадийлаштиришга қарор қилиб, район, ва кўчаларни, мактабларни сеvimли саркардамиз номи билан атади. 1965 йилда эса СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида кўра генерал-майор Собир Умарович Раҳимовга Улуғ Ватан урушидаги жанговар хизматлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди ҳақида шоир ва ёзувчиларимиз қатор асарлар яратишди. Лекин шу ўринда ҳурматли Комил Яшиннинг «Генерал Раҳимов» кино, драмаси ҳамда очеркини алоҳида таъкидламоқчиман.

Адабиёт ўзбек халқининг содиқ фарзанди ҳаёти ва жасоратини акс эттириш учун барча ишларни қила олдимми? Бизнингча, бу хайрли ва ғоят олижаноб, масъул ҳамда долзарб вазифа, яъни Собиржон аканинг тўлақонли образи ҳануз ўз ижодкорини кутмоқда. Умид қиламизки, республикамизнинг забардаст, истеъдодли ижод аҳли саркардамизнинг ёрқин сиймосини авлоддан-авлодга мангу барҳаёт этувчи ажойиб асарлар яратажак. Унга муносиб ҳайкал қўяжак.



Тоҳир Қаҳҳоров

## ОДДИЙ ОДАМНИНГ БАХТИ

Замонамизда моддий ва маданий неъматларни яратаётганларнинг асосий қисми оддий одамлар, меҳнаткаш оммадир. Уларнинг фазилати шундаки, оддий одамлар кундалик қилаётган ишларини улкан Ҳаётнинг бир бўлаги, Умрнинг бир парчаси деб ҳисоблайдилар, ўзлари сидқидил билан адо қилаётган меҳнатни Бахт деб биладилар. Аслида эса, ана шу Бахт деган порлоқ сўз заминда чинакам одамий қудрат мавжуд. Шоир Фузулий айтганидек: «Ҳар кимдаки вор иститоат, дарду ғаму меҳнату қаноат». Яъни, дарду ғами, меҳнати, қаноати бўлган киши қудратлидир. Ана шундай қудрат соҳиблари, шубҳасиз, бахтиёр кишилардир.

Тошкентлик Николай Содиқов ҳам ана шуларнинг бири.

Эрталаб, кўёш эндигина Чотқол тоғ чўққиларининг яшил деворидан мўралай бошлаган бир пайтда, Тошкентнинг ҳашаматли кўчаларида юришнинг ўзига хос гашти бор. Йўлқалар, кенг асфальт йўллар супурилган, сув сепилган ёки сув билан ювилган бўлиб, ҳавонинг салқини, йўлларнинг салқини кишига сурур ва ҳузур бағишлайди. Қатнов кундузгига қараганда анча кам бўлади, трамвайларнинг, машиналарнинг шовқини ҳам оғир ботмайди.

Қоратош маҳалласидаги Махсус деган торгина кўчага бурилаверишда тўхтаб қолдим. Бу ердаги кўпгина эски ҳовлилар бузилган, гувала-кесаклар, ёғочлар, бўйралар сочилиб, ёйилиб ётарди. Фақатгина дарахтлар кўм-кўк бўлиб туришибди. Уриқлар пишиб ётибди. Тарвақайлаб кетган шотут соясида ана шу манзарага термилиб турган кампирнинг кўзи менга тушиб, нимагадир жилмайиб қўйди.

— Ассалому алайкум, опоқи. Нон дўкони қайси томонда?

Кампир менга йўлни кўрсатиб тушунтиргач, салмоқли юриб, рўпарадаги ҳовлининг очиқ эшигидан ичкарига кириб кетди.

Зич қурилган синчли уйларни, кўк, қизил, ҳаворанг бўёққа бўялган тавақали дарвозаларни, эшикларни, торгина тош йўлни томоша қилиб борарканман, киноларда, кинотобларда суратини кўрганим эски Тошкент манзаралари жонланиб кетди. Ҳадемай, бу уйлар бўзилади, мана шу тор кўча, кўримсиз, биқиқ ҳовлилар ўрнида тўрт қаватли, тўққиз қаватли ва яна нечадир қаватли чиройли, сарбаланд уйлар қад кўтаради. Шу фикр хаёлимдан кечаркан, бундан бир неча дақиқа аввал рўй берган ҳолатни—ҳалиги кампирнинг жилмайиб қўйгани маънисига тушундим.

Бирдан қаршимдаги муюлишдан қайрилиб, мен тарафга гуриллаб, пастликдан чиқиқ келаётган машинага кўзим тушди. Четга ўтиб кутиб турдим. «НОН—ХЛЕБ» деган ёзувли машина ўтиб кетди. Бир оз юргач, нон дўкони кўринди. Дўкон қаршисидаги асфальтланган майдончада ҳалиги «НОН—ХЛЕБ» деган машинага ўхшаган яна тўртта машина турарди. Оқ халатли уч-тўрт киши яшиксимон тахта саватларда машиналарга нон ортишарди. Мен машиналар жўнаб кетгунча, майдонча чеккасида, болохонали уйнинг кўланкасида кутиб турдим. Ниҳоят, нон дўконининг дарвозасиз, бир тавақали ҳаворанг эшиги қия ёпилиб, у ердан чиққан уч киши бино ёнбошидаги ёғоч ўриндиққа ўтиришиб, суҳбат бошлади. Уларга яқинлашиб, саломлашдим. Николай ака Содиқовни сўроқладим. Улардан бири — қирқ ёшлардаги, ўрта бўйли, қорача, қора қалин сочлиси: «Содиқов — мен», деди. Мақсадимни, суҳбатлашмоқчи эканлигимни айтгач, у дўкон ашигини очиб, мени ичкарига таклиф қил-

ди. Остонадан ўтарканмиз, у шундай луқма қилди:

— Қобил ака деяверинг, исмимиз шунақа.

Қобил ака кўрпачали стулни суриб, ўтиришга ундади, ўзи ҳам ўтирди.

— Мана шу жой — бизнинг қабулхона. Ичкарида яна иккита хона бор. Ҳар куни келтириладиган беш-олти тонна нон ўша хоналарда сақланади.

Мен атрофимга кўз югуртириб чиқдим. Деворлари, шифти бўялган чоққина хона. Биз ўтирган иккита стулдан ташқари пастаккина скамейкача ва бир дона ёзув столи ҳам бор. Стол устида бир-икки боғлам қоғоз, эски чўт, қалам, қисқич, ўчирғич солинган кунгурадор стаканча, иккита — юмалоқ ва санали муҳр; турли ёзувли ыарақлар бостириб қўйилган. Деворга қоқилган михга пашша ўлдирғич осилган. Очиқ эшикдан кираётган ёруғликда ҳамма нарса равшан кўринади.

Мен Қобил акадан бугунги қилаётган ишлари, ҳамкасблари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдим.

— Ҳар куни шу вақтда иш кунимиз тугайди. Бошқа жойларда иш бошланади. Кечаси заводлардан келтирилган 5—6 тонна нонни қабул қилиб оламиз. Тунги соат беш-олтидан бошлаб ташкилотларга нон тарқатамиз, кейин хоналарни яна тартибга соламиз.

— Биз деганингиз кимлар?

— Ташқарида ўтирганимизда, икки киши билан кўришдингиз-ку, ўшалар. Улар билан, мана, ўттиз йилдирки, бирга, бир жойда ишлаймиз. Бири — Наби Мустақимов, иккинчиси — Турғун Эшдавлатов. Наби ака ўттиз йилдан бери, Турғун ака ўттиз икки йилдан буён шу вазифани бажариб келмоқда. Ҳар биримиз ўз ишимизни юракдан бажарамиз. Шу боисдан ҳам шунча вақтдан бери бир жойда хизмат қилаямиз.

— Қабул қилиб олинган нонни кимларга, қайси ташкилотларга тарқатасизлар?

— Октябрь районидаги олтмишта болалар боғчаси, тўртта болалар уйи, учта касалхона нон билан таъминлаш бизнинг зиммамизда. Биз ўз ишимизни севадим. Чунки, нон — турмушдаги бош нарса, бошқа ҳамма нарса бўлмасаям, чидаш мумкин, аммо, нонсиз яшаш қийин. Шунинг учун кечаси ухласдан болаларнинг ризқи-рўзини — нонни қабул қилиб оламиз, кейин кун ёйилгунча эга-эгаларига тарқатамиз.

— Қобил ака, исмингиз қанақасига Николай бўлиб кетган? — дедим у кишини гапга солиш мақсадида.

— Урушда бўладиган воқеалардан биттаси-да буюм. Армияда мени ҳамма Коля, Николай деб атарди. Хужжат янгиланаётганда ҳам Николай деб ёзиб юборишди. Шу-шу хужжатдаги исмим шунақа бўлиб қолди. Аммо, маҳаллада ҳам, ишхонада ҳам, мени Қобил дейишади. Аслида, ҳар иккала исмим ҳам ўзимга ёқади. Гап исмда ҳам эмас.

— Тўғри айтасиз, Қобил ака. Уруш бош-

ланганда анча ёш бўлган бўлсангиз керак, а?

— Ҳа, бола эдим-да... Ўзим мана шу Тошкентимизнинг Узгант маҳалласида, хизматчи оиласида туғилганман. Йигирма тўртинчи йилда. Ҳозир у жойлар Пахта маҳалласи дейилади.

— Ота-онангиз, ўша вақтдаги ҳаётингиз ҳақида нималар эсингизда қолган?

— Адам — Собиржон Содиқов, билишимча, минг саккиз юз тўқсон саккизинчи йилда мўинадўз-қосиб оиласида туғилган эканлар. Ун тўққизинчи йилда коммунистлар партияси сафига кирганлар. Маориф соҳасида ишлаганлар. Йигирманчи йилларда Сақичмон, ҳозирги Чигатой маҳалласидаги Бедил номли мактабда муаллимлик қилганлар. Ўттизинчи йиллардан бошлаб партия, совет ташкилотларида фаолият кўрсатганлар. Эсимда, ўттиз тўртинчи йилгача Р. Шредер станциясида, ҳозирги Шредер номидаги боғдорчилик илмий-текшириш институтида директорлик вазифасини бажарганлар. Академик Р. Р. Шредер билан бирга ишлаган. Ўша пайтда ҳам боғ каттагина эди. Биз оиламиз билан ана ўша боғда яшаганмиз. Ўттиз тўрт-ўттиз бешинчи йилларда Оржоникидзе район партия комитетида хизмат қилдилар. Кейин Қорақалпоғистондаги Куйбишев райони (ҳозирги Нукус шаҳри) райком секретари қилиб тайинландилар. Бизни ҳам бирга олиб кетдилар. Мен ўқишни ўша ерда давом эттирдим. Ушанда Нукусстрой ҳам, Қизкетган канали қурилиши ҳам авжида эди. Ҳаммаси ёдимда: адамлар доим ана шу қурилишларда кезиб юрар, мени ҳам баъзан ўзлари билан бирга олиб борар эдилар. Икки йил ўша районда яшадик. Кейин адам яна янги вазифага — Шаббоз (ҳозирги Беруний) райони, МТСга директор қилиб тайинландилар. Мен энди Шаббозда ўқий бошладим. Аммо, ўттиз саккизинчи йилнинг йигирма биринчи апрелида адамдан ажралдик... Биз яна Тошкентга, ўзимизнинг ўша Узгант маҳалласига кўчиб келдик. Биз — ойим, мен, укам, синглим қолдик.

Қобил ака ҳўрсиниб қўйди-да, пеницилин шишасидаги носдан кафтига бир-икки чеким қоқиб тушириб, оғзига ташлади. Бир неча лаҳза иккаламиз ҳам очиқ эшикдан ташқарига қараганимизча тек қолдик. Қобил ака носни ташқарига шахд билан туфлаб юборди-да, суҳбатни давом эттирди:

— Хуллас, Узгантдаги ҳовлида яна тирикчиликни бошлаб юбордик. Ҳовли — номигагина ҳовли эди. Укам Чўлпон мендан икки ёш кичик эди. Синглим Мунира ўттиз олтинчи йилда туғилган. Худога шукур, насибамиз бут экан, ҳаммамиз униб ўсдик. Кўп оғир-енгил кунларни бошдан ўтказдик. Чўлпон ҳозир эллик иккига кирди. Бешта қизи, неваралари бор. Ўзи кулчилик корхонасида ишлайди. Синглим Мунира ҳам уйли-жойли бўлиб кетган. Олтита боласи бор. Собир Раҳимов районидаги 4-болалар поликлиникасида ҳамшира бўлиб хизмат қилади.



Узимда ҳам бешта фарзанд бор: икки ўғил, уч қиз. Катта ўғлим Обиджон — темирйўлчи. Кичигим Собитжон — Совет Армияси сафида хизмат қиляпти. Қизларим — Матлуба, Васила, Севаралар турмуш қурган. Ҳаммаси ишлайди. Еттита неварам бор. Ойимлар — Шаҳодат Содикова ҳозир саксон ёшдалар. Тинчлик маҳалласида олти сотихлик кенг ҳовли қилганман, ҳаммамиз — ўн жон, ана шу уйда турамиз. Хотиним Зинаида ўзи булғор бўлса-ям, ўзбекчани сиз билан мендан яхши гапиради. Урф-одат, муомалаларниям жуда жойига қўяди. Ойимларни шунча йил бирга яшаб, бирор марта хафа қилмаган. Оғзидан «сан» деган сўз чиқмаган.

— Қобил ака, кечирасиз, Зинаида опани жуда яхши кўраркансиз-а?

— Зинаида билан уруш йилларида, Украинада топишиб қолганмиз. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри кеп қолди, Ўзбекистонга етаклашиб келдик. Мана, яшаб турибмиз.

— Қобил ака, суҳбатимиз равишини яна ўтмишга, ўша қирқинчи йилларга бурсак...

— Дарвоқе, қандан чағлиб кетибмиз. Сизга айтсам, ҳозир ишонмаслигингиз мумкин. Уруш бошланган. Ун етти ёшдаман. Аммо, ҳеч ким менга армияга борасанми, бормайсанми демайди. Қирқ иккинчи йилнинг майгача еганим ичимга тушмай юрдим. Охири фронтга жўнайдиган бўлдим.

Дастлаб Қозоғистонда бир ойча машқ ўтказдик. Кейин қисмларга бўлиниб, ҳар тарафга жўнаб кетдик. Маҳалладошларим Қосимов Болташ, Абдуллаев Саъдулла ва мен Ички ишлар министрлиги ихтиёридаги қисмга тайинландик. Ўзгантлик болалардан жуда кўпи олдинги фронтга кетдилар; Муслимов Мақсуд, Мўминов Розик, Қосимов Нозимлар қайтиб келмади... Уч маҳалладош бир бўлиб то қирқ бешинчи йилгача Узоқ Шарқда хизмат қилдик. Вазифамиз, бурчимиз ҳарбий аҳамиятга эга бўлган жойларни, биноларни, кўприклару темир йўлларни кўриқлаш, ҳаракатдаги поездларни назорат қилиб туриш эди. БАМ станцияси (ўшанда ҳам шундай дейиларди) ён-веридаги Алдой, Урша, Амур станцияларини кўриқладик. Уқ-дори юклаган поездларнинг хавфсиз ҳаракат қилишини таъминладик. Совет-япон уруши бошлангач, Приморье фронтида жанг қилдим. Старшина эдим ўшанда. Душмanning попугини пасайтириб қўйгач, уйга қайтсак керак, деб ўйлаб турган эдик, Украина томонда бендерачи деган ғаламислар пайдо бўлди. Сафдошларим билан ўша тарафга жўнадик. Бендерачилар билан курашиш ҳам анчагача чўзилди. Дастлаб Львовни улардан тозаладик. Бирин-кетин Стрий, Дрогобичи, Вролав, Мукачева, Ужгород, Королева шаҳарларида ҳам бендерачиларнинг тухумини қуритдик. Ҳаш-паш дегунча, уч йил ўтиб кетди. Королева-на-Тисса шаҳ-

рида (Тисса дарёси оқиб ўтиши туфайли шаҳар шундай ном билан ҳам аталарди) Зинаида билан танишиб қолдим. Қирқ туққизинчи йилда Тошкентга бирга келдик. Тўй қилдик. Ойим, укаларим билан бирга яшай бошладик. Турмуш масаласи анча оғир эди. Армиядан кайтганимга олти кун деганда ишга кириб кетдим. Давр, шароит шуни талаб қиларди. Хадрада, эски Ҳамза театруси биноси олдида бир дарахт бўларди (ўша дарахт ҳозир ҳам бор), ўшанинг соясига ўтириб, лотокчилик қила бошладим. Папирос, баъзан нон сотдим. Шу ишни қилиш баробарида савдо техникуми қошида очилган уч ойлик курсда ҳам ўқидим. Курсни битиргач, мана шу магазинга мудир қилиб тайинландим. Мана, ўшандан бери ишлаб турибман. Турмушим яхши. Хотиним Зинаида Тошкентга келганида ўн етти ёшда эди. Рўзгор аравасини бирга тортидик. Келган йилиёқ Собир Раҳимов райондаги 5-болалар санаторийсига хизматга кирган эди, ҳозиргача ўша ерда ишлайди. Нариги йилга генсияга чиқмоқчи. Ўғил-қизларим ҳам ўзимизга ўхшайди: бир жойга кирдим, охиригача ўша ерда ишлайди. Учар эмас.


Қобил ака билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. У кишининг ҳаётига, босиб ўтган йўлига оид расмий ҳужжатлар билан танишдим. У бир неча бор «Мақтов ёрлиги» билан тақдирланган. Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллиги шарафига ўтказилган социалистик мусобақада қатнашиб, қўлга киритган ютуқлари учун «Октябрь район озиқ-овқат савдоси бошқармасига қарашли 15-магазин мудир Николай Содиков Ўзбекистон Савдо Министрлигининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди». Етмиш еттинчи йилнинг 13 майида эса, Қобил ака СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида мувофиқ Октябрь революцияси ордени билан тақдирланди!

Мен ҳужжатларни Қобил акага қайтариб берарканман, яна оддий одамнинг бахти, умри ҳақидаги ўйлар хаёлимдан кечди. Ҳа, Қобил ака—замонамизнинг миллионлаб қахрамонларидан бири. Унинг кўксига барча юксак нишонлар — орден ва медаллар қаторида яна азиз бир нишон — оддий одамнинг олижаноб қалби уриб турибди!

Қобил ака билан нон дўкони рўпарасидаги майдончада хайрлашдим. Биз яна учрашиш, яна суҳбатлашишга келишиб хайрлашдик. У Чорсу тарафга борадиган тор йўлдан пастликка қараб тушиб кетди.

Шаҳарда ҳар кунги ҳаёт давом этар, шовқин-сурон, трамвайларнинг тарақ-туруғи, машиналар қатнови авжида эди.

Хадра тарафга қараб юриб кетдим. Хаёлимда ҳамон оддий одамнинг бахти ҳақидаги ўйлар чарх урарди. кўз олдимда Қобил аканинг соддадил сиймоси.





Норқул Ҳайитқулов

# Икки суҳбат



Кечаси навбатчилик қилаётган эдим. Хо-нага Демьян Демьянович кириб келди. Д. Д. Бичков — Сурхондарё область «Ленинское знамя» газетаси редактори, кекса журналист, область кишлоқ хўжалиги тараққиётига оид бир неча рисолалар нашр эттирган. У мендан нима билан шуғулланаётганимни суриштирди. Узи эса «Сурхондарё области» китоби устида ишлаётганини айтди. Мен унга кишлоқ муаммолари ҳақида бош қотириб юрганамни айтдим.

— Яхши. Хойнаҳой, ер ҳақида, чорва ҳақида бўлса керак-да-а?

— Шулар, яна бошқалари...

— Ҳа... Дарвоқе, ер... Уртоқ Л. И. Брежневнинг яхши бир гапи бор. — Редактор кўйин дафтари яна варақлаб, керакли жойни топди-да, столим устга қўйди. — Мана, ўқиб кўринг.

Мен овоз чиқариб ўқидим:

«Табиий ресурслардан омилкорлик билан, тежаб-тергаб фойдаланиш, ер, ўрмон, дарё ва тоза ҳаво тўғрисида, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буларнинг ҳаммаси бизнинг жонажон коммунистик ишимиздир. Биз совет кишиларининг ҳозирги ва келажак авлодлари учун еримизни асрашимиз ва безашимиз лозим».

— Хўш, нима дейсиз? Ҳозирги ва келажак авлод учун... Мана, биз ерни нима учун аяшимиз керак, билдингизми! Рости, кишлоқ муаммолари мени ҳам қизиқтиради. Ҳатто бир неча йил фактлар тўплаб юрдим. Шулардан айримларини сизга айтиб берай.

Абдураззоқ Мусаевни яхши биласиз. Узоқ йиллар «Октябрь 40 йиллиги» колхозига раислик қилди. Ҳозир республика аҳамиятидаги пенсия олаётир. Шу одам «Облэлектротсет»дагилар билан роппа-роса бир йил суришиб юрди. Нима учун дейсизми? Колхоз пахта майдонлари ичидан симёғоч

ўтказдирмайман, деб туриб олди. Ҳеч бўлмади, охири райкомга чақиринишди, обкомдагилар суҳбатлашишди.

У ҳаммининг олдига бир талабни қўйди: симёғочлар ерни ўғирлайди, деди. «Қандай қилиб ўғирлаши мумкин, ҳар бирига бир қаричдан ер кетади-ю...» дейишди баъзилар. Шунда раис оқ оралаган муртини босиб-босиб сўзлай бошлади:

— Бир қарич?.. Бир қарич эмиш-а! Мен ҳисоблаб чиқдим. Бизнинг далалардан юқори кучланишдаги ток узатадиган элликта симёғоч ўтаркан. Ҳар бирига камида бўйи-энига ўн метрдан жой кетади. Ҳар метрига, майли, олти туп ғўза бўлсин. Аслда бир погон-метр ерда 12—13 туп ғўза ўсиши мумкин. Ҳар бир туп ғўзада камида йигирма бешта кўсак бўлади. Энг ози бу. Бир чаноқда уч грамм момиқ бор, дейлик. Хўш, ҳисобланг. Бир метр еримиздаги икки эгатдан, демак, камида бир кило пахта олиш мумкин-а, шундайми? Ҳар метр ердан эса эллик кило. Хўш, юқори вольтли ток ўтадиган элликта симёғоч эгалладиган ердан қанча ҳосил олиш мумкин? Колхознинг бир процентдан ортиқроқ пахтасига зиён етади-я! Йўқ, мен карталаримиз ўртасига симёғоч кўмилишига қаршиман. Марҳамат, ер ости кабеллари кўмишсин!

Ана, кўрдингизми, яхши деҳқонга бир қарич ер ҳам олтиндек қиммат. Баъзи хўжаликларимизда-чи? Ернинг тили йўқ-да. Тили бўлганда айтадиганини айтарди-я. Тўғри келган жойга, даланинг четига ҳам, ўртасига ҳам дарахт экиб ташлайдиганлар камми? Энг яхши, унумдор ердан шийпон қуриб, дала ўртасидан йўл ўтказиб қўядиганлар озмаи? Томорқа масаласи... Бу аллақачон тартибга келиши керак эди. Лекин ҳозир ҳам, масалан, «Намуна» колхозида ҳар уй олдида қарийб бир гектардан ер бор, у ерлар томорқага деб берилган.

Районларда бўлганинда, баъзи кишиларга: «Нега ерни исроф қиялмасиз?» десанг, тиржайдилар. «Ер кўп-ку, акавой. Олам кенг. Ҳаммага етади», дейдилар. «Йўқ, ер кўп эмас. Еримиз жуда оз. Қани эди яна шунча еримиз бўлса!», дегинг келади. Аммо улар сени тушунмайди-да, ахир.

Бундан икки-уч йил олдин Сариосиёга борганимда, Боботоғдаги бепоён ерларни, қир-адирлар, юсак чўққиларни кўриб, юз минг гектар ер бекор ётганлигининг гувоҳи бўлгандим. Тўғри, ҳозир ўша ерларнинг баъзи қисмида мевали дарахт кўчатлари экилаётир. Бироқ жуда кам-да. Биз ўз кўлимиз билан уззу-кун юрганда ҳам охирига етиб бўлмайдиган ўрмонзорлар бунёд этишимиз керак. Боботоғ олмаси, анори, беҳиси, қовуни худди унинг пистаси каби машҳур бўлмоғи лозим. Шундай қилинса бўлади. Техника бор, ишчи кучи етарли. Фақат эътибор керак, эътибор.

Хўп, дарахт экмасак, беда уруғи сепайлик тоғ ёнбағирларига. Бошқа чорва озуқалари етиштирайлик. Бу тажрибани қашқадарёликлар неча йиллардан бери синаб келаётирлар. Деҳқонободда, ҳов, Бойсуннинг биқинида қашқадарёлик чорвадорлар беда уруғи етиштираётирлар. Тоғда, шундайгина нишаб жойларда лалми беда ўсиб ётибди. Бизнинг бир қанча хўжалиқларимиз шу уруғдан сотиб олаётирлар. Ахир, сотиб олгунча ўзимиз ишлаб чиқарсак бўлмайдими?

Демьян Демьянович бир нафас ўйга толди.

— Яна бир масала, — деди у кўрсаткич бармоғи билан стол ойнасини чертиб кўраркан. — Ерга хўжайин кўпайиб кетаяпти. Мисол дейсизми? Ҳар бир хўжалиқдан топши мумкин. «Ленинобод»да бўлган воқеа бунга ёрқин далил.

1972 йилда райондан масъул бир ўртоқ келиб, колхознинг 30 гектар серунум ерини бўрдоқчилик пункти ихтиёрига олишларини айтди. Маслаҳат йўқ, мулоҳаза йўқ, тўғридан-тўғри шунча ерни оламит, дейишди. Раисга: «Инсоф билан, энг дуруст ерингизни кўрсатинг, ўлчаб олишин», дейишди. Раис: «Мен ҳам ер берай, ҳам инсофни ўртага қўяйми! Йўқ, ўттиз гектар у ёқда турсин, ўттиз қарич ҳам ер бермайман», деди жаҳли чиқиб. Анча кун шу алпозда тортишувлар бўлиб турди. Охири область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи келди-да, бригадама-бригада айланиб юриб, ер ўлчовчиларга бир жойни кўрсатди:

— Улчанглар! Мана шу ердан бўрдоқчилик пункти фойдаланади, — деди.

Раис у идорага борди, бу идорага борди. Натижа чиқмади. Ер қўлдан кетди. Бўрдоқчилик пункти ўша ерга беда экди. Шу билан ҳаммаси ниҳоясига етгандек бўлди. Пункт одамлари беда парвариши билан қизиқмадилар. Колхоз ҳар уч марта беда ҳосилини йиғиб ғарамлаганда пунктдагилар зўрға бир марта йиғдилар. Раис мени сувсизликдан жингиртоб бўлиб ётган ўша бедазорга олиб борди-да, пешонасини тириштириб, афсус билан гапирди:

«... Шу ергә пахта экканимизда, боринги, ўттиз центнердан ҳосил олинганда ҳам, тўқсон тоннани ташкил қиларди. Буни пулга қақадиган бўлсак, катта сумма келиб чиқади. Биз ўртача ҳар гектар ер ҳисобидан икки минг сўмлик пахта сотаямиз. Демак, бир йилда колхоз олтмиш минг сўм пулини йўқотади».

Иккинчи йили раис бу ерни ҳеч кимга билдирмай ҳайдайтиб юборди. Эрта баҳорда эгат очишиб чигит қадашди. Уруғ ниш отиб, дала яшил тусга кира бошлаганда пунктдан икки-уч сувчи келиб, бедазорнинг пахтазор бўлиб қолганлигини кўриб, ҳайратландилар. Шунда ўша атрофда юрган кишилардан бири уларга: «Бедазорни ер ютди. Унга дуруст қарамаган экансизлар, сизлардан нола қилиб, ер қомига кириб кетди», деди ва қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Чигит экилган далани бузиб, яна беда кишга эса ҳеч кимнинг юрағи бетламади. Шундай қилиб, колхоз ерни қайтариб олди. Ерни эпланган деҳқончилик қилсин, дейишди улар ва уни амалда исботладилар ҳам. Ўша йили ўттиз гектар майдондан 150 тоннага яқин ҳосил йиғиб олишди.

Кекса ҳамкасбим билан бўлган суҳбат таассуротларига берилиб юргандим, бирдан агроном Михаил Сергеевични учратиб қолдим. У редакцияга «Ютуқларимиз ҳақида ўйлар» сарлавхали мақоласини олиб келган эди. Унда ютуқларни янада кўпайтириш омиллари ҳақида гап борарди.

— Михаил Сергеевич, сиз алмашлаб экишни қатъий тартибда жорий этиш керак, деган фикрни ўртага ташляпсиз. Ахир, бу фикр эскирмадими? Алмашлаб экиш зарурати деҳқонлар онгига аллақачон сингиб кетгандир?

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди М. С. Истомин ступни ғичирлатиб ўрнидан бир кўзгалиб қўйди. Кейин калта-калта сўзлай бошлади:

— Ҳа... Ҳамма гап шунда-да. Янгилик деҳқоннинг қон-қонига сингиб кетиши керак. Акс ҳолда у бир пайдо бўлади-ю ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Алмашлаб экиш кечағи ёки бугунги янгилик эмас. Қадимда ҳам деҳқонлар экиш жойини алмаштириб турганлар. Одам ҳаво алмаштира саярагани сингари экин ҳам жой ўзгартирганда бўлиқ ва серҳосил бўлади. Лекин кўпинча деҳқонларимиз бир ерга ёпишиб олаётирлар. Айниқса ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораётган бўлим ва бригадаларда бу кайфият жуда яққол кўзга ташланади. Улар қирқ-эллик центнердан пахта олинаётган далага дам берилса, ер соғломлашини яхши билишади. Аммо, ўзингиз ўйлаб кўринг, чавандоз илдам отини бошқа бировга беришга кўзи қиядими? Йўқ, албатта. Шундай экан, бригадир ҳам ерини бедачилик бригадаси ихтиёрига ўтказишни истамайди. Шу ер меники, уни ҳеч кимга бермайман, деб туриб олади.

Алмашлаб экиш қатъий план асосида олиб борилиши керак. Бунда пала-партишлик, шошма-шошарлик, айниқса, бир-икки далага беда ёки маккажўхори экиб, кейин уни унутиб юбориш каби ҳодисалар зарар-

дан бошқа нарса эмас. Бизда план бор. Масалан, у ёки бу ҳўжаликда бу йил неча гектар ер алмашлаб экилади, деган саволга исталган пайтда жавоб олиш мумкин. Аммо бу тадбир картограмма асосида олиб борилиятими ёки йўқми, масаланинг бу томони ҳўжалик раҳбарлари ихтиёрига ҳавола қилинган. Биз пахта планининг ба-жарилишини қаттиқ назорат қиламиз. Ғалла, чорва маҳсулотлари тайёрлашда ҳам сал сусткашликка йўл қўйилса, кўнгил хира бўлади.

Алмашлаб экишда-чи! Ҳўжалик юқори ҳосилли бўлса, тамом, кўнгил хотиржам. У ер қувватини ошириш тадбирларини кўраётирми, йўқми, ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Ҳеч ким ички ҳўжалик юмушларини майдалаб таҳлил қилиб турмайди ҳам. Областада эса кам ҳосилли ҳўжалик деярли йўқ. Ахир, биз ҳосилдорликда республикада иккинчи ўриндамиз-ку!

Бари бир, статистик маълумотдан ташқари алмашлаб экиш ҳўжаликда қандай жорий қилинаётганлигини аниқ ўрганиб, жиддий назорат қилиб бориш зарур. Қишлоқ ҳўжалик органлари мутахассислари бу иш билан бутун йил давомида шуғулланишлари лозим. Илғор тажрибалар кенг ёйилиши, зарур бўлса, алмашлаб экиш намунали йўлга қўйилган ҳўжаликда семинар-кенгашлар ташкил қилиш мумкин.

Масалан, Деновдаги «Ҳазорбоғ» совхозининг алмашлаб экиш бўйича тажрибасини ўрганиш мумкин. Ҳўжаликнинг ҳамма майдонлари ўн икки массивга бўлинган. Ҳар массивда 10—12 тадан дала бор. Шу далаларнинг 3—4 тасида икки-уч йил беда ёки бошқа экин экилаётир. Қолганига эса пахта.

Баъзилар, бу ҳолда пахтанинг ялли миқдори камайиб кетади, дейишади. Бу нотўғри. Ҳазорбоғлик деҳқонлар бирон йил ҳам пахтанинг умумий миқдорини камайтирганлари йўқ. Аксинча, пахта хирмони тобора юксалиб бораётир. Улар бунга гектарлар имкониятини ошириш ҳисобига эришаётирлар.

Шу райондаги «8 Март» колхозида эса аҳвол ўзгача. «Ҳазорбоғ» совхозида экиш майдонларининг олтмиш фоизида пахта етиштирилаётган бўлса, бу ҳўжаликда жами ерларнинг саксон фоизига чигит қадалади. Лекин ялли ҳосилда ҳам, гектарлар ҳосилдорлигида ҳам «Ҳазорбоғ»дан ортда. Ҳўш, нега? Ҳамма гап, бу колхозда алмашлаб экиш суст жорий этилаётганлигидадир.

Бундай мисоллар кўп.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном Михаил Сергеевич жилмайди. Ҳоври чиқиб турган кўк чойдан ҳўплади-да:

— Ютуқларимизни кўпайтиришинг яна бир омил бор, — деди у. Бу ҳақда ҳам анави, қўлингиздаги мақолада сал-пал тўхталганман. Бу нима? Гербицит! Гербицит бизнинг деҳқонларимиз учун янгилик. Биз уни 1970 йилдан қўллаш бошладик. Гербицитни биринчи бўлиб Гулмирза Ниёзов синаб кўрди. Биринчи йили унинг ўзи ҳам иккиланди. Чунки «Узсельхозтехника» ом-

боридан гербицит олиб келганида, кўплар қизиқиб, ундан сўраб-суриштиришди: «Бу қандай дори? У нима учун керак?» ва ҳоказо. Гулмирза уларга бир хил жавоб бераверди: «Бу ўтти таг-томири билан йўқотармиш. Бир синаб кўрайин-чи». Шунда ҳамкасблари: «Ҳа, ўтти қуритса, нав-ниҳол ғўзани тинч қўярмикин? Ҳойнаҳой, ғўзага ҳам зиёни бордир-ов...» дейишади. Охири Гулмирза: «Бўлгани бўлар. Бу ҳам бир тақаллақ-да», дейди. Чамаси қирқ гектар ерга чигитни гербицит билан экади. Ғўза икки-уч қулоқ бўлади, гул кўрсетади ҳамки, далани ёппасига босиб кетадиган бегона ўтлардан ном-нишон кўринмайди. Гулмирза Ниёзов даласида икки ҳил манзара. Бир қисмида фақат ғўза. Улар эркин нафас олиб, яйраб ўсади. Бир қисмига эса бегона ўтларни йўқотиш учун ишчи кучи сафарбар қилинган эди. Бу ерларнинг ғўзаси бирмунча нозик, гуллари анча кам эди. Уша йили карталар ҳосилдорлиги ҳам ҳар хил бўлди. Гербицит билан ишланган майдонларда ҳосилдорлик гектарига етти центнерга ошди. Одатдагидай экилган ерлар ҳосили эса олдинги даражада қолди.

Иккинчи йили Гулмирза Ниёзов ҳамма майдонларида бу доридан фойдаланди. Эллик центнердан ошириб ҳосил йиғди. 1972 йилда гектар бошига олтмиш центнердан ҳосил олди. Кейин олтиш бешдан бўлди. Гулмирза Ниёзовга бу меҳнатлари эвазига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

— Гербицит ана шундай қимматли дори, — деди М. С. Истомин. — Ерни бегона ўтдан тозалайди. Деҳқон кадр-қиммати, обрў-эътиборини оширади. Шундай бўлса ҳам баъзи ҳўжаликлар, ҳатто районларимизда бу дорининг қадрига етишмаётир. Айрим колхоз-совхозларда гербицитнинг нима эканлигини билишмайди, ҳа!

Бу айниқса термизликларга жуда керак дори. Негаки, бу район ерлари бир неча йиллардан бери бегона ўтдан чиқмайди. Ғумай, саломалайкум, зарпечак бутун далани босиб кетади. Баъзан ҳатто ғўза кўринмай ҳам қолади. Аҳвол шундай бу ерда. Лекин гербицитдан фойдаланишни дурустроқ ўйлаб кўрганлари йўқ.

Яна бир масала. Қаранг. Биз 1973 йилда 440,6 минг, 1974 йилда 460 минг, 1977 йилда 470 минг тонна пахта етиштирдик. Ғалла ҳам кўпайди. Жарқўрғон, Сариосиё районлари 40—42 центнердан пахта олаётирлар. Бир қанча ҳўжаликлар 50 центнерни ортда қолдириб, 60 центнер учун кураш бошладилар.

Ҳўш, сабзавот-полиз маҳсулотлари, мева етиштириш-чи? Деярли ҳар йили бир хил аҳвол. Шу кичкинагина шаҳарчамиз Термизга баъзан ёз неъматлари етиштириб бериш мушкул бўлиб қолаётир.

Аммо айрим ҳўжаликларимиз сабзавот-полиз маҳсулотлари тайёрлаш планларини ўттиз-қирқ процентга бажарадилар. Ахир, ҳўжалик пахта планини бажармаса, раисми, директорми, ким бўлишдан қатъи назар, қани, марҳамат қилиб, жойни бўшатиб қўйинг, дейдилар. Сабзавот-полиз планининг

бажарилишини таъминлай олмаган ҳўжалик раҳбари бемалол ишни давом эттириверади. Натижада келгуси йилда у пахтадан бошқа соҳага яна эътибор бермай қўяди. Ундан бошқалар ҳам «ўрناق» олишади.

Михаил Сергеевичнинг ҳикояси менга бир воқеани эслатди. Шерободдаги В. Қодиров номли совхоз агрономи куйиниб, директор ҳўзурига кирди-да, лаблари титраб, шикоят қила кетди:

— Ҳар бригадада икки-уч киши бекор юрибди. Бригадирларга: «Уша кишиларнинг қўлига кетмон бериб, ғўзани суғоришга жалб қилинглр», десам, худди маслаҳатлашгандай, ҳаммаси барабарига: «Қовунтарвуз палаги қўриб кетаверсинми?» дейишди. Бирови туриб: «Сабзипояни ўт босиб кетган. Икки-уч кишини қўшимча ажратмасак бўлмайди», деди. Мен: «Бу гапларни бир четга йиғиштириб қўйинглр-да, сувчилар сонини кўпайтиринглр, кечаси комиссия юради, жанжалга қолмайлик», дедим. Улар бўлса: «Яхши, айтганингиздай қиламиз. Лекин биздан полиз, сабзавот планини соқит қилинг», дейишди. Бошим қотиб, қайтавердим. Кечқурун вакиллар келишса, сувчилар сони эллик-олтмиш кишига кам, нима деб жавоб берамиз?

Директор бошини ҳам қилганича ўйлаиб турди-да, деди:

— Узи-ку, шу, сабзавотни бригадаларга бериб бекор қилган эканмиз. Алоҳида поллизчилик бригадаси тузишдан маъқули йўқ эди.

Михаил Сергеевич менинг сўзларимни бутун вужуди билан тинглаб, секин ўрнидан турди ва қўлини ҳавода ўйнатиб:

— Ана, бу тантилик. Ана бу — хатони тан олиш. Ҳўш, пахтачилик бригадасига қовунтарвуз ҳам етиштирасан, деб план юклаб қўйишнинг нима зарурати бор? Ахир, пахтачилик бригадаси-ку у! Марҳамат, пахта етиштирсин. Умуман, мен сизга айтсам, бизда полиз экинларига ер ажратишда тартиб йўқ ҳисоб. Олдинлари қовунтарвузни пахтадан анча узоқ жойларда экишарди. Ҳозир-чи? Шийпон атрофидан ёки пахтазор ўртасими, четими, охириданми бир парча ер ажратилади-да, жўяк тартиб уруғ ташланади. Бундай қилганда ер ўғирланади, картанинг яхлитлигига путур етди.

Бундан ташқари ғўза баргини сунъий тўкиш, заҳарли дориворлар сепиш, деган гаплар бор. Дарвоқе, заҳарли доривор... Шу бобда ҳам бизда ҳал этилмаган жумбоқлар мавжуд.

Заҳарли дориворлар ҳозир шимолий ярим шарга қадар етиб борди. Антарктидада яшовчи пингвинлар жигарида ҳам шундай химикатлар бор экан. Қаранг-а! Сутда, пишлоқ ва бошқа маҳсулотларда

ҳам бундай дорилар кўпайди. Ҳўш, нега шундай бўляпти? Ҳамма айб — унинг эҳтиётсизлик билан ишлатилаётганлигида.

Биргина областимизда 1972 йилда олдинги йиллардагига қараганда 2,5 марта кўп заҳарли дориворлар пахта пайкалларига сепилди. Унинг миқдори 22,5 минг тонна! Кейинги йилларда ҳам бу заҳарлардан фойдаланиш шу тахлитда давом этмоқда. Бу заҳарлар учун ҳар йили миллион-миллион сўм сарфланди. Ҳозир шу нарса зарур бўлиб турибди, ғўза зараркунандалари бизни заҳарли дориворларни ишлатишга мажбур қилаётир. Биз эса унинг осон йўлини топиб олганмиз. Самолётлар осмонга парвоз қиладилар-да, бункер офзини очиб юборадилар. Заҳарли дориворлар пахтазорга ҳам, полиз майдонларига ҳам, ариққа ҳам худди ёмғир сингари бирдек тушади. Шу тўғрими? Мутахассислар бундай ҳаракатни қаттиқ қоралайдилар. Улар, заҳар аҳоли яшайдиган жойлар, фермалар, марказий йўллар, каналлардан камида минг метр нарида сепилиши керак, дейдилар. Ҳўш, самолётдаги учувчи шу қондага амал қила оладими? У — самолёт. Унинг бункери очилдими, тамом, доривор сўнгги граммгача ерга тушади.

Шуни ҳам айтиш керакки, заҳарли дориворларни ишлатишда бошқа усул ҳам бор. Областининг «Ленинбод», «Москва», Ленин номли колхозларида, бир неча совхозларда бу усулдан унумли фойдаланилаётир.

Мана, яқиндан буён деҳқонлар бир саволга жавоб излашяпти: заҳарли дориворларни самолётда сепган маъқулни ёки тракторлар ёрдамида? Мен бу саволга қуйидаги мисол билан жавоб бермоқчиман.

Термиз районидagi Жданов номли ва «Коммунизм» колхозларини олайлик. Биринчиси, трактордан юз фоиз фойдаланган, иккинчиси эса авиациядан. Жданов номли колхозда ғўза зараркунандаларига қарши ишлов берилган майдон 6500 гектарни, «Коммунизм» колхозида эса 22 минг гектарни ташкил этди. Коммунизмликлар 11 марта ишлов бердилар, ждановлик пахтакорлар эса бор-йўғи 3,7 марта. Жданов номли колхозда бир гектар майдонни дорилаш учун 26 сўм харажат қилинди, «Коммунизм» колхозида эса 72 сўм сарфланди.

Бу — иқтисодий афзаллик томони.

Заҳарли дориворларни тракторлар ёрдамида сепганда кишилар саломатлиги сақланади. Ариқдаги сув тоза оқади. Уй ҳайвонлари учун беҳатар бўлади. Энг муҳими, уларнинг қўланса хиди кишилар кайфиятини бузмайди. Бу эса унинг бебаҳо томони.

Ана энди деҳқон танлаб олаверсин!



Шоислом Шомухамедов

## ИБН СИНО ШЕЪРИЯТИ

Урта аср илм-фани осмонининг порлоқ юлдузларидан бири Абу Али Ибн Сино инсониятни ёруғликка чорлаган, уни турли бидъатлар тузоғидан қутқаришга бел боғлаган, башариятнинг жисмоний ва ақлий саломатлиги учун ўзининг бsr салоҳияти ва куч-қувватини ишга солган улуғ гуманист сиймодир. Унинг улуғлиги замон ва маконда чегара билмайди. У тиббиёт ва фалсафадагина эмас, табиий билимнинг кўп соҳаларига салмоқли ҳисса қўша олган буюк аллома.

Ибн Сино Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлигида феодал зулмининг авжга минган давридаги қабохат кунларда, илғор фикрларнинг тантанаси учун, руҳий эркинлик ва ҳақиқат учун, киши ақлининг равнақи учун курашди. Унинг буюклиги ҳам шундадир.

У ўзининг бирдан-бир эътиқод қиладиган дини — имони ақл эканлигига ишора қилиб:

Мени кофир этмак эмасдир осон,  
Ҳаммасидан маҳкам мендаги имон.  
Юз йилда бир келур менингдек инсон,  
Демак бу оламда йўқ бир мусулмон!

дейди.

Ибн Сино шоҳ саройига боришдан бош тортганлиги ва ўзининг озод фикрлари учун қувғинга учраб, ўз ватанидан узоқда дарбадарликда ҳаёт кечиради.

Аммо шунга қарамай, Ибн Сино ўз давридаги ҳамма илмларни чуқур ўрганган, кўп соҳаларда муҳим кашфиётлар қилган буюк энциклопедист олим ва ажойиб ҳақим эди.

Ибн Сино мавжуд дунёни киши сезги органлари орқали сезиб билиш, уни ўрганишга чақирган рационалист эди.

«Ҳар бир нарсани билиш — унинг сабабларини, агар шундай сабаблар бўлса ва туб асосларини ўрганиш билан ҳосил бўлади», — деб ёзади буюк олим.

Бундан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, Ибн Сино дунёнинг абадий мавжудлигини,

унинг ўз қонуниятни борлигини, бу қонуният объектив эканлигини эътироф этади.

Бу жиҳатдан унинг медицина фанига берган таърифи жуда ўринлидир. «Тиб шундай бир илмки, у билан одам танининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатдан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиғи сақланади ва йўқотилгани қайтарилади». (Ибн Сино. Тиб қонунлари, 1-китоб, Тошкент, 1953 йил, 6-бет).

Демак, унинг фикрича, касалликлар ғойибдан келадиган ва турли-туман дуолар билан қайтариб юборса бўладиган балолар эмас, балки объектив сабаблар билан пайдо бўладиган нарсадир. Унинг сабабларини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш одамзоднинг ўз ҳаракатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Ибн Сино азайимхон, дуохон эшонларга қарши кескин курашади. У касалликларнинг объектив сабабларига қараб, уларни даволаш усулларини ишлаб чиқади. Унинг даволаш усуллари эса тажрибага асосланган, объектив ҳаёт қонунларини чуқур ўрганиш асосида вужудга келган усуллардир.

Ибн Сино табиат қонуниятини ўрганиш учун ҳар бир имкониятдан фойдаланди. Насллар учун ажойиб асарлар қолдирди. Унинг дунёқарашига бир қанча чалкашликлар: худони умуман эътироф этиш, руҳнинг абадийлигига ишонши каби идеалистик ғоялар бўлса-да, аммо у материалистик дунёқарашга жуда яқинлашиб келади. Узининг тиббий фанлар, жумладан тиб билими соҳасидаги илмий-тектириш ишларида стихияли равишда материалистик фикрлашга ўтиб қолади. Олимнинг фикрича, табиат ўз қонунлари билан яшай беради. Материя доимий ҳаракатда, у абадий ва азалий. У ҳеч йўқолмайди ва ташқи сабабга муҳтож эмас.

Ибн Сино бутун ҳаёти давомида ўз билимларини инсонларга қандай қилиб бўлса-да тўлиқроқ ва тушунарлироқ етказиш йўлини ахтаради. Шундай воситалардан бири

деб поэзияни танлайди ва унинг сеҳрли имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бу соҳада Ибн Сино ҳақиқий шоирона салоҳият эгаси эканлигини, форс ва араб тилларини нозик ва мукамал, чуқур ва атрофлича билганлигини намойиш этади.

Бунинг сабаби шундаким, олим анча ёшлигидан бошлаб шеърият билан қизиққан ва умрининг охиригача у билан шуғулланган. Баъзан Ибн Сино дардига даво истаб мактуб билан унга мурожаат этган кишиларга ҳам шеърий хат билан жавоб берганлиги манбалардан маълум. «Уржуза» асарининг тадқиқотчиси Шоикром Шоисломов бу ҳақда шундай ёзади:

«Ибн Сино ёшлик чоғиданоқ шеъриятга қизиққан. Манбаларнинг кўрсатишича, табиб бўлиб етишган чоғларида ҳам шеър ёзишни қанда қилмаган. Ҳатто маълум ҳикматли фикрларни, насиҳатомуз мулоҳазаларни шеърга солишга ишқивоз бўлган. Номӣ араб манбаларида машҳур бўлган Ҳаким Таёзуқнинг насиҳатларини Ибн Сино шеърга айлантирган. Бу шеър бизга қадар етиб келган». (Ш. Шоисломов. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърий асари («Уржуза»), Тошкент, «Фан» нашриёти, 1972, 34—35-бетлар).

Ибн Сино Шарқ шеъриятининг уржуза<sup>1</sup>

ва рубоий жанрларида қалам тебратиб, бу соҳада катта поэтик маҳоратини намоён этган.

Ибн Сино шеърияти мавзу жиҳатидан кўп қиррали ва ранго-рангдир. Унда ишқий ғазал ҳам, шахс камолоти ҳақида ёки илм-маърифат ҳақида фикр юритувчи қитъалар ҳам, кишиларни яхшиликка чорловчи фалсафий рубоийлар ҳам учрайди. Аммо шуни қайд қилиш жоизки, Ибн Сино шеъриятда ҳам улуғ шифокор бўлиб қолади. Ҳар ҳолда бизгача етиб келган форсий ва арабий шеърлари шундан гувоҳлик беради. Уларда тўғридан тўғри табобат билан боғлиқ мавзуларда ҳам ёки турли нарсалар ҳақида (масалан, ичкилик, таом истеъмоли, тозалик ҳақида) ёзилган шеърларда ҳам инсон соғлиғи масалалари устун келиб туради.

Бу шеърларда нодир ташбиҳотлар, мажоз ва истиоралар билан бирга бошқа ноёброқ санъатлар ҳам учрайди. Бу эса Ибн Синонинг етук шоир бўлганидан далолат беради.

Қуйида биз буюк олим Ибн Сино шеърларидан қилинган таржималарни журнал хонлар эътиборига тақдим этамиз. Улар асосан Душанбеда нашр этилган Ибн Сино шеърлари тўпламидан (1953 йил) ва Тошкентда нашр этилган «Уржуза» асаридан олинган.

## Абу Али ибн Сино

# Ғазаллар

Ҳақиқат тип-тиниқ ичкун эрур руҳнинг ғизоси,  
Чечак гуллардан ўзгай бўйи ҳам ранги сароси.

Ақиқ ранглигу мисли ёқуту лаъли сифат бўлса,  
Кимики, ичса бир жом бошига қўнгай хумоси.

Қуюлса эрта тонг ичкучилар жомига вақ-вақлаб,  
Руду барбат навосидин келур хушроқ навоси.

Падар панди каби аччиқдир, аммо фойдаси  
кўпдир,

Эрур нодонга ботилку вале доно равоси.

<sup>1</sup> «Уржуза» — ражас баҳрида маснавий йўлида ёзилган шеър.

Ақл фатвоси шулким, ичса донолар ҳалолдир,  
Ҳаром аҳмоқлар ичгай бўлсалар кайф ҳам сафоси.

Билимдонга ҳалолдирку ҳаром жоҳилга мутлақ,  
Ҳама яхши ёмонни ажратар майнинг зиёси.

Ҳаром бўлди шароб жоҳил киши жоҳиллигинин,  
Ани ичган кишилар бўлганидан кўп адоси.

Шаробни аблаҳ ичса, ошгуси журму гуноҳи,  
Тилидин лоф ёғилгай, ўзгариб кетгай ҳавоси.

Агар ул тоза май маҳбуб қўлидин бўлса не хушдир,  
Гўзал юз шабнами томса, мен ўшал май гадоси.

Абу Али тиниқ майни ҳакимона ичаверким,  
Худо ҳаққи, ҳақиқатнинг йўлини топмоқ давоси.

□

Мард кишига ўн хил иш доим ҳаром,  
Олтисидан мард киши холис мудом.

Хасислигу ҳасад ҳам ёлғончилик,  
Заифлик, дарду йўқликка бўлиш ром.

Агар неъматга етсанг, сен адолат  
Ҳам ақлинг бирла бер дўстларга инъом.

Агар шиддатда қолсанг, айтма розинг,  
Самон бўлгай бу дарддин чеҳра гулфом.

Сўроққа арзимас буткул жаҳон ҳеч,  
Совуқ бир оҳ ила бўлгай саранжом.

Фалак — жуфт соққа, олам тахтасидир,  
Ажал ўйнайди, бизлар — донаи хом.

□

Бўлурман охири жинни, юрак сиррин тутиб пинҳон,  
Менинг кўрганларим кўрмас на дев, на жин ва на инсон.

Ҳалокатга гирифтор бўлмасам охир бу ишлардан,  
Заҳар тилларга қарши ҳеч топилмайдир сипар, қалқон.

Бахиллик бирла қўшнилари менинг тўғримда ўйлайдир,  
Хасисликдан ўзининг устихонин, деб сўрар ҳар он.

Ақл рад айлагай ҳар ҳужжат ўқин келтирар бўлса,  
Қийин иш бўлмагай ҳеч ҳам кўтарсин майлига туғён.

Агар ҳал бўлмоғи душвор иш пайдо бўлиб қолса,  
У майдонда кўринмайдир бирорта тилга зўр, полвон.

□

Жойлари ёдимга келтирмиш уларни дам-бадам,  
Ўзгарибдир, йўқ бўлибдирким билиб бўлмас ҳечам.

Сел ва ёмғирлар ювибдир манзилни бус-бутун,  
Кўз жигар қони билан юзларни ювгандек бирам.

Ул асарлар ҳам йўқолмиш, ҳамда ёшлигим менинг,  
Сочим оқи келди голиб, иккиси қилди алам.



Кексаликдан чини нишондир икки чека оқлиги,  
Қўрқишар баттолдану дерлар: «Ҳазар қил, э одам!»

Десалар: «Соқол бўя». Дерман, бу иш яхши эмас,  
Чун ажал ажратмагай оқу қаро ранг бўлса ҳам.

## Қитъалар

Улуғлигим туфайли дилларида ваҳмлар зоҳир,  
Йўқса ҳеч бир кечирмай, айлашар эрди хўп таҳқир.

Мени тутмоқчи бўлганлар қазиб чоҳ айлашар «ав-ав»,  
Кучук овози ҳар ёқда, фақат мен бунда шерман, шер.

Узоқдан ўқрайиб менга қилурлар қанча гавғолар,  
Мен эрсам кечалар илм истаюрман уйқусиз охир.

Агар бундай адоват ўрнига бўлсайди одил кўз,  
Қўрарди ишларимда ул ёмон ўрнига хўб тадбир.



Қўп ичмак этма одат, ҳам қулоқ сол,  
Озига қил қаноат, гоҳ қадаҳ ол.

Қизил гулдек шароб руҳни этар шод,  
Қорин оч бўлса, майни айлама ёд.

Суюқ овқат билан парҳез қилғил,  
Ҳам иссиқ ош егач, майдин тийилғил.

Қўлингда бўлмасин пайваста бода,  
Бир ойда бир бор ичсанг шул кифоя.



Тарк қил бор нарсани, жон барчадан аълодурур,  
Жон камоли илмдандир, илмдандир сўлу соғ.

Жон агар бир шиша бўлса, илм худди лампадир,  
Ҳикмати инсонни билғил ул чироғда лампаёғ.

Лампа равшан ўлса, сен ҳам соғ-саломат ҳам <sup>тирик,</sup>

Лампа гар сўнса сенинг ҳам ўлганингмасми шу <sup>чоғ.</sup>



Оламнинг сайрига қўйдимку қадам,  
Қаршимда намоён бўлди ҳар не бор.  
Ҳайратимда қўлим тутган соқолдан  
Бошқа бирор нарса бўлмади ошкор.



Тақдир гардишидан ва пешонамдан  
Худойимга қилай энди шикоят.  
Ешлигим олди-ю, ўзи навқирон,  
Оҳанрабо бўлдим, томирим — заҳмат.

□

Эй қаро кўз, ҳар бир аёл, ҳар бир қизнинг  
Яхши хулқин ўшатишмас майга доим.  
Севиқлигим оқ узумдан бўлган шароб,  
Ақлим ёви, кўринса-да кўп мулоийм.

□

Қандай кишиларки, фазлимга ҳасад,  
Ғийбатдан бошимга бўлдилар бало.  
Камолу ҳикматим пастга уришиб,  
Ҳар ерда нодонлик этдилар намо.

Ёввойи эчкидек қояни сузиб,  
Менинг таҳқиримни кўрдилар раво.  
Аммо ёш ҳам бўлса манзилга яқин,  
Нодонлар сўзидан чўчимас асло.

□

Хаста қилмиш кипригинг ҳам жонима кирмиш  
аро,  
Ҳам касал қилғувчидир у ҳам табибим, меҳрибон.  
Лутф бирла васлинг инъом айлабон қил бахтиёр,  
Жавҳар ўрнини араз олғувси баъзан бегумон.

□

Сирингни сўрасалар, ҳар кимсадан тут пинҳон,  
Ҳар кимки гапирмас кўп, удир мулоҳазакор.  
Ичингда ниҳон бўлса, сиринг сенинг асиринг,  
Ўзинг унга асирсан, қачонки қилдинг ошкор.

□

Олий мақсадларга етмоқлик эрур майлим менинг,  
Мартабалар пастига рози эмасман ҳеч қачон.  
Е етарман мақсадимнинг чўққисига охири,  
Е бу йўлда шум ажалдан топғуси ором бу жон.

□

Қарилиқдир кетган ҳаёт нишони,  
Аммо битмас дил орзуси, тилаги.  
Дилда ғурур, орзу-армон кўп, лекин  
Туғаб бормоқдадир кунлар этаги.

□

Севгилимни йўқотганман, аламдан  
Қаро кийиб мотам тутиб юрибман.  
Қоронғи тун нимасини йўқотмиш,  
Нечун қаро киймиш билмай турибман.

□

Оламга қаролик таратмоқ бўлиб,  
Урим сочларини ёйган эди ёр.  
Ва лекин жамоли нурланиб кетиб,  
Мақсадга етолмай қолди у ночор.

## Рубоийлар

Мени кофир этмак эмасдур осон,  
 Ҳаммадан маҳкамроқ мендаги имон.  
 Юз йилда бир келур мен каби инсон,  
 Демак бу дунёда йўқ бир мусулмон.

□

Дарду ғамдин қолмади ҳеч тоқатим,  
 Тангри, бергил кафтимга май—роҳатим,  
 Ишқ дардига шифо эрур тоқ қизи,  
 Даво топсун ундан дил жароҳатим.

□

Ешлик ишин қилиб бўлмас қариган замон,  
 Қарилигинг кофур<sup>1</sup> очар, бўлмайди ниҳон.  
 Нима қилсанг, қилавердинг қаро кечада,  
 Оппоқ тонгда ул ишларга йўл йўқ ҳеч қачон.

□

Эй қуёш, йўқ сендек кезувчи олам,  
 Менга ҳам йўл кўрсат, йўлчиман мен ҳам.  
 Муҳаббат йўлида кўрдингми бул кун,  
 Юзи гардсиз, дили дардсиз бир одам?!

□

Май мастга душману ҳушёрга ёрдир,  
 Ози тарёк, кўпи бир заҳри мордир.  
 Кўп бўлса зарари оз эмас унинг,  
 Оз бўлса унда кўп манфаат бордир.

□

Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон  
 Эшак табиатин қилур намоён.  
 Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,  
 Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.

□

Қаро ер қаъридан то авжи Зуҳал —  
 Қоинот мушқулин барин қилдим ҳал.  
 Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,  
 Ечилмай қолгани биргина ажал.

□

Эй кошки, билолсам мен қандай инсон;  
 Оламда не излаб бунча саргардон.  
 Кераклигим бўлса яшасам хандон,  
 Бўлмаса минг кўздан ёш тўксам гирён.

<sup>1</sup> Оқ рангли модда, камфара.



Дил бу чўл ичинда қанча чопмади,  
Қирққа бўлинди-ю, бир қил топмади.  
Кўнглимда минг қуёш нур сочди, лекин —  
Камолга заррача ҳам йўл топмади.



Ҳақ жаҳоннинг жонидур бадандур жаҳон,  
Фаришталар бу танга сезги, бегумон.  
Унсурлардан барча жисм маволид аъзо,  
Шудир борлиқ, қолгани ҳийлаю ёлғон.



Нарсалардан гўё қолмас ном-нишон,  
Лекин хазинага йиғади замон.  
Чарх яна худди шул ҳолатга келса,  
Уларни пардадан чиқарур даврон.



Дўстим душман билан ўтирмиш бисёр,  
Энди ўтирмайман у билан зинҳор.  
Парҳез қил шакардан заҳари бўлса,  
Пашшадан қоч, қўниш жойи бўлса мор.



Зулфинг шар кетидан мисоли аждар,  
Биласанми белингга нечун чирмашар.  
Лъалинг ичра кўриб зумрад конини  
Тоғингда аждардек боғламиш камар.



Соқий, жаннатий соф зулолинг қани?  
Ҳақ кўринар ойна мисолинг қани?  
Ичимни тозалаб ювмоқ ниятим,  
Чўлоқ қумғон, синган сафолинг қани?



Гоҳи бода ичсам хомликдан нишон,  
Пайдар-пай ичсам бадномликдан нишон.  
Майни шоҳ ё ринду доно бўлсанг ич,  
Бўлмаса душманга мақсаду нишон.



Яхшию ёмондин қилиб ор биз —  
Ҳақнинг карамидан умидвормиз.  
Лутф этса қилган иш қилмаган бўлур  
Ё ҳеч бир гуноҳсиз гуноҳқормиз!



Яхшидир кетмасдан ушбу жаҳондан,  
Ақлинг халос бўлса ҳар пушаймондан,  
Эрта қўлдан келганин қилмоқдан ожиз —  
Қоласан, фойдалан бу кун имкондан.



Эй нафс, орзу-ҳавас кишанидан кет,  
Бир дам ҳимояси учун шитоб эт.  
Дунё, мансаб дема, учма ишвага,  
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет.



Ҳар ерда жаҳолат ҳаддан ошган он,  
Замона жигаринг қилур қаро қон.  
Марварид, гавҳарга тўлурми қўлинг,  
Остонанг ул ёғи гар бўлса уммон.

## Байтлар

Кўрларга қуёш равшан эмаску,  
Жоҳилга тўғри йўл пинҳон шунингдек.



Мубтало бўлмоқни кимки истамас,  
Ҳаммом иссиғига тутмас орқасин.



Менинг сабрим жуда қаттиқ, сенинг эрса  
юррак-бағринг,  
Демак бир тош эканмиз иккимиз ҳам бу  
муҳаббатда.



Олий мансаб эгалари жонсиз нарсалар бўлди.  
Ажаб, жонсиз нарсалар ҳам нашъу намо қилишар.



Зулфи бирла қоп-қаро тун зоҳир айлар бўлди-ю,  
Юзларининг шуъласи йўл бермади кеч киргали.



Мен улуғ бўлдим-ку, лек кенг бўлмади майдон менга,  
Қимматим ошгач харидор чиқмайин қолди ахир.



Етиб борса, ҳазар қилғил, менинг сўз шамширим доми,  
Ва ё тил шамширим сўзи шамоли етгани они.



Ёмон ё яхшилик қилгай ҳар киши,  
Шу ёмон, яхшини топмоқдир иши.



Қора қарға қаноти оппоқ бўлган он,  
Мен ҳам бўяб соқолим, бўлай навқирон.



Агар овқат чексиз лазиз бўлса ҳам,  
Кўп емагил, келтиради дарду ғам.



Йўқликка кетмишлар минглаб улуғ зот,  
Бирортаси қайтиб келмади, ҳайҳот!

## Маснавий

Бир овқатинг ҳазм бўлмай, яна овқат демагил,  
Эҳтиёт бўл, касал бўлиб, сўнг пушаймон емагил.

Чайнашга тиш ўтмас экан, уни ютма аввало,  
У таоммас, соғлиқ учун, умринг учун бир бало.

Ич бўшатиш лозим экан ҳатто ҳаёт хавфи ҳам,  
Бошда бўлсин, бу ишни ҳеч кечиктирма бирор дам.

Айниқса бу иш зарурат эрур уйқу олдидан,  
Чуқур уйқу истар эсанг, ором, орзу олдида.

Ҳар икки кун бир мартаба ҳаммом керак одамга,  
Бу тозалик танга дармон, даво, тирак одамга.

Эҳтиёжсиз ичма дору, беҳудага ҳеч даво,  
Улардан сен фойдалангил зарур бўлса мутлақо.

Зўр эҳтиёж тушганида доруга этгил ружу,  
Чунки ўткир таянч эрур танинг учун ул дору.

Ш. Шомуҳамедов  
таржимаси.



Бегали Қосимов

## ЗАМОНДОШЛАР, МАСЛАКДОШЛАР...

Ҳамза — халқимизнинг қалбида ҳамиша уйғоқ келаётган ардоқли фарзандларидан бири. Унинг чақмоқдек фаолияти озодлик учун олиб борилган курашга бир тимсол. Ҳамзанинг серқирра ва сермәзмун ижоди адабиётимиз ва маданиятимиз тарихида бир босқич. Унинг ҳаёт ва ижод саналари ҳам маъноли. У туғилган 1889 йил кўҳна Туркистон бахт ва эрк учун кўзғолган бир пайт эди. Шундан уч йил ўтгач, Тошкентда «вабо исёни» бўлиб ўтди. Яна беш йилдан сўнг бутун ўлкани ларзага солган «Андижон кўзғолони» бошланди. Ижоди эса 1905 йилда бошланган эди. Ўзбек совет адабиётининг пойдевори бўлган «Бой ила хизматчи» 1917 йилда ёзилди...

Ҳамза — халқимизнинг тақдирини «таъбир» эмас, «таъбгир» ҳам қилган, яъни фақат ўйлаб, ҳатто куйлаб кўя қолмай, уни рўёбга чиқариш учун жонбозлик кўрсатган шонли авлод вакили. У ёлғиз эмас эди. Ёлғиз бўлиши мумкин ҳам эмасди.

1915 йилнинг январида Фарғона шаҳарлари бўйлаб гастролга чиққан Тошкентнинг «Туркистон» театр труппаси Кўқонга келди. Труппа спектаклларини кўқонликлар қизиқиб томоша қилдилар. Бир йил олдин самарқандлик театр ҳаваскорлари келиб кетган эдилар. Кўқонда ҳам театр санъатига қизиқиш кучайган, унинг фидойи ҳаваскорлари кўпайган эди. Улар «Туркистон» труппасининг ишларига кўмаклашдилар, спектакллариде иштирок этдилар. «Садоий Туркистон» газетаси 21 январь сониде Кўқонда труппага яқиндан ёрдам берган ёшлардан ака-ука Мирзоҳид ва Мирҳомид Мироқиловларга, Юнусхон Ҳожигалиқовга «Туркистон»нинг маъмурияти томонидан расман ташаккур ҳам билдирган эди. Уша давр маданий ҳаётининг катта ҳодисаларидан ҳи-

собланган бу гастролларнинг тафсилот ва таассуротлари сақланмаган, албатта. Лекин бир нарса жуда аниқ. «Туркистон»нинг Кўқон сафари Авлоний бошлиқ меҳмонлар учун ҳам, Ҳамза бошлиқ мезбонлар учун ҳам беҳад фойдали бўлди.

1913 йилнинг охирида ташкил топиб, 1914 йил 27 февралда машҳур Колизей (ҳозирги Ўзбек Давлат филармонияси, Я. М. Свердлов номли концерт зали) да ўз фаолиятини бошлаган «Туркистон» труппаси ўз атрофида Тошкентдаги энг илғор ижодкор ёшларни жалб қилган эди. Масалан, труппанинг фаол аъзоларидан бири, Ильин матбаасининг ишчиси Низомиддин Хўжаев кўп ўтмай машҳур инқилобчи бўлиб танилди. Юсуф Алиев, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Бадриддин Аъламов, Маҳаммадҷон Подшоҳўжаевлар 1918 йилдаёқ партия сафига кириб, революцион ишларга аралашиб кетган эдилар. Улардан Юсуф Алиев, Лазиз Азиззода гувоҳлик берганидек, партия ва ҳукуматимизнинг бир қатор масъул вазифаларида ишлади, Бухорода партиянинг биринчи ячейкасини тузишга муваффақ бўлди. Саъдулла Турсунхўжаев эса 1919 йилда Туркистон республикасининг миллий ишлар ҳамда ташқи ишлар комиссари, 1924 йилда Хоразм Марказий Ижроия комитетининг раиси вазифаларида ишлаган эди. (Қаранг: Л. Азиззода, Янги ҳаёт курашчилари, Тошкент, «ФАН», 1977 йил, 35—40, 96—100-бетлар). Улар бадий ижод билан ҳам шуғулланардилар. Л. Азиззода ўз китобида Ю. Алиевнинг истеъдодли шоир бўлганлиги ҳақида сўз юритиб, инқилобий шеърларидан бирини келтириб ўтади, Авлонийнинг ҳаммаҳалласи мерганчалик С. Турсунхўжаевнинг босмачиларга қарши кураш мавзудида ёзилган 4 пардале «Туркистон ватанпарварлари»

драмасы сахналарда муваффақият билан қўйилганини хабар қилади.

Рус-тузем мактабини битирган Бадриддин Аъламов 1914-16 йилларда ўзининг «Жувонмарг», «Аҳмоқ», «Угай ота», «Бойвачча» пьесалари билан танилган Абдулла Бадрий (1893—1936) эди. Машҳур Маннон Уйғур, «Ҳалима»нинг муаллифи Ғулум Зафарийлар ҳам Авлоний труппасидан чиққан эдилар. Қўқонда ҳам бир қатор истеъдодли ёшлар уюшган эди. Театршунос М. Раҳмонов 1915 йилнинг бошларида майдонга келган Қўқон театри ҳаваскорлари труппаси Абдурауф Самадов, Маҳмуд Тараша Баратов, Абдулазиз, Холмуҳаммад Охундий, Аъзамхўжа, Мирхомид Мироқиллов, Азимхўжа Тошхўжаев, Ҳасан Эрматов, Исоқ Содиқий, Абдуллажон кабилардан таркиб топганини аниқлади. (М. Раҳмонов, Ўзбек театри тарихи, XVIII асрдан XX аср аввалигача, Тошкент, «ФАН», 1968 йил, 313—314-бетлар). Булардан наманганлик Абдурауф Самадов (Шаҳидий) қалами анча қайралиб қолган ёзувчи эди. Унинг 1911 йилда ёзилган маърифатчилик руҳидаги «Фалокатзада» номли воқеий қиссаси анча шов-шув бўлган, «Туркистон вилоятининг газетаси»да босилган, Ибратнинг «Исҳоқия» матбаасида алоҳида китоб ҳолида нашр этилган эди. Дарвоқе, ўзбек драматургиясининг хронология жиҳатидан ҳозирча энг биринчи намунаси бўлиб турган «Маҳрамлар» (1911 йилда ёзилиб, 1912 йилда «Исҳоқия»да босилган) драмасининг муаллифи ҳам мана шу Абдурауф Шаҳидийдир.

Қатор шеърӣ китоблар, драмалар муаллифи, 1900 йилда Қўқонда биринчи бор фотографияни жорий қилган Иброҳим Даврон (1874—1922) «Туркистон вилоятининг газети»да ҳам тез-тез чиқиб турарди. Масалан, унинг шеър ва шоирлик рубтаси, кадри ҳақида 1909 йилда ёзган «Адабиётимиз ва шоирларимиз» номли эътиросли мақоласи ҳали ҳам кўпчиликнинг ёдида эди. Муаллиф ўшанда «Шоир надур?» деган савол қўйиб, «табиатнинг энг савдоли замонларидан... яралмиш» шеър ва шоир шаънини ҳимоя қилиб чиққанди. Эл, халқ тушунчаларидан тамом беҳабар, лекин шоирлик даъво қилувчи «суқир табиа»т кимсаларни, «пивоҳўр шарлатанлар» у «маслаксиз ҳардамхаёллар»ни аёвсиз қамчилаб, Наъмиқ Камол, Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат каби «оламжаҳон» шоирларни ўрнак қилиб кўрсатганди. Қисқаси, водийнинг ҳам маданий-адабий ҳаётида қизгин, шиддатли жараён кечарди. Авлоний Тошкентга қайтган, Саёҳат самараси» номли шеър ёзди.

Бу шеър:

Басдур эмди шунча Ҳижронлиғда  
Ўтди ою йил,  
Илгарига ҳатлашайлуқ бир бўлуб  
қардошлар!—

деган китоб билан тугалланарди. (Авлоний, Адабиёт, 3-жуз, 2-табъ, Тошкент, 1916, 10—11-бетлар).

1915 йилнинг сентябрида Авлоний труппаси «Захарли ҳаёт»ни сахналаштирди. Бир нарсага эътибор қилайлик. Драма 1915 йил-

да ёзилган. 1916 йилда босилиб чиққан. Қўқонда биринчи мартаба 1915 йилнинг 22 октябрида ўйналган. Бинобарин, уни биринчи саҳнага қўйган Авлоний труппаси бўлди. Авлоний драмани 1915 йилги Фарғона саёҳатидан олиб қайтган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Театршунос М. Раҳмонов, юқорида тилга олинган китобида Ҳамза ва Авлоний муносабатларининг ўрганилиши зарур бўлган масала сифатида алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, XX аср ўзбек маданиятининг донгдор вакили Ҳамза билан ўз ижоди ва фаолиятини ёши ва муҳити тақозосига кўра эртароқ бошлаган унинг истеъдодли, заҳматкаш замондоши Авлонийни бир-бирига яқинлаштирадиган жиҳатлар кўп. Уларнинг ҳар иккиси ҳам Муқимий ва Фурқат бошлаб берган демократик адабиётнинг муносиб давомчилари сифатида майдонга чиқдилар. Ҳар икки шоир дунёқарашининг шаклланишида 1905 йил воқеалари, илғор замондошлар катта роль ўйнади. Биринчи рус революцияси ҳар икки адабнинг Миллий-ижтимоий, айтиш мумкин, инқилобий фаолиятида бурилиш нуқталаридан бўлди.

Мана ҳар икки шоирнинг ўз таржimai ҳолидан олинган икки парча:

Ҳамза:

1908 йилда Наманган(га) бориб, етти-саккиз ой таҳсил этганидан сўнг, ҳозирги маориф (Наманганда) раҳбари Абдулла Тўқмуллин билан тасодиф этиб, ундан яхши раҳбарликлар олдим. Ул менинг кўлимда ўз қаламим биле» (ёзилган) юз саҳифадан ортиқроқ эски усул (аруздаги шеърӣ ёзмаларимни кўриб, тарбияга киришди...

1905 йил рабочий инқилобини ҳам шунда ўргандим.

Қўл матбааси билан майда рисолача, зълонлар чиқариб турувчи бир татар йигити бўлиб, мен ҳар ҳафтада бир-икки унинг билан суҳбат қиладир эдим. Ул мени хили дардлаган бўлса керак шул кундан бошлаб эски подшолар турмушидан бир «Ҳақиқат кимда?» исмли ҳавосиз, операли бир роман ёзган эдим... Бундан буёнги шеърларим миллий ва инқилобий тусларин ола бошлади (Парча Л. Қаюмовнинг «Ҳамза» («Ёш гвардия», Т., 1973) китобидан (7-бет) олинди).

Авлоний: 1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқуни бизга ҳам зўр таъсир қилди. Сиёсий маслакларга тушуниб, биринчи навбатда қора халқни оқартирмақ ва кўзин очмоқ чорасига киришдик...

1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталари чиқиб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилгандан сўнг 1907 йилда мен ўз муҳаррирлигим билан ҳамда темир йўл ишчиларининг социал-демократ фирқасининг алоқа ва ёрдами билан «Шўҳрат» исминдаги газетни Сапёрний кўчада чиқардим. Темир йўл ишчиларининг кўмиталари томонидан «Рафиқ Собиров» исмли қозонли татар орқадошимиз мени газетимга келиб, ёзув жиҳатиндан ёрдамлашур эди. Шул вақтда Урунбурғда чиқадургон, фофирус қоғазига босиладургон «Солдат» исмли русча маҳфий (тайний) газетани ва мундин бошқа русча ёзулмиш турли фроқламацияларни «Рафиқ Собиров» билан иккимиз турли



кишиларнинг воситаси билан тарқатур эдик. Бу русча фроқламацияларга қаноат қилмай, муслмонча типўграф билан махфий суратда фроқламация босуб, шаҳар ва қишлоқларга ҳам тарқата бошладик. Бу фроқламацияни(нг) ёзувчиси — Утаб котиб, Эски шаҳарга тарқатувчиси — Эшонхўжа, Янги шаҳарга — мен, қишлоқларга — Умарқул Анорқул ўғли эди. Бизни(нг) ҳаракатимизни эски ҳукуматнинг сезганлиги билинди. Менинг уйимда ёлғон паспорт билан турғон «Собировни қочирдик. Ул Урунбурғга бориб қўлга тушиб қолди. Суд ўлимга ҳукм қилиб, Тошкентдаги қўмитани очиб берсанг, ўлим жазосин ўзгартирамиз, деб шарт қўйдилар. Ул ўлимдан қўриқиб тамом қилғон ишларин, «Шухрат» газетасин шул қўмитанинг ёрдами билан чиққонлигин ва инқилоб қўмита аъзоларин тутиб берди. Кўб кишиларнинг ўлимига, Сибирь ва турмага ёпилувига сабаб бўлди. 10-нумерида «Шухрат» газетасин тамом нимарсаларин бутун идорадаги хат ва қоғозлар билан мусодара қилиб, «кризичайни охрани» кучи билан чиқармасқа мендан имзо олуб тўхтатти. Йиқилғон курашга тўймас, дегандек, 1908 йилда ёзувчиларимиздан Аҳмаджон Бектемиров номига «Озие» исмли газетга руҳсат олуб, идорани ўз уйимга кўчирув яна чиқара бошладик. 6-нумеринда... буни ҳам мусодара қилиб бердик кетди<sup>1</sup>.

Ҳамзашунос олимлар унинг 1909 — 10 йилларда Тошкентда яшаганини маълум қиладилар. Бу вақтларда Авлоний тараққийпарвар, маърифатчи сифатида танилиб қолган эди. Чунончи, 1904 йилда Мирободда янги типдаги мактаб очгани, у ҳақда газеталарда мақолалар босилгани, 1909 йилда «миллий ҳасрат ва надоматлардан иборат» шеърларини мактаб ўқувчиларига мўлжаллаб, мажмуа ҳолида нашр эттиргани, ниҳоят «Шухрат» газетасидаги редакторлиги Ҳамзанинг диққатини тортмаган бўлиши эҳтимолдан узок. Улар биринчи маротаба мана шу 1909 — 10 йилларда танишганлар деган тахминга асос бор.

Давр ҳодисаларидан озиқ олиш Ҳамзани 1911 йилда

Чашми хун, боши нигун ҳар бир  
   ҳақиқат ошиқи,  
 Кўхнапуш ўлса, аёқ остида  
   хасдан хор экан<sup>2</sup>

деган хулосага олиб келади. Шоир ҳаёт ва интилошлари билан кенг халқ қатламла-

<sup>1</sup> Абдулла Авлоний, Таржимаи ҳол (автобиография № 6), 1921 йил, қўлёзма 3—4-бетлар. (Қизи Ҳакима Авлонова қўлида сақланади). Авлонийнинг шахсий архивинда унинг турли даврда турли муносабатлар билан ёзилган 7 таржимаи ҳоли мавжуд. Булардан энг кейингиси 1932 йил 26 ноябрь санаси билан рақамланган бўлиб, уни шартли равишда № 1 деб, энг олдингисини — адиб Узинпросда мудирлигида (1921) ёзилганини эса № 6 деб белгиладик.

<sup>2</sup> Ҳамза. Асарлар. 2 томлик. 1-том. Тошкент, 1969, 20-бет.

рига яқин турган Муқимийнинг «дунё қурилган дор экан» деган сўзларидаги маълум ва машҳур фикрни конкретлаштирди. «Шухрат» газетаси орқали инқилобий ташкилотлар билан яқинлашган Авлонийнинг 1909 йилда босилиб чиққан «Адабиёт» шеърлар тўпламининг 1-жузида шундай сатрлар бор эди:

Ғанийлар ўртамизда бор,  
           «ҳиммат ишлари» буррон,  
 Фақирлар жисмини тишлаб олурга  
           тишлари буррон,  
 Хусумат айламакда дилдаги гул-  
           гишлари буррон,  
 Ҷамоат-хайрни бузмак учун  
           қирқишлари буррон,  
 Ғариблар жамъига бундай аламини  
           заҳри мор этмас.

(Авлоний, Адабиёт, 1-жуз, 1-табъ, Тошкент, 1909, 14-бет).

Дарҳақиқат, улар замондошларининг энг пешқадам вакиллари сифатида 1909 — 10 йилларда ижтимоий ҳаётдаги тенгсизликни кўра олдилар. Унинг моҳиятини англашга ва англатишга уриндилар. Унинг сабабларини ва ундан қутулиш йўлларини ахтардилар. Адабиёт ва санъатнинг биринчи галдаги вазифаси халқни асрлар оша қон-қонига сингган гумроҳликдан, мутаассибликдан халос қилиш, унинг миллий, инсоний ҳуқуқларини тушунтириш, бир сўз билан айтганда, уйғотиш деб билдилар. Матбаачиликка, театрчиликка асос солинди. Янги типдаги мактаблар ташкил топди. Улар учун программа ва дарсликлар майдонга келди. Адабий-маданий ҳаракатчилик бутун ўлкада қизгин тус олди. Тошкент ва Самарқандда, Фарғонанинг Қўқон, Наманган, Андижон каби шаҳарларида, Хива ва Бухорода ўнлаб истеъдодли шоирлар етишиб чиқдилар. Улар орасида илгари кўрилмаган бир ҳамкорлик, ҳамфикрлик қарор топди. Тараққиёт ва маданият, санъатнинг вазифаси ва санъаткорнинг бурчи, бадиий адабиётнинг тил ва услуби каби масалалар қизгин муҳокама қилинди ва уларда туғилиб келаётган янги ғойий-эстетик қарашлар ўз ифодасини топди...

Ҳамза ва Авлонийга қайтайлик. 1914 йил 4 апрелда Тошкентда «Садойи Туркистон» газетасининг 1-сониде босилиб чиқди. Бор-ўғи 66 сони чиқиб, бир йилча давом этган бу газета Ҳамза ва Авлоний муносабатларида алоҳида саҳифа бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Негаки, ҳар икки адиб ҳам унда фаол иштирок этган эдилар. Атоқли ҳамзашунос Лазиз Қаюмовнинг аниқлашича, Ҳамзанинг шу газетادا чиққан «Аҳволимиз» (1914 йил, 11 май, № 9) шеъри унинг матбуотда босилган биринчи асаридир. (Қаранг, Л. Қаюмов, Инқилобий драма, Тошкент, 1970, 13-бет).

1907 йилдан буён матбуот ишларига аралашиб келаётган Авлонийнинг эса газетادا анчагина мавқеи бор эди. У ўз таржимаи ҳолида газетادا «ёзувчилик ва муҳаррирлик» қилганини хабар беради. Бу гап асоссиз бўлмаглиги керак. Газетанинг расмий редактори адвокат Убайдуллахўжа Асадул-

лахўжаев эди. Фаолиятининг илк даврларида тараққийпарварлик қарашлари билан танилган, 1909 йилда Лев Толстойга хат ёзиб жавоб ҳам олган бу киши Зиё Саиднинг ёзишига қараганда, «мусулмонча ўқиш-ёзишни билмасди».<sup>1</sup>

Шу сабабдан муҳаррир — ношир қалами равои ижодкорга — ғайрирасмий муҳаррирга муҳтож эди. Шундай киши эҳтимол, Авлоний бўлган бўлса. Хўш, бунга асос борми? Маълум даражада бор. Аввало, Авлоний материаллари газетада тез ва кўп босилиб турган. Масалан, газетанинг 1-сонида унинг 2 мақоласи ва 1 шеъри босилган. Айниқса, шеърда газетанинг маслак ва мақсади, программаси ифодаланганки, ундай ваколат ва ҳуқуқни фақат муҳарриргина ўз зиммасига олиши мумкин. 1914 йил 22 августда газетага шеър ёзиб турган ёшларнинг шеърлари тўпланиб, «Сабззор» номида алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди. Тўпламга 15 шоирнинг 40 тага яқин шеъри киритилган бўлиб, шундан 14 таси Авлонийники эди. Мана шуларни кўзда тутиб, Авлоний 1914 йилда бевосита газета редакциясида ишлаган ва шу даврда унда фаол қатнаша бошлаган Ҳамза билан тез-тез учрашиб турган деган фикрга келамиз.

Ниҳоят, яна бир далил. Челябинскда татар тилида чиқиб турган «Оқмулла» сатирик журналининг муҳбири Маҳмуд Будаий 1914 йилда редакция йўлланмаси билан Тошкентга келади. (У 1920 йилда Бухоро Халқ Республикасида матбуот нозири — министри ҳам бўлиб турган). «Гулистон» журнали яқинда унинг бир хотирасини эълон қилди. У ёзади:

«Садоий Туркистон» газетаси редакциясида Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Ҳамза Ҳакимзода билан танишдим. Бу газета идорасига деярли ҳар куни бориб турардим. «Садоий Туркистон» маҳаллий халқ ўқийдиган анча нуфузли газета эди...

Уша пайтда кўнглимда чуқур таассурот қолдирган кишилардан яна бири Абдулла Авлоний бўлди. У ўзбекнинг таниқли зиёлиси, адиби, хокисор, закии таъб киши эди. Гаплашганда ҳамсуҳбатининг юзига тикка қарамас, баъзан янги шеърларини мулоим оҳангда ўқиб берар, тинглаганингиз учун қайта-қайта ташаккур айтар эди. Шўҳ ва ҳазилкаш Ҳамза уни «худонинг энг бегуноҳ бандаси» деб дўстига тегажаклик қиларди». («Гулистон» журнали, 1971 йил, 11-сон, 24-бет).

Икки адиб муносабати шунчаки танишлик даражасида бўлган эмас, албатта. М. Будаий таъкидлаганидек, улар дўст бўлганлар. Унга кўшимча қилиб, бу дўстлик маслак ва эътиқод, қарашлар ва интилишлар бирлиги замирида туғилган, улар даврнинг энг муҳим масалаларини тушуниш ва ҳал қилишда бир-бирларига ҳамкор, ҳамфикр, ҳамдаст бўлганлар дегинг келади. Шу жумладан Ҳамза асарларининг «Садоий Туркистон» саҳифаларида пайдо бўлишида Авло-

нийнинг ҳам хизмати бор эди. Ҳамзанинг ижтимоий тенгсизликни фавқулодда жасорат билан очиб берган программ шеърларидан бири «Рамазон» шу газетада босилиб чиқди. Шоир шеърда келажакка ҳам дадил боққан, разолатга тўла қўнғанин ўзгармоғи лозимлигидан башорат диланган эди. Чунончи:

Ўйлама ўлгунча ҳар ким бу  
разолатда кетар,  
Шоҳлар бир кун гадо, бир  
кун гадо шаҳзоодур.

Синчиклаб қараган киши бу хил фикрларнинг ўша давр шеъриятимизнинг энг яхши намуналари билан ўзвий алоқасини сезмасдан иложи йўқ. Жумладан, у Авлонийнинг қуйидаги сатрларига оҳангдош:

Ҳар ким келур оламга бўлур  
зору паршон,  
Гурбатла, машаққат-ла яшар  
дунёда инсон...  
Золимнинг ўзи зулм(г)а  
гирифтор ўлур охир,  
Албатта бўлур уй буз(г)ан(н)инг  
хонаси вайрон.  
Сабр айла кўзим, йиғлама  
меҳнат-ла, жафога,  
Бир доирада давра қи(л)маз  
гардиши даврон.  
Бир кун бу хароб олами обода  
қўюб юз  
Гуллар очилуб, қилгуси  
булбуллари жавлон.

(Авлоний, Адабиёт, 2-жуз, 1-табъ, Тошкент 1912, 15 — 16-бетлар).

Ҳамзанинг «Садоий Фарғона» газетасининг 1914 йил 21 май сонида босилган «Муҳаммас бар ғазали Авлоний Тошкандий»си ҳам икки адиб ижодий ҳамкорлигига гувоҳ бўлиб турибди. Бу ҳамкорлик самараларини уларнинг бошқа жанрлардаги асарларида ҳам топиш мумкин. У биринчи навбатда, халқнинг кенг қатламларига теран разм ташлашда, жамиятнинг адолатсиз қўрилганини, ҳақсизлик авжга минганини, меҳнаткашининг тирикчилиги тоқат қилиб бўлмайдиган даражада келганини қатъият ва изчиллик билан ўқувчига етказишда кўринади.

Бу даврда ижтимоий адолатсизликни синфий сабаблардан излаш кучайди. Бу айниқса, поэзия ва публицистикада равшан кўринди. Шу ўринда Ҳамзанинг яна бир замондоши, ўзбек инқилобий матбуотининг йирик намояндаси Мирмуҳсин Шермуҳамедовнинг «Туркистон вилоятининг газети»да (1914 йил 45, 46, 49, 51, 54-сонлар) босилиб чиққан «Саёҳатимдан намуна» номли очеркини келтириш ўринли бўлур эди. Мирмуҳсин 1914 йил 2 июнда саёҳатга чиқади. Мирзақўлга боради, ундан Қўқонга ўтади. Очеркда йўл хотиралари, истиқбол ҳақидаги ўйлар яхши берилган. Лекин у ерда муҳим бир жойи бор. Ёзувчи поездда Фарғона водийсига кириб бораркан, текис, бўлиқ ғўзалар уни гоё завқлантиради. Адиб ҳам қувонади, ҳам ачинади. У бу ғўзалар миришкор Фарғона деҳқонлари меҳнатининг самараси эканлигидан шодланади. Лекин булар меҳнаткаш деҳқонларга насиб қиладими? Мир-

<sup>1</sup> Зиё Саид, Танланган асарлар. Тошкент 1974, 43-бет.

муҳсин шуни ўйлайди. Афсуски, булар «беги оғримагон беилм бойваччалар қўлида рехтуран қизларига вақф бўлур». Бечора меҳнаткаш «бегли оғримагон бойваччалар»ни едиради, кийдиради. Уларнинг бемаъни машатларини таъминлайди, Лекин ўзи оч, ўзи яланг оёқ, ўзи яланғоч! Очеркдан келиб чиқадиган хулоса шундан иборат эди.

Маҳмуд Будайли юқориде зикр этилган мақоласида «Редакциядагилар («Садойи Туркистон» ҳақида гап кетаяпти — Б. Қ). газетанинг услуби, йўналиши масалаларида айниқса Мирмуҳсиннинг фикр ва маслаҳатларига суюран эдилар», — деб ёзган ва унинг Ҳамза билан бўлган мулоқотларига оид кўпгина воқеаларни маълум қилган эди.

10-йилларда қалам аҳлининг қизгин муҳокама қилган масалаларидан бири адабиётнинг мавзуи, бурчи, тил ва услуби кабилар бўлди. Анбар отининг шеърятдаги маъносиз пайравчиликка, маддоҳлик ва сафсатабозликка қарши бориб, адабиёт — «икки ёқлик зулмуни» эътироф этиш эканлиги, унинг мавзуи «халойиқ ҳоли», элнинг тирикчилиги («эиндаги») бўлиш кераклиги ҳақида Камийга хитобан ёзган шеъри бугунги кунда кўпчиликка маълум. 1914 — 16 йилларда бу масалалар вақтли матбуотда қизгин муҳокама қилинган эди. Чунончи, Авлоний бир шеърда:

Келинг эмди ёзайлук, сўзлашайлук  
камчиликлардан,

Етар Ҳижронлиг эмди, жоми  
ишратдан гапурманглар,

(«Садойи Туркистон» газетаси, 1914 йил, 20 май) деб адабиётнинг мавзуини белгилашга ҳаракат қилди. Авлонийнинг бу хусусдаги фикрларини конкретлаштирган ва тўлдирган Ҳамза «Гапур!» (Шу газета, 1914 йил, 23 август) шеърда ўзининг бу масаладаги позициясини қатъий ва аниқ ифодалаб берди. Унингча, шоир ижтимоий «киллат»лардан, «доғи ватан»лардан, камбағал-еъмиларнинг аҳволдан сўзламоғи керак. Ҳамза шеър ва шоир олдида шундай талабни қўяди.

«Туркистон вилоятининг газети»да (1914 йил, 72-сон) Мирмуҳсиннинг «Шоир жанобларга илтимос» деб номланган мақоласи босилиб чиқди. Унда муаллиф қаламкаш дўстларини бадий ижоддаги сафсатабозликка қарши курашга даъват этган, Абдулла Тўқай ижодини халққа хизмат этишнинг намунаси сифатида кўрсатган эди. Кўп ўтмай, «Садойи Фарғона» газетасининг 68-сониде «Шеър ва илми балогат» номи мақола босилиб чиқди. «На чораки, маърифатсизлар ва иш асосидан беҳабарлар майдонга кўпайгандур. Худойи ҳидоят қилсун, шеър деб на ҳаёсизлик қилурлар. Шеърга муҳсинот лафзия бор эди — на бўлди? Уқумасдин мулло бўлганлар йўқотти», — деб ёзилган эди унда. Шу тариқа муаллиф адабиётга янгича қарашни «ваҳшоният ва девоналик», «шуаройи муслиминларга жоҳилона тош отмак» деб баҳолади. «Туркистон вилоятининг газети»да (1914 йил, 85-сон) Мирмуҳсиннинг «Шеърим ва анинг натижаси» деб номланган жавоби босилиб чиқди. У шундай бошланарди: «Маълумки, ҳар кимни(нг) дилинда табиатан сақланган

бир маслаки бордур. Ушал маслакни маҳкам тутуб, мажбуран бир муддаони соҳиб бўлур. Ман ҳам ҳар нимарсага ёзадургон бўлсам, қўлумга қалам тутмасдан аввал як-баяк муҳокама қилуб, хаёлга келтуруб кўраманким, майдони мутолаага кирса, яна масъулият бўлушга мажбур бўлмай деб...» Шу тариқа Мирмуҳсин ўз маслагини ва маслақдошларини дину исломда эътибори баланд муҳолифидан ҳимоя қилиб, унинг «айб»ларини «ҳукми бедалил ва куруқ сафсата» деб баҳолади. «Шоирлар замонанинг лисони (тили)дур!» «Замонага муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун!» деган шiorларни ўртага ташлади. Бадий асарнинг тили ва услубига, унинг «очиқ тил ва осон таркиб ила» ёзилишига (Авлоний), «ҳар ким тушуниб ўқийдургон даражада осон бўлушлиғи» (Мирмуҳсин)га алоҳида эътибор берилди.

«Садойи Туркистон»нинг 1915 йил саҳифаларидан бириде эса чинакам ёзувчининг ўрни халқ ичиде бўлиши, «материалларнинг энг асллари халқ орасидан олинмиши», халқ турмушига «аралашиб юрган» қаламкашгина ундаги «яхши» ва «ёмон» томонларни тўла ва асосли («комил» ва «чиройлики») ёзиши мумкинлиги ҳақида гап кетарди. Бир сўз билан айтганда реалистик эстетика шаклланаётган эди. Янги адабиётнинг ғоявий-эстетик программаси майдонга келаётган, Ҳамза ва Авлонийлар позицияси мустаҳкам қарор топаётган эди. Уларнинг энг катта хизматларидан бири шу бўлдики, истиқболни кўра олдилар, адабиётда бадбинлик, таркидунёчилик авж олган пайтда унга қарама-қарши ўлароқ тарихий оптимизмни олиб кирдилар, нури келажак руҳи билан йўрилган ажойиб шеърлар яратдилар. Масалан, 10-йилларда «Ғалат» радиопли шеърлар кўп ёзилди. Бу Ҳамзада ҳам, Авлонийда ҳам бор.

Ҳамза ва Авлоний шеърларининг биринчи хусусияти мунозара характеридалигидир. Иккинчидан, ҳар икки шоир ҳам фақат мистикани танқид қилиш билан чекланмадилар. Бир қарашда шунчаки беозор художўйликни, тарғиб қилгандек туюлган дин аҳлининг сўзи бошқа — иши бошқа ғайриинсоний кирдикорларини ҳам аёвсиз фош қилдиларки, бунинг аҳамияти жуда катта эди.

Давлата мағрур ўлиб, кибру ҳаво  
айлаб балаңд,

Бекасу бечораларга берган  
озоринг ғалат.

Қалб эмасму халқ назаргоҳи аё  
сайёди нафс,

Эл кўзига дом қургон жома,  
дасторинг ғалат.

(Ҳамза)

Халқ олдида ибодатни қилуб  
дуру дароз,

Махфида қуллик адоси бўлса  
душворинг ғалат.

Камбағалларни қўуб, бойинг  
чақирдинг рўзада,

Холисона қилмагон хайроту  
ифторинг ғалат.

Илмдан йўқ санда осори,  
духонлиқ қилуб,

Езибон берган эзиб-ички-ю  
туморинг ғалат...

(Авлоний)

Ҳамза ва Авлоний талқинича, инсонга берилган умр — «ғалат» (хато) эмас ва уни тузатиш учун оллох даргоҳига шошилишнинг ҳожати йўқ. Балки дунё «ғалат», тўғрироғи, унинг қурилиши «ғалат», одамларнинг қиладиган ишлари «ғалат» — шуларни тузатмоқ керак!

Умуман, Ҳамзада ҳам, Авлонийда ҳам мунозаравийлик классик шеърятдаги мавжуд шакл ва образлар, тушунчалардан фойдаланиб, уларга янги мазмун ва маъно сингдириш кучли. Аслини олганда, юқоридаги «Гапур!» ва «Гапурманглар!» шеърлари ҳам шаклига кўра янги эмас эди. Масалан, «Гапур!» радиофи шеърларни Фазлий Намангонийда, Адода, Дилкаш Тошкандий (1808 — 1885)да, «Гапурманглар!»ни эса 1911 йилда босилиб чиққан «Тухфатул обидин...» да (Ходимий) учратиш мумкин. Фазлий ишқдан, тўғрироғи, ишратдан, Умархоннинг шуқуҳи салтанатидан гапиришга ундади:

Сўзла эй Фазлий, Умар Султон  
шуқуҳи адлдин,  
Мен қачон айдим Скандар бирла  
Дорудин гапур.

Адо «яди байзоу Мусодин», «Маҳдин ма-  
сиҳодин «гапур»ишга даъват этди. Дилкаш  
эса «сарви хиромондин», «жонондин» «га-  
пур»ишга чақирди. Ходимийда ҳам муҳаб-  
батни куйлашга чорлаш баралла сезилиб  
турарди. Чунончи:

Мани дардимга лаъли нобиддин  
йўқ ўзга дармони  
Маризи ишқман, фикри атибодин  
гапурманглар.

Ҳамза ва Авлоний эса давр адабиёт ол-  
дига қўйган вазифалардан келиб чиққан,  
кенг халқ манфаатларини диққат марказига  
қўйган ҳолда уни янги адабиётнинг ғоявий-  
эстетик программасини маълум даражада  
ўзида ифодалаган шеърга айлантирган эди-  
лар.

Авлонийнинг шахсий кутубхонасида сақ-  
ланиб қолган китоблар у қадар кўп эмас.  
Айниқса замондошлариники. Лекин шулар  
орасида Ҳамзанинг 1915 йилда босилган  
«Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар  
мажмуасидан биринчи бўлим» китоби сақ-  
ланиб қолган. Бу бежиз эмас. 1914 — 1915  
йилларда шеърятимизга бармоқ вазни ки-  
риб келди. Бу 10-йиллардан шакллана бош-  
лаган инқилобий адабиётимиздаги янги  
шакл ва ифодалар излашнинг маҳсули си-  
фатида пайдо бўлди. Шоирларимиз халқ  
куйлари йўлида бармоқда шеърлар ёзди-  
лар. Улар тўғридан-тўғри ашула сифатида  
ижро қилинаверарди. Авлоний бу хил  
шеърларидан бирига шундай изоҳ берган.

«Мактабга тарғиб. «Латифа» куйиға.  
(...миллий куйларимизни баъзилар арабча  
«мақом», баъзилар форсча «оҳанг» деб  
атамишлар экан. Аммо менча, боболаримиз  
тарафидин «Кирма санамни уйиға, санам со-  
лур ўз куйиға», деб сўйлагон ибратли она  
тилимизга суялуб, «куй» демоқ яхшироқ кў-

ринди). Миллий куйларимиздан бири «Оға-  
жон латифа, гулидан латифа, шоҳида ўй-  
нанг, баргида сайранг, боғ латифи» дур.  
Театр ва адабиёт кечаларида саҳнада қуйи-  
да ёзилмиш миллий шеърлардан бир байт  
бир ёки икки киши тарафидан ўқилуб, сўн-  
гидан кўб кишилар тарафидан хўр, созлар  
ила жўр қилуб, иккинчи байт ўқилур». (Ав-  
лоний, Адабиёт, 3-жуз, 1-табъ, Тошкент 1915,  
15-бет).

Ҳамзанинг китоби эса шундай бошланар  
эди:

«Қулоқ нота»лари ила эшитилуб келмиш  
миллий ашуваларимизнинг ўрни йўқолмасун  
учун баъзи шеърлар ўрнига миллий шеър-  
лар тартиб беруб ҳама оҳангу куйларимизи  
ни топуб, бир неча бўлимда нашр этмак ни-  
ятидамиз...» (Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий,  
Миллий ашувлалар... Тошкент, 1915, 1-бет).

Ашувалар, куйлар йўлида шеър ёзиб,  
шу орқали замоннинг муҳим гапларини халқ-  
она ифодалаш қардош адабиётларда кўп-  
дан бор эди. Масалан, машҳур Абдулла  
Тўқай унинг ажойиб намуналарини яратган,  
жумладан, шоирнинг 1906 йилдаги «Эй бағ-  
рим, Найима» куйида ёзган, Давлат Думаси-  
ни масҳара қилувчи бир шеърини социал  
сатиранинг классик намунаси дейиш мум-  
кин эди. Чунончи:

Ник бик тиз битдинг син Дума,  
Ник жир-ирек алмадинг?—  
Ах, син, Дума, Дума, Дума,  
Ишлаган ишинг бума?!  
Таржимаси:

Нега сен бунча тез адойи тамом  
бўлдинг, Дума,  
Нега ер, эрк олиб бермадинг?—  
Эҳ, сен Дума, Дума, Дума,  
Ишлаган ишинг, кўрсатган кароматинг  
шуми?

Тўқай Туркистонда ҳам машҳур эди. 1913  
йилда унинг вафотига Туркистон ҳам аза  
тутди. 1914 — 17 йиллар мобайнида мунта-  
зам суратда «Тўқай кечалари» ўтказиб ту-  
рилди. Бинобарин, Ҳамза ва Авлонийлар  
томонидан шеърятимизга олиб қирилган  
шакл ва ифодалар ўзбек адабий алоқалари-  
нинг самаралари сифатида майдонга келган  
эди.

Ижтимоий ҳаётдаги шиддатли синфий ку-  
рашга эътибор бериш, унга кенг меҳнат-  
каш халқ кўзи билан назар ташлаш Ҳамза-  
нинг «Миллий ашувлалар»ида кенг ўрин  
эгаллади:

Йўқлар бойга ёпишар,  
Войлар йўқни чўқишар,—

ёзади шоир.

Авлоний бир қатор шеърларида ҳоким-  
лар ва тобеълар — «кучлилар» ва «кучсиз-  
лар» ўртасидаги муносабатларга эътибор  
берди. Бу муносабатларда инсон номига  
муносиб белги топа олмади. Аксинча, улар  
йиртқич ҳайвонларнинг зўри ожизини маҳв

1 Абдулла Тўқай, Шеърлар, ҳикоялар,  
поэмалар, Қозон, 1968 йил, 38-бет.

этиш асосига қурилган кун кечирини тарзини эсга туширди:

Инсон каби ўз аҳлини дарранда  
кўрмадим...

Ҳамзада эса бу янада конкретроқ берилган эди:

Бойлар бой ўлур илмсиз яшаб,  
Ориқларини семизи ошаб.

Биринчи жаҳон уруши ва унинг даҳшатли оқибатларини мушоҳада қилиш халқ ҳаёти тасвирининг чуқурлашишига олиб келди.

1916 йил, ижтимоий озодлик тарихимизда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган йил етиб келди. Мардикорлик воқеалари чайқалиб турган Туркистонни туб-тубигача ларзага солди. Улкадаги ижтимоий уйғониш жараёни кескин тезлашиб кетди. Бадий адабиётда мардикорлик мавзуи пайдо бўл-

ди. Мардикорлик шеърияти вужудга келди. Озодлик оҳанглари билан лиммо-лим бўлган мардикорлик қўшиқлари Россиянинг олис Пенза, Двинск атрофидаги ўрмонларда ҳам янгради... Ўзбек инқилобий адабиётининг таркибий қисмларидан бўлган мардикорлик шеъриятининг пайдо бўлишида Ҳамза билан бир сафда борган Худойберди Қорабоевнинг, Абдулла Авлонийнинг ҳам хизматлари катта эди. Ҳамза бу мавзуга кейин ҳам мурожаат қилди. Узининг машҳур «Лошман фожиалари»ни ёзди. Авлоний 1917 йилнинг майида ватанига қайтган мардикорларга пешвоз чиқди. Июнда Тошкентдаги «Типовой ишчилар совети»нинг ташкилотчиларидан бўлди. Сўнг эса Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Советининг масъул ишларига киришиб кетди...

Мана шу йўл ҳар икки адибни ҳам Буюк Октябрнинг жангчиси ва жарчиси бўлишига олиб келди.

# ИККИ ҲАЁТ — ИККИ ДУНЁ

(ЁҚУБ ХАИМОВНИНГ 70 ЁШИГА)

Адабиётга ихлос қўйган ўсмир Ёқуб студентлик чоғларида иккита қизиқарли хужжат топиб олди:

Биринчи хужжат: Справка берилди (Турар жой ҳуқуқини бермайди) Самарқанд шаҳрининг ерли халқлар яшайдиган қисмидаги яҳудий маҳалласида турувчи яҳудийлар Шолом ва Михаэл Давидовлар (лақаблар Каттаевлар)га шул ҳақдаким, Самарқанд область бошқармасининг 1911 йил 30 декабрь, 61-сонли қарорига кўра умумий келиш-кетиш журнаliga мувофиқ ерли халқларга бериладиган ҳуқуқлар рад этилган... 1913 йил, 22 август, № 17081. Губернатор муовини, ҳақиқий статский советник (имзо), маслаҳатчи — статский советник (имзо), иш юритувчилар — надворный советник (имзо).

Иккинчи хужжат: УзССР Марказий Ижроия Комитети ўртоқ Файзулла Ҳўжаевнинг

ерли яҳудийларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга доир доклади бўйича 1926 йил, 25 майда чиқарган қарори: Совет аппаратини маҳаллийлаштириш комиссияси барча муассасаларга тушунтирсинким, ерли яҳудийлар ерли аҳоли қаторида асосий миллатларга берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Бу қарор Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев томонидан имзоланган.

Икки дунё — икки ҳаёт. Ёш Ёқуб ўз халқининг тақдири, ҳаёти ҳақида борган сайин кўпроқ қизиқа бошлади. Бухоро амирлиги даври. Амирликда ҳукм сурган шарият қонунларига кўра Бухоро яҳудийларига 21 та нарса ман этилган. Улар амалда қонун ҳимоятидан четга чиқиб қолишган. Меҳнаткаш Бухоро яҳудийлари вайрона жойларда, аянчли кулбаларда яшар эдилар. Октябрь инқилобидан сўнг уларнинг аҳволи тубдан ўзгарди.

Кўпмиллатли совет адабиётида Октябрь куёши туфайли озод ва бахтиёр ҳаётга, тенглик ва биродарликка эришган бухоро яҳудийларининг совет адабиёти Октябрь билан бирга туғилди, у барча миллий адабиётлар қатори камол топди, революция галабасини мустаҳкамлаш, социализм қуриш, Ватанини ҳимоя этиш, тинчлик ва демократия учун курашга хизмат этди. Ана шу адабиётнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Ёқуб Хаимовдир.

Ёқуб Хаимов 1909 йили Наманганда бўёқчи Хаим Исҳоқов оиласида дунёга келди. Уч ёшида отадан етим қолди. 1920 йили эса тақдир уни Қўқондаги 3- болалар уйига олиб келди. Бу ерда унинг ҳақиқий ҳаёти бошланди: ҳам тарбия олди, ҳам ёзувчилик қалами қайралди.

Бу ердаги «Кўк кўйлак» тўғарагига Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг дўстларидан бири режиссёр Михаэл Аевзов раҳбарлик қиларди. Ҳамза Михаэлга доим тожик тилида бир пардали пьесалар ёзиб берар ва уни болалар уйида қўйишарди. Ёқуб Хаимов бу ишларда фаол иштирок этарди.

1922 йил ўрталарида Қўқонда пионерлар ташкилоти тузилди. Активист Ёқуб Хаимов болалар уйида бош пионервожатий қилиб сайланди. Узининг бу йиллардаги ҳаёти ҳақида у қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Болалар уйида пионерлар ҳар ойда де-



ворий газета, бадий безакли «Интернационал» номли кўлёзма журнал чиқариб туршарди. Журналнинг бир сонидега меннинг «Мулланинг васияти» деган карикатурали ҳикоям чиқди. Ҳикоямдаги юмор, сатира, мазмун ва тасвир болалар уйи директори Фейгинни қизиқтириб қолди. У «Жонли газета», «Кўк кўйлак» ва бир пардали пьесалар ёзиш учун менга турли мавзулар танлаб бера бошлади. Мавзулар турли-туман бўлиб, аксарияти болалар уйи ҳаётига доир эди. Пьесаларни саҳнага қўйишда бошда менга мураббийим Михаэл Аvezов ёрдам берди, кейин ўзим тайёрлаб, ўзим иштирок этиб, саҳнага қўзвердим».

1925 йили комсомолга қабул қилинган Ёқуб Хаимов Тошкент дорилмуаллимин билим юртига кирди. Кейин Самарқанддаги тўрт йиллик ер тузиш техникумини икки йилда (1929—1931 йиллари) тугатди.

Кўқондаги болалар уйида берилган тарбия ёш Ёқубда ҳаётнинг бутун мураккабликларини ўрганишга, қийинчиликларга бардош бермоққа, ҳақгўй бўлмоққа ўргатди. «Йигит кишига етмиш ҳунар оз» деганларидек, бу ерда у этикдўзлик, муқовасозлик, дурадгорлик, расомлик ҳунарларини, музикани ўрганди. Ёқуб Хаимовдаги мана шу хислатлар ва ҳаётга қизиқиши унинг қўлига қалам тутқазди.

1931 йили Ўзбекистон Давлат нашриёти унинг «Хотин-қизлар озодлиги» деган уч пардали пьесасини яҳудий тилида нашр этди.

1933 йилдан Ёқуб Хаимов Тошкентда чиқа бошлаган «Байроқи меҳнат» газетаси хатлар бўлимига мудир қилиб тайинланди. Бу ерда у Бухоро яҳудийлари ёзувчилари секциясида котиблик қилди.

Ёқуб Хаимов ёзувчилик маҳорати сирларини Садриддин Айний, Лоҳутий, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Зиннат Фатхуллиндек сўз усталаридан ўрганди. Улар Бухоро яҳудийлари ёзувчилари секциясига тез-тез келиб турар эдилар. Шунингдек, у устози Яхшэл Оқиловдан ҳам бир умр миннатдор.

1934 йил майда Ёқуб Хаимов Зиннат Фатхуллин билан бирга Бутуниттифоқ драматурглар кенгашига делегат қилиб юборилади. Ёш драматург кенгашда «Замонамиз ва драматургия» мавзуида доклад қилди. Бунда у ёш драматургларнинг ўсиши учун кам аҳамият берилаётгани ҳақида гапирди. Машҳур драматурглар иштирокида ўтган бу кенгаш Ёқуб Хаимов учун катта сабоқ бўлди. У ўз нуқсон ва камчиликларини пайқаб олди. СССР ёзувчиларининг биринчи съезидан кейин унинг ижоди янада самарали бўлди.

1938 йилда Ёқуб Хаимовни «Болалар ва ўсмирлар» нашриётига адабий ходим қилиб олдилар. Кейин шу нашриётга директор ўринбосари қилиб тайинланди. Шу ерда унинг ҳикоя ' ва эртаклари, «Ҳаётга йўл» номли қиссаси нашр этилади.

1943-57 йиллар давомида у Мирзачўлга бориб турли лавозимларда хизмат қилди. Мирзачўлнинг қаерида ишлагани, Ёқуб Хаимов партия ва комсомол ташкилотлари ёрдамида биринчи навбатда маданий, сиё-

сий-оммавий ишларни йўлга қўйди. Бадий ҳаваскорларга мўлжаллаб бир пардали пьесалар ёзди, адабий кечалар уюштирди. 1957 йилдан буён эса Ёқуб Хаимов Ғафур Ғулум номидagi Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб келади.

1964 йили унинг Малик Раҳмон билан ҳамкорликда ёзган «Дийдор» қиссаси чоп қилинди. Унда ёзувчининг босиб ўтган ҳаёт йўли ўз бадий ифодасини топган эди. Асар ёш китобхонлар эътиборини қозонди. Авторлар номига кўплаб миннатдорлик туйғулари изҳор қилинган мактублар кела бошлади:

«Менга «Дийдор» қиссасида Баҳодирнинг қилган ишлари, унинг халқига нисбатан орзуси рўёбга чиққани ва у ўз ўртоқларига ўзининг билган билимини ўргатгани, ўзи билан ўқиган уч ўртоғининг имтиҳондан ўтмагани ҳақида эшитиб, елиб-югургани ёқди. Йўлдошева Иқбол. Қарши ш., 6-синф 18/II—1965».

«Мен бу китобни ўқир эканман, Ботир ва Баҳодир каби етимларни коммунистик руҳда тарбиялаб ўстирган Коммунистик партияга, Ватанга чексиз садоқат билдираман. Солиев Ҳамдам, солдат».

«Дурдона» (1976) қиссаси эса узоқ йиллар Мирзачўлда ишлаб, олган ҳаётий тажрибасининг бадий ифодаси тарзида майдонга келди. Қиссада чўл шароитидаги қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, Коммунистик партиянинг халқ хўжалигини кўтаришдаги раҳбарлик роли ўз бадий ифодасини топди.



Ёқуб Хаимов ижодида болалар учун ёзилган асарлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. 30-йилларда «Байроқи меҳнат» газетаси редакциясида ишлар экан, ойлик «Пионер варағи» чиқариш ишига ҳам раҳбарлик қилди. Беш-олти йил ичида болалар учун анчагина ҳикоя ва эртаклар яратди. Ёқуб Хаимов папанинчилар билан ҳам ёзишиб турар эди. Ана шу ёзишмалар асосида ёзилган «Хайр-хўш, Шимолий кутб» эртаги «Ёш куч» журналида 1938 йили эълон қилинди.

Шу йил «Сталин даврининг ёшлари» тўпламида ёзувчининг «Ғаюрлик» ҳикояси босилди. Бунда комсомолларнинг социализм қуришдаги фидокорликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

1962 йили Ёқуб Хаимовнинг «Кўк аланга» эртагини, «Ёш гвардия» нашриёти чиройли суратлар билан нашр қилди.

«Галстук шарафи» пьесаси Островский номидаги пионерлар саройида бир неча йил давомида қўйилди. У кейинчалик папанинчилар ҳақида ёзган воқеий эртакларини «Муз қаҳрамонлари» (1970) номи билан нашр эттирди.

Ўзбекистон театр жамаияти таклифи билан Ёқуб Хаимов Левича ҳофиз Бобохоновнинг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганишга киришди. Бунинг натижасида Левича ҳофизнинг фожавий ҳаёти ва қўшиқчилик бо-

бадиғи маҳорати ва унинг устоз ҳамда сафдошлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоб яратилди.

Ёқуб Хаимов яратган асарларнинг аксари Совет Иттифоқи ва чет эллардаги бухор яҳудийлари ҳаёти ва тақдири ҳақида. Зотан бухор яҳудийлари мавзуини биринчи бўлиб ўзбек адабиётига олиб кирган Ёқуб Хаимовдир. У ўз бадиий ижодининг илк қадамлариданоқ яҳудийлар учун сионизмнинг зарарларини кўрсатиб, уни фош қилишга киришган.

В. И. Ленин сионизмни яҳудий буржуа миллатчилигининг оқими сифатида таърифлаган эди. Октябрь инқилобидан кейин Урта Осиёда Совет ҳокимиятига зарба бериш учун сионизм тарафдорлари турли иғво ва найранглар ўйлаб толиб, зараркунандалик фаолиятларини кучайтирдилар. Сионистларга қарши курашда «Байроқи меҳнат» газетаси катта роль ўйнади.

Газета редакциясида Ёқуб Хаимов эрон ва афғон қочоқлари билан кетиб қолган яҳудийлардан келаётган кўплаб мактубларни ўрганиб, улар тақдирига бефарқ қараб туролмади. У маҳаллий яҳудийлар ҳаёти ҳақида асарлар ёзиб, сионизмга қарши курашга киришди. Драматург Зиннат Фатхуллин таклифи билан у бухор яҳудийлари Давлат театри учун «Нажот» номли пьеса ёзди. Пьеса икки етимчанинг ҳаётга қадам қўйиши тўғрисида эди. Ушанда яҳудий Давлат театрида машҳур санъаткорлардан Гавриил ва Михоэл Муллақандовлар, Исохор Оқилов, Михаэл Толмасов, Рошель Мордухаевлар ишлар эди. «Нажот» пьесаси Давлат театрида уруш йилларигача муваффақият билан қўйилди. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам қўйилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

«Бу маҳаллий яҳудийлар ҳаётини тўғри акс эттирган биринчи оригинал пьеса» деб ёзган эди «Тожикистони сурх» газетаси шу вақтда. Бу ҳақда Ёқуб Хаимов шундай хотирлайди:

«Мен ёш қаламкаш сифатида қочоқлар ва ватан хоинлари ҳақида материал тўплай бошладим. Менинг бу ишимда газета редакциялари мени турли шаҳарларга командировкаларга юбориб, катта ёрдам қилди. Мен шаҳарларга бориб, турли тоифадаги одамлар орасидан Қуддусга қочувчи кимсалар ҳақида кўплаб материаллар тўпладим ва бунинг сабабларини ўргандим».

Ана шу изланишлар туфайли «Пушаймонлик» ҳикояси (1935) вужудга келди. Шу асосда 1938 йили «Хиёнаткор» номли кўп пардали пьеса ёзди.

М. Горький номли рус драма театри бош бадиий раҳбари, хизмат кўрсатган санъат арбоби Чуркин қуйидагиларни ёзган эди:

«Автор танлаган мавзу актуал ва «Хиёнаткор» пьесаси маҳаллий яҳудий Давлат театри репертуёри учун зарур нарса.

Уртоқ Хаимов пьесада иштирок этувчи шахслар муносабатини анча чуқур таҳлил этган. Интриганинг йўналиши мароқли. Автор томонидан тўғри танланган воқеа жойи — Машҳад — Қуддус — Самарқанд та-

рихий материаллардан фойдаланиш учун имкон берибгина қолмай, балки пьесанинг мазмунини зоҳирий очиб бериш учун ҳам ўнғайлик туғдиради».

1965 йили «Ҳаёт-мамот» романи яратилди. Ёзувчи Малик Раҳмон билан ҳамкорликда ёзилган бу асар совет бухор яҳудийлари ҳаёти ҳақидаги биринчи роман эди. Шунгача Ўзбекистон адабиётида сионизм ва Исроилдаги фожиавий ҳаёт ўз аксини кенг планда топмаган эди. Асарда сионизм бугунги кунда ўзининг дастлабки мазмунини йўқотгани, унинг империализм хизматиға ўтганини бадиий ёрқин бўёқларда тасвирлаб берилди.

«Ҳаёт-мамот» ҳаётдан олинган персонажлар, муайян тарихий воқеалар тирдобида руҳан заифлик билан ҳаёт имтиҳонидан ўтолмай, афсус ва ўкинчларда қолган кишилар ҳаётини тасвирлайди.

Бухорода икки ака-ука яшарди. Ака завод эгаси бўлмиш тоғаси таъсирида амирлик инқирозидан сўнг оядин Бокуга, у ердан Америкага кочади. У ерда тоғасининг ўз бойлигини олиб ўтиш учун ундан фойдаланганини тушунади. Ёлғизланиб қолади. Қирқ йил ўтгач у интурист сифатида Ўзбекистонга келади. Ўз ватанидаги ўзгаришларни куриб ҳайратга тушади. Ота-онаси қабрида ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Америкадан ватанига қайтмоқчи бўлганида унга руҳсат беришмайди. Унинг хоки чет ўлкада қолиб кетади. Романнинг «Дарбадар» деб аталган иккинчи китобида «Ҳаёт-мамот»да зикр этилган барча яхшилик ва эзгулик мотивлари янада ривожлантирилади; яратилган образларнинг мураккаб ҳис-туйғулари, кечинмалари янада чуқурроқ ифодаланади, авторлар инсон қалбига теран кириб боришга интилади. Китобда яҳудий буржуа миллатчилигининг кўриниши ва империалистик давлатлар монополия буржуазияси малайига айланган сионизмнинг манфур кирдикорлари фош қилинган.

Роман кенг планли, ундаги кўп сонли персонажлар мураккаб тақдирга эга, феълу хулқи бир-бирдан кескин фарқ қилади.

Унда дунёқараш, ҳаёт моҳияти ва инсоннинг Ватан ва виждон олдидagi масъулият масалалари кескин қўйилган. Ижобий қаҳрамонлар Совет Ватанига садоқат ҳис-туйғулари билан ёнади. Тарихий воқеалар ривожини матонатли кишилар ўйлари, ҳис-туйғуларида балкиб туради. Булар босмачиларга қарши кураш ва ҳўжалик қурилиши қатнашчиси, партиянинг эски аъзоларидан Бохур Исҳоқов, тоза қалби гўзал Лео, олижаноб Эстер, мактаб боласи Миша Абромов.

Роман авторлари ўзлари яхши билган ва тушунган, ҳис қилган нарсалар ҳақида ёздилар. Ака-ука Бохур ва Довид оиласининг Совет мамлакатиде ва чет капиталистик мамлакатда тақдири қай тарзда кечганини изчил кузатиб борадилар. Ҳар бир инсон тақдири бетакрор ўзига хос тарзда тасвирланган.

«Ҳаёт-мамот» китобини китобхонлар яхши кутиб олгани сабабли, 1968 йили у иккинчи бор нашр этилди. «Растояние до счастья» номи билан рус тилида (1971) чоп бўлди.



«Ду тақдир» (1974) сарлавҳаси остида тожик тилида ҳам босилиб чиқди.

Ёқуб Хаимов сионизмни жаҳон афкор оммаси олдида фош этиб, унга қарши курашда мазкур роман билан кифояланмади. Чет мамлакатлардан келаётган хатларни тўплаб ўрганишда давом этди. Дунёнинг турли томонларида санғиб юрган ватанга-долар ўз хатларида биз Совет Ватани олдидаги гуноҳимизни ҳалол меҳнат қилиб ювамиз, деб ёзар эдилар. Янги фактлар асосида Ёқуб Хаимов қатор воқеий ҳикоялар яратди. 1976 йилда нашр этилган «Дурдона» тўплами шу хилдаги ҳикоялардан тузилган. Китобдаги «Скрипкачи Мушэ» ҳикояси қаҳрамони «жаннат, авлод-аждодлар, пайғамбарлар замини» Исроилга кетиб, ишсизлик, қашшоқликка дуч келади. Исроилда уни бухор яҳудийси бўлгани учун «кикинчи сорт яҳудийсан» деб ҳақоратлайдилар. «Бошхўр давлат» ҳикояси қаҳрамони Садиқ уй-жойи, хотини ва қизини ташлаб Исроилга кетиб қолади. У ердан хотини ва қизига: «Мен бу ерда фабрика эгаси бўлдим, келинлар», деб хат ёзади. Садиқнинг қизи, куёви ва хотини Исроилга бориб, алданганликларини билиб, ҳаётларини фожиа-ли тугатадилар.

Нобакор отасининг гапи билан эрини ташлаб Исроилга кетган Тамараниннг ўзбекистонлик дугоналарига ёзган хати сионизм найрангларини фош қилувчи ҳужжатдир. «Дугоналарга хат» ҳикояси ана шу ҳужжат асосида ёзилган. «Хотиннинг ҳукми» ҳикоясида тўрт боласи ва оиласини ташлаб Исроилга кетмоқчи бўлган эрга қарши исёнкор хотиннинг қалб изтироблари баён қилинган. Бу тўпلام рус тилида ҳам чоп этилди.

Ёқуб Хаимов публицистикасининг ўткир тигини ҳам сионизмга қарши курашга қаратган. «Америка» журнали ўзининг 1972 йил июнь сониди (24—26-бетлар) «Бутун мамлакатнинг катта-катта шаҳарларида қашшоқликда ҳаёт кечираётган юз минглаб яҳудийлар мавжуд»,— деб ёзган эди.

Шунга қарамай «Америка овози» ва бошқа радиостанциялар Совет Иттифоқидаги

яҳудийлар ҳуқуқсизлиги ҳақида вайсамоқда. Ёқуб Хаимовнинг «Сионизм — империализм малайи» номли публицистик мақола-си («Шарқ юлдузи», 1973 йил, 3-сон) ана шундай бўҳтонларга учган яҳудийларга мурожаатдек янграйди. Уларни ҳушёрликка чақиради.

Унинг «Звезда Востока» журнали, «Правда Востока» газетаси саҳифаларида эълон қилинган бу хусусдаги қатор мақолалари ва радиодаги чиқишлари ёзувчининг ўз эътиқоди ва маслағига содиқлигини кўрсатади.

Ёқуб Хаимов «Правда Востока» газетасида (1975 йил 25 ноябрь сони) «Против лжи и клеветы» номли катта публицистик асарини эълон қилди. Мақола Джемс Картерга очик хат тарзида эди. Унда сионизм тарафдорларининг бутун уйдирмалари фош қилинди.

Ёқуб Хаимовнинг ҳозирга қадар йигирма иккита китоби чиқди. Булар — публицистик мақолалар, очерклар, ҳикоя ва қиссалар, эртақлар, бир пардали ва кўп пардали пьесалар ва романлардир. Бу асарлар ёзувчи ижодининг кўпқиррали эканлигидан гувоҳлик беради. Унинг шахсий ҳаёти ҳам, бадиий ижодиёти ҳам ўзига хос.

Ёқуб Хаимов асарларининг барчасида интернационализм ва ватанпарварлик ғоялари мадҳ этилади. Унинг яратган қаҳрамонлари турли миллат вакиллари дир.

У Ўзбекистонда бадиий адабиёт ва публицистикада сионизм ва яҳудийлар тарихи, ҳаётини мавзу қилиб олган биринчи ёзувчидир.

1942 йилдан бери КПСС аъзоси Ёқуб Хаимовнинг ижодий режалари янада мазмундор. 70 йиллик юбилейи муносабати билан унга куч-қувват, узоқ умр ва халқаро аҳамиятга молик бўлган ижодий фаолиятига равнақ тилаймиз.

**Наим НОРҚУЛОВ,**  
тарих фанлари кандидати,  
**Маҳкам МАҲМУДОВ,**  
филология фанлари кандидати.





# СОВЕТ ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ МУҲИМ ЮТУҒИ

**И. В. СТЕБЛЕВА, Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период, отв. редактор А. Н. Кононов, Москва, 1976.**

Ҳар бир адабиётда бўлгани каби ўзбек адабиётининг ҳам ижтимоий ҳодиса сифатида босиб ўтган йўли ўзига хос шажарани ташкил этади.

Адабиётимиз тарихининг илк босқичларини халқларимиз тарихининг ўша даврлардаги тараққиёти хусусиятларидан келиб чиқиб, туркий тиллардаги адабиёт деб атаймиз. XII асрларгача яратилган бир қатор адабий ёдгорликларни туркий халқларнинг муштарак мероси сифатида қабул қиламиз.

Ўзбек халқи ҳам ворис бўлган туркий тилдаги қадимги адабиёт узоқ тарих қўйнидаги катта бойлигимиздир. Унинг характери, жанрлари, поэтикасини ўрганиш бу адабиётнинг катта кўлами ҳақидагина эмас, балки ўша давр ижтимоий-бадний фикр тараққиётида тутган салмоқли ўрни ҳақида ҳам маълумот беради. Масалага шу жиҳатдан қараганда кейинги йилларда филология фанлари доктори И. В. Стеблева катта ва муҳим ишни амалга оширди. У қадимги туркий адабий ёдгорликлар ва илк ёзма адабиёт ҳақида бир неча монографиялар ёзди. Академик А. Н. Кононов таҳрири остида чиққан «Қадимги туркий адабиёт поэ-

тикаси ва унинг илк классик даврга ўсиб ўтиши» асарини ҳам шу сирага қиради. Шуни ҳам айтиш керакки, И. В. Стеблева текширган манбалар ўзбек олимлари Азиз Қаюмов ва Натан Маллаев асарларида ҳам таҳлил этиб келинган.

Тадқиқот муаллифи асосий эътиборини туркий халқларнинг энг қадимги (араблар истилосигача бўлган) давр адабиёти таҳлиliga қаратган бўлса-да, унда X—XIII асрлар адабиётига ҳам муносиб ўрин ажратилган (олима бу даврда яратилган асарларни туркий тилдаги классик поэзиянинг бошланғич даври деб атайди). Натижада эстетик қарашларни ўзига хос равишда ифодалаган икки мустақил босқич кенг характерлаб берилади. Монографиянинг жуда катта бир фазилати шундаки, унда автор қадимги туркий адабиётнинг X—XII асрлардан эътиборан тараққий этиб бораётган дунёвий адабиётга катта замин тайёрлаб берганлигини исбот этади.

Қадимги туркий адабиёт намуналари бизгача жуда оз этиб келган. Биз бугунги кунда улардан қадимги турк хоқонлиги тарихи билан боғли ҳолда юзага келган Урхун-Енисей ёзувлари — Кул-тегин, Тонюкук шарафига битилган лавҳалар ва ниҳоят «Таъбирнома» каби манбаларга эгамиз. Тўри, Урта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари томонидан яратилган қатор сеvgи ва садоқат ҳамда қаҳрамонлик қиссалари ҳақида биз араб ва форс тилида яра-

тилган тарихга доир асарлар орқали хабар топамиз. Лекин бевосита туркий тилда вужудга келган ва бизнинг давримизгача сақланиб келаётган ёдгорликлар бир қадар чеклангандир. И. В. Стеблева ўз монографиясида ана шу мавжуд манбалар — Кул-тегин, Тонюкук номлари билан боғланган ёзувлар ва «Таъбирнома» асосида қадимги давр адабиётини бутун табиати билан кенг ёритиб беришга ҳаракат қилади ва, айтиш мумкинки, бу соҳада яхшигина муваффақиятга эришган.

И. В. Стеблева Урхун-Енисей ёдгорликларини жанр жиҳатидан ўрганишга алоҳида диққат қилади ва улар поэтикасидаги қатор муҳим белгиларни топади. Бу ёзувларда туркий халқларнинг ўша даврдаги ҳаёти, турмуш тарзи, дунёқарашлари, орзулари билан боғланувчи лавҳалар шу манбалардаги реалистик элементлар сифатида асосли кўрсатиб ўтилади.

Қадимги туркий манбаларга хос бўлган ҳаётий анъаналарнинг X—XIII асрларда юзага келган «Қутадғу билги» ва бошқа ёдгорликларда давом эттирилиши ҳақидаги мулоҳазалар айниқса қизиқарлидир. Биз И. В. Стеблева асарларидаги бунга оид хулосалар орқали туркий халқларнинг бой тарихи, адабиёти ҳақида муфассал маълумот оламиз.

Китобнинг биринчи боби Урхун текст (матн) ларининг композицион тузилишига тааллуқли бўлган ўзига

хос фазилатлар таҳлилига бағишланган. Шу боб уч қисмга ажратилган бўлиб, улардан бирида Кул-тегин шаънига битилган Кичик текст композицияси, иккинчисида Кул-тегин шаънига битилган Катта текст композицияси, учинчисида Тонюкук шаънига айтилган битик (китоба) композицияси текширилган. Муаллиф композицияни формал ҳодиса сифатидагина эмас, балки текстда акс этган адабий қаҳрамон ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеаларнинг архитектуроникаси сифатида қараган.

Китобнинг иккинчи бобида Урхун текстларида хос бўлган адабий қонунларнинг реконструкцияси (яъни муайян принциплар асосида қайта тикланиши) текширилади. Бу бобда муаллиф қадимги турклар тарихи билан Урхун ёзувларидаги инъикосни таққослайди ва тасвирда бадийлик ва ҳаққонийликка оид хусусиятларни топади.

Учинчи боб «Қадимги туркий адабиётда «Таъбирнома» китобининг аҳамияти» деб номланган. Бу қисмда китобда акс этган фикрларнинг ҳаёт билан алоқаси ва бадий қиймати кўрсатилган.

Тўртинчи бобда эса муаллиф «Девону луғотит-турк» даги текстлар билан Урхун ёзувларидаги текстни композиция жиҳатдан қиёсий текширган.

«Шеърни ритмик ташкил қилишнинг қадимги туркий шеър тузилишидан арузга ўсиб ўтиши» ва «Шеърни товуш томондан ташкил қилишнинг қадимги туркий аллитерация системасидан классик поэзиянинг аниқ қофиясига ўтиши» деб аталган бешинчи ва олтинчи боблари шеър тузилишига бағишланган.

Муаллиф шундай ёзади: Маҳмуд Қошғерийнинг «Девону луғотит-турк» асарида ҳам арузда таркиб толган бандлар бор, уларда арузнинг рамал, ҳазаж, ражжас, мунсарих, қариб каби баҳрлари ва уларнинг баъзи вазнлари ишлатилган; туркий халқларнинг ёзма поэзиясида мутақориб баҳри

илк бор Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадағу билиг» дostonида қўлланилган эди. Бу асарда унли ҳарфлар, араб графикаси асосидаги алфавит нуқтаи назаридан ҳукм этганда, ост-уст белгилар билан кўрсатилувчи унлилар ўрнига ҳам ўтаверади, аммо «Девону луғотит-турк» да аксинча, яъни ундаги шеърини парчалар «ҳарфий назария» негизига қурилган, туркий арузда, бўғин орқали тушунтирганда, очиқ бўғин чўзиқ бўғин вазифасини ҳам, қисқа бўғин вазифасини ҳам ўтайверади, ёпиқ бўғин эса фақат чўзиқ бўғин ўрнига ўтади. И. В. Стеблеванинг кўрсатишича, Юсуф Хос Ҳожиб асарида вазн жиҳатдан хатолар анчагина, бу ҳол арузнинг туркий тилга биринчи марта тадбиқ этилиши билан ҳам боғлиқ эди, аммо бундай нуқсонлар Қошғерий асарида ҳам учрайди. Бироқ «Девону луғотит-турк»даги шеърларда вазни бузмасликка интилиш инверсияни кўп ишлатишга олиб келган. Бундан ташқари вазни бузмаслик учун бир сўзни бир неча хил ёзиш ҳоллари ҳам қўлланилган. Масалан, сувин (V—) сўзи гоҳо с УвИн (— —) ёзилган (бош ҳарф билан ёзилган унли чўзиқликни билдиради). Биз бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтамизки, ҳозир арузда ёзилганда, бундай қилиб бўлмайди, чунки шеър тузилиши тилни, имлони, талаффузни бузиш учун ҳуқуқ бермайди.

Тадқиқотчининг ёзишича, арузни туркий тилга тадбиқ этиш икки омилга алоқадор бўлган, улардан бири туркий тилнинг ички имкониятлари бўлса, иккинчиси шоирнинг маҳорати ва малакаси даражасининг белгисидир. «Қутадағу билиг» аруз туркий тилга дастлаб қандай тадбиқ этилганлигини, туркий шеър тузилиши араб истилосигача бўлган даврдаги аллитерация ва синтактик параллелизм шаклидан арузга қандай ўтганлигини дангал кўрсатиб туради.

Туркий халқларнинг вакиллари арузга мурожаат қилганда ўзларининг олдинги шеъриятида бўлган

хусусиятларни ҳам қисман сақлаб қолишди, аммо поэзия мазмун, поэтика, тил, услуб ва шеърини техника соҳасида барибир бошқа йўлдан кетди, бу йўлда мисраларнинг тенг бўғинлиги (изосиллабизм) кучайди.

Бу даврдаги туркий арузнинг хатолари ёпиқ бўғиннинг гоҳо қисқа бўғинга ҳисобланиши, арабча ёзувдаги ҳаракатли ҳарфнинг чўзиқ бўғин вазифасини адо этиши, икки қисқа бўғиннинг гоҳо бир чўзиқ бўғин ўрнини қоплаши билан изоҳланади.

И. В. Стеблева арузни араб ёзуви асосида тушунтирган. (Арузни ҳозирги ёзув асосида тушунтириш эса унинг вазифасига кирмаган ва у алоҳида масаладир).

Муаллифнинг фикрича, аллитерация араблар истилосигача бўлган даврдаги туркий поэзияда асосан мисралар бошида келган, аммо у мисралар ичида ва сўнггида ҳам дуч келади, унинг сўзлараро ва мисралараро келувчи турлари мавжуд. Мисралар бошида келган аллитерация кучли бўғинли туроқни таъкидлаган ва сигналлик ролини ўйнаган. И. В. Стеблева бундай мисраларни музика термини билан «тактли шеър» («тактовый стих») деб атаган, мисралар бошидаги аллитерацияни эса «ритми қайд этувчи» восита деб билган (161-бет). Унингча, бундай шеърда изосиллабизм (мисралардаги бўғинларнинг сон жиҳатидан бўлган тенглиги) тўла ҳукмрон эмас, бироқ мисраларнинг ритмик бўлак (туроқ)ларга бўлиниши, яъни бўғинларнинг мисраларда муайян даражада гуруҳланиши мавжуд, аммо бу хусусият изчил деб айтиш қийин. Бу факт ҳозирги бармоқ системасидаги туроқнинг ритмик бўлак ва бўғин гуруҳланиши сифатида жуда қадимийлигидан дарак беради.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, сибирлик ва олтойлик туркларда аллитерация бошқа туркий халқлардагига нисбатан кўпроқ ўрин олди ва кенгроқ ривож топди

ҳамда бошқача услуб зами-нида ўсди. Бу замин мў-ғул халқлари билан кўпроқ алоқа қилиш ва шунинг таъсири билан изоҳланар эди. Лекин, Урта Осиё, Поволжьедаги туркий халқлар араб-форс поэтикиси таъсирида ривожланиш йўлидан кетдилар, уларда руҳ, ада-бий тараққиёт ўзани ва арсенал йўналиши ўзгарди. Бу эса араб истилоси ва сомониёлар муҳити билан алоқадор эди.

Қадимги туркий адабиёт-да аллитерация ва синтак-тик параллелизм масаласи-да қатор туркшунос олим-лар фикр юритганлар.

Синтактик параллелизм (мисраларнинг бўйин сони жиҳатидан нотекис бўлиши-дан қатъи назар) ҳар қан-дай халқ қадимги илк поэзиясининг шеърый тех-никиси ҳисобланади. Бу фа-зилат туркий тилли халқ-лар (шу жумладан ўзбек халқи) қадимги поэзияси-нинг характерли белгилари-дан биридир.

И. В. Стеблеванинг изоҳ-лашича, аллитерация аруз-да юзага келган поэзияга ҳам ўтди. «Қутадғу билиг»-да аллитерация мисралар бошида, қофиядош сўзлар-нинг қофияланмаган бўғин-ларида, гоҳо бошланғич қофия билан бирга кўрина-ди, лекин у аруздаги асар-ларда етакчи хусусият эмас, балки «иккинчи план»га сурилган, баъзан мисра бошидаги кучли, чў-зиқ бўғиндагина эмас, қис-қа бўғинда ҳам пайдо бў-лади.

Поэзия ибтидоий даврда мисралар охири қофия бўлган шеърятдан бошлан-маган, демак қофия тари-хий ҳодисадир. У дастлаб онгли тарзда туғилмаган, Ўрхун-Енисей китобларида қўшимчалар қофияси кўп учрайди. Бундай қофиялар «грамматик қофия» деб ном олиб, улар туркий тиллар-да қўшимчалар сўз ўзакла-ри, негизи ё охирига тирка-лиши (агглютинатив тил та-биати) билан алоқадор ҳол-да туғилган. Кул-тегин ҳа-қидаги Катта битикда гоҳо феъл ўзаги ҳам қофиялан-ган ва бинобарин уни қо-фия тўғрисидаги араб на-зариясига солиб кўрилса, бу оҳангдошлик шу текст-да равий (қофияда сўзлар ўзаги ё негизи охиридаги товушнинг оҳангдош бўли-ши) мавжудлигини кўрсата-ди, ҳатто мисралар сўнги-да ҳам қофиясимон сўзлар йўқ эмас. Тадқиқотчи Ўр-хун-Енисей ёзувларида сўз ўзагида т—д қофияси бор-лигини, ҳатто Бобир «Бо-бирнома»да т—д қофияси аруздаги поэзияда бўлиши мумкин деб айтганлигини таъкидлаб ўтган.

И. В. Стеблева Юсуф Хос Ҳожиб достони ва Маҳ-муд Қошғарий асаида қо-фия сингармонизм билан боғлиқлигини айтган (фило-логия фани Алишер Наво-ийгача бўлган поэзияда сингармонизм борлигини эътироф этади).

У ХI аср поэзиясининг техникиси пастроқ эди, деб бунга қофия ва аруз соҳа-сидаги нуқсонларни асос

қилиб кўрсатган (шуни ҳам айтиш лозимки, қофиядаги мавжуд калчиликларни ўша давр назарияси ва қараши-га биноангина айб деб ай-тиш мумкин, улар ҳозирги замон нуқтаи-назарича нуқ-сон эмас, аксинча, фазилат-дир).

Олима қофия мисолла-рини ҳозирги замон халқ-аро туркшунослик транс-скрипцияси асосида келтир-ган. Ҳозиргача шарқшунос-лик фанида қадимги тур-кий адабиёт поэтикисини мазмун, бадийи ва шакл жиҳатдан бундай замонавий савияда текширилмаган эди. Унинг асаидаги айрим баҳсли, чуқурлаштирилди-ган ўринлар келажакда ав-торнинг ўзи томонидан, ёинки бошқа олимлар то-монидан ҳал этиб борила-ди. Унинг бу асаи, шу ҳолда ҳам, катта жасорат, замонавий илмий тадқиқот олиб бориш, такомиллаш-ган туркшунослик методла-рига таяниш ва истейдод самарасидир.

Совет туркшунослигида адабиётшунослик ва поэ-тика тилшуносликка қара-ганда анча оқсаб келарди. И. В. Стеблеванинг иши бу соҳадаги муҳим силжишни кўрсатди. Бу асар совет шарқшунослигининг уни-версаллик ва умумийликдан (хусусан адабиёт илми со-ҳасида) аниқлик ва теран-лик томон боришда сези-ларли ютуқларга эришаёт-ганлигидан нишондир.

Содир ЭРКИНОВ,  
Умнат ТҮЙЧИЕВ.

## ОРИГИНАЛЛИККА ИНТИЛИШ

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИ-МОВ. Сўнгги нур. «Ёш гвардия» нашриёти, Тошкент. 1977.**

Ҳар бир ёзувчи, ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос овози, дастхати, услуби бўл-гани қандай яхши. Бу та-биий зарурат ва эҳтиёж. Ҳаёт ҳодисалари турли-ту-ман, уларни тасвирлаш, акс эттириш, ифодалаш йўллари ҳам беҳисоб. Ҳар бир ёзув-чи алоҳида бир шахс сифа-

тида ҳаёт воқеаларидан ўзи-ча таъсирланади, асарлари-да ўз шахсий туйғулари, ке-чинмалари, идрок ва тасав-вури бевосита ёки билвоси-та акс этади. Буни биз Аб-дуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Сўнгги нур» номили ҳи-коялар тўплами билан таниш-ганимизда яна бир карра чуқур ҳис этдик.

Драматург сифатида шаклланиб келаётган Абду-қаҳҳор бир қатор ҳикоялар

ёзиб, ёзувчи сифатида ҳам танила бошлади. Қаламкаш ҳаётни диққат билан, син-чиклаб кузатаркан, бир-би-рига сира ўхшамайдиган одамлар характерининг мағ-зини чақишга уринади, улар-нинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари, онг-тушун-чаларидаги қолюқ томонлар-ни қаламга олади. Абдуқаҳ-ҳор ҳикояларида кўпинча мураккаб воқеалар, кескин тўқнашувлар учрамайди.

Инсон характерини тас-  
вирлашнинг ҳам турли йўл-  
лари бор. Баъзи асарларда  
характерлар воқеалар ман-  
тикидан келиб чиқиб ҳара-  
кат қилса, яна бир туркум  
асарларда воқеалар етакчи  
роль ўйнамайди, балки, ав-  
тор ғоясини очишда бир  
«ғувоҳлик» беради, холос.  
Абдуқаҳҳор Иброҳимов ҳи-  
қояларида шундай хусусият  
мавжуд. Ёзувчи ҳар бир ҳи-  
қоюда маълум характер яра-  
тишни мақсад қилиб қўяди,  
яъни ундаги барча воқеа-  
лар, образлар мана шу бош  
қаҳрамон характерини  
очишга йўналтирилади.

Бир қарашда Абдуқаҳҳор  
ҳикояларининг асосий маз-  
муни «палон киши палонда-  
қа» дейишдан иборат. Ёзув-  
чи қаҳрамон характеридаги  
салбий хусусиятларни қал-  
ламга олар экан, бунинг ке-  
либ чиқиш сабабларини ҳам  
суриштирмайди, уларни кес-  
кин қоралаб, фош ҳам эт-  
майди, балки шу хусусият-  
ларнинг қачон, қандай на-  
моён бўлишини тасвирлай-  
ди, холос. Шунга кўра,  
унинг ҳикояларини инсон  
характери психологиясидан  
чизгилар ёки этюдлар, деб  
атаса ҳам бўлади.

Шундай экан Абдуқаҳҳор  
Иброҳимов ҳикояларининг  
фазилати нимада-ю, уларда  
қандай нуқсонлар бор?—  
деган фикр туғилади. Қал-  
ламқаш яратган характер-  
ларга эътибор қилайлик.  
«Ҳаёт кутмайди» ҳикояси-  
нинг қаҳрамони ўта мулоҳа-  
закор, «етти ўлчаб бир  
кес», деган ҳикматни ўзича  
талқин қилувчи, «ўйлаб иш  
қилиш керак», деб кўп им-  
кониятларни бой бериб сўнг  
пушаймон еб юрувчи Ҳу-

сайн Замон. Ёзувчи бу ха-  
рактар хусусиятларини чи-  
зиш орқали ҳаёт кутиб тур-  
майди, ҳар бир вақтдан  
унумли фойдаланмоқ керак,  
бугунги ишни эртага қўйиш  
ярамайди, деган ғояни ил-  
гари суради. «Довул» ҳиқо-  
яси қаҳрамони йўл-йўлақай  
ваҳима, нохуш хабарларни  
тарқатиб, одамлар дилига  
ларза солувчи Долим. Бу  
образ ўз табиатига кўра Ҳу-  
сайн Замоннинг тескарсиси.  
Агар Ҳусайн Замон мулоҳа-  
закорлигига бориб, гаплари-  
ни деярли ичида сақлаб юр-  
са, Долим шарттаки, хаёлига  
қелган гапни ўйлаб-нетиб  
ўтирмасдан гапириб юбора-  
веради. Керакли гапни ўз  
вақтида айтмаслик нотўғри  
бўлганидек, кераксиз гапни  
ноўрин айтиб юбориш ҳам  
тўғри эмас. «Пуфак ёриди»  
ҳикоясида Ҳусайн Замонга  
ҳам, Долимга ҳам ўхшамай-  
диган инсон характери чи-  
зилган ҳикоя қаҳрамони  
Азамат Аброрович барча  
таниш-билишларига табрик-  
номалар юбориш ва улар-  
дан табрикномалар олишга  
ўта ишқибоз одам, муҳими  
ўз қадри, обрўйини мана  
шу табрикномаларга қараб  
белгилашга ўрганиб қолган.

«Сўнгги нур»даги Наим  
Сайимов, «Қиш ёмғири»да-  
ги Козимбек, «Тўй»даги Ну-  
рилла акалар ўз характер-  
ларининг туб моҳиятига кў-  
ра бир типдаги кишилар.  
Улар ўз бошлиқларига ла-  
ганбордорлик қилувчи, шу  
йўл билан ўз мавқеларини  
сақлаб қолишга ҳаракат қи-  
лувчи шахслар. Лекин улар-  
нинг характеридаги хусу-  
сиятлар бир-бирига сира ўх-  
шамайди. Мана шулардан  
кўринадики, ёзувчи инсон

характеридаги айрим салбий  
томонларни психологик таҳ-  
лил қилади. Бир қарашда  
ёзувчи қаламга олаётган  
нуқсонлар кичик, арзимас  
бўлиб кўринса-да, олди  
олинмаса улар пайти келиб  
ёмон оқибатларга олиб ке-  
лиши мумкин.

Шу билан бирга Абдуқаҳ-  
ҳор Иброҳимов ҳикоялари-  
да кўзга ташланадиган ай-  
рим нуқсонлар ҳам бор.  
Унинг «Ҳаёт қутмайди»,  
«Тўй» сингари асарларида  
сўзамоллик қусури сезила-  
ди. «Довул» ҳикоясида эса  
бўрттириш меъеридан ошиб  
кетганга ўхшайди. Бу ҳолат  
Долим билан илмий мудир-  
нинг ошқозон касали хусу-  
сидаги мулоқотида кўрина-  
ди.

Сўнгра ҳикоялар, юқори-  
да айтганимиздек, лавҳа  
ёки этюдларга ўхшаб қол-  
ган. Инсон характерини кўр-  
сатиш, характер психоло-  
гиясини очиш шу руҳий  
таҳлилдан келиб чиқадиган  
воқеалар занжирини ва  
ўзига хос тўқнашувларни ин-  
кор этмайди. Ҳолбуки Аб-  
дуқаҳҳор Иброҳимов ҳикоя-  
ларида бу хусусият аниқ  
кўринмайди. Гарчи очиқ-ой-  
дин ифодаланмаса ҳам,  
аммо ҳикояларда қалам-  
кашнинг ғоявий хулосаси  
яққол намоён бўлиши керак.

Яхши ҳикоялар ёзиш ёш  
ёзувчининг қўлидан келади.  
Фақат уларга янада сайқал  
беришни, ғоявий ниятни их-  
чам, аниқ ифодалашни,  
ўқувчини ром қила олиш би-  
лан бирга уни ишонтира  
олиш ҳам зарурлигини  
унутмаслик керак.

Аҳмадҷон ЭШОНҚУЛОВ.

## ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Салоҳиддин МАМА-  
ЖОНОВ. «Ранглар ва оҳанглар». Фафур Гу-  
лом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриёти,  
Тошкент — 1978 й.;  
«Эзгу ният йўлида»,  
«Ёш гвардия» нашриё-  
ти. Тошкент — 1978.

Салоҳиддин Мамажонов  
ўзининг қатор илмий тадқи-

қотлари билан китобхонлар-  
га кўпдан таниш. Яқинда  
унинг ўзбек совет шеърля-  
ти ва поэмачилигининг кей-  
инги даврлардаги муҳим  
масалаларидан баҳс этувчи  
ва адабий портретлардан  
тузилган икки китоби чиқ-  
ди.

«Ранглар ва оҳанглар»  
китобида муаллиф ўзбек

поэзияси ривожини ёзма ва  
оғзаки шеърлятимиз анъа-  
налари ва Улуғ Октябрь  
идеаллари асосида вояга  
етган совет ва қардош ада-  
биётлар ҳамоҳанглигидан  
ахтариб тўғри йўл тутган.  
Дарвоқе ўзбек совет ада-  
биётининг байроқдори Ҳам-  
за бошлаб, сўнгги авлод  
ижодкорларига ана ўша

инсоний идеаллардан сабоқ берувчи мактабдан таҳсил олиб келаётгани сир эмас. Салоҳиддин Мамажоновнинг классик поэзиямиздаги адолат ва инсонпарварлик, халқ оғзаки ижодидаги қаҳрамонлик ва озодлик руҳи, айниқса уларнинг образлари, бадий тасвир воситалари уруш даври поэзиясини янада халқчил, янада ҳаётбахш, янада таъсирли қилишда ўзининг баракали ҳиссасини кўшди, деган илмий хулосаси эътиборга лойиқ.

Китобнинг «Ранглар ва оҳанглар» бобида шеърятимизнинг равнақи, бугунги муваффақиятлари ҳамда адабиётга кириб келаётган умидли истеъодларга ғам-хўрлик қилиш тўғрисида фикр юритаркан муаллиф танқидчи Норбой Худойберганоў билан мунозарга киришади. Жумладан, бу ерда Норбой Худойберганоў шеърятининг ўзига хос табиати ва хусусиятини диққат марказида тутмагани, масалага шу жанрнинг ўз «тили», нуқтаи назаридан ёндашмаганлиги мисоллар билан асосланади.

Худди шу жойда Салоҳиддин Мамажонов ижод соҳаси уйдирмани, заминсиз гапни ёқтирмаслигини, бунақанги асар чақиндек йилт этиб кўришиб, тезда ўчиб кетишини, каттаи у ёки кичик лирик шеърми бўлсин, ҳаётда унинг асоси, таг замини бўлиши лозимлиги ҳақида илмий хулосаларни илгари суради. Ана шу талабдан келиб чиққан ва ҳаммаша унга содиқ қолган ижодкорлар, ҳаёт дорилфунунидан чуқур таҳсил кўрганликлари учун ҳам умрбоқий асарлар яратиб қолдирганликларини мамнуният билан эслатиб ўтаркан, ёмон қовунининг уруғи кўп бўлади, деганларидек, ҳиссиз, дардсиз, хом-хатала асарларнинг шу кунларда кўпайиб кетганидан афсусланади.

—...Бетаъсир, саёз, лоқайд, икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш, ҳиссиз-ҳаяжонсиз шеърларнинг пайдо бўлаётганлиги, уларнинг воқеликдан узоқлигида, китоб ўқиб, уйда ўтириб хомхаёлга берилиб ёзилишида эмасмикан?!

Бўлмаса ўхшаш мотивдаги, сюжетдаги, темадаги, ҳатто бир хил вазн, оҳангдаги, шунингдек, лирик қаҳрамони, шакли бир хил шеърлар қаердан тўғилмоқда? Газетанинг бош мақоласини шеърга айлантириб фалсафий шеър деб тақдим қилинаётган «асарлар» қаердан пайдо бўлмоқда? Буларнинг бари баъзи ижодкорларнинг ҳаёт дошқозонида қайнамаганида, халқ юрагидаги оҳангни, воқеликдаги янги зарбларни тингламаганидандир...

Тўпламнинг «Поэма ва ҳаёт» деган катта бобида поэмачиликнинг бугунги шаҳдам одими, истиқболи, мавзу доираси, сифати кенг таҳлил қилинган. Достонларга катта давр, инсон ички дунёсининг тадқиқи, севинчи ва дардлари, замон учун куюнчақликлари кириб келаётганини яхши ҳодиса сифатида баҳолайди. Энг муҳими бу соҳада таниқли ижодкорлар билан бир қаторда ёшлар ҳам фаол қатнашаётгани кувончли эканлигини таъкидлайди. Фикр юритилган поэмаларнинг мавзу ранг-баранглиги, ғойивий-бадий йўналиши, сюжет чизиғи, қаҳрамон руҳий дунёсининг таҳлили, хуллас, улардаги бадий тасвир воситалари атрофли ва чуқур таҳлил этилади. Мунаққид китобхон руҳий дунёсига кириб борган, унга эстетик завқ бера оладиган, бир қанча асарларни мисолга оларкан, бу муваффақиятларнинг заминиде Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Ойбек, Мақсуд Шайхозодалар яратган достончилик мактабининг сабоғидан баҳрамандлик ётганини қайд қилади. Кейинги йилларда яратилган ҳамма поэмалар ҳам юксак савияда эмаслигини уқтиради. Баъзи поэмаларда сюжет чизиғининг салқилиги, туйғулар таҳлилининг заифлиги, ҳаётий материални қиёмига етказиб тасвирлай олмаслик орқасида образларнинг нурсизланиб қолиши, фикрларнинг сийқалиги каби қусурларни таъкидлайди.

Муаллиф поэмаларга шунчаки муносабат билдирибгина қолмасдан балки у ёки бу ижодкор асарининг ютуқ ва қусурларини факт-

лар билан кўрсатиб поэмада ихчамлик —она, фикрий ва ҳиссий чуқурлик — ота, деган жуда ўринли образли хулосага келади. Ғоятда ўқимишли, билимли бўлган ҳозирги китобхон учун ҳаммага аён бўлган маълум ҳаётий ҳақиқатни шеърини мисраларга солиб беришнинг фойда бермаслигини, балки, ана шу воқеликдаги энг олий нуқталарни, инсон кечинмасининг энг тараф пайтларини тасвирлашни талаб этажанини, бунинг учун, аввало инсоннинг ички дунёсига кира билмоқ, ундаги тилсим бўлиб ётган жавоҳирларни топа олмақ, замон торларининг инсон қалбида акс садо беришини тингламоқ лозимлиги бугунги кунда ойдin ҳақиқат эканлигига тўхталади. Юқоридеги фикрлардан келиб чиқиб Зулфиянинг «Қўёшли қалам», Асқад Мухторнинг «Мангуликка дахлдор», Мирмуҳсиннинг «Невара», Рамз Бобожоннинг «Оби ҳаёт», Туроб Тўланинг «Суюк момо», Ҳамид Ғулмонинг «Лола қўл», Хусниддин Шариповнинг «Яшамоқ керак», Барот Бойқобилонинг «Ҳайкаллар сўзлайди», Муҳаммад Алининг «Гумбаздаги нур» ва бошқа қатор ранг-баранг поэмаларни бу жанрнинг сўнгги йилларда яратилган мукамал йўсунлари сирасига киритади.

Сўнгги даврда меҳнати ва ижоди билан халқимиз қалбининг тўридан жой олган атоқли кишилар ҳақида «Ажойиб кишилар ҳаётидан» ва «Адабий портрет» сериясида қатор китоблар яратилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда Салоҳиддин Мамажоновнинг «Ранглар ва оҳанглар» тўпламининг «Ижодкор ва замон» бобида ва «Эзгу ният йўлида» китобидаги 20 дан ошиқ ёзувчи-шоирнинг ҳаёти ва ижодий йўли тадқиқ ва таҳлил этилган адабий портретларда юқоридаги сериянинг маълум чизгиларини сезиш мумкин. Танқидчи фикр юритган ижодкорлар китобхонлар орасида танилиб, танқидчиликда ўз баҳосини олган ижодкорлардир. Гап шундаки, мунаққид ана шу аллақачон маълум ва машҳур

адибларнинг ҳар бирининг ўзига хослигига, уларнинг ижодий индивидуаллигига, ижод саҳифаларининг очилмаган томонларига эътиборини қаратади.

Иккинчидан, китобхонларга унчалик таниш бўлмаган, муаллиф таъбири билан айтганда, қилни қирқ ёришга жазм этаётган баъзи ёш қаламкашларнинг ижодига холисона баҳо бериш ниятини ҳам қўйган. Муаллиф асарга киритилган ижодкорлар, хусусан Ҳамза, Фафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Миртемир, Мирмуҳсин, Рамз Бобоҷонларнинг ижодини батафсил таҳлил қилишни мақсад қилиб қўймайди ўз олдига. Чунончи у Ҳамзанинг шоир сифатида Октябрь инқилобининг моҳиятини жуда эрта ва чуқур тушунгани, халқ ҳаётининг порлоқ эртасини ёрқин тасаввур эта олгани билан улуғлигини, Фафур Ғулом бўлса ўз шеърлятида замон, инсон қалбининг хилма-хил зарбларини, руҳини, йўналиши ва дард-истакларини сиғдира олган, созини шуларга мослаб созлаган санъаткор эканлигини, кўтаринкилик, эҳтирослилик ва қаҳрамонона руҳ, ҳаётбахш патетика, нотиклик, жанговар публицистика ва мутафаккирлик, воқеликни идрок этиш ва баҳолашдаги кенг кўламлик, образларнинг улуғворлиги ва муболағалилиги адиб услубидаги бош белги эканлигини ҳурмат билан таъкидлайди.

Ойбек катта истеъдод эгаси, Абдулла Қодирий асос солган романчилик мактабини такомилга етказган даҳо, сўз санъаткоридир. Салоҳиддин Мамажонов, Ҳамид Олимжон таъбири билан айтганда, прозада — шоиру, поэзияда прозаик

буюк санъаткор ижоди сирларининг хирароқ қирраларини очишга ҳаракат қилади. Жумладан, Ойбекни ўндан ошиқ пэмалари билан воқелик ва янги инсон образини курсатишда поэманинг лиро-эпик тури катта қулайликларга эга эканлигини исботлаган, «Қутлуғ қон» романи билан тарихий-инқилобий мавзуну ўзбек прозасига олиб кириш билан янги саҳифа — кўриқ очган, «Навоий»си билан эса ўзбек адабиётига тарихий биографик жанрни олиб кирган новатор ижодкор эканлигига асосий эътиборни қаратади.

Мунаққид асарни таҳлил қилиш билангина кифояланиб қолмайди, балки ижодкор ҳаёт йўлининг икир-чикирларидан такомилгача, унинг ички оламини, психологиясининг нозик қирраларигача, санъаткор ижодига туртки бўлган омиллар, ундовчи нуқталаргача синчковлик билан ўрганадиган мушоҳадаси теран, фикрлаш доираси кенг. Бу жиҳат унинг оташнафас шоир Ҳамид Олимжон билан ижтимоий ҳаётда ва ижодда собитқадам Зулфия ҳақида билдирган фикр ва хулосаларида ёрқин акс этган.

Муаллиф шоир ва шоира хусусида фикр юритаркан, Зулфия ижодига бахт ва шодлик, кўклам ва тонг, дўстлик ва она-Ватан мадҳи, инсон қалбининг гўзаллиги мавзуларини куйлашдаги изланишлари янги-янги қирраларни очаётганини чуқур таҳлил этади. Пировардида олимнинг Ойбек, Фафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Зулфиялар яратган образларнинг жасурлиги, ҳалол, мард ва одиллиги, самимийлиги, севги ва садоқатлари уларнинг шахсий фазилати билан боғлиқ

эканлиги тўғрисидаги илмий хулосаси жуда эътиборлидир. Шунингдек, она юрт жамолининг толмас куйчиси, Миртемир ижодидаги уч оҳанг ва унинг шеърлари, дostonларига асос бўлган тўрт турдаги прототиплар тўғрисидаги фикрлар ҳам оҳорлилиги билан ибратлидир.

Мунаққид теран файласуф шоир Мақсуд Шайхзода ижоди ҳақида фикр юритганда диққатни унинг болалар шоири сифатидаги фаолиятини очишга қаратади. Ростини айтганда, ўзининг илк ижодий маҳсулини жигарбандларга ҳада этмаган биронта санъаткорни топиш қийин. Чунки, синчков, ҳаётнинг ҳар бир нуқтасига қизиқувчи, унинг икир-чикирларигача билишга интилувчи, талабчан болалар кўригидан ўтган ижодкоргина катталарга ҳам маъқул ва манзур бўлиши муқаррар. Китоб муаллифи худди ана шу мезондан келиб чиқиб болаларнинг отахон шоири Қуддус Муҳаммадий, истеъдодли адиб Мирмуҳсин, болалар ва ёшларнинг сеvimли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев сингари ижодкорларнинг асарларини ҳам таҳлил қилади. Уларнинг фольклор асарларига ижодий ёндашганлари ҳолда ёшлар дилига яқин, дилига мос асарлар яратаётгани, хилма-хил усуллар қўллаб конфликт яратиш салоҳиятлари хусусида фикр юритиб илмий хулосалар чиқаради. Умуман айтганда, бу иккала китоб кенг қамровлилиги, чуқур мулоҳазалилиги, оригинал фикрларга бойлиги, илмий хулосаларга асосланганлиги билан қимматлидир.

**Субхонқул УМАРОВ,**  
филология фанлари кандидати.



Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙГУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ШАРИПОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, О. ҲУСАНОВ.

---

© Шарқ юлдузи, 1979.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

---

На узбекском языке

**«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»**

№ 5

Орган Союза писателей Узбекистана

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент—1979.

---

Рассом А. Қамбаров.

Техредактор М. Мирражабов.

Корректор А. Билолов.

---

Редакцияга келган бир босма табаққача бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

---

Теришга берилди 22.II.79 й. Босишга рухсат этилди 20.IV.79 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Қабарик босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 200.159. Р 02895. Заказ № 241.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент—700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

---

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**  
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР—332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ—320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ—330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА, САНЪАТ,  
ХАТЛАР БУЛИМИ—332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОС-  
ЛИК—332479, РАССОМЛИК—330918.